

Ўзбекча

الازبكية

الازبكية

تَفْسِيرُ
العُشْرِ الْاٰخِرِ

من القرآن الكريم

Қуръону Каримнинг охирги уч порасининг

Қуръону
Каримнинг
охирги уч
порасининг

тафсири ва

ҳар бир мусулмонга зарур
шариат масалалари

www.tafseer.info

Муқаддима:

Аллоҳга ҳамду санолар ва севикли пайғамбаримиз Муҳаммадга Аллоҳнинг салавоту саломларини йўлагандан кейин, эй, мусулмон оғанилар ва опа-сингилларим, биз учун энг аввало тубандаги тўрт масалани билиш ўта муҳимдир:

1 Илм. Илм – бу ҳар бир банданинг Аллоҳ таолони, У юборган пайғамбарни ва динни таниб, билишлигидир. Чунки, Аллоҳ таолога Уни танимай туриб ибодат қилиш дуруст эмас. Ким Аллоҳни танимасдан ҳам ибодат қилавераман деса – адашади ва бу билан насороларга ўхшаб қолади.

2 Амал. Аммо, илм олиб (Аллоҳни таниб) туриб ибодат қилмаганлар эса, яхудийларга ўхшайди. Шайтон инсонни адаштириб, “Илм олмай юраверсанг, Аллоҳнинг олдидаги сўроқ пайтида ҳам “Мен билмаган эдим” деб қутулиб кетасан” дейди. Шайтон Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмини мана шу каби сўзлар билан алдаганида улар **“Аллоҳнинг олдида масъул бўлгандан кўра, эшитмай қўйганимиз афзал”** деб **“Бармоқларини қулоқларига тиқиб, кийимлари билан (бошларини) ўраб олганлар”**. («Нуҳ» сураси. 7-оят)

3 Илмга даъват. Уламолар – пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлганлиги сабабли, пайғамбарлардан қолган илмни (динни) халқларга тарқатишлари, унга даъват қилишлари лозим. Йўқса, яхудийлар сингари Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлиб қолишлари аниқ. Аллоҳ таоло яхудийлар ҳақида: **“Уларни (одамларни) қилган гуноҳ ишларидан қайтармаганлар. Бу ишлари нақадар ёмондир!”** деган. («Монда»-79)

4 Сабр. Бунинг маъноси илм олиш, унга амал ва даъват қилиш йўлидаги машаққатларга сабр қилмоқдир.

■ Халқимиз орасидаги диний саводсизликни йўқотишга бир озгина ҳисса қўшиш мақсадида ва зарурий илмларни изловчилар учун мана шу китобни тайёрладик. Бу китоб Қуръону Каримнинг охириги уч пораси оятларининг маъноларини, баъзи тафсириларини ҳамда ўқувчиларга энг зарур деб ҳисобланган шариат масалаларини ўз ичига олгандир. Шунингдек, биз бу китобда шариат масалаларини имкони борича қисқа беришга ва Расулуллоҳнинг саҳиҳ хабарларигагина чекланишликга интилдик. Албатта, биз комиллик даъво қилмаймиз, зеро, комиллик фақат Аллоҳга хос хусусиятдир. Агар бу меҳнатимиз самарасида тўғрилиқ бўлса у Аллоҳдан, хатолар ва камчиликлар бўлса, у ўзимиздан ва шайтондандир. Ҳақни комил қилиш борасида бизнинг хатоларимизни ва камчиликларимизни кўрсатиб берган биродарларимизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин демоқчимиз. Сўзимизнинг охирида, мана шу лойиҳада иштирок этиб, китобни тайёрлашга, бостиришга, тарқатишга, ўқишга ва ўқитишга ҳисса қўшган биродарларимизга Аллоҳдан энг яхши мукофотлар тилаб қоламиз!

Аллоҳ таоло севикли пайғамбаримизга, унинг оила аъзоларига ва саҳобаларига салавоту саломларини йўллағай!

Бу китобга ислом оламидаги эътиборли уламолар яхши баҳо беранлар.

Қўшимча маълумотлар, табарруотлар ва ҳамкорлик қилишни хоҳлаганлар учун унвон: www.tafseer.info ва uzb@tafseer.info

бундай деган эдилар: **“Мен пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана шу ҳадисларини эшитганда ўшал тундаёқ васиятимни ёзиб, тайёрлаб қўйдим”**.

— Имом Аҳмад раҳимаҳаллоҳ айтганлар: “Мен қайси ҳадисни ёзган бўлсам унга амал қилдим. Ҳатто бир куни **“Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижома қилдиргач Абу Тоййибга бир динор бердилар”** деган ҳадисларини ёзганимда ҳижома қилгувчи табибни чақириб, ҳижома қилдирдим ва хизмат ҳақини бердим”.

— Имом Бухорий “Мен (ҳадисдан) ғийбат ҳаромлигини билганимдан кейин (то умримнинг охиригача) ғийбат қилмадим” деганлар.

— Ибнул Қаййим Жавзийя пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **“Кимда ким ҳар бир намозидан сўнг Оят у Курсийни ўқиса, ўлганидан кейин унинг жаннатга киришига ҳеч нарса монъелик қилмас”** деган ҳадисларини эслаб, “Эшитишимча Шайхул Ислом (Ибн Таймийя) мана бундай деган эканлар: **“Мен мабодо унутибгина қолмасам ёки шунга ўхшаган бир нарса бўлмаса, ҳеч бир намоздан кейин Оят у Курсийни ўқимай қолмадим”**.

— Муҳтарам ўқувчи! Илм ва амални ўзлаштиргандан кейин сизнинг вазифангиз Аллоҳ берган илмга одамларни даъват қилишдан иборатдир. Ўзингизни илм олиш, бошқаларни эса илм таҳсил қилиш савобидан маҳрум қилманг! Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам илм ўқиш ва ўқитиш борасида мана бундай ҳадисларни айтганлар:

☀ **“Ким (одамларни) бир яхшилик сари йўлласа унга худди ўша яхшиликни қилганларнинг савобидек савоб ёзилажак”** деганлар. (Муслим).

☀ **“Сизларнинг орангиздаги энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганлар ва ўргатганлардир.** (Бухорий).

☀ **“Мендан бир оят бўлса ҳам (ўрганиб, бошқаларга) етказингиз!”** (Муттафақун алайх)

☀ **“Инсон фарзанди вафот қилгач амаллари тўхтар ва фақат уч нарсагина тўхтамас. Улар: жорий садақа, фойдаланилган илм ва орқасидан дуо қиладиган солиҳ фарзанддир”**. (Бухорий, муслим ва Аҳмад).

❖ **Огоҳ бўлинг:** Биз – мусулмонлар кун сайин “Фотиҳа” сурасини (фақат фарз намозларнинг ўзида) ўн етти карра такрорлаймиз ва “Ғойрил мағзуби алайҳим...” оятида Аллоҳга ёлвориб, бизларни илмига амал қилмаган яхудийларга ўхшатмасликни, “Ва лаззоллийн” оятида эса, билиб туриб адашган насороларга ўхшатмаслигини сўраймиз. Аммо, минг афсуски, кундАлик ҳаётимизда худди яхудлар каби билганимизга амал қилмасликни ва худди насоролар каби кўра-била туриб залолатни танлаб олишни одат қилиб олганмиз!

Аллоҳ таоло барчаларимизни фойдали илм ва солиҳ амал билан ризқлантисин! Пайғамбаримиз Муҳаммадга, унинг аҳлу оиласига, саҳобаларига ҳамда то қиёмат уларнинг изидан юргувчиларга Ўзининг салавоту саломларини йўлласин! Омин!

Мундарижа

1. Қуръон ўқишнинг фазилати	2
2. Қуръону Каримнинг охириги уч порасининг тафсири ва	4
3. Муслмоннинг ҳаётидаги энг муҳим масалалар.	73
4. Қалб амаллари	92
5. Куннинг муҳим мунозараси	102
6. “Ла илоҳа иллАллоҳ” калимаси ҳақида	119
7. “Муҳаммадун расулulloҳ” калимасининг маъноси ҳақида.	121
8. Таҳорат	123
9. Аёллардан келадиган табиий қонлар баёни	127
10. Исломда аёл	129
11. Намоз	133
12. Закот	140
13. Рўза	143
14. Ҳаж ва Умра	146
15. Ҳар хил масалалар	152
16. Шаръий руқъа	159
17. Дуо	167
18. Тубандаги дуоларни ёдлаб олинг	169
19. Фойдали савдо	175
20. Эртаю кеч вазифа қатори ўқиладиган дуолар	177
21. Пайғамбаримиз (сав) буюрган савобли амаллар	181
22. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам манъ қилган ишлар	188
23. Абадиятга сафар	192
24. Таҳоратни қандай олинад	
25. Намоз ўқишнинг қондаси	
26. Илмга амал қилмоқ	

Қуръон ўқишнинг фазилати

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Аллоҳ Таоло улуғ пайғамбаримизга, унинг оиласига ва саҳобаларига чексиз меҳрибонлигини нозил қилсин!

Қуръон – бу Аллоҳ Таолонинг сўзи бўлгани сабабли, унинг бошқа сўзлардан улуғлиги Аллоҳ таолонинг бошқа махлуқлардан улуғлиги кабидир. Уни тиловат қилмоқ эса тил сўзлаган сўзларнинг энг яхшисидир.

🌍 Қуръон ўқимоқнинг, ўқитмоқнинг ва уни тиловат қилишнинг жуда кўп фазилатлари борки, улардан баъзилари тубандагилардир:

➡ **Уни ўқимоқ ва ўқитмоқ савобли амалдир.** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Сизларнинг энг яхшиларингиз – Қуръонни таълим олганлар ва таълим берганларингиздир»** (Бухорий)

➡ **Уни тиловат қилиш ҳам савоб.** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким Аллоҳнинг китобидан биргина ҳарф ўқиса, унга ўн ҳисса савоб ёзилар»** (Термизий)

➡ **Қуръонни ёдлаш ва чиройли қироат қилишнинг фазилатлари:** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қуръон ёдлаган одамга (жаннатда) «ўқиганинг даражасича кўтарил! Уни дунёда ўқиганинг каби қироат қил! Сенинг ўрнинг ўқиган охириги оятнинг олдидадир!» дейилар.** (Термизий)

Бу ҳадиснинг шарҳида Хаттобий айтади: «Осорларда айтилишича, Қуръон оятларининг сони жаннат даражаларининг сони билан баробар эканки, Қуръон ёдлаган одамга «Қуръондан қанчан оят ё долган бўлсанг, ўшанчанчи даражадаги жаннатга кўтариласан!» деб айтилар. Ким Қуръоннинг ҳаммасини ёдлаган бўлса, жаннатдаги энг баланда даражага етиб боради. Ёдлаган оятлари тугаганда мукофотининг даражаси ҳам тугайди»

➡ **Боласи Қуръон ўрганган одамнинг савоби:** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким Қуръон ўқиса, ўрганса ва у билан амал қилса, қиёматда ота-онасига нурдан тож кийгизар. Унинг нури кун нуридек нурафшон! Кейин ота-онасига дунё бойликларининг барчасидан қилмат либослар кийдирилар. Улар: «бу сийлов нима учун?» деб сўраганларида «болангиз қуръонни тўлиқ ёд олгани учун!» дейилар.** (Хааким)

➡ **Қуръон охиратда ёдлаган одамини шафоат қилар:** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қуръон ўқингиз! Чунки, у қиёматда ёдлаган кишига шафоатчи бўлар»** (Муслим)

Яна бир ҳадисда манна бундай деганлар: «Рўза билан Қуръон қиёматда бандани шафоат қиладилар» (Ахмад, Хоким)

➡ **Қуръон ўқиш билан бирга Қуръон илмини ўрганган кишининг фазилати:**

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қайсики қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида тўпланишиб, Унинг китобини тиловат ва ўзаро дарс қилар эканлар, уларга тинчлик-хотиржамлик тушар ҳамда**

уларни раҳмат ва фаришталар ўраб турар. Кейин Аллоҳ Таоло уларни Ўз ҳузуридаги (энг олий) жамоат (фаришталар) олдида зикр қилар» (Абу Довуд)

➤ **Қуръон ўқиш одоблари:** Аллома Ибн Касир Қуръон ўқиш одобларидан баъзиларини тубандагича санаганлар:

- ◆ Қуръонни таҳорат билангина ушламоқ ва ўқимоқ.
- ◆ Тиловат қилиш олдидан тишни мисвок билан тозаласан.
- ◆ Энг покиза кийимларини кийиб, қиблага қараб ўқимоқ.
- ◆ Тутқаноқ дарди борлар уни ўқимаслиги
- ◆ Уни сўз билан бўлмайд ўқимоқ. Ўта зарур сўз бўлса, мустасно.
- ◆ Зеҳн ва сергак қалб билан ўқимоқ
- ◆ Ваъда (жаннат ваъда қилинган) оятлар келганида Аллоҳдан ўшани сўрамоқ. Ваъид (дўзах билан қўрқитилган) оятлари келганда ундан паноҳ сўрамоқ.
- ◆ Қуръонни очик қолдирмаслик ва устига нарса қўймаслик.
- ◆ Корилар баланд овозда бир-бирларига халақит қилиб ўқишлари ҳам дуруст эмас.
- ◆ Бозор ва шу каби тўполон ўринларда ўқимаган афзал.

➤ **Қуръон қандай ўқилади?** Анас разияллоху анхудан пайғамбаримизнинг қандай Қуръон ўқиганлигини сўрашганда мана бундай деганлар: «чўз-и-б ўқиганлар. Агар «бисмиллаҳир-Роҳмаанир-Роҳийм»ни ўқисалар «бисмиллаҳни» ҳам, «арРоҳманни» ҳам, «арРоҳиймни» ҳам чўзганлар» (Бухорий)

➤ **Қуръон ўқиганга савоб қўшиб берилар:** Ҳар бир одам агар Аллоҳ учун холис ўқиса, унга савоб бордир. Энди бу ўқиш сергак қалб ва маъноларини тушуниш билан бўлса, у ҳолда бунинг савоби ўн ҳиссадан то етти юз ҳиссагача кўпаяр»

➤ **Бир кеча-кундузда қанча Қуръон ўқиш мумкин?:** Пайғамбаримизнинг саҳобалари ҳар кун сайин маълум миқдорда Қуръон ўқишни одат қилган эдилар. Энг тез хатм қилганлари етти кунда ўқиб чиққанлар. Хатмнинг энг оз (энг тез) вақти уч кундир. Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам уч кундан оз вақт ичида хатм қилишдан қайтарганлар.

Шундай қилиб муҳтарам биродарим, вақтинги Қуръон тиловати билан ўтказишга ҳарис бўл! Ишинг ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ҳар кун сайин маълум миқдорда Қуръон ўқишни одат қил. Оз бўлса ҳам давомий бўлсин. Агар унутсанг ёки ухлаб қолсанг, қолганини кейинги кунда адо эт. Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: «ким Қуръон ўқиш вазифасини бажармай ухлаб қолса ва уни (қазосини) эртанги куннинг Бомдод намози билан Пешиннинг оралиғида ўқиса, унга кечаси билан Қуръон ўқиб чиққандек савоб ёзилар»

Фотиҳа сураси¹

1 Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман!²

2 Ҳамду – сано оламлар³ Роббиси Аллоҳга хосдир!

3 У бу дунёда барча бандаларга Мехрибон ва охиратда эса фақат мўминларга Раҳмли,

4 Эй, Парвардигоримиз! Биз Сенинг Ўзингга гина ибодат қиламиз ва Ўзингдан гина мадад-ёрдам⁴ сўраймиз!

5 Қиёмат (Ҳисоб) кунининг Подшоҳи!⁵



6 Бизларни тўғри йўлга ҳидоятлагайсан!

7 Уларга неъмат берген инсонларнинг йўлига ҳидоятлагайсан! Уларга ғзабинг ёғилганлардан ва адашганлардан бошқа инсонларнинг йўлига ҳидоятлагайсан!

¹ Бу сура Маккада нозил бўлган ва етти оятдан иборатдир. “Фотиҳа” сўзи “очувчи” деган маънони билдиради. Қуръону Карим мана шу сура билан бошлангани (очилгани) сабабли шу ном билан аталгандир.

² Аллоҳ субҳонаху ва таъолонинг Қуръону Каримдаги фармонига биноан мусулмон банданинг барча амаллари Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг исми (бисмиллаҳ) билан бошланиши вожиб.

³ Аллоҳдан бошқа барча мавжудотлар “оламлар” деб аталади. Чунки, “олам” сўзи арабча “ъалам” (белги) деган сўздан олинган бўлиб, барча мавжудот ўзининг яратилишида Аллоҳнинг яратувчи қудратига ва донишмандлигига белги ва аломатдир. Оламларнинг сонини ягона Холиқдан бошқа ҳеч ким билмайди. Имом Ҳофиз Ибнул Касир раҳимахуллоҳ мана шу оятнинг тафсирида баъзи бир муфассирларнинг оламлар сон-саногиди талашиб-тортишиб, бири 18 мингга, бошқаси 14 мингга яна бировлари 40 мингга чеклаганликларини саҳиҳ эмас деб баҳолаганлар.

⁴ “Аллоҳдан ёрдам сўрашнинг” маъноси, бу ерда, ҳар қандай фойда келтиришни ва зиёндан сақлашни Аллоҳдан сўраш ва тилаш деганидир.

⁵ Подшоҳлар буйруқ беради ва манъ қилади, мукофотлайди ва жазо беради. Подшоҳ деган ўз мулкидаги бошқарувнинг барчасини ўз қўлига олади. Агар бу имтиҳон дунёсида баъзи бир зўравонлар Аллоҳдан

ҳукм-ҳокимлик талашиб, Аллоҳнинг қулларини ўзига кул бўлишга мажбурлаган бўлса, Ҳисоб куниди бунга йўл қўйилмайди. У ерда барча подшоҳлик Яратганнинг Ўз Қўлида бўлади. Кейинги оятдан бошлаб Аллоҳ таоло бандалар тилидан гапирди.

«Мужодала» сураси¹ 58

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи била

1 Эй, Муҳаммад, ўзининг эри хусусида сен билан бахслашган ва Аллоҳга шикоят қилган аёлнинг сўзини Аллоҳ эшитди. Аллоҳ иккалангизнинг ҳам можаронгизни эшитар. Зеро Аллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчидир!

2 Эй, мўминлар! Сизларнинг орангиздан кимлар аёлларини зихор қилса, улар оналари каби бўлиб қолмас. Уларнинг оналари – уларни туққан аёллардир холос. Улар (зихор сўзини айтган эрлар) бўлмағур ва ёлғон сўзни айтадилар. Аллоҳ Мағфиратли, Кечиргувчидир.

3 Аёлларини зихор қилиб кейин у сўздан қайтганлар учун *каффорат* аёлига қўшилмай туриб бир кулни озод қилмоқдир. Бу – сизлар учун насихат. Аллоҳ барча ишларингиздан Хабардордир!

4 Кимда ким (қул озод қилишга кифоя қилгудек маблағ) топмаса, аёлига яқинлик қилмай туриб икки ой пайдар-пай рўза

¹ Жоҳилия араблари орсиди “зихор” деб аталган одаг бор бўлиб, унинг моҳияти тубандагича эди: масалан бир эркак хотини билан ётганда унга “сенинг орқанг (ёки белинг, ёки сонинг) онанинг орқасига ўхшар экан” деса, ёхуд аёли билан аразлашганда “сен менга онанинг бели каби (ҳаром) бўлиб қол!” деса бас, шу билан талок тушиб қолар ва бу “зихор талоги” деб аталар эди. Кунлардан бир куни пайғамбаримизнинг хузурига Хавала бинт Саълаба исмли аёл келиб: “ё, расулulloх! Мен эримга ёш, гулун чоғимда керак бўлиб, энди ёшим улғайғач керак бўлмай қолибман. У мени зихор қилди. Бирок, мен ажрашишни хоҳламайман. Ўртада фарзандларимиз бор” деб арз қилади. Бирок, пайғамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам Аллоҳ таолодан зихорни бекор қилган ҳукм келмагани сабабли, одагга биноан “ҳа, сен талок бўлибсан” дейдилар. Бу жавобдан хафа бўлган аёл зихор одатини тан олгиси келмай, расулulloх билан баҳс мунозарага киришиб охир оқибатда: “эй, Аллоҳим! Мен Ўзингга шикоят қиламан!” дейди ва кетмай туриб олади. Баногоҳ, пайғамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам теран сукутга чўмиб қоладилар. Кейин маълум бўлишича ўша пайт Аллоҳ таолодан зихор одатини бекор қилган оятлар нозил бўлган экан. Ўша оятлар мазкур суранинг аввалги оятларидир. Шунинг учун бу сура “мужодала” (сўз талашув ёки бахслашув) деб номланмишдир.

Айюб 21
Сурат 58

سُورَةُ الْجُنَادِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ۝١

الَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِنْكُمْ مِنْ نِسَائِهِمْ مَا هُمْ بِأُمَّهَاتِهِمْ إِلَّا الَّتِي وَلَدْنَهُمْ وَإِنَّهُمْ لَيَقُولُونَ مُنْكَرًا مِنَ الْقَوْلِ وَزُورًا وَإِنَّ اللَّهَ لَعَفُوٌ غَفُورٌ ۝٢

وَالَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِنْ نِسَائِهِمْ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا قَالُوا فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَتَمَاسَا ذَلِكَ تَوْعُطُونَ بِهِ ۝٣

وَالَّذِينَ يَتَمَسَّكُونَ مِنْكُمْ مِنْ نِسَائِهِمْ لَمْ يَأْتُوا فِيهَا مِنْكُمْ فَطَعَامٌ وَسْتِنٌ مَسْكِينًا ذَلِكَ لِيُؤْمُوا بِاللهِ وَرَسُولِهِ ۝٤

وَالَّذِينَ يُجَادُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ لَعَنَهُ اللَّهُ وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ ۝٥

إِنَّ الَّذِينَ يُجَادُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ لَعَنَهُ اللَّهُ كَمَا كُتِبَ لِلَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَقَدْ أَنْزَلْنَا آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ مُهِينٌ ۝٦

يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُهُمْ بِمَا عَمِلُوا أَحْصَاهُ اللَّهُ وَسُوهُ ۝٧

тутиб берар. Бунга ҳам кодир бўлмаганлар эса, олтмиш мискинни тўйдирар. Бу Аллоҳ ва расулига иймон келтиришингиз учун. Булар – Аллоҳнинг чегараларидир! Ва кофирларга эса аламли азоб бордир!

8 Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига душманчилик қилганлар ўзларидан илгариги *кофир* қавмлар хор бўлгани каби хор бўлурлар! Биз (Аллоҳнинг чегаралари ҳақиқат эканлигига) аниқ далиллар туширдик. Кофирларга хор қилгувчи азоб бор!

9 У (қиймат) кунда Аллоҳ барчаларига қайтадан жон бахш этиб, (дунё ҳаётида) қилган ишларининг хабарларини билдирар. У ишларни Аллоҳнинг *фаришталари* ҳисоблаб қўйган бироқ, ўзлари унуттишган. Аллоҳ ҳар бир нарсага Гувоҳдир.²

² Аллоҳ таолонинг гувоҳлиги Унинг ҳар бир нарсаларни кўриб, билиб, эшитиб, назорат қилиб туришлиги билан ифодаланади. Зеро, У қоронғу тун қўйнида, қора тош устида

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَا يَكْتُوْنَ
 مِنْ نَجْوَى ثَلَاثَةٍ إِلَّا هُوَ رَابِعُهُمْ وَلَا خَمْسَةَ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ
 وَلَا آدَنَى مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْثَرَ إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ إِنْ مَا كَانُوا أَنْ يُنْذِرَهُمْ
 بِمَا عَمِلُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٧﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ
 نُهُوا عَنِ النَّجْوَى ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا نُهُوا عَنْهُ وَيَتَنَجَّوْنَ بِالْإِنْمِرِ
 وَالْعُدْوَانِ وَمَعْصِيَةِ الرَّسُولِ وَإِذَا جَاءُوكَ حَيَّوْكَ بِمَا لَمْ يَحْجِبْكَ
 بِهِ اللَّهُ وَيَقُولُونَ فِي أَنْفُسِهِمْ لَوْلَا يُعَذِّبُنَا اللَّهُ بِمَا نَقُولُ حَسْبِهِمْ
 جَهَنَّمُ يَصَلُّونَهَا فَيَنْسِفُهَا الْمَصِيرُ ﴿٨﴾ يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا
 تَنَجَّيْتُمْ فَلَا تَتَنَجَّوْا بِالْإِنْمِرِ وَالْعُدْوَانِ وَمَعْصِيَةِ الرَّسُولِ وَتَنَجَّوْا
 بِالرِّيرِ وَالنَّقْوَى وَأَنْقُوا اللَّهَ الَّذِي إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٩﴾ إِنَّمَا النَّجْوَى
 مِنَ الشَّيْطَانِ لِيَحْزَنَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَلَيْسَ بِضَرَارِهِمْ شَيْئًا
 إِلَّا لِأِيْذِنِ اللَّهِ وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١٠﴾ يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ
 ءَامَنُوا إِذَا قِيلَ لَكُمْ فَتَسَحُّوْا فِي الْمَجْلِسِ فَأَسْحَوْا فَيَسَّحِ
 اللَّهُ لَكُمْ وَإِذَا قِيلَ اشْرَوْا فَانْشُرُوا فَاذْشُرُوا يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا
 مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١١﴾

﴿٧﴾ (Эй, Мухаммад!) билмайсанми, Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча нарсаларнинг хабарини билар. Агар уч одам шивирлаб гаплашишса, уларнинг тўртинчиси Удир. Мабо-до бешов бўлса, олтинчиси – У. Ва бундан озроқ ёки кўпроқ бўлса ҳам ва қандай махфий жойда бўлса ҳам У улар билан биргадир! Кейин: қиёмат кунида уларга қилган ишларининг хабарини билдирар. Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарсаларни Билгувчидир.

﴿٨﴾ Шивирлаб *ғийбат* сўзлашдан қайтарилган одамларни кўрмайсанми, кейин яна манъ қилинган нарсага қайтмоқдалар ва гуноҳ, адоват ҳамда пайғамбарга қарши чиқиш ҳақида шивирлашмоқдалар. ¹ Агар ёнингга келишса

ўрмалаб бораётган қумурсқани ҳам кўрар ва унинг ҳаракатларини эшитар. Субҳаналлоҳ!
¹ Ушбу оятдан бошлаб Аллоҳ таоло Мадинадаги мунофиқлар ва яҳудийлар ҳақидаги баёнга ўтади. Чунки, улар кўчада

сенга Аллоҳ салом бергандан бошқача салом берадилар ² ва ичларидан: “(агар Мухаммаднинг пайғамбарлиги рост бўлиб қолса) бу сўзларимиз учун Аллоҳ бизни азобга солмагай эди!” дейдилар. Уларга ўзлари улоқтирилажак дўзах кифоядир! Нақадар хунук оқибат!

﴿٩﴾ Эй, иймон келтирганлар! Агар сизлар шивирлаб гаплашмоқчи бўлсангиз, у ҳолда, гуноҳ, адоват ва пайғамбарга исён ҳақида шивирлашмангиз! Балки, яхшилик ва тақво ҳақида шивирлашингиз. Аллоҳ-дан тақво қилинг ки, Унинг Ўзига қайта-рилажаксиз!

﴿١٠﴾ Албатта, *ғаразғуй* шивирлашувлар иймонли одамларни қайғуга солиш учун шайтон тарафидан *қўзғолар*. Аммо, Аллоҳнинг изни бўлмагунча (бу *каби ғийбатлар*) уларга ҳеч қандай зиён еткиза олмас. Бас, иймон соҳиблари Аллоҳга таваккал қилсинлар!

﴿١١﴾ Эй, иймон соҳиблари! Агар бир мажлисда сизларга “*ёнингиздан* жой беринг!” деб айтилса, дарҳол жой беринг. Ўшанда Аллоҳ ҳам сизларга *Жаннатдан* жой берар. Ва агар (илмли, тақволи одамлар келганда) “жойингизни бўшатиб беринг” дейилса, дарҳол бўшатиинг. Чунки, Аллоҳ сизларнинг орангиздаги *солиҳ* иймонлилар ва олимларнинг даражасини кўтариб қўйгандир. Аллоҳ барча амалларингиздан Хабардор!

﴿١٢﴾ Эй, иймон келтирган бандалар! Агар пайғамбар билан махфий (*яккама якка*) сўзлашишни хоҳласангиз, сўзлашувингиз олдидан *муҳтож-ларга* садақа беринг ³.

бирон бир мусулмонни кўрсалар дарҳол учов, тўртгов бўлишиб, пана жойларда мусулмонларнинг ғийбатини қилишиб, душманлик режаларини тузишар эди. Расулulloҳ уларни бу хабисликдан қайтарганда ҳам парво қилишмаган.

² Аллоҳ таоло пайғамбаримизга “ассаламу алайкум” яъни сизга Аллоҳнинг тинчлик офияти бўлсин деган маънодаги саломни ўргатгани ҳолда яҳудийлар ғараз билан “ассааму алайкум” яъни сизга ўлим бўлсин деб “саломлашар” эдилар.

³ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хос суҳбатлашишни хоҳловчилар кўпайиб кетганлиги сабабли ҳазратимиз дам олишга ҳам вақт топмай қолган эди. Шунда Аллоҳ

Бу сизлар учун хайрли ва покizarок йўлдир. Мабодо ҳеч нарса топмасангиз, Аллоҳ Мағфиратли, Кечирувчидир.

13 Хўш, сизлар хос-махфий сузлашувларингиз олдида садақалар беришдан кўрқингизми? У ҳолда бермай кўяверинг. Ва ҳоланки, Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилди. Энди намозни (канда қилмай) ўқиб, закотни (ўз вақтида) берингиз¹ ва Аллоҳга, Унинг пайғамбарига бўйсунингиз. Аллоҳ барча ишингиздин Хабардор!

14 (Эй, Мухаммад!). Уларга (мунофиқларга) қарамайсанми ки, Аллоҳнинг ғазабига учраган қавм (яхудийлар) билан дўст бўлиб юрарлар. Улар сизлардан эмас!² Ёлғондан (“мен мусулмонман” деб) онт ичарлар. Аммо, (мусулмон эмасликларини) билиб турарлар.

15 Аллоҳ (охиратда) уларга қаттиқ азобни ҳозирлаб кўйгандир! Уларнинг ишлари на қадар қабиҳ!

16 Қасамларини (ўзлари учун) қалқон қилишади. Кейин (бошқаларни) Аллоҳнинг йўлидан тўси-шади. Уларга (қиёматда) хорловчи азоб бордир.

17 (Жамгарган) молу дунёси ва фарзандлари уни Аллоҳдан (азоб сифатида келадиган) бирон нарсдан ҳам ҳимоя қила олмас! Улар дўзах эгаларидир ва у ерда мангу қолажақлар!

18 Аллоҳ уларнинг барчаларини қайтадан тирилтирган кунда, худди сизларга қасам ичгани каби Унга ҳам қасам ича бошлайдилар ва (бу билан) ўзларини (фойдали) нарса устида деб ҳисоблайдилар. Огоҳ бўлингим, улар ғирт ёлғон-чилардир!

19 Уларни шайтон бошқариб олиб,

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا نَجَّيْتُمُ الرُّسُولَ فَقَدِمُوا بَيْنَ يَدَيْ جُنُودِكُمْ
صَدَقَةٌ ذَلِكَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَأَطَهَّرَ فَإِن لَّمْ تَجِدُوا فَإِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ
13 ءَأَشْفَقْتُمْ أَن تُقَدِّمُوا بَيْنَ يَدَيْ جُنُودِكُمْ صَدَقَتٍ فَإِذْ لَمْ تَفْعَلُوا
وَتَابَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا اللَّهَ
وَرَسُولَهُ وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ **14** ﴿الرُّسُولَ إِلَى الَّذِينَ تَوْلَوْا قَوْمًا
غَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مَا هُمْ مِنْكُمْ وَلَا مِنْهُمْ وَيَحْلِفُونَ عَلَى الكَذِبِ
وَهُمْ يَعْلَمُونَ **15** ﴿عَدَّ اللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا إِنَّهُمْ سَاءَ مَا كَانُوا
يَعْمَلُونَ **16** ﴿اتَّخَذُوا أَيْمَانَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا عَن سَبِيلِ اللَّهِ فَلَهُمْ
عَذَابٌ مُّهِينٌ **17** ﴿لَن نَّغْنِي عَنْهُمْ ءَمْوَالَهُمْ وَلَا ءَوْلَادَهُمْ مِّنَ اللَّهِ
شَيْئًا ءَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ **18** ﴿يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ
اللَّهُ جَمِيعًا فَيَحْلِفُونَ لَهُ كَمَا يَحْلِفُونَ لَكُمْ وَيَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ ءَأَلَّا
إِنَّهُمْ هُمُ الكَذِبُونَ **19** ﴿أَسْتَحْوِذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ فَأَنسَاهُمْ ذِكْرَ
اللَّهِ ءَأُولَئِكَ حِزْبُ الشَّيْطَانِ ءَأَلَّا إِنَّ حِزْبَ الشَّيْطَانِ هُمُ الخٰسِرُونَ
20 ﴿إِنَّ الَّذِينَ يُحَادِّثُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ءَأُولَئِكَ فِي ءَلْءَالَيْنَ **21** ﴿كُتِبَ
اللَّهُ لَءَعْلَابِك أَنَا وَرُسُلِي إِنَّكَ اللَّهُ قَوِيٌّ عَزِيزٌ **22**

Аллоҳни унуттиргандир. Улар – шайтон жамоатидир! Огоҳ бўлинг: шайтон жамоати (ҳар икки дунёда) зиён тортгувчидир!

20 Аллоҳга ва расулига душманлик қилган-лар..., ана ўшалар хор кимсалар ичра(хор)-дирлар!

21 Аллоҳ (тақдир китобида) “Мен ва Менинг пайғамбарларим ғолиблармиз” деб ёзиб кўйгандир. Аллоҳ Қудратли, Азиздир.

22 (Эй, Мухаммад!). Сен Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кишиларни (ҳеч қачон) Аллоҳ ва Унанг пайғамбарига душман бўлганларни дўст тутганини кўрмассан, гарчанд у(душман)лар уларнинг оталари, фарзандлари, оға – инилари ва қавму – қариндошлари бўлса ҳам. Худди шу(ндай) зотлар... Аллоҳ уларнинг юрагига иймонни ёзиб кўйгандир ва уларни Ўз Руҳи билан қўлагандир. Ва уларни (охиратда) тагидан дарёлар оқиб турган, у ерда мангу қолажақ жаннатларга дохил қилар. Аллоҳ улардан рози бўлди,

субхонаҳу ва таоло мазкур оятни нозил қилди.

¹ Намоз билан закот бошқа ибодатларга нисбатан она ёхуд асос қабиридир. Мана шу иккисини бажарганлар бошқа ибодатларни ҳам осонлик билан адо қиладилар. Бу икки фарзни бажармаганлар бошқаларини ҳам ёлчитмайдилар. Ҳеч бир сабабсиз намоз ўқимай юрганлардан эса бошқа ибодатлари қабул қилинмас.

² Мусулмон дейин десанг ичи (ботини) кофир, яхуди дейин десанг, намоз ўқиб, рўза тутиб, мусулмонлар билан бирга юришади...

لَا يَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ
حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ
أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ
الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِّنْهُ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي
مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا
عَنْهُ أُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٢٢﴾

سُورَةُ الْحَشْرِ
الْحَشْرِ
الْحَشْرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ
﴿١﴾ هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مِنْ دِيَارِهِمْ
لِأَوْلِي الْحَشْرِ مَا ظَنَنْتُمْ أَنْ يَخْرُجُوا وَظَنُّوا أَنَّهُمْ مَانِعَتُهُمْ
حُصُونُهُمْ مِنَ اللَّهِ فَأَنزَلَهُمُ اللَّهُ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُوا وَقَدَفَ
فِي قُلُوبِهِمُ الرُّعْبَ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُمْ بِأَيْدِيهِمْ وَأَيْدِي الْمُؤْمِنِينَ
فَاعْتَبِرُوا يَا أُولِيَ الْأَبْصَارِ ﴿٢﴾ وَلَوْلَا أَنْ كَتَبَ اللَّهُ عَلَيْهِمُ
الْجَلَاءَ لَعَذَّبَهُمْ فِي الدُّنْيَا وَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابُ النَّارِ ﴿٣﴾

улар ҳам Ундан рози бўлдилар! Мана шу зотлар Аллоҳнинг жамоатидир! Ҳей, огоҳ бўлинг: Аллоҳнинг жамоатигина зафар қозонувчилардир!

«Ҳашр» сураси¹ 59

¹ Бу сүра Мадинада нозил бўлган ва 24 оятдан иборатдир. «Ҳашрнинг» маъноси «Сурган». Бу суранинг яна бир номи «Бану Назирдир». Чунки, бу сурада Бану Назир яҳудийларининг сургун қилинишининг баёни бордир.

Пайгамбаримиз (с.а.в) Ясрибга (кейинчалик бу шаҳар «Мадина» деб номланган) хижрат қилиб келган вақтда бу ерда бир неча яҳудий қабилалари, жумладан Бану Назир қабиласи ҳам ўтроқ ҳолда яшар эдилар. Расулulloҳ (с.а.в) Ясрибда Ислому низомлари билан ҳукм юрита бошлагач, яҳудий қабилалари билан тинчлик ва ўзаро бедахллик ҳақида шартнома тузган эди. Кейин машҳур «Бадр» ғазотида оз сонли мусулмонлар ўзларидан уч ҳисса кўп мушрикларни талафотга учратишгач,

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан

﴿١﴾ Аллоҳга осмонлар ва Ердаги (жонли жонсиз) нарсаларнинг барчаси тасбеҳ айтар. Зеро, У Қудратли Донишманддир.

﴿٢﴾ У аҳли китоблардан иборат кофирларни ўз диёрларидан биринчи сургун учун чиқарди. Сизлар эса (эй, мўминлар, уларнинг қалъаси мустаҳкамлиги сабабли) уларнинг чиқишлигини ҳаёлингизга ҳам келтирмаган эдингиз. Ва улар ҳам қалъалари уларни Аллоҳдан химоя қилади деб ўйлагандилар. Кейин Аллоҳ(нинг жазоси) улар кутмаган тарафдан келиб, юракларига кўркув солган² эди, уларини ўз қўллари ва

яҳудийлар талвасага тушиб қолишди. Орадани кўп ўтмай «Ухуд» ғазоти бошланиб, унда маълум сабабларга кўра мусулмонлар енгилдилар. Худди шу каби қулай фурсатни кутиб юрган яҳудлар дархол мушриклар билан иттифок тузиб, мусулмонларга қарши биргаликда курашишга келишиб оладилар. Ўшандай кунлардан бирида пайгамбаримиз (с.а.в) бир юмуш билан Бану Назир маҳалласига бориб, бир девор остида ҳордик чикариб ўтирганда, яҳудлар суикасд қилиб устига катта тош қулатиб юбормоқчи бўлишади. Расулulloҳ (с.а.в) Аллоҳдан келген ваҳий туфайли бу суикасддан воқиф бўлади ва дархол Мадинага етиб бориб, Бану Назирга қарши қўшин тортиб келади ва уни камал қилади. Орадани бир неча кун ўтгач, яҳудлар чопар юбориб, хиёнаткорона бузган аҳдларини янгитдан тиклашни таклиф қилишади. Бироқ расулulloҳ (с.а.в) улар билан ҳеч қандай аҳднома бўлмаслигини айтади ва уларга муҳлат бериб, ҳар бир одам бир туя мол мулкини олиб юртларидан чиқиб кетишларини талаб қилади. Хиёнаткор қабила шу тахлит «Хайбар» деган жойга сургун қилинади. Аммо хиёнат яҳудларни тарқ этмаган эди. Шу боис кейинчалик уларни Хайбардан ҳам суриб чиқарилади. Шунинг учун суранинг бошида Бану Назир сургунига «биринчи сургун» деган ибора қўлланилган.

² Яҳудийларнинг қалъалари дарҳақиқат баланд ва мустаҳкам эди. Улар дарвозаларни маҳкам ёпиб, жон жаҳди билан мудофаа қилмоқчи эдилар. Лекин Аллоҳ Таоло уларнинг юрагига «кўркув» деб аталган аскарларини юборди. Натижада ҳозиргина довурак яҳудларни баногоҳи қалтирок босиб, уларини ўз қўллари билан буза бошладилар

мўминларнинг қўллари билан буза бошладилар. Эй, ақл соҳиблари, (бу воқеадан) сабоқ олинг!

3 Аллоҳ уларга кўчиб кетишликни (тақдир қилиб) ёзмаганда эди, (мана шу) дунёда (ўлим ёхуд қуллик каби жазо билан) жазолаши аниқ эди. Уларга оҳиратда дўзах азоби бордир!

4 Бунинг сабаби улар Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига душманлик қилишди. Кимда ким Аллоҳга душман бўлса, (билиб олсин:) Аллоҳ-нинг жазоси шиддитлидир!

5 (Эй, мўминлар!) Агар уларнинг хурмо боғларини кессангиз ёки томирлирида турган холда қолдирсангиз, (ҳамма ишини) Аллоҳнинг рухсати ва бузуқи қавмнинг адабини бериш учун қилгансиз.¹

6 Аллоҳ Ўз пайғамбарига улардан ўлжа қилиб берген нарсага сизлар на от чоптириб, на туя йўрттириб бордингиз. Лекин, Аллоҳ Ўз пайғамбарларини Ўзи ҳоҳлаган бандалари устидан ғолиб қилар. Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.

7 Аллоҳ (Бану Назир) қабиласи аҳлларидадан Ўз пайғамбарига ўлжа қилиб берген нарсалар, (бойлик бир ҳовуч) бойлар қўлида гина айланган мулк бўлиб қолмаслиги учун² Аллоҳга,³ Аллоҳнинг пайғамбарига, (пайғамбарнинг) қариндошлар(и)га,⁴ мискинларга ва мусофирларга (улашилажак). Ва (эй, мўминлар),

ذٰلِكَ بِاَنَّهُمْ شَاقُوْا اللّٰهَ وَرَسُوْلَهُۥٓ وَمَنْ يُّشَاقِ اللّٰهَ فَاِنَّ اللّٰهَ شَدِيْدٌ
 الْعَقَابِ ﴿٤﴾ مَا قَطَعْتُمْ مِّنْ لِّيْنَةٍ اَوْ تَرَكْتُمْهَا فَاِيْمَةً
 عَلٰٓى اَصُوْلِهَا فَاِذَنْ اللّٰهُ وَلِيْحٰزِي الْفٰسِقِيْنَ ﴿٥﴾ وَمَا اَفَاءَ اللّٰهُ
 عَلٰٓى رَسُوْلِهِۦٓ مِمَّهٖمْ فَمَا اَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ مِنْ خَيْلٍ وَّلَا رِكَابٍ
 وَلٰكِنَّ اللّٰهَ يَسْطُرُ رَسٰلَهُۥٓ عَلٰٓى مَنْ يَّشَآءُ وَاللّٰهُ عَلٰٓى كُلِّ شَيْءٍ
 قَدِيْرٌ ﴿٦﴾ مَا اَفَاءَ اللّٰهُ عَلٰٓى رَسُوْلِهِۦٓ مِنْ اَهْلِ الْقُرٰٓى فَلِلّٰهِ وَلِلرَّسُوْلِ
 وَلِذِي الْقُرْبٰى وَالْيَتٰمٰى وَالْمَسْكِيْنَ وَالْبَنِيِّ وَالسَّبِيْلِ كَيْ لَا يَكُوْنَ
 دُوْلَةً بَيْنَ الْاَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ وَمَا اَنٰتْكُمْ الرَّسُوْلُ فَخٰذُوْهُ وَمَا
 نَهَكُمْ عَنْهٗ فَاَنْهَوْا وَاَتَقُوْا اللّٰهَ اِنَّ اللّٰهَ شَدِيْدُ الْعَقَابِ ﴿٧﴾
 لِلْفَقِيْرٰٓءِ الْمُهٰجِرِيْنَ الَّذِيْنَ اٰخْرَجُوْا مِنْ دِيَارِهِمْ وَاَمْوَالِهِمْ
 يَبْتَغُوْنَ فَضْلًا مِّنَ اللّٰهِ وَرِضْوٰنًا وَيَنْصُرُوْنَ اللّٰهَ وَرَسُوْلَهُۥٓ اُولٰٓئِكَ
 هُمُ الصّٰدِقُوْنَ ﴿٨﴾ وَالَّذِيْنَ تَبَوَّءُوا الدّٰرَ وَالْاِيْمٰنَ مِنْ قَبْلِهِمْ
 يٰحٰثُوْنَ مَنْ هٰجَرَ اِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُوْنَ فِيْ صُدُوْرِهِمْ حَآجَةً
 مِّمَّا اُوْتُوْا وَيُوْتِرُوْنَ عَلٰٓى اَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ
 وَمَنْ يُوقِ شَحْحَ نَفْسِهٖ فَاُولٰٓئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُوْنَ ﴿٩﴾

пайғамбар сизларни нимага буюрса, дарҳол олинглар (бажаринглар) ва нимадан қайтарса, ўша заҳоти қайтинглар. Аллоҳдан такво қилинглар! Аллоҳ азоби шиддатли Зотдир!

8 (Шунингдек) ўлжалар диёрлари(Макка) дан ва молу-мулкидан чиқариб юборилган муҳо-жирларнинг камбағалларига (тегишлидир. Чунки) улар (хижратлари билан) Аллоҳнинг фазлини, ризосини умид қилганлар ва Аллоҳ(нинг Дини) ҳамда Унинг Пайғамбарига ёрдам берганлар. Улар – (иймонларида) содиқ одамлардир.

9 Уларнинг (келиши) олдидан ховлиларини ва иймонларини(нг тафтини) тайёрлаб қўйган (ансорий) мўминлар ўзларига муҳожир бўлиб келганларни севарлар, уларга берилган нарса (ўлжа) сабабли юракларида ҳасад сезмаслар ва ўзларида етишмовчилик бўлиб турсада улар-ни(нг манфаатини) ўзлари(ники)дан юкори кўярлар. Ким

¹ Мусулмонлар қуршовдаги Бану Назир яҳудларига моддий зарба бериш учун уларнинг хурмо боғларини қирқа бошлаганларида, мунофиқлар уларни маломат қила бошладилар. Чунки, зироатга зиён етказиш мусулмонлар урушининг қойдасида йўқ эди. Шунинг учун пайғамбаримиз (с.а.в) ҳам қаттиқ ҳижолат бўлиб туранида мана шу оят нозил бўлиб, уларни ҳижолатликдан халос қилди.

² Аввалги замонларда лашкарни улов ва қурол-яроғ билан кўпинча бойлар таъминлаганлар ва бинобарин ўлжани ҳам улар олар эдилар. Мазкур оят ўша қойдани бекор қилапти.

³ Аллоҳнинг Динини ривожлантириш учун деб тушунмоқ лозим.

⁴ Бунинг сабаби, пайғамбар ва унинг уруғлари садака емайдилар.

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا
وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا
غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿١٠﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى
الَّذِينَ نَافَقُوا يَقُولُونَ لِإِخْوَانِهِمُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ
الْكِتَابِ لَئِنْ أُخْرِجْتُمْ لَنَخْرُجَنَّكُمْ مَعَكُمْ وَلَا نَطِيعُ فِيكُمْ
أَحَدًا أَبَدًا وَإِنْ قُوتِلْتُمْ لَنَنْصُرَنَّكُمْ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ
﴿١١﴾ لَئِنْ أُخْرِجُوا لَا يَخْرُجُونَ مَعَهُمْ وَلَئِنْ قُوتِلُوا لَا يَنْصُرُونَهُمْ
وَلَئِنْ نَصَرُوهُمْ لَيُوَلُّنَّ الْأَدْبَرَ ثُمَّ لَا يُصَرُّونَ ﴿١٢﴾
لَأَنْتُمْ أَشَدُّ رَهْبَةً فِي صُدُورِهِمْ مِنَ اللَّهِ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ
لَا يَفْقَهُونَ ﴿١٣﴾ لَا يَفْقَهُونَكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِي فُرَى
مُحْصَنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُدُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ تَحْسَبُهُمْ
جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّىٰ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٤﴾
كَمَثَلِ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ قَرِيبًا ذَاتُوا أَبًا لَأْمَرَهُمْ وَهُمْ عَدَابُ
الْأِيمِ ﴿١٥﴾ كَمَثَلِ الشَّيْطَانِ إِذْ قَالَ لِلْإِنْسَانِ اكْفُرْ فَلَمَّا كَفَرَ
قَالَ إِنِّي بَرِيءٌ مِنْكَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ رَبَّ الْعَالَمِينَ ﴿١٦﴾

нафсининг очкўзлигидан саклана олса, ана ўшалар гина зафарга (жаннатга) етажакдир.

﴿10﴾ Улардан (муҳожир ва ансорлардан ташкил топган дастлабки ислом умматидан) кейин келган (иймонли) зотлар (ўз дуоларида мана бундай) дейдилар: “(Эй), Парвардигоримиз! Бизларни ва биздан аввал ўтган иймонли биродарларимизни мағфират қилгайсан! Бизларнинг юрагимизга иймонли инсонларга нисбатан ғиллу-ғашлик солмагайсан! (Эй), Парвардигоримиз! Албатта, Ўзинг Раҳмли, Меҳрибондирсан!

﴿11﴾ (Эй, пайгамбар!) Мунофиқларни кўрмайсанми ки, китоб аҳлларида иборат кофир биродарларига келиб: “Агар сизлар (Мадинадан) чиқарилсангиз, биз ҳам сизлар билан бирга чиқармиз. Сизлар(га зиён етишлиги) ҳақда ҳеч қачон, ҳеч кимга итоат қилмасмиз! Мабодо сизларга

(қарши) уруш очилса, албатта ёрдам беражакмиз!” дейдилар. Бироқ уларнинг ёлгончи эканлигига Аллоҳ Шоҳиддир.

﴿12﴾ Агар улар чиқарилсалар (мунофиқлар) улар билан бирга чиқмаслар ва агар уларга уруш очилса ҳам ёрдам бермаслар. Мабодо ёрдам берсалар ҳам орқаларига қарамай қочарлар. Ва (уларга Аллоҳ тарафидан) ёрдам берилмас!

﴿13﴾ (Эй, иймон лашкарлари! Уларнинг қалъаларини қамал қилган пайтда) уларнинг қалбларига Аллоҳдан ҳам ҳайбатлироқ сезилдингиз.¹ Бунинг сабаби, улар (Аллоҳнинг қудратини) билмаган қавм эди.

﴿14﴾ Улар сизлар билан (майдонда) ҳамжихат бўлиб уруша олмаслар. Илло, қалъали шаҳарлар ичида ёхуд деворларнинг нариги тарафидан (гина «жанг» қиладилар). Уларнинг ҳайбати ўз ораларида жуда шиддатли. (Шунинг учун) уларни ҳамжихат деб ўйлайсиз. Аммо, қалблари тарқокдир. Бунга сабаб, улар (Аллоҳнинг оятлари олдида) ақлларини ишлатмаган қавмдир.

﴿15﴾ Улар ўзларидан бир оз муқаддамдаги, қилмишининг жазосини тортган (кофир) одамлар кабидир.² Уларга аламли азоб бор.

﴿16﴾ (Уларни урушга қўзғаб, ўзлари келмай қўйган мунофиқлар эса ҳудди) шайтон кабидир ки, бир маҳал у инсонга «Кофир бўл!» деган эди. Кофир бўлгач эса, (дарҳол ўзини олиб қочиб) «Сен билан ишим йўқ. Мен одамларнинг Роббисидан кўрқаман» деди.

¹ Улар Аллоҳдан ҳайбатланиш ўрнига аскарлардан кўрққан эди. Аммо уларга ҳақиқий даҳшат солган кўрқинч Аллоҳ тарафидан келди.

² Бану Назир воқеасидан бир оз муқаддам ҳайбат-шижоат билан “Бадр” жангига келган Макка мушриклари ўзларидан уч ҳисса оз бўлган мусулмонлардан мағлубиятга учраган эдилар.

17 Кейин ҳар иккаласининг оқибати дўзахда абадий қолув бўлди. Бу – золимларнинг жазосидир!

18 Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан такво қилингиз! Ҳар бир жон (соҳиби) эртанги (Қиёмат) кун учун нима олиб келганига қарасин! Аллоҳдан такво қилинг! Аллоҳ сизларнинг амалларингиздин Хабардордир!

19 Аллоҳни унутган, натижада Аллоҳ ўзла-рини ўзларига унуттирган одамларга ўхша-мангиз! Улар фосиқ (Аллоҳга бўйин эгмаган) қавмдирлар!

20 Дўзах эгалари билан Жаннат соҳиблари баробар бўлмас. Жаннат соҳиблари..., улар зафар қозонувчилардир!

21 Агар Биз бу Қуръонни бир тоғ устига нозил қилганимизда, сен унинг Аллоҳдан қўрққани сабабли зир титраб, парчаланиб кетганини кўрар эдинг. Биз бу мисолларни, фикр қилсинлар учун одамларга айтиб берурмиз.

22 У – Аллоҳдирки, бир Ўзидан бошқа илоҳ йўқдир! (У) ғойбни ҳам ошқорани ҳам Билгувчидир. У – Меҳрибон, Раҳмдир!

23 У – Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Аллоҳдир, Малиқдир, Қуддусдир, Саломдир, Муъминдир, Муҳайминдир, Азиздир, Жаббордир, Мутакаббирдир! Аллоҳ улар шерик қўшаётган нарсалардан муназаҳадир!

24 У – Аллоҳдир, Холиқдир, Бориъдир, Мусаввирдир! Унинг гўзал исмлари бордир. Унга осмонлардаги ва Ердаги барча (жонли-жонсиз) нарсалар тасбех айтадур. Ва У –Азизул Ҳақимдур!

فَكَانَ عَاقِبَتُهُمَا أَنَّهُمَا فِي النَّارِ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ جَزَاءُ الظَّالِمِينَ ﴿١٧﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَتَنْظُرُوا نَفْسَ مَا قَدَّمْتُمْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨﴾ وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ نَسُوا اللَّهَ فَأَنسَاهُمْ أَنفُسَهُمْ أُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿١٩﴾ لَا يَسْتَوِي أَصْحَابُ النَّارِ وَأَصْحَابُ الْجَنَّةِ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمُ الْفَائِزُونَ ﴿٢٠﴾ لَوْ أَنزَلْنَا هَذَا الْقُرْءَانَ عَلَىٰ جَبَلٍ لَّرَأَيْتَهُ خَرِيصًا مُّتَصَدِّعًا مِّنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾ هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عِلْمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴿٢٢﴾ هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ الْمُهَيْمِنُ الْعَزِيزُ الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٢٣﴾ هُوَ اللَّهُ الْخَلِيقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ يُسَبِّحُ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٢٤﴾

سُورَةُ الْمُبْتَدِئَةِ
آياتها ١٣

¹ Булар ва кейинги (24-) оятда зикр қилинган исмлар Аллоҳ Таолонинг гўзал исм-сифатларидир. Уларнинг таржималари бош сўз қисмидаги «Асмоуллоҳул хусно» сарлавҳасида баён қилинган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ تُلْقُونَ
إِلَيْهِم بِالْمُودَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ يُخْرِجُونَ الرَّسُولَ
وَإِيَّاكُمْ أَنْ تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ رَبِّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ حَرِحْتُمْ جِهَادًا فِي سَبِيلِ
وَأَبْنَاءَهُ مَرْضَاتِي تُسِرُّونَ إِلَيْهِم بِالْمُودَّةِ وَأَنَا أَعْلَمُ بِمَا أَخْفَيْتُمْ
وَمَا أَعْلَنْتُمْ وَمَنْ يَفْعَلْهُ مِنْكُمْ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ السَّبِيلِ ﴿١﴾ إِنْ
بَشَفْتُمْكُمْ يَكُونُوا لَكُمْ أَعْدَاءً وَيَسْطُوا إِلَيْكُمْ أَيْدِيَهُمْ وَأَلْسِنَتِهِمْ
بِالسُّوِّ وَوَدُّوا لَوْ تَكْفُرُونَ ﴿٢﴾ لَنْ نَنْفَعَكُمْ أَرْحَامَكُمْ وَلَا أَوْلَادَكُمْ
يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَفْضَلُ بَيْنَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٣﴾ قَدْ
كَانَتْ لَكُمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ فِي إِبْرَاهِيمَ وَالَّذِينَ مَعَهُ إِذْ قَالُوا لِقَوْمِهِمْ
إِنَّا بَرَاءٌ وَأَنْتُمْ مَنكُمُ وَمِمَّا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ كَفَرْنَا بِكُمْ وَبَدَا بَيْنَنَا
وَبَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةُ وَالْبَغْضَاءُ أَبَدًا حَتَّى تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَحْدَهُ ۗ إِلَّا
قَوْلَ إِبْرَاهِيمَ لِأَبِيهِ لَأَسْتَعْفِفَنَّ لَكَ وَمَا أَمْلِكُ لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ
رَبَّنَا عَلَّمَكُ نَوْكَنَا وَإِلَيْكَ إِنَّا وَوَكَّلْنَا ۗ وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٤﴾ رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا
فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا وَآخِرُ لَنَا رَبَّنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٥﴾

«Мумтахана» сураси¹ 60

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан

¹ Бу сура Мадинада нозил бўлган ва 13 оятдан иборат. «Мумтахананинг» маъноси «синалган аёллар» демакдир. Бу суранинг нозил бўлишига тубандаги вақеъа сабаб бўлган: Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайхи ва саллам Макка фатхи учун тайёргарлик кўра бошлаганда Ҳотиб ибн Абу Балтаъа исмли бир киши Макка мушрикларини воқеадан хабардор қилиб хат ёзади ва уни бир аёлдан бериб юборади. Бироқ Аллоҳ субҳонаҳу ва Таоло бу сирдан Ўз пайғамбарини вокиф қилади. Ҳазратимиз у аёлни ушлаб келишга буюради ва Ҳотибга: «Бу нима қилганинг?!» деганларида у Маккада ҳимоячисиз қолган фарзандлари борлигини ва бу ишни соткинлик ниятида эмас балки, мушрикларнинг кўнглини оиласига нисбатан юмшатиш мақсадида қилганлигини айтиб, омонлик сўрайди. «Мумтахана» (синалган аёллар) ҳақидаги баён эса суранинг 10-оятда ҳикоя қилинади.

﴿1﴾ Эй, иймон келтирганлар! Менинг душманимни ва ўзларингизнинг душманларингизни дўст тутмангиз! Сиз эса уларга дўстлик (мактубин) юбормоқдасиз. Улар сизларга келган ҳақиқатга кофир бўлиб, сизларни ва Расулни Аллоҳга – Роббингизга иймон келтирганингиз учун гина (диёрингиздан) чиқарарлар. Агар сизлар Менинг ризолигимни умид қилиб, Менинг йўлимда гина жиҳод қилиш учун чиққан бўлсангиз (уларни харгиз дўст тутманг!). Сиз эса улар билан пинҳона дўстлашмоқдасиз! Мен сизлар яширган ва ошкора қилган барча нарсаларни билурман. Сизлардан кимингиз у ишни қилса, демак у тўғри йўлдан адашибдир.

﴿2﴾ Улар² агарда сизни(нг зиёнингизга бир имконият) топса, дарҳол сизга душман бўлиб, қўллари ва тилларини сизга қабоҳат ила чўзарлар ва кофир бўлишингизга иштиёқ қилур-лар.

﴿3﴾ Қиёмат кунида сизларга фарзандларингиз ва қариндош-уруғингиз фойда бермас³. (Аллоҳ) ораларингизни ажратиб кўяр. Ва Аллоҳ нима қилаётганингизни Кўрувчидир.

﴿4﴾ Сизлар учун Иброҳимда ва у билан бирга бўлганлар(нинг ҳаёти)да чиройли намуна бордир. Ўшанда улар (кофир) қавмларига «Биз сизлардан ва Аллоҳдан бошқа сизлар сиғинган илоҳлардан безормиз. Биз сизларга кофир бўлдик! Энди биз билан сизларнинг орангизда, токи ёлғиз Аллоҳга ибодат қилмагунингизга қадар абадий адоват ва нафрат пайдо бўлди» деган эдилар. Бироқ, Иброҳимнинг ўз отасига қараб: «Мен сизга (Аллоҳдан) мағфират тиларман. Сизга Аллоҳдан (келгучи азобдан) ҳеч нарсани қайтара олмасман» деган сўзини (намуна қилиб олмангиз)⁴.

² Макка мушриклари.

³ Сизлар ўшаларни деб душманга дўст бўлган эдингиз.

⁴ Бунинг сабаби кофирларга Аллоҳдан мағфират тиланмас. Иброҳим алайҳиссалом эса бу сўзини отасининг ширк эътиқодидан

5 Эй, Парвардигоримиз! Бизларни кофирларга фитна қилиб қўймагайсан¹ ва гуноҳларимизни кечиргайсан! Эй, Парвардигоримиз! Ўзинг Қудратли, Донишманддирсан!

6 Уларда сизлар – Аллоҳга ва охират кунига умидвор бўлганлар учун чиройли намуна бордир. Ким (намуна олишдан) юз ўгирса, Аллоҳ Беҳожат, мактовга сазовор Зотдир.

Мазкур оятларда мушриклар билан қандай муомалада бўлиш кераклиги айтилди. Бироқ, токи улар тарафидан очиқ душманлик зоҳир бўлмагунча уларнинг иймонга келишидан умид узмаган афзал. Чунки...

7 Аллоҳ сиз билан уларнинг (Макка муш-рикларининг) ичидаги сиз душманлашган одамлар орасида дўстлик пайдо қилса ажаб эмас. Аллоҳ (бунга) Қодирдир. Аллоҳ Мағфиратли, Мехрибондир.

8 Сизлар билан Дин сабабли урушмаган ва сизларни юртларингиздан чиқариб юбормаган Одамларга яхшилик ва адолат қилишдан Аллоҳ сизларни қайтармас. Аллоҳ адолатпарвар кишиларни севар.

9 Дин сабабли сизларга қарши урушиб, сиз-ларни юртларингиздан чиқарган ҳамда чиқаришга ёрдам берган одамларни дўст тутишдан Аллоҳ сизларни қайтарадир. Ким уларни дўст тутса, демак улар аниқ золимлардир!

10 Эй, иймон келтирган зотлар! Агарда сиз-лар(тараф)га иймонли аёллар ҳижрат қилиб келса, уларни имтиҳон қилингиз. Уларнинг иймонларини Аллоҳ билгувчирокдир. Агар уларнинг иймонли эканлигини аниқласангиз, уларни кофирларга қайтармангиз². (Чунки) улар

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِيهِمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ
وَمَن بُوئِلَ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿٦﴾ عَسَى اللَّهُ أَن يَجْعَلَ
بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ الَّذِينَ عَادَيْتُم مِّنْهُم مَّوَدَّةَ اللَّهِ فَذِيرُوا اللَّهَ وَعَفْوٌ رَّحِيمٌ
﴿٧﴾ لَا يَنْهَى كُفْرًا اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَالُوا لَهُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوهُمْ
مِّن دِينِكُمْ أَن يَبْرُوهُمْ وَنَفْسُطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ
﴿٨﴾ إِنَّمَا يَنْهَى كُفْرًا اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ قَتَلُوا فِي الدِّينِ وَأَخْرَجُوهُمْ
مِّن دِينِكُمْ وَظَلَمُوا وَعَلَىٰ إخراجِكُمْ أَن تَتَوَلَّوهُمْ وَمَن يَتَوَلَّهُمْ فَأُولَٰئِكَ
هُم الظَّالِمُونَ ﴿٩﴾ يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا جَاءَكُمُ الْمُؤْمِنَاتُ
مُهَاجِرَاتٍ فَامْتَحِنُوهُنَّ اللَّهُ أَعْلَمُ بِإِيمَانِهِنَّ فَإِن عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ
فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ لَأَنَّهُنَّ حِلٌّ لَّهُمْ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ وَءَاتُوهُنَّ
مَا أَنفَقُوا وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُم أَن تَنكِحُوهُنَّ إِذَا ءَانَبْتُمُوهُنَّ أَجْرُهُنَّ
وَلَا تُنْسِكُوا بَعْضِكُمُ الْكُفَّارِ وَتَسْأَلُوا مَا أَنفَقْتُمْ وَلَسْأَلُوا مَا أَنفَقُوا
ذَٰلِكُمْ حُكْمُ اللَّهِ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٠﴾ وَإِن فَاتَكُمْ
شَيْءٌ مِّنْ أَرْوَاجِكُمْ إِلَى الْكُفَّارِ فَعَابِقْتُمْ فَءَاتُوا الَّذِينَ ذَهَبَتْ
أَرْوَاجُهُمْ مِّثْلَ مَا أَنفَقُوا وَءَاتَقُوا اللَّهَ الَّذِي ءَاتَمَّ بِهِ مَوْثُقُونَ ﴿١١﴾

мушрикларга, мушриклар эса уларга халол эмасдир. Ва (агар у аёллардан бирига уйланмоқчи бўлсангиз) уларга (мушрик эрлари) берган миқдорда маҳр берингиз. Қачон (ўша) маҳрни берсангиз, уларга уйланишингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва кофир бўлиб (Маккага кетиб) қолган аёлларнинг билагидан ҳам ушламангиз³! Кейин уларга берган маҳрингизни сўраб олингиз, улар (сизлар

Мадинага ҳижрат қилиб келадилар. Бироқ ўшанга қадар пайғамбаримиз билан Макка мушриклари орасида «Маккадан Мадинага қочиб келганларни маккаликларга қайтариб берилиши лозим» деган аҳднома бор эди. Пайғамбаримиз (с.а.в) бу аёлларнинг мушрик эрлари билан кечадиган оғир ҳаёти ҳақида ғамгин ўйланиб турганларида, масалага ечим тариқасида мазкур оятлар нозил бўлгандир.

³ Агар шундай бўлса талоқ воқеъ бўлади ва у аёл билан ажрашишга тўғри келади.

беҳабар вақтда айтгандир. Вақтиги, отасининг Аллоҳ душмани эканлиги аниқ бўлгач, “Ота! Мен сиздан ва сизнинг (Аллоҳга шерик қилган) илоҳларингиздан безордирман!” деб ошқора айтган эди.

¹ Бизларни кофирларнинг қўли билан азобга солмагайсан!

² Кунларнинг бирида бир неча аёллар исломни қабул қилгач, Макка мушрикларидан қочиб,

يَأْتِيهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يَبَايَعَنَّكَ عَلَيَّ أَنْ لَا يُشْرِكَ
بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا يُشْرَفَنَّ وَلَا يُزَيَّنَنَّ وَلَا يُقْتَلَنَّ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِيَنَّ
بِبُهْتَانٍ يَفْتَرِيْنَهُ بَيْنَ أَيْدِيْهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْبِيْنَكَ
فِي مَعْرُوفٍ فَبَايَعُهُنَّ وَأَسْتَغْفِرُ لِهِنَّ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ
﴿١٣﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَوَلَّوْا قَوْمًا غَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ
قَدْ يَسْأَلُونَ مِنَ الْآخِرَةِ كَمَا يَبِيسُ الْكُفَّارِ مِنَ أَصْحَابِ الْقُبُورِ ﴿١٤﴾

سُورَةُ الصَّفَرِ ﴿١٤﴾

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ
﴿١﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَمْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾
كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٣﴾ إِنَّ
اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِهِ صَفًّا كَأَنَّهُمْ
بُدِينٌ مَّرْضُوعٌ ﴿٤﴾ وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ لِمَ
تَقُولُونَ وَقَدْ تَعْلَمُونَ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ فَلَمَّا
زَاغُوا أَزَاغَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿٥﴾

уйланган аёлларнинг аввалги мушрик эрлари) ҳам (ҳижрат қилиб келган аёлга) берган махрини сизлардан сўраб олсинлар. Аллоҳнинг ҳукми ушбудир. У сизларнинг орангизда ҳукм қилар. Аллоҳ Билгувчи, Донишманддир!

﴿11﴾ Агар сизнинг (мусулмонларнинг) аёллари-дан бири кофирлар тарафга ўтиб (бир мушрикга тегиб) кетса (ва унинг мушрик эри сизларга махрни қайтариб бермаса), кейин сизлар (урушда мушриклардан) ғолиб келсангиз, аёли кетиб қолган кишига (ўлжадан) махри микдорича бўлиб берингиз. Ва ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқингиз!

﴿12﴾ Эй, пайғамбар! Агар сенга иймонли аёллар келиб Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасликка, ўғрилиқ ва зино қилмасликка, (қиз) фарзандларини (тириклайин) ўлдир-масликка, бировдан бола орттириб, уни эрига нисбат бермасликка ва хайрли ишларга

буюрганингда сенга исён қилмасликка онт берсалар¹, уларнинг онтларини қабул қил ва улар учун Аллоҳдан мағфират тила. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир!

﴿13﴾ Эй мўминлар! Аллоҳнинг ғазабига йўлиққан (мушрик) қавмни дўст тутманглар! Кофирлар қабрдаги одамлардан (уларнинг қайта тирилишидан) ноумид бўлганларидек, улар (мушриклар) ҳам охиратдан умид қилмайдилар.

«Саф» сураси² 61

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

﴿1﴾ Осмонлардаги ва Ердаги барча нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтдилар. Зеро, У Қудратли ва Донишманддир.

﴿2﴾ Эй мўминлар! Нега сизлар ўзларингиз бажармаган нарсаларни гапираяпсизлар?!

﴿3﴾ Ўзларингиз қилмаган ишни гапиришингиз Аллоҳ олдида жуда ката гуноҳдир³!

﴿4﴾ Аллоҳ Ўзининг йўлида ёнма-ён бинолар каби сафга тизилиб жиҳод қиладиганларни севар.

﴿5﴾ (Эй, Мухаммад!) ёд эт: Мусо ўз қавмига: «Эй, қавмим, нега мени ранжитаяпсизлар!? Ваҳоланки, мен сизларга Аллоҳ юборган элчи эканлигимни биласизку!» деди. Кейин қачонки улар (ҳақиқатдан) бурилган эдилар, Аллоҳ ҳам уларнинг қалбини буриб қўйди. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоятга бошламас!

¹ Исламни қабул қилмоқчи бўлган аёллар пайғамбаримизга (с.а.в) келиб, манна шу нарсаларни қилмасликка онт ичганлар. Бундай қасам «байъат» деб аталади.

² Бу сўра Мадинада нозил бўлган ва 14 оятдан иборат. Бу сўра Аллоҳ йўлида сафга тизилган ҳолда жанг қилган одамлар ҳақидаги оятлар билан бошлангани учун шундай аталгандир.

³ Баъзи бир мусулмонлар кофирларнинг зулми жонларидан ўтганда «Эх, қачон жанг ҳақида ҳукм ояти келар экан?!» деб бесабр бўлганлар. Кейин вақти соати етиб жангга чорлаган оятлар нозил бўлгач, ҳалиги «ботирлар» арзимаган нарсаларни баҳона қилиб жангга чиқмасликка ҳаракат қилдилар.

6 Ёд эт: (бир пайт) Марямнинг ўгли Ийсо (бундай) деди: «Эй, Исройил зурриётлари! Мен сизларга Аллоҳ юборган элчидирман. Мен ўзимдан аввалги Тавротни(нг хукларини) тасдиқлайман ва мендан кейин келадиган, исми «Аҳмад» бўлажак пайғамбар ҳақида хушxabар берурман¹. Кейин қачонки у (хушxabар берилган пайғамбар) уларга аниқ далилларни олиб келганда (иймон келтириш ўрнига) «бу аниқ сеҳр» дедилар.

7 Исломга чақирилган вақтда Аллоҳга бўхтон қилган кимсадан золимроқ ким бор?! Аллоҳ золимларни хидоят қилмас!

8 Аллоҳнинг нуруни оғизлари билан пуфлаб ўчирмоқ истайдилар. Аллоҳ эса кофирлар ёмон кўрса ҳам, Ўз Нуруни (оламларга) батамом етказар!

9 У Ўз пайғамбарини Хидоят ва Ҳақ Дин ила, у динни барча динлардан устивор қилмоқ учун юборгандир², гарчанд мушриклар ёмон кўрсалар ҳам.

10 Эй, иймон келтирганлар! Мен сизларни сизларни аламли азобдан қутқаргувчи савдо сари йўналтирайми?

11 (У савдо тубандагича:) Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига иймон келтирурсиз, Аллоҳ йўлида молингиз ва жонингиз билан жиход қилурсиз. Мана шу сизлар учун яхши (савдо)дир, агар билсангиз.

12 (Ўшанда Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилиб, остидан дарёлар оққан жаннатларга ва Адн

وَاذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ بَنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ التَّوْرَةِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي اسْمُهُ أَحْمَدٌ فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٦﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ وَهُوَ يُدْعَى إِلَى الْإِسْلَامِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٧﴾ يُرِيدُونَ لِيُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُتِمُّ نُورِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿٨﴾ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَى وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ ﴿٩﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَى تَجْرِئٍ تُجِئُكُمْ مِنْ عَذَابِ أَلِيمٍ ﴿١٠﴾ تَتَوَمَّنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ ذَلِكَ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١١﴾ يَعْرِفَ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَيُدْخِلْكُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَمَسْكِنٍ طَيِّبَةٍ فِي جَنَّاتٍ عَدْنٍ ذَلِكَ الْجَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٢﴾ وَأُخْرَى يُحِبُّونَهَا نَصْرَ مِنَ اللَّهِ وَفَتْحَ قُرَيْبٍ وَبَشِيرَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُونُوا أَنْصَارَ اللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ لِلْحَوَارِيِّينَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ فَامَنْتَ طَائِفَةٌ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَكَفَرْتَ طَائِفَةٌ فَأَيْدِنَا الَّذِينَ آمَنُوا عَلَى عُدُوهِمْ فَأَصْبَحُوا ظَاهِرِينَ ﴿١٤﴾

(мангулик) боғла-ридаги покиза масканларга дохил қилур. Бу – улуғ зафардир!

13 Ва бундан бошқа сизлар севган нарсани (ҳам Аллоҳ суйурғол қилар. У –) Аллоҳнинг ёрдами ва яқинда келажак фатх(лар)дир! Сен (бу хабарлар билан) иймондиларни севинтир.

14 Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ (динининг) ёрдамчилари бўлингиз! Худди шу каби Ийсо ибн Марям хаврийларга: «Аллоҳ йўлида ким менга ёрдамчи бўлар» деганда хаворийлар: «Биз – Аллоҳнинг ёрдамчилари!» деган эдилар. Кейин Исройил зурриётларидан бир тоифаси иймон келтириб, (бошқа, кўп) тоифа(лар) кофир бўлишди. Биз эса иймон келтирганларни душманларига қарши қувватлантирдик. Натижада улар музаффар бўлдилар.

¹ «Аҳмад» - бу пайғамбаримизнинг (с.а.в) Инжилда зикр қилинган номидир. Бу исмнинг биринчи маъноси «Аллоҳни мадҳ этувчи» бўлса, иккинчи маъноси «Мадҳ этилган» демақдир. Аммо насоролар (христианлар) инжилларни ўзгартирган пайтда бу исми ҳам бошқа сўзга алмаштириб қўйганлар. Бирок, қадимги логин тилида ёзилган нусхаларда «Параклет» яъни «Мадҳ этилган» деган ном сақланиб қолган.

² Шу кунлардаги охириги маълумотлар тасдиқлаганидек Ислому Дини, мансуб одамларининг сони бўйича жаҳондаги ката динлар орасида етакчи ўринга чиқди.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ الْعَزِيزُ
 الْحَكِيمُ ۝۱ هُوَ الَّذِي بَعَثَ فِي الْأُمَمِينَ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُو
 عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا
 مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ ۝۲ وَعَآخِرِينَ مِنْهُمْ لَمَّا يَلْحَقُوا بِهِمْ
 وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ۝۳ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ
 ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ۝۴ مَثَلُ الَّذِينَ حُمِّلُوا التَّوْبَةَ ثُمَّ لَمْ
 يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْحِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا بِئْسَ مَثَلُ الْقَوْمِ
 الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ۝۵
 قُلْ يَتَّخِذُ الَّذِينَ كَفَرُوا هَادُوا وَإِنْ زَعَمْتُمْ أَنَّكُمْ أَوْلِيَاءُ لِلَّهِ مِنْ
 دُونِ النَّاسِ فَتَمَنَّوْا الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ۝۶ وَلَا يَتَمَنَّوْنَهُ
 أَبَدًا بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ ۝۷ قُلْ إِنْ
 أَلْمَزْتُمْ آلِيَّ فَقُرُونِ مَنَّهُ فَإِنَّهُ مَوْلَىكُمْ ثُمَّ تَرَدُّونَ
 إِلَىٰ عَلَيْهِ الْعَيْبِ وَالشَّهَادَةَ فَيَنْتَقِمُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ۝۸

«Жума» сураси¹ 62

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Аллоҳга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсалар, Малик, Қуддус, Азиз ва Ҳақийм² бўлган Аллоҳга тасбеҳ айтувчилар.

2 У (Аллоҳ) уммий халқ³ ичига уларнинг ўз ораларидан (танлаб олган) пайғамбарини юборди.

У (пайғамбар) уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадир, уларни (ширк ва бошқа гуноҳлардан) поклайдир

¹ Бу сўра ҳам Мадинада нозил бўлгандир ва 11 оятдан иборат.

² Бу исм-сифатларнинг маънолари бўйича бош сўз сарлавҳаларига қаралсин.

³ Араблар онани «уммун» дейдилар. Бинобарин, «уммий» деган сўз «онадан туғилган бўйича илм ўрганмай қолган» деган маънони билдиради. Жоҳилия арабларида илоҳий илм ва маданият йўқ эди.

ва уларга Китоб ҳамда Суннатни ўргатадир. Улар бунга қадар аниқ залолатда эдилар.

3 Ва (Аллоҳ у пайғамбарни) ҳали уларга қўшилмаган бошқа халқларга ҳам (юборгандир)⁴. У Қудратли, Донишманддир.

4 Бу – Аллоҳнинг фазлу қарамидирки, уни ҳоҳлаган бандасига ато қилур. Зеро, Аллоҳ улуғ фазилат соҳибидир!⁵

5 Тавротни (қўлларидан) кўтаргани билан, кейин уни (нг ҳукмларини амалда) кўтармаган одамлар, устига кўп китоб ортилган эшакка ўхшайди. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган қавмнинг мисоли нақадар хуниқ! Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас!

6 (Эй, Мухаммад, уларга) “Ҳой, яҳудлар! Агар сиз “барча одамлар эмас, фақат биз гина Аллоҳ севган бандалармиз” деб ҳисобласангиз, унда.., ўлимни орзу қилинг, агар ростгўй бўлсангиз” деб айтгил.

7 (Йўқ,) улар қилган (кўп гуноҳ) ишлари сабабли ҳеч қачон ўлимни орзу қилмайдилар. Аллоҳ золимларни Билгувчидир.

8 Айт: «Сизлар қўрққан ўлимга албатта йўлиқувчидирсиз. Кейин ғойбни да, ошқорани да Билувчи Зотга қайтарилурсиз. Кейин У сизларга қилмишларингизнинг хабарини бил-

⁴ Бу халқлар саҳобалардан кейин ҳаёт саҳнасига келиб, уларнинг дин-қарвониға қўшилажақ бандалар ёки то қиёматга қадар Ислому уммати сафиға қўшалажақ аҷам (араблардан бошқа) халқлардир.

⁵ Уммий араблар орасидан чиққан Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга пайғамбарчилик фазилати келганда яҳудийлар “Аллоҳ пайғамбарни уммийлар орасидан танлармиди?! Танласа, мана бизларнинг орамиздан танлайди. Чунки, бизда илоҳий китоб – Таврот бордир” деб, иймондан юз бурганлар. Бироқ Тавротнинг ўзи Мухаммад(с.а.в)га иймон келтиришга буюрар эдики, яҳудлар унга амал қилмай кейинги оятда айтилгандай мисолга лойиқ бўлдилар.

9 Эй, иймон келтирганлар! Агар Жума кунида(ги жума) намоз(и)га чақирилса, дархол Аллоҳнинг зикрига шошилигингиз ва савдони (жума намози тугагунга қадар) тўхтатингиз. Бу сизлар учун яхшиди, агар билсангиз.

10 Қачонки, намоз ўқиб бўлингач, Ер юзига тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлу-ризикини изланг. Ва Аллоҳни кўп эсланг. Шоядки, зафарга эришсангиз!

11 Улар савдони ва ўйин-кулгини кўрган заҳоти ўшанга югуриб, сени эса (эй, Мухаммад, масжид минбариди) турган ҳолингда ташлаб кетишди. (Уларга) айт: “Аллоҳнинг хузуридаги савоблар савдо ва ўйин-кулгидан яхшидир. Аллоҳ энг яхши ризк бергувчидир”¹.

«Мунофиқун» сураси² 63

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

12 (Эй, Мухаммад), агар сенга мунофиқлар келса “Биз шоҳидмиз, сен албатта Аллоҳнинг элчисидурсан” дейдилар. Аллоҳ билар, Ўзининг элчиси эканлигингни. Аллоҳ шоҳид бўлар мунофиқларнинг ёлғончилигига³.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْۤا اِذَا نُودِيَ لِلصَّلٰوةِ مِنْ يَّوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا اِلَىٰ ذِكْرِ اللّٰهِ وَذَرُوْۤا الْبَيْعَ ذٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ اِنْ كُنْتُمْ تَعْمَلُوْنَ ﴿١﴾ فَاِذَا قُضِيَتِ الصَّلٰوةُ فَانْتَشِرُوْۤا فِي الْاَرْضِ وَابْغَوْۤا مِنْ فَضْلِ اللّٰهِ وَاذْكُرُوْۤا اللّٰهَ كَبِيْرًا لَّعَلَّكُمْ تَفْلِحُوْنَ ﴿٢﴾ وَاِذَا رَاوْۤا تِجْرَةً اَوْ اَمْوَالًا اَنْفَضُوْۤا اِلَيْهَا وَتَرَكُوْۤا مَا بَقِيَ قَلًا مَّا عِنْدَ اللّٰهِ خَيْرٌ مِّنَ اللّٰهِ وَمِنَ التِّجْرَةِ وَاللّٰهُ خَبِيْرٌ رَّزِيْقٍ ﴿٣﴾

سُوْرَةُ الْمُنٰفِقِيْنَ ﴿٦٣﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ
اِذَا جَآءَكَ الْمُنٰفِقُوْنَ قَالُوْۤا نَشْهَدُ اِنَّكَ لَرَسُوْلٌ مِّنْ اللّٰهِ وَاللّٰهُ يَعْلَمُ اِنَّكَ لَرَسُوْلُهُۥ وَاللّٰهُ يَشْهَدُ اِنَّ الْمُنٰفِقِيْنَ لَكٰذِبُوْنَ ﴿١﴾ اَتَّخَذُوْۤا اٰيْمٰنَهُمْ حٰنَةً فَاَصَدُّوْۤا عَنْ سَبِيْلِ اللّٰهِ اِنَّهُمْ سَآءَ مَا كَانُوْۤا يَعْمَلُوْنَ ﴿٢﴾ ذٰلِكَ بِاَنَّهُمْ ءٰمَنُوْۤا ثُمَّ كَفَرُوْۤا فَطٰعَ عَلٰى قُلُوْبِهِمْ فَهَمْ لَا يَفْقَهُوْنَ ﴿٣﴾ وَاِذَا رَايْتَهُمْ تُعٰجِبْكَ اَجْسَامُهُمْ وَاِنْ يَقُوْلُوْۤا تَسْمَعُ لِقَوْلِهِمْ كَاَنَّهُمْ خُشُبٌ مُّسْنَدَةٌ يَّحْسَبُوْنَ كُلَّ صَيْحَةٍ عَلَيْهِمْ هُمُ الْعٰدُوْنَ فَاحْذَرَهُمْ قٰنَلَهُمُ اللّٰهُ اَفَنْ يُّؤْفٰكُوْنَ ﴿٤﴾

12 Улар қасамларини қалқон қилиб, (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Уларнинг ишлари нақадар қабиҳ!

13 Бунинг сабаби, улар (оғизларида) иймонли, (аммо, қалблари) кофир бўлганлигидир. Натийжада қалбларига (Аллоҳ тарафидан) муҳр босилиб, (фойдаа-зиённи) ажрата олмай қолишди.

14 Агар уларга қарасанг келбатлари сени мафтун қилар. Мабодо (ёлғонни чиндек) сўзласалар, уларга кулоқ соласан. (Бу билан улар) деворга суяб қўйилган ёғоч кабидирлар. (Мудом талвасада яшаганлари сабабли) ҳар бир товушни ўзларининг зиёнига деб ўйлайдилар. Улар – душманларки улардан эҳтиёт бўлгин. Аллоҳ ҳалок қилгурлар, (ҳақиқатдан юз буриб) қайққа кетаяптилар?!)

¹ Жума кунларининг бирида пайғамбаримиз (с.а.в) минбарда хутба қилиб турар эдилар. Баногоҳ, Мадинага шовкин-сурон, шаънушавкат билан савдо қарвони кириб келади. Ўшанда кўп саҳобалар хутбани ташлаб қарвонга югурадилар. Бу оят ана шу воқеъа сабабли нозил бўлгандир.

² Мадинада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

³ Мадинадаги (унинг аввалги номи Ясриб эди) баъзи бир бой, мартабали одамлар эндигина ҳокимият тепасига келай деб турган маҳалда Ясриб арабларининг энг машҳур Авс ва Хазраж қабиласининг етакчилари билан пайғамбаримиз орасидаги ахднома асосида Расулуллоҳ (с.а.в) Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келиб қоладилар ва барча халқ у зотни ягона ҳоким сифатида қабул қилади. Шундоққина кўлида турган ҳокимиятдан ажралиб қолганлар пайғамбаримиздан нақадар дарғазаб бўлсалар ҳам, сир бой бермай, иймон ва исломга содиқмиз деб тез-тез ёлғондан қасам ичиб турар эдилар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا يَسْتَغْفِرْ لَكُمْ رَسُولُ اللَّهِ لَوَأْرَهُ وَسَمُّهُمْ
 وَرَأَيْتَهُمْ يَصُدُّونَ وَهُمْ مُسْتَكْبِرُونَ ﴿٥﴾ سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ
 أَسْتَغْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ إِنَّ
 اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿٦﴾ هُمْ الَّذِينَ يَقُولُونَ
 لَا نُؤْفِقُوا عَلَىٰ مَن عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ حَتَّىٰ يَنْفَضُوا وَيَلَّهَ
 خَرَائِنَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَفْقَهُونَ
 ﴿٧﴾ يَقُولُونَ لِنِ رَجَعْنَا إِلَى الْمَدِينَةِ لِكُحْرِجِجٍ الْأَعْرُ
 مِنْهَا الْأَذَلُّ وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ
 الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٨﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلَاقُوا
 أَمْوَالَكُمْ وَلَا أَوْلَادَكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَمَن يَفْعَلْ
 ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٩﴾ وَأَنْفِقُوا مِنْ مَّا رَزَقْتُمُ
 مِن قَبْلِ أَن يَأْتِكُمْ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَا أَخَّرْتَنِي
 إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقَ وَأَكُن مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٠﴾ وَلَن
 يُؤَخِّرَ اللَّهُ نَفْسًا إِذَا جَاءَ أَجَلُهَا وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١١﴾

سُبُوْحُ النَّجْمَاتِ
 رَتَبَاتُ ١٤
 آيَاتُهَا ١٨

﴿٥﴾ Уларга (тавба қилган ҳолда) келинглар, Расулulloҳ сизлар учун мағфират тилар дейилганда, бўйин тўлғаб кетган эдилар ва сен уларни такаббурлик ила (одамларни (ҳақдан) тўсганин кўрдинг.

﴿٦﴾ Сен улар учун мағфират тиласанг ҳам, тиламасанг ҳам – фарқи йўқ. Аллоҳ уларни ҳеч қачон кечирмас! Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоятга бошламас!

﴿٧﴾ Улар (ўз кишиларига) “Расулulloҳнинг атрофидаги одамларга нафақа қилманглар, хаттоки тарқаб кетгайлар” дейишади. Ахир, осмонлар ва Ер хазиналари Аллоҳга мансубку! Аммо, мунофиқлар (буни) тушунмайдилар.

﴿٨﴾ Улар (яна) “Агар Мадинага қайтсак,

азизлар хор кимсаларни ундан (ҳайдаб) чиқаражак” деганлар¹. Ваҳоланки, азизлик Аллоҳга, Унинг элчисига ва мўминларга хос нарсадир. Аммо, мунофиқлар (буни) билмайдилар.

﴿٩﴾ Эй, иймон келтирганлар! Молудунёнгиз ва болағчақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (ибодатлардан) алахситмасин! Ким шундай қилса, демак улар (икки дунёда) зиён тортувчилардир!

﴿١٠﴾ Сизлардан бирингизга (дафъатан) ўлим (соати) келганда, “Эй, Роббим! Агар мени бир оз муҳлат (жонимни олмай) қўя турсанг, садақалар қилиб, яхши (ибодатгўй) одамлардан бўлардим!” деб қолишдан илгари сизларга Аллоҳ ато қилган нарсалардан садақа қилиб қолингиз!

﴿١١﴾ Ажали (ўлим вақти) келиб қолганда Аллоҳ ҳеч бир жонга муҳлат бермас! Аллоҳ (барча) ишларингиздан хабардордир

¹ Ҳазратларнинг бирида Маккадан хижрат қилиб келган муҳожирлар билан мадиналик ансорлар икки гуруҳга бўлиниб, жанжаллаша бошлайдилар. Буни кўрган мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай: «Ие, ит семирса эгасини копар эканку! Мадинага қайтиб борганда уларга кўрсатиб қўямиз! Азизлар хор келгиндиларни Мадинадан ҳайдаб чиқадилар!» деган эди.

«Тағобун» сураси¹ 64

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Аллоҳга осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар тасбеҳ айтувчилар. Мулк Унингдир ва (барча) ҳамду-санолар Унга ҳосдир. Ва У ҳар бир нарсага Қодирдир!

2 (Эй, инсонлар!) У сизларни яратгандир. Бас, орангизда кофир ҳам бор, мўмин ҳам бор. Аллоҳ эса сизларнинг қилган ишларингизни Кўргувчидир.

3 У осмонлар ва Ерни ҳақ билан яратди, сизларга шакл-суврат берди ва қайтиб борув Унинг Ўзигадир.

4 У осмонлардаги, Ердаги (барча) нарсаларни билар, сизларнинг сирларингизни ҳам сиртингиздаги (ошқора) нарсаларингизни ҳам билар. Аллоҳ (ҳаттоки) кўкракдаги яширин нарсаларни ҳам Билгувчидир!

5 (Эй, мушриклар!) Сизларга аввалда ўтган ва ўз кирдикорларининг жазосини тортган² кофирларнинг хабари келмадими?! Уларга (қиёмат кунинда) аламли азоб бордир!

6 Бунинг сабаби, уларга пайғамбарлари аниқ далилларни олиб келганда «Бизни инсон фарзанди тўғри йўлга бошлармиди?!» деб, кофир бўлишди ва (ҳақиқатдан) юз ўгириб кетишди³. Аллоҳ улардан муҳтож эмасдир. Аллоҳ Бемухтож, мактовга сазовордир.

7 Кофирлар “Биз ҳаргиз қайта тирилмасмиз” деб ўйладилар. Айтинг: “Роббимга қасамки, ундай эмас! Сизлар шубҳасиз қайта тирилтирилажаксиз ва албатта сизларга кирдикорларингизнинг

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَسْبِغُ لَكُمْ فِي الْمَمَاتِ وَالْمَمَاتِ وَالْمَمَاتِ وَالْمَمَاتِ وَالْمَمَاتِ
وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ۝۱ هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسِهِ كَافِرًا
وَمِنْكُمْ مُؤْمِنًا وَاللَّهُ يَمَّا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ۝۲ خَلَقَ السَّمَوَاتِ
وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ وَصَوَّرَكُمْ فَأَحْسَنَ صُوْرَكُمْ وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ ۝۳
يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُسْرُونَ وَمَا تُعْلِنُونَ وَاللَّهُ
عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ۝۴ أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَبُوءُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ
فَذَاقُوا وَبَالَ أَمْرِهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ۝۵ ذَلِكَ بِأَنَّهُ كَانَتْ تَأْتِيهِمْ
رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَقَالُوا أَبَشْرًا نَدِونا فَكَفَرُوا وَقَوْلُوا وَاسْتَعْفَى
اللَّهُ وَاللَّهُ عَفِيٌّ حَمِيدٌ ۝۶ زَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُعَذِّبَهُمُ اللَّهُ
وَيُرِيَهُمْ آيَاتِهِ وَلَنْ نُنزِلَهُمْ بِمَا عَمِلْتُمْ وَذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ۝۷ فَتَأْمُرُوا اللَّهَ
وَرُسُلَهُ وَالنُّورَ الَّذِي أَنْزَلْنَا وَاللَّهُ يَمَّا تَعْمَلُونَ خَيْرٌ ۝۸ يَوْمَ
يَجْمَعُهُمْ لِيَوْمِ الْجَمْعِ ذَلِكَ يَوْمُ التَّلَاقِ وَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ وَعَمَلَ
صَالِحًا يَكْفُرْ عَنْهُ سَيِّئَاتِهِ وَيُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرَى مِنْ تَحْتِهَا
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ۝۹

хабари берилур. Бу Аллоҳ учун енгилдир!

8 Бас, Аллоҳга, Унинг элчисига ва Биз нозил қилган Нурга (Қуръонга) иймон келтирингиз! Аллоҳ амалларингиздан Хабардордир!

9 (Аллоҳ) сизларни йиғилиш (қиёмат) кунига жамлаган Кунни (эслангиз). Бу – “Тағобун” кунидир⁴. Кимда-ким Аллоҳга иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган бўлса, (Аллоҳ) унинг гуноҳларини кечириб, остидан анҳорлар оққан жаннатларга дохил қилур! Улар у ерда абадий қолажаклар! Бу – улкан зафардир!

¹ Бу сураи қарийма Мадинада нозил бўлгандир ва 18 оятдан иборатдир. «Тағобуннинг» маъноси ва шарҳи тўққизинчи оятда мазкурдир.

² Баъзиларининг бошига осмондан тош ёғдири ёққан, баъзиларини эса Ер ютгандир.

³ Улар такаббурлик билан «Бизларга фаришта-пайғамбар келсагина иймон келтирамиз. Ўзимиз каби овқат еб, бозорларда юрадиган инсон фарзанди қандай қилиб пайғамбар бўлсин?!» деганлар.

⁴ “Тағобуннинг “маъноси” савдода баланд келиш “демакдирки «муслмонлар охирадаги жаннат эвазига дунё роҳатидан воз кечиб савдода фойда қилсалар «кофирлар дунё учун охиратини сотиб зиёнга учрадилар .

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ
 النَّارِ خَالِدِينَ فِيهَا وَبئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٠﴾ مَا أَصَابَ مِنْ
 مُصِيبَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ يَهْدِ اللَّهُ قَلْبَهُ، وَاللَّهُ بِكُلِّ
 شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١١﴾ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ فَإِن
 تَوَلَّيْتُمْ فَإِنَّمَا عَلَىٰ رَسُولِنَا الْبَلْغُ الْمُبِينُ ﴿١٢﴾ اللَّهُ لَا إِلَهَ
 إِلَّا هُوَ وَعَلَىٰ اللَّهِ فِلسَتُوكُلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١٣﴾ بِآيَاتِهَا
 الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ مِنْ أَرْوَاجِكُمْ وَأَوْلَادِكُمْ عَدُوًّا
 لَكُمْ فَأَحْذَرُوهُمْ وَإِن تَعَفَوْا وَنَصَفَحُوا وَتَغْفِرُوا
 فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٤﴾ إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ
 فِتْنَةٌ وَاللَّهُ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾ فَأَتَقُوا اللَّهَ مَا اسْتَطَعْتُمْ
 وَأَسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَأَنْفِقُوا خَيْرًا لِّأَنْفُسِكُمْ وَمَنْ
 يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٦﴾ إِن تَقْرَضُوا
 اللَّهُ قَرْضًا حَسَنًا يَضْعَفْهُ لَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ شَكُورٌ
 حَلِيمٌ ﴿١٧﴾ عَلِمُوا الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ ﴿١٨﴾

سُورَةُ الطَّلَاقِ

﴿10﴾ Аммо, кофир бўлиб, Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганлар.., улар дўзах «эгалари» бўлиб, у ерда абадий қолажақлар! Нақадар хуник оқибат!

﴿11﴾ (Бандаларга) етган ҳар бир мусибат Аллоҳнинг изни билангина бўлар. Ва ким Аллоҳга иймон келтирган бўлса, (Аллоҳ) унинг қалбини ҳидоятлаб қўяр. Аллоҳ ҳар нарсани Билгувчидир!

﴿12﴾ Аллоҳга ва пайғамбарга итоат қилингиз! Мабодо, бўйин тўлғасангиз, Бизнинг элчимиз зиммасида аниқ етказишликдан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

﴿13﴾ Ягона Аллоҳдан бошқа (ибодатга лойик) илоҳ йўқдир. Бас, иймонли одамлар фақат Аллоҳга таваккал қилсинлар!

﴿14﴾ Эй, иймон келтирганлар! (Баъзан) завжаларингиз ва фарзандларингиз орасидан

сизларга душман чиқар, улардан огоҳ бўлинг! Агар (уларни) афв этиб, гуноҳларидан ўтсангиз, (билингки) Аллоҳ (ҳам) Мағфиратли, Меҳрибондир.

﴿15﴾ Ҳақиқатда, сизларнинг молларингиз ва фарзандларингиз фитна(синов)дир. Аллоҳнинг олдида буюк ажрлар бор.

﴿16﴾ Аллоҳдан имкон қадар такво қилинг, (пайғамбарнинг ҳукмларига) кулоқ солинг ва итоат қилинг ҳамда (Аллоҳ йўлида) садақа(лар) қилинг. (Бу ишингиз) ўзингизга яхшидир. Ким нафсининг очкўзлигидан сақлана олса, ана ўшаларгина зафар қозонувчилардир.

﴿17﴾ Агар Аллоҳ(динининг ривож)га қарзу ҳасана¹ берсангиз, сизларга бир неча ҳисса² қайтарар ва (бунга қўшимча равишда) гуноҳларингизни мағфират қилар. Аллоҳ Шакур ва Халимдур.

﴿18﴾ (Аллоҳ) ғайбни да, ошкорни да Билгувчи, Азиз, Ҳакимдур³.

¹ Аллоҳ йўлида садақа қилсангиз.

² Ўн ҳиссадан то юз ҳиссага қадар.

³ Аллоҳ таолонинг исм-сифатларидан. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун китобнинг сўз боши қисмидаги “Аллоҳ таолонинг гўзал исм-сифатлари” мавзусига марожаат қилинг.

«Талоқ» сураси¹ 65

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

❶ Эй, пайғамбар (ва мўминлар!) Агар аёлларингизга талоқ бермоқчи бўлсангиз, идда вақтларида талоқ берингиз². Кейин идда муҳлатини ҳисоблангиз ва Роббингиз Аллоҳдан тақво қилингиз. Аниқ фахш (зино) қилмас экан, уларни уйларидан чиқармангиз ва ўзлари ҳам чиқишмасин! Бу – Аллоҳнинг ҳадларидир. Ким Аллоҳнинг ҳадларидан тажовуз қилса, ўзига зулм қилибди. (Эй, Муҳаммад), сен билмассан, шоядки, Аллоҳ мана шундан (ҳад-ҳукмларни сақлаганларидан) кейин (улар учун фойдали) ишни пайдо қилар!³

❷ Агарда аёллар (идда) муҳлатини тамом қилсалар, уларни ё яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшиликчасига ажрашинг. Ва (ярашсангиз ҳам, ажрашсангиз ҳам) ўзларингиздан икки адолатли кишини шоҳид қилинг. (Эй, гувоҳ бўлганлар!) Сизлар Аллоҳ учун (тўғри) гувоҳлик беринг. Бунингиз Аллоҳга ва охиратга иймон келтирган одамларга намуна бўлурлик ишдир. Кимда-ким Аллоҳдан тақво қилар экан, (Аллоҳ) у кишига (барча муаммолардан) чиқиш йўлини очиб қўяр

❸ ва унга ҳаёлига ҳам келмаган тарафдан ризқ етказар. Ва кимда-ким

¹ Бу сура Мадинада нозил бўлган ва 12 оятдан иборатдир.

² «Идда муҳлатида талоқ берингиз» дегани, иддасига қадар, ҳайздан пок ҳолатида ва жинсий яқинлик қилмасдан туриб талоқ беринг демакдир.

³ Мусулмонлар талоқ масаласига энгил қарамасинларки, у жуда жиддий масаладир ва ўзига хос қонун-қоидалари бордир. Агар қонунларига риоя қилиб талоқ берганлар бўлса, улар ҳам талоқ қилинган аёлини уйдан ҳайдаб чиқмасинлар. Чунки, талоқ қилинган аёл то идда муҳлати тўлгунга қадар (яъни уч маротаба ҳайз “кўриб”, уч бора пок бўлгунгача) эрнинг уйида ўтиришга ҳақлидир. Бу муддат асносида эр унинг барча маиший эҳтиёжларини қаноатлантиришга масъул. Аммо, талоқ аёлнинг фоҳишалиги сабабли берилган бўлса, у ҳолда қонун-қоидаси билан талоқ қилган эр уни уйдан чиқариб юборишлиги мумкин.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَطَلِقُوهُنَّ لِعَدَّتِهِنَّ وَأَحْصُوا
 الْعِدَّةَ وَاتَّقُوا اللَّهَ رَبَّكُمْ لَا تَخْرُجُوهُنَّ مِنْ بُيُوتِهِنَّ
 وَلَا يَخْرُجْنَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَحِشَةٍ مُبَيَّنَةٍ وَتِلْكَ حُدُودُ
 اللَّهِ وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ لَا تَدْرِي لَعَلَّ
 اللَّهُ يَحْدِثُ بَعْدَ ذَلِكَ أَمْرًا ❶ فَإِذَا بَلَغَ أَحْلَاهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ
 بِمَعْرُوفٍ أَوْ فَارِقُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَأَشْهِدُوا ذُوَيْ عَدْلِ مِنْكُمْ
 وَأَقِيمُوا الشَّهَادَةَ لِلَّهِ ذَلِكَ كُمْ بُوْعُظٌ بِهِ مَنْ كَانَ يَوْمِي
 بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ❷ وَيَرْزُقْهُ
 مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ❸ إِنَّ اللَّهَ
 بَلِغٌ أَمْرٍ ❹ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا ❺ وَالَّتِي بَيَّسَنَ
 مِنَ الْحَمِيضِ مِنْ نِسَائِكُمْ إِنْ رُبْتُمْ فَقَدْتِهِنَّ ثَلَاثَةَ أَشْهُرٍ
 وَالَّتِي لَمْ يَحْضَنْ وَأُولَتْ الْأَحْمَالَ أَجْلَهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ
 وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مِنْ أَمْرِهِ إِسْرًا ❻ ذَلِكَ أَمْرُ اللَّهِ أَنْزَلَهُ
 إِلَيْكُمْ وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَكْفُرْ عَنْهُ سَيِّئَاتِهِ وَيُعْظِمْ لَهُ أَجْرًا ❼

Аллоҳга таваккал қилса, Ўзи кифоя қилар. Аллоҳ Ўз амрини тугал адо этгувчидир. Аллоҳ ҳар бир нарсага миқдор (тақдир) белгилаб қўйгандир.

❶ Энди, (талоғи берилган) аёлларингиз орасида ҳайз кўрмайдиганлари (кекса ёшдагилари) бўлса, ва (“Буларнинг иддаси қандай бўлар?” деб) шубҳага тушсангиз, (билингки) уларнинг иддалари уч ойдир. Аммо, (балоғатга етмагани ёки бошқа бир сабаб туфайли) ҳайз кўрмаган аёллар бўлса, (уларнинг иддалари ҳам уч ойдир). Ҳомиладор аёлларнинг иддалари эса – ҳомиласидан бўшагунга қадар. Ким Аллоҳдан тақво қилса, (Аллоҳ) унинг ишларини энгил қилар.

❷ Сизларга Аллоҳ нозил қилган буйруқ – ушбудир. Ким Аллоҳдан тақво қилса, унинг гуноҳларини ўчирад ва ажру савобларини улғайтирад.

أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وَجْدِكُمْ وَلَا تُضَارِزُوهُنَّ لِيُضَيِّقُوا
 عَلَيْهِنَّ وَإِنْ كُنَّ أُولَاتٍ حَمَلٍ فَأَنْفِقُوا عَلَيْهِنَّ حَتَّىٰ بَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ
 فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ وَأَتَمِرُوا مِنْكُمْ مَعْرُوفٍ وَإِنْ
 تَعَاَسَرْتُم فَسُدِّضُوا لَهُنَّ آخَرَىٰ ﴿٦﴾ لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِنْ سَعَتِهِ
 وَمَنْ قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ لَا يَكْفِ اللَّهُ نَفْسًا
 إِلَّا مَاءً آتَاهَا سَيَجْعَلُ اللَّهُ بَعْدَ عُسْرٍ يُسْرًا ﴿٧﴾ وَكَأَيِّنْ مِنْ قَرْيَةٍ
 عَدَّتْ عَنْ أَمْرِ رَبِّهَا وَرُسُلِهِ فَحَاسَبْنَاهَا حِسَابًا شَدِيدًا وَعَذَّبْنَاهَا
 عَذَابًا نَكِيرًا ﴿٨﴾ فَذَاقَتْ وَبَالَ أَمْرِهَا وَكَانَ عِقَبُهُ أَمْرًا حَسْرًا ﴿٩﴾
 أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فَاتَّقُوا اللَّهَ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ الَّذِينَ ءَامَنُوا
 قَدْ أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ ذِكْرًا ﴿١٠﴾ رَسُولًا يَتْلُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِ اللَّهِ مُبَيِّنَاتٍ
 لِيُخْرِجَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ
 وَمَنْ يُؤْمِن بِاللَّهِ وَيَعْمَلْ صَالِحًا يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا
 الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا قَدْ أَحْسَنَ اللَّهُ لَهُ رِزْقًا ﴿١١﴾ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ
 سَبْعَ سَمَاوَاتٍ وَمِنَ الْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَنْزِلُ الْأَمْرُ بَيْنَهُمْ لِنَعْلَمُونَ أَلَا
 اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴿١٢﴾

6 Уларга¹ имкон қадар ўз
 уйларингиздан ўрин беринг. Уларга
 таъийқ ила зуғум ўтказманг. Агар улар
 ҳомилали бўлиб қолган бўлсалар, ҳомила-
 сидан бўшангунга қадар уларга нафақа
 беринглар. Агарда сизлар учун (фарзан-
 дингизни) эмизиб берса, ҳақини (яхшилаб)
 тўланглар² ва (хизмат ҳақини) ўзаро,
 яхшилик билан келишиб олинглар. Агар
 (келиша олмай) қийналсангиз, унга
 (фарзандини) бошқа аёл эмизиб берар.

7 Бой одам бойлигидан (бемалол)
 нафақа қилсин. Кимнинг ризқи ченалган

(камбағал) бўлса, Аллоҳ ато қилган
 нарсалардан (имкон қадар) ғамхўрлик
 қилсин. Аллоҳ ҳеч кимни Ўзи ато
 қилганидан ошиқча нарса(ни нафақа
 қилиш)га буюрмас. Аллоҳ тез орада
 машаққат ортидан енгиллик берар.

8 (Қадимда) не қадар шаҳар-қишлоқлар
 (аҳолиси) Роббиси ва Унинг
 элчиларининг буйруқларидан бош
 тортишди. Кейин Биз улар билан кескин
 ҳисоблашиб, ёқимсиз азоблар
 9 Улар қилмишларининг жазосини
 тотишди. Қилмишларининг оқибати
 зиёнли бўлди.

10 (Охиратда эса) Аллоҳ улар учун
 аламли азоб тайёрлаб қўйгандир. Бас,
 Аллоҳдан кўрқингиз, эй иймон келтирган
 ақл соҳиблари! Дарҳақиқат, Аллоҳ
 сизларга нозил қилди зикрни –

11 (Аллоҳнинг) элчи(си)ни. У эса, иймон
 келтириб, солиҳ амал қилганларни
 зулматлардан нурга чиқариш учун
 сизларга Аллоҳнинг аниқ оятларини
 тиловат қилиб берар. Ким Аллоҳга иймон
 келтириб, солиҳ амал қилса, уни
 тағларидан анҳорлар оқадиган
 жаннатларга дохил қилур. Улар у ерда
 абадий қолурлар. Аллоҳ унга ризқни
 (Жаннатни) ато-эҳсон қилиб берди!

12 Аллоҳ етти осмонларни ва Ердан ҳам
 ўшанчасини яратди. Уларнинг (еру
 осмоннинг) орасида (Унинг) амру-
 фармонлар(и) – Аллоҳ ҳар нарсага Қодир
 эканлигини ва Аллоҳ ҳар нарсани Ўз
 илми билан ихота қилганлигини
 билишингиз учун – тушиб турар.

¹ Талоғи берилган аёлларга.

² Талоқ қилинган аёл агар идда муҳлати
 асносида «кўз ёрса», фарзанд отаники
 бўлгани сабабли, аёл болани эмизгани
 эвазига собиқ эридан ҳақ олиши – агар уни
 талаб қилса – жоиздир. Бу ҳолда унга иш
 ҳақи тўлаб беришга эр масъул бўлади.

«Таҳрим» сураси¹ 66

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Эй, пайғамбар! Нега сен аёлларингнинг ризолиги учун Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ўзинга ҳаром қилурсан?! Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир!

2 Аллоҳ сизларга қасамдан озод бўлишни(нг йўл-йўриғини) фарз қилди². Сизларнинг хожангиз Аллоҳдир. У Билгувчи, Донишманддир.

3 Бир пайт пайғамбар аёлларидан баъзисига сир очди (ва ҳеч кимга ошкор қилмасликни тайинлади). Аммо, аёли уни ошкор қилиб юборганда, Аллоҳ буни унга (Ўз пайғамбарига) билдирди. (Пайғамбар эса Аллоҳ билдирган нарсалардан) баъзисини (аёлига) айтди, баъзисини айтмади. Унга айтганда у: “Буларни сизга ким билдирди?” деган эди, (пайғамбар) “Билгувчи, Хабардор Зот билдирди” деди.

4 (Эй, пайғамбарнинг икки аёли!) Агар сизлар Аллоҳга тавба қилсангиз, қалбларингиз (пайғамбар севган нарсани севишга) мойил бўлар. Аммо унга қарши чиқсангиз (билингики) унинг хожаси – Аллоҳдир! Ундан сўнг унинг

¹ Бу сураи карима Мадинада нозил бўлиб, 12 оятдан иборатдир. Сураинг «Таҳрим» (ҳаром қилиш) деб номланганининг сабаби тубандагича: Кунларнинг бирида пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб онамизнинг уйидан асал ичиб чиқиб, Хафса ва Оиша оналаримизнинг уйларига қирадилар. Кейинги икки завжалари Зайнаб онамизга қаттиқ кундошлик қилар эдилар. Кейин иккалалари тил бириктириб пайғамбаримизга «Оғзингиздан бадбўй хид келаяпти» дейдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса завжаларининг кўнгли учун «Бундан буён асални оғзимга олмайман!» деб онт ичадилар. Бу оятлар пайғамбаримизга анна шу ишлари учун итоб ва таълимдир.

² Қасамдан озод бўлшининг Аллоҳ таоло ўргатган (фарз қилган) қоидасига кўра, онтини бузган одам ўн мискинни тўйдиради ёки бир қул озод қилади. Агар буларга қодир бўлмаса уч кун рўза тутиб беради.



ёрдамчилари Жибрийл, солиҳ иймонли мўминлар ва фаришталардир³.

5 Агар у сизларни талоқ қилса, Аллоҳ сизлардан яхшироқ, мусулмон, иймонли, итоатли, тавба қилгувчи, серибодат ва рўза тутувчи қиз-жувонларни бадал қилиб бериши ҳеч гап эмас.

6 Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни ва оила аъзоларингизни дўзахдан сақлаб қолингки, унинг ўтинлари одамлардан ва тошлардандир. Устида эса Аллоҳнинг фармонларига ҳеч қачон қарши чиқмаган ва фақат буюрилган нарсани бажарадиган, (осийларга) бераҳм ҳамда шиддатли фаришталар бордир.

7 Эй, кофирлар! Бу (қиёмат) кунда узр

³ Бу оятдаги сир очган аёл Хафса онамиздир. У сирни Оиша онамизга айтиб қўяди. Бу ерда итоб уларнинг иккисига тенг тегишли: бири сирни очганлиги учун, иккинчиси бировнинг сирини эшитганлиги учун.

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً صَوْحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ
 أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم جَنَّاتٍ تَجْرَى
 مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يَوْمَ لَا يُخْزِي اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا
 مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَىٰ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا
 أَنْتُمْ لَنَا نُورٌ نَا وَأَغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٨﴾
 يَتَأْتِيهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفْرَانَ وَالْمُنَافِقِينَ وَأَغْلَظْ عَلَيْهِمْ
 وَمَا وَنَهُمْ جَهَنَّمُ وَيَسَّ الْمَصِيرُ ﴿٩﴾ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا
 لِلَّذِينَ كَفَرُوا أَمْرَاتٍ نُّوحٍ وَأَمْرَاتٍ لُوطٍ كَاتَا تَحْتَ
 عِبْدَيْنِ مِنْ عِبَادِنَا صَالِحَيْنِ فَخَاتَاهُمَا فَلَمَّ يُغَيِّبْ عَنْهُمَا
 مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَقِيلَ ادْخُلَا النَّارَ مَعَ الدَّٰخِلِينَ ﴿١٠﴾
 وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا أَمْرَاتٍ فِرْعَوْنَ إِذْ
 قَالَتْ رَبِّ ابْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ وَبِخِي مِنْ فِرْعَوْنَ
 وَعَمَلِهِ وَبِخِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿١١﴾ وَمَرْيَمَ ابْنَتَ
 عِمْرَانَ الَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا فَنَفَخْنَا فِيهِ مِنْ رُوحِنَا
 وَصَدَقَتْ بِكَلِمَاتِ رَبِّهَا وَكُتِبَ عَلَيْهَا مِنَ الْقَنِينِ ﴿١٢﴾

сўрамай кўя колинг. (Чунки), сизлар кирдикорларингизга яраша жазо олмокдасиз, холос!

﴿٨﴾ Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга чин қалбдан тавба қилингиз! (Ўшанда) Роббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, тагидан анхорлар оққан жаннатларга дохил қилса ажаб эмаски, у (қиёмат) кунда Аллоҳ пайғамбар ва у билан бирга бўлганларни шарманда қилмас! Уларнинг (Аллоҳ берган) нурлари ўнг тарафларида ва олдиларида жилва қилганда “Эй, Роббимиз! Нурумизни батамом бергил! Гуноҳларимизни кечиргил! Сен ҳар нарсага Қодирдурсан!” дерлар.

﴿٩﴾ Эй, пайғамбар! Кофирлар ва мунофиқларга қарши жиход қил ва уларга ўктам бўл. Уларнинг борар жойлари дўзахдир. Нақадар хуник оқибат!.

﴿١٠﴾ Аллоҳ кофирлар(нинг оқибати қандай бўлишини билдириш) учун Нух ва Лутнинг аёлларини мисол қилди. Бу икки аёл ҳам Бизнинг солиҳ бандаларимиз (никоҳи) остида эди. Бас, иккала аёл ҳам икки пайғамбарга хиёнат қилдилар. Кейин икки пайғамбар ҳам Аллоҳ тарафидан (азоб тариқасида) келган нарсадан икки аёлни кутқара олмади. Ва (охиратда) икки аёлга “Киргувчилар билан бирга дўзахга қирингиз” деб хитоб қилинди.

﴿١١﴾ Аллоҳ мўмин бандаларга (намуна учун) Фиръавннинг аёлини мисол келтирди. Бир пайтда у: “Эй, Парвардигорим! Менга хузурингда – Жаннатда бир уй бино қилиб бер! Мени Фиръавн ва унинг кирдикоридан озод қил! Менга золимлардан нажот бер!” деган эди.

﴿١٢﴾ (Яна Аллоҳ) Имроннинг кизи Марямни ҳам (гўзал намуна қилди). У номусини сақлаган қиз бола эди. Кейин (Биз унга Жибрийлни юбориб), Кейин Биз унга Ўз Руҳимизни пуфладик.¹ У (Марям) эса, Роббисининг Сўзларини ва Китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди.

¹ Жибрийл фаришта Марямнинг ёқасидан пуфлаганда, ўша дам унинг бачадонида боради ва Аллоҳнинг «Бул!» фармони билан ундан Ийсо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлади. Мана шу сабабли бошқа баъзи оятларда Ийсо алайҳиссаломни "Калимуллоҳ" (Аллоҳнинг Сўзи) деган номи зикр қилингандир.

«Мулк» сураси¹ 67

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Буткул оламлар) мулк(и) Ўз Қўлида бўлган Аллоҳ Баракотлидир ва У барча нарсага Қодирдир!

2 У сизлардан кимингиз энг яхши амал қилишингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратди. У – Қудратли, Мағфиратлидир!

3 У етти осмонни қават-қават қилиб яратди. Сен Раҳмоннинг яратганида ҳеч бир нуқсон топа олмаган! Энди яна бир бор қара: айб-нуқсон кўра олдингми?!

4 Кейин қайта-қайта назар сол. Кўз(ларинг) сенга (ҳеч айб топа олмай) толиб-чарчаган ҳолда қайтаверар.

5 Биз дунё осмонини юлдуз-чироклар билан безадик ва уларни шайтонларга отилғувчи тошлар қилдик. Ва у(шайтон)ларга кизиган дўзах азобини ҳозирлаб қўйдик.²

6 Роббисига кофир бўлганлар учун Жаҳаннам азоби бордир! На қадар ёмон жойдир у!

7 Қачон улар (кофирлар) жаҳаннам ичига улоктирилгач, унинг қайнаб турган ҳолатида даҳшатли товушини эшитадилар.

8 (Жаҳаннам кофирларга нисбатан) нафрат сабабли ёрилгудек бўлар. Ҳар қачон унга бир тўда (кофирлар) ташлангач, унинг (фариштадан бўлган) қоровуллари: “Сизларга оғохлантирувчи (пайғамбар) келмаганмиди?” деб сўрарлар.

9 Улар: “Ҳа. Бизга оғохлантирувчи келган. Аммо, биз уни ёлғончига чиқариб, “Аллоҳ сизларга ҳеч нарса нозил қилмаган. Сизлар чўнг адашувдасиз” деган эдик” дейдилар.

10 Улар (яна афсус билан) айтадиларки: “Агар биз (ўша пайғамбарга) қулоқ солиб, ақлимизни ишлатганимизда (бугун) дўзах “эгалари” бўлмас эдик!”

¹ Бу сура Маккада нозил бўлган ва 30 оятдан иборат.

² Тобеин уламоларидан Қатоданинг баъзи ҳадисларга таяниб айтишича, юлдузлар уч мақсад учун: 1) осмонларга зийнат, 2) йўловчиларга белги, 3) шайтонларга тошбўрони бўлиш учун яратилгандир. (Табарий) Демак, юлдузларга қараб фолбинлик қилиш (мунажжимлик, астрология) залолат ва кофирликдир.

سُورَةُ الْمُلْكِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

تَبَرَكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ 1 الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا وَهُوَ الْعَزِيزُ الْغَفُورُ 2

الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ طِبَاقًا مَا تَرَى فِي خَلْقِ الرَّحْمَنِ مِن تَفَوتٍ فَأَرْجِعِ الْبَصَرَ هَل تَرَى مِن فُطُورٍ 3 ثُمَّ أَرْجِعِ الْبَصَرَ كَرَّتَيْنِ يَنقَلِبْ إِلَيْكَ الْبَصَرُ خَاسِئًا وَهُوَ حَسِيرٌ 4 وَلَقَدْ زَيَّنَّا السَّمَاءَ الدُّنْيَا بِمَصَابِيحٍ وَجَعَلْنَاهَا رُجُومًا لِلشَّيَاطِينِ وَأَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابَ السَّعِيرِ 5 وَلِلَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَيُسَّ الْمَصِيرُ 6 إِذَا ألقُوا فِيهَا سَمِعُوا لَهَا شَهِيقًا وَهِيَ تَفُورٌ 7 تَكَادُ تَمَيَّزُ مِنَ الْغَيْظِ كُلَّمَا أَلْقِي فِيهَا فَوْجٌ سَأَلْتَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَيْسَ لَنَا نَذِيرٌ 8 قَالُوا بَلَى قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ اللَّهُ مِن شَيْءٍ إِنْ أَنشَأْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ كَبِيرٍ 9 وَقَالُوا لَوْلَا نَسَمِعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ 10 فَأَعْرَفُوا بِذُنُوبِهِمْ فَنَسَحُوا لَهَا أَصْحَابِ السَّعِيرِ 11 إِنَّ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِالْغَيْبِ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ 12

11 Шундай қилиб улар гуноҳларига иқрор бўлдилар. Дўзахилар (Аллоҳ раҳматидан) олисдир!

12 Ғайбдаги Роббисидан қўрққан зотларга эса, (Аллоҳ тарафидан бўлажак) мағфират ва буюк ажрлар бордир!

13 (Эй, бандалар!) Сиз яширин сўзлайсизми ёки ошқорами, У кўкраклардаги нарсаларни Билгувчидир!

14 (Кўкрак сирларин) Яратган Зот билмай қолармиди! Ваҳоланки У Ўта нозик Билувчи³ ва (барча нарсалардан) Хабардордир.

³ Биз “ўта нозик Билувчи” деб таржима қилган сўз оят матнида “Ал-Латийфдир”. Бу эса Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг исм-сифатларидан бири бўлиб, унинг бир маъноси “Нозик илми барча махфий-ошқора нарсаларга ўтувчи” деган маънони билдиради. Бу исмининг бундан бошқа маънолари ҳақида сўз бошидаги “Аллоҳ таолонинг гўзал исм-сифатлари мавзусига қаралсин.

وَأَسِرُوا قَوْلَكُمْ أَوِ اجْهَرُوا بِهِ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿١٣﴾ أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ ﴿١٤﴾ هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ ذُلُولًا فَأَمْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ ﴿١٥﴾ أَمْ أَمْنُكُمْ مَنْ فِي السَّمَاءِ أَنْ يُخَيِّفَ بِكُمْ الْأَرْضَ فَإِذَا هِيَ تَمُورُ ﴿١٦﴾ أَمْ أَمْنُكُمْ مَنْ فِي السَّمَاءِ أَنْ يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا فَسَتَعْمُونَ كَيْفَ نَذِيرٍ ﴿١٧﴾ وَلَقَدْ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿١٨﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا إِلَى الطَّيْرِ فَوْقَهُمْ صَفَيْتَ وَيَقْبِضَنَّ مَا يُمْسِكُهُنَّ إِلَّا الرَّحْمَنُ إِنَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ بَصِيرٌ ﴿١٩﴾ أَمْ هَذَا الَّذِي هُوَ جَدُّكُمْ يَنْصُرُكُمْ مِنْ دُونِ الرَّحْمَنِ إِنِ الْكَافِرُونَ إِلَّا فِي غُرُورٍ ﴿٢٠﴾ أَمْ هَذَا الَّذِي يَرْزُقُكُمْ إِنْ أَمْسَكَ رِزْقَهُ بَلْ لَجُوا فِي عُتُوٍّ وَنُفُورٍ ﴿٢١﴾ أَمْ أَنْ يَمْسِيَ مُكِبًّا عَلَى وَجْهِهِ أَهْلَى الْأَرْضِ يَمْشُونَ سَبِيلًا عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٢٢﴾ قُلْ هُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَالْأَفْئِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿٢٣﴾ قُلْ هُوَ الَّذِي ذَرَأَكُمْ فِي الْأَرْضِ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾ وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْوَعْدُ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٥﴾ قُلْ إِنَّمَا أَعْلَمُ عِنْدَ اللَّهِ وَإِنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ مُبِينٌ ﴿٢٦﴾

15 У сизлар учун Ерни бўйсунгувчи қилди. Бас, унинг чор тарафида (бемалол) юриб, ризқларидан енглар. Қайтиш эса Унинг Ўзигадир.¹

16 (Эй, кофирлар!) Осмондаги Зот² сизларни ерга юттириб юборишидан омондамисиз?! Баногоҳ, у (ер) изтиробга тушса (ва сизларни ҳалок қилса) чи?!

17 Ёки сизлар, осмондаги Зот устингизга тош учирган бўронни юборишидан омондамисиз?! Яқинда Менинг огоҳлантиришим қандай бўлишини билиб оларсиз!

18 Улардан аввалги (кофир) қавмлар ҳам (пайғамбарларни инкор қилиб) ёлгончи деган эдилар. Кейин менинг инкор қилганим (азоб юборганим) қандок бўлди?!³

19 Улар устиларидаги, қанотини ёйиб-ййиб учаётган куш(лар)га қарамайдиларми! Уларни (ҳавода) Меҳрибон Зотгина ушлаб тура олар. У ҳар нарсани Кўргувчидир!

20 (Эй, кофирлар!) Ким экан у, Меҳрибон Зотдан ўзга сизларга ёрдам бера оладиган аскарингиз?! Кофирлар адашувдан бошқада эмаслар!

21 Агар (Аллох) Ўз ризқини тўхтатиб қўйса, сизларни ким ризқлантира олар?! Йўқ! Улар хануз туғенда ва (ҳақдан) қочишликдадир!

22 Ким тўғри йўл топгувчироқ: юз тубан (ерга қараб) кетаётган кишими ёки Тўғри Йўл узра (тик ва) текис бораётган кишими?⁴

23 (Эй, Муҳаммад), айтгин: “У (Аллох) сизларни (йўқдан) бор қилиб, кўз, кулоқ ва юракларни бергандир. Сизлар эса жуда оз шуқр қилаяпсизлар.

24 Айтгин: “У сизларни Ер узра ундиргандир ва (қайта тирилган пайт) Ўзига гина жамланурсиз.

25 Улар (кофирлар) “Агар ростгўй бўлсангиз, анави (қайта тирилиш ҳақидаги) ваъда қачон?” дейдилар.

¹ Аллох таоло бўйсундиргани сабабли Ер титраб, ёрилиб кетмай, биз унинг қўйнида хоҳлаган тарафга йўналиб, тинчгина савдосотиқ ва бошқа тирикчилигимизни қилиб, Аллохнинг ризқларини омонликда териб еб юрибмиз. Кофирлар эса мана шу неъматларни риоя (ибодат) қилмай, Яратганинг муқаррар азобига йўлиқмоқдалар.

² Оят матнида осмондагининг ким эканлиги очик айтилмаган. Аммо, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу ҳадисларидан биз осмондагининг ким эканлигини билиб оламиз: “*Кимда-ким ердагиларга раҳм қилса, унга осмондаги раҳм қилар*” (Бухорий ва Термизий ривояти). Шунингдек, имом Табарий ҳам ўз тафсирида “Осмондаги – бу Аллох” деган.

³ Аллох таоло Лут алайҳиссаломнинг мушрик қавмини ерга юттириб, устларидан тошли бўрон юбориб қийратган эди. Зеро, бу Аллохнинг суннатидирки, пайғамбарни тан олмай, ҳовлиққан одамларни алал оқибат Аллох ҳам инкор қилар ва уларга осмону ердан турли балолар юбориб ҳалок қилар.

⁴ Бу ояти қаримада фақат дунё ҳаётининг орзуларию ташвишлари билан яшаб, олисдаги (нарғи) дунё ҳаёти ҳақида ўйламаган одамлар ерга қараб, қоқилиб-сурилиб кетаётган кишига, аммо, олисни кўзлаб, яъни охират ҳаётини ҳам ҳисобга олиб, солиҳ амаллар қилароқ, ҳалол яшаб ўтаётган одамлар бошини баланд кўтариб, текис йўлда бораётган кишига такқосланаёпти.



26 Айтгин: “(У ҳақдаги) илм Аллоҳнинг хузуридадир. Мен эса, (ғайбни билмайман ва) аниқ огоҳлантиргувчиман холос”.

27 Қачонгина (дўзахни) яқиндан курганларида кофирларнинг юзлари қорариб кетар ва уларга “Мана шу сизлар сўраган нарса” дейилар.¹

28 Айтгин: “(Ўйланиб) кўрмайсизларми, агар мени ва мен билан бирга бўлган мўминларни Аллоҳ ҳалок қилса (у ҳолда бизга охират роҳати бордир) ёки (агар узун умр бериб) бизга раҳм айласа, (Ўзига ибодат қилиб яшайвераимиз. Аммо сизнинг жонингизни олса, унда) сизларни аламли азобдан ким сақлаб қолар?!”

29 Айтгин: “У – Меҳрибон Зотдир. Биз Унга иймон келтирдик ва таваккал қилдик. Сизлар эса, ким аниқ залолатда эканлигини яқинда² билип оласиз.

30 Айтгин: (Эй, кофирлар! Ўйланиб) кўрмайсизларми, агарда сизларнинг сувларингиз ер остига сингиб кетар бўлса, у ҳолда сизларга Оқар сувни ким келтириб бера?³

«Қалам» сураси⁴ 68

فَلَمَّا رَأَوْهُ زُلْفَةً سَيِّتَتْ وُجُوهُ الَّذِينَ كَفَرُوا وَقِيلَ هَذَا الَّذِي كُنْتُمْ بِهِ تَدْعُونَ ﴿٢٧﴾ قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَهْلَكْنِي اللَّهُ وَمَنْ مَعِيَ أَوْ رَحِمْنَا فَمَنْ يُجِيرُ الْكَافِرِينَ مِنْ عَذَابِ أَلِيمٍ ﴿٢٨﴾ قُلْ هُوَ الرَّحْمَنُ أَمَّنَّابَهُ وَعَلَيْهِ تَوَكَّلْنَا فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ هُوَ فِي ضَلَالٍ مُبِينٍ ﴿٢٩﴾ قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَصْبَحَ مَاؤُكُمْ غَوْرًا فَمَنْ يَأْتِيكُمْ بِمَاءٍ مَعِينٍ ﴿٣٠﴾

سُورَةُ الْقَلَمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
ت وَالْقَالِمِ وَمَا يَسْطُرُونَ ﴿١﴾ مَا أَنْتَ بِنِعْمَةِ رَبِّكَ بِمَجْنُونٍ ﴿٢﴾ وَإِنَّ لَكَ لَأَجْرًا غَيْرَ مَمْنُونٍ ﴿٣﴾ وَإِنَّكَ لَعَلَى خَلْقٍ عَظِيمٍ ﴿٤﴾ فَسَبِّحْهُ وَابْحُورْهُ ﴿٥﴾ بِأَيِّكُمْ الْمَفْسُوفُونَ ﴿٦﴾ إِنْ رَبُّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ ﴿٧﴾ فَلَا تَطَّعِ الْمُكْذِبِينَ ﴿٨﴾ وَدُّوْا لَوْ تَدْرَهُنَّ فَيَدَّبُهُنَّ ﴿٩﴾ وَلَا تَطَّعِ كُلَّ حَلَّافٍ مَهِينٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَشْأَاءٍ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَنَّاعٍ لِلْخَلْعِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ عَتَلٌ بَعْدَ ذَلِكَ زَنِيمٍ ﴿١٣﴾ أَنْ كَانَ ذَا مَالٍ وَبَنِينَ ﴿١٤﴾ إِذَا تَتَلَّى عَلَيْهِ ءَايَاتُنَا قَالِ كَاسْطِيرٍ الْأُولِينَ ﴿١٥﴾

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!
Нун.⁵ Қаламга ва улар (фаришталар ва инсонлар) ёзган нарсага қасам ичиб (айтаман):
29 (Эй, Муҳаммад), сен Роббингнинг неъматни (пайғамбарлик) сабабли ақлдан озган киши эмасдирсан!⁶
30 (Пайғамбарлик ташвишларин кўтарганинг учун) сенга туганмас савоблар бордир!

сураининг яна бир номи “Нундир”.
5 “Нун” одатдагидек маънодан айри ҳарфлар жумласидандир. Бундай ҳарфларнинг аниқ маъноси фақат Аллоҳга маълумдир.
6 Пайғамбаримизга (с.а.в) илохий хабарлар (вахий) кела бошлагач, араб мушрикларига улар ибодат қилаётган ҳар қандай, Аллоҳдан бошқа худоларнинг ёлғонлигини айтган эдилар. Ушанда мушриклар “Бунга нима бўлган ўзи?! Нега ота-боболар динидан бош тортаяпти? Балки, уни жинлар йўлдан оздираётгандир?!” деганлар. Юқоридаги оятда Робби таоло қалам ва у ёзган нарсаларга қасам ичиб, Ўзининг пайғамбари мушриклар сифатлаган нарсалардан пок эканлигини баён қилмоқда.

1 Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва саллам Макка мушрикларига охиратни эслатар бўлса, улар: “Бу сўзларингни қачон бас қиласан?! Ҳадеб “қайта тирилиш, қайта тирилиш” деяверасан. Азар бўлар бўлса, унингни тезроқ бўлдирмайсанми!” деб масхара қилар эдилар.
2 Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг “яқинда” деган сўзидан мақсад киёмат кунидир. Бизнинг инсоний ҳисоб бўйича киёматнинг бўлишига балким бир неча юз ёки бир неча минг йиллар бордир. Аммо, Аллоҳга нисбатан бу муҳлатларнинг ҳаммаси оз арзимаган вақтдир.
3 Аллоҳ яратган табиат қонунларига биноан, Ер сувлари Кун ҳарорати билан буғланиб, осмонга кўтарилиб, ундан пайдо бўлган булутларни Меҳрибон Аллоҳ муҳтож инсонлар сари ҳайдаб, уларни ёмғир билан баҳраманд қилади. Ёмғир натижасида эса дарё, булок, кудук сувлари ҳосил бўлади. Энди, Аллоҳ таоло Ўзи пайдо қилган сувни Ернинг теран қатламларига сингдириб юборса ва сув манбаи бўлган ёмғирни ҳам ёғдирмай қўйса, уни Аллоҳдан бошқа ким пайдо қила олар?!
4 “Қалам” деб номланган бу сура Маккада нозил бўлган ва 53 оятдан иборат. Бу

سَنَسِمُهُ عَلَى الْخُرطومِ ﴿١٦﴾ إِنَّا بَلَوْنَهُمْ كَمَا بَلَوْنَا أَصْحَابَ الْجَنَّةِ إِذْ أَقْسَمُوا لَيَصْرِمُنَّهَا مُصْبِحِينَ ﴿١٧﴾ وَلَا يَسْتَوُونَ ﴿١٨﴾ نَطَّافٌ عَلَيْهَا طَائِفٌ مِّن رَّبِّكَ وَهُمْ نَائِبُونَ ﴿١٩﴾ فَأَصْبَحَتْ كَالصَّرِيمِ ﴿٢٠﴾ فَنَادُوا وَامُّصْبِحِينَ ﴿٢١﴾ أَيْنَ أَغْدُوا وَعَلَى حَرْيِكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَرِيمِينَ ﴿٢٢﴾ فَأَنطَلَقُوا وَهُمْ يَخِفُّونَ ﴿٢٣﴾ أَنْ لَا يَدْخُلنَهَا الْيَوْمَ عَلَيْكُمْ مَسْكِينٌ ﴿٢٤﴾ وَعَدُوا عَلَى حَرْوٍ قَدِيرِينَ ﴿٢٥﴾ فَلَمَّا رَأَوْهَا قَالُوا إِنَّا لَضَالُونَ ﴿٢٦﴾ بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ ﴿٢٧﴾ قَالَ أَوْسَطُهُمْ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ لَوْلَا نَسِيحُونَ ﴿٢٨﴾ قَالُوا أَسْبَحَنَ رَبَّنَا إِنْ آتَانَا كِتَابًا لَّمِينًا ﴿٢٩﴾ فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ يَتَلَومُونَ ﴿٣٠﴾ قَالُوا يَا بَنِي آدَمَ كَانُوا ظَالِمِينَ ﴿٣١﴾ عَسَى رَبَّنَا أَنْ يُبدِلَ لَنَا خَيْرًا مِنْهَا إِنَّا إِلَى رَبِّنَا رَاغِبُونَ ﴿٣٢﴾ كَذَلِكَ الْعَذَابُ وَالْعَذَابُ الْآخِرَةُ أَكْبَرُ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾ إِنْ لِلْمُتَّقِينَ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّتِ النَّعِيمِ ﴿٣٤﴾ أَفَنَجْعَلُ لِلْمُتَّقِينَ كَالْمُجْرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿٣٦﴾ أَمْ لَكُمْ كِتَابٌ فِيهِ تَدْرُسُونَ ﴿٣٧﴾ إِنْ لَكُمْ فِيهِ لَمَّا تَخْبِرُونَ ﴿٣٨﴾ أَمْ لَكُمْ آيَاتُنَّ عَيَّنَّا بِرِيعَةٍ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ إِنْ لَكُمْ لِمَّا تَحْكُمُونَ ﴿٣٩﴾ سَلِّمُوا إِلَيْهِمْ بِذَلِكَ زَعِيمٌ ﴿٤٠﴾ أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ فَلْيَأْتُوا بِشُرَكَائِهِمْ إِنْ كَانُوا صَادِقِينَ ﴿٤١﴾ يَوْمَ يُكشَفُ عَن سَائِقٍ وَيُدْعَوْنَ إِلَى السُّجُودِ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ ﴿٤٢﴾

4 Ва сен буюк хулқ устидадирсан.¹

5 Яқинда (қиёмат келиб, ҳақиқат ошкор бўлганда) кўрарсан, улар (мушриклар) ҳам кўрарлар –

6 Ким фитналанган (адашган) эканлигини.

7 Роббинг билгучирокдир, Ўз йўлидан ким адашиб кетганлигини ва кимлар хидоят топганлигини.²

¹ Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг хулқи ҳақида сўралганда, Оиша онамиз: “Унинг хулқи Куръоннинг ўзгинасидир” деб жавоб берган эдилар.

² Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва саллам “Аллоҳдан ўзга ибодатга муносиб илоҳ йўқдир. Ундан бошқа худоларнинг барчаси ботилдир! Сизларнинг боболарингиз эса ибодат масаласида адашган кимсалар эди!” деб даъват бошлаганда, мушриклар унинг олдига келиб, “Кел, мураса қилайлик, сен бизнинг худоларга тил теккизма, боболаримизни аблама, ўшанда биз ҳам сенинг динингга қаршилик қилмаймиз” деб таклиф қилишган эди. Бу оятда Аллоҳ уларга қандай жавоб бериш кераклигини баён қилди.

8 (Динни) ёлғон деганларга итоат қилма!

9 Сен уларга мулойимлик қилсанг, улар ҳам сенга мойил бўлмоқ истадилар.

10 Бас, итоат қилмагил ҳар бир тубан қасамхўрга.

11 (Одамлар орасин бузмоқ учун) ғийбатнамит билан тарқатган чақимчиларга.

12 Ҳаддан ошган, осий, яхшилик душманларига.

13 Кўпол ҳамда ундан сўнг.., (отаси) тайинсиз одамларга.³

14 У бой ва серфарзанд бўлгани сабабли,

15 Ўзига Бизнинг оятларимиз ўқилганда “(Бу қадимги халқларнинг афсоналарику!)” деди.

16 Биз яқинда уни нақ тумшугидан тамғалаб кўярмиз.⁴

17 Биз (бир пайт) уларни худди боғ-бўстон эгаларини синаганимиз каби синадик.⁵

(Боғ эгалари) боғни(нг ҳосилини) эрта тонгда йиғиб олишга қасам ичишди.

18 (Аммо) улар “Аллоҳ ҳоҳласа” деган сўзни ҳисобга олмадилар.

19 Кейин улар ухлаб ётган пайтларида боғ устига Роббинг тарафидан (юборилган) бир айлангуччи (олов) айланиб турди...

20 (ва боғни қамраб олгач), у (батамом ёниб) қоронғу тунга (ўхшаш куйиндига) айланиб қолди!

³ Куръону Карим ҳақиқатлари ёйилмаслиги учун Ислому вакиллари билан “тил топишиб” олишга ҳаракат қилган қасамхўр, отаси бетайинлар ҳар бир замонда мавжуддир. Пайғамбаримиз замонида ана шундай пасткашлардан бири ўта бой, серфарзандлиги билан кеккайган Валид бин Муғира исмли киши эди.

⁴ Аллоҳ таоло кўпинча Исломининг ашаддий душманларининг юзларига мана шундай шармандали, бадбашара “белги” кўяди. Охиратда эса, уларни азобга солганда, энг аввал уларнинг юзларида азобнинг қора белгиси зоҳир бўлади.

⁵ Макка мушрикларини Аллоҳ дунё неъматлари билан баҳраманд қилиб, уларга тавба қилиш ва ҳақиқатга қайтиш учун муҳлат берди. Лекин, улар иймонга қилиш ўрнига ҳаддан ошиб кетишди ва охиратларини куйдириб олишди. Кейинги оятларда Аллоҳ уларнинг бу қилиғини мўл ҳосил қилган боғларидан эҳсон қилишга қизганган ва натижада Аллоҳнинг қаҳрига учраб, боғлари куйиб кетган одамларга ўхшатади.

21 Улар эса (ҳеч нарсдан беҳабар) тонг азонда бир-бирларини чақира бошлади:

22 (Ҳей), агар (ҳосил) йиғмоқчи бўлсангиз, экинзорингизга эртароқ юрмайсизми?!”

23 Кейин (барчаси уйларида) чиқиб, йўлга тушишди, (мана бундай) шивирашиб:

24 “Бугун сизнинг устингизга – боғ ичига ҳеч ким кириб қолмасин!”

25 Улар тонг саҳарда (мискинларни ҳосилдан бенасиб қолдириш) қасди ила (мақсадларини амалга оширишга ўзларича) қудратли бўлиб бордилар.

26 Кейин.., (қоп-қора бўлиб турган) боғни куриб, “Биз адашиб (бошқа боққа келиб) қолибмиз” дедилар. (Ҳақиқат аён бўлгач эса):

27 “Балки, биз (боғдан) маҳрум бўлибмиз!” (деб пушаймон бўлдилар)

28 (Ўшанда) уларнинг адолатлироқ бири: “Мен сизларга “тасбеҳ айтинг” (“Аллоҳ хоҳласа” денг) демабмидим!” деди.

29 (Шундагина улар): “Роббимиз (барча нуқсондан) Покдир! Биз ўзимизга зулм қилгувчилардан бўлдик!” дейишди.

30 Кейин бир-бирларига қараб, ўзаро маломат қилиша бошлади ва...

31 “Ҳолимизга вой! Биз (дарҳақиқат) ҳаддан ошибмиз” дейишди.

32 “Энди Роббимиз унинг ўрнига яхшироғини бергай эди! Албатта биз (энди) Роббимизга рағбат қилгувчимиз!”

33 (Уларга дунёвий) азоб шундай! Агар билсалар, охират азоби каттароқдир.

34 Такводорлар учун эса, Роббисининг хузурида Наим жаннатлари бордир.

35 (Эй, Макка мушриклари!) Биз мусулмонларни жинояткорлар сингари қилармидик.¹

36 Сизларга не бўлди, қандай ҳукм чиқараяпсизлар?!

37 Ё сизларда уни сабоқ қилиб ўқиган (илоҳий) китобларингиз борми?

38 (Ёки) у (китоб ичида) сизлар учун ўзингиз хоҳлаган нарса(лар) борми?

39 Ёки бизнинг зиммамизда сизлар учун то қиёмат “Сизлар хоҳлаган (барча) нарсалар сизларга мумкин” деган аҳду паймон бормиди?

40 (Эй, Муҳаммад), улардан сўрачи, кимиси

бунга қафилдир?

41 Ёки уларнинг (тилақларини ижобат қиладиган Аллоҳдан ўзга) худолари борми? Агар ростгўй бўлсалар, олиб келишсин ўша худоларини!

42 (Қиёмат) куни Болдир очилиб, (барча халқлар) саждага чакирилганда, улар (мушриклар саждага) кодир бўлмай қоладилар.²

43 Кўзлари жовдираб, уларни хорлик ўраган ҳолда турурлар. Улар (дунё ҳаётида) соғ-саломат) бўлиб (саждага яраб) турганда саждага чорланишган эди.

44 (Эй, Муҳаммад!) Сен бу Сўзни (Қуръонни) ёлғон деганларни Менга қўйиб бер. Биз уларни билмаган тарафларидан **истидрож**³ қилурмиз.

45 Мен уларга (истидрож) муҳлат(ини) берарман. Менинг ҳийлам пухтадир.

46 Ё бўлмаса (эй, Муҳаммад, сен улардан даъватинг учун) иш ҳақи сўраяпсанми ва улар тўлашдан кийналаяптиларми!

47 Ёки уларнинг хузурида ғайб (илми) бормики, (уни ўз хоҳишларига муносиб равишда) ёзиб олсалар?!⁴

² Абу Саид Худрий разияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у зот мана бундай деганлар: “*Мен Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг мана бундай деганларини эшитдим: (Қиёматдаги оғир кунда) Роббимиз Ўзининг (бемисл) Болдирини очади ва ҳар бир иймонли эркак ва аёллар саждага бўй ташлайдилар. Ўшанда бу дунёда риё учун сажда қилиб юрганлар (ва мутлақо сажда қилмаганлар) ҳам сажда қилмоқ учун борарлар. Аммо, уларнинг умуртқалари қотиб, саждага ярамай қоладилар*”. (Бухорий (4419) ва Муслим (183) ривоятлари)

³ “Истидрожнинг” маъноси, аста-секин, даражама-даража гуноҳ зиналаридан кўтариб бориб азобга гирифтор қилиш демақдир. Аллоҳ таоло юраги тош бўлиб, қулоғи том битиб қолган кофирларни “истидрож” қонуни билан азобга муносиб қилади. Яъни, аввалига ундай кофирларни азобга солмайди. Аксинча, баъзиларига узун умр, баъзиларига катта бойлик беради. Кофирлар эса ҳаддан ошиб, гуноҳлари кўпайиб, буюк азобга муносиб бўлиб бораверади.

⁴ Агар Муҳаммад (с.а.в) дин ўргатгани учун иш ҳақи сўрамаса, улар ғайбдаги Тақдир Китоби бўлмиш Лавҳул Махфузни дарс қилиб ўқиб, унга ўз хоҳишларига муносиб тақдирни ёзиб олмаган бўлсалар нега

¹ Аллоҳга итоат қилганлар билан осийлар ва кофирларнинг оқибати ҳеч қачон бир хил бўлмас.

خَشِيعَةً أَبْصَرَهُمْ تَرْهَقَهُمْ ذَلَّةٌ وَقَدْ كَانُوا يُدْعَوْنَ إِلَى السُّجُودِ وَهُمْ سَلِيمُونَ ﴿٤٣﴾ فَذَرْنِي وَمَنْ يُكَذِّبْ بِهَذَا الْحَدِيثِ سَنَسْتَدْرِجُهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٤﴾ وَأَمْ لِي لَهُمْ إِنْ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا ﴿٤٥﴾ أَمْ تَسْتَهْتِكُمْ أَمْ أَجْرَاهُمْ مِنْ مَعْرَمٍ يُشْقُونَ ﴿٤٦﴾ أَمْ عِنْدَهُمُ الْغَيْبُ فَهُمْ يَكْتُوبُونَ ﴿٤٧﴾ فَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تَكُنْ كَصَاحِبِ الْحُوتِ إِذْ نَادَى وَهُوَ مَكْظُومٌ ﴿٤٨﴾ لَوْلَا أَنْ تَذَرْتَهُ نِعْمَةٌ مِنْ رَبِّي لَنَسِيْدَ بِالْعُرَاءِ وَهُوَ مَذْمُومٌ ﴿٤٩﴾ فَأَجْنِبْهُ رِبَّهُ فَجَعَلَهُ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٥٠﴾ وَإِنْ يَكَادُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَيُزْلِقُونَكَ بِأَبْصَرِهِمْ لَمَّا سَمِعُوا الذِّكْرَ وَيَقُولُونَ إِنَّهُ لَمَجْنُونٌ ﴿٥١﴾ وَمَا هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْعَالَمِينَ ﴿٥٢﴾

سُوْرَةُ الْحَقْلَةِ
 ١٩ آيَاتٍ
 ٥ آيَاتٍ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 الْحَاقَّةُ ﴿١﴾ مَا الْحَاقَّةُ ﴿٢﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحَاقَّةُ ﴿٣﴾ كَذَّبَتْ ثَمُودُ وَعَادٌ بِالْقَارِعَةِ ﴿٤﴾ فَأَمَّا ثَمُودُ فَأَهْلِكُوا بِالطَّاغِيَةِ ﴿٥﴾ وَأَمَّا عَادٌ فَأَهْلِكُوا بِرِيحٍ صَرْصَرٍ عَاتِيَةٍ ﴿٦﴾ سَخَّرَهَا عَلَيْهِمْ سَبْعَ لَيَالٍ وَثَمَنِيَةَ أَيَّامٍ حُسُومًا فَتَرَى الْقَوْمَ فِيهَا صَرْعَى كَأَنَّهُمْ أَعْجَازُ نَخْلٍ حَاوِيَةٍ ﴿٧﴾ فَهَلْ تَرَى لَهُمْ مِنْ بَاقِيَةٍ ﴿٨﴾

48 Бас, сен Роббинг ҳукмига сабр қил! Балиқ “эгаси” (Юнус пайғамбар) каби (қавмнинг инжиқлигига бесабр) бўлма! Бир пайт у (балиқ ичида) ютилган ҳолда Роббисига дуо қилган эди.¹

49 Агарда унга Роббисининг неъматини етмаганда, маломат қилинган ҳолда яйдок ерда (қаровсиз) ташлаб қўйилган бўларди.²

50 Кейин Роббиси уни (яна пайғамбарлик учун) танлаб, солиҳ инсонлардан қилди.

ҳақиқатга бунчалар бепарво бўлулар?! Нима учун Аллоҳнинг элчисига бу каби ўчақишла душманлик қиларлар!?

1 Юнус алайҳиссаломнинг саргузашти ҳақидаги бирмунча муфассал баён “Анбиё”, “Соффо” ва “Юнус” сураларида мазкурдир.

2 Аммо ундай бўлмади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Юнусни қаровсиз ташлаб қўймади. Унинг дуосини эшитиб, унга раҳм қилгани сабабли, улкан балиқ уни яйдок ерга оғзидан чиқариб юборгани заҳоти, у ерга ошқовок ўсимлигини ўстириб, унинг ҳолсиз танасини илоҳий қўланга билан роҳатлантирди.

51 (Эй, Муҳаммад), кофирлар Куръонни эшитган пайтларида (ҳасад сабабли) сени кўзлари билан мусибатламоқчи бўладилар ва “у – жиннидур!” дейдилар.

52 У (Куръон) барча оламлар учун зикр-насихатдан ўзга эмасдир.

«Ал-Ҳааққа» сураси³ 69

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Ал-Ҳааққа!

2 Ал-Ҳааққа дегани недур?

3 (Эй, Муҳаммад, агар Биз билдирмасак) Ал-Ҳаққанинг нелигин сен қайдан билардинг.⁴

4 “Самуд” ва “Од” (қавмлари) киёматни ёлғон дедилар.⁵

5 Кейин..., Самуд (халқи юракларни ёргувчи) ҳайқириқ билан ҳалок қилинди.

6 Аммо Од (халқлари) эса қутурган бўрон билан яксон қилиндилар.

7 (Аллоҳ) у(шамол)ни уларнинг устига етти тун ва саккиз кун тўхтовсиз ҳукмон қилиб қўйди. Бас, сен (эй, йўловчи) у ердаги (мушрик) одамларни, чириган хурмо дарахтлари каби (қулаб) ўлиб ётганини кўрарсан.

8 Энди қарачи, (улардан бирортаси ўлмади) қолганини кўрармикинсан?

9 Кейин Фиръавн ва ундан аввалги (кофир) қавмлар ва тўнтарилган шаҳар (халқи яъни, Лут қавми) кофирлик(ни касб) қилишиб,

10 Роббисининг элчисига қарши чиқишган

3 Эллик уч оятдан иборат бўлган бу сура ҳам Маккада нозил қилингандир. Ал-Ҳааққанинг маъноси “ҳақиқатда бўлгучи” демакдир.

4 «Ал-Ҳааққа» киёматнинг бир неча аталишларидан биридир. Киёматнинг бундан бошқа «Ал-Қориа» (Қаттиқ қоқувчи), «Ал-Воқеъа» (Воқеъа), «Ат-Тоомма» (Қатта офат), «Ас-Соохха» (Қаттиқ товуш), «Ас-Соъа» (Соат) ва ҳоказо номлари бордир.

5 “Самуд” – бу Ҳижр деган (ҳозирги Саудия давлатига қарашли) жойда яшаган қадимий халқ номидир. Аллоҳ сабҳонаҳу ва таоло уларга Солиҳ пайғамбарни юбориб, Аллоҳга ҳамда киёматга иймон келтиришларини ва Ўзининг пайғамбари кўрсатган тарзда яшашни буюрган эди. “Од” эса, Ҳазрамувт деган жойда яшаган қадимий халқнинг номидир. Аллоҳ сабҳонаҳу ва таоло уларга Худ пайғамбарни юборган эди. Ҳар икки қавм ҳам ўз пайғамбарларини ёлғончиға чиқарганда уларга Аллоҳнинг балоси келган.

эди, (Роббилари) уларни қаттиқ азоб билан қийратди.

11 (Нух давридаги) сув (тўфони) тошганда эса, Биз (кофирларни ҳалок қилиб) сизларни кема узра кўтариб қўйдик.

12 Уни (кемани) сизларга сабоқ қилиш учун ва онгли (одамларнинг) кулоқлар(и) англашлари учун.

13 Энди қачонки, Сур (карнайи) бир марта чалинганда,

14 Ва Ер билан тоғлар кўтарилиб, (бир-бирига) бир бора урилганда (ва тоғлар упу каби майдаланиб, ер билан яксон бўлганда),

15 Худди ўша кунда Вокеъа (киёмат) бўлар!

16 Ва осмон ёрилар! (Чунки), у кунда (осмон) ҳилвираб қолган эди.

17 Унинг теграсида эса фаришталар (Аллохнинг амрига мунтазир турурлар). Ва уларнинг устида саккиз (дона кучли фаришталар) Роббингнинг Аршини кўтариб турганда...

18 Худди ўша кунда сизлар (Роббингизга) йўликтирилажаксиз. Ҳеч бир сирингиз яширин қолмас.

19 Кимга (амал) китоби ўнг тарафидан берилса, у (севинганча мана бундай) дейди:

وَجَاءَ فِرْعَوْنُ وَمَنْ قَبْلَهُ. وَالْمُؤْتَفِكَتْ بِالْحَاطِطَةِ ۙ فَعَصَا رَسُولَ رَبِّهِمْ فَأَخَذَهُمْ أَخْذَةً رَابِيَةً ۙ إِنَّا لَمَالَطِفَا الْمَاءِ حَمَلْنَاكُمْ فِي الْجَارِيَةِ ۙ لِنَجْعَلَهَا لَكُمْ تَذْكُرَةً وَتَعِيهَا أُذُنٌ وَعِيَةٌ ۙ فَإِذَا نُفِخَ فِي الصُّورِ نَفْحَةً وَاحِدَةً ۙ وَجُمِلَتِ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ فَدُكَّتَا دَكَّةً وَاحِدَةً ۙ فَيَوْمَئِذٍ وَقَعَتِ الْوَاقِعَةُ ۙ وَانْشَقَّتِ السَّمَاءُ فَهِيَ يَوْمَئِذٍ وَاهِيَةٌ ۙ وَالْمَلِكُ عَلَى أَرْجَائِهَا وَيَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَنِيَةٌ ۙ يَوْمَئِذٍ تُعْرَضُونَ لَا تَخْفَى مِنْكُمْ خَافِيَةٌ ۙ فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ ۙ فَيَقُولُ هَؤُلَاءِ مِثْلِي ۙ أَفَرَأَى أُكْتِبِيَهُ ۙ إِنِّي ظَنَنْتُ أَنِّي مُلْكٌ حَسْبَابِيَةٌ ۙ فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَاضِيَةٍ ۙ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ قَطُوفُهَا دَانِيَةٌ ۙ كَلِمًا وَأَشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا أَسْلَفْتُمْ فِي الْأَيَّامِ الْخَالِيَةِ ۙ وَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِشِمَالِهِ ۙ فَيَقُولُ يَلْبِثُنِي لِزُؤْتِ كِتَابِيهِ ۙ وَلَرَأَى مَا حَسْبَابِيَةٌ ۙ يَلْبِثُهَا كَانَتْ الْقَاضِيَةَ ۙ مَا أَعْنَى عَنِّي مَالِيَةٌ ۙ هَلَكَ عَنِّي سُلْطَانِيَةٌ ۙ خَذُوهُ فَعُوقُوهُ ۙ قُرْ الْجَحِيمَ ۙ صَلُّوهُ ۙ قُرْ فِي سَلْسَلَةٍ ۙ دَرَعَهَا سَبْعُونَ دَرَاعًا ۙ فَاسْلُكُوهُ ۙ إِنَّهُ كَانَ لَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ ۙ وَلَا يَحْضُ عَلَى طَعَامِ الْمَسْكِينِ ۙ

¹ Киёмат бошланишининг бир белгиси, Исрофил фариштаннинг “Сур” деб номланган улкан карнайни тортишлигидир. Ўша карнай тортилар заҳоти тупроқ остида чириб ётган таналар, гўё ёмғирдан кейинги қўзикоринлардек ердан униб чиқа бошлар. Кейин уларга руҳлари учиб келиб, таналар руҳлар билан бирлашар. (Яна қаран: “Таквир” сураси, 7-оят)

² Аллоҳ субханаҳу ва таолонинг Буюк Аршини кўтариш вазифаси юкланган фаришталарнинг куч-қуввати ва улканлиги хақида Абу Довуднинг “Сунанида” келтирилган бир ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “...Аршини кўтарган фаришталардан бирининг қўлоғининг юмшоғидан то елкасига қадар етти юз йиллик йўлдир” (Аллома Ибн Касир. “Тафсийрул Қуръонул Азийм”)

³ Ҳа. У кунда ҳар бир бандани Аллохнинг ўзи сўроққа олар. Халқларга бу дунёда қилган барча ишлари ёзилган амал китоблари тарқатилар. У битикларни инсонинг елкасидаги икки фаришта батафсил ёзган эди. Ўшанда яхшиларнинг амал саҳифалари ўнг тарафидан, ёмонларники эса орқа ва сўл тарафларидан берилур. Ўнг тарафдан берилганлар масрур, сўл тарафдан берилганлар эса маҳзун бўлурулар.

“Хей, мана, менинг китобимни ўқинглар!

20 Мен бу ҳисобимга йўлиқишга аниқ ишонган эдим!”

21 Кейин у ўзи рози бўлган маишатда –

22 Энг олий жаннатда бўлар!

23 Унинг мевалари эгилиб (яқин) турар.

24 (Кейин уларга айтилар:) Ўтган (дунё) кунларингизда қилган (яхши) амаллар эвазига енглар, ичинглар – ош бўлсин!

25 Аммо, (амал) китоби сўл тарафидан берилган (одамлар пушаймон бўлиб, бундай) дейдилар: “Қошки, менинг китобим берилмай қўя қолсаydi!

26 Ва ҳисобим(нинг натийжаси) қандай бўлгани билмасам эди!

27 Қанийди, у (менинг ўлимим) ҳал қилувчи бўлса (яъни, қайта тирилиш бўлмаса!)

28 Менга молу-дунём фойда бермай қолди!

29 (Ўзимни оқлашга) менинг ҳеч қандай ҳужжат-далилим қолмади!”⁴

⁴ “Тафсийрул Муяссар”.

فَلَيْسَ لَهُ الْيَوْمَ هَهُنًا حَمِيمٌ ۝ وَلَا طَعَامٌ إِلَّا مِنْ غَسِيلِ ۝ لَا يَأْكُلُهُ
 إِلَّا الْخَاطِئُونَ ۝ فَلَا أَقْسِمُ بِمَا تُبْصِرُونَ ۝ وَمَا لَا تُبْصِرُونَ ۝
 إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ۝ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَا تُؤْمِنُونَ ۝
 وَلَا يَقُولُ كَاهِنٍ قَلِيلًا مَا نَذِرُونَ ۝ نَزِيلٌ مِنْ رَبِّ الْعَالَمِينَ ۝ وَلَوْ
 نَفَقْنَا عَلَيْنا بَعْضُ الْأَقْوَابِلِ ۝ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِالْيَمِينِ ۝ ثُمَّ لَقَطَعْنَا
 مِنْهُ الْوَتِينَ ۝ فَمَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَاجِزِينَ ۝ وَإِنَّهُ لَئِن دُرِّكِرَهُ
 لِلْمُنْفِقِينَ ۝ وَإِنَّا لَنَعْلَمُ أَنَّ مِنْكُمْ مُكَذِّبِينَ ۝ وَإِنَّهُ لَحَسْرَةٌ عَلَى
 الْكَافِرِينَ ۝ وَإِنَّهُ لَحَقُّ الْيَقِينِ ۝ فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ ۝

سُورَةُ الْمَعَارِجِ
 ٧٠ آياتها
 ٤٤

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 سَأَلَ سَائِلٌ بِعَذَابٍ وَاقِعٍ ۝ لِلْكَافِرِينَ لَيْسَ لَهُ دَافِعٌ ۝ مِنَ
 اللَّهِ ذِي الْمَعَارِجِ ۝ تَعْرُجُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ إِلَيْهِ فِي
 يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ ۝ فَاصْبِرْ صَبْرًا جَمِيلًا ۝
 إِنَّهُمْ بَرُونَ لَهُ ۝ بَعِيدًا ۝ وَنَزَلَتْ قَرِيبًا ۝ يَوْمَ تَكُونُ السَّمَاءُ كَالْهَيْلِ
 ۝ وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ ۝ وَلَا يَسْتَلُّ حِمِيمٌ حَمِيمًا ۝

30 (Эй, фаришталар!) уларни ушлаб, кишанланглар!

31 Кейин дўзахга улоктиринглар!

32 Ундан сўнг узунлиги етмиш зирь бўлган занжирга ўтказинглар! ¹

33 (Чунки) у Улуғ Аллоҳга иймон келтирмади.

34 Ва мискинларни таомлантиришга (одамларни) тарғиб қилмади.

35 У (азобли) кунда у ерда унга (хеч бир) дўсту-ёр бўлмас.

36 Таом ҳам бўлмас. Фақатгина “ғислийн”

(деган таом) бўлур. ²

37 Уни гуноҳкорлар гина (мажбуран) ерлар.

38 Мен сизлар кўриб турган нарсалар билан онт ичиб...

39 Ва кўра олмаган нарсалар (билан онт ичиб айтаманки:)

40 У (Қурьону Карим) улуғ пайғамбарнинг (Аллоҳ ўргатган) сўзидир!

41 У шоирнинг сўзи эмасдир! Жуда ҳам оз иймон келтираяпсизлар!

42 У коҳиннинг ҳам сўзи эмасдир! (Оят билан коҳин сўзи орасидаги фарқни)

жуда оз эсламоқдасиз ³

43 У оламлар Роббиси тарафидан туширилгандир.

44 Агарда у (Мухаммад Қурьондаги) баъзи сўзларни ичидан тўқиб, Бизга тўнкаса,

45 Биз уни (жазолаш учун) кувватла ушлаб,

46 Кейин юрак томирин узиб юборган бўлардик.

47 Кейин сизнинг орангиздан хеч ким ундан (Бизнинг жазони) тўса олмас эди.

48 У (Қурьон) такводорлар учун насихатдир.

49 Орангизда (Қурьонни) ёлғонга чиқарганлар борлигини Биз яхши билармиз.

50 У (Қурьон) кофирлар учун хасратдир. ⁴

51 У – аниқ ҳақиқатдир!

52 Бас, энди (тасбеҳлар айтиб) Улуғ Роббинг номини поклагил! ⁵

¹ Бир зирь ўргача 60-70 см.га баробар. Арабча матнда «فَأَسْكُرُ» «фаслукувху» тарзда келган сўзнинг луғавий маъноси «ўтказмодир». Демак, гуноҳкор бандаларни узунлиги етмиш (!) зирь бўлган занжирга, худди кабобни сихга ўтказилгани каби ўтказилар. Бу оятга Аллома Абдурраҳмон Саъдийнинг тафсирида баён қилинишича, узун занжир кофирларнинг орқасидан киргизилиб, оғзидан чиқарилади. Бундай азобдан Аллоҳ Ўз паноҳида сакласин!

² «Ғислийн» - бу дўзахда куйган гуноҳкорлар баданидан оқиб чиққан йиринглардан иборат “таомдир”. У ўта қайноқ, аччиқ ва одам токат қилмас даражада сассикдир!

³ Баъзи кофирлар “Мухаммад жинлар билан боғланиш қиладиган коҳиндир. Унга хабарларни жинлар етказиб туради” деганлар. Мазкур оятлар ўша кофирларга жавобдир.

⁴ Қурьону Каримнинг кофирлар учун қайғу бўлиши, охирагда улар “Эҳ, аттанг! Мана шу Қурьонга амал қилиб яшаганимизда шундай азобларга гирифтор бўлмас эдик” деб қайғургани сабаблидир. (Саъдий)

⁵ Аллоҳ субҳанаху ва таоло Ўзини бандаларга Ўзи танигандир. Яъни Ўз Китобида Ўзининг гўзал исмлари ва тенгсиз сифатлари ҳақида баён қилгандир. Демак, Аллоҳни таниш бобида бизга Аллоҳ ва Унинг расули ўргатган исмлардан четга чиқмаслик лозим. Ўшандагина банда Аллоҳни поклай олади. Дарвоқеъ, мўминлар “субҳаналлоҳ!” деб тасбеҳ айтадилар. Бу сўзнинг маъноси эса “Мен Аллоҳга барча

«Маъориж» сураси¹ 70

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ (Мушриклардан) бир суровчи² сўради, тушгувчи азоб ҳақида,

² кофирлар устига. (Азоб албатта келар. Ушанда) уни қайтаргувчи бўлмас.

³ (У азоб) Маъориж (поғоналар)³ Эгаси – Аллоҳ тарафидан (келар).

⁴ Фаришталар ва Рух Унга (Аллоҳ таолога) миқдори эллик минг йилга баробар бўлган кунда кўтарилурлар.⁴

⁵ (Эй, Муҳаммад), сен (мушрикларнинг қилиқларига) чиройли сабр қил.

⁶ Улар уни (азоб келишини) олис (маҳол) деб ўйлайдилар.

⁷ Биз эса яқин (аник) деб биламиз.

⁸ У кунда осмон эритилган мис каби (бўлар).

⁹ Тоғлар эса, титилган жун каби (бўладир).

¹⁰ (У кунда) дўст (ўз) дўст(и)ни(нг ҳолини) сўрай олмас.

¹¹ Уларни (бир-бирларига) кўрсатилар. Гуноҳкор(лар) ўшал кун(нинг азобидан кутулиш учун, ўзларининг) фарзандларини,

¹² Аёлини ва ака-укаларини,

¹³ Ўзига суянчиқ бўлган қариндошларини,

¹⁴ Ва (қўйингки), Ер юзидаги барча одамларни қурбон қилиб, ундан кейин (дўзахдан) нажот топишни хоҳлаб қолади.

¹⁵ Йўқ, у (дўзах) алангали оловдирки,

¹⁶ Териларни шилиб олғувчи!

муносиб, ижобий исмлар ва сифатларни исбот қиламан ва Уни барча ноқис сифатлардан поклайман” демақдир.

¹ Бу сурайи қарийма Маккада нозил бўлиб, 44 оятдан иборатдир. “Маъорижнинг” маъноси “Шотилар” ёки “Поғоналар”.

² Бу кофир Назр ибн Ҳорис исми киши эди. У пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламни масҳара қилиб, “Бизга сен ваъда қилган азоб қачон келади?” деб сўради ва “Эй, Аллоҳ! Агар Қуръонни Муҳаммадга ўзинг туширганинг чин бўлса, бизнинг устимизга тош ёғдириб юборгайсан!” деб дуо қилди. (Ибн Касийр)

³ Бу ерда етти қават осмонлар поғоналарга ўхшатиляпти.

⁴ Бу оятдаги “Рух” сўзини Саъдий ва Ибн Касийр “жон” деб тафсир қилганлар. “Жалолоайн” сохиблари эса “Рух бу – Жибрийл фаришга” деганлар.

يَبْسُرُونَهُمْ يَوْمَ الْمَجْزِمْ لَوْ يَفْتَدِي مِنْ عَذَابٍ يَوْمَئِذٍ بِبَنِيهِ

وَصَحْبَتِهِ وَأَخِيهِ ¹² وَفَصَلَّتْهُ أَلْتِي تَوْبِهِ ¹³ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ

جَمِيعًا تَنْبِجِيهِ ¹⁴ كَلَّا إِنَّمَا لَطَى ¹⁵ تِرَاعَهُ لِلشَّوْئِي ¹⁶ تَدْعُوا

مَنْ أَدْبَرُ وَتَوَلَّى ¹⁷ وَجَمَعَ فَأَوْعَى ¹⁸ * إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا

¹⁹ إِذَا مَسَّهُ الشَّرْجُوعَا ²⁰ وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعَا ²¹ إِلَّا

الْمُصَلِّينَ ²² الَّذِينَ هُمْ عَلَى صَلَاتِهِمْ دَائِمُونَ ²³ وَالَّذِينَ فِي

أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَعْلُومٌ ²⁴ لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ ²⁵ وَالَّذِينَ يُصَدِّقُونَ

بِيَوْمِ اللَّيْنِ ²⁶ وَالَّذِينَ هُمْ مِنْ عَذَابٍ رِيبِهِمْ مُشْفِقُونَ ²⁷ إِنَّ عَذَابَ

رِيبِهِمْ غَيْرُ مَا مَوْنٍ ²⁸ وَالَّذِينَ هُمْ يُرْجَوْنَ حَفِظُونَ ²⁹ إِلَّا عَلَى

أَرْوَجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ³⁰ فَمَنْ ابْغَضَ وَرَأَى

ذَلِكَ فَأَوْلَيْكَ هُمْ الْعَادُونَ ³¹ وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمْتِنَتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رِعُونَ

³² وَالَّذِينَ هُمْ بِشَهَادَتِهِمْ قَائِمُونَ ³³ وَالَّذِينَ هُمْ عَلَى صَلَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ

³⁴ أُولَئِكَ فِي جَنَّةٍ مَكْرُومٍ ³⁵ فَالَّذِينَ كَفَرُوا قَبْلَكَ مَهْطِعِينَ

³⁶ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشِّمَالِ عِزِينَ ³⁷ أَيَطْعَمُ كُلُّ أَمْرِي مَتَّهُمْ

أَنْ يَدْخُلَ جَنَّةَ نَعِيمٍ ³⁸ كَلَّا إِنَّا خَلَقْنَاهُمْ مِمَّا يَعْلَمُونَ ³⁹

¹⁷ У олов (ўз кучоғига) чақирар, тислан-

ганларни ва юз ўгирганларни

¹⁸ ҳамда (ҳаром-ҳаришдан дунё) йиғиб, тўплаган одамларни!

¹⁹ Ҳақиқатда инсон чидамсиз яратилгандир.

²⁰ Мабодо уни ёмонлик ушласа, (тақдирдан нолиб) жиззакилик қилар.

²¹ Яхшилик етганда эса зикна бўлиб қолар.

²² (Ҳақиқий) намозхонларгина ундай эмасдир.

²³ Улар: намозларини узмай ўқийдиганлар,

²⁴ мол-мулкидан (маълум миқдорда) ҳақ ажратганлар,

²⁵ мухтожлар ва сўровчилар учун.

²⁶ Улар ҳисоб (охират) кунин тасдиқ этганлар.

²⁷ Улар Роббисининг азобидан кўркадиганлар.

²⁸ Ҳақиқатда, Роббиларининг азоби(дан) омон (бўлиш ҳеч ким учун кафолотланган) эмасдир.

²⁹ Улар яна жинсий аъзоларини (ҳаромдан) сақлагувчилар.

³⁰ Илло, ўз (никоҳидаги) завжалари ва

فَلَا أُقْسِمُ رَبِّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ إِنَّا لَقَدِرُونَ ﴿٤٠﴾ عَلَىٰ أَنْ نُبَدِّلَ خَيْرًا مِنْهُمْ
وَمَا نَحْنُ بِمَسْبُوقِينَ ﴿٤١﴾ فَذَرَهُمْ حَبُوسًا مَلْعُونًا حَتَّىٰ يُلَاقُوا يَوْمَهُمُ الَّذِي
يُوعَدُونَ ﴿٤٢﴾ يَوْمَ يُخْرَجُونَ مِنَ الْأَجْدَاثِ سِرَاعًا أَنَّهُمْ إِلَىٰ نُصُبٍ يُوفِصُونَ
﴿٤٣﴾ خَشِيعَةً أَبْصَرُهُمْ يَرَهِقُهُمْ ذَلَّةٌ ذَلِكِ الْيَوْمِ الَّذِي كَانُوا يُوعَدُونَ ﴿٤٤﴾

سُورَةُ نُوحٍ ﴿٧٨﴾

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
إِنَّا أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ أَنْ أَنْذِرْ قَوْمَكَ مِن قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَهُمْ
عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١﴾ قَالَ يَا قَوْمِ إِنِّي كُنْتُ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٢﴾ أَنِ اعْبُدُوا
اللَّهَ وَاتَّقُوهُ وَأَطِيعُوا أَمْرًا يُغْفِرُ لَكُمْ مِن ذُنُوبِكُمْ وَيُؤَخِّرْكُمْ
إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى إِن أَجَلَ اللَّهِ إِذَا جَاءَ لَا يُؤَخَّرُ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ
﴿٣﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّي دَعَوْتُ قَوْمِي لَيْلًا وَنَهَارًا ﴿٤﴾ فَلَمْ يَزِدْهُمْ دُعَايَ إِلَّا
فِرَارًا ﴿٥﴾ وَإِنِّي كُلَّمَا دَعَوْتُهُمْ لِتَغْفِرَ لَهُمْ جَعَلُوا أُصْغُرَهُمْ
فِي عَادَاتِهِمْ وَاسْتَعْشَوْا ثِيَابَهُمْ وَأَصْرُوا وَاسْتَكْبَرُوا اسْتِكْبَارًا
﴿٦﴾ ثُمَّ إِنِّي دَعَوْتُهُمْ جَهَارًا ﴿٧﴾ ثُمَّ إِنِّي أَعْلَنْتُ لَهُمْ وَأَسْرَرْتُ
لَهُمْ إِسْرَارًا ﴿٨﴾ فَقُلْتُ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿٩﴾

(никоҳи бўлмаса ҳам) ўз чўрилари(дан сакланмасалар), маломат қилинмаслар.

31 Ким шулардан (завжаси ва чўрисидан) бошқаларни “ҳоҳласа”, улар тажовузкорлардир.

32 Яна улар (иймонлилар) амонатлари ва ваъдаларига риоя қиладиганлар,

33 гувоҳлик берганда (ҳақ узра) қоим турадиганлар,

34 намозларини вақтида ўқийдиганлардир!

35 Ана ўшалар жаннатларда эҳтором қилинажаклар!

36 (Эй, Мухаммад), кофирларга не бўлганки, сен тарафга шошиларлар,

37 ўнг ва сўл тарафдан талотўп бўлишиб?¹

¹ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Куръон тиловат қилганларида, кофирлар талотўп бўлиб келишиб, “Мухаммад яна нима дер экан?” деб, пойлаб туришар эди. Кейин саҳобаларни масҳара қилиб, “Бизлар оксуякмиз, сизлардан мартабамиз юкоридир.

38 Улардан ҳар бири Наим жаннатига киришни ҳоҳларми?

39 Ҳаргиз ундай бўлмас! Биз уларни ўзларига маълум (бир томчи харом) нарсадан яратганмиз.

40 Машриклар ва мағриблар Роббисига онтки, Биз кодирдирмиз,

41 уларни (қийратиб), ўзларидан яхшироқ элга алмаштириб қўйишга! Ва Биз бунга ожиз эмасмиз!

42 (Эй, Мухаммад), кўявер уларни. Ваъда қилинган (қиёмат) кунга йўликкунга қадар (гуноҳларга) ғарк бўлиб, ўйнаб-қулаверсинлар.

43 (Ўшал) кунда эса, улар худди қалбаки худолари(нинг ибодати)га югургани каби қабрларидан тез чиқиб келарлар.

44 Кўзлари жовдираган ҳолда, уларни (ҳар тарафдан) хорлик қамраб олар. Мана шу уларга ваъда қилинган кундир!

«Нух» сураси² 71

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Биз Нухни ўз қавмига (элчи қилиб) юбордик (ва унга) “Аламли азоб келишидан аввал қавмингни огоҳлантир” (деб ваҳий қилдик).³

Шунинг учун сизлардан олдин жаннатга қирамиз” дер эдилар.

² Бу сурайи қарима Маккада нозил бўлган ва 28 оятдан иборат.

³ Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳеч қимни огоҳлантирмагунча жазоламас. Огоҳлантириш дегани нима ўзи? Нима учун Аллоҳ таоло кўп оятларда “Қавминга Аллоҳнинг борлигини ўргат” демасдан, “Огоҳлантир” демокда? Бунинг маъноси, барча пайғамбарларнинг мушрик қавмлари Аллоҳнинг борлигини билишган, Унга ишонишган. Унда уларнинг кофирлиги нимада? Чунки, улар Аллоҳ бор деб ишонганлари билан ибодатда Аллоҳга бошқа худоларни шерик қилганлар. Уларнинг ширкларидан бири, улар бошларига бир мусибат тушгандагина Аллоҳга ихлос билан ёлборишиб, кейин, Аллоҳ улардан хавфухатарни арилтиб, тинчлик, хотиржамлик пайтлари бошқа худоларга ҳам ёлбора беришар, уларга атаб қурбонликлар, назрлар қилишар, дуо қилсалар тўғридан-тўғри Аллоҳдан сўрамай, авлиёларнинг руҳларини ўртамчи (шафоатчи) қилишар эди. Демак, пайғамбарларнинг асосий вазифаси бандаларга Аллоҳнинг борлигини ўргатиш

2 У деди: “Эй, қавмим! Мен сизларга аниқ огоҳлантиргувчидирман.

3 Аллоҳгагина ибодат(лар) қилиб, ундан кўркинг ва менга итоат қаланг!

4 (Ана ўшанда) У сизларнинг гуноҳингизни кечириб, белгиланган муҳлатга (хаётингиз тугагунга) қадар сизларни(офат билан жазоламай, ўлимингизни) кечиктирар. Аммо, Аллоҳнинг ажали келганда ҳеч кечиктирилмас, агар билсангиз.¹

5 (Нух) айтди: “Эй, Раббим! Мен қавмимни кечасию кундузи даъват қилдим.²

эмас, балки, борлиги маълум Аллоҳга бошқа нарсаларни шерик қўшмасдан (ўртамчи қилмасдан) ибодат қилишга огоҳлантириш эди.

¹ Маълумки, Нух алайҳиссаломнинг қавмини Аллоҳ таоло тўфон балоси билан ҳалок қилгандир. Бирок, ўша жазони юборгунга қадар Аллоҳ уларга, ҳар бирлари ўз уйларида, қўл-оёқларини узатиб, офатга йўлиқмасдан, хотиржам ўлиш имконини берган. Агар Нух қавми Аллоҳнинг элчисига итоат қилиб, ширк амалларини тўхтатганларида ва Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиб яшаганларида уларга офат келмас ҳамда ошларини ошаб, ёшларини яшаб, ажал вақти келгунга қадар муҳлат берилар эди. Аммо, Аллоҳ таоло ҳар бир инсон учун ёзиб қўйган ажали келганда у муҳлат бир сонияга ҳам кечиктирилмас.

² Бу оятда даъват нима эканлигига ишора ва даъватчиларга сабоқ бордир. Демак, даъват дегани муайян бир кунларни хослаб, чекланган муддатга чиқиш эмас. Даъват муҳлат билан чекланмайди балки, у умрбод давом этадиган амалдир. Нух алайҳиссалом мисолида қарасак, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, гап-сўзи, одамлар билан муомаласи, барчаси даъват эди. Халқлар динни унинг сўзидан аввал ўзидан ўрганишар эди. У умрбод, тинмай даъват қилди. Кейин қандай натижа бўлди? Аллоҳ таоло унинг тили билан айтади: “...Менинг даъватим уларнинг (ҳақдан) қочишлигинигина зиёда қилди. Мен ҳар қачон, уларни кечиришинг учун даъват қила бошласам, панжаларини кулоқларига тикиб, кийимлари билан бурканиб олишиб, (менга кулоқ солмай, ширк ибодатларида) давом этишди ва ҳаддан ташқари киборлик қилишди”. Во ажаб! Бунинг сабаби нима? Чунки:

1) Ҳадоят фақат Аллоҳнинг қўлидадир. Аллоҳ ҳидоятга бошламаган кишиларни ҳатто пайғамбар ҳам тўғри йўлга соломас.

2) Кўролмаслик ва такаббурлик. Барча қавмнинг кофирлари, бузуқилари кўпинча мансабдорлардан, бойлардан иборат бўлар.

6 Бирок менинг даъватим уларнинг (ҳақдан) қочишлигинигина зиёда қилди.

7 Мен ҳар қачон, уларни кечиришинг учун даъват қила бошласам, панжаларини кулоқларига тикиб, кийимлари билан бурканиб олишиб, (менга кулоқ солмай, ширк ибодатларида) давом этишди ва ҳаддан ташқари киборлик қилишди.

8 Кейин мен уларни ошкора даъват қилдим.

9 Ундан сўнг уларга (даъватимни) ошкора айтдим ва (кези келганда) ўта махфий ҳолда ҳам айтдим.

10 Кейин мен уларга (бундай) дедим: “Роббингиздан кечирим сўрангиз! Дарҳақиқат, У ўта мағфиратлидирки,

11 Сизларга осмондан мўл-кўл (баракали) ёмғирлар юборадир.

12 Ва молу-мулк, фарзандлар билан мадад бериб, сизлар учун боғу-бўстонларни, (сўлмас) дарёларни берар.³

13 Сизларга не бўлганки, Аллоҳнинг азамат-салтанатидан кўркмайсизлар?⁴

14 У сизларни даврлар босқичи ила яратгандир.⁵

15 Аллоҳ етти осмонни қандай қават-қават яратганига қарамайсизларми?

16 Ва У, осмонлар қўйнидаги Ойни нур, Кунни эса, (оламлар учун) чирок қилди.

17 Аллоҳ сизларни Ердангина ўстириб чикарди.⁶

18 (Улганингиздан) кейин сизларни тупроққа қайтариб, (киёматда яна тупроқдан) чикариб олар.¹

Уларга даъват қилинса “сендек бечора биздек асилзодаларга ақл ўргатадими?!”. Улар биринчидан ҳидоятга ўзларидан олдин бир камбағал кирганини кўра олмай кийналсалар, иккинчидан кибру ҳаволари ўзлари билан ҳидоят ўртасига тўсиқ бўлади.³ Демак, ҳар дамда Аллоҳ таолодан мағфират сўраб туришлик ризқнинг мўл бўлишига сабаб бўлар экан.

⁴ Унга бош эгиб, ибодат қилмайсизлар.

⁵ Бу оятдаги “даврлар босқичини” баъзи олимлар она бачадонидаги эмбрион босқичидан бошлаб, туғилгунга қадар бўлган барча камолот босқичлари, туғилгандаги чақалоклик, болалик, ўспиринлик, йигитлик (қизлик), ўрта ёш ва қариллик босқичлари деб тафсир қиладилар.

⁶ Яъни барча инсонларнинг отаси Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратди.

يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا ¹⁹ وَيُمْدِدْكُمْ بِأَمْوَالٍ وَيَسِينِ وَيَجْعَلْ
 لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ أَنْهَارًا ²⁰ مَا لَكُمْ لَا تَرْجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا ²¹
 وَقَدْ خَلَقَكُمْ أَطْوَارًا ²² أَلَمْ تَرَوْا كَيْفَ خَلَقَ اللَّهُ سَمَوَاتٍ
 طِبَاقًا ²³ وَجَعَلَ الْقَمَرَ فِيهِنَّ نُورًا وَجَعَلَ الشَّمْسَ سِرَاجًا ²⁴
 وَاللَّهُ أَنْبَتَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ نَبَاتًا ²⁵ ثُمَّ يُعِيدْكُمْ فِيهَا وَيُخْرِجْكُمْ
 فِي آخِرِ آجَالِكُمْ ²⁶ وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ بِسَاطًا ²⁷ لِيَسْتَسْأَلَكُمُوهَا
 سُبُلًا فَيَجَازِيَكُمْ ²⁸ قَالَ نُوحٌ رَبِّ إِنِّي نَادَيْتُكَ وَعِصْوَتِي وَأَتَّبَعُوا مِن تَرْبُودِهِ
 مَا لَهُمْ وَوَلَدُهُمْ إِلَّا خَسَارًا ²⁹ وَمَكَرُوا مَكْرًا كَبِيرًا ³⁰ وَقَالُوا
 لَا تَنْذِرُ آلَ آلِهَتِكُمْ وَلَا تَنْذِرُنَا وَلَا سِوَاكَ وَلَا يَفْعَلُونَ وَيَعُوقُ
 وَشَسْرًا ³¹ وَقَدْ أَضَلُّوا كَثِيرًا وَلَا تَزِدِ الظَّالِمِينَ إِلَّا ضَلَالًا ³²
 مِمَّا خَطَبْتَنِيهِمْ أَعْرَفُوا فَأَدْخَلُوا نَارًا فَالْتَمِعُوا لَهَا مِن دُونِ
 اللَّهِ أَنْصَارًا ³³ وَقَالَ نُوحٌ رَبِّ لَا تَنْذِرْ عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ
 دِيَارًا ³⁴ إِنَّكَ إِن تَذَرَهُمْ يُضِلُّوكَ عِبَادَكَ وَلَا يَلِدُوا إِلَّا أَفْجَارًا
 كَفَارًا ³⁵ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِمَن دَخَلَ بَيْتِيَ
 مُؤْمِنًا وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَلَا تَزِدِ الظَّالِمِينَ إِلَّا نَبَارًا ³⁶

¹⁹ Аллох сизлар учун Ерни(нг юзасини) текис қилди,

²⁰ унда(ги) кенг йўллардан юришингиз учун”.

²¹ Нух (яна бундай) деди: “Эй, Роббим! Улар менга осий бўлдилар ва мол-дунёси билан бола-чақалари зиёндан ўзгани кўпайтирмайдиган (такаббур) кишиларга эргашиб кетдилар.”²

¹ Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Абу Хурайра разияллоху анхундан ривоят қилган ҳадисларида айтилишича, инсонлар вафот қилиб, тупроққа қўйилгач, танасининг барча аъзолари чириса ҳам, умуртқанинг энг охири – думғаза қисми(даги бир модда) чиримас экан. Охиратда эса, осмондан худди инсоннинг манийси (уруғи) каби ёмғир ёғиб, қабрларда тупроқ бўлиб, чириб ётган таналар гўё ўсимликлар каби ана шу чиримай қолган моддадан униб чиқар эканлар. Субҳаналлох!

² Нух алайҳиссаломнинг даъватига аксари бойлар ва уруғ оқсоқоллари, куч-қудрат соҳиблари қарши чиқиб, авом халқни Расулulloхга қарши гижгилладилар ва

²² Улар (такаббур бойлар, динга қарши) жуда катта макр қилдилар.

²³ Ва (авом халққа қараб) “Бутларингизни тарк қилмангиз. “Ваддан” ҳам, “Суваъдан” ҳам, “Яғус”, “Яук” ва “Насрдан” ҳам воз кечмангиз” дедилар.³

²⁴ Улар кўп халқларни йўлдан оздирдилар. Сен (эй, Роббим), золимларга залолатдан бошқа нарсани зиёда қилмагайсан!

²⁵ Улар гуноҳлари сабабли (тўфонга) чуқтирилдилар! Кейин (охиратда) эса, дўзахга киритилиб, ўзларига Аллоҳдан бошқа ёрдамчи топмай қолдилар.⁴

²⁶ Нух деди: “Эй, Роббим! Ер юзида кофирлардан биронтасини ҳам қолдирмагайсан!

²⁷ Агар уларни (тирик) қолдирсанг, бандаларингни оздирарлар ва бузғунчи ҳамда кофирларнигина насл қолдирарлар.

оқибатда бир озгина иймонлилардан бошқа барча халқ уларга эргашиб кетди.

³ Нух алайҳиссаломнинг қавми “Вадд”, “Суваъ”, “Яғус”, “Яук” ва “Наср” деб аталган бутларга ибодат қилардилар. Мазкур исмлар Нух қавми орасида ўтган қадимги олимлар, авлиёлар ва донишмандларнинг исмлари эди. Улар дунёдан ўтиб, халқлар теран қайғуга ботиб турган маҳалда уларга шайтон келиб “Агар Вадд, Суваъ, Яғус, Яук ва Наср ҳазратларини ҳурмат қилсангиз уларнинг сувратларини, кейин ҳайкалларини ясаб, ибодат пайти олдингизга қўйиб олинг” деб васваса қилган. Одамлар у маҳалда уларнинг ҳайкалларини Аллоҳга шерик қилмасалар ҳам, кейинги авлод у ҳайкалларни илоҳ қилиб олдилар ва ибодат пайти уларни Аллоҳга шерик қила бошладилар. Аллоҳга дуо қилганларида уларни ўртага қўйиб, рухларига ёлборар ва уларнинг рухлари бизни Аллоҳга яқинлаштиради дер эдилар. Шундай қилиб, бир вақтлардаги авлиёлар Нух қавмининг худосига айланиб қолган эди.

⁴ Таналари сувга, жонлари эса ўт-дўзахга кетди. Энди ёрдам берса уларга фақат хақиқий илоҳ – Аллоҳгина ёрдам бера олар. Аммо... Аллоҳ уларга ёрдам берармиди?! Аксинча уларни азобга ҳукм қилганку! Энди уларга қайси “худолари” ёрдам бера олар?! Шундай қилиб Нух алайҳиссалом бу кофир қавмга наълат устига наълат айтиб, дуоийи бад қилди. Аллоҳнинг амри билан кофир қавм сув остида қолишга маҳкум бўлди. Осмондан шаррос ёмғир қўйиб, ер остидан ҳам... хаттоки тандирлар ичидан ҳам фавворалар отилиб, бир лаҳзада ҳамма ёқни сув босиб кетди.

28 Эй, Роббим! Мени, менинг ота-онамни, иймон келтириб, менинг уйимга келганларни ва (барча) иймонли эркаклар билан иймонли аёлларни кечиргайсан! Золимларга ўлимдан бошқани зиёда қилмагайсан!”

«Жин» сураси¹ 72

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Айтгил (эй, Муҳаммад) “Менга (Аллоҳимдан мана бундай) ваҳий келди: “Жинлардан бир жамоаси (Курьон тиловатини) эшитишди ва бир-бирларига айтишди: “Биз ажойиб Курьон эшитдик.”²

2 У тўғри йўлга хидоят қилар экан. Биз унга иймон келтирдик. Энди биз Роббимизга ҳеч нарсани шерик қилмасмиз.

3 Дарҳақиқат, Роббимизнинг буюклиги олийдир, Ўзига на аёл ва на фарзанд тутмагандир!³

4 Дарҳақиқат, бизнинг орамиздаги аҳмоқлар Аллоҳ ҳақида ақлга сиғмас нарсаларни гапирарлар.

5 Биз эса, инсонлар ва жинлар Аллоҳ(нинг шаъни)га ёлғон сўзларни ҳеч қачон айтмас керак деб ўйлар эдик.

6 Албатта, инсонларнинг баъзилари баъзи бир жинлардан паноҳ сўрашар экан. Натижада улар (жинлар) улар(паноҳ сўраган инсонлар)нинг даҳшатга тушишлигини янада зиёда қиладилар.⁴

7 Улар (бизнинг орамиздаги кофирлар)

سُورَةُ الْجِنِّ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قُلْ أَوْحَىٰ إِلَيَّ أَنَّهُ سَمِعَ نَفَرٌ مِّنَ الْجِنِّ فَقَالُوا إِنَّا سَمِعْنَا قُرْءَانًا عَجَبًا ۝١ يَهْدِي إِلَى الرُّشْدِ فَآمَنَّا بِهِ وَلَمْ نُشْرِكْ بِرَبِّنَا أَحَدًا ۝٢ وَأَنَّهُ تَعَلَّىٰ جَدًّا رَبِّنَا مَا اتَّخَذَ صَاحِبَةً وَلَا وَلَدًا ۝٣ وَأَنَّهُ كَانَ يَفُولُ سَفِيهًا عَلَى اللَّهِ شَطَطًا ۝٤ وَأَنَا ظَنَنَّا أَن لَّن نَقُولَ الْإِنسَ وَالْجِنِّ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا ۝٥ وَأَنَّهُ كَانَ رِجَالٌ مِّنَ الْإِنسِ يَعُوذُونَ بِرِجَالٍ مِّنَ الْجِنِّ فَزَادُوهُمْ رَهَقًا ۝٦ وَأَنَّهُمْ ظَنُّوا كَمَا ظَنَنْتُمْ أَن لَّن يَبْعَثَ اللَّهُ أَحَدًا ۝٧ وَأَنَا لَمَسْنَا السَّمَاءَ فَوَجَدْنَا مُلْأَتْ حَرَسًا شَدِيدًا وَشُهَبًا ۝٨ وَأَنَا كُنَّا نَقْعُدُ مِنْهَا مَقْعِدًا لِّلسَّمْعِ فَمَن يَسْمِعِ الْآنَ يَحْدِلْهُ شُهَابًا مِّمَّا يَخْرُجُ ۝٩ وَأَنَا لَآ نَدْرِي أَشَرٌّ أُرِيدُ بِمِنِّ فِي الْأَرْضِ أَمْ أَرَادَ بِهِمْ رَبُّهُمْ رَشَدًا ۝١٠ وَأَنَا مِنَّا الصَّالِحُونَ وَمِنَادُونِ ذَٰلِكَ كُنَّا طَائِفًا قِدَادًا ۝١١ وَأَنَا ظَنَنَّا أَن لَّن نَّعْجِزَ اللَّهُ فِي الْأَرْضِ وَلَن نَّعْجِزَهُ هَرَبًا ۝١٢ وَأَنَا لَمَّا سَمِعْنَا الْهُدَىٰ ءَأَمَنَّا بِهِ ۚ فَمَن يُؤْمِنُ بِرَبِّهِ ۚ فَلَا يَحَافُ بِخَسَا وَلَا رَهَقًا ۝١٣

ҳам (сизлар(нинг орангиздаги кофирлар) гумон қилганидек Аллоҳ ҳеч қачон, ҳеч кимга қайта жон бахш этолмайди деб ўйлар эдилар.

8 Биз осмонга тирмаша бошлаганимизда уни (фаришталардан бўлган) кўриқчилар ва ёнар юлдузлар билан тўла эканлигини кўрдик.⁵

9 Бунга қадар биз осмондаги эшитиш ўринларида ўтириб (ғайб хабарларини ўғринча эшитиб) олардик. Ҳозир эса, ким эшитишга ҳаракат қилса, пойлаб турган ёнар юлдузга дучор бўлар.

¹ Бу сура Маккада нозил бўлган ва 28 оятдан иборатдир.

² Курьону Карим Ер юзидаги икки мукаллаф (охиратда қилмишидан сўраладиган) хилкатлар – инсонлар ва жинлар учун нозил бўлгандир. Бунинг маъноси Курьон ҳуклари инсонлар билан бир қаторда жинларга ҳам фарз бўлишини англатади.

³ Аллоҳ таолога ширк келтиришнинг энг катталаридан бири “Аллоҳнинг аёли ва боласи бор” деб эътиқод қилишдир. Бу оятда жинлар ҳам Аллоҳни бу каби нуқсондан поклаётганлиги баён қилинапти. Бу маъно мусулмон жинларнинг “Дарҳақиқат, бизнинг орамиздаги аҳмоқлар Аллоҳ ҳақида ақлга сиғмас нарсаларни гапирарлар” деган сўзларидан маълум бўлади.

⁴ Чиндан ҳам воқеъ ҳаётимизда баъзи бир одамлар “фалон жойнинг жинлардан “эгаси” бор экан” деб, ноўрин васвасага тушиб, ўша “эга” жинлардан паноҳ сўрашади. Бу эса жинларни ундан баттар ҳовлиқтириб юборади.

⁵ Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилгунга қадар жинлар осмонга учиб чиқиб, фаришталарнинг сўзларини эшитиш асносида баъзи бир ғайб хабарларини ўғринча эшитишга муваффақ бўлар эканлар. Пайғамбаримизга Курьон нозил қилинган эса, Аллоҳ таоло осмонга фаришталардан ва ёнар юлдузлардан иборат кўриқчиларни тайин қилди.

وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَمِنَّا الْقَاسِمُونَ فَمَنْ أَسْلَمَ فَأُولَئِكَ

تَحَرَّوْا رَشَدًا ﴿١٤﴾ وَأَمَّا الْقَاسِمُونَ فَكَانُوا لِجَهَنَّمَ حَطَبًا ﴿١٥﴾

وَأَلْوِ اسْتَقَمُوا عَلَى الطَّرِيقَةِ لَأَسْقَيْنَهُمْ مَاءً عَذْقًا ﴿١٦﴾ لَنَنْفِثَنَّهُمْ

فِيهِ وَمَنْ يُعْرِضْ عَنْ ذِكْرِ رَبِّهِ يَسْلُكْهُ عَذَابًا صَعَدًا ﴿١٧﴾ وَأَنَّ

الْمَسْجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا ﴿١٨﴾ وَأَنَّهُ لَمَّا قَامَ عَبْدُ اللَّهِ

يَدْعُوهُ كَادُوا يُكْفَرُونَ عَلَيْهِ لِيَدَّ ﴿١٩﴾ قُلْ إِنَّمَا أَدْعُوا رَبِّي وَلَا أُشْرِكُ

بِهِ أَحَدًا ﴿٢٠﴾ قُلْ إِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا رَشَدًا ﴿٢١﴾ قُلْ إِنِّي

لَنْ يُخْرِجَنِي مِنَ اللَّهِ أَحَدٌ وَلَنْ أَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا ﴿٢٢﴾ إِلَّا بَلَاغًا

مِنَ اللَّهِ وَرِسَالَاتِهِ وَمَنْ يَعِصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنَّا لَهُ نَازِحَةٌ

خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ﴿٢٣﴾ حَتَّىٰ إِذَا رَأَوْا مَا يُوعَدُونَ فَسَيَعْلَمُونَ

مَنْ أَضْعَفُ نَاصِرًا وَأَقَلُّ عَدَدًا ﴿٢٤﴾ قُلْ إِن أَدْرَيْتَ أَقْرَبُ

مَا تُوعَدُونَ أَمْ يَجْعَلُ لَهُ رَبِّي أَمَدًا ﴿٢٥﴾ عَلِيمُ الْغَيْبِ فَلَا

يُظْهِرُ عَلَىٰ غَيْبِهِ أَحَدًا ﴿٢٦﴾ إِلَّا مَنِ ارْتَضَىٰ مِنْ رَسُولٍ فَإِنَّهُ

يَسْلُكُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ رَصَدًا ﴿٢٧﴾ لِيَعْلَمَ أَنْ قَدْ أَبْلَغُوا

رِسَالَاتِ رَبِّهِمْ وَأَحَاطَ بِمَا لَدَيْهِمْ وَأَحْصَىٰ كُلَّ شَيْءٍ عَدَدًا ﴿٢٨﴾

﴿12﴾ Биз (Қуръонни эшитгандан сўнг, тубандаги ҳақиқатни) билдик: Биз ҳеч қачон Ер юзида (ёки осмонда) Аллоҳни ожиз қолдира олмас эканмиз.³

﴿13﴾ (Қуръондан) ҳидоят йўлини эшитгач, унга иймон келтирдик. Ким Роббисига иймон келтирса, (савоб ишлари) камитилишидан ва (гуноҳлари) кўпайтирилишидан кўркмас.⁴

﴿14﴾ Бизнинг орамизда мусулмонлар ҳам бор (ҳидоятдан) адашганлар ҳам бор. Бас, ким исломга кирган бўлса, улар тўғри йўлни танлашибди.

﴿15﴾ Аммо, адашганлар..., улар жаҳанимга ўтин бўлганлардир!

﴿16﴾ Агар улар (ҳидоят) йўл(и)да тўғри юрсалар, Биз уларни мўл сув билан суғорурмиз,

﴿17﴾ Уларни синаш учун.⁵ Ва (ўшанда) ким Роббисининг зикри(Қуръон)дан юз ўгирса, (Аллоҳ) уни оғир азобга дучор қилар.

﴿18﴾ (Барча) масжидлар Аллоҳникидир. Демак, (масжидларда) Аллоҳдан бошқага дуо (ибодат) қилманг!⁶

﴿10﴾ Ва биз (осмондаги ғайб илмида) ердагиларга ёмонлик ирода қилинганми ёки Роббиси уларга яхшилик хоҳлаганми, билолмай қоламиз.¹

﴿11﴾ Бизнинг орамизда (иймони) яхшилар ҳам бор, ундан бошқача(кофиру фосиқ)лар ҳам бордир. Биз ҳар қандай йўналишдагилар эдик.

¹ Демак, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам юборилгандан буён жинлар тоифасига осмондаги ғайб хабарларини ўғирлаш имкони қолмади.

² Жинлар орасида баъзи бир инсонлар билан боғланиш-муомала курганлари ҳам бор. Агар бир инсоннинг муомаладаги жини иймонли бўлса, ҳар қандай нарсаларни айтиб унинг бошини айлантирмайди. Агар зарурат юзасидан сўраса, ҳозирда бўлаётган ва ўтмишда бўлган нарсаларни билиб бериши мумкин. Аммо, ғайб масалаларига ва келажак воқеаларига дахл қилмайди. Аммо, агар муомаладаги жин кофир бўлса, (улар одатда кофир ва фосиқ инсонлар билан муомалада бўладилар) унинг қулоғига ёлгондан “ғайб хабарларини” шивираб, уни ва у орқали бошқа

одамларнинг ҳам бошларини айлантиради, масхаралаб, шармандали ҳолга туширади. Шунинг учун мусулмонлар билиши керакки, одамлар орасидаги “Эртага ундоқ бўлади, бундоқ бўлади”, “Менга боболарим, азизларим хабар қилди” дейдиганлар аслида кофир жинларнинг кофир биродарларидир.

³ Жинлар пайғамбаримиздан (с.а.в) Қуръон эшитгунга қадар “Биз ердаги энг қудратли хўжайинлармиз” деб ўйлар эдилар. Қуръон ҳақиқатини эшитишгач эса иймонли тоифалари Аллоҳнинг ҳукм-фармонларига бўйин сунишди.

⁴ Бу Аллоҳнинг адолатидир. Ким қандай солиҳ амал қилса, ундан заррача камитилмас, ёмонлигига ҳам мисқолча бўлсин ёмонлик қўшилмас. Қиёматда одамларнинг амаллари ҳеч кимга зулм қилинмаган ҳолда ҳисоб қилинур.

⁵ Сувнинг мўл бўлиши – бу фаровонликнинг негизидир. Фаровонлик ва тўқин-сочинлик эса катта синовдир. Қайси элга мана шундай синов келса, хоҳлаган нарсаси мухайё бўлган нафслар хаддан ташқари эркалаб, шайтонлар тўрини кенгроқ ёя бошлайди.

⁶ Демак, масжидларда Аллоҳга қўшиб бошқа илоҳларга ибодат қилинмас. Масалан, христианларда Аллоҳга ибодат қилиниш учун деб қурилган ибодатхоналарида Ийсо Масихнинг, Биби Марямнинг ва бошқа

¹⁹ Аллоҳнинг бандаси (Муҳаммад) Унга (Аллоҳга) дуо қилиб (Қуръон ўқиб) турганда, (жинлар) унинг устига ёпирилиб келишга оз гина қолди.

²⁰ Айт: (эй, Муҳаммад) “Мен Роббимгагина дуо (ибодат) қиларман ва Унга ҳеч кимсани (ёки нарсани) шерик қилмасман.

²¹ Айт: “Мен сизларга фойда ҳам, зиён ҳам етказишга молик эмасман.¹

²² Айт: “(Агар гуноҳ қилсам) мени Аллоҳнинг азобидан ҳеч ким сақлаб қололмас ва ҳеч қачон (ёлбориб бориш учун) Ўзидан бошқа Паноҳ топа олмасман.²

²³ (Менинг иқтидоримда) Аллоҳ тарафидан (келган хабарларни халқларга) етказиш ва Унинг рисолатигина бордир. Ким Аллоҳ ва расулига осий бўлса, унга жаҳаннам олови бордир (ва) у ерда абадий қолажақлар!³

²⁴ Улар ўзларига ваъда қилинган нарсани (азобни) кўрганларида, кимнинг ёрдамчиси ожизроқ ва кимнинг сони озроқ эканини билиб оладилар.⁴

²⁵ Айт: Сизларга вада қилинган нарса яқинми ёки Роббим унга узоқ муҳлат белгилаганми, билмайман”.

²⁶ Ғайбни билувчи (ёлғиз Аллоҳдир). У Ўз ғайбини ҳеч кимга ошкор қилмас.

²⁷ Илло, Ўзи ҳоҳлаган пайғамбар(лар) гагина билдирад. Албатта, Аллоҳ унинг (пайғамбарнинг) олди ва орқасидан (фаришта) – кўриқчиларни йўллайди,⁵

²⁸ (Муҳаммад тубандагиларни) билиши учун: (Фаришталар пайғамбарларга) Роббисининг хабарларини (жинлардан муҳофаза қилиб) етказганлар ва (Роббиси) уларнинг (барча) ҳолатларини билиб, барча нарсаларини ҳисоблаб қўйгандир.

«Муззаммил» сураси⁶ 73

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

муқаддасларнинг тимсоллари (иконалар) қўйилиб, одамлар уларни Аллоҳга шерик қилиб сиғинадилар.

¹ Ҳозирги пайтда баъзи бир “фолбин”, “парихон”, “дуохон” ёки замонавий тил билан айтганда “экстрасенс” аталганлар, тасодифан баъзи сўзлари воқеъликга тўғри келиб қолгани сабабли эшигига мижозлар тизилиб қолса, босар-тусарини билмай ҳовлиқиб “Мен йўлингизни, бахтингизни очаман”, “кељагагингизни кўриб бераман” деб жовлий бошлайдилар. Аллоҳнинг охирга пайғамбари эса, оламдаги барча инсонларнинг улуғи бўлганлигига қарамадан “Мен ғайб илмини билмайман, сизларга фойда ҳам, зиён ҳам еткази олмайман” демоқда. Демак, фойда келтириш ёки зиён етказиш фақат Аллоҳнинг қўлида ва фақат унинг изни билан бўладиган ишдир.

² Бу сўзларни улуғ пайғамбарнинг ўзи айтгандан кейин, бошқалар ўзларига яраша хулоса чиқариб олмоғи лозим. Яъни, инсон фарзанди, кимнинг уруғ-аймоғи бўлишидан қатъий назар, қилган гуноҳини агар Аллоҳ таоло кечирмаса, уни азобдан ҳеч ким сақлаб қололмайди. Шунинг учун банда гуноҳларидан фағфират сўраб фақат ва фақат Аллоҳга мурожаат этмоғи лозимдир. Қиёматдаги оғир кунда Аллоҳдан ўзга паноҳ йўқдир.

³ Инсоннинг дўзахда абадий қолишлигига сабаб бўладиган гуноҳлардан энг асосийлари: илҳод (атеистлик, ҳудога ишонмаслик), ширк (ҳудога ишонса ҳам, ибодатда Унга бошқаларни шерик қилиш), пайғамбарни,

охиратни, Қуръонни ёлғонга чиқариш ва тақдирга ишонмасликдир. Аммо, бир бандалар ширк ва илҳоддан бошқа баъзи катта (кабийра) гуноҳлар сабабли дўзахга тушса ҳам, модомики, иймон калимаси билан ўлган бўлсалар, у ерда абадий қолмайдилар.

⁴ Аллоҳ таоло Қуръонда ваъда қилган охират ҳисоб-китобига ишонмаган мушриклар мусулмонларга қараб “сизларнинг қўлловчингиз йўқ, бизни эса мана бу илоҳларимиз қўллайди” деб мактанар эдилар. Аммо, ўша кун келгач уларнинг ишонган, суянган худолари, уларни қўллаш у ёқда турсин, “менинг булар билан ишим йўқ” деб, ўзлари билан оввора бўлишади. Аммо мусулмонларнинг худоси – Аллоҳ эса, Ўз бандаларига шафқат ва мағфират қилади. Пайғамбарлар ҳам уларга раҳм қилиб Аллоҳдан шафоат тилашади. Ҳатто фаришталар ҳам иймондиларга мулойимлик билан муомалада бўлади. Бирок, ваъда қилинган у куннинг қачон бўлишини пайғамбарлар ҳам, фаришталар ҳам билмайдилар. Фақат Аллоҳгина билади.

⁵ Баъзи кофир жинлар пайғамбарларга билдирилган ғайб хабарларини ўғирлаб, ердаги коҳин, фолбин биродарига шивираб қўймасин учун фаришталар кўриқчи қилиб тайинлангандир.

⁶ Маккада нозил бўлган ва 20 оятдан иборат. “Муззаммилнинг” маъноси “Ўралиб ётгувчи одам”.

سُورَةُ الْمُرْتَمِلِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَأْتِيهَا الْمُرْتَمِلُ ¹ قَوْلَ الْبَلِّ الْأَقِيلَا ² نَصْفَهُ وَأَنْقَضَ مِنْهُ قَيْلًا ³
 أَوْزْدَ عَلَيْهِ وَرَتَّلَ الْقُرْآنَ نَرْتِيلاً ⁴ إِنَّا سَأَلْنَاكَ عَلَيْكَ قَوْلًا
 نَقِيلًا ⁵ إِن نَاشِئَةَ اللَّيْلِ هِيَ أَشَدُّ وَطْأًا وَأَقْوَمُ قَيْلًا ⁶ إِنَّ لَكَ فِي
 النَّهَارِ سَبْحًا طَوِيلًا ⁷ وَأَذْكَرَ أَسْمَ رَبِّكَ وَنَبَّئِلَ إِلَيْهِ تَبْيِيلاً ⁸
 رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَاتَّخِذْهُ وَكَيْلًا ⁹ وَأَصْبِرْ
 عَلَى مَا يَقُولُونَ وَأَهْرُجْهُمْ هَجْرًا جَمِيلًا ¹⁰ وَذَرْنِي وَالْمُكَذِّبِينَ
 أُولَى النَّعْمَةِ وَمَهْلَهْهُمْ قَلِيلًا ¹¹ إِنَّ لَدَيْنَا أَنْكَالًا وَحَجِيمًا ¹²
 وَطَعَامًا ذَا غُصَّةٍ وَعَذَابًا أَلِيمًا ¹³ يَوْمَ تَرْجُفُ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ
 وَكَانَتِ الْجِبَالُ كَثِيبًا مَهِيلًا ¹⁴ إِنَّا أَرْسَلْنَا إِلَيْكُمْ رَسُولًا شَاهِدًا
 عَلَيْكُمْ كَمَا أَرْسَلْنَا إِلَى فِرْعَوْنَ رَسُولًا ¹⁵ فَغَصَى فِرْعَوْنُ الرَّسُولَ
 فَأَخَذْتَهُ أَخْذًا وَبِيلاً ¹⁶ فَكَيْفَ تَتَّقُونَ إِنْ كَفَرْتُمْ يَوْمًا يَجْعَلُ
 الْوِلْدَانَ شِيبًا ¹⁷ السَّمَاءُ مُنْفَطِرٌ بِهِ كَانَ وَعْدُهُ مَفْعُولًا ¹⁸
 إِنَّ هَذَا يَوْمٌ تَذَكَّرُ بِهِ فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذْ إِلَىٰ رَبِّهِ سَبِيلًا ¹⁹

¹ Эй, бурканиб ётган киши!¹

² Тунлари (ибодат учун²) тургил! Бир озгина (ухласанг) майли.

³ Туннинг ярми(да тур) ёки яримдан озгина камайтир.

⁴ Ёки яримга бир оз зиёда қил ва Куръонни дона-дона қилиб ўқи!³

⁵ Биз яқинда сенга салмоқли сўз

туширармиз.

⁶ Кечасидаги ибодат таъсирлироқ ва (кироати ҳам) тўғрироқ бўлади.

⁷ Кундузи эса, уззуқун оврагарчиликларинг бор.

⁸ (Қароат олдидан) Рооббинг номини ёд эт ва Ун(инг ибодати)га ўзингни тўлиқ бахшида қил.

⁹ (Аллоҳ) машриклар ва мағриблар Роббисидир! Ўзидан ўзга (ибодатга лойиқ) илоҳ йўқдир! Сен Унинг Ўзинигагина таваккал қил!⁴

¹⁰ (Эй, Муҳаммад), уларнинг сўзларига сабр қил ва улардан охистагина четланиб тур.

¹¹ (Динни) ёлғон деган, бойлик-мансаб эгаларини Ўзимга қўй ва уларга бир оз муҳлат бер.⁵

¹² Бизнинг олдимизда (уларга аталган) кишанлар ва қизиган олов бордир!

¹³ Ҳамда тиконли таом(лар) билан аламли азоб(лар) бордир!

¹⁴ У (қиёмат) кунда Ер ва тоғлар ларзага келиб, тоғлар (сув каби) оққан қумтепаларга айланиб қолар.

¹⁵ (Эй, Макка кофирлари!) Биз Фмръавнга (Мусо) пайғамбарни юборганимиз каби сизларга ҳам гувоҳ бўлиб тургувчи (Муҳаммад) пайғамбарни юбордик.

¹⁶ Бас, Фиръавн (Мусо) пайғамбарга қарши чиққан эди, Биз уни қаттиқ азобла ушладик.

¹⁷ Агар кофир бўлсангиз (ҳаттоки) гўдаклар сочини оқартириб юборажак (даҳшатли) қун(қиёмат)дан қандоқ сақлана оларсиз?!⁶

¹ Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам.

² Бу оят билан фарз қилинган тунги ибодат 20-оят билан бекор қилиниб, нафл даражасини касб қилди ва пайғамбаримиз (с.а.в) тарафидан “таҳажуд ибодати” деб аталди.

³ Пайғамбаримизнинг (с.а.в) кироатлари ҳақида Ибн Аббос (р.а) “Аниқ ва дона-дона қилиб ўқир эдилар” деган. (*Табарий*). Анас (р.а) бўлса “Оятларни чўзиб, ҳар оятда тўхтаб ўқирдилар” деганлар. (*Бухорий, Ибн Касийр*). Мўминларнинг онаси Умму Салама эса, “Ҳар бир оятда тин олиб, бўлиб-бўлиб, шошмасдан ўқир эдилар” деган. Шунингдек куръон кироати ҳақида пайғамбаримизнинг (с.а.в) ўзлари “Куръонни овозингиз билан зийнатланг!” деб буюрганлар. (*Ибн Касийр*).

⁴ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат Аллоҳгагина таянар (таваккал қилар) эдилар. Шунинг учун оғир, мусибатли пайтларда Роббиси унинг кўнглига хотиржамлик руҳини тушириб, душманларининг аччиқ тўхматларига, бўҳтонларига, хийлагрликларига, душманлик-адоватларига қандай муомала қилишликни ўргатиб, Ўз паноҳида сақлаб келгандир.

⁵ Оиша онамизнинг қавлларига биноан мана шу оят нозил бўлгандан бир муддат (муҳлат) ўтгандан кейин машҳур Бадр ғазоти воқеъ бўлиб, ҳалиги дин душманларининг кўплари жангда ҳалок бўлган эканлар. (*Қуртубий*). Ҳа. Ундайларга Аллоҳ таоло боққан жазолар сўзсиз келадир. Бу дунёда келмаса, охиратда келадир. Охират ҳам олис эмас.

⁶ Қиёматдаги даҳшатли воқеалар бошланганда,

18 У (қундаги ҳалокатлар) туфайли осмон парчаланиб кетар. Аллоҳнинг ваъдаси амалга ошар

19 Албатта, бу(айтилган)лар огоҳлантиришидир. Ким хоҳласа (ибрат олиб) Роббисига (олиб борувчи) йўлни тутади.¹

20 (Эй, Муҳаммад!) Роббинг сен ва сен билан бирга бўлган тоифа кечанинг учдан иккисининг озроғида ва ярмида ва учдан бирида (тахажжуд) учун туришингизни билар. Аллоҳ кеча ва кундузни(нг вақтларини) ўлчар. У сизларнинг уни (тунги ибодат соатларини) ўлчай олмаганингизни билиб, сизларга енгилликни қайтарди. Бас, энди (кечаси) Қуръондан тоқатингиз етгунча гина ўқинг. (Чунки, Аллоҳ) яқин келажакда сизларнинг орангизда бетоб одамлар бўлишини ва бошқалари Аллоҳнинг ризкини излаб ер юзида кезиб (савдо қилиб) юришини ва яна бошқалар эса, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишлигини билди. Демак, Қуръондан қудратингиз етгунчагина тиловат қилинг, (фарз) намоз(лар)ни (ўз

إِنَّ رَبَّكَ يَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُومُ أَدْنَىٰ مِنْ ثُلَاثِي اللَّيْلِ وَنِصْفَهُ، وَثُلَاثِيهِ مِنَ الَّذِينَ مَعَكَ وَاللَّهُ يَقْدَرُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ عَلِيمٌ أَنْ لَنْ تُخْصَوهُ فَتَابَ عَلَيْكَ وَأَقْرَبُوا مَا يَتَسَّرُ مِنَ الْقُرْآنِ عَلِيمٌ أَنْ سَيَكُونُ مِنْكُمْ مَرْجِيٌّ وَالْآخَرُونَ يَبْضُرُونَ فِي الْأَرْضِ يَلْتَمُونَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَالْآخَرُونَ يَقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَأَقْرَعُوا مَا يَتَسَّرُ مِنْهُ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَقْرَبُوا اللَّهَ قَرَضًا حَسَنًا وَمَا نَقَدُوا لِأَنْفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِمَّا نَحْدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرٌ وَأَعْظَمُ أَجْرًا وَاسْتَغْفِرُوا لِلَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَحِيمٌ

سُورَةُ الْمَدِينَةِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
يَا أَيُّهَا الْمَدِينَةُ ۖ قُمْ فَأَنْذِرِي ۚ وَرَبِّكَ فَكَبِّرِي ۚ وَيَا أَيُّهَا فَطَهْرِي ۚ وَالرَّجْرَجَ فَأَهْجُرِي ۚ وَلَا تَمْنُنِ تَسْتَكْبِرِي ۚ وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرِي ۚ فَإِذَا يُقْرَأِ فِي النَّافِرِ ۚ فَذَلِكَ يَوْمَئِذٍ عَسِيرٌ ۚ عَلَى الْكَافِرِينَ غَيْرُ سِيرٍ ۚ ذُرِّي وَمَنْ خَلَقْتَ وَحِيدًا ۚ وَجَعَلْتَ لَهُ مَا لَا مَمْدُودًا ۚ وَبَيْنَ شُهُودًا ۚ وَمَهَّدْتَ لَهُ تَمَهِيدًا ۚ ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ۚ كَلَّا إِنَّهُ كَانَ لِآيَاتِنَا عِينِدًا ۚ سَاءَ رُفْقَهُ، صَعُودًا ۚ

дахшатнинг катталигидан барча ҳомилдорлар ҳомиласини тушириб қуяди. Ёшгина болаларнинг ҳам сочлари оппоқ бўлиб қолади!

¹ Навбатдаги (йигирманчи) оятни тушуниш учун сура бошидаги тўрт оятга қайтиб, уларнинг маъноларини яна бир қарра кўнгилдан ўтказиш лозим бўлади. Шундай қилиб, суранинг бошидаги “Эй, бурканиб ётган киши! Тунлари (ибодат учун) тургил! Бир озгина (ухласанг) майли. Туннинг ярми(да тур) ёки яримдан озгина камайтир. Ёки яримга бир оз зиёда қил ва Қуръонни дона-дона қилиб ўқи!” деган оят нозил бўлганида мусулмонларга кечанинг учдан иккисидан ёки учдан бирида туриб ибодат қилиш фарз бўлган эди. Мусулманлар бу фармонни бажаришга мажмак бел боғладилар. Аммо, баъзилар айтилган вақтда тура олмай (буни оятда “ибодат вақтларини ўлчай олмай” деб айтилгандир) қолишдан кўркиб, тун билан ибодатда қоим бўлиб, товонлари шишиб кетарди. Шу алфозда орадан бир йилга яқин вақт ўтгач, мана шу (йигирманчи) оят нозил бўлиб, сура бошидаги оятларнинг ҳукмини мансوخ (бекор) қилди. Шундан кейин мусулмонлар учун таҳажжуд ибодатлари фарзлик хусусиятини йўқотиб, фақат нафл (ихтиёрий) ибодат бўлиб қолди. Бу маъно “Аллоҳ сизларга енгилликни қайтарди” оятдан маълумдир.

вақтида) ўқинг, закотни адо этинг ва Аллоҳ(динининг ривожи)га қарзи ҳасана беринг. Ўзингиз(нинг орангиздаги мухтожлар)га қандай яхшилик қилсангиз, Аллоҳнинг олдида ундан ҳам яхшироқ ҳамда улуғроқ савобни топасиз. Аллоҳга тавба-истиффорлар қилинг. Филҳақиқат, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир!

«Муддассир» сураси² 74

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Эй, ўраниб (ётиб) олган киши!
- 2 Тургил ва (халкларга охиратни) эслатгил!
- 3 Ва Роббингни улуғлагил!³

² Маккада нозил бўлган. 56 оятдан иборат. “Муддассирнинг” маъноси “ўриниб ётган киши”.

³ Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам “Хиро” ғорида Жибрийл фариштасидан илк дафъа ваҳийни қабул қилганда, ғайри одатий холга гувоҳ бўлгани сабабли қаттиқ кўркиб, уйига келиши билан ўраниб ётиб

- 4 Ва кийимингни поклагил!¹
 5 Ва ифлосликдан ҳазар қил!²
 6 Оз нарса бериб, кўп нарса талаб қилма.³
 7 (Етган машаққатларга) Роббинг учун сабр қил!
 8 Бас, қачон (Исрофил фаришта тарафида “Сур”) карнай(и) тортилар заҳоти...
 9 Ана шу – ўта оғир кундир!
 10 Кофирларга енгил бўлмаган (кундир)!
 11 (Эй, Муҳаммад) Мен сўққабош яратган (кофир) бандани Менга қўйиб бер.⁴
 12 Мен унга ҳисобсиз мол-дунё бердим.
 13 Ва (доим хизматига) тайёр фарзандларни ато қилдим.
 14 Ва унга офият-кенглик бердим.
 15 Кейин у (қаноатсиз одам) Биз унга (охират жаннатин ҳам) қўшимча қилишимизни тамаъ қилаяпти.⁵

олган эди. Кейин мана шу оят нозил бўлиб, унга халқларга рисолатни етказиш вазифаси юклатилади ва ишонмаганларни дўзах билан огоҳлантириш буюрилади.

- ¹ Аллоҳ субҳанаху ва таоло покдир. Ундан келган дину иймон ҳам покдир. Демак, пок Парвардигордан келган пок динга одамларни чорлугчи одам, ҳам рухоний ҳам жисмоний тарафдан пок бўлиши лозим.
² Бу оятдаги “ифлослик” сўзини уламолар икки хил тушунтирадилар: 1) Ифлослик – бу Аллоҳдан бошқа барча сохта худолар. 2) Барча турдаги ҳиссий ва маънавий ифлосликлар.
³ Бу тафсир Имом Қуртубийга тааллуқли.
⁴ Бу оятдаги «кофир банда», Макка мушрикларидан бири Валид бин Муғйрадир. У пайғамбаримизга (с.а.в) кўп душманчилик қилиб, ўзининг бойлиги, бола-чакаси кўп эканлиги билан мактанар эди. Аллоҳ таоло бу оятда Ўз пайғамбарига икки ҳақиқатни ошкор қилмоқда: **1)** “Уни Мен билан яккама-якка қўй, жазосини Ўзим берарман” деб, пайғамбарининг кўнглини кўтариш. **2)** Агар Валидни бола-чакалари ва бошқа ёрдамчилари ўраб турсалар ҳам аслида у яратилганда (туғилганда) барча инсонлар каби ёлғиз, сўққабош эди деган маънони билдириш.
⁵ Унга ўхшаган одамлар Аллоҳнинг бу дунёда берган неъматлари улар учун истидрож (аста-секинлик билан, гуноҳларнинг даражаларига кўтариб жазога гирифтор қилиш) эканлигини тушунмай “Аллоҳ бизни севмаса мана шунча давлат ва неъматларни берармиди?” деб алданиб юрaveraдилар ва

- 16 Йўқ! (ҳаргиз ундай бўлмас! Сабаби) у Бизнинг оятларимизни инкор қилди!
 17 Мен яқинда уни (дўзахдаги) ҳарсанг тош устига чиқарурман!
 18 Чунки, у (Қуръон ҳақида) фикр қилди ва (ногўғри) чамалади.⁶
 19 Ўлимга йўлиққур! Нақадар (хато) чамалади!
 20 Яна (бир қарра) ҳалок бўлгур, нақадар (хато) чамалади!
 21 Кейин ўйланди.
 22 Кейин (ёқтирмай) қовоғини уйиб, пешонасини тириштирди.
 23 Кейин (ҳақиқатдан) тисланиб, кибр қилди.
 24 Кейин (бундай) деди: “Бу қадимгилардан қолган сеҳрқу!”
 25 Бу – инсоннинг сўзидан бошқа эмас!”
 26 Мен уни яқинда “Сақар”(дўзахи)га киритурман!
 27 (Эй, Муҳаммад), сен “Сақар” нелигин билмассан.
 28 У (ўзига ташланган гуноҳкорларни) қолдирмас ва қўймас.
 29 Терини (қўйдириб) ўзгартириб қўяр.
 30 Унинг устида ўн тўққиз (дона қўпол фаришталар) бордир.⁷
 31 Биз дўзахнинг хўжайинларини фаришталардангина қилдик ва уларнинг сонини, кофирларни синаш учун, аҳли китоблар аниқ билишлари учун ва мўминларнинг иймони янада зиёда бўлиши учун (ўн тўққиз дона) қилдик. Ва китоб (Таврот ҳамда Инжил) берилганлар билан

оқибатда гуноҳлари қўпайиб, катта жазога муносиб бўлиб қоладилар.

- ⁶ Қуръону Карим уни ўқиганларнинг барчаси учун ҳидоят бўлавермайди. Одамнинг нияти ундан ҳидоят олиш бўлсагина унга ҳидоят бўлади. Аммо, ғаразғўйлик билан, қандай хатосини топиб олар эканман деган ниятда ўқиса ва ўзининг ноқис ақли билан ўз ҳавосига муносиб тарзда чамаласа албатта адашади.

- ⁷ Аллоҳ таоло фаришталарига атайин мана шундай табиат бергандирки, бу ҳам бўлса дўзахийларга азоб беришнинг бир кўринишидир. Бу каби дўзах фаришталарига “забониялар” дейилади. Аммо жаннатдаги фаришталар эса жуда хушмуомала бўладилар.

мўминлар (фаришталарнинг сони ҳақида) шубҳаланиб қолмасинлар учун ҳамда қалбида марази бор(мунофик)лар ва кофирлар “Аллоҳ бу мисол билан нимани ирода қилди экан?” деб (шубҳали) гапиришлари (Аллоҳ дўзах фаришталарининг сонини ўн тўққиз дона қилди). Аллоҳ хоҳлаган бандаларини мана шундай адаштиради ва хоҳлаган бандаларини хидоятга бошлайди. (Эй, Мухаммад, фаришталардан иборат бўлган) Роббингнинг аскарларин(инг сонин) Ўзигина билар. Бу (оят)лар инсонлар учун огоҳлантиришдан бошқа нарса эмасдир.

32 Йўқ, Мен Ойга онт ичиб,

33 Қайтиб кетган тунга онт ичиб,

34 Отаётган тонгга онт ичиб

35 (Айтман): дарҳақақат, у (дўзах) чўнг балоларнинг биридир.¹

36 Инсонларга огоҳлантиришдир.

37 Сизнинг орангиздаги, (Аллоҳнинг ризосига) интилишни ёки (савобдан) чекинишни хоҳлаганлар учун.

38 (Охиратда) ҳар бир жон ўз ишининг асиридир.

39 Ўнг тараф эгаларигина ундай эмас.²

40 Улар жаннатларда (гуриб) сўрарлар

41 (дўзахдаги) осийлардан:

42 “Сизларни “Сақарга” нима туширди?”

43 Улар айтарлар: “Бизлар намоз ўқимаган эдик

44 Ва мискинларни таомлантирмаган эдик.

إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ۖ فَقِيلَ يَكْفُفْ ۖ قَدَّرَ ۖ ثُمَّ قَبِلَ وَيَكْفُفْ ۖ قَدَّرَ ۖ ثُمَّ نَبَّأَهُمْ أَنَّ هَذَا الْأَصْحَابُ ۗ كَلَّا ۚ إِنَّ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ ۗ سَأَصْلِيهِ سَفَرٌ ۖ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سَفَرٌ ۗ لَا بُقْيَ وَلَا نَذْرٌ ۗ الْوَاحَةَ لِلْبَشَرِ ۗ عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ ۗ وَمَا جَعَلْنَا أَصْحَابَ النَّارِ إِلَّا مَلَائِكَةً ۗ وَمَا جَعَلْنَا عِدَّتَهُمْ إِلَّا فِتْنَةً ۗ لِلَّذِينَ كَفَرُوا لِيَسْتَيَقِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَيَزْدَادَ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِيمَانًا ۗ وَلَا يَرْتَابَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْمُؤْمِنُونَ ۗ وَلِيَقُولَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ وَالْكَافِرُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا ۗ كَذَلِكَ يُضِلُّ اللَّهُ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ ۗ وَمَا يَعْلَمُ جُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ ۗ وَمَا هِيَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْبَشَرِ ۗ كَلَّا ۗ وَالْقَمَرِ ۗ وَاللَّيْلِ إِذَا أَدْبَرَ ۗ وَالصُّبْحِ إِذَا أَصْفَرَ ۗ إِنَّهَا لِحَدَى الْكَبِيرِ ۗ نَذِيرٌ لِلْبَشَرِ ۗ لِمَن شَاءَ مِنكُمْ أَن يَتَّقُوا ۗ أَوْ يَتَأَخَّرُوا ۗ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهينَةٌ ۗ إِلَّا أَصْحَابَ الْيَمِينِ ۗ فِي جَنَّتِ نِسَاءٌ لَّوْنٌ ۗ عَنِ الْمُجْرِمِينَ ۗ مَا سَلَكَكُمْ فِي سَفَرٍ ۗ قَالُوا لَوْ نَكُنُ مِنَ الْمُصْلِينَ ۗ أَوْلَمْ نَكُ نَطْعُمُ الْمَسْكِينِ ۗ وَكُنَّا نَحْوُ مَعِ الْخَالِصِينَ ۗ وَكُنَّا نَكْذِبُ بِيَوْمِ الدِّينِ ۗ حَتَّىٰ آتَيْنَا الْيَقِينَ ۗ

45 (Балки, ботил сўзларга) шўнғиганлар билан бирга шўнғидик.

46 Ва охират кунин ёлғон дедик

47 токи, ўлим бизга келгунга қадар!”

48 Энди уларга ҳеч бир шафоатчининг шафоати фойда бермас!³

49 Уларга (кофирларга) не бўлдики, насихатдан (Қуръондан) юз ўғарарлар,

50 Худди ёввойи эшаклар каби

51 арслондан ҳуркиб қочган?!

52 Йўқ! Уларнинг ҳар бири (ўзига хос) очик схиқалар берилишини хоҳлаяптилар!⁴

¹ Аллоҳ таоло Ўзи яратган муҳим нарсалар билан қасам ичади. Бирок, бандалар учун ҳар қандай муҳим бўлсада, Аллоҳдан ўзганинг номига қасам ичишни шариатимиз манъ қилади. Хусусан, “Ер урсин!”, “Кўк урсин!”, “Нон урсин!” деган каби қасам ичишлар гуноҳларнинг қаторига қиради.

² Бу оятдаги “ўнг тараф эгалари” ким эканлигини тушунтиришда ихтилофли сўзлар айтилган. Али разияллоху анху “улар – норасидалардир” деса, Ибн Аббос разияллоху анху “улар – фаришталар” деганлар. Чунки, гўдақлар билан фаришталар гуноҳлардан маъсумдирлар. (Тафсийру Табарий). Тафсирунол олимлардан имом Куртубий эса, “улар – амал китоби ўнг тарафидан берилиб, жаннатга ҳукм қилинган мухлис мусулмонлардир” дейди. Валлоху аълам.

³ Охиратда Робби таоло хоҳлаган бандасига шафоатчилик моқомини ато қилар. Ана шу мақомга мушарраф бўлганлардан кимдир биров агар дўзахга ҳукм қилинган ўз ақинларидан бирини шафоат қилишни хоҳласа, Аллоҳ таоло бунга руҳсат бермаслиги мана шу оятдан маълум бўлади.

⁴ Кофирлар ана шундай такаббур бўладилар. Улар Қуръоннинг ҳақиқат эканлигини ёлғонга чиқариш учун ҳар қандай хийла-найранглар

فَمَا نَنْفَعُهُمْ شَفَعَةَ الشَّافِعِينَ ﴿٤٨﴾ فَمَا لَهُمْ عَنِ التَّذْكَرَةِ مُعْرِضِينَ ﴿٤٩﴾ كَانَهُمْ حُمْرٌ مُّسْتَنْفِرَةٌ ﴿٥٠﴾ فَرَّتْ مِنْ قَسْوَرَةٍ ﴿٥١﴾ بَلْ يَرِيدُ كُلُّ امْرِئٍ مِّنْهُمْ أَنْ يُؤْتَىٰ صُحُفًا مِّثْلَ مَا تُنَادُونَ ﴿٥٢﴾ كَلَّا بَلْ لَا يَخَافُونَ الْآخِرَةَ ﴿٥٣﴾ كَلَّا إِنَّهُ تَذَكَّرٌ ﴿٥٤﴾ فَمَنْ شَاءَ ذَكَرْهُ ﴿٥٥﴾ وَمَا يَذْكُرُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ هُوَ أَهْلُ التَّقْوَىٰ وَأَهْلُ الْمَعْرِفَةِ ﴿٥٦﴾

سُورَةُ الْقِيَامَةِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
لَا أُقِيمُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ﴿١﴾ وَلَا أُقِيمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَامَةِ ﴿٢﴾ أَيْحَسِبُ الْإِنْسَانُ أَنْ لَّنْ جَمْعَ عِظَامِهِ ﴿٣﴾ بَلْ قَدَرِينَ عَلَىٰ أَنْ نُسَوِّيَ بَنَانَهُ ﴿٤﴾ بَلْ يُرِيدُ الْإِنْسَانُ لِيَفْجُرَ أَمَامَهُ ﴿٥﴾ يَسْتَلْ يَا أَيُّهَا الْقِيَامَةُ ﴿٦﴾ فَإِذَا بَرِقَ الْبَصَرُ ﴿٧﴾ وَحَسَفَ الْقَمَرُ ﴿٨﴾ وَجَمَعَ الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ ﴿٩﴾ يَقُولُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ ﴿١٠﴾ أَتَيْنَ الْمَفْرُتَ ﴿١١﴾ كَلَّا لَا وَزَرَ ﴿١٢﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ الْمُسْتَقَرُّ ﴿١٣﴾ يُدْعَىٰ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ بِمَا قَدَّمَ وَأَخَّرَ ﴿١٤﴾ بَلِ الْإِنْسَانُ عَلَىٰ نَفْسِهِ بَصِيرَةٌ ﴿١٥﴾ وَلَوْ أَلْقَىٰ مَعَادِيِرَهُ ﴿١٦﴾ لَأَخْرَجَ بِهِ لِسَانَهُ لِيَتَعَبَّلَ بِهِ ﴿١٧﴾ إِنْ عَلَيْنَا جَمْعُهُمْ ﴿١٨﴾ فَإِذَا قَرَأْتَ فَالْعَبْرَةَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ إِنْ عَلَيْنَا مِائِينَ ﴿٢٠﴾

53 Йўк, балки улар охирагдан кўркмайдилар.

54 Йўк, у (Қуръон) бир эслатмадир.

55 Ким ҳоҳаса ундан сабоқ оладир.

56 Бирок, (ундан) Аллоҳ хоҳлаган бандаларгина сабоқ ола билурлар. У(Аллоҳ)гина (Ундан) кўркишга ва (кўркқанларни) кечиришга лойиқдир.

«Қиёмат» сураси¹ 75

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Мен қиёмат куни билан онт ичиб,

2 Маломатчи² нафс билан онт ичиб

уюштирдилар, тухмат сўзларни айтдилар. Ҳеч қандай натижа чикмагач, Абу Жаҳл бошчилигидаги мушриклар пайғамбаримизга (с.а.в) келишиб, “Эй, Мухаммад, агар сен чин пайғамбар бўлсанг, Роббинга айтгин, бизларнинг ҳар биримизга осмондан алоҳида китоб юборсин ва унда “Мен дарҳақиқат сизларга Мухаммадни элчи қилиб юбордим” деган ёзув бўлсин” деб талап қилишди. (Қуртубий).

1 Бу сира ҳам Маккада нозил бўлган ва 40 оятдан иборатдир.

(айтаманки:),

3 Инсон (ўзича) Биз унинг суякларини (қиёмат куни қайтадан яратиш учун) ҳаргиз тўплай олмасмиз деб ҳисоблайдими?

4 Йўқ! Биз унинг бармоқларини ҳам жой-жойига келтиришга қодирмиз!³

5 Балки, (будгумон) инсон ўз келажagini (ва ундаги қайта тирилишни) ёлғон дегиси келар...

6 (Ва шубҳа билан) “Қиёмат қачон ўзи?!” деб сўрар...

7 Қачон (қиёмат вақти келганда) кўз(лар қўрқувдан) чақчайиб қолар!

8 Ой нури ўчар...

9 Ва Кун билан Ой бириктириллар...⁴

10 Ўшал кунда инсон “қаёққа қочсам экан?!” деб қолар.

11 Йўқ! Қочар ўрин йўқдир!

12 У кунда (ҳар бир инсон яккама-якка сўралиши учун) Роббингагина қайтиш бордир.

13 У кунда (ҳар бир) инсонга аввалги ва кейинги (якши ёки ёмон) ишларининг хабари берилур.

14 Балки, инсон(нинг кўзи, кулоғи, қўли ҳамда оёғи) ўзининг зарарига гувоҳликга ўтар.⁵

15 Ва агарда узр-бахоналарни рўқач қилса (улар қабул қилинмас).⁶

2 Ҳар бир инсоннинг нафси уни кўпинча осон, фароғатли аммо гуноҳ ишларга озғиради. Аммо, гуноҳнинг муваққат фароғати ўтиб кетгандан сўнг, ёки ўлим вақти келгач ўша нафс, кечагина одамни гуноҳга етаклаган нафс ўз эгасини ўша гуноҳлари учун маломат қила бошлайди. Бу кеч бўлса ҳам ўз гуноҳларига иқрор бўлиб, пушаймон чеккан нафсдир. Аммо, иймони бақувват, эътиқоди мустаҳкам инсонларнинг нафси эса, уларни гуноҳ ишларга оёқ босмасликга чақириб, “борма, борма!” деб насиҳатомуз маломат қилиб туради.

3 Энг нозик деб ҳисобланган бармоқ суяклариники ўз ўрнига қўйишга қудратли бўлган Зот учун жуссанинг бошқа аъзоларини қайтадан тиклаб бор қилиш муаммо эмасдир.

4 Ўшал кун келгунга қадар “Кун Ойга ета олмас ва кеча кундуздан ўзиб кетмас” (“Ёсин сураси: 38-оят). Аммо, қиёматда бу дунё йўқ бўлиши учун оламий ҳалокатлар бошланажак. Кун билан Ойнинг тўқнашиб (бирикиб) кетишлиги ана шу ҳалокатлардан биридир.

5 (Қуртубий)

6 Бази одамлар бу дунёдаги гуноҳлар учун

16 (Эй, Мухаммад, сенга Жибрийл ўқиб берган оятларни ёд олишга) шошилиб, тилингни кимирлата берма!¹

17 Уни (юрагингга) тўплаш ва ўқилиши (ни тилиннга жо қилиш) Бизнинг вазифамиздир.

18 Бас, қачонки Биз(нинг элчимиз Жибрийл) уни ўқиб бўлгач, унинг кироятига (шошилмай) эргашгин.

19 Ундан сўнг уни тушунтириб бериш ҳам Бизнинг вазифамиз.

20 Йўқ, (эй, осий бандалар!) Сизлар ўтқинчи дунёни севарсиз.

21 Ва (абადий) охиратни (кўнгул сиртига) ташларсиз²

22 У кунда (иймонли) юзлар мунаввар бўлиб,

23 Роббисига (умидла) боқарлар.

24 (Иймонсиз) юзлар эса, буришиб,

25 Ўзларига умуртқа синдиргич азоб берилишин пайқаб қоларлар.

26 Йўқ! (Бандаларнинг жони) халқумга тикилганда...

27 Ва “Ким дам солиб қўяр экан?!” деб (хавотир сўзлар) айтилганда...

28 (Осий банда “Дунёдан) ажралиш мана шу эканда” деб ўйлаганда...

29 Ва болтир болтирга ёпишиб, типирчилаганда...

30 Худди ўша куни Роббинг хузурига ҳайдаб келув бордир!

كَلَّا لَبِئْسَ مَا تَجْعَلُونَ الْعَاجِلَةَ ﴿٣٠﴾ وَتَذَرُونَ الْآخِرَةَ ﴿٣١﴾ وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ﴿٣٢﴾

إِلَىٰ رِبِّهَا نَاطِرَةٌ ﴿٣٣﴾ وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ بَاسِرَةٌ ﴿٣٤﴾ تَنْظُرُونَ أَن يُفْعَلَ بِهَا فَاقِرَةٌ ﴿٣٥﴾

كَلَّا إِذَا بَلَغَتِ التَّرَافِيَ ﴿٣٦﴾ وَقِيلَ مِن رَّاقٍ ﴿٣٧﴾ وَظَنَّ أَنَّهُ الْفِرَاقُ ﴿٣٨﴾ وَالنَّفْسَ

السَّاقِيَةَ بِالسَّقَايِ ﴿٣٩﴾ إِلَىٰ رَيْكِ يَوْمَئِذٍ الْمَسَاقِي ﴿٤٠﴾ فَلَا صَدَقَ وَلَا صَلَّىٰ

﴿٤١﴾ وَلَكِن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿٤٢﴾ ثُمَّ ذَهَبَ إِلَىٰ أَهْلِهِ يَمْتَطِي ﴿٤٣﴾ أُولَىٰ لَكَ

فَأُولَىٰ ﴿٤٤﴾ ثُمَّ أُولَىٰ لَكَ فَأُولَىٰ ﴿٤٥﴾ أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَن يُتْرَكَ سُدًى ﴿٤٦﴾

أَلَمْ يَكُن لَكُمْ نُطْفَةٌ مِن مَّنِيَّيْنِي ﴿٤٧﴾ ثُمَّ كَانَ عِلْقَةً فَخَلَقَ فَسَوَّىٰ ﴿٤٨﴾ فَعَجَلَ مِنْهُ

الرَّوْحَاجِنَ الذِّكْرَ وَالْأُنثَىٰ ﴿٤٩﴾ أَلَيْسَ ذَلِكَ بِقَدْرِ عَلَىٰ أَن يُحْيِيَ الْمَوْتَىٰ ﴿٥٠﴾

سُورَةُ الْإِنشِرَاقِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

هَلْ أَتَىٰ عَلَى الْإِنسَانِ حِينٌ مِّنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُن شَيْئًا مَّذْكُورًا ﴿١﴾

إِنَّا خَلَقْنَا الْإِنسَانَ مِن نُّطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَّبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَاهُ سَمِيعًا

بَصِيرًا ﴿٢﴾ إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا ﴿٣﴾

إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَلَاسِلًا وَأَغْلَالًا وَسَعِيرًا ﴿٤﴾ إِنَّ

الْأَبْرَارَ لَشَرُّوْنَ مِّنْ كَاسٍ كَانَتْ مِرْجَاحَهَا كَافُورًا ﴿٥﴾

31 Бас, у (кофир эса, пайғамбарни) тасдиқ қилмади, намозни ҳам ўқимади.

32 Билъакс, “ёлғон” дея юз ўгириб кетди.

33 Кейин такаббурлик билан оиласига кетди.

34 Ўлим бўлсин сенга, ўлим!

35 Яна бир қарра ўлим бўлсин сенга, ўлим!

36 (Гуноҳкор) инсон ўзини (дунёда) бемақсад ташлаб қўйилган деб ўйларми?!³

37 У (аслида) отирилган бел сувининг биргина томчиси эмасмиди?!

38 Кейин у (томчи) қуюқ қонга айланди. Кейин (Аллоҳ) уни (инсон қилиб) қилиб яратиб, хилқатини расо қилди.

39 Кейин уни икки жуфт: эркак ва аёл қилиб яратди.

40 Энди, мана шу (Аллоҳ) ўликларни (иккинчи бора) тирилтиришга қодир эмасми?!

ўзларининг аъзолари гувоҳлик бериб турса ҳам, қувлик қилиб, бўлмағур бахоналарни айтиб ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Аммо, уларнинг бу ҳаракатлари бефойда кетар.

¹ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолодан ваҳий келишини ўта соғиниб қутар эдилар. Кейин Жибрийл алайҳиссалом келиб, интиқлик билан қутилган оятларни ўргата бошлаганда, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам оятлар охирига етмасданок, “унутиб қолмасайдим” деган ўй билан шошилиб Жибрийлни эргашиб ўқий бошлар эдилар. Мазкур оятларда Аллоҳ таоло оятларни унинг кўксига жойлашни Ўз зиммасига олганлигини баён қилиб, ҳабибига шошилмасликни уқтирмақда.

² Дин ишига тўғаноқ бўлмаслик ва одамни йўлдан урмаслик шарт билан дунёни севиш гуноҳ эмасдир. Гуноҳ будирки, дунёни охиратдан кўпроқ севмоқ, дунёга берилиб, озгирилиб охират ишларини тарк қилмоқ. Кофирларнинг дунёга муҳаббати мана шундайдир.

³ Инсониятни яратишдан бўлган Ўз мақсадини Аллоҳ таоло мана бундай баён қилгандир: **“Мен (барча) жин(лар) ва инсон(лар)ни Менгагина ибодат қилишлари учун яратдим!”** (“Зориёт”-56)

عَيْنًا يَسْرَبُ بِهَا عِبَادُ اللَّهِ يُفَجِّرُونَهَا تَفْجِيرًا ﴿٦﴾ يُؤْتُونَ بِالنَّدْرِ وَمَثَاوِينَ ﴿٧﴾ وَيَوْمَ كَانَ شُرُهُمْ مُسْتَطِيرًا ﴿٨﴾ وَإِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكْرًا ﴿٩﴾ إِنَّا نَخَافُ مِنْ رَبِّنَا يَوْمًا عَبُوسًا قَتَطِيرًا ﴿١٠﴾ فَوَقَّعَهُمُ اللَّهُ شِرْذِلَکَ الْيَوْمِ وَلَقَّهْمُ نَصْرَةَ وَسُرُورًا ﴿١١﴾ وَجَزَّئِهِمْ بِمَا صَبَرُوا جَنَّةً وَحَرِيرًا ﴿١٢﴾ مُتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرْبَابِ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا ﴿١٣﴾ وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَالُهَا وَذُلَّتْ أَقْطُوفُهَا نَذِيلًا ﴿١٤﴾ وَيُطَافُ عَلَيْهِمْ بِمَائِدَةٍ مِّنْ فِضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ فَوَارِيرًا ﴿١٥﴾ فَوَارِيرًا مِّنْ فِضَّةٍ قَدَرُهَا أَنْفَادِيرًا ﴿١٦﴾ وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنْجَبِيلًا ﴿١٧﴾ عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا ﴿١٨﴾ وَيُطَوَّفُ عَلَيْهِمْ خِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنشُورًا ﴿١٩﴾ وَإِذَا رَأَيْتَ ثَمَّ رَأَيْتَ نَعِيمًا وَمَلَكًا كَبِيرًا ﴿٢٠﴾ عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُدُوسٌ خُضْرٌ ذِئْبِقَةٌ وَّحُلُوفٌ الْأَسْوَدُ مِنْ فِضَّةٍ وَسَقَمَهُمْ رُحْمٌ سُورَابًا طَهُورًا ﴿٢١﴾ إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُمْ جَزَاءً وَكَانَ سَعْيَكُمْ مَشْكُورًا ﴿٢٢﴾ إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْقُرْآنَ تَنْزِيلًا ﴿٢٣﴾ فَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تَطِعْ مَنَّهُمْ إِنَّمَا آوَأْكُفُّورًا ﴿٢٤﴾ وَأَذْكُرْ اسْمَ رَبِّكَ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٢٥﴾

«Инсон» сураси¹ 76

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Инсоннинг устидан (у яралгунга қадар) даврларнинг (бир неча) вақтлари ўтгандир. (У пайтда инсон) тилга оларлик (арзигулик) нарса эмас эди.

2 Дарҳақиқат, Биз инсонни (оталик ва оналик уруғининг) аралашмасидан иборат бир томчидан яратдик ва уни синаб, эшитгувчи, кўргувчи қилдик.

3 (Кейин) Биз унга (яхши ва ёмон) йўл(лар)ни танитдик. (Энди у) ё шуқр (ибодат) қилгувчи бўлар ёки кофир (бўлар).

4 Биз кофирлар учун занжирларни, кишанларни ва дўзахни тайёрлаб қўйдик.

5 Яхши (иймонли) одамлар эса, (жаннатларда) “кофур”² аралаштирилган майни қадахлар билан ичарлар.

6 (Кофур) булоғи... Уни Аллоҳнинг (жаннатга муносиб) бандалари (хоҳлаган томонига) оқизиб, (хоҳлаганларидек) ичарлар.³

7 Улар (дунё ҳаётида) назрларини⁴ адо қиладилар ва ёмонлиги ёйилган кундан (қиёматдан ва ундаги Аллоҳнинг азобидан) кўрқарлар.

8 Ва мискинларга, етимларга ҳамда маҳбусларга ўзи иштаҳо қилиб турган таомдан едирарлар⁵ (ва мана бундай дерлар:)

9 “Биз сизларни Аллоҳнинг розилиги учунгина таомлантирмоқдамиз. Биз сизлардан (ҳеч қандай) ҳақ ва олқиш сўрамасмиз.

10 Биз Роббимиздан (ва юзларни) тириштирадиган, оғир кундан (қиёматдан) кўрқамиз”

11 Кейин Аллоҳ уларни мана шу куннинг ёмонлигидан қутқариб, (юзларига) нур ва қувонч (аломатларини) берди.

12 Ва сабр қилганлари туфайли уларни жаннат ҳамда ҳарир (кийимлар) билан сийлади.⁶

13 Улар у ердаги сўриларга ёнбошлаб

қушбўйлиги ва роҳатбахшлигини ошириш учун аралаштириладиган ўта тиниқ булоқдир. (*Қуртубий*)

3 Ҳоҳласа, махсус ариқчалар билан оқизиб, жаннат боғларининг ичига “етақлаб” кетадир, хоҳласа, асал, сут ва тиниқ сувлар оққан дарёлар бўйидаги сўриларда ёнбошлаб ётиб ичарлар, хоҳласа олтин, қумуш ва ёқут саройларнинг олдига оқизиб бориб, ўша ерда ичарлар. Кейинги оятда мана шундай неъматларга кимлар муносиб эканлиги айтилади.

4 “Назр” – бу бир банданинг “Мен фалондай ниятимга етказгани учун Аллоҳга атаб фалондай ибодатни адо қилиб бераман” деб, ўзига-ўзи вазифа юклаб олишидир. Қайси банда Аллоҳга атаб қандай ибодатни назр қилса, уни адо қилиши фарздир.

5 Ҳақиқий мусулмонлар етимларнинг молини очофатларча емаслар. Билъакс ўзлари сарф-харажат қилиб, ўз нафси иштаҳо қилган таомлардан едириб, ўзи севган кийимлардан кийдириб парвариш қиларлар. Шунингдек урушда таслим бўлганларга қаттиққўллик қилиш ҳам мусулмонлик удумидан эмас.

6 Ипак кийимларни кийиш бу дунёда мусулмон эркаклар учун ҳаромдир. Бу уларни тақабурликдан муҳофаза қилиш учундир. Аммо, тиббий заруратлар туфайли (масалан, кўтир яраси тошганда) кийилса, бунга шариятда монъелик йўқ. Чунки, исломда “заруратлар монъеликни йўқ қилар” деган шарият қонуни бордир.

¹ Бу сура Мадинада нозил бўлган ва. 31 оятдан иборат.

² “Кофур” – бу жаннатдаги майга, унинг

ўтирадилар. У ерда улар кун(нинг саратони)ни ҳам, кичираган совукни ҳам кўрмаслар.¹

14 Уларга жаннат боғларининг соялари тегиб, мевалари эгилиб турар

15 ҳамда кумуш идишлар(да ширин таомлар) ва кумуш-биллур қадахлар(да лаззатли шароб) айлангириб турилур.

16 Кумуш-биллур қадахлар... Уни(нг ичидаги шаробни хизматчилар ҳожатга яраша) ўлчаб-ўлчаб куюрлар...

17 У ерда (иймонли бандалар учун) Занжабил² аралаштирилган шароб,

18 (Ва) “Салсабил” деб аталган булок (суви ичирилур).

19 Уларни(нг хизматида) абадий ёш йигитлар айланиб юрурлар. Агар сен уларни кўрсанг, сочилган инжуларми деб ўйлайсан.

20 Назар солсанг у ерда (туганмас) неъматларни ва катта мулкни кўрарсан.³

21 Уларнинг (жаннатдаги иймонли бандаларнинг) устида яшил ҳарирдан ва (қимматбаҳо тошлар қадалган) баркутдан кийимлар... (Эркагу аёлларининг қўллари) кумуш билагузукларла безалган... Роббилари уларни тиниқ-покиза шаробла суғорган...

22 (Эй, иймонли бандалар!) Булар – сиз учун мукофотдир! Сизларнинг (дунёдаги озгина) ҳаракатингиз⁴ беадад неъматларла

тақдирланмиш!

23 Дарҳақиқат, Биз сенга (эй, Муҳаммад), Куръонни бўлак-бўлак ҳолда нозил қилдик.⁵

24 Сен энди Роббингнинг ҳукмига сабр қил⁶ ва улар(кофирлар)дан бўлган ношукур, осий одамларга бўйин сунма!

25 Ва эртию кеч Роббинг номини ёд эт!⁷

26 Кечанинг бир бўлагига Унга сажда қил ва тунлари узун-узун тасбеҳлар айт!

27 Ҳақиқатда, улар (кофирлар) дунёни сеवारлар ва оғир кунни (қиёматни) орқаларига ташлаб қўярурлар.

28 Уларни Биз яратиб, тамоми хилқатини маҳкам қилдик. Агар ҳоҳласак, уларни ўзларига ўхшаган⁸

одамларда “Аввал бир оз иқтисодимни тиклаб олай, ундан кейин дин учун ҳаракат бошлаймиз” деган фикр ҳукмрон. Улар бунга улгурадиларми?! Аллоҳ таоло Куръону Каримда “Қишлоқ (шахар) ахллари иймонли ва такволи бўлсалар, Биз улар учун осмонлару ердан баракот эшикларини очиб қўюрмиз” деб, биринчи навбатда иймону таквони бойитишликга чақирмоқда. (“Аъроф”-96). Мусулмонлар эса, ҳамон ўткинчи дунё орқасидан югуриб, моддий фаровонлик бирламчи деган эътиқодларида мустаҳкам...

⁵ Куръону Карим пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламга турли воқеъа-ҳодисалар муносабати билан йигирма уч йил мобайнида, оят-оят ҳолида, бўлиб-бўлиб туширилгандир. Бунинг яна бир ҳикмати нозил бўлган оятларни мусулмонлар кейинги оятлар нозил бўлгунга қадар осонлик билан ёдлаб олар эдилар.

⁶ Робби таолонинг икки хил ҳукми бордир: **1**) Тақдирдаги ҳукми, **2**) Диний ҳукми. Тақдирдаги ҳукмига биноан пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг завжаси, амакиси, ўғли ва баъзи қизлари ўздан аввал нарғи дунёга рихлат қилгандирлар. Аллоҳнинг бу тақдирий ҳукмига эса сабрдан бошқа чора йўқдир. Диний ҳукмга сабр қилишнинг зимнига жиҳод, даъват машаққатларига сабр қилиш, тунги таҳажжуд намозига уйғониш, эрталабки бомдод намозига уйғониш, Рамазон рўзасига сабр қилиш ва ҳоказо шу каби нафсага оғир ибодатларнинг матлабига сабр қилиш қиради.

⁷ Албатта, эртаю кеч Аллоҳни зикр қилиб, “У менинг ҳар бир хатти-ҳаракатларимни кўриб турибди” деб эътиқод қилган банда гуноҳ ишларга қўл урмайди. Шайтоннинг васвасаларига ҳам озгирилмайди.

⁸ Кофирларни ҳам Аллоҳ яратгандир. Улар ҳам Одам-Отамизнинг авлодлари. Аллоҳ

¹ Бу оят жаннатдаги об-ҳаво ҳақида маълумотдир. Демак, у ерда ўта иссиқлик ҳам ўта совуқлик ҳам йўқ, ҳузурбахш мўътадиллик бор.

² Жуда ҳам ифорли ўсимлик. Шарқ мамлакатларида шаробларнинг лаззатини ошириш учун фойдаланилади.

³ Бу дунёда дину иймонини мол-дунёга, мансабу жоғга алмаштирмаган мўминларни Аллоҳ таоло жаннатда мулкнинг ҳар қандай турига фарқ қилади. У мулк ва неъматлар ҳақида юқоридаги оятларда айтилди. Баъзи бирларининг баёни кейинги оятларда.

⁴ Бу дунёда Аллоҳнинг низомини маҳкам ушлаб яшаш учун унчалик кўп меҳнат, машаққат талаб қилинмайди. Булқинган нафсни тийиш ва ҳар қадамда хужумга ўтган шайтон васвасаларига сергак бўлишнинг ўзигина шариат низомларини ушлаб яшаш учун кифоядир. Одамлар ўткинчи дунё учун қилган ҳаракатларининг ўндан бирини ҳам дину иймон учун қилмайдилар. Кўпчилик

«Мурсалот» сураси² 77

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Онг бўлсин: (оламларни бошқаришга оид) урф бўйинча юборилган(фаришта)ларга,
- 2 Каттиқ эсган шамолга,
- 3 (Булутларни Аллоҳ ҳоҳлаган томонга) тарқатувчи(фаришта)ларга,
- 4 (Ҳақ билан ботилни) ажратиб берадиган(Қуръон оятлари)га,
- 5 (Пайғамбарларга Аллоҳ тарафидан юборилган) ваҳийни ташигувчи фаришталарга,
- 6 (У фаришталарнинг ваҳий олиб келиши ҳақгўйларга) узр-кечирим, (бузукиларга) огоҳлантириш бўлиши учундир.
- 7 Сизларга ваъда қилинган Кун албатта воқеъ бўлгувчидир!
- 8 Юлдузлар(нинг нури) ўчирилиб,
- 9 Осмон очилиб,
- 10 Тоғлар (типилган жун каби) учирилганда. . .
- 11 Ва пайғамбарларга (умматларининг сўроғига гувоҳ бўлиш учун) вақт берилганда...(Ана ўшанда қиёмат қоим бўлиб, ҳақ билан ботил ажралур).
- 12 (Бандаларнинг сўроғи) қайси кунга белгиланган эди?
- 13 Ажратиш кунига!³
- 14 (Эй «Мухаммад) сен ажратиш куни нелигин билмассан .⁴
- 15 У кунда (Охиратни) ёлғон деганларга ҳалокат бўлғай!
- 16 Биз аввалги кофирларни ҳалок қилмаганмидик!?
- 17 ундан кейин охиргиларни ҳам уларни (нг тақдирига) эргаштирдик.
- 18 Биз мужримлар билан мана шундай муомала қиламиз!
- 19 У Кунда охиратни ёлғон деганларга ҳалокат бўлғай!
- 20 (Эй, кофирлар!) Биз сизларни бир томчи ҳақир сувдан яратмаганмидик!?

وَمِنَ اللَّيْلِ فَاسْجُدْ لَهُ، وَسَبِّحْهُ لَيْلًا طَوِيلًا ﴿٢٦﴾ إِنَّ
هَؤُلَاءِ لَيُحِيطُونَ الْعَاجِلَةَ وَيَذَرُونَ وَرَاءَهُمْ يَوْمًا تَقِيلًا ﴿٢٧﴾ نَحْنُ
خَلَقْنَاهُمْ وَشَدَدْنَا أَسْرَهُمْ وَإِذَا شِئْنَا بَدَلْنَا أَمَلَهُمْ بَدِيلًا
﴿٢٨﴾ إِنَّ هَذِهِ نَذِيرَةٌ ۖ فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذْ إِلَىٰ رَبِّهِ سَبِيلًا ﴿٢٩﴾
وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٣٠﴾
يُدْخِلُ مَنْ يَشَاءُ فِي رَحْمَتِهِ وَالظَّالِمِينَ أَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٣١﴾

سُوْرَةُ الْمُرْسَلَاتِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَالْمُرْسَلَاتِ عُرْفًا ﴿١﴾ فَأَلْغَصَفْتِ عَصْفًا ﴿٢﴾ وَالنَّشِيرَاتِ تَشْرًا ﴿٣﴾
فَأَلْفَرَقْتِ فَرْقًا ﴿٤﴾ فَأَلْمَقِيصَاتِ ذِكْرًا ﴿٥﴾ عَذْرًا أَوْ نَذْرًا ﴿٦﴾ إِنَّمَا
تُوعَدُونَ لَوَفْعٍ ﴿٧﴾ فَإِذَا التُّجُومُ طُمِسَتْ ﴿٨﴾ وَإِذَا السَّمَاءُ فُرِجَتْ ﴿٩﴾
وَإِذَا الْجِبَالُ سُيِفَتْ ﴿١٠﴾ وَإِذَا الرُّسُلُ أُقِنَتْ ﴿١١﴾ لِأَيِّ يَوْمٍ أُخِّلَتْ
﴿١٢﴾ لِيَوْمِ الْفَصْلِ ﴿١٣﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمَ الْفَصْلِ ﴿١٤﴾ وَيَلَّ يَوْمَئِذٍ
لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٥﴾ أَلَمْ تَهْتَكِ الْوَعْدَ الْأَوَّلِينَ ﴿١٦﴾ ثُمَّ نُنْعِمُهُمُ الْآخِرِينَ
﴿١٧﴾ كَذَلِكَ نَفْعَلُ بِالْمُجْرِمِينَ ﴿١٨﴾ وَيَلَّ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٩﴾

(бирок, улар сингари куфр қилмайдиган) бандаларга алмаштириб кўюрмиз.¹

29 Аникки, бу (Қуръон) бир эслатмадир. Ким ҳоҳласа Роббиси(нинг ризоси)га (олиб боргувчи) йўлни ушлар.

30 (Бирок), сизлар Аллоҳ ҳоҳлаган нарсанигина ҳоҳлай оларсиз. Аллоҳ Билгувчи, Донишманддир!

31 У ҳоҳлаган бандаларини Ўз раҳмати остига олар. Золимларга эса, аламли азобни таёрлаб кўйгандир.

таоло уларга умр бахш этди, долғали ҳаёт оқимларида, машаққатларида фойдалансин, ҳақиқатни танисин деб ақл-тафаккур берди. Бирок, улар Аллоҳ берган ақлни Аллоҳнинг йўлига қарши ишлатдилар! Бу ўтакетган куфр, хаддан ошган хиёнат эди. . .

¹ Тарих мобайнида Аллоҳ таоло хиёнаткор қавмлардан қанчасини ҳалок қилди. Улар макон тутган жаннатмакон жойлар бошқа қавмларга қолди. Аммо, инсоният тарих сабоқларида хануз бефарқ. . .

² Бу сура Маккада нозил бўлган ва 50 оятдан иборат. «Мурсалотнинг» маъноси «Юборилганлар» демакдир.

³ У кунда барча халойиқ Маҳшар майдонида пайғамбарлари билан биргаликда йиғиб келиниб, уларнинг гувоҳлиги остида сўроққа тортиладир. Ана ўша сўроқдан кейин ҳақ билан ботил, яхши билан ёмонлар ажратилажак.

⁴ Аллоҳ таоло ўргатмагунча Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайб хабарларини билган эмаслар.

21 Кейин у "сувни" мустаҳкам қароргоҳга (бачадонга) ўрнаштирдик.

22 Маълум вақтга қадар.

23 Биз (ўша "сувни" баркамол инсон қилиб яратишга) қодир бўлдик.

24 У Кунда охиратни ёлғон деганларга ҳалокат бўлғай!

25 Ерни қучокловчи қилмадикми

26 Ўликлар ҳамда тирикларни.

27 Ҳамда Биз Ер юзига (уни мустаҳкам ушлаб туриши учун) баланд тоғларни яратдик ва сизларни ширин сув билан суғордик.¹

28 У кунда (мана шу неъматларни) "ёлғон" деганларга ўлим!

29 (Ўшанда уларга айтилар:) "Ёлғонга чиқарганингиз – дўзах сари жўнанглар!

30 Уч бутокли (алангадан иборат) "қўланкага"² жўнанглар!

31 (У "қўланкада") салқинлик йўқ, оловдан ҳам сақламас.

32 У (дўзах) худди қаср(лар) каби (улкан) учқунларни отадир.

33 Учқунлар эса, сарғиш-қора туяларга ўхшар.

34 Ўшал кунда (қиёматни) "ёлғон" деганларга ўлим!

35 Бу кунда улар (берухсат) сўзлай олмаслар.

36 Улар учун узр айтишга ҳам рухсат берилмас!

37 Ўшал кунда (қиёматни) "ёлғон" деганларга ўлим!

38 Бу – ажратиш кунидир! Биз сизларни ҳам, аввалгиларни ҳам (сўроқ учун) тўпладик!

39 Агар (эй, кофирлар, бу сўроқдан қутулиш учун) сизларда бирон хийла

أَلَمْ نَخْلُقْكُمْ مِنْ مَّاءٍ مَّهِينٍ ۚ فَجَعَلْنَاهُ فِي قَرَارٍ مَّكِينٍ ۙ إِلَىٰ قَدَرٍ

مَعْلُومٍ ۚ فَقَدَرْنَا فَنِعْمَ الْقَدَرُونَ ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ

أَلَمْ تَجْعَلِ الْأَرْضَ كِفَاتًا ۚ أَحْيَاءَ وَأَمْوَاتًا ۙ وَجَعَلْنَا فِيهَا رِوْسِي

شَيْخًا خَلَّتْ وَأَسْقَيْنَاكُم مَّاءً فُرَاتًا ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ

أَنْطَلِقُوا إِلَىٰ مَا كُنْتُمْ بِهِ تَكْذِبُونَ ۙ أَنْطَلِقُوا إِلَىٰ ظِلِّ ذِي ثُلَّةٍ

شُعْبٍ ۙ لَا ظَلِيلٍ وَلَا يُغْنِي مِنَ الْهَبِّ ۙ إِنَّهَا تَرْتَبِي بِشَكْرِ

كَالْقَصْرِ ۙ كَأَنَّهُ جَمَلٌ صَفْرٌ ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ

هَذَا يَوْمٌ لَا يَنْطِقُونَ ۙ وَلَا يُؤَدِّنُ لَهُمْ فَيَعْذِرُونَ ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ

لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ هَذَا يَوْمٌ الْفَصْلِ جَمَعْنَاكُمْ وَالْأُولَىٰ ۙ فَإِنْ كَانَ

لَكُمْ كَيْدٌ فِكِيدُونَ ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ إِنَّ الْمُنْفِقِينَ فِي

ظِلِّلِ وَعُيُونٍ ۙ وَفَوَكَهَ مِمَّا يَسْتَهْوُونَ ۙ كَلُوا وَأَشْرَبُوا هَيْتًا

بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ۙ إِنَّا كَذَّاكُ الْخَجْرِيِّ الْحَسِينِينَ ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ

لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ كَلُوا وَتَمَنَعُوا قَلِيلًا إِنَّكُمْ تَجْرُمُونَ ۙ وَيَلْ يَوْمَئِذٍ

لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ ارْكَعُوا لَا تَرْكَعُوا ۙ وَيَلْ

يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ۙ فَيَأْتِي حَدِيثٌ بَعْدَهُ ۙ يَوْمُنُوتٌ

бўлса, уни Менга кўрсатинг!

40 Ўшал кунда (қиёматни) "ёлғон" деганларга ўлим!

41 Такводдорлар эса, (ҳақиқий) сояларда ва булоқларда.

42 Ҳамда (кўнгиллари) ҳоҳлаган меваларда...

43 (Уларга айтилар:) "Енглар ва ичинглар, ош бўлсин! (Бу зиёфат савоб) амал(ларни) қилганингиз учундир!"

44 Биз савоб амал қилганларни мана шундай мукафотлаймиз!

45 Ўшал кунда (қиёматни) "ёлғон" деганларга ўлим!

46 (Эй, қиёматни ёлғонга чиқарган кофирлар! Дунёда) бир оз фойдаланиб, еб-ичиб қолинг. Сизлар осий бандалардирсиз!

47 У кунда (қиёматни) "ёлғон" деганларга ўлим!

48 Агар уларга (Аллоҳга) рукуъ қилинг дейилса, рукуъ қилмаслар.³

¹ Ернинг салмоқли ҳамда мустаҳкам туришлигида тоғларнинг хизмати беадад. Буни ҳозирги замон тоғшунослик (геодезия) фани ҳам тасдиқлагандир. Иккинчидан, Аллоҳ таоло бизга ширин сув манбаини ҳам ана шу тоғлар устига қургандирки, бу баҳор фаслидаги кўчқилар натижасида тоғ этакларида пайдо бўлган улкан муз қатламларидан иборат. Баланд тоғ чўққиларидан қулаган ва минглаб тонна салмоққа эга кўчқилар жуда катта тезлик билан оқиб келиб, маълум бир тўсикка урилиб тўхтагач, "мўнгилар" деб аталган тоғ айсбергларини ҳосил қилади. Бу муз қатламлари то кейинги ёғин фасллари келгунга қадар аста-секинлик билан эриб, улардан ирмоқлар ва дарёлар ҳосил бўлади.

² Қўштирноқ сайин уч бутокка ажралиб алангаланадиган дўзах олови ёки ана шу оловнинг тутунидир.

³ «Рукуъ» - бу намоздаги арконлардан бири. Қиёматга ишонмаганлар албатта намоз ўқишни ошиқча ташвиш деб ҳисоблайдилар.

سُورَةُ النَّبَاِ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

۱ عَمَّ بَسَّاءٌ لَّوْنٌ ۱ عَنِ النَّبَاِ الْعَظِيْمِ ۲ الَّذِي هُوَ فِيهِ مَخْتَلِفُونَ ۳
 ۴ كَلَّا سَيَعْمُونَ ۴ تَوَكَّلَا سَيَعْمُونَ ۵ اَلَّذِي جَعَلَ لَآلِزْ مَهْدًا ۶
 ۷ وَالْجِبَالَ اَوْتَادًا ۷ وَخَلَقْتَ كُرُوْا جَا ۸ وَجَعَلْنَا تَوْمَكُمُ سُبَّانًا ۹
 ۱۰ وَجَعَلْنَا اَلَّيْلَ لِيَاسًا ۱۰ وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا ۱۱ وَبَنَيْنَا
 ۱۲ فَوْقَكُمُ سَبْعًا سِدَادًا ۱۲ وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَاجًا ۱۳ وَاَنْزَلْنَا
 ۱۴ مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا ۱۴ لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَبُنَاتًا ۱۵ وَجَنَّتِ
 ۱۶ اَلْفَاقَا ۱۶ اِنْ يَوْمَ الْفَضْلِ كَانَ مِيقَتَنَا ۱۷ يَوْمَ تُفْخَعُ فِي الصُّوْرِ
 ۱۸ فَنَاتُوْنَ اَفْوَاجًا ۱۸ وَفِي حَتِّ السَّمَاءِ فَكَانَتْ اَبْوَابًا ۱۹ وَسِيْرَتِ
 ۲۰ الْجِبَالِ فَكَانَتْ سَرَابًا ۲۰ اِنْ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ۲۱ لِلطَّغِيْنَ
 ۲۲ مَآبًا ۲۲ اَلَّذِيْنَ فِيْهَا اَحْقَابًا ۲۳ لَا يَدْوُوْنَ فِيْهَا بَرْدًا وَاَشْرَابًا
 ۲۴ اِلَّا اَلْحَمِيْمًا وَعَسَاقًا ۲۴ جَزَاءً وَّفَاقًا ۲۶ اِنَّهُمْ كَانُوْا
 ۲۷ لَا يَرْجُوْنَ حِسَابًا ۲۷ وَكَذَّبُوْا بِآيَاتِنَا كِذَابًا ۲۸ وَكُلُّ شَيْءٍ
 ۲۹ اَحْصَيْنَاهُ كِتَابًا ۲۹ فَذُوْقُوْا فَلَنْ نَّزِيْدَكُمْ اِلَّا عَذَابًا ۳۰

49 У кунда (қиёматни) “ёлғон” деганларга ўлим!

50 Ундан (Қуръондан) кейин, яна қандай сўзга иймон келтиришади?!¹

Чунки улар жуда мутақаббир кишилардир. Рукуъ қилишни (эгилишни) ҳоҳамайдилар. Бироқ, уларнинг оламлар ҳожасига эгилмаган бўйинлари ва умурткалари ўзларидан мансабдорроқ ёки бойроқ одамлар олдида новдадек эгилади. Демак, улар Аллоҳга қул бўлишдан дунё ва шуҳратга қул бўлишни афзал қўрадилар. Ким Аллоҳга қул бўлмаса, Ундан ўзгаларга қул бўлар! Охиратда эса, ўзлари “ёлғон” деган ҳисоб кунини ўз кўзлари билан кўриб, Робби таолонинг Ўзи ҳисоб учун келганда барча одамлар каторида саждага бўй урадилар, аммо... умурткалари молнинг умурткаси каби қотиб саждага қодир бўлмай қоладилар!

¹ Қуръону Карим охириги ҳақиқатдир. Ундан кейин, ундан бошқа ҳақиқат йўқдир. Аллоҳга қул бўлмаганлар бошқаларга қул бўлгани каби, ҳақиқатга иймон келтирмаганлар ботилга иймон келтирадилар.

«Набаъ» сураси² 78

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Улар (бир бирларидан) нима ҳақда сўрашмоқдалар?

2 Улуғ Хабар (Қиёмат) ҳақида (сўрашмоқдалар).

3 Улар у (хабар) ҳақида турли хил гапларни айтмоқдалар.

4 Йўқ, улар (ҳақни) яқинда билиб оладилар.

5 Яна бир қарра йўқ, яқинда билиб оладилар.

6 Биз сизлар учун Ерни тўшак (қабри қулай) қилмадикми?

7 Тоғларни (мустаҳкам) қозиклар (қабри қилдик)

8 Ва сизларни жуфт-жуфт³ қилиб яратдик.

9 Уйқуларингизни роҳат қилдик.

10 Кечани (сизлар учун) кийим қилдик.

11 Кундузни тирикчилик учун яратдик.

12 Устингизга етти (қават) мустаҳкам(осмон)ни бино қилдик.

13 Ва нурли чирокни (Кунни) яратдик.

14 Ва (сизларга) булутлардан мўл сувларни ёғдирдик,

15 чиқариб бериш учун (турфа хил) донларни ва набототларни

16 ва қалин боғ-бўстонларни.

17 Албатта, (мўмин ва қофир)

ажратиладиган (қиёмат) куни (Аллоҳ тарафидан) белгиланган вақтдир.

18 У кунда Сур (қарнайи) тортилар. Кейин сизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб (Роббингизга сўроқ бергани) келарсиз.

19 (Қсёмат бошланганда) осмон очилиб, эшиклар (пайдо) бўлар.

20 Ва тоғлар учирилиб, саробга айланар.

² Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган ва 40 оятдан иборатдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таоло тарафидан келган улуғ хабарлар араб тилида “набаъ” дейилади. Бу улуғ хабарларнинг ҳақиқат эканлигига қанчалик далил қўп бўлганига қарамай, мушриклар унга иймон келтирмаганлар ва бир-бирларига “Мухаммад айтган хабарлар ёлғон деб ўйлайман, сенчи?” қабилдаги саволлар беришиб, охират ҳақидаги Қуръон хабарларига ҳар қандай инкорий муомалада бўлдилар. “Набаъ” сураси ана шу ҳолатни тасвирлаш билан бошланади.

³ Эркак - аёл.

21 Албатта Жаҳаннам кутиб тургувчи (ва)
22 туғёнкорлар учун ўриндир!

23 Улар у ерда асрлар бўйи қолиб кетарлар!

24 У ерда салқинликни ҳам, (салқин)
ичимликни ҳам тотмаслар.

25 Фақат (дўзахийларнинг танасидан
оккан) сассик йиринг ва (ичакларни узиб
юборгудек) кайноқ сув (тотарлар).

26 (Бу – гуноҳлари учун) муносиб жазодир!

27 Улар (охиратдаги) ҳисобга иймон кел-
тирмаган

28 ва Бизнанг оятларимизна ёлғонга
чиқарган эдилар.

29 Биз барча ишларни ҳисоб-китоб
килиб қўйганмиз.

30 Энди (жазони) тотинглар! Сизларга
азобнигина зиёда қилурмиз.

31 Такводорларга эса, зафар манзили
(Жаннат),

32 Боғ-бўстонлару узумзорлар,

33 Бир хил ёшдаги, гул-ғунча жононлар

34 ҳамда (“Раҳийк) деб номланган лаззатли
шаробла) лиммо-лим қадаҳлар бордир.

35 (Жаннатилар) у ерда лағв (фойдасиз)
ва ёлғон сўзларни эшитмаслар.

36 (Булар) Роббинг тарафидан етарли
мукофотлардир.

37 (Мана шу мукофотни берган Робби)
осмонлар ва Ернинг, у иккисининг

орасидаги барча нарсаларнинг ҳам
Роббиси бўлган Меҳрибон Зотдир.
(Шунинг учун, у кунда ҳеч кимса) Ундан
(руҳсатсиз) сўзлашга ботина олмас.

38 Рух (Жибрийл) ва (бошқа барча)
фаришталар саф-саф бўлиб турган (ўшал)
кунда Меҳрибон Зот руҳсат берганларгина
(сўзлаб), ҳақ сўзни айтарлар.

39 Бу ҳақ(икатда воқеъ бўлгувчи)
кундир. Ким (нажотни) хоҳласа, Роббиси
томон (солиҳ амаллар билан) қайтар.

40 Биз сизларни яқин(да келажак)
азобдан огоҳ қилдик. У кунда инсон
ўзининг қўллари нима олиб келганини
кўрар ва кофир(лар) “қанийди, (бундай
азобдан кўра) тупроқ бўлиб қолсам” дейди.

«Назиат» сураси¹ 79

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

إِذْ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿٢١﴾ حَدَائِقَ وَأَعْنَابًا ﴿٢٢﴾ وَكَوَاعِبَ أَتْرَابًا ﴿٢٣﴾ وَكَأْسًا

دِهَاقًا ﴿٢٤﴾ لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا كِدًّا ﴿٢٥﴾ أَجْرًا مِمَّنْ رَزَقَهُ عَطَاءً

حِسَابًا ﴿٢٦﴾ رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا الرَّحْمَنُ لَا يَمْلِكُونَ

مِنْهُ خِطَابًا ﴿٢٧﴾ يَوْمَ يَقُومُ الرُّوحُ وَالْمَلَائِكَةُ صَفًّا لَا يَتَكَلَّمُونَ

إِلَّا مَن أِذْنُ لَهُ مِنَ الرَّحْمَنِ وَقَالَ صَوَابًا ﴿٢٨﴾ ذَلِكَ الْيَوْمَ الْحَقُّ فَمَن

شَاءَ اتَّخَذْ إِلَىٰ رَبِّهِ مَا بَابًا ﴿٢٩﴾ إِنَّا أَنْزَرْنَاهُ عَبْدًا قَرِيبًا ﴿٣٠﴾

يَنْظُرُ الْمَرْءَ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ وَيَقُولُ الْكَافِرُ يَا لَيْتَنِي كُنتُ تُرَابًا ﴿٣١﴾

سُورَةُ النَّازِعَاتِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالنَّازِعَاتِ غَرْقًا ﴿١﴾ وَالنَّشِيطَاتِ نَشْطًا ﴿٢﴾ وَالسَّيِّدَاتِ سَيْبًا ﴿٣﴾

فَالسَّيِّدَاتِ سَبَقًا ﴿٤﴾ فَأَلْمَدِرَاتِ أَمْرًا ﴿٥﴾ يَوْمَ تَرْجُفُ الرَّاجِفَةُ ﴿٦﴾

تَتَّبِعُهَا الرَّادِفَةُ ﴿٧﴾ قُلُوبٌ يَوْمَئِذٍ وَاجِفَةٌ ﴿٨﴾ أَبْصَرُهَا

خَشَعَةٌ ﴿٩﴾ يَقُولُونَ إِنَّا لَنَمُرُّوهُمْ فِي الْحَافِرَةِ ﴿١٠﴾ إِنَّا لَنَكُنَّا

عِظْمًا فِخْرَةً ﴿١١﴾ قَالُوا إِنَّكَ إِذًا كَرَّةٌ خَاسِرَةٌ ﴿١٢﴾ فَاِنَّمَا هِيَ زَجْرَةٌ

وَاحِدَةٌ ﴿١٣﴾ فَإِذَا هُمْ بِالسَّاهِرَةِ ﴿١٤﴾ هَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ مُوسَىٰ ﴿١٥﴾

1 (Кофирларнинг жонини азобла) суғуриб олгувчи фаришталар номига онт ичиб,

2 (Иймонлиларнинг жонини оҳиста) олгувчи фаришталар билан онт ичиб,

3 (Осмон бўшлиғида) сузиб юргувчи фаришталар билан онт ичиб,

4 (Аллоҳнинг фармонларини бажаришда) ўзаро мусобақалашувчи фаришталар билан онт ичиб,

5 (Аллоҳ буюрган олабий) ишларни тадбир килгувчи фаришталар билан онт ичиб (айтаманки):

6 У кунда (Сур карнайнинг биринчи наъраси сабабли) титрагувчи (Ер) титрар.

7 Унинг ортидан кейинги Сур (наъраси) тортилар.

8 Ўшал кунда (кофир) юраклар даҳшатга тушиб,

9 Кўзлари жовдираб қолар.

10 (Кофирларга қиёматдаги иккинчи ҳаёт ҳақида айтилганда, масхаралаб, мана бундай) дейдилар: “Биз аввалги (тирик) ҳолимизга қайтарилашимиз?!

¹ Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган ва 46 оятдан иборатдир. “Назиат” деган сўзнинг маъноси “жонларни суғуриб олгувчи фаришталар” демакдир.

إِذْ نَادَاهُ رَبُّهُ بِاللَّوَادِ الْمَقْدَسِ طُوى (11) أَذْهَبَ إِلَى فِرْعَوْنَ إِنَّهُ طَغَى (12)
 فَقَالَ هَلْ لَكَ إِلَهٌ إِلَّا أَنْ تَرْكِبَ (13) وَأَهْدِيكَ إِلَى رَبِّكَ فَخَشَى (14) فَأَرَاهُ
 آيَةَ الْكُبْرَى (15) فَكَذَّبَ وَعَصَى (16) ثُمَّ أَذْبَرَ سَعْيَ (17) فَحَسَرَ
 فَنَادَى (18) فَقَالَ أَنَا رَبُّكُمُ الْأَعْلَى (19) فَأَخَذَهُ اللَّهُ نَكَالَ الْآخِرَةِ وَالْأُولَى (20)
 إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لِمَنْ يَخْشَى (21) أَنْتُمْ أَشَدُّ حَقْلًا أَمِ السَّمَاءُ بَنَاهَا (22)
 رَفَعَ سَمَكَهَا فَسَوَّاهَا (23) وَأَغَطَّشَ لَيْلَهَا وَأَخْرَجَ ضُحَاهَا (24)
 وَالْأَرْضَ بَعْدَ ذَلِكَ دَحَاهَا (25) أَخْرَجَ مِنْهَا مَاءَهَا وَمَرْعَاهَا (26)
 وَالْجِبَالَ أَرْسَاهَا (27) مَنَّاعًا لَكُمْ وَلِأَعْيُنِكُمْ (28) فَإِذَا جَاءَتِ الطَّامَةُ
 الْكُبْرَى (29) يَوْمَ يَتَذَكَّرُ الْإِنْسَانُ مَا سَعَى (30) وَوُزِنَتْ الْجَنَائِمُ
 لِمَنْ يَرَى (31) فَأَمَّا مَنْ طَغَى (32) وَءَاثَرَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا (33) فَإِنَّ الْجَحِيمَ
 هِيَ الْمَأْوَى (34) وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَهَبَى النَفْسَ عَنِ الْهَوَى (35)
 فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَى (36) يُسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا (37)
 قِيمَ أَنْتَ مِنْ ذِكْرِنَهَا (38) إِلَى رَبِّكَ مِنْهُنَّهَا (39) إِنَّمَا أَنْتَ مُنذِرٌ
 مَنْ يَخْشَاهَا (40) كَانَتْ يَوْمَ يَرْوُهَا الرِّبَابُ لِأَعْيُنِهَا أَوْ صَحَّحَهَا (41)

سُورَةُ عَبَسَ
 يَا أَيُّهَا
 رَبُّنَا

- 11 Чириган суяк бўлиб қолсак ҳам-а?!»
 12 (Яна бундай) дейдилар: “Унда бу биз учун зиёнли қайтиш бўлар!”
 13 (Қайта тириштириш Аллоҳга енгилки), у фақат (Исрофил фаришта тортган Сурнинг) биргина наъраси холос!
 14 Кейин баногоҳ... (одамлар тирилиб, қабрларидан) Ер юзига чиқарлар!
 15 Сенга Мусонинг хабари келмадими?
 16 Бир пайт Роббиси унга Муқаддас “Туво” водийсида (мана бундай) нидо қилган эди:
 17 “Фиръавнга боргил! У ҳаддидан ошиб кетди!
 18 Бас, унга айтгилки: “Ўзингни (ширкдан) поклашни хоҳлайсанми?
 19 Ва мен сени (шериксиз) Роббингга ҳидоят қиларман. Кейин сен (Аллоҳга ширк келтиришдан) кўрқиб қолар эдинг”.
 20 Кейин (Мусо) унга катта мўъжизани (илонга айланган ҳассани) кўрсатди.
 21 Аммо, (Фиръавн) “ёлғон!” дея (ҳақиқатга) осий бўлди.

22 Кейин тисландида (душманлик) ҳаракатини бошлади.

23 Ва (одамларни) йиғиб, баланд овозда:
 24 “Мен сизларнинг олий Роббингиз бўламан!” деди.

25 Кейин...Аллоҳ уни дунёвий (жазо) ва оҳиратдаги азоб билан ушлади.

26 Албатта, бунда (Роббисидан) кўрққан бандалар учун ибрат бордир.

27 (Эй, кофиирлар!) Сизларнинг яратилишингиз қийинми ёки осмон(ни яратиш қийин)ми? Уни (Аллоҳ) бино қилди.

28 Шифтини тиклади ва сарбаланд қилди.

29 Кечасини қоронғу қилди ва (тонг оттириб) ёруғини чиқарди.

30 Ундан кейин Ерни ёйиб (безаб) кўйди.

31 Ундан сувларини ва яйловларини чиқарди.

32 Тоғларни (мустаҳкам) ўрнатди.

33 Сизларга ва сизларнинг ҳайвонларингизга фойдаланиш (ризк) бўлсин учун.

34 Қачонки катта қиёмат келса...¹

35 У кунда инсон (дунёдаги) иш-ҳаракатларини эслар.

36 Қараган одамга дўзах кўрсатилар.

37 Бас, ким туғён қилган (ҳаддидан ошган) бўлса

38 ва дунё ҳаётини оҳиратдан афзал кўрган бўлса,

39 унинг ўрни албатта Жаҳаннамдадир!

40 Аммо, ким Роббисининг олдида (сўроқ бериб) туришдан кўрқиб, нафс(и)ни (ҳаром) хоҳишлардан тийган бўлса,

41 Унинг ўрни албатта, Жаннатдадир!

42 (Қайта тирилишдан шубҳаланган одамлар) сендан қиёматнинг қачон бўлишин сўрарлар.

43 Уни(нг вақтини) билишдан сен олисдирсан!

44 Унинг (у ҳақдаги илмнинг боши ҳамда) охири Роббинггагина тааллуқлидир.

45 Сен фақат ундан (қиёматдан) кўрққанларни огоҳлантиргувчидирсан.

46 Улар (кофиирлар) уни (қиёматни ўз кўзлари билан) кўрган кунда (бу дунёда) бир кун кечга қадар ёки тушга қадаргина (яшаб) тургандек бўлурлар.

¹ Кичкина қиёмат – бу ҳар бир инсоннинг ўлими, катта қиёмат эса бу дунёнинг охиридир.

«Абаса» сураси¹ 80

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Пайғамбар) қовоғини солиб, юзин бурди,
2 олдига (масала сўраб) сўқир киши келганда.

3 (Эй, пайғамбар!) Сен қайдан ҳам билардинг, у (сўқир киши ёмон хулқлардан) покланар.

4 Ёки (сендан) ибрат оларда, ибрати унга фойда берар...

5 Аммо, (таълимга) муҳтож эмас одам(келганда эса),

6 Сен ўшанга бурилиб олдинг.

7 (Бироқ), унинг (сендан таълим олмай), покланмай қолишига сен жавобгар эмассан.

8 Аммо, сен томон югуриб келган (сўқир) одам...

9 (Аллоҳдан ва қийматдан) кўрқар эди!

10 Сен эса унга парво ҳам қилмадинг!

11 Йўқ! Бу (оятлар сен учун) сабоқдир!

12 Ким хоҳласа ундан ибрат олар.²

13 (Оятлар) Муқаррам Саҳифалардадир.

14 (Қадри), олий, (зиёда ва нуқсондан) тоза.

15 (Ва Аллоҳнинг) элчилари – котиб фаришталарнинг кўлларига.

16 (У фаришталар) улуғ, покизадир.

17 Ҳалок бўлгур инсон! Нима уни кофирга айлантирди?!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

عَسَىٰ وَنُوَيْحٍ ۝۱ أَن جَاءَهُ الْأَعْمَىٰ ۝۲ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّهُ يَزَنُ ۝۳ أَوْ
يَذُكُرُ ۝۴ فَتَنْفَعَهُ الذِّكْرَىٰ ۝۵ أَمَّا مَن اسْتَعْفَىٰ ۝۶ فَأَن تَلَهُ نَصَدَىٰ ۝۷
وَمَا عَلَيْكَ الْأَيزَىٰ ۝۸ وَأَمَّا مَن جَاءَكَ يَسْعَىٰ ۝۹ وَهُوَ يَخْشَىٰ ۝۱۰ فَأَن تَلَهُ
عَن نَّهَىٰ ۝۱۱ كَلَّا إِنهَا تُلَكُّمُ ۝۱۲ فَمَن شَاءَ ذَكَرْهُ ۝۱۳ فِي صُحُفٍ مُّكْرَمَةٍ ۝۱۴
سَرُوقَةٍ مُّطَهَّرَةٍ ۝۱۵ بِأَيْدِي سَفَرَةٍ ۝۱۶ كِرَامٍ بَرَرَةٍ ۝۱۷ قَاتِلِ الْإِنسَانَ
مَا أَكْفَرَهُ ۝۱۸ مَن أَيُّ شَيْءٍ خَلَقَهُ ۝۱۹ مِّن نُّطْقَةٍ خَلَقَهُ فَقَدَرَهُ ۝۲۰ ثُمَّ
الْسَّبِيلَ يَسْرَهُ ۝۲۱ ثُمَّ أَمَانَهُ وَأَقْبَرَهُ ۝۲۲ ثُمَّ إِذْ أَنشَأْنَا نَشْرَهُ ۝۲۳ كَلَّا لَمَّا
يَقْضِ مَا أَمَرَهُ ۝۲۴ فَلْيَنْظُرِ الْإِنسَانُ إِلَىٰ طَعَامِهِ ۝۲۵ أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبًّا
۝۲۶ ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا ۝۲۷ فَأَبْتَنَّا فِيهَا حَبًّا ۝۲۸ وَعَبْنَا وَفَضَّبًا ۝۲۹
وَزَيَّنَّا وَنَحَلًا ۝۳۰ وَحَدَائِقَ غُلْبًا ۝۳۱ وَفِكَهَةً وَأَنَا مَوْلَعًا لَّكُمُ ۝۳۲
وَلَا نَعْلَمُكُمْ ۝۳۳ إِذَا جَاءَتِ الصَّاعَةَ ۝۳۴ يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ۝۳۵
وَأُمِّهِ وَأَبِيهِ ۝۳۶ وَصَلْبِيهِ وَبَنِيهِ ۝۳۷ لِكُلِّ أُمَّرٍ يَوْمَئِذٍ سَنًّا
يُعِينِيهِ ۝۳۸ وَجِوهٌ يَوْمَئِذٍ مُّسْفَرَةٌ ۝۳۹ ضَاكِكُمْ مُّسْتَبْشِرَةٌ ۝۴۰ وَوُجُوهُ
يَوْمَئِذٍ عَلَيْهَا غَبَرَةٌ ۝۴۱ تَرَهَقَهَا فَتَرَةٌ ۝۴۲ أُولَئِكَ هُمُ الْكٰفِرَةُ الْفَجْرَةُ ۝۴۳

18 (Аллоҳ) уни нимадан яратган эди?!

19 Бир томчи (ҳаром) сувдан яратган ва уни(нг бачадондаги яралиш босқичларини) ўлчаган эди.

20 Ундан сўнг (туғилганда) унга йўлларни³ осон қилди.

21 Ундан кейин жонини олиб, қабрга киритди.

22 Ундан кейин Ўзи хоҳлаган пайт(қиёмат)да яна тирилтирар.

23 Йўқ! У ўзига (Аллоҳ) буюрган фарзларни бажармади!

24 Бас, инсон таомига қарасин.⁴

25 Мўл сувни (осмондан) Биз ёғдирдик.

26 Сўнг (навнихол гиёҳ ила) ерни ёриб,

27 ундирдик унда (турфа хил) донларни,

¹ Бу сураини қарийма Маккада нозил бўлиб, 42 оятдан иборатдир. «Абаса» сўзи «қовоғини солди», «пешонасини тириштирди» деган маъноларни англатади. Бу суранинг нозил бўлишига тубандаги воқеъа сабаб бўлган: пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макканинг эътиборли, бой одамларини даъват қилиб турганларида ўзини ширк ва бошқа гуноҳлардан поклашга интиқ ва интизор бўлган бир сўқир одам – Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб қолади ва Аллоҳнинг элчисидан масала сўрайди. Пайғамбаримиз эса, ўта муҳим деб ҳисоблаган суҳбатнинг бўлиниб қолганига хафа бўлиб, Абдуллоҳга парво қилмай, билъакс қовоғини солиб, манглайини тириштириб казо-казолар билан суҳбатни давом эттиради. Аммо, улар ҳали ширкдан покланмаган, динга ҳам ўзлари интилмаган одамлар эди. Аллоҳ таоло бу иши учун Ўз пайғамбарига танбех бериб, мазкур оятларни туширди.

² Кейинги оятларда Аллоҳ таоло бу оятларнинг қадрини, муҳимлигини ва шаънининг улуғлигини баён қилади.

³ Бу оятдаги «йўллардан» мурод – туғилиш йўллари ҳам, туғилгандан кейинги маишат йўллари ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, Аллоҳ Ўз розилигини топиш йўли бўлган ислом динини ҳам енгил дин қилгандир.

⁴ Қайдан келди улар?! Қандок яралди?! Ўзи яратиб олдим?! Асло! Барчаси Аллоҳнинг неъматларидир!

سُورَةُ الرَّحْمٰنِ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

۱ إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ ۲ وَإِذَا النُّجُومُ انْكَدَرَتْ ۳ وَإِذَا الْجِبَالُ
سُيِّرَتْ ۴ وَإِذَا الْعِشَارُ عُطِّلَتْ ۵ وَإِذَا الْوُحُوشُ حُشِرَتْ
۶ وَإِذَا الْبِحَارُ سُجِّرَتْ ۷ وَإِذَا النُّفُوسُ رُوِّجَتْ ۸ وَإِذَا
الْمَوءُ دَدٌ سِيلَتْ ۹ بَآئِي دُنْبٍ قِيلَتْ ۱۰ وَإِذَا الْخُصُفُ نُشِرَتْ
۱۱ وَإِذَا السَّمَاءُ كُشِطَتْ ۱۲ وَإِذَا الْجَبَابِغُ سُعِرَتْ ۱۳ وَإِذَا الْغَنَّةُ
أُزْلِفَتْ ۱۴ عَامَتَ نَفْسٍ مَّا أَحْضَرَتْ ۱۵ فَلَا أُقْسِمُ بِالْخَيْسِ ۱۶
الْجَوَارِ الْكُنَّسِ ۱۷ وَاللَّيْلِ إِذَا عَسْعَسَ ۱۸ وَالصُّبْحِ إِذَا تَنَفَّسَ ۱۹
إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ۲۰ ذِي قُوَّةٍ عِنْدَ ذِي الْعَرْشِ مَكِينٍ ۲۱
تَمَّ أَمِينٍ ۲۲ وَمَا صَاحِبُكُمْ بِمَجْنُونٍ ۲۳ وَقَدْ رَآهُ بِالْأُفُقِ الْمُبِينِ ۲۴
وَمَا هُوَ عَلَى الْغَيْبِ بِضَنِينٍ ۲۵ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَيْطَانٍ رَجِيمٍ ۲۶
فَإِنْ تَذَهَبُونَ ۲۷ إِنَّهُ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْعَالَمِينَ ۲۸ لِمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ
يَسْتَقِيمَ ۲۹ وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ۳۰

سُورَةُ الْاِنْفِطَارِ

- 28 узум(лар)ни ва кўкатларни,
29 зайтун(лар)ни ва хурмоларни,
30 Ва қалин боғларни,
31 меваларни ва яшилчаларни.
32 Сизларга чорпойларингизга ризк
бўлсин учун.
33 Бас, қачонки (қулоқларни) тиндиргувчи
хайкирик (Сур карнайининг иккинчи наъраси)
келганда,
34 У кунни киши ўз биродаридан қочар,
35 онасидан ва отасидан ҳам,
36 аёлидан ва болаларидан ҳам.
37 (Чунки), у кунда ҳар бир киши учун
уни (бошқаларга) бепарво қилиб
кўядиган (оғир) ҳолат бўлар.
38 У кунда иймонли юзлар хуррам бўлиб,
39 кулиб, яйраб, қувончлидир...
40 (Иймонсиз) юзларни эса, у кунда
чанг-гўзон қоплар,
41 ва... қоронғулик ўраб олар...
42 Ана ўшалар кофирлар ва ношукур
одамлардир!¹

«Таквир» сураси² 81

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Кун ўралиб, (нури йўқолиб)...
2 Юлдузлар (қийраб) тўқилиб...
3 Тоғлар (титилган жун каби) учирилиб...
4 Ўн ойлик ҳомиласи бор туялар ҳам
кўнгил сиртинда қолиб...³
5 Ваҳшийлар (хуркиб, бир жойга)
тўпланиб...⁴
6 Денгизлар ёниб – ўт бўлиб...
7 Жонлар бири - бирига кўшилиб...⁵
8 Тириклай кўмилган қизчалар сўралса
агар,
9 қайси гуноҳ(и) учун ўлдирилгани ҳақда...⁶
10 Ва (барча одамларга) амал китоблари
тарқатилиб,
11 Осмон сидириб олинганда...
12 Дўзах (ҳам қаттиқ) қиздирилиб,
13 Жаннат (мўминларга) яқин
келтирилганда...
14 (Ана ўшал кунда барча) жон (эгалари
охират учун) нима олиб келганини билиб олар.
15 Йўқ, наҳорда нури кўринмаган
юлдузларга қасам,
16 (Ўз буржида) йўлдош махфий
юлдузларга қасам,
17 (Зулмати билан) келган тунга қасам,
18 Бўзарган тонгга қасам (ки):
19 Албатта, у (Қуръон) Улуғ Элчининг

шукр қилиш ўрнига Аллоҳга ва Унинг
пайгамбарига қарши чиқдилар, Аллоҳнинг
элчисини ёлғончи, Аллоҳ юборган китобни
эса “ёлғон” дедилар. Аллоҳ бандаларни ана
шундай куфрдан сақласин!

² Маккада нозил бўлган. 29 оятдан иборат.
“Таквирнинг” маъноси “ўралиш” демакдир.

³ Қиёмат бошланар захоти унинг дахшату
вахшатидан одамларнинг кўзига ўз жонларидан
бошқа ҳеч нарса кўринмай қолади. Араблар
наздида ўн ойлик ҳомиласи бор бўғоз туялар
энг қиммат нарса ҳисобланган. Ҳатто мана шу
нарса ҳам дахшатга тушган одамларнинг
кўнгил сиртида қолади.

⁴ Жаралгандан бери бири-бирине кас болуп
келген қойон - қарышқыр, қабылан-қийик сыяқтуу
жапайы айбандар ошол кўндун қорқунчунан
кагуу ўрқуп, бир жерге чоғулуп кальшат.

⁵ Ал эми «жандардын қошулуусун» кээ бир
тафсирчилер жандын денелерге қошулуп
қайра тирилүүсү деп түшүндүрүшөт.

⁶ Жахилия доорунда арабдар эгер қыз перзент
көрсө аны тирүү бойдон көмүп салышчу.
Ислам келип, бул жапайы жорукту тоқтоткон.

¹ Улар Роббисининг ҳисобсиз неъматларига

Сўзидир!¹

20 (Шундай элчики), қувватлидир ва Арш Эгаси(Аллох)нинг хузурида мартабалидир.

21 (Ва) у ерда (олий жамоат орасида) сўзи ўтимли ва ишонч қозонгандир.

22 (Эй, мушриклар!) Сизларнинг

соҳибингиз (Мухаммад) мажнун эмасдир!

23 У ростдан ҳам уни (Жибрийл фариштани) аниқ уфқда кўргандир.

24 Ва у (сизлардан) ғайбни қизгангучи эмасдир.²

25 Ва у (Куръон) лаънати шайтоннинг сўзи эмас!³

26 Бас, (ҳақдан юз ўгириб) қайга кетмоқдасиз?

27 У (Куръон) оламлар учун ибратдан бошқа эмасдир.

28 Сизларнинг орангиздаги тўғри йўлда юришни ҳоҳловчилар учун (насихатдир).

29 Ва сизлар (эй, бандалар), оламлар Роббиси ҳоҳлаганидан бошқани ҳоҳлай олмассиз!

«Инфитор» сураси⁴ 82

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Осмон ёрилиб,

2 Юлдузлар тўкилиб,

3 Денгиз(дарё)лар (тошиб) бири-бирига қушилганда,

4 Ва қабрлар тўнтарилганда..,

5 (Ана ўшанда ҳар бир) жон (охиратга) нима олиб келганин ва нима қилолмай қолганин билиб олар.

6 Эй, (кофир) инсон! Сени Улуғ Роббинг ҳақида (тўғри фикр қилувдан) нима адаштирди?

7 У сени яратиб, бекам хилқат ва адл қомат қилиб яратиб,

¹ Бул аяттагы улуу элчи Жебрейил периште. Ал вахий кабарларын Аллаҳтан кабыл алып, Мухаммадга жеткирган.

² Аллоҳ таоло унга қандай ғайб илмидан, ғайбдан берилган шариатдан ниманики ошкор қилса, барчасини одамларга еткизган. Ҳеч нарсани қизганиб, яшириб қолмаган.

³ Мушриклар “Мухаммадга халқларни ожиз қолдирган сўзларни жин-шайтонлар ўргатади” дер эдилар. Бу оят ўшаларга жавобдир.

⁴ Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат. “Инфиторнинг” маъноси “Ёрилиш” демакдир.

⁵ Киёмат куни қабрлар ағдарилиб, ичидаги ўликларга жон бахш этилади ва улар Ер устига суғурилиб чиқишади. Бу ҳақда улуғ пайғамбаримиз (с.а.в): “Сизлар (у кунда) ялангоёқ, яланғоч ва “суннат” қилинмаган ҳолда (маҳшарга) тўпланурсизлар” деганлар.. (“Мишкотул масобиҳ”, 3/75. 5535-ҳадис).

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِذَا السَّمَاءُ انفطرت¹ وَإِذَا الْأَكْوَابُ انشترت² وَإِذَا الْجِبَاؤُ

فجرت³ وَإِذَا الْقُبُورُ بُعرت⁴ عَلِمْتَ نَفْسُ مَا قَدِمْتَ

وَأَخْرَت⁵ يَتَأْتِيهَا الْإِنْسَانُ مَا عَرَكَ رِبِّكَ أَلْكَرِيمِ⁶ الَّذِي

خَلَقَكَ فَسَوْنَكَ فَعَدَلَكَ⁷ فِي أَيِّ صُورَةٍ مَا شَاءَ رَكَّبَكَ⁸

كَلَّا بَلْ تُكَذِّبُونَ بِالَّذِينَ⁹ وَإِنَّ عَلَيْكُمْ لَحَافِظِينَ¹⁰ كِرَامًا

كُنِينِ¹¹ يَعْلَمُونَ مَا تَقْعَلُونَ¹² إِنْ إِلَّا أَوَّارِلْغِي نَعِيمِ¹³ وَإِنَّ

الْفَجَارِلْغِي حَجِيمِ¹⁴ يَصَلُّونَهَا يَوْمَ الَّذِينَ¹⁵ وَمَاهُمْ عَنْهَا يَغَايِبِينَ

وَمَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمَ الَّذِينَ¹⁷ ثُمَّ مَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمَ الَّذِينَ

يَوْمَ لَا تَمْلِكُ نَفْسٌ لِنَفْسٍ شَيْئًا وَالْأَمْرُ يَوْمَئِذٍ لِلَّهِ¹⁸

سُورَةُ الْمُطَفِّفِينَ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَيَلُّ لِلْمُطَفِّفِينَ¹ الَّذِينَ إِذَا أَكَلُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ²

وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَّزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ³ أَلَا يَظُنُّ أُولَئِكَ أَنَّهُمْ

مَبْعُوثُونَ⁴ يَوْمَ عَظِيمِ⁵ يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ⁶

⁸ Ўзи ҳоҳлаган (энг гўзал) сувратда таркиб қилган қилган эдику?!

⁹ Йўк! Сизлар (тасдиқлаш ўрнига) сўроқ кунини “ёлғон” дедингиз!

¹⁰ Ваҳоланки устингизда (ҳар бир амалингиздан), воқиф фаришталар бор эди.

¹¹ Улар (Аллоҳ наздида) улуғ (ва барча нарсаларни) ёзиб тургувчилардир.

¹² Улар барча ишларингизни билиб турарлар.

¹³ Албатта, яхшилар неъмат жаннатларида.

¹⁴ Аммо, бузуки кимсалар эса, жаҳанамда бўлурлар!

¹⁵ Улар унга сўроқ кунда ташланурлар.

¹⁶ Ва ун(инг азоби)дан ҳаргиз қутула олмаслар!

¹⁷ (Эй, Мухаммад, агар Биз билдирмасак), ҳисоб куни нелигин сен қайдан билардинг?!

⁶ Бу ердаги “яхшилардан” мурод, Аллоҳнинг ва одамларнинг ҳаққини яхши таниган, у ҳуқуқларга хиёнат қилмаган ва ёмон ишларга қадам босмаган кишилардир.

كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْفُجَارِ لَفِي سِجِّينٍ ﴿٧﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سِجِّينٌ ﴿٨﴾ كِتَابٌ
 مَّرْقُومٌ ﴿٩﴾ وَيَلُّ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٠﴾ الَّذِينَ يَكْذِبُونَ يَوْمَ
 الدِّينِ ﴿١١﴾ وَمَا يَكْذِبُ بِهِ إِلَّا كُلُّ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ إِذَا نُتِلَتْ عَلَيْهِ
 آيَاتُنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾ كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَى قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾
 كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَمَحْجُورُونَ ﴿١٥﴾ ثُمَّ إِنَّهُمْ لَصَالُوا الْجَحِيمِ ﴿١٦﴾
 ثُمَّ يُقَالُ هَذَا الَّذِي كُنتُمْ بِهِ تُكَذِّبُونَ ﴿١٧﴾ كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْأَبْرَارِ لَفِي
 عِلِّيِّينَ ﴿١٨﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا عِلِّيِّينَ ﴿١٩﴾ كِتَابٌ مَّرْقُومٌ ﴿٢٠﴾ يَشْهَدُهُ
 الْمُقَرَّبُونَ ﴿٢١﴾ إِنَّ الْأَبْرَارَ لَفِي نَعِيمٍ ﴿٢٢﴾ عَلَى الْأَرَائِكِ يَظْهَرُونَ ﴿٢٣﴾
 تَعْرِفُ فِي وُجُوهِهِمْ نَضْرَةَ النَّعِيمِ ﴿٢٤﴾ يُسْقَوْنَ مِنْ رَحِيقٍ مَخْحُومٍ ﴿٢٥﴾
 خَتَمَهُمْ مِمْسِكٌ فِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَفِسُونَ ﴿٢٦﴾ وَمَرَجِعُهُمْ
 إِلَى رَبِّهِمْ يَسْئَلُونَ ﴿٢٧﴾ عَنَّا يَشْتَرِبُهَا الْمُقَرَّبُونَ ﴿٢٨﴾ إِنَّ الَّذِينَ
 أَجْرَمُوا كَانُوا مِنَ الَّذِينَ ءَامَنُوا يَضْحَكُونَ ﴿٢٩﴾ وَإِذَا مَرُّوا بِهِمْ
 يَتَخَفَتُونَ ﴿٣٠﴾ وَإِذَا انْقَلَبُوا إِلَىٰ أَهْلِهِمْ انْقَلَبُوا فَكِهِينَ ﴿٣١﴾
 وَإِذَا رَأَوْهُمْ قَالُوا إِنَّ هَؤُلَاءِ لَضَالُّونَ ﴿٣٢﴾ وَمَا أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ
 حَفِظِينَ ﴿٣٣﴾ فَأَلْيَوْمَ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنَ الْكُفَّارِ يَضْحَكُونَ ﴿٣٤﴾

6 У Кунда (барча) инсонлар оламлар Роббиси олдида (ҳисоб учун) тик турарлар.

7 Дарҳақиқат, бузукиларнинг амал китоблари “Сижжийндадир”!

8 (Эй, Муҳаммад), сен “Сижжийн” нелигин билмассан!

9 У ёзилган – китобдур.

10 Ўша (қиёмат) кунда (уни) ёлгон дегаларга азоб!

11 Улар ҳисоб кунини ёлгон деганлардир.

12 У кунни ҳар бир ҳаддидан ошган осийлар ёлгон дерлар.

13 Унга Бизнинг оятларимиз ўқиб берилганда, “(Бу) қадимгиларнинг асотирлари” деган эди.

14 Ундай эмас! Аксинча, уларнинг қалбларини қилган (гуноҳ) ишлари(нинг занги) ўраб қолгандир.

15 Дарҳақиқат, ўшал кунда улар Роббиларидан тўсилган бўлур!

16 Сўнг улар дўзахга ташланурлар!

17 Кейин уларга: “Сизлар ёлгон деган жазо мана шудир” дейилур.

18 Албатта, яхшиларнинг (амал) китоблари “Иллийюндадир”!

19 (Эй, Муҳаммад), сен “Иллийюн” нелигин билмассан.

20 У – ёзилган китобдирки,

21 Уни (Аллоҳга) яқин(фаришта)лар кўриб турарлар.

22 Яхшилар эса, неъмат жаннатларидадир.

23 Сўриларнинг устида (жаннат неъматларига) қараб ўлтирурлар.

24 Сен уларнинг юзларидан неъмат жаннатининг жилвасини кўрарсан.

18 Кейин, ҳисоб куни нелигин сен кайдан билардинг?!

19 У кунда (Аллоҳнинг рухсати бўлмагунча) ҳеч ким ҳеч кимсага ҳеч қандай (фойда) еткази олмас! У кунда барча иш Аллоҳнинг ихтиёрида.

«Мутаффиғун» сураси² 83

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Тарозидан алдаганларга ҳалокат бўлғай!

2 Улар одамлардан ўлчатиб (ё тортириб) олганда тўлдиришни талаб қилиб,

3 Ўзлари ўлчаганда, ё тортганда хиёнат қиладилар.

4 Улар ўйламайдиларми, қайта тирилишларин,

5 Улуғ Кун – Қиёматда?!

¹ Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайб хабарларини Аллоҳдан келган ваҳий орқалигина билганлар.

² Маккада нозил бўлган. 36 оятдан иборат. “Мутаффиғуннинг” маъноси “тарозидан алдаганлар”.

³ “Сижжийн” – бу кофирларнинг номайи аъмоллари ёзилган ва жуда ҳам тор, қоронғи ўринда қамалиб турган китобдир.

⁴ Имом Қуртубий ўз тафсирида мана бундай ҳадис келтирганлар: “Агар банда бир гуноҳ иш қилса, унинг юрагида нуктадек қора доғ ўрнашиб қолар. Ушанда Аллоҳ таолодан кечирим сўраб, тавба қилса, юраги тозаланар. Мабодо, гуноҳ амалини давом эттиргудек бўлса, у доғ аста-аста каттариб, охири-охирида юрагини бутунлай қоплаб олар”

⁵ Бази муфассирларнинг қиёматдаги мазкур уч турли азобни алоҳида таъкидлайдилар **1)** ўт-олов азоби, **2)** тавбих-сўқиш азоби, **3)** Аллоҳнинг жамолини кўришдан бенасиблик азоби.

⁶ Амал баракчалари

⁷ «Иллийюн» - бу Сижжийннинг акси бўлиб, олий жаннатлар устидаги солиҳ бандаларнинг амал китоблари сақлангучи ўриндир.

25 Уларга мухрланган (хеч кимса очмаган) лаззатли шароб ичирилур.

26 У шаробнинг мухри – мискдандир. Бас, шу нарса учун ўзишганлар ўзишсин!

27 У шаробнинг (яна бир) аралашмаси “таснимдан”:

28 (яъни) Аллохга энг яқин зотлар ичадиган булоқдандир!

29 Албатта, осий бандалар (хаёти дунёда) иймонли одамлар устидан кулган эдилар.

30 Қачон уларнинг олдидан (мўминлар) ўтса, (бир-бирларига масхараомуз) имлаб кўрсатардилар.

31 Уйларига қайтганда эса, (ҳақоратларидан) лаззатланиб қайтардилар.

32 Уларни (мўминларни) кўриб колгудек бўлсалар, “Булар – адашганлар!” дер эдилар.

33 (Кофирлар) уларга (мўминларга) қоровул қилиб юборилмаган эдику!

34 Бас, (энди, қиёмат) куни иймонлилар кофирлар устидан кулажак!

35 (Ва) сўриларда (жаннат неъматларига) қараб (роҳатланиб) ўлтирурлар.

36 Кофирлар қилмишларига (яраша) жазо олдиларми?!¹

«Иншиқоқ» сураси² 84

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Баногоҳ осмон ёрилса –

2 У Роббисига бўйсунди (ва шундай бўлиши) ҳақиқат эди.

3 Ва Ер (хам силкина-силкина) чўзилиб, ичидаги нарсаларни (улоктириб) бўшаниб олса.

4 У ҳам Роббисига бўйсунди (ва шундай бўлиши) ҳақиқат эди.³

5 Эй, Инсон! Сен Роббингга (йўлиққунга қадар савоб ёки гуноҳ ишлар билан) ҳориб-чарчаб, ниҳоят Унга йўлиқарсан.⁴

6 (Ўшанда) кимнинг (амал) китоби ўнг тарафидан берилса,

عَلَى الْأَرْضِ كَيْفَ يُنظَرُونَ ۝ ٣٥ هَلْ تُؤْتِبُ الْكُفَّارَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ ۝ ٣٦

سُورَةُ الْاِنْشِقَاقِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ ۝ ١ وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحَقَّتْ ۝ ٢ وَإِذَا الْأَرْضُ مُدَّتْ

٣ وَأَلْقَتْ مَا فِيهَا وَخَجَلَتْ ۝ ٤ وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحَقَّتْ ۝ ٥ يَتَأْتِيهَا

الْإِنْسَانُ إِنَّكَ كَادِحٌ إِلَىٰ رَبِّكَ كَدْحًا فَمُلَاقِيهِ ۝ ٦ فَأَمَّا مَنْ أَوْفَىٰ

كَيْتَبُهُ بِمَعِينِهِ ۝ ٧ فَسَوْفَ يُجَاسِبُ حَسَابًا بَسِيرًا ۝ ٨ وَيَنْقَلِبُ

إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا ۝ ٩ وَأَمَّا مَنْ أَوْفَىٰ كَيْتَبُهُ، وَرَاءَ ظَهْرِهِ ۝ ١٠ فَسَوْفَ

يَدْعُو ثُبُورًا ۝ ١١ وَيَصَلَّىٰ سَعِيرًا ۝ ١٢ إِنَّهُ كَانَ فِي أَهْلِهِ مَسْرُورًا ۝ ١٣

إِنَّهُ ظَنَّ أَنْ لَنْ يَحُورَ ۝ ١٤ بَلَىٰ إِنَّ رَبَّهُ كَانَ بِهِ بَصِيرًا ۝ ١٥ فَلَا أَقْسِمُ

بِالْشَّفَاقِ ۝ ١٦ وَاللَّيْلِ وَمَا وَسَقَ ۝ ١٧ وَالْقَمَرِ إِذَا اتَّسَقَ ۝ ١٨

لَتَرْكَبُنَّ طَبَقًا عَن طَبَقٍ ۝ ١٩ فَمَا لَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ۝ ٢٠ وَإِذَا قُرِئَ

عَلَيْهِمُ الْقُرْآنُ لَا يُسْجِدُونَ ۝ ٢١ بِلِذِّينَ كَفَرُوا يُكَذِّبُونَ

٢٢ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُوعُونَ ۝ ٢٣ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ۝ ٢٤

إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ۝ ٢٥

8 Тез орада ўта энглиг ҳисоб қилинур.

9 Ва ўз аҳлига севинганча қайтиб келур.

10 Аммо, кимнинг китоби орқа тарафидан берилса,

11 У ўзига ўлим чақириб қолар!

12 Ва дўзахга ташланар!

13 Албатта, у (хаёти дунёда) оиласи орасида шод-хуррам эди.

14 Албатта, у Роббисига харғиз қайтмасликни гумон қилар эди.

15 Ундай эмас! (У Роббисига қайтар ва) албатта, Роббиси уни Кўргувчи эди!

16 Шафакқа қасам,

17 Тунга ва тун ўз қучоғига олган нарса(лар)га қасам,

18 ҳамда тўлган лаҳзадаги Ойга қасам (ки):

19 (Эй, инсонлар), сизлар дарҳақиқат, босқичдан босқичга минурсиз.⁵

¹ Бу каби оятлар келганда “Албатта, эй Роббимиз!” деб жавоб бериш суннатдир.

² Маккада нозил бўлган. 25 оятдан иборат. “Иншиқокнинг” маъноси “Ёрилиш”.

³ Ер Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, қўйнидаги ўликларни ва хазиналарни чиқариб, чўзилган кенгликка айланади. Ҳатто ундаги тоғу-тошлар ҳам қукумга айланиб, нураб, ҳамма ёқ қафтдек йидоқ бўлиб қолади.

⁴ Робби таолога йўлиққанда, кимнинг савоби кўп бўлса, Роббисининг фазлу марҳаматига мушарраф бўлар, гуноҳкорлар жазоланар. У ерда ҳаммага амал китоблари тарқатилар.

⁵ Барча инсонлар ота-онасининг бел сувларининг аралашмасидан ҳосил бўлган хамир туруш – нутфа босқичидан кейин қуюқ қон (алақа), ундан кейин бир тишлам гўшт (мудға), ундан кейин суяк (изом)

سُورَةُ الْبُرُوجِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 وَالسَّمَاءِ ذَاتِ الْبُرُوجِ ۝۱ وَالْيَوْمِ الْمَوْعُودِ ۝۲ وَشَاهِدٍ وَمَشْهُودٍ
 ۝۳ قِيلَ أَصْحَابُ الْأَعْدُدِ ۝۴ النَّارِ ذَاتِ الْوُجُوْدِ ۝۵ إِذْ هُمْ عَلَيْهَا
 قُعُودٌ ۝۶ وَهُمْ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ بِالْمُؤْمِنِينَ شُهُودٌ ۝۷ وَمَا نَقَمُوا
 مِنْهُمْ إِلَّا أَن يُؤْمِنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ ۝۸ الَّذِي لَهُ مُلْكُ
 السَّمٰوٰتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ ۝۹ إِنَّ الَّذِينَ
 فَنَنُوا الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ لَمَّا تَبَيَّنُوا لَهُمْ جَدَابُ جَهَنَّمَ وَهُمْ
 عَذَابُ الْحَرِيقِ ۝۱۰ إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّٰلِحٰتِ لَهُمْ
 جَنَّٰتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ذَٰلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ ۝۱۱ إِنَّ بَطْشَ
 رَبِّكَ لَشَدِيدٌ ۝۱۲ إِنَّهُ هُوَ يَدْعُو وَيُعِيدُ ۝۱۳ وَهُوَ الْغَفُورُ الْوَدُودُ ۝۱۴
 ذُو الْعَرْشِ الْمَجِيدُ ۝۱۵ فَعَالِمًا يُرِيدُ ۝۱۶ هَلْ أُنثِقَ حَدِيثُ الْجُنُودِ
 ۝۱۷ فِرْعَوْنَ وَتَمُودَ ۝۱۸ بَلِ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي تَكْذِيبٍ ۝۱۹ وَاللَّهُ مِنَ
 وَرَاءِهِمْ مُحِيطٌ ۝۲۰ بَلْ هُوَ قَوْلٌ مَّجِيدٌ ۝۲۱ فِي نَوْحٍ مَّحْضُومٍ ۝۲۲

سُورَةُ الطَّٰوِقِ

- 20 Уларга не бўлди, иймон келтирмаслар?!
 21 Куръон ўқиб берилганда сажда қилмаслар?!¹
 22 Аксинча, кофирлар (охиратни) ёлғон дёрлар.
 23 Аллоҳ эса, уларнинг ботиний сирларини энг яхши билар.
 24 (Эй, Муҳаммад!) Уларга аламли азобнинг хабарини билдир!
 25 Илло, иймон келтириб, савоб ишларни қилганлар(га жаннатни башорат қил!) Уларга туганмас мукофотлар бордир!

босқичларини “миниб” (босиб) ўтгандан сўнг росмана инсон шаклини олиб туғилганлар. Бу ёруғ дунёда ҳам улар гўдаклик, болалик, ўспиринлик, йигитлик (кизлик), кишилик ва қариллик босқичларини ўтагандан кейин нарғи дунёга рихлат қиладилар. (Саодий).

¹ Бу оят сажда оятларидан бири бўлиб, уни ўқиганлар ва эшитганлар учун бир қарра сажда қилиш вожибдир.

«Буруж» сураси² 85

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Буржлар макони – осмонга қасам,
 2 Ваъда қилинган (қиёмат) кунга қасам,
 3 (У куннинг) гувоҳларига ҳамда гувоҳ бўлинган
 4 Чуқур эгаларига ҳалокат бўлғай!³
 5 (У чуқур одамлардан бўлган) ўтинли оловдир.
 6 Ўшанда улар (ўтга ирғитилган иймонлиларнинг куйишидан роҳатланиб) чуқурнинг яқинида ўтирган эдилар.
 7 Улар мўминларга берган азобларга гувоҳ бўлиб турдилар.
 8 (Кофирлар) уларни Қудратли, мактовга сазовор Аллоҳга иймон келтирганлари учунгина азобладилар.⁴
 9 (Аллоҳки), осмонлар ва ернинг (тамомий) мулки Унингдир! Аллоҳ барча нарсага Гувоҳдир!
 10 Мўминлар ва мўминаларни диндан чиқаришга уриниб, ундан кейин тавба қилмаганларга дўзах азоби ва куйдиргувчи азоб бордир!
 11 Аммо, (Аллоҳга, пайғамбарларига, китобларига, охираат кунига ва яхши ёки ёмон тақдирнинг Аллоҳданлигига) иймон келтириб, солиҳ амал қилган бандалар учун остидан дарёлар оққан жаннатлар бордир.
 12 Албатта, Роббингнинг (азобла) ушлаши қаттиқдир!
 13 Албатта, У йўқдан бор қилган ва (иккинчи бора ҳаётни) қайтарадиган Зотдир.
 14 У Ғафурдир, Вадуддир!⁵
 15 (У) Арш соҳиби, Улуғ,
 16 (ва) ҳоҳлаган нарсасини қилувчидир!
 17 (Эй, Муҳаммад), сенга (Мусони

² Маккада нозил бўлган. 22 оятдан иборат. “Буружнинг” маъноси “Буржлар” демак.

³ Бу чуқурни қадимги замонда яшаган кофирлар ўзларининг мушрикийлик динларига унамай, ягона Аллоҳга ибодат қилганларни жазолаш учун тайёрлаганлар. Чуқурнинг тафсилоти кейинги оятларда.

⁴ Ягона Аллоҳга иймон келтирганларни олов чуқурининг ёнига олиб келиб, “иймонингдан қайт!” деб талаб қилганлар ва қайтмаганларни чоҳга улоқтирганлар.

⁵ Аллоҳ таолонинг исм-сифатларидан иккиси. “Ғафур” “ўта кечиримли”, “Вадуд” эса, “итоаткор бандаларни севгувчи ва Ўзи ҳам ўшалар тарафидан қаттиқ севилган” деган маъноларни билдиради.

кувҗин қилган) аскарларнинг,

18 Фиръавннинг ҳамда Самуд(қавми)нинг хабари келдимиз?

19 Кофирлар (Қуръонни ҳамон) ёлғонга чиқармоқдалар.

20 Аллоҳ эса, уларни(нг барча ишларини) ихота қилғувчи(билғувчи)дир.

21 Дарҳақиқат, у – улуғ Қуръондир. (Кофирларнинг ёлғон дейиши унинг қадрини туширмас. Чунки:)

22 У Лавҳул Махфуздидир!

«Ториқ» сураси¹ 86

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Осмонга ва Ториққа қасамки:

2 (Эй, Муҳаммад), сен Ториқнинг нималигин билмассан.

3 У – (нури билан зулматларни) тешғувчи юлдузидир.

4 Барча жон устида (амалларини) ёдлаб турғувчи фаришта бордир.

5 Бас, инсон ўзининг нимадан яралганига қарасин!

6 Отилиб чиққан (ҳаром) сувдан яралгандир.

7 (У “сув” эракнинг) умуртқалари ва (аёлнинг) кўкрак қафаси орасидан (бўлиниб) чиқар.

8 Албатта (Аллоҳ) уни иккинчи бора яратишга ҳам қодирдир,

9 сирлар ошкораланган (киёмат) кунда.

10 (У кунда) банда учун ҳеч бир қудрат ва ёрдамчи бўлмас!²

11 Такрор-такрор ёққан ёмғирли осмонга қасам,

12 Ёриб чиққан ўсимликли ерга қасамки:

13 У (Қуръон) – ажратувчи (жиддий) Сўздир!³

14 Ҳазил-эрмак эмасдир!

15 Улар (кофирлар динга қарши) ҳийла қилмоқдалар.

16 Мен ҳам ҳийла қиларман.


17 Сен эса, (эй, Муҳаммад), кофирларга бир оз муҳлат бера тур.⁴

¹ Маккада нозил бўлган. 17 оятдан иборат. «Ториқнинг» маъноси 2-3-оятларда мазкурдир.

² Бу дунёда жиноят қилган инсон қандайдир кучнинг, ёрдамчининг таъсири билан жазодан қутулиши мумкин. Аммо, охирагда бунинг имкони йўқ.

³ Бандалар Қуръон сабабли ҳақ билан ботилни, оқ билан қорани, тўғри билан нотўғрини ажратиб, йўл топиб оладилар. Нариги дунёда эса, Қуръонга амал қилиб яшаганлар беамаллардан ажратилиб, жаннатга дохил қилинарлар.

⁴ Кофирлар ҳийла қиладилар. Аммо



«Аъло» сураси⁵ 87

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Энг олий Роббингнинг исмини (ширкдан ва барча ноқис сифатлардан) поклагил!

2 У (барча оламларни) мутаносиб яратган,

3 (Оламдаги барча махлуқотларнинг тақдирини) ўлчаб, (ҳар бирига ўзига хос хусусиятлар бериб, ҳаёт йўлига) ҳидоятлаган,

4 Ва (эрга баҳорда турфа хил) ўсимликларни чиқарган Зотдир.

5 Ундан кейин (кеч кузда) уни қорамтир хашакка айлантирди.⁶

Аллоҳнинг ҳийласи ўткирроқдир. Аллоҳ Ўз ҳийласи билан уларни шу дунёдаёқ чув тушириб қўйишга қодир. Ёки уларга, гуноҳ ботқоғига теранроқ ботиши ва кўпроқ азобга лойиқ бўлишлари учун муҳлат беради.

⁵ Маккада нозил бўлган. 19 оят. “Аъло” “Энг олий” деген маънони билдиради.

⁶ Баҳорда у хашак сувли эди, яшнаб турарди. Энди эса қуриб, сал нарсага гурриллаб ёнишга тайёр ўтин бўлди. Сувдан ўтни яратган Аллоҳга ҳамду санолар!

بَلْ تُؤْثِرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿١٦﴾ وَالْآخِرَةَ خَيْرٌ وَأَبْقَى ﴿١٧﴾ إِنَّ
هَذَا لَفِي الصُّحُفِ الْأُولَى ﴿١٨﴾ مُحْصَىٰ لِإِبْرَاهِيمَ وَمُوسَىٰ ﴿١٩﴾

سُورَةُ الْعَاشِيَةِ ﴿٨٨﴾
آيَاتُهَا ٢٦

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

هَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ الْعُنَيْيَةِ ﴿١﴾ وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ خَشِيعَةٌ ﴿٢﴾
عَامِلَةٌ نَّاصِبَةٌ ﴿٣﴾ تَصَلَّىٰ نَارًا حَامِيَةً ﴿٤﴾ تَسْتَفِي مِنْ عَيْنٍ أَنِيبَةٍ ﴿٥﴾
لَيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِنْ ضَرِيحٍ ﴿٦﴾ لَا يُؤْمِنُ وَلَا يُغْنِي مِنْ جُوعٍ ﴿٧﴾
وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَاعِمَةٌ ﴿٨﴾ لَسَعِيَهَا رَاضِيَةٌ ﴿٩﴾ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ ﴿١٠﴾
لَا تَسْمَعُ فِيهَا لَغِيَةً ﴿١١﴾ فِيهَا عَيْنٌ جَارِيَةٌ ﴿١٢﴾ فِيهَا سُرُرٌ مَرْجُوعَةٌ ﴿١٣﴾
وَأَكْوَابٌ مَوْضُوعَةٌ ﴿١٤﴾ وَمَنَارِقٌ مَصْفُوفَةٌ ﴿١٥﴾ وَزَرَائِبٌ مَبْنُوتَةٌ ﴿١٦﴾
أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿١٧﴾ وَإِلَى السَّمَاءِ كَيْفَ
رُفِعَتْ ﴿١٨﴾ وَإِلَى الْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ ﴿١٩﴾ وَإِلَى الْأَرْضِ كَيْفَ
سُطِحَتْ ﴿٢٠﴾ فَذَكِّرْ إِنَّمَا أَنْتَ مُذَكِّرٌ ﴿٢١﴾ لَسْتَ عَلَيْهِمْ
بِمُصَيِّرٍ ﴿٢٢﴾ إِلَّا مَنْ تَوَلَّىٰ وَكَفَرَ ﴿٢٣﴾ فَيَعَذِّبُهُ اللَّهُ الْعَذَابَ
الْأَكْبَرَ ﴿٢٤﴾ إِنَّ إِلَيْنَا إِيَابَهُمْ ﴿٢٥﴾ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُمْ ﴿٢٦﴾

6 (Эй, Мухаммад), Биз сенга (Куръонни) ўқитамиз. Кейин уни ҳаргиз унутмассан.

7 Фақат, Аллоҳ (унуттиришни) хоҳлаганларинигина (унутасан). Албатта, У ошкорани ҳам, махфийни ҳам билгайдир.

8 Биз сенга осон йўлни енгил қилиб берармиз.¹

9 Бас, насихат фойда берса (қавмингга Куръон билан) насихат қил.

10 (Насихатни Аллоҳдан) қурққанларгина қабул қиладилар.

11 Бахтсиз кимсалар эса насихатдан қочарлар.

12 У (лар) қатта ўтга ташланадиганлардир!

13 Кейин у ерда (ўт ичида) на ўлиб, ўлолмагай, на яшаб, яшай олмагай!²

14 Ким (иймонла) покланган бўлса, демак, у нажот топгандир!

15 Ва Роббисининг номини зикр қилиб, намоз ўқиса (ҳам нажот топқусидир).

16 Сизлар эса, (эй, кофирлар), дунё ҳаётини (охиратдан) афзал билаяпсизлар.

17 Ваҳоланки, охират (ҳаёти) яхши ва абадийдир.

18 Бу (айтилганлар) аввалги саҳифаларда ҳам бор эди:

19 Иброҳимнинг ва Мусонинг саҳифаларида.

«Ғошия» сураси³ 88

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Эй, Мухаммад!) Сенга ўраб олгувчининг хабари келдими?⁴

2 У кунда (кофир) юзлар кўрқувда(н хорланар),

3 (дўзах кишанларидан) чарчаб, кийналар.

4 Кизиган оловга улоқтирилар.

5 (Ва) қайноқ булоқдан сув ичирилар!

6 Улар учун (дўзахда) тикондан бошқа таом йўқдир.⁵

7 (У тикон) семиртирмас ва тўйдирмас.

8 У кунда (иймонли) юзлар шоду хуррам!

9 (Бу дунёдаги) ҳарактларидан мамнун!

10 Олий Жаннатда!

11 У ерда беҳуда (лағв) сўзларни эшитмас.

12 Унда оқар булоқлар,

13 баланд-баланд сўрилар,

14 қўйилган кўза-қадаҳлар,

15 тизилган (юмшоқ) ёстиқлар,

16 тўшалган гиламлар,

17 Улар (кофирлар) қарамайдиларми, туянинг қандай яратилганлигига?

18 Осмоннинг қандай кўтариб қўйилганлигига?

19 тоғларнинг қандай сайиб (қадаб) қўйилганлигига,⁶

Лекин бунинг имкони йўқ! Яшамокдалар. Лекин нима деган ҳаёт бу?! Наузу биллаҳ!!!

³ Маккада нозил бўлган. 26 оят. “Ғошия” “Ўраб олгувчи” демакдир.

⁴ “Ураб олувчи” бу қиёмат воқеасидирки, у пайғдаги дахшатлар барча жонзотларни ўраб оладир. Айниқса кофирларни қаттиқ кўркинч ўраб олади. Чунки, улар бу кунни ёлғон деган эдилар!

⁵ “Зарийъ” деб аталган бу тиконни ўларча оч қолган дўзахилар емоққа мажбур бўладилар.

⁶ Тоғлар ернинг қозиклари кабидирки, ер остига кирган ва устидан ҳам узунроқ “томирлари” ҳамда салобат-салмоғи сабабли, ўз ўқида мўътадил айланишини таъминлайди ва қаттиқ тебранишига монёлик қилади.

¹ Оятдаги “осон йўлдан” мурод ислом динидирки, бу дин барча динлар орасида энг енгили, энг осондир. Уни ўрганиш ҳам, ўргатиш ҳам ва у билан амал (ҳаётга татбиқ) қилиб яшаш ҳам, хоҳловчи одамлар учун, жуда енгилдир.

² Осийлар дўзах азобига чидамай ўлгиси келар.

- 20 ва ернинг қандай ёйиб қўйилганига? ¹
 21 (Эй, Муҳаммад, уларга) насихат қил!
 Чунки, сен (фақат) насихат қилгувчидирсан.
 22 Уларни (иймонга) мажбурловчи эмассан.
 23 Илло, ким юз ўгириб, кофир бўлса,
 24 Уни Аллоҳ энг катта азобга солар!
 25 Албатта улар Ўзимизга қайтарлар.
 26 Кейин улар билан Ўзимиз
 ҳисоблашиб оламиз.

«Фажр» сураси² 89

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Тонгга қасам!
 2 Ўн кечага қасам!
 3 Жуфт ҳамда тоққа қасам!
 4 Кечаётган тунга қасам!
 5 Мана шу(саналган)ларда ақлли одам
 учун (каноатлангудек) қасам борми?⁴
 6 Роббинг Од қавмини нима (азоб билан
 ҳалок) қилганлигини билмадингми?
 7 Устунли Ирам(шаҳрини нима
 қилгани)ничи?
 8 У (Ирам шаҳри) каби (антиқа бинолар)
 бошқа ўлкаларда қурилмаган эди.⁵
 9 Ва водийда (бино қуриш учун)
 ҳарсанглари уйган Самудни (Роббинг
 қандай жазолаганини билмадингми?)

سُورَةُ الْفَجْرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالْفَجْرِ ۝۱ وَلَيَالٍ عَشْرٍ ۝۲ وَالشَّفْعِ وَالْوَتْرِ ۝۳ وَاللَّيْلِ إِذَا يَسْرِ ۝۴ هَلْ فِي ذَلِكَ قَسَمٌ لِّذِي حَمْرِ ۝۵ أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِعَادٍ ۝۶ إِرْمَ ذَاتِ الْعِمَادِ ۝۷ الَّتِي لَمْ يُخْلَقْ مِثْلُهَا فِي الْبِلَادِ ۝۸ وَثَمُودَ الَّذِينَ جَابُوا الصَّخْرَ بِالْوَادِ ۝۹ وَفِرْعَوْنَ ذِي الْأَوْتَادِ ۝۱۰ الَّذِينَ طَغَوْا فِي الْبِلَادِ ۝۱۱ فَأَكْثَرُوا فِيهَا الْفَسَادَ ۝۱۲ فَصَبَّ عَلَيْهِمْ رَبُّكَ سَوْطَ عَذَابٍ ۝۱۳ إِنَّ رَبَّكَ لَبِالْمِرْصَادِ ۝۱۴ فَأَمَّا الْإِنْسَانُ إِذَا مَا ابْنَلَهُ رَبُّهُ فَأَكْرَمَهُ وَنَعَّمَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَكْرَمَنِ ۝۱۵ وَأَمَّا إِذَا مَا ابْنَلَهُ فَقَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَهْنَنِ ۝۱۶ كَلَّا بَلْ لَا تَكْرَمُونَ ۝۱۷ وَلَا تَحْضُونَ عَلَى طَعَامِ الْمُسْكِينِ ۝۱۸ وَتَأْكُلُونَ التُّرَاثَ أَكْلًا لَمًّا ۝۱۹ وَتُحِبُّونَ الْمَالَ حُبًّا جَمًّا ۝۲۰ كَلَّا إِذَا دُكَّتِ الْأَرْضُ دَكًّا دَكًّا ۝۲۱ وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ۝۲۲ وَجِئَءَ يَوْمَئِذٍ بِجَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ يَبْدَأُ الْإِنْسَانَ وَإِنَّ لَهُ الذِّكْرَى ۝۲۳

- ¹ Агар олтинчи аср кишига “ернинг юмалок шаклдалигига қарамайсизми?” деб хитоб қилинса, унинг онги, ақли ва тасавури буни кўтара олмаслиги шубҳасиз эди. Айниқса у одам бадавий (чўл аҳолиси) бўлса, ундан баттар ҳайрон бўларди. Ундан кўра уларга “ернинг тўшак каби ёйилиб, гилам каби текис қилиб қўйилишини” айтилса, Аллоҳнинг қудрати далолатини кўпроқ мана шундан топиши мумкин. Валлоҳу аълам.
- ² Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат. «Фажрнинг» маъноси “Тонг” демек.
- ³ Бу оятлардаги “тонг” – Қурбон ҳайитининг тонгидир. “Ўн тун” – Зул-Ҳижжа ойининг аввалиги ўн туни, “жуфт” – Зул-Ҳижжанинги ўнинчи куни, “тоқ”- тўққизинчи – Арафот куни. “Кечаётган тун” эса, Қурбон ҳайитининг тунидир.
- ⁴ Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло қасам учун танлаган бу тўрт вақт улуғ мақоми ва аҳамияти билан киши ақлини каноатлантиради ва қасам учун жуда муносибдир.
- ⁵ Од қавми қумли чўлда яшаганига қарамай, устунли чодирлардан “Ирам” деб аталган антиқа шаҳар қура олган қудратли халқ эди. Улар қудратларига чиришиб Худ алайҳиссалом олиб келган динга бўйсунмадилар. Ушанда Аллоҳ уларнинг устига бўрон балосини юбориб, барчасини ҳалок қилган.

- 10 (Ҳисобсиз кўп) аскарлар эгаси Фаръавни(қандай жазолаганини)чи?
 11 Улар ўлкаларда туғён қилган,
 12 ва ерларда бузгунчиликни кўпайтирган эдилар.
 13 Кейин Роббинг уларга турфа хил балоларни ёғдирди!
 14 Албатта, Роббинг кузатиб тургувчидир.
 15 Роббиси инсонни (бойлик билан) синаб, уни икром қилса ва неъмат берса, “Роббим мени икром қилди!” дер.
 16 Аммо, уни (камбағаллик билан) синаб, ризкини озроқ берса, “Роббим мени хорлади!” деур.
 17 Ундай эмас! Сизлар етимнинг ҳурматини билмассиз!
 18 Мискинни таомлантиришга (бир-бирингизни) қизиктирмассиз!
 19 (Аксинча, етимга тегишли) меросни очкўзларча ейсизлар!
 20 Молу дунёни жон-дилингизла севарсиз!
 21 Йўқ! Қачонки, (қиёмат бошланиб), Ер қаттиқ ларзага келганда...
 22 Ва Роббинг билан фаришталар саф

يَقُولُ يَلَيْتَنِي قَدَمْتُ لِحَيَاتِي ﴿٢٤﴾ فَيَوْمَئِذٍ لَا يُعَذِّبُ عَذَابَهُ أَحَدٌ ﴿٢٥﴾
وَلَا يُؤْتِيهِمْ نَفَقَهُ أَحَدٌ ﴿٢٦﴾ يَتَأَيَّبُهَا النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ ﴿٢٧﴾ أَرْجِعِي
إِلَىٰ رَبِّكَ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً ﴿٢٨﴾ فَأَدْخِلِي فِي عِبْدِي ﴿٢٩﴾ وَأَدْخِلِي حَتَّىٰ ﴿٣٠﴾

سُورَةُ الْبَلَدِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
لَا أُقْسِمُ بِهَذَا الْبَلَدِ ﴿١﴾ وَأَنْتَ حِلٌّ بِهَذَا الْبَلَدِ ﴿٢﴾ وَوَالِدٍ وَمَا وَلَدٌ ﴿٣﴾
لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ ﴿٤﴾ أَحْسَبُ أَنْ لَنْ يَفْدِرَ عَلَيْهِ أَحَدٌ ﴿٥﴾
يَقُولُ أَهْلَكْتُ مَا لَا لُبَدًا ﴿٦﴾ أَحْسَبُ أَنْ لَمْ يَرََّهُ أَحَدٌ ﴿٧﴾
أَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عَيْنَيْنِ ﴿٨﴾ وَلِسَانًا وَشَفْهَيْنِ ﴿٩﴾ وَهَدَيْنَاهُ
السَّبِيلَ ﴿١٠﴾ فَلَا أَقْنَمُ الْعَقَبَةَ ﴿١١﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْعَقَبَةُ ﴿١٢﴾
فَكُرْبَةُ ﴿١٣﴾ أَوْ إِطْعَمَهُ فِي يَوْمٍ ذِي مَسْغَبَةٍ ﴿١٤﴾ بَتِيمًا ذَا مَقْرَبَةٍ ﴿١٥﴾
أَوْ مَسَّ كِنَانَهُ ﴿١٦﴾ ثُمَّ كَانَ مِنَ الَّذِينَ آمَنُوا وَتَوَصَّوْا
بِالضَّرِّ وَتَوَصَّوْا بِالْمَرْحَمَةِ ﴿١٧﴾ أُولَٰئِكَ أَحْسَبُ الْمَيْمَنَةَ ﴿١٨﴾ وَالَّذِينَ
كَفَرُوا بِآيَاتِنَا هُمْ أَصْحَابُ الْمَشْأَمَةِ ﴿١٩﴾ عَلَيْهِمْ نَارٌ مُّؤَصَّدَةٌ ﴿٢٠﴾

سُورَةُ الشُّعَرَاءِ

бўлиб келганда...

23 Ушал кунда жаханнам яқин олиб келинар. Ана ўшандагина (кофир) инсон (бу дунёдаги кирдикорларини) эслар. Энди эслашдан не фойда?!

24 У (пушаймон бўлиб) “Кошкийди, (охират) ҳаётимга (бирон-бир савоб) олиб келган бўлсам!” дер.¹

25 У кунда Аллоҳ азоблаганидек ҳеч ким азоблай олмас!

26 Аллоҳ боғлаганидек ҳеч ким боғлай олмас!

27 Эй, хотиржам жон!²

28 (Мендан) рози бўлган ва (Мени) рози қилган ҳолда Роббингга қайта қол!

¹ Кейин у кофир инсонга Аллоҳнинг жазоси буюрилар: қўл ва оёғини кишанлар билан боғланиб, азобга солинар.

² У кунда иймонсизларнинг жони бесаранжом бўлиб, дунёда ноумосиб яшагани учун афсуслар чекиб турса, иймонлиларнинг жонлари дунёдаги ҳаётдан мамнун ҳолда хотиржам турадир. Кейин иймонлиларни лутфу тақалуф билан жаннатга тақлиф қилинар.

29 Менинг (солих) бандаларимга қўшила қол!

30 Менинг жаннатимга қира қол!

«Балад» сураси³ 90

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Мана бу шаҳарга⁴ қасам,
2 Сен (эй, Муҳаммад), уну шу шаҳарда яшар эдинг,

3 Ва (Одам-)Отага ҳамда авлодлар(и)га қасамки:

4 Биз инсонни машаққат учун яратдик.⁵

5 (Кофир) инсон унга ҳеч кимнинг кучи етмас деб ўйларми?

6 “Ҳисобсиз мол-дунё сарфладим” дейди-я!⁶

7 Уни ҳеч ким кўрмайди деб ўйларми?

8 Биз унга икки кўз бермадикми?

9 Тил ва икки лаб ато этмадикми?!

10 Кейин унга икки йўлни кўрсатдик.⁷

11 У (кофир инсон) оғир йўлга юрмади.

12 (Эй, Муҳаммад), сен оғир йўл нелигин билмассан.

13 У – қул озод қилишдир,

14 Ёки қаҳатчилик кунларида тўйдирмоқдир,

15 қариндошчилиги бор етим(лар)ни,

16 ёки эса, чангга беланган мискин(лар)ни.

17 Кейин (бу ишларни қилган одам) иймонлилардан ва бир-бирини сабру меҳрибонлиқга чақиришадиганлар тоифасидан бўлса,

18 Ана ўшаларгина ўнг тараф эгаларидир!

³ Маккада нозил бўлган. 20 оят. «Балад» сўзининг маъноси “шаҳар” демас.

⁴ Маккайи Мукаррамга.

⁵ Инсон хоҳлайдими, йўқми, бу дунё туриши билан ташвиш ва машаққатдир. Аллоҳ таоло шундай яратгач, бошқача бўлиши мумкин эмас. Фарқи шундаки, баъзи одамлар жаннатга тушиш учун оввора бўлсалар, кўпчилик одамлар дўзахга муносиб бўлиш учун куйиб-пишиб тер тўкадилар. Таажжуб!

⁶ Балки, у баъзан инсонларварлик, хайрия ишлари учун кўп сарф қилгандир. Лекин, бу “саховатнинг” орқасида нима бор? У холис Аллоҳ ризоси учун қилиндими? Ундай бўлмаса билиб олсинки, барча яхшиликлари ҳабата бўлди, куйиб кетди!

⁷ Ҳар бир ақлли инсоннинг олдида икки йўл бор: яхшива ёмон, савоб ва гуноҳ, жаннат йўли ва жаханнам йўли. Инсон ақлу тушунчасига яраша албатта икки йўлнинг бирини танлаб олади. Аллоҳ эса, инсоннинг танлов ихтиёрига яраша ҳар икки йўлга ҳам илҳом бераверади ﴿ فَآهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ﴾ Бу ҳам имтиҳоннинг бир кўриниши.

19 Аммо, Бизнинг оятларимизга кофир бўлганлар... улар сўл тараф эгаларидир!

20 Уларни ҳар тарафдан ўт ўраб олар!

«Шамс» сураси¹ 91

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Қуёшга ва унинг зиёсига қасам!

2 Унинг ортидан келгувчи Ойга қасам!

3 Уни ошкор қилган кундузга қасам!

4 Ва уни ўраб оладиган тунга қасам!

5 Осмонга ва унинг биносига қасам!

6 Ерга ва унинг ёйилишига қасам!

7 Нафсга ва унинг мутаносиблигига қасам!

8 У (Аллоҳ) нафснинг бузилишини ҳам,

ўнгланишини ҳам баён қилди.

9 Бас, ким уни (бузукликдан) покласа нажот топар.

10 Ким уни (гуноҳкорлик билан) хорласа, (жаннатдан) ноумид бўлар.²

11 Самуд (қавми) ўз туғени билан (Солих пайғамбарни) ёлғончига чиқарди.

12 Бир пайт у(қавм)нинг энг бадбахт кишиси (мўъжиза-туяни сўйиб ташлаш учун) кўзғолди.

13 Уларга Аллоҳнинг элчиси: “Аллоҳнинг туяси(га зиён етказиш)дан ва уни суғориш(га монёлик қилиш)дан эҳтиёт бўлинглар!” деди.

14 Унинг гапига ишонмай, туяни сўйиб юборишди. Кейин (мана шу) гуноҳлари сабабли Роббиси уларга пайдар-пай азоб юбориб, азобни барчасига баробар қилди³

15 У (Аллоҳ) бу ишнинг оқибатидан қўрқмас.

«Лайл» сураси⁴ 92

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Оламни зулмати ила) қоплаб олган тунга қасам!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَىٰهَا ۝۱ وَالنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّىٰهَا ۝۲ وَالنَّهَارِ إِذَا جَلَّهَا ۝۳

وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَىٰهَا ۝۴ وَالسَّمَاءِ وَمَا بَدَّلَهَا ۝۵ وَالْأَرْضِ وَمَا طَحَّهَا ۝۶

وَنَفْسٍ وَمَا سَوَّاهَا ۝۷ فَأَلْهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ۝۸ قَدْ أَفْلَحَ مَن زَكَّهَا ۝۹

وَقَدْ خَابَ مَن دَسَّاهَا ۝۱۰ كَذَّبَتْ ثَمُودُ بِطَغْوَاهَا ۝۱۱

إِذِ انبَعَثَ أَشْقَاهَا ۝۱۲ فَقَالَ لَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ نَاقَةَ اللَّهِ وَسُقْيَاهَا ۝۱۳

فَكَذَّبُوهُ فَعَقَرُوهَا فَدَمْدَمَ عَلَيْهِمْ رَبُّهُم بِذُنُوبِهِمْ فَسَوَّاهَا ۝۱۴

وَلَا يَخَافُ عُقْبَاهَا ۝۱۵

سُورَةُ اللَّيْلِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَىٰ ۝۱ وَالنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّىٰ ۝۲ وَمَا خَلَقَ الذَّكَرَ وَالْأُنثَىٰ ۝۳

إِن سَعَىٰكَ لُشَّىٰ ۝۴ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَانْفَىٰ ۝۵ وَصَدَقَ بِالْحُسْنَىٰ ۝۶

فَسْتَيْسِرُهَا لِلْيُسْرَىٰ ۝۷ وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَىٰ ۝۸ وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَىٰ ۝۹

فَسْتَيْسِرُهَا لِلْعُسْرَىٰ ۝۱۰ وَمَا يُغْنِي عَنْهُ مَالُهُ إِذَا تَرَدَّىٰ ۝۱۱

إِنَّ عَلَيْنَا لَلْهُدَىٰ ۝۱۲ وَإِنَّ لَنَا الْآخِرَةَ وَالْأُولَىٰ ۝۱۳ فَأَنْذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّىٰ ۝۱۴

لَلْهُدَىٰ ۝۱۲ وَإِنَّ لَنَا الْآخِرَةَ وَالْأُولَىٰ ۝۱۳ فَأَنْذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّىٰ ۝۱۴

2 (Нури) тажаллий қилгандаги кундузга қасам!

3 Ва эркак билан урғочининг яратилишига қасамки:

4 (Эй, инсонлар), сизларнинг ҳаракатингиз турличадир.

5 Бас, ким (Аллоҳ йўлига нафақа) бериб, такво қилса

6 ва яхшилиқни (исломни) тасдиқласа –

7 Биз унга яхшилиқни (Бахтли ҳаётни) енгил қилармиз.

8 Аммо, ким бахиллик қилса ва (Аллоҳнинг савобидан) юз ўгирса

9 ва (исломни) ёлғон деса –

10 Биз уни (ҳар икки дунёда) машаққатли ҳаётга дучор қилармиз.

11 (Дўзахга) қулаган вақтда (қизганган) мол-дунёси унга фойда бермас!

12 Албатта, (одамларни) ҳидоятга бошламоқ фақат Бизга тегишлидир.

13 Албатта, охират (ҳаёти) ҳам, дунё (ҳаёти) ҳам Бизнинг ихтиёримизда.

14 Мен сизларни ловуллаган оловдан оғоҳ этдим.

15 Унга энг бадбахт одамларгина ташланур.

¹ Маккада нозил бўлган. 15 оятдан иборат. «Шамснинг» маъноси “Қуёш”.

² Нафси покиза тутишнинг ягона йўли пайғамбар (с.а.в.) кўрсатгандек яшамоқ ва амал қилмоқдир. Аллоҳнинг элчиси олиб келган йўлдан бош тортиш сабабли нафсини хорлаб, ўзбошимча яшаган одамлар ҳар қайси даврда Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўлар. Тарихдаги ўшандай қавмларнинг бири Самуд қавми эди. Кейинги оятларда уларнинг аянчли тақдири ҳикоя қилинади.

³ Аллоҳнинг туясини биргина одам сўйганига қарамасдан Аллоҳ азобни бутун қавмга баробар қилди. Чунки, бошқалар бадбахт кишини мунқардан қайтармаган эдилар.

⁴ Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. 21 оят. «Лайлнинг» маъноси “Тун”.

لَا يَصْلُهَا إِلَّا الْأَشْقَى ¹⁵ الَّذِي كَذَّبَ وَتَوَلَّى ¹⁶ وَسَيَجْزِيهَا
الْأَنْفَى ¹⁷ الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى ¹⁸ وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ
نِعْمَةٍ تُجْزَى ¹⁹ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى ²⁰ وَلَسَوْفَ يَرْضَى ²¹

سُورَةُ الضُّحَى

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَالضُّحَى ¹ وَاللَّيْلِ إِذَا سَجَى ² مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَاقَلَى ³
وَلْآخِرَةُ خَيْرٌ لَّكَ مِنَ الْأُولَى ⁴ وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ
فَرَضَى ⁵ أَلَمْ يَجِدَكَ يَتِيمًا فَآوَى ⁶ وَوَجَدَكَ ضَالًّا
فَهَدَى ⁷ وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَى ⁸ فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ
⁹ وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ ¹⁰ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ¹¹

سُورَةُ الشَّرْحِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ ¹ وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ ² الَّذِي
أَنْقَضَ ظَهْرَكَ ³ وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ ⁴ فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا ⁵ إِنَّ
مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا ⁶ فَإِذَا فَرَغْتَ فَانصَبْ ⁷ وَإِلَى رَبِّكَ فَارْغَبْ ⁸

¹⁶ Улар (исломни) ёлғон деб, юз ўгирган эдилар.

¹⁷ Дўзахдан такводорлар узок бўлур.

¹⁸ Улар мол-мулкни (Аллоҳ йўлида) бериб, (зикналикдан) покланган инсонлардир.

¹⁹ У инсон(лар)да ҳеч ким учун (бадалига) мукофот қайтарилиши (умид қилинган) яхшилик йўқдир.¹

²⁰ (У қилган яхшиликларнинг барчаси) энг олий Роббисининг ризолиги учундир!

²¹ Яқинда (Аллоҳ уни буюк неъмат билан мукофотлар. Ўшанда у ҳам Роббисидан) рози бўлар.

«Зуха» сураси² 93

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ Чошгоҳ пайтига қасам!

² Сокин – қоронғу тунга қасам!

³ (Эй, Муҳаммад), Роббинг сени тарк этмаган ва (сендан) ғазабланмагандир.

⁴ Сен учун охират (хаёти) аввалгисидан (дунё хаётидан) афзалдир.

⁵ Роббинг сенга яқинда (мукофотини) берад ва сен рози бўларсан.

⁶ У сени етим ҳолда топиб, башпана бермадимми?³

⁷ Ва сени йўлсиз ҳолда⁴ топиб, хидоятга бошламадимми?!

⁸ Ва сени камбағал ҳолда топиб, (руҳий ва маънавий) бой қилмадимми?!

⁹ Энди сен етимга қаҳр қилма!

¹⁰ Сўраган одамга кўпол жавоб қилма!⁵

¹¹ Ва ҳар доим Роббингнинг неъматларини (одамларга) сўзлаб бер.⁶

«Шарҳ» сураси⁷ 94

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ (Эй, Муҳаммад!) Биз сенинг кўксингни (дину даъват учун) кенг қилмаганмидик?⁸

³ Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ёруғ дунёга келмасидан аввал отасидан, аммо эсини таниб-танимаган пайтда эса, онасидан ажраган эди. Ана шундай том маънодаги етимлик даврида Аллоҳ таоло унга бобоси Абдул Мутталибни ҳомий қилди. У оламдан ўтгач амакиси Абу Толибнинг уйидан бошпана берди.

⁴ Аллоҳ таоло тарафидан илоҳий илм-маърифат берилгунга қадар пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Китоб нима, иймону ислом нима – билмас эдилар. Мушрикларнинг ақидаси ва турмуш тарзини покиза табиати ила инкор қилсада, ҳақиқий хидоятни билмас, танимас эдилар. Кейин унга Аллоҳнинг хидояти – ваҳй кела бошлади.

⁵ Жетимдерге ырайымдуу болуп, ким бир нерсе сураса, кудуретин жетсе - бер, жок болсо жакшы, сылык сөз менен кайтар. Бул аяттагы суралган нерсе предметтерге гана чектелбейт. Маселен, кээ бир адамдар жардам, кээ бирөөлөр илим сурайт.

⁶ Аллоҳ таолонинг неъматларини одамларга сўзлаб бериш уларни шукр қилишга ундайди. Чунки, неъматни севиш – бу инсон табиатидир. Зеро неъматни севган ақлли одам неъмат берганнида севар.

⁷ Маккада нозил бўлган. 8 оят. «Шарҳ» сўзининг маъноси «Кенг қилмоқ».

⁸ Аллоҳ таоло пайғамбаримизнинг кўксини дину даъватга, макоримул ахлоқларга ва баъзи келажак хабарларига очиб, кенгайтириб қўйган эди.

¹ “Менга ҳам бир кун қайтарар” деган илинж, умид ва ҳисоб-китоб билан қилинадиган яхшиликлар унинг олдида йўқдир. Унинг барча хайриялари Аллоҳнинг ризоси учундир.

² Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат. «Зуханинг» маъноси “Чошгоҳ пайти”.

2 Сендан оғир юкни олиб ташламаганмидик?

3 У сенинг елкангни эзиб турарди.

4 Биз сенинг зикрингни (донфингни) баланд килдик.¹

5 Албатта, қийинчилик билан бирга енгиллик бордир.

6 Албатта, қийинчилик билан бирга енгиллик бордир.

7 Бас, қачон (дунё ишларидан) фориғ бўлсанг (ибодат билан) қоим бўл.

8 Ва Роббинг(нинг ризоси) сари интил!

«Тийн» сураси² 95

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Анжирга қасам, Зайтунга қасам!

2 Ва Синай(водийси) Тур тоғига қасам!

3 Ва мана бу омонлик шаҳрига³ қасамки:

4 Биз инсонни энг гўзал сувратда яратдик.

5 Кейин Биз уни (агар ибодат қилмас) дўзахнинг энг тубан жойига ташлаймиз!

6 Аммо, иймон келтириб, солих амал қилганларга эса, (жаннатдаги олий мақомларда) битмас- туганмас мукофотлар бордир.

7 (Эй, инсон!) Шундан сўнг жазо кунин ёлғон демокқа сени нима мажбур қилар?

8 Аллоҳ энг донишманд Ҳукмдор эмасми?

«Алақ» сураси⁴ 96

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ Мусулмаонлар азон ва тақбирларида, ибодатларида Аллоҳ таолонинг исмини ёд қилсалар, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам кўшиб айтадилар. Ҳар кун сайин беш маҳал азон айтилганда пайгамбаримизнинг номи миллионлаб тилларда, минглаб ўлкаларда баралла янграйди. Аллоҳ таоло шу пайтга қадар ҳеч бир кимсанинг номини Муҳаммаднинг (с.а.в.) номичалик мазкур ва мушхур қилмагандир.

² Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат. «Тийн» деган сўзнинг маъноси «Анжир».

³ Бу оятларда Аллоҳ таоло Йисо алайҳиссалом туғилган юртнинг асосий белгилари бўлган анжир ва зайтун дарахтларига, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло билан бевосита гаплашган Синай еридаги Тур тоғига ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий нозил қилган ва атрофлари ҳарам (у ерда гуноҳ иш қилиш ҳаром) бўлган Маккайи Мукаррамага қасам қилмоқда.

⁴ Маккада нозил бўлган. 19 оят. «Алақнинг» маъноси «Уюган қон». Бу сура энг дастлаб тушган оятлар жумласидандир. Суранинг яна бир номи «Икроъ».

Айатига 8
Роббинга 15

سُورَةُ التِّينِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالَّذِينَ وَالزَّيْتُونَ ۝١ وَطُورِ سِينِينَ ۝٢ وَهَذَا الْبَلَدِ الْأَمِينِ ۝٣
لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ ۝٤ ثُمَّ رَدَدْنَاهُ أَسْفَلَ سَافِلِينَ ۝٥
إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ۝٦
فَمَا يُكَذِّبُكَ بَعْدَ بِالذِّنِّ ۝٧ أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَحْكَمَ الْحَاكِمِينَ ۝٨

Айатига 14
Роббинга 17

سُورَةُ الْعَلَقِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ۝١ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ۝٢ اقْرَأْ وَرَبُّكَ
الْأَكْرَمُ ۝٣ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ۝٤ عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ۝٥ كَلَّا إِنَّ
الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَافٍ ۝٦ أَلَمْ يَرَأْ أَنهَ اسْتَفْعَىٰ ۝٧ إِنذَارًا لِّرَبِّكَ الرَّجُوعَ ۝٨ أَرَأَيْتَ
الَّذِي يَنْهَىٰ ۝٩ عَبْدًا إِذَا صَلَّىٰ ۝١٠ أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ عَلَىٰ لَهْدَىٰ ۝١١ أَوْ أَمَرَ
بِالنَّفْوَىٰ ۝١٢ أَرَأَيْتَ إِنْ كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ۝١٣ أَلَمْ يَعْلَم بِأَنَّ اللَّهَ يَرَىٰ ۝١٤ كَلَّا لَئِنْ
لَمْ يَنْتَه لِنَسْفَعًا بِالنَّاصِيَةِ ۝١٥ نَاصِيَةٍ كَذِبَةٍ خَاطِئَةٍ ۝١٦ فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ ۝١٧
سَنَدْعُ الزَّانِبِينَ ۝١٨ كَلَّا لَا طُعْمَهُ وَأَسْجُدَ وَاقْتَرَبَ ۝١٩

1 Яратган Роббинг номи ила ўки!

2 У инсонни уюган қондан яратди.

3 Ўки, сенинг Роббинг улуғдир!

4 Қалам билан таълим бергандир.

5 Инсонга билмаганин билдиргандир.

6 Йўқ! Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошадир, қачонки, ўзини бемуҳтож кўрганда.⁵

7 Дарҳақиқат, қайтув Роббинггагинадир.

8 Нима дейсан, бир киши ҳақдаки, қайтарса у бандани намозидан?⁶

9 Нима дейсан, агар ўша (намоз ўқиган) ҳидоят узра бўлса,

10 ёки (одамларни) тақвога буюрса...

11 Нима дейсан, агар у (кофир ҳақиқатни) ёлғонга чиқарса ва юз ўгириб кетса...

12 Аллоҳ уни кўриб турганинин у билмайдими?!

⁵ Дунёга бой аммо ақлдан камбағал одамлар “Мен Аллоҳнинг ёрдамига, марҳаматига, жаннатига муҳтож эмасман. Жаннатни мана шу дунёга қуриб оламан” деб ҳаддидан ошарлар.
⁶ Бу ерда намозга қарши бўлган киши Абу Жаҳл, намоз ўқиган Муҳаммад(с.а.в.)дир.

سُورَةُ الْقَدَرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ۚ وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ۚ
لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ۚ نَزَّلَ الْمَلَكُ وَالرُّوحُ
فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ ۚ سَلَّمَ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ۝

سُورَةُ الْبَيِّنَاتِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

لَا يَكْفُرُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ مُنْفَكِينَ
حَتَّىٰ تَأْتِيَهُمُ الْبَيِّنَةُ ۚ رَسُولٌ مِنَ اللَّهِ يَتْلُو صُحُفًا مُطَهَّرَةً ۚ
فِيهَا كُتِبَ قِيمَةٌ ۚ وَمَا تَفَرَّقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ
بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَةُ ۚ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ
لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ
الْقِيمَةِ ۚ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ
فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أُولَئِكَ هُمْ شَرُّ الْبَرِيَّةِ ۚ إِنَّ
الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ ۚ

15 Йўк! Агарда (душманлигин) тўхтатмаса, Биз унинг манглай сочидан қаттиқ ушлармиз!

16 Ёлгончи, гуноҳкор манглайдан!

17 Энди у ўзининг (ишонган) одамларини чақираверсин!

18 Биз ҳам азобловчи фаришталарни чақирамиз!

19 Йўк! Сен унга бўйин эгма! Роббингга сажда қила бер ва (шу каби саждалар ва бошқа ибодат турлари билан) Роббингга яқин бўл!

«Қадр» сураси² 97

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Биз уни³ Қадр кечасида нозил қилдик.

2 Қадр кечаси нималигин сен қайдан ҳам билардинг!⁴

3 Қадр кечаси(даги ибодатлар) минг ой(нинг ибодати)дан ҳам афзалдир.

4 У кечада фаришталар ва Рух (Жибрийл) Роббисининг рухсати бўйинча, (тақдирда белгиланган) ҳар хил ишлар билан тушадилар.

5 У кеча то тонгга қадар тинчлик-саломатлик кечасидир.

«Байина» сураси⁵ 98

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Аҳли китоблардан ва мушриклардан иборат кофирлар, то ўзларига Аниқ Ҳақиқат келмагунча (залолатдан) ажрай олмаган эдилар.

2 (Аниқ Ҳақиқат – бу) Аллоҳнинг элчисидирки, у покиза саҳифаларни тиловат қиларди.

3 У саҳифаларда чин хабарлар битилгандир.

4 Аҳли китоблар ўзларига Аниқ Ҳақиқат (Аллоҳнинг элчиси) келганидан кейингина бўлиниб кетдилар.⁶

5 Улар ширкдан тавҳидга кўчарок, барча дин-ибодатларни холис Аллоҳ учунгина қилишга, намоз ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар. Зеро, энг тўғри дин мана шудир!

6 Аҳли китоблардан ва мушриклардан иборат кофирлар жаҳаннам оловида абадий қолурлар. Улар – яратилган жонзотлар ичидаги энг ёмонларидир.

7 Аммо иймон келтириб, солиҳ амал қилганлар эса, яратилганларнинг энг яхшисидир.

³ Қуръону Каримни.

⁴ Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва саллам на ўқишни ва на ёзишни билмаган (уммий ёки оми) киши эдилар. Унга барча илмни, жумладан Қадр кечаси ҳақидаги илмни ҳам Аллоҳ таоло ваҳий орқали ўргатгандир.

⁵ Мадинада нозил бўлган. 8 оят. “Байинанинг” маъноси “Аниқ Ҳақиқат”.

⁶ Барча яҳудийлар ва насоролар (аҳли китоблар) Таврот ва Инжилда хабар берилганига мувофиқ, яқинда бир пайғамбар чиқади деган фикрда яқдил эдилар. Кейин ўша пайғамбар улар кутгандек яҳудийларнинг эмас, арабларнинг ичидан чиқди. Шунда саноклигина аҳли китоблар иймон келтиришди, аммо, кўпчилиги ҳасад туфайли кофир бўлиб кетдилар.

¹ Бу оят Қуръону Каримнинг ўн тўрт ўрнида келадиган сажда оятларидан биридир. Бундай оятларни ўқган ёки эшитган одамларга бир бора сажда қилмоқку вожибдир. Қолган сажда оятлари тубандаги сураларда келади:

Аъроф- Исро- Фурқон- Сод- Иншиқоқ
Раъд- Марям- Намл- Фуссилат- Алақ
Наҳл- Ҳаж- Сажда- Нажм

² Меккеде түшүрүлгөн. 5 аяттан турат.

8 Уларнинг Роббиси олдидаги мукофотлари – “Адн” жаннатларики, унинг остидан даёлар окиб турадир ва улар у ерда абадул-абад қолурлар! (Бунинг сабаби), улардан Аллоҳ рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Бу(мукофот)лар Роббисидан кўркан одамлар учундир.

«Залзала» сураси¹ 99

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Ер қаттиқ ларзага келганда..,
- 2 Ва ўзининг “юкларини” чиқариб ташлаганда..²
- 3 Инсон (хайрон қолиб) “Бунга не бўлди?!” дер.
- 4 Ўша кунда Ер ўз хабарларини сўзлар.
- 5 Чунки, Роббинг унга (“Сўзла!” деб) ваҳий қилган эди.³
- 6 Ўшал кунда одамлар, ўзларига амаллари кўрсатилиши учун, гурух-гурух бўлиб келарлар.
- 7 Бас, ким зарра мисқолича яхшилик қилган бўлса – уни(нг савобини) кўрар
- 8 Ва ким зарра мисқолича ёмонлик қилган бўлса уни(нг жазосини) кўрар.

«Адият» сураси⁴ 100

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- 1 Ҳарсиллиб чопган тулпарларга қасам!
- 2 (Туёғидан) ўт чакнатиб чопган тулпорларга қасам!

¹ Мадинада нозил бўлган ва 8 оятдан иборат. “Залзаланинг” маъноси “Зилзила”.

² Бу оятлар қиёмат қойимнинг бошланиш олдидаги воқеаларнинг баёнидир. Ўшанда ер қаттиқ титрагани сабабли ичидаги мурдалар ва ҳар турли конлардан иборат “юклар” ер сиртига чиқиб қолади.

³ Ер ҳам қиёматда инсоннинг зарарига гувоҳликга ўтгучидир. Аллоҳ унга “Сўзла!” деб фармон қилганда ўзининг устида ким нима ишлар содир қилганини окизмай томизмай сўзлаб, гувоҳликга ўтадир.

⁴ Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат. “Аадиятнинг маъноси” “Тулпорлар”.

جَزَاؤُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ عَدْنٍ يَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ لِمَنْ خَشِيَ رَبَّهُ

سُورَةُ الزَّلْزَلَةِ
رَبِّيْهَا ٩٩
آيَاتِهَا ٨

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
إِذَا زُلْزِلَتِ الْأَرْضُ زِلْزَالَهَا ١ وَأَخْرَجَتِ الْأَرْضُ أَثْقَالَهَا ٢ وَقَالَ الْإِنْسَانُ مَا لَهَا ٣ يَوْمَئِذٍ تُخْبِتُ أَعْيُنَهَا ٤ يَا نَ رَبِّكَ أَوْحَى لَهَا ٥ يَوْمَئِذٍ يَصْدُرُ النَّاسُ أَشْتَاتًا لِيُرَوْا أَعْمَلَهُمْ ٦ فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ ٧ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ ٨

سُورَةُ الْعَنَادِبِ
رَبِّيْهَا ٩٩
آيَاتِهَا ١١

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَالْعَادِيَاتِ ضَبْحًا ١ فَالْمُورِيَاتِ قَدْحًا ٢ فَالْمُغِيرَاتِ صُبْحًا ٣ فَأَثَرْنَ بِهِ نَقْعًا ٤ فَوَسَطْنَ بِهِ جَمْعًا ٥ إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُودٌ ٦ وَإِنَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ لَشَهِيدٌ ٧ وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ لَشَدِيدٌ ٨ أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بُعْثِرَ مَا فِي الْقُبُورِ ٩

3 Тонг азонда (душманларга) хужум қилган отларга қасамки:

4 Ўшанда у(от)лар тупрокларни тўзғитган эди

5 ва (душман) галаларининг орасига ёриб кирган эди –

6 Инсон албатта, Роббисига ношуқурдир!⁵

7 Бунга ўнинг ўзи гувоҳ.

8 У бойликни қаттиқ севадир.

9 Билмасми у, қабрлардаги мурдалар чиқарилганда..,

⁵ Аллоҳ таолонинг неъматларига шукур қилиш Унинг Ўзига ҳеч нарсани шерик қўшмай ибодат қилиш орқали ифодаланади. Таассуф шундаки инсонлар ўзларининг ношуқурликларини тан олади, аммо “ана-мана” деб, тавбани кечиктираверади, гуноҳ ишларда давом этаверади.

وَحُصِّلَ مَا فِي الصُّدُورِ ۝ إِنَّا رَحِيمٌ يُؤْمِنُ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّخَبِيرٌ ۝

سُورَةُ الْقَارِعَةِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 الْقَارِعَةُ ۝ مَا الْقَارِعَةُ ۝ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْقَارِعَةُ ۝
 يَوْمَ يَكُونُ النَّاسُ كَالْفَرَاشِ الْمَبْثُوثِ ۝
 وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ الْمَنْفُوشِ ۝ فَأَمَّا
 مَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ ۝ فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَاضِيَةٍ ۝
 وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ ۝ فَأُمُّهُ هَاوِيَةٌ ۝
 وَمَا أَدْرَاكَ مَا هِيَ ۝ إِنَّهَا رَبْحٌ مُنِيبٌ ۝

سُورَةُ التَّكْوِينِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 أَلَمْ نَكُنْ مِنْكُمْ أَلْهَمَكُمُ التَّكْوِينَ ۝ حَتَّى زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ ۝ كَلَّا سَوْفَ
 تَعْلَمُونَ ۝ ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ۝ كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ
 عِلْمَ الْيَقِينِ ۝ لَتَرَوُنَّ الْجَحِيمَ ۝ ثُمَّ لَتَرَوُنَّهَا
 عَيْنَ الْيَقِينِ ۝ ثُمَّ لَتَسْتَلْنَ يَوْمَئِذٍ عَنِ النَّعِيمِ ۝

10 Ва кўкракдаги сирлар ошкора килинганда..

11 Худди ўша куни Роббилари улардан хабардор эканлигини?!¹

«Қориъа» сураси² 101

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Қориъа

2 Қориъа нима ўзи?³

¹ Аслида, аллоҳ таолонинг барча нарсалардан хабардорлиги ўша кунгагина хосланмайди. Бу ердаги хослашдан мақсад у куннинг ўта муҳимлигини таъкидлаш учундир. Зеро, у куни Аллоҳ таоло бандага бу дунёда қилган барча ишларини – агарда у ишлари ўта махфий ва сирли равишда қилинган бўлса ҳам – билдиради. У ишларни бандалар унутган бўлса ҳам Аллоҳ унутмагандир.

² Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат. Маъноси 2-оятнинг шарҳида.

³ «Қориъа» – бу қиёматнинг бир аталиши. Луғатдаги маъноси «Юракларни тушигувчи

3 (Эй, Муҳаммад), сен қориъа нималигини билмассан.

4 У кунда одамлар тўзиган капалаклар каби (бесаранжом) бўлиб қоларлар.⁴

5 Тоғлар эса, титилган жун каби (тўзиб кетар).

6 Аммо, кимнинг (савоблари қўйилган) тарозуси оғир келса,

7 У рози бўладиган маишат ичинда (роҳат-фароғатда) бўлар.

8 Аммо, кимнинг (савоб) тарозуси енгил келса,

9 Унинг онаси «Ҳовия» (бўлиб, оғушига олар).

10 Сен «Ҳовия» нелигин билмассан.

11 У – қиздирилган дўзахдир!

«Такаасур» сураси⁵ 102

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Дунё ва бола-чақа) кўпайтириш сизларни (ибодатдан) алаҳситиб қўйди,

2 Ҳаттоки, (ўлиб) қабристонга келдингизлар.

3 Йўқ! (Умр дунё йиғиш учун берилмаган эди). Сизлар (буни) яқинда билиб олажасиз.

4 Яна бир қарра йўқ! Сизлар яқинда билиб оларсизлар!

5 Ундай бўлмаслиги керак эди! Агар сиз (ҳақиқатни) аниқ билганингизда (умрни беҳуда ўтказмас эдингиз).

6 (Энди) дўзахни албатта кўрарсиз!

7 Кейин уни ўз кўзингиз билан кўражасиз!

8 Ана ундан кейин (Аллоҳ омонат берган) неъматлар(ни нимага ишлатганингиз) ҳақида сўраларсизлар!

таҳлика», ёки «Қаттиқ дуккалатувчи» демақдир.

⁴ Тўзиган тунги капалаклар ўзини ҳар томонга уравергани каби, қиёмат таҳликасидан юраклари қаттиқ дуккиллаган инсонлар ақлу хушини йўқотиб, бир-бирларини босиб, янчиб, ҳар тарафга тўзғиб кетарлар.

⁵ Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат. «Такаасурнинг» маъноси «Кўпайтириш».

«Аср» сураси¹ 103

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 Асрга қасам!²

2 Албатта, (ҳар бир) инсон зиёндадир!

3 Илло, иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган ва бир-бирларига ҳақиқат ҳамда сабрни васият (насихат) қилганларгина (зиёндан омон бўлурлар).

«Хумаза» сураси³ 104

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Одамларни) қилиғи ва тили билан масҳара қилганларга вайл (азоби) бўлсин!

2 У мол-мулкни (ҳалол, ҳаромига қарамай) тўплади ва санади.

3 У “Молим менга абадий ҳаёт берар” деб ўйлайди.

4 Йўк! Улар (қиёматда) албатта, “Хутамага” ташланажаклар!

5 (Эй, Муҳаммад), секн “Хутаманинг” нималигини билмассан.

6 У (Аллоҳнинг) қиздирилган дўзахидирки,

7 (Баданларни тешиб ўтиб), юракларга етадиган!

8 Албатта, у (дўзах) уларнинг устидан (мустаъкам) ёпилгандир

9 узун-узун устунлар(у занжирлар) билан!⁴

«Фил» сураси⁵ 105

¹ Маккада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

² «Аср» сўзининг маъносини олимлар ҳар хил тафсир қилганлар. Баъзилари “Аср – бу даҳрдир” десалар, баъзилари “Аср намозининг вақти” деб тафсир қилганлар. Яна баъзи муфассирлар “Асрдан” мурод Аср намозининг ўзидир” дейдилар.

³ Маккада нозил бўлган. 9 оят. «Хумазанинг маъноси» “масхараловчилар”.

⁴ «Тафсийрул Муяссар»

⁵ Маккада нозил бўлган ва 5 оятдан иборат бу сурада Аллоҳ таоло пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бобоси Абдул Мутталиб даврида бўлган машҳур воқеани хикоя қилади: Ҳабашанинг кофир подшоҳи Абраҳа Каъбани вайрон қилиш ниятида фил ва сон-саноксиз лашкар билан бостириб келганда, Аллоҳ таоло фил эгаларининг ҳийлаларини барбод қилиб, кейинги оятларда айтилгани каби жазога гирифтор қилган эди.

سُورَةُ الْعَصْرِ

آياتها 3

ترتيبها 103

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالْعَصْرِ ۝١ إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خُسْرٍ ۝٢ إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَّصُوا بِالْحَقِّ وَتَوَّصُوا بِالصَّبْرِ ۝٣

سُورَةُ الْهُمَزَةِ

آياتها 9

ترتيبها 104

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ ۝١ الَّذِي جَمَعَ مَالًا وَعَدَّدَهُ ۝٢ يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُ أَخْلَدَهُ ۝٣ كَلَّا لَيُنْبَذَنَّ فِي الْحُطَمَةِ ۝٤ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحُطَمَةُ ۝٥ نَارُ اللَّهِ الَّتِي تَطَّلِعُ عَلَى الْآفَاقِ ۝٦ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَسَدَةٌ ۝٧ فِي عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍ ۝٨

سُورَةُ الْفِيلِ

آياتها 5

ترتيبها 105

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الَّذِي تَرَكَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ ۝١ أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِيلٍ ۝٢ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ۝٣ تَرْمِيهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ ۝٤ جَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ ۝٥

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

1 (Эй, Муҳаммад!) Роббинг фил эгаларига қандай (жазо билан муомала) қилганлигини билмадингми?

2 (Роббинг) уларнинг (Каъбани бузиш учун ўйлаган) ҳийлаларини барбод қилмадимми?

3 Ва уларга (қарши) гала-гала қушларни юбормадимми?⁶

4 (Қушлар чангалидаги) сопол-тошларни уларга отдилар.⁷

5 Бас, (Аллоҳ) уларни(нг баданини куртлар тарафидан) ейилган япроқ сингари (илма-тешик) қилиб қўйди!⁸

⁶ Була оддий қуш эмас, Аллоҳ таолонинг қуш суратидаги аскарлари – фаришталар эди.

⁷ У сопол-тошлар теккан аскарларнинг баданлари курт еган япроқдек илма-тешик бўлиб қоларди.

⁸ Аллоҳ душманларидан Ўз Уйини мана шу тариқа саклади. Мазкукр воқеадан икки

سُورَةُ قُرَيْشٍ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

لَا يَلْفُ قُرَيْشٍ ۝١ إِذْ لَفِيهِمْ رِحْلَةَ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ ۝٢ فَلْيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ۝٣ الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِنْ جُوعٍ وَءَامَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ ۝٤

سُورَةُ الْمَاعُونِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَرَأَيْتَ الَّذِي يُكَذِّبُ بِاللَّيْنِ ۝١ فَذَلِكَ الَّذِي يَدْعُ الْيَتِيمَ ۝٢ وَلَا يَحْصُ عَلَى طَعَامِ الْمِسْكِينِ ۝٣ فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ ۝٤ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ۝٥ الَّذِينَ هُمْ يُرَاءُونَ ۝٦ وَيَمْنَعُونَ الْمَاعُونَ ۝٧

سُورَةُ الْكُوثِرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ۝١ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَحْسِرْ ۝٢ إِنَّ رَبَّكَ شَانِئُكَ هُوَ الْأَبْتَرُ ۝٣

«Қурайш» сураси¹ 106

ойлар чамаси вақтдан сўнг оламлар раҳмати Муҳаммад (с.а.в) ёруғ дунёга келди. Бу воқеъа араб солномачилари тарафидан “Фил йили” деган ном билан тарихга муҳрланди.

¹ Маккада тушган ва 4 оятдан иборат бўлган бу сура гўёки, «Фил» сурасининг узвий давоми кабидир. Каъба ва Абраҳанинг воқеъасидан сўнг, барча араб диёрларида Каъбанинг ва унинг теғрасида яшаган Қурайш қабиласининг хурмат, эътибори ортди. Араб қабилалари Қурайш билан ҳисоблашадиган, унга ҳужум қилса, оқибати нима билан тугашини ҳис қиладиган бўлишди. Энди Қурайшнинг қарвонлари ёз ойларида Шомга, киш ойларида эса Яманга бемалол қатнайдиган бўлди. Аллоҳ таоло Ўзининг бўлажак пайғамбари – Муҳаммаднинг (с.а.в.) қабиласига мана шу тарихқа улфат ва баракали ҳаёт тарзини муҳайё қилиб берди. “Қурайшнинг улфат-тинчлиги қандай ажойиб! Қиш ва ёз ойларидаги (қарвон) сафарларининг инти

Мехрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ Қурайшнинг улфат-тинчлиги қандай ажойиб!

² Қиш ва ёз ойларидаги (қарвон) сафарларининг интизими қандай ажойиб!

³ Энди улар (ҳар қандай худоларни тарк қилиб, ўзларига улфат ҳаёт ва баракали сафар ато этган) мана бу Уйнинг Роббисига ибодат қилишсин!

⁴ У (Роббики), уларни очликда таомлантирди ва хавфу хатарлардан омон сақлади.

«Маъун» сураси² 107

Мехрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ (Эй, Муҳаммад!) Ҳисоб кунини ёлғон деганларни кўрдингми?

² Мана у, етимни(нг ҳаққига хиёнат қилиб) турткилаган одам!

³ У мискинларни таомлантиришга ҳам (ҳеч кимни) тарғиб қилмайди.

⁴ Бас, (баъзи) намозхонларга вайл (азоби) бўлсин!

⁵ Улар намозларини “унутиб кўядиганлар дир”.

⁶ Улар (намозда ва бошқа ибодатларда) риё қиладилар.

⁷ Ва (одамлардан) кундалик эҳтиёж буюмларини қизғанадилар.

«Кавсар» сураси⁵ 108

Мехрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

¹ (Эй, Муҳаммад), дарҳақиқат, Биз сенга “Кавсарни” ато этдик.

зоми қандай ажойиб!”

² Маккада нозил бўлган. 7 оят. «Маъун» “Кундалик эҳтиёж буюмлари” деган маънони билдиради.

³ «Намозни унутиб қўйиш деб, уни ўз вақтидан беузр кечиктириш, арконларига ва шартларига риё қилмай ўқишга айтилади.

⁴ «Риё» - бу ҳўжақўрсинга, халқнинг олқисини эътибор қилиб ибодат қилишдир. Риё амалнинг савобини худди ўтин ўтинни куйдиргандек куйдириб юборади.

⁵ Уч оятдан иборат бу сура ҳам Маккаийн Муқаррамада нозил бўлгандир.

⁶ «Кавсарнинг» луғавий маъноси «кўп неъматлар» деганидир. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига бу дунёда ҳам кўп неъматлар берган. Аммо, охираат жаннатида эса, унга

Энди, сен (ана шундай неъматлар учун шукр қилиб), Роббинг учун намоз ўқи ва қурбонлик қил!

Албатта, сени айбловчилар.., ўзларининг орти узилгандир!¹

«Кафирун» сураси² 109

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

Айтгил: “Эй, кофирлар!

Сизлар ибодат қилган(ёлғон худо)ларга мен ибодат қилмасман!

Сизлар ҳам менинг илоҳим(Аллоҳ)га ибодат қилмассизлар.

Мен сизларнинг худоларга сиғинмасман!

Сизлар ҳам менинг худойимга сиғинмассиз.

(Демак), сизларга – ўз динингиз, менга – ўз диним!

«Наср» сураси³ 110

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

(Эй, Мухаммад!) Агар сенга Аллоҳнинг ёрдами ва (Макка) фатх(и) келса

ва одамларни Аллоҳнинг динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб қираётганлигини кўрсанг..,

У ҳолда Роббингга ҳамд айтиш билан бирга Уни (ноқис сифатлардан) поклагил ҳамда истиғфор тилагин! Албатта, У тавбаларни қабул қилгувчидир!

«Масад» сураси⁴ 111

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

Абу Лаҳабнинг икки қўли ҳам қуриб

سُورَةُ الْكَافِرُونَ
Айати 2

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
قُلْ يَتَّيَبُهَا الْكُفْرُوتُ ۝١ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ۝٢
وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ۝٣ وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُمْ ۝٤
وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ۝٥ لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ ۝٦

سُورَةُ النَّصْرِ
Айати 3

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ۝١ وَرَأَيْتَ النَّاسَ
يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ۝٢ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ
وَاسْتَغْفِرْ لَهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا ۝٣

سُورَةُ الْمَسَدِ
Айати 5

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ۝١ مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا
كَسَبَ ۝٢ سَيَصْلَىٰ نَارًا إِذَا تَلَهَّبَ ۝٣ وَأَمْرَاتُهُ
حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ۝٤ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ ۝٥

қолсин! Қуриб ҳам қолди!⁵

Молу дунёси ва бола-чақалари унга фойда бермади!

Яқинда у ловуллаган дўзахга ташланажак!

Унинг аёли (Умму Жамил) ҳам ўтин кўтарган ҳолда (дўзахга тушажак!)

Унинг бўйнида хурмо дарахтининг

«Кавсар» деб номланган дарё билан худи шу аталишдаги хосиятли булокни ато қилар.

¹ Пайғамбаримиздан (с.а.в.) ўғил фарзанд қолмаганлиги маълум. Фарзандлари Қосим вафот қилганида ашаддий душманларидан бири Ос ибни Воил “Ортинг кесилди!” яъни ишининг давомчиси қолмади деб ҳақорат қилади. Аммо, Мухаммаднинг (с.а.в.) орқасида ҳар куни унинг номига салаватлар айтадиган миллионлаб умматлари, ишининг давомчилари қолгани ҳолда, уни ҳақоратлаганларни ҳеч ким эсламайди.

² Маккада нозил бўлган. 6 оятдан иборат. «Кафирун» «Кофирлар» деган маънони билдиради..

³ Мадинада нозил бўлган. 3 оятдан иборат. “Насрнинг” маъноси “Ёрдам” демакдир.

⁴ Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

⁵ Абу Лаҳаб пайғамбаримизнинг амакиларидан бири бўлганига қарамасдан ислом ва мусулмонларга ашаддий душманлиги билан ажралиб турарди. Унинг хотини Умму жамил ҳам душманликда эридан қолишмас эди. Аллоҳ таоло мана шу оятни нозил қилиб, Абу Лаҳабнинг қўли қуриб қолишлиги яъни ҳалок бўлишлиги ҳақида айтганидан кўп ўтмасдан илоҳий башорат ўз тасдиғини топиб, Абу Лаҳаб ҳалок бўлди. Бу башоратлар пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ байғамбарлигига навбатдаги далил эди.

سُورَةُ الْاِخْلَاصِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ① اللَّهُ الصَّمَدُ ② لَمْ يَلِدْ
 وَلَمْ يُولَدْ ③ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ ④

سُورَةُ الْفَاتِحَةِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ① مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ② وَمِنْ
 شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ③ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي
 الْعُقَدِ ④ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ⑤

سُورَةُ النَّاسِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ① مَلِكِ النَّاسِ ② إِلَهِ
 النَّاسِ ③ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ④ الَّذِي
 يُؤَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ⑤
 مِنَ الْعِجْتَةِ وَالنَّاسِ ⑥

толасидан (эшилган) аркон бўлар!¹

«Ихлос» сураси² 112

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- ① Айтгил: Аллоҳ – ягонадир!
- ② У – Бехожатдир!
- ③ Туғмаган ва туғилмагандир!
- ④ Унга ҳеч ким (ва ҳеч нарса) тенг эмасдир!

«Фалақ» сураси³ 113

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

- ① Айтгил: “Тонг Роббисидан паноҳ тиларман!”

¹ Тафсирчи уламолар Умму Жамилнинг ўтин кўтарган ҳолда дўзахга тушишлиги унинг бу дунёда кўтарган кўп гуноҳлари, хусусан, пайғамбаримизнинг йўлларига тиконлар сочиб хорлаганининг жазоси учун дерлар.

² Маккада нозил бўлган. 4 оятдан иборат.

³ Мааккада тушган. 6 оятдан иборат.

② Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан (паноҳ тиларман!)

③ Қоплаб кирган вақтидаги туннинг ёмонлигидан (паноҳ тиларман!)⁴

④ Тугунларга дам солган сеҳргарларнинг ёмонлигинин (паноҳ тиларман!)

⑤ Ва ҳасад қилганда ҳасадчининг ҳасадидан (паноҳ тиларман!)⁵

«Ан-Нас» сураси⁶ 114

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан!

① Айтгил: “Мен инсонларнинг Роббисидан,

② Инсонларнинг (мутлақ) подшоҳидан,

③ Инсонларнинг (ибодатга лойик) илоҳидан паноҳ тиларман:

④ Махфий шайтоннинг ёмонлигиданки,

⑤ У одамларнинг қалбига васваса солғучидир.

⑥ (Озғиргувчи шайтонлар) жинлардан ва инсонлардан бўлар.⁷

⁴ Қоронғулик қоплаган пайтда инсонлар ҳаёт ташвишларидан тин олсалар, жинлар аксинча, тўзғиган вақт бўлади. Шунингдек, инсонга ваҳшийлар, заҳарли ҳашаротлар ва шу каби бошқа нарсалар ҳам кўпинча тунда зиён етказида.

⁵ Мазкур оятлар инсонга сеҳргарларнинг сеҳри (иситма-совутма сингари) ва ҳасад Аллоҳнинг амри билан зиёнли таъсир қилишлигига далилдир. Шунинг учун пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам сеҳрдан ва кўздан (ҳасаддан) мана шу икки сура билан паноҳланишга буюрганлар. Шунингдек, бар одамнинг неъматини кўрганда “О, қандай гўзал!” ёки “Намунча яхши!” деган каби сўзларни истеъмол қилмасдан “Мо шоаллоҳу, таборакаллоҳу!” (Аллоҳнинг ҳолаганидек! Аллоҳ баракотлидир!) деган жумлани айтиш суннатдир. Ана шунда ўзи ажабланган насага одамнинг ҳасади тегмайди.

⁶ Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган ва 6 оятдан ташкил топгандир. «Ан - Нас» «Инсонлар» деган маънони билдиради.

⁷ Аллоҳ таоло бу ерда инсонларни йўлдан оздирган одамларни ҳам “шайтонлар” деб атамоқдадир.

Мусулмоннинг ҳаётидаги ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАР.

1. Мусулмон одам ақидасини қайси манбаъдан олади? Аллоҳ таолонинг китоби Куръону Карим билан пайғамбаримизнинг саҳиҳ суннатларидан олади.

2. Агар биз ўзаро баҳслашиб (ихтилоф қилиб) қолсак нима қиламиз? Шариатга – Аллоҳнинг китоби ва пайғамбарининг Суннатига қайтиб, ҳукми ўшалардан излашимиз керак. Чунки, Аллоҳ таоло бундай деган:

﴿ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ ﴾ **“Агар бир нарсада низолашиб қолсангиз, уни Аллоҳга ва Расулига қайтарингиз!”**.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса, бу борада: “Мен сизларга икки нарсани (мерос) қолдирдим. Ўшаларни маҳкам ушласангиз ҳеч қачон адашмайсизлар: Аллоҳнинг Китоби ва пайғамбарининг Суннати” деганлар. (Мувагто).

3. Қиёмат кунида “фирқатун ножиya” (дўзахдан нажот топган жамоат) ким бўлар? Бунинг жавоби пайғамбаримизнинг мана бу сўзларида мавжуддир: *“...Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетар. Уларнинг биргинасидан бошиқа барчаси дўзахдадир”. Саҳобалар айтдилар: “Эй, Аллоҳнинг элчиси! Улар (нажот топганлар) кимлардир?” (Расулulloҳ) дедилар: “Менинг йўлимдан ва саҳобаларимнинг йўлидан юрганлардир”*. (Аҳмад ва Термизий ривояти)

Ҳақиқат – бу пайғамбаримиз ва унинг саҳобалари каби дин тутишдир. Демак, биз агар фирқатун ножиya бўлишни, амалларимиз қабул бўлишини истасак, динда фақат ва фақат ўшаларнинг изларидан юришимиз ва ҳар қандай бидъатлардан йироқ бўлишимиз лозимдир.

4. Солиҳ амаллар қабул бўлишининг шарти нимадир? Унинг уч шарти бордир: **1)** Иймон. Аллоҳ кофирларнинг амалини қабул қилмас. **2).** Ихлос, яъни амалларни Аллоҳ розилиги учунгина қилиш. **3).** Пайғамбарга (с.а.в.) тобеъ бўлиш. Яъни у зот қилгани каби қилиш. Ким қайси амални пайғамбар (с.а.в.) ўргатганридек қилмаса ёки у қилмаган амални қилса, гарчанд у амал ташқи кўринишидан яхшидек кўринса ҳам қабул бўлмас, ҳабата бўлар. Аллоҳ таоло деди: ﴿ وَقَدِمْنَا إِلَىٰ مَا عَمِلُوا مِنَّ عَمَلٍ فَجَعَلْنَاهُ هَبْآةً مِّنْثُورًا ﴾ **“Биз улар қилган амалларга келиб, у(амал)ларни чанг-тўзонга айлантирдик!”**. (25/23).

5. Ислom дини неча қисмдан иборат? Уч қисмдан иборат бўлиб, улар: Ислom, Иймон ва Эҳсондир.

6. Ислom нима ва унинг неча аркони бор? Ислom – бу Аллоҳ таолога тавҳид билан бўйин эгиш, Унга тоат- ибодат қилиш ва ширк ҳамда ширк аҳлидан узилишдир. Унинг арконлари бешдир ва бу ҳақда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деганлар: **«Ислom беш нарсанинг устига қурилгандир: «Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқ» деб гувоҳлик бериш, намоз ўқиш, закот бериш, ҳажга бориш ва Рамазон рўзасини тутиш»** (Муттафақун алайҳ)

7. Иймон нима ва унинг неча аркони бор? Иймон – бу юрак билан ишониш, тил билан талқин қилиш ва аъзолар билан амал қилишдир. Иймонимиз итоат билан кўпайгани сингари, гуноҳлар туфайли озаядир. Аллоҳ таоло айтган: ﴿ هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لِيَرُدَّادُوا إِلَىٰ إِيْمَانِنَا مَعَ إِيْمَانِهِمْ ﴾ **“У (Аллоҳ таоло) иймонли зотларнинг юракларига – уларнинг иймонларига янада иймон кўшиш учун – тинчлик-хотиржамлик туширди”** (Фатҳ. 4).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзлари ҳам иймоннинг кўпайишига ва озайишига далил бўлади: **«Иймоннинг етмишдан ортиқ даражаси бор бўлиб, энг юқори даражаси “ла илаҳа иллаллоҳ” калимасин айтмоқ, энг тубан даражаси эса, йўлдан зарарли нарсаларни олиб қўймоқдир. Ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир»**. (Муслим)

Бу ҳақиқатни қувватловчи яна бир маъно шуки, агар мусулмон одам бир савобли иш қилса, юрагида нашот (рағбат) ҳис қилади. Аммо, бир гуноҳ ишни содир қилса, юрагида ғашлик пайдо бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

﴿إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ أَلْسِفَاتِ﴾: **“Савоб ишлар гуноҳ ишларни кетирар”** дегандир.

Иймоннинг арконлари эса, олтитадир. Уларни пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бу тарзда санагандир: **“Аллоҳга, фаришталарга, китобларига, пайгамбарларига, охират кунига ва яхши ҳамда ёмон тақдирга иймон келтиришинг”**. (Бухорий)

8. “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасининг маъноси недир? Бунинг маъноси биринчидан, Аллоҳдан бошқа сохта худоларнинг ибодатга муносиб эмаслигини таъкидлаш билан бир қаторда уларни йўққа чиқариш. Иккинчидан, ибодатни ягона ҳақиқий илоҳ – Аллоҳгагина исбот қилиш.

9. Аллоҳ биз билан биргами? Ҳа. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло биз билан биргадир, аммо Унинг биргалиги Зоти билан эмас, балки, илми, кўриши, сақлаши, қудрати ва хоҳиши биландир. Унинг Зоти махлуқларнинг зотига ўхшамас. Уни ҳеч бир махлуқ иҳота қила олмас!

10. Биз Аллоҳни кўз билан кўра оламизми? Аллоҳни бу дунёда ҳеч бир кимса кўра олмас. Аммо, иймонли зотлар Уни охиратда: Махшарда ва Жаннатда кўра оладилар. Аллоҳ таоло деди: ﴿وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاضِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ﴾ **“У кунда иймонли юзлар Роббисини кўриш билан шод-хуррам!”**

11. Аллоҳнинг исм-сифатларини билишнинг қандай фойдаси бор? Аллоҳ таоло бандаларига энг аввало Ўзини танишликни фарз қилди. Агар бандалар Уни танисагина Унга ихлос билан ибодат қиладилар. Аллоҳ таоло деди:

﴿فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنبِكَ﴾ **“Билгин, ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Аллоҳгина бор ва гуноҳларинг учун Ундан кечирим сўра!”** (47/19)

Аллоҳ таолонинг “Раҳмон” (Раҳмли) деган номини эслаш Унга ёлборишликни тақозо қилса, “Қахҳор” (Қаҳрли) деган исмини ёдга олиш билан банда Унга гуноҳкор бўлишдан кўрқади. Шунингдек, “Раззоқ” (Ризқ берувчи) деган исми билан танишган инсон дарҳол Унга шукр қилишга ошиқади. **Аммо, “Аллоҳнинг исм-сифатлари билан ибодат қилишдан” мақсад, у исм-сифатлар билан уларнинг маъноларини теран билиш ва маънолари билан амал қилишдир.**

Аллоҳ таолонинг шундай исмлари ҳам борки, агар банда улар билан сифатланса, мақтовгагина сазовор бўлади. Масалан, олимлик, раҳмдиллик, адолатпарварлик каби.., Бирок, исм-сифатлардан шундайлари ҳам борки, банданинг улар билан сифатланиши мункардир. Масалан: улуҳият (илоҳлик), мутакаббирлик, Ўз саховатини, неъматини миннат қилиш каби.., **Аммо, бандаларнинг ўзигагина хос сифатларига келсак, у билан сифатланишга буюрилган, ижобий сифатлар тубандагилардир:** Аллоҳга қуллик, мудом Унга



мухтожлик, дуо қилиш, камтаринлик ва ҳоказолар... Бу сифатлар билан Робби таолони сифатлаш мумкин эмас. Бандалар орасидан Парвардигорга севикли бўлганлари У севган сифатлар билан сифатланган одамлардир. Шунингдек, Аллоҳ ёмон кўрган одамлар Унга ёкмаган сифат билан сифатланган кишилардир.

12. Аллоҳ таолонинг исм-сифатлари қайсилар? Бу борада Аллоҳ таоло мана бундай дегандир: ﴿وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا﴾ **“Аллоҳнинг гўзал исмлари борки, Унга ўшалар билан дуо қилингиз!”** (7/180) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Аллоҳнинг 99 исми бордир. Бир кам юз. Ким ўшаларни (маъносини билиб) санаса жаннатга киражак!”** (Муттафақун алайх)

Асмойи сифатларни санаш тубандаги уч иш билан комил бўлади:

1) Лафзларини ва ададини санаш. **2)** маъноларини ва далолатларини тушуниш ва унга иймон келтириш. Масалан, **“Ал Ҳакийм”** деса, барча ишларини Аллоҳга топширади. Чунки, барча ишлар Аллоҳ ҳикматининг тақозоси билан бўлар. **3)** Аллоҳга ўша исмлар билан дуо қилиш. Масалан, **“Ё, Ситтийр, менинг айбларимни очма (пардала)!”, ёки “Ё, Карийм, менга карам қил!”** каби. Аллоҳ таоло (Сулаймон алайҳиссаломнинг тилидан) мана бундай деди: ﴿وَهَبْ لِي مَلَكًا لَا يَتَّبِعِي لِأَحَدٍ مِّنْ بَعْدِي إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ﴾ **“Менга, мендан кейин ҳеч кимга лойиқ бўлмаган мулк ато қил. Чунки Сен Ваҳҳобдирсан!”**

Излаган одамлар Қуръон ва саҳиҳ суннатдан тубандаги исм-сифатларни топа олади:

Исм-сифатлар	Исм-сифатларнинг маънолари
Аллоҳ (اللَّهُ)	барча халқларнинг ягона Роббиси ва Маъбуди. Бас У ибодат ила толпинилажак, фақат Унга бош эгиб, олдида хор бўлинажак Илоҳдир! Рукуъ ва сажда ва бошқа барча ибодатлар фақат Унга хосдир!
Ар Раҳмон (الرحمن)	ўта Раҳмли. Бу исм фақат Аллоҳгагина хос бўлиб, унинг раҳмати барча махлуқотларга шомиллигини билдиради.
Ар Раҳийм (الرحيم)	иймонлиларга Меҳрибон. Аллоҳнинг иймон аҳлига бўлган раҳмдиллиги бу дунёда уларга ҳидоят ато қилиш билан, охиратда эса жаннатга дохил қилиш билан изҳор қилинажак.
Ал Афувв (العفو)	гуноҳларни Ўчиргувчи. Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини, улар ўша гуноҳи учун жазога лойиқ бўлгани ҳолда ўчиради.
Ал Ғофур (الغفور)	гуноҳларни Беркитгувчи. Аллоҳ таоло бандаларнинг гуноҳларини очмасдан, у сабабли азобламасдан беркитади.
Ал Ғаффор (الغفار)	ўта Мағфиратли, Кечиргувчи.
Ар Рауф (الرؤف)	ўта Меҳрибон. Аллоҳнинг бу раҳмати бу дунёда барча махлуқларига оmdir. Аммо, охиратда эса баъзи авлиёларига хосдир.
Ал Ҳалийм (الحليم)	Юмшоқ кечиргувчи. (гуноҳ қилган бандаларини жазолашга Қодир бўла туриб, уларни мағфират қилувчи)
Ат Тавваб (التواب)	ҳоҳлаган бандасини тавбага муваффақ қилиб, уларнинг тавбаларини қабул қилгувчи.
Ас Ситтийр (الستير)	бандасини халқларга шарманда қилмасдан Пардуовчи, ўзининг ҳамда бошқаларнинг номус-авратини пардуаган бандасини Севувчи.
Ал Ғаний (الغني)	Ўз исм-сифатларида мутлақ комиллиги туфайли ҳеч бир махлуққа мухтож бўлмаган, аммо иона-инъоми ўта кўплиги сабабли барча мавжудот Унга мухтож бўлган Зот.

Ал Қарийм (الكريم)	Жўмард. Ҳоҳлаган бандасига ҳоҳлаганидек, бандаси сўраса-сўрамаса жўмардлик қиладиган ҳамда гуноларни кечириб, айбларни пардуовчи Зот.
Ал Акрам (الاکرم)	Карамли Зот. Тенгсиз карам соҳиби. Барча яхшилик Ундан. Мўминларни Ўз фазли билан мукофотлагувчи, юз ўгирувчиларга Ўз адли билан муҳлат берувчи.
Ал Ваҳҳоб (الوهاب)	Кўп ҳиба (мукофот) берувчи. Беришлигида ғараз ҳам умид ҳам бўлмас. Сўратмасдан берар.
Ал Жавод (الجواد)	Халқига кўп фазл соҳиби. Фазли иймонлиларга кўпроқ.
Ал Вадуд (الودود)	дўстларини Севувчи. Севишлигини уларни кечириш, уларга неъмат бериш, улардан рози бўлиш ва амалларини қабул қилиш билан изҳор қилар, улар учун ерда қабулиятни барпо қилар.
Ал Муътий (المعطي)	Ўз хазинасидан ҳоҳлаган халқига ҳоҳлаган нарсасини ато қилгувчи. Унинг атоёлари (берган неъматлари) аавлиёлари учун кўпроқдир. Ал Муътийнинг яна бир маъноси: ҳар нарсага хилқат ва суврат ато қилгувчи демакдир.
Ал Восеъ (الواسع)	Сифатлари ҳеч ким санай олмас даражада Кенг. Шунингдек, улуғлиги, салтанати, мағфирати, раҳми, фазли ва эҳсони Кенг
Ал Муҳсин (المحسن)	Зотида, исм-сифатларида ва феълида комил Хусн Эгаси. Халқига эҳсон қилгувчи ва барча нарсани чиройли яратувчи.
Ар Розиқ (الرازق)	барча халойиққа Ризқ бергувчи. Оламларни яратмасдан илгари уларнинг ризқини тақдир қилувчи ва қанча замонлардан кейин бўлса ҳам уларнинг ризқларига кафиллик берувчи.
Ар Раззоқ (الرزاق)	кўп Ризқ улашувчи. Халқини сўратмасдан ризқлантирувчи. Ҳатто, осийларга ҳам ризқ берувчи.
Ал Латийф (اللطيف)	барча сирларни ўта нозик билгувчи. Унга ҳеч нарса махфий бўлмас. Бандаларига улар кутмаган тарафдан манфаат ва хайротлар етказувчи.
Ал Ҳабийр (الخبير)	барча нарсалардан Хабардор. Ўз илми билан нарсаларнинг зохирию ботинини бирдай билувчи.
Ал Фаттоҳ (الفتاح)	Ўз илми ва ҳикмати тақозосига кўра Ўзи ҳоҳлаган ризқининг, раҳматининг ва мулкининг хазинуарини Очувчи.
Ал Алийм (العليم)	барча нарсаларнинг зохирию ботинини, сиринию ошкорасини, ўтмишини, ҳозирини ва келажагини Билгувчи. Ундан ҳеч нарса махфий қолмас.
Ал Борру (البر)	халқига чексиз яхшилик қилгувчи. Унинг неъматларини ҳеч ким санаб битира олмас. У ваъдасига содиқ, бандасини кечирар, ёрдам берар ва химоя қилар. Бандасидан оз нарсани ҳам қабул қилар ва уни (оз амални) ўстирар.
Ал Ҳақийм (الحكيم)	ҳар нарсани ўз ўрнига қўйган Донишманд. Унинг тадбирига ҳеч нарса халал бера олмас.
Ал Ҳакам (الحکم)	халқларига адолат билан ҳукм қилгувчи. Улардан ҳеч бирига зулм қилмас. У Ўз китобини бандалари орасида ҳакам бўлиши учун нозил қилди.
Аш Шокир (الشاکر)	Ўзига итоат қилган бандаларга Сано айтувчи. Оз амалга кўп мукофот бергувчи. Неъматга шукр қилган бандаларига дунёда неъматни зиёда қилар, охиратда ажр берар.
Аш Шакуур (الشکور)	Шукр қилгувчи (банданинг озгина савоб ишига кўп мукофот берувчи, озгина яхшиликга кўп яхшилик қайтарувчи)
Ал Жамийл (الجميل)	Ўзининг зотида, исм-сифатларида ва феълида мутлақ Гўзал. Халқ-халойиқдаги барча гўзаллик фақат Ундандир.
Ал Мажийд	осмонлару ерда фахр, иззат, карам ва Улуғлик Соҳиби

(المجيد)	
Ал Валий (الوالي)	Ўз дўстарига Дўст, Ёрдамчи. Олам ишлари ва мулк тадбирини Бошқарувчи.
Ал Ҳамийд (الحميد)	Ўз исм-сифатларида ва феълида Мақталган. Шунинг учун унга оғирлигу енгилликда, машаққату роҳатда бирдай ҳамд айтилар. У барча камол сифатлари билан сифатлангани туфайли мудом ва мутлақ саного лойиқдир.
Ал Мавла (المولى)	мутлақ Эга, Подшоҳ ва Ҳожа. Ўз дўстларига Ёрдамчи.
Ан Насийр (النصير)	ҳоҳлаган бандасига нусрат (ёрдам) берувчи. У кимга нусрат берса уни енгувчи бўлмас, У кимни хор қилса унга ёрдамчи бўлмас.
Ас Самийъ (السميع)	барча нарсаларнинг зоҳирию ботинини, сиринию ошкорасини Эшитгувчи. Дуоларни ижобат қилувчи.
Ал Басийр (البصير)	оламдаги барча дақиқ ва катта, махфий ва зоҳир, ғайбий ва ошкор нарсаларни Кўргувчи.
Аш Шаҳийд (الشهيد)	халқини кузатувчи-Гувоҳ. Адл ила қоим туриб, Ўзининг ваҳдониятига Гувоҳ. Шунингдек, Ўз ваҳдониятини таниган мўминларнинг, пайғамбарларнинг ҳамда фариштаарнинг содиқлигига Гувоҳ.
Ар Роқийб (الرقيب)	бандаларининг амалларини ҳисоб қилиб, мудом уларни Кузатувчи. Уни бу мақомидан ҳеч ким ва ҳеч нарса алаҳсита олмас.
Ар Рафийқ (الرفيق)	феълларида ўта Мулоийм. Осий халқларини жазолашга шошилмай, уларга муҳлат беради. Бандаларини тоқатлари етмайдиган ишга буюрмайди, бандаларига мулоиймликни севгани сабабли уларга мулоиймлик билан муомала қилади.
Ал Қарийб (القريب)	барча халқларга Ўз илми ва кудрати билан Яқин. Хоссатан, иймонлиларга лутфи ва нусрати билан Яқин. Ана шундай яқинлиги билан У Арш устидадир. Унинг Зоти махлуқотларга аралашган (ҳар жойда) эмас.
Ал Мужийб (المجيب)	Ўз илми ва хикматининг такозосига кўра сўровчиларнинг дуоларини Қабул қилгувчи.
Ал Муқийт (المقيت)	Ризқ ҳамда озиқни яратгувчи ҳамда уларни халқларга етказиб бергувчи. Бандаларнинг амалларини ва ризқларини бенуқсон сақловчи.
Ал Ҳасийб (الحسيب)	бандаларнинг дин ва дунё ишларига кифоя қилгувчи. Бу кафилликдан иймонлиларга катта улуш бордир. У бандаларининг ҳаёти дунёдаги амалларини ҳисоб-китоб қилар.
Ал Муъмин (المؤمن)	пайғамбарлар ва уларга тобеъ бўлганларнинг содиқ эканликларига Ўзи гувоҳ бўлганлигини ва уларнинг содиқлигига далилларни қоим қилганлигини Тасдиқлагувчи. Дунё ва охиратда эминлик (тинчлик) берувчи. Ўзига иймон келтирганларга зулмдан, азобдан ва қиёмат дахшатларидан эминлик берад.
Ал Маннон (المنان)	кўп атоёлар ва улуғ инъомлар қилгувчи. Халқларни неъматлар билан ўраб ташлагувчи.
Ат Тоййиб (الطيب)	барча айбу нуқсонлардан Пок. Мутлақ ҳусн ва комиллик соҳиби. Ўзи Пок бўлгани сабабли амаллардан ҳам ҳалол-поқларини ва Ўзига холис бўлганларини гина қабул қилар.
Аш Шофий (الشافى)	қалб ва бадан касалликларига Шифо бергувчи. Бандаларнинг қўлида Аллоҳ муяссар қилган даволаш гина бор. Аммо, шифо фақат Аллоҳнинг қўлида.
Ал Ҳафийз (الحفيظ)	иймонли бандаларни ва уларнинг амалларини Ўз фазли билан Сақловчи. Бошқа махлуқотларни Ўз кудрати билан Сақловчи.

Ал Вақийл (الوكيل)	оламларнинг тадбирига Етакчи, имдод сўраган халқларга Таянч. Иймонли бандалар бир ишга киришиш олдидан Унга таваккул қиладилар, ёрдам сўрайдилар, муваффақ қилгандан сўнгра Унга шукр қиладилар. Мабодо синалсалар, тақдирига рози бўладилар.
Ал Ҳаллоқ (الخالق)	кўп ва тинимсиз Яратувчи. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яратишдан тўхтамаган ва тўхтамас.
Ал Ҳолиқ (الخالق)	барча нарсаларни аввалдан ва тенгсиз Яратувчи.
Ал Бориъ (البارئ)	Ўз тақдирида яратишни қарор қилган нарсаларни йўқдан бор қилиб, вужудга келтирувчи.
Ал Мусаввир (المصور)	Ўз илми, раҳмати ва ҳикмати тақозоси билан барча нарсаларга Ўзи хоҳлагандек сурат-шакл Ясовчи.
Ар Робб (الرب)	Ҳожа, Яратувчи, Эга. Халқларни неъматлари билан тарбиялаб, аста-секин парваришловчи. У Ўз дўстларини уларнинг қалбларини ислоҳ қилиш билан тарбиялар.
Ал Азийм (العظيم)	Зотида ва исм-сифатларида мутлақ Улуғлик соҳиби. Шунинг учун барча халқлар Унинг Ўзини ва амру фармонини улуғлашлари вожиб.
Ал Қоҳир (القاهر)	– Енгувчи. Ўз хоҳишига Бўйсундиргувчи. Бандалар мудом Унинг олдида хордир. У эса доимо ғолиб ва олийдир. У Қаҳҳор исми У Қоҳирнинг кучайтирилган маъносидир.
Ал Қаҳҳор (القهار)	
Ал Муҳаймин (المهيمن)	барча нарсаларни сақлаб, Ихота қилиб тургувчи.
Ал Азиз (العزیز)	барча буюклик ва кудрат соҳиби. Зеро Унинг кудрати буюк – Енгилмас, беҳожатлиги буюк – ҳеч кимга муҳтож бўлмас, қаҳри ва ғолиблиги буюк – ҳеч нарса Унинг изнисиз ҳаракатга келмас.
Ал Жаббор (الجابار)	барчи нарсаларни Ўз хоҳишига ва ҳукмига мажбуран Бўйсундирувчи. У хоҳласа муҳтожга ёрдам берар, фақирни бой қилар, оғирни енгил қилар, касалга шифо берар ва мусибатни арилтар.
Ал Мутақаббир (المتكبر)	барча ёмонлик ва нуқсонлардан Буюк. Бандаларга зулм қилишдан олий, золимларни енгувчи. Бу сифатларни “Кибриё” дейилар. Аллоҳ кибриёлик сифатини Ўзидан талашганлардан ўч олар ва азобга солар.
Ал Қабийр (الكبير)	Ўзининг зотида, исм ва сифатларида ҳар нарсадан Улуғ. Унинг улуғлиги олдида ҳар нарса ҳақир ва арзимас.
Ал Ҳайий (الحیی)	Ўзининг жалолати ва буюк салтанатига лойиқ Иболи. Унинг ибоси жалолат, саховат, яхшилик ва карам юзасидандир.
Ал Ҳайй (الحی)	абადий ва боқий ҳаёт соҳиби. Ҳаётининг аввали ҳам охири ҳам йўқ. Олам-вужуддаги барча ҳаёт Ундандир.
Ал Қайюм (القیوم)	борликни сақлаб, ҳеч нарсага муҳтож бўлмасдан, ҳар нарса унга муҳтож бўлиб, махлуқотларини доим муҳофаза қилиб Тургувчи.
Ал Ваарис (الوارث)	барча халқ фоний бўлгандан сўнг ёлғиз қолувчи. Барча нарсалар Унга қайтар. Бандаларнинг қўлларидаги нарсалар ҳам Аллоҳдан омонат. Биз ўтиб кетамиз, барча мулк Ўз соҳиби Аллоҳга қайтар.
Ад Даййан (الديان)	қиёмат куни Сўроққа тортувчи. Барча Унинг олдида бош эгиб турар. У эса хайрот аҳлининг савобларини кўпайтириб берар, осийларни эса хоҳласа жазога тортар хоҳласа кечирар.
Ал Малик (المالك)	оламлар Подшоҳи. Буйруқ ҳам таъқиқ ҳам Ўзига хос. Ўз мулки ва раъиятида хоҳлаганини қилар. Ундан ошиқча фазл ва ҳуқуқ ҳеч кимда йўқдир.



Ал Молик (المالِك)	халқ-халойикни яратган мутлақ Ҳожа, Эга, Подшоҳ. Халқ-халойик заволга юз тутганда ҳам мулк Унинг илкидадир.
Ал Малийк (المليِك)	мутлақ мулк соҳиби. У Малийк У Моликнинг кучайтирилган маъносидир.
Ас Суббух (السبوح)	мутлақ жамол ва камол соҳиби бўлгани туфайли барча айбу нуқсонлардан Пок.
Ал Қуддус (القدوس)	мутлақ жамол ва камол соҳиби бўлгани туфайли барча айбу нуқсонлардан Пок. Унинг поклиги бемислдор.
Ас Салом (السلام)	Ўзининг феълида, исм ва сифатларида барча нуқсонлардан Саломат. Дунёю охиратдаги барча саломатлик Ундан.
Ал Ҳаққ (الحق)	Ўз зотида ва сифатларида, шунингдек улухиятида Ҳақиқат. Ҳақиқий Маъбуд Удир ва Ундан бошқа маъбудлар ботилдир.
Ал Мубийн (المبين)	бандаларига тўғри йўлни ҳам, залолатни ҳам аниқ Баён қилувчи. Унинг иши ҳикматида ҳам, раҳматида ҳам, ваҳдониятида ҳам аниқдир.
Ал Қовий (القوي)	хоҳлаганини қила оладиган мутлақ қудрат соҳиби, энг Кучли.
Ал Мағийн (المتين)	куч-қудратида Мустаҳкам. Ўз ишларини адо қилишда Унга ҳеч қандай машаққат, кулфат келмас, чарчоқ Уни ушламас.
Ал Қодир (القادر)	барча нарсага Қудратли. Еру осмонлардаги ҳеч нарса Уни ожиз қила олмас. У ҳар нарсанинг тақдирини белгилар.
Ал Қодийр (القدير)	бу исм ҳам У Қодир маъносиди. Фақат маъно жиҳатидан ундан муболағалирок
Ал Муқтадир (المقتدر)	Аллоҳнинг собиқ илмида белгиланган тақдирларни ижро қилишда чексиз Қудрат соҳиби.
Ал Алий (العلي),	Шаъни, қаҳри ва зоти Олий. Барча нарса Унинг қаҳри ва султони остидадир. Ундан юксакда ҳеч нарса йўқдир.
Ал Аълаа (الاعلى)	
Ал Мутаъал (المتعال)	Олий. Унинг олийлиги остида барча хордир. Ундан олий (баланд, буюк) ҳеч нарса йўқдир. Балки, барча нарсалар Удан тубандир ва қудрати остидадир.
Ал Муқаддим (المقدم)	хоҳлаган нарсасини Ўз ҳикмат ва иродасига мувофик ўринларга муқаддам қилгувчи. Ўз илми ва ҳикмати билан хоҳлаган бандасини бошқаларидан Ўздиргувчи.
Ал Муаххир (المؤخر)	Ўз ҳикмати билан хоҳлаган нарсасини Кечиктиргувчи. Шунингдек, тавба қилишларини кутиб, осий бандаларига азобни кечиктиргувчи.
Ал Мусаъъир (المسعر)	Баҳо бергувчи, кадрини ўлчовчи. Нарсаларнинг кадрини, қийматини (бахосини) ва таъсирини ўстирувчи ёки пастлатувчи. Демак, нарсалар Унинг илми ва ҳикмати тақозосига кўра арзон ёки қиммат, кадрли ёки кадрсиз бўлар.
Ал Қобиз (القابض)	ризқларни ва жонларни Олгувчи. У Ўз ҳикмати тақозоси ила хоҳлаган бандасининг ризқини ва жонини олар.
Ал Босит (الباسط)	Ризқни ва меҳрибонликни Кенгайтувчи. Тавба қилган осийларга мағфират қўлини кенг очувчи.
Ал Аввалу (الاول)	энг Аввалги Ундан аввал ҳеч ким ва ҳеч нарса бўлмаган, барча нарсаларни У яратган. Аммо Ўз вужудининг ибтидоси йўқдир.
Ал Аахиру (الآخر)	энг Охирги. Ундан сўнг ҳеч нарса бўлмас. У боқийдир, Ундан ўзга ҳар нарса фонийдир. Унинг вужудининг интиҳоси йўқдир.
Аз Заахиру	барча нарсалардан Устун яъни Олийдир. Ундан олий ҳеч нарса

(الظاهر)	йўқдир. Барча нарсадан устивор ва ихота қилгувчидир.
Ал Баатину (الباطن)	барча нарсалардан Теран. Ундан теран ҳеч нарса йўқ. У яқиндир, барча нарсаларни ихота қилгувчидир ва бу дунёда бандалар кўзига кўринмасдир.
Ал Витр (الوتر)	У беназир Ягонадир, шериксиз Ёлғиздир.
Ас Саййид (السيد)	Халқининг устида мутлақ сиёдат – ҳожалик соҳиби. У уларнинг Эгаси ва Роббисидир. Улар (барча халқлар) эса Унинг халқи ва бандасидир.
Ас Сомад (الصمد)	барча махлуқотлар унга муҳтож, У эса барча нарсадан Бемуҳтож. У барчани таомлантирар, Ўзи таомга муҳтож эмас.
Ал Воҳид (الواحد)	Барча камол сифатларида Ёлғиз ва Ягона. Унга ҳеч нарса ўхшамас.
Ал Аҳад (الأحد)	Шунинг учун фақат Унга ибодат қилиш вожиб.
Ал Илоҳ (الإله)	Ибодатга лойиқ ягона Маъбуд.

13. Аллоҳ таолонинг исмлари билан сифатлари орасида қандай фарқ бор? Аллоҳ таолонинг исми ва сифати билан паноҳ тиласа ёки улардан бирини қасамга ишлатса, бу ҳолда ҳеч фарқи йўқ. (Масалан, “Аллоҳга қасам!” деб исмига онт ичилса ҳам, ёки “Меҳрибонга қасам!” деб сифатига қасам ичса ҳам бўлаверади. Шунингдек, “Эй, Аллоҳим ёрдам бер!” дейиш билан “Эй, Меҳрибоним, ёрдам бер!” дейишнинг орасида фарқ йўқ).

Аммо, тубандаги масалаларда исми ва сифати орасида фарқ бўлади:

1) Аллоҳнинг исмлари билан бошқа инсонни атаса ёки чақирса бўлади, аммо сифатлари билан чақириш ёки аташ мумкин эмас. Масалан, Аллоҳнинг “Карим” деган исмининг олдига “Абдуни” кўшиб, “Абдулкарим” деб аташ ёки чақириш мумкин бўлгани ҳолда, Аллоҳнинг “Карам” (саховатли) деган сифатини бировга “Абдулкарам” деб ном қилиш ёки у билан бировни чақириш мумкин эмас. **2) Аллоҳ таолонинг сифатлари Унинг исмлари билан чиқариб олинади.** Масалан, “Раҳмон” (Меҳрибон) деган исмидан “раҳмат” (меҳрибонлик) сифати чиқарилгандир. Аммо, сифатларидан исми чиқарилмайди. Масалан, Аллоҳнинг “истиво” (кўтарилиш, олий бўлиш) сифати бор. Мана шу сифатидан “Муставий” (кўтарилувчи) деган исми чиқарилмайди. **3) Шунингдек, Аллоҳ таолонинг исмлари Унинг феълларидан ҳам олинмайди.** Масалан, Аллоҳнинг ҳеч нарсага ўхшамаган феълларидан бири “ғазаб (аччиқланиш)дир”. Бирок, бу феълдан “Ғозиб” яъни “Аччиқланувчи” деган исм чиқарилмайди.

14. Фаришталарга иймон келтиришнинг маъноси нима? Бунинг маъноси уларнинг борлигига, Аллоҳ уларни Ўзигагина ибодат қилувчилар ва фармонларини бажарувчилар қилиб яратганига иймон келтиришдир. Аллоҳ таоло деди: ﴿عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ ﴿٦٦﴾ لَا يَسْفُقُونَهُ بِالْقَوْلِ وَهُمْ بِأَمْرِهِ يَعْمَلُونَ﴾ **“Улар муҳтарам ибодат қилгувчилардир. Аллоҳдан ўзиб сўзламаслар. Улар доим Унинг буйругини бажарадилар”.** (Анбиё: 26,27)

Фаришталарга иймон келтириш тубандаги ишларни ўз ичига олади:

1) Уларнинг борлигига ишониш. **2)** Улар орасидан, Жибрийл, Мекоил каби,



бизга исмлари аталганларига иймон келтириш. **3)** Аллоҳ таоло ва пайғамбаримиз сифатлаганидек, уларнинг буюк хилқатли эканига иймон келтириш.

4) Уларнинг хос ишларига иймон келтириш. Масалан, “Малакул мавт” (Ўлим фариштаси) номли фариштанing ўзгагина хос вазифаси жонларни олишдир.

15. Қуръон нима? Қуръон бу Аллоҳнинг Сўзи(каломуллох)дир. Уни тиловат қилиш ибодат ҳисобланади. Қуръон Аллоҳдан келгандир ва Ўзига қайтажакдир. Қуръон ҳам ҳарфи, ҳам товуши билан Аллоҳнинг Сўзлаганидир. Уни Аллоҳдан Жибрийл фаришта эшитиб, ундан кейин пайғамбаримизга олиб келгандир. Осмондан туширилган Муқаддас китобларнинг барчаси Аллоҳнинг Сўзидир. (Аммо, Қуръондан аввалги барча илоҳий китобларга инсонларнинг сўзлари аралашиб кетган).

16. Дин билан амал қилишда Қуръоннинг ўзи етарли эмасми? Суннатга мурожаат қилмаса ҳам бўлаверадими? Бўлмайди. Суннатсиз дин ибодатларидан беҳожат бўлинмайди. Аллоҳ таоло суннатларни олишга мана бундай буюргандир: ﴿وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾ **“Пайғамбар сизларга ниманики берса – олинглар ва нимадан қайтарса – қайтинглар!”** (59/7).

Суннат бизга Қурън оятларини тушунтириб беради. Масалан, намознинг тафсилотларини биз фақат суннат орқалигина била оламиз. Пайғамбаримиз бир ҳадисларида мана бундай деганлар: **“Эшитинг: Менга Қуръон билан бирга (ваҳийдан) яна ўшанчаси (суннатлар) берилди. Бир замонлар келадики, унда таомга тўйган одам(лар) чиқиб, “Сизлар Қуръонни ушласангиз етарли. Унда нимани ҳалол топсангиз – уни ҳалол сананг, нимани ҳаром топсангиз – уни ҳаромга чиқаринг” деб ёлгон сўзларни айтар”**. (Ахмад, Абу Довуд).

17. Пайғамбарга иймон келтиришнинг маъноси нима? Унинг маъноси “Ҳақиқатда, Аллоҳ ҳар бир халқ орасидан, уларни ягона Аллоҳга ибодат қилишга ва Ундан бошқа сохта худоларга кофир бўлишга даъват қиладиган пайғамбарларни чиқаргандир. Уларнинг барчаси ҳақпарвар, ростгўй, ўзидан кейинги пайғамбар тарафидан тасдиқланган, тўғри йўлга ҳидоятловчи, улуғ ва мухтарам, покиза, амонатгўй ҳамда адашмаган бандалардир. Улар ўзларига юкланган элчилик вазифасини тўлиқ ҳолда адо этиб, динни халқларга етказганлар. Улар халойиқнинг энг афзали, улар туғилгандан то ўлгунга қадар Аллоҳга ширк келтиришмаган” деб аниқ ишонишдир.

18. Қиёматда қандай шафоатлар бор? Кўп шафоатлар бор. **Энг улуғ шафоат** бу пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатидир: Одамлар “Мавкиф” деб аталган майдонда ўзларига ҳукм қилинишини кутиб эллик минг (!) йил турганларидан кейин, пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ таолодан одамларга ажрим-сўроқ қилишни тилаб, уларни қўллайди. Бу шафоат пайғамбаримизгагина тегишлидир. Аллоҳ бу улуғ даражани фақат унга ваъда қилгандир. **Иккинчи шафоат** жаннат эшигининг очилишини сўраш маҳали бўлади. Яъни, жаннат эшигидан энг аввал пайғамбаримиз (с.а.в.) кирадилар. Умматлар орасидан эса, энг биринчи мусулмонлар кирадилар. **Учинчи шафоат**, баъзи бир дўзахга ҳукм қилинган мусулмонларнинг гуноҳини сўраган пайтларида воқеъ бўлар. **Тўртинчи шафоат**, гуноҳкор

лекин, Аллоҳга ширк келтирмаган одамларни кўллаб, уларни дўзахдан чиқаришликни тилаган вақтда содир бўлар. **Бешинчи шафоат**, жаннатдаги баъзи одамларнинг даражасини кўтаришни Аллоҳдан сўрашдир. Охирги уч шафоат барча пайғамбарларга, фаришталарга, солиҳ бандаларга ва шахидларга тегишлидир. Буларнинг етакчилигида ҳам пайғамбаримиз (с.а.в.) турадилар. **Олтинчи шафоат**, баъзи қавмларни жаннатга ҳисобсиз (сўроқсиз) киргизиш ҳақида бўлар. **Еттинчи шафоат** баъзи бир кофирларнинг азобини енгиллатиш ҳақида бўлар. Бу шафоат фақат пайғамбаримизга тегишлидир. У киши кофир ҳолда вафот қилган амакилари Абу Толибнинг азобини енгиллатишни Аллоҳдан сўрар. Кейин Аллоҳ таоло Ўз меҳрибонлиги билан, саноғи Ўзигагина маълум баъзи қавмларни ҳеч бир шафоатсиз дўзахдан чиқариб, жаннатга дохил қилар. Улар ўлим тувасасида шаҳодат калимаси билан ўлган гуноҳкорлар эди.

19. Бу дунёда тирик одамлардан шафоат (кўллов, ёрдам) тиласа бўладими?

Бўлади. Шариатимиз ўзгаларга ёрдам беришни фарз қилган. Бунга далил Аллоҳ таолонинг: ﴿وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالنَّفَقَىٰ﴾ **“Яхшилик ва тақво ишларди ўзаро ёрдамлашинглар”** деган сўзидир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам: **“Агарки банда ўз биродарига ёрдам берар экан, Аллоҳ ҳам унга ёрдам беражак”** деганлар. (Имом Муслим ривояти). Энди, шафоат бўйинча айтсак, бу фазилятли ишлардандир. Зеро, Аллоҳ таоло: ﴿مَنْ يَشْفَعْ شَفَعَةً حَسَنَةً يَكُنْ لَهُ نَصِيبٌ مِّنْهَا﴾ **“Ким яхши шафоат (ёрдам) қилса, унга ўшандан улуш бордир”** деган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу борада: **“Шафоат қилинглари савобга эга бўласизлар”** деганлар. (Бухорий).

Бирок, шафоат сўрашнинг шартлари бор: 1) Ёрдам сўраладиган одам тирик бўлиши. Чунки, ўликлар бировга ёрдам бериш тугул, ўзлари ёрдамга муҳтождирлар. 2) У ўзига нима масалада мурожаат қилинаётганлигини тушуниши. 3) Ёрдам сўралган одам сўровчининг олдида ҳозир бўлиши. 4) сўралган нарса имкони бор нарсалар жумласидан бўлиши. 5) Дунё ишларидан бўлиши. 6) Зиёни йўқ, жоиз ишлардан бўлиши.

20. Тавассул¹ мумкинми? Агар мумкин бўлса, неча турга бўлинади?

Тавассул икки турга бўлинади: 1) Мумкин тавассул. 2) Ҳаром тавассул. Ўз навбатида мумкин тавассул уч турга бўлинади: 1) Аллоҳ таолонинг Ўзи ва Унинг исм-сифатларини тавассул қилиш. 2) Банда ўзининг баъзи бир солиҳ амалларини тавассул қилиши. Бунинг далили ғорга қамалиб қолиб, ўзларининг солиҳ амалларини тавассул қилганларидан кейин нажот топган уч одам ҳақидаги ҳадиснинг баёнидадир. (Бухорий ва Муслим). 3) Дуоси мустажоб бўлиши умид қилинган солиҳ, тақводор мусулмон одамни тавассул қилиш. Бунинг шарти у одам тирик ва тавассул қилувчининг олдида ҳозир бўлиши.

Аммо, ҳаром тавассул икки турлидир: 1) Пайғамбарларнинг ва авлиёларнинг руҳларини тавассул қилиш. Масалан: “Эй, Илоҳим! Пайғамбаримизнинг

¹ Тавассул ёки васила деб, сўровчи киши, дуоси қабул бўлиши учун кимдир бировни ёки уларнинг жоҳ-мартабасини ёхуд ҳурматини Аллоҳ билан ўзининг ўртасига қўйишига айтилади.



хурмати учун фалондай тилагимни бер! Эй, Роббимиз! фалон авлиё отанинг хоки пойи (ёки азиз руҳи) хурмати пистондай тилагимни адо қил!” каби. Тўғри. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло олдидаги хурмати жуда баланд. Шунингдек азиз-авлиёларнинг ҳам ўзларига яраша хурматлари бор. Бироқ, пайғамбаримизни ва динни биздан яхшироқ билган саҳобалар ҳам у кишининг руҳини тавассул қилмаганлар. Ҳатто Мадинада каттиқ очарчилик бўлганда ҳам Аллоҳга дуо қилган саҳобалар, пайғамбаримизнинг қабри шундоққина ёнларида бўлишига қарамасдан, у зотнинг руҳини тавассул қилмаганлар. Аксинча, амакилари Аббоснинг олдида бориб, (у кишини солиҳ банда ҳисоблаганлари сабабли) “Эй, Аббос дуо қилинг, кошки Аллоҳ бизга ёмғир ёғдирса” деб, тирик ва ҳозир одамни тавассул қилганлар. **2)** Ҳаром тавассулдан иккинчиси, пайғамбарнинг ёки авлиёларнинг номига онт ичиб, Аллоҳга дуо қилиш. Масалан: “Эй, Аллоҳим! Улуғ пайғамбар (ёки авлиё) номига онт ичиб, Сендан сўрайман...” каби.

21. Охиратга иймон келтиришнинг маъноси нима? Бунинг маъноси: “Албатта, дунёнинг охири бор, барча одамлар оламдан ўтгач, қабрга қўйилдилар. Қабрда синов, азоб ва роҳат бор. Қиёмат бошланишидан олдин Сур карнайи тортилиб, барча одамлар қабрларидан тирилиб чиқишиб, маҳшар майдонида роббиларига сўроқ берарлар. У ердан барчаларига амал варақчалари тарқатиладир. Тарозу ўрнатилиб, гуноҳлар ва савоблар тортиладир. Кейин “Сирот” кўприги деган бор, “Ҳавз” деган бор, “Шафоат” (бировнинг гуноҳини Аллоҳдан сўраб олиш) деган бор. Мана шулардан кейин банда ё жаннатга ёки жаҳаннамга равона бўлар” деб аниқ ишониш ва барчасини тасдиқлашдан иборат.

22. Қиёматнинг катта аломатлари қайсилар? Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Сизлар ўн аломатни кўрмагунча қиёмат бўлмас. (деб, уларни) санади: тутун, Дажжол, Довба, куннинг гарбдан чиқиши, Ийсо бин Марямнинг (осмондан ерга) тушиши, Яъжууж ва Муъжууж, уч қаҳатчиликнинг бўлиши: шарқдаги, гарбдаги ва араб ярим оролидаги қаҳатчилик. Бу аломатларнинг охиригиси Ямандан чиқиб, одамларни ўз маҳшаргоҳларига ҳайдаб борадиган ўтдир”.* (Муслим)

23. Одамларги келадиган катта балолар (синовлар) қайсилар? Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“(Отамиз) Одам яратилгандан бошлаб то қийматга қадар Дажжолдан каттароқ синов бўлмас”.* (Муслим). Дажжол инсон зотидан бўлиб, охир замонда чиқади. Икки кўзининг ўртасида (ك ف ر) «к-ф-р» (кофир) деган ёзув бўлади. Уни ҳар бир иймонли одам ўқий олади. Унинг ўнг кўзи ғилай, бўртиб турган узумга ўхшайди. У аввал яхши ишларни қилдим деб жар солади. Кейин **“Мен пайғамбарман”**, ундан кейинроқ **“Мен худоман”** дейди. Бир қавмга келиб, ўзига иймон келтиришларини талаб қилади. Улар **“Сен ёлғончидирсан”** дейдилар ва у қайтиб кетади. Кейин ҳалиги иймон келтирмаган қавмнинг уй ҳайвонлари ҳам унга эргашиб кетиб, қавм қашшоқлашиб қоладилар. Кейин яна бир халққа келиб, уларни (ўзига иймон келтиришга) даъват қилади. улар

тасдиқлаб, иймон келтирадилар. Ундан сўнг Дажжол осмонга қараб “Ёмғирингни куй!” дейди. Ўша заҳоти ёмғир ёға бошлайди. Ерга қараб “Майсаларингни чиқар!” дегач, ҳамма ёқ яшил яйловга айланади. У одамларга бир кўлида олов, иккинчисида сув кўтарган ҳолда келади. Ўти салқин, суви оловли бўлади... Демак, ҳар бир мусулмон намозларидан кейин унинг фитнасидан омонлик тилаб, Аллоҳга дуо қилиши лозим. Ким Дажжол фитнасини кўрса, “Каҳф” сурасининг бошини ўқисин! Пайғамбармиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ким Дажжол ҳақида хабар эшитса, ундан қочсин! Аллоҳга қасамки, ўзини иймонли ҳисоблаган (кўп) одам(лар) унга келади ва у кўзгаган шубҳалар сабабли уни эргашиб кетади(лар)”**. (Абу Довуд). Шундай қилиб, Дажжол ер юзида қирк кун туради. У кунларнинг бир куни бир йилга, яна бир куни бир ойга, яна бир куни бир ҳафтага баробардир. Қолган кунлари бизнинг кунларимиздек. Дажжол Макка ва Мадинадан бошқа барча ўлкаларга, ерларга кириб боради. Кейин осмондан Ийсо алайҳиссалом тушиб, уни ўлдиради.

24. Жаннат ва дўзах мавжудми? Ҳа. Аллоҳ уларни инсониятни яратишдан илгари яратгандир. Аллоҳ таоло Ўз фазилати билан жаннатга лойиқ инсонларни ва Ўзигагина белгили донишмандлиги (ҳикмати) сабабли, дўзахга муносиб инсонларни ҳам яратгандир.

25. Тақдирга иймон келтиришнинг маъноси нима? Бунинг маъноси ҳар бир яхшилики ва ёмонлик Аллоҳ белгилаган ҳукм ва тақдир билан бўлади деб ишонмоқдир. Аллоҳ таоло ҳоҳлаган нарсасини ясовчидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларки: **“Агар Аллоҳ осмонлар ва ердагиларни азобга солса ҳам, уларга зулм қилмаган ҳолда¹ азоблар. Аммо, раҳм айласа, бу уларнинг (савоб) амалларидан ошиқчароқ(меҳрибонлик)дир. Агар сен Аллоҳ йўлида Уҳуд тоғи каби олтин садақа қилсанг ҳам, то тақдирга иймон келтирмагунингча ва сенга етган мусибат сендан бошқага етмаслигини ҳамда бошқага етган мусибат ҳеч қачон сенга етмаслигини билмагунингча, Аллоҳ у садақангни қабул қилмас. Мабодо мана шундан бошқа ақида узра ўлсанг дўзахга тушгайсан!”** (Аҳмад ва Абу Довуд ривоят)

Тақдирга иймон келтириш тўрт масалани ўз ичига олар: **1)** Аллоҳ таоло барча каттаю кичик нарсаларни муфассал билади деб ишониш. **2)** Аллоҳ Ўзининг бу илмини Лавҳул Маҳфузга ёзганига ишониш. Чунки, пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларки, **“Аллоҳ таоло барча махлуқотларнинг тақдирини еру осмонларни яратишдан эллик минг йил аввал ёзиб қўйгандир”**. (Муслим). **3)** Аллоҳнинг ҳоҳиши барча нарсаларга ўтувчи ва уни ҳеч нарса қайтара олмас, Унинг қудратидан кучли ҳеч нарса йўқ, У ҳоҳлаган барча нарса албатта, бўлар деб ишониш. **4)** Аллоҳ барча нарсаларнинг яратувчиси. Ундан бошқанинг барчаси махлуқ(яратилган)лар деб ишониш.

26. Инсонларда ҳам ҳоҳиш-ирода борми? Ҳа. Лекин уларнинг ҳоҳишлари Аллоҳнинг ҳоҳишидан мустақил эмасдир. Аллоҳ таоло деди:

¹ Ўз қилмишларига яраша.



﴿ وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ ﴾ **“Сизлар Аллоҳ ҳоҳлаган нарсадан бошқани ҳоҳлай олмайсизлар”**. (81/29). Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу борада: **“Амал қилаверинглар. Ҳар бир одам ўзи учун (атаб) яратилган нарсага (етишга) муяссар бўлар”** деганлар. (Муттафақун алайх). Аммо, Аллоҳ таоло бизга яхши билан ёмонни, ҳалол билан ҳаромни ажратиш учун **акл, кўз, қулоқ** берди. Бир одам ўғрилиқ қилиб, ундан кейин “Аллоҳ менга шуни тақдир қилган бўлса нима қилай ахир?!” деб ўзини оқлашлиги ақлга тўғри келадими? Демак, тақдирга тўнкаб ёмон ишларни қилиш ғирт ёлғончиликдир¹. Аллоҳ таоло айтди: ﴿ سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاءَنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ ﴾ **“Ширк келтирганлар дарҳол “Агар Аллоҳ ҳоҳлаганда биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк қилмас эдик, ўзимизга ҳеч нарсани ҳаром қилиб олмас эдик” дейдилар. Улардан аввалги (кофир) одамлар ҳам мана шундай деган эдилар”**. (6/148)

27. Эҳсон дегани нимадир? Худди мана шундай савол билан мурожаат қилган кишига пайғамбаримиз (с.а.в.) **“Эҳсон бу сенинг Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Агар сен Аллоҳни кўрмасанг ҳам У сени кўриб турар”** (Муслим) деб жавоб берганлар. Эҳсон диндаги уч баланд даражанинг (иймон, ислом, эҳсон) биридир.

28. Тавҳид неча қисмдан иборат? Уч қисмдан иборат бўлиб, улар: **1). Рубубият тавҳиди.** Бунинг маъноси Аллоҳни яратувчиликда, ризқ беришда, ўлтириш ва тирилтиришда ва шу каби феълларида шериксиз деб билишдир. Пайғамбаримизнинг давридаги кофирлар рубубият тавҳидига иқрор бўлишар эди. **2). Улуҳият тавҳиди.** Бунинг маъноси, Аллоҳни намоз, дуо, назр, садақа каби ибодатларда яғоналаш, бошқача айтганда аталган ибодатларни фақат Аллоҳ учунгина қилиш. Барча пайғамбарлар мана шу тавҳидни (улуҳият тавҳидини) барпо қилиш учунгина юборилганлар². Барча муқаддас китоблар ҳам фақат ана шу мақсадда нозил қилингандир. **3). Исм-сифатлар тавҳиди.** Бунинг маъноси, Аллоҳга Ўзи ва пайғамбари исбот қилган олий сифатларни бузмасдан, йўққа чиқармасдан ва бошқа нарсаларнинг сифатларига ўхшатмасдан исбот қилишлик.

29. “Авлиё” кимдир? “Валий” ёки “авлиё” деб, тақводор, ибодати тоза, ихлосли одамларга айтилади. Бунинг далили Аллоҳнинг мана бу ояти: ﴿ الْآيَاتِ أُولِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴾ ﴿٢٤﴾ ﴿ الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴾ **“Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг дўстларига қўрқинч ва қайғу бўлмас. Улар иймон келтирган ва тақводор кишилардир”** Бу борада пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деганлар: **“Албатта, менинг дўстим Аллоҳ ва солиҳ мўминлардир”** (Муттафақун алайх).

¹ Халифа Умарнинг даврида у бир ўғрининг қўлини кесишликга буюрганида ўғри «Эй, мўминларнинг амира! Ахир мен Аллоҳнинг тақдири билан ўғрилиқ қилган эдим!» деб, каззоблик қилганида, Умар «Биз ҳам Аллоҳнинг тақдири билан сенинг қўлингни кесмоқдамиз» деб жавоб берган экан.

² Чунки, уларнинг кофир қавмлари Аллоҳнинг борлигига, ризқ берувчи, ўлдирувчи ва тирилтирувчи эканлигига, осмонлар ва ернинг мутлақ ҳожаси эканлигига иймон келтиришгани ҳолда, ибодатларини Аллоҳга хосламасдан, бошқа нарсаларни Аллоҳга шерик қилиш сабабли кофир, мушрик аталганлар.

30. Биз пайғамбаримизнинг саҳобаларига қандай муносабатда бўламиз?

Биз уларни севишимиз, уларга Аллоҳнинг розилигини тилаб дуо қилишимиз, юрагимизни уларни ёмон кўришдан, тилимизни уларни ёмонлашдан сақлашимиз, уларнинг фазилатларини тарқатишимиз, хатолари ва ўзаро низоларидан тилимизни тийишимиз лозимдир. Тўғри. Улар ҳам хато қилгувчи бандалар эди. Лекин улар ижтиҳод қилганлар. (Шунинг учун баъзан ихтилоф қилганлар). Ижтиҳодда эса, тўғри топганлари икки савобга, адашганлари... бир савобга эга бўлганлар. Аллоҳ уларнинг хатоларини кечиргандир. Агар хато қилган бўлсалар бу билан уларнинг фазилати йўқолмайди. Саҳобалар фазлда бир-бирларидан фарқлидир. уларнинг энг афзаллари тубандагилар: **1) Абу Бакр, 2) Умар, 3) Усмон, 4) Али, 5) Талха, 6)Зубайр, 7) Абдурраҳмон ибн Авф, 8) Саъд ибн Абу Ваққос, 9) Саийд ибн Зайд, 10) Абу Убайда ибн Жарроҳ.** Улардан кейин барча муҳожирлар (Маккадан Мадинага хижрат қилганлар), улардан кейин Бадр ғзотида иштирок қилган муҳожирлар ва ансорлар, улардан кейин қолган ансорлар, улардан кейин бошқа саҳобалар. Барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин! Пайғамбаримиз (с.а.в.) **“Менинг саҳобаларимни сўкманглар! Жонимнинг Эгасига қасам ичиб айтаманки, сизлардан бирингиз Ухуд тоғи каби олтин садақа қилса ҳам, улардан бирининг бир мудд миқдорда садақа қилганича ҳам, ҳатто унинг ярмича ҳам савобга эга бўлолмайди!”** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Яна мана бундай деганлар: “Ким менинг саҳобаларимни сўкса, унга Аллоҳнинг, фариштаарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлсин!” (Табароний).

31. Пайғамбаримизни (с.а.в.) Аллоҳ сифатлаганидан ҳам юқорирок даражаларга кўтариб мақтасак бўладими? Албатта, пайғамбаримизнинг барча халойиқдан улуғлигида шак-шубҳа йўқ. Бироқ, биз уни, насоролар Ийсо алайҳиссаломни кўкларга кўтариб (ҳаволатиб) мақтаганларидек мақташдан қайтарилганмиз. Бизга бу таълимни пайғамбаримизнинг ўзлари берганлар: **“Насоролар Ийсо бин Марямни ҳаволатганидек мени ҳаволатманглар! Мен Аллоҳнинг қулидирман. Бас, мени “Аллоҳнинг қули ва расули” денглар!”** (Бухорий)

32. Аҳли китоблар (яхудийлар ва насоролар) иймонлиларнинг қаторига кирадими? Яхудийлар ҳам, насоролар ҳам, исломдан бошқа динни тутинган улардан бошқа барча диндорлар ҳам кофирлардир, агар аслида самовий динга эътиқод қилган бўлсалар ҳам. Чунки, пайғамбаримиз ислом динини олиб келганларидан кейин ва бу дин етганидан кейин ҳеч кимнинг бошқа динда қилган ибодати қабул бўлмайди. Аллоҳ таоло улар ҳақида:

﴿ فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخٰسِرِيْنَ ﴾ **“Улардан (ибодатлари) қабул қилинмас ва охиратда зиён тортувчилардан бўлар”** деган. (3/85). Агар қайси бир мусулмон уларни кофир деб эътиқод қилмаса ва уларнинг динларининг ботиллигидан шубҳа қилса, кофир бўлар. Чунки, Аллоҳ таоло:

﴿ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهٖ مِنَ الْاَحْزَابِ فَالِنَارُ مَوْعِدُهٗ ﴾ **“Барча жамоатлар орасидан ким унга (Қуръонга) иймон келтирмаган бўлса, унга ваъда қилинган жой дўзахдир”** деган. (11/17). Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса, мана бундай деганлар: **“Муҳаммаднинг жони**



қўлида бўлган Зотга қасамки, бу уммат (халқлар) орасидан ҳоҳ яҳудий, ҳоҳ насроний бўлсин, агар менинг рисолатимни эшитиб, ундан кейин ҳам менга иймон келтирмаган ҳолда ўлар экан у албатта дўзах аҳлларидадан бўлар!” (Муслим).

33. Кофирларга зулм қилса бўладими? Зулм, қудсий ҳадисдаги Аллоҳнинг мана бу сўзларининг далолати билан ҳаромдир: **“Мен Ўзимга зулмни ҳаром қилдим. Уни сизларнинг орангизда ҳам ҳаром қилдим. Энди бир-бирларингизга зулм қилманглар!”** (Муслим). Кофирлар муомала жиҳатидан

икки қисмга бўлинади: **Биринчиси:** Аҳли зиммалар. Улар уч турлидир: **1). Зиммий (мусулмонларнинг маъмурий ҳукми остидаги)лар.** Булар сулҳ тақозосига кўра, жизья солиғини тўлаганларидан кейин Аллоҳ ва расулининг ҳукми остида, ислом мамлакатада тинчлик, омонликда турадилар. Уларга ҳар бир мусулмонга берилган ҳуқуқлар берилади. **2). Тинчлик сулҳини тузганлар.** Улар билан тинчлик сулҳи тузилгандан кейин мусулмонлар юртида омонда яшайверадилар. Уларга ҳужум қилинмайди ва ислом ҳукмлари жорий қилинмайди. Улар ҳам мусулмонларга зиён еткизмасликга мажбурият оладилар. Пайғамбаримиз Мадина яҳудийлари билан мана шундай сулҳ тузган эдилар. **3). Омонлик берилганлар.** Улар ислом мамлакатага зиёрат, савдо ёки дипломатиялик (элчилик) вазифаси билан келиб, муваққат яшаб турган кофирлар. Уларни ўлдирилмайди, жизья солиғи ундирилмайди. Агар сиёсий бошпана сўраганлари бўлса, уларга ислом таклиф қилинади. Қабул қилса қолади. Қабул қилмаса ҳеч зиён еткизмай юртига қайтариб юборилади. **Иккинчиси, уруш ҳолатидаги кофирлар.** Улар зиммий ҳам эмас, сулҳ тузганларнинг қаторига ҳам кирмайди. Улар мусулмонларга очиқ уруш эълон қилганлар ёки ҳийла, найранглар билан динга зиён етказувчилардир. Булар билан урушилади ва ўлдирилади.

34. Бидъат нимадир? Ибн Ражабнинг сўзи бўйинча, бидъат бу шариати исломийяда асоси ва далили йўқ, кейин пайдо қилиниб, исломга қўшилган нарсалардир. Аммо, агар кейин пайдо қилинган нарсанинг шаръий далили бўлса, (масалан, машинада намоз ўқиш каби) у аталишда “бидъат” бўлгани билан асли истилоҳда бидъат эмасдир.

35. Динда “бидъату ҳасана” (яхши бидъат) ёки “бидъату саййиа” (ёмон бидъат) деган тушунчалар борми? Шаръий далили йўқ бидъатларни айблаган оят ва ҳадислар жуда кўпдир. Ундай бидъатлар ҳақида пайғамбаримиз: **“Ким бизнинг ишимиздин (исломдан) бўлмаган нарсани қилса, у ўзига сийлов”** деганлар. (Бухорий ва Муслим). Яна мана бундай ҳадислари ҳам ривоят қилингандир: **“Ҳар бир кейин қўшилган нарсалар бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир”.** (Абу Довуд).

Имом Молик шариатда асоси йўқ бидъатлар ҳақида: “Кимда ким исломга бир янгилик қўшиб, “бу бидъату ҳасана” деса, бу сўзи “Муҳаммад рисолатга хиёнат қилди” деган билан баробардир. Чунки, Аллоҳ таоло:

﴿ **الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي** ﴾ **“Мана бугун сизларга динингизни комил қилиб бердим ва сизларга неъматимни туғу бердим”** деб, динни бекамал кўст беганлигини ошкор қилгандир.

Аммо, шариатда асоси бор, лекин луғатдагина “бидъат” саналган нарсаларни мадҳ қилган ҳадислар ҳам бордир. Чунки, улар кейин исломга қўшилган нарсалар эмас, балки аввал бор бўлиб, кейин унутилган нарсалар эди. Пайғамбаримиз исломдаги унутилган яхшиликларга қайтатган жон бахш этишга саҳобаларини буюриб, мана бундай деганлар: **“Кимда ким исломда (унутилган) бир яхши ишни бошлаган бўлса, у ишнинг ва у ишни (ундан кейин давом) қилган барча одамларнинг савобидан унга ҳам етиб туради. Аммо, бу билан кейин қилганларнинг савоби камайиб қолмайди”.** (Муслим).

Умар разияллоҳу анхунинг таровеҳ намози ҳақида: “Бу қандай яхши бидъатдир!” деган сўзлари худди мана шу маънода айтилгандир. Чунки, таровеҳ намозини пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари буюрган ва саҳобалари билан бирга уч кун ўқиганларидан кейин “саҳобаларим фарз деб ўйлаб қолмасинлар” деб, тўхтатиб қўйган эдилар. Кейин Умар разияллоҳу анҳу у намозни қайтадан жонлантириб, таровеҳга кўп одамлар тўпланганини кўриб “қандай яхши бидъат бу!” деган эдилар.

36. Нифоқ(мунофиқлик)нинг неча хил тури бор? Нифоқ икки турлидир:

1. Эътиқоддаги нифоқ. Бу зоҳирдан иймон каби кўриниб, ботинда (эътиқодда) кофирликдир. Бундай нифоқ бандани диндан чиқаради ва агар банда ўша эътиқодидан қайтмай ўлса, кофир ҳолда ўлади. Аллоҳ таоло деди:

﴿إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ﴾ **“Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойидадир!”** (4/145). Мунофиқнинг сифатлари мана булардир: Аллоҳни ва мусулмонларни алдамоққа ҳаракат қиладилар, мусулмонларни масхара қиладилар, уларнинг зиёнига кофирларга ёрдам берадилар ва қилган эҳсонлари билан дунёвий мақсадни кўзлайдилар.

2. Амалдаги нифоқ. Бу нифоқ одамини диндан чиқармагани билан, агар банда тавба қилмаса ва қайтмаса катта нифоққа айланиб кетиш хавфи бордир. Бундай нифоққа гирифтор бўлганларнинг белгилари тубандагилардир: ёлғон гапиради, ваъдага хиёнат қилади, жанжаллашганда сўкинади, ишонтирса алдайди. Шунинг учун пайғамбаримизнинг саҳобалари амалий нифоқдан кўрқар эдилар. Ибн Абу Мулайка раҳимаҳалллоҳ айтганлар: **“Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўттиз нафар саҳобасини кўрдим. Барчалари нифоқдан кўрқар эдилар”.** Иброҳим Таймий раҳимаҳалллоҳ айтади: “Мен қачон сўзимни амалимга солиштираман, ёлончи бўлишдан кўрқаман”. Ҳасан Басрий раҳимаҳалллоҳ дедилар: “Иймонли киши нифоқдан кўрқади, мунофиқ эса хотиржам бўлади”. Умар ибн Хаттоб Хузайфадан (Аллоҳ улардан рози бўлсин) сўради: “Аллоҳ номи билан сўрайман, айтчи, Расулуллоҳ мени мунофиқлардин санаганми?”. “Йўқ – деди Хузайфа – аммо, сиздан кейин ҳеч кимга тазкия (оқлов қафолати) бера олмайман”.

37. Аллоҳнинг наздидаги энг катта гуноҳ қайсидир? Аллоҳга ширк келтиришликдир. Бунинг далили Аллоҳ таолонинг: ﴿إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ﴾ **“Ширк бу катта зулмдир”** деган ояти. (31/13). Пайғамбаримиздан (с.а.в.) **“Энг катта гуноҳ недир?”** деб сўраганларида, **“Ўзингни яратган Аллоҳга ширк қилишингдир”** деб жавоб берганлар. (Бухорий ва Муслим)

38. Ширк неча турлидир? Икки турлидир: **1. Катта ширк.** Бу бандани диндан чиқаради ва бундай ширкни Аллоҳ таоло кечирмайди:

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ﴾ **“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмайди. Ундан бошқасини хоҳлаган бандаси учун кечиради”.** (4/48). Катта ширк ўз навбатида 4 хил бўлади: **А)** Дуо ва тилакдаги ширк. **Б)** ният ва хоҳишдаги ширк. Бу ширк амалларни Аллоҳдан бошқага бағишлаш билан бўлар. **В)** Итоат ширки. Бу Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол ва ҳалол қилган нарсаларни ҳаром деган олимларга мтоат қилиш билан бўлади. **Г)** Муҳаббат ширки. Бу Аллоҳдан ўзгани Аллоҳни севгандек севмок билан рўй берар.

2. Кичкина ширк. Одамни исломдан чиқармайдиган бу ширк икки хил бўлади: **А) Зоҳир (билинган) ширк.** Бу ширкнинг таркибига Аллоҳдан бошқанинг номига қасам ичиш, “Аллоҳ ва сиз сақласангиз...”, “Агар Аллоҳ ва фалончи хоҳламаганда...” каби сўзлар, кўздан, балодан сақлайди деб, қўл, бўйин, қўлтиқ сингари аъзоларга, бешик, эшик, улов каби нарсаларга тумор, кўзтикан, кўзмунчоқ каби нарсаларни илиш, фол очиш, қушнинг учишидан, ҳар қандай исмлардан, сўзлардан ва хоказолардан ирим қилиш каби ишлар киради. **Б) Махфий ширк.** Ширкнинг бу турига риё ва сумъа (элкўрсинга ва эл уқсинга қилинган) амаллари киради.

39. Катта ширкнинг кичкина ширкдан қандай фарқи бор? Катта ширк қилган одам исломдан чиқади, охиратда дўзахда абадий қолади. Аммо кичкина ширк қилган одам исломдан чиқмайди, кофир ҳам бўлмайди ва охиратда дўзахда абадий қолмайди. Агар катта ширк банданинг амалларини куйдириб (ҳабата қилиб) юборса, кичкина ширк ўзи аралашган амалнигина ҳабата қилади холос. Бу ерда “кичкина ширк худди катта ширк каби фақат тавба билан кечириладимиз ёки катта гуноҳлар каби Аллоҳнинг хоҳишига ҳаволами” деган масала хусусида талаш бор. Қандай бўлган тақдирда ҳам кичкина ширк ўта жиддий ва эҳтиёт бўлинадиган нарсадир.

40. Кичкина ширкдан сақланиш йўллари борми? Ҳа. Ҳар бир одам амалларини фақат Аллоҳ розилиги учун қилиши керак. Аммо ўта махфий, билинмаган кичкина ширкларнинг каффороти бордир: пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: **“Ҳой одамлар, мана бу (кичкина) ширкдан огоҳ бўлинки, у қумурсқанинг ҳаракатидан ҳам махфийроқдир.** (Саҳобалар) дедилар: “Ё, расулуллоҳ! Агар қумурсқанинг ҳаракатидан ҳам махфий бўлса, биз ундан қандай сақлана оламиз?” Айтдиларки, **“(Аллоҳга дуо қилиб, мана бундай) денглар: “Эй, Аллоҳим! Бизни билган ва билмаган ҳолда Ўзингга ширк келтириб қўйишимиздан Ўз паноҳингга ол ва мағфират қил!”** (Ахмад).

Аммо, Аллоҳдан бошқа билан қасам ичган одамнинг каффороти эса, мана бу ҳадисда баён қилинган: **“Ким Лот ва Уззо (Аллоҳдан бошқа худолар) билан қасам ичса, (унинг каффорати) “ла илаҳа иллАллоҳ!”** десин. (Бухорий, Муслим).

Энди примлар ҳақида. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким қандайдир ирим туфайли бир ишидан қайтган бўлса у Аллоҳга ширк қилибди!”** деганларида, саҳобалар “Бунинг каффорати борми?” дедилар. Ўшанда пайғамбаримиз **“Унинг каффорати мана бу дуони ўқишингдир**

дедилар: *“Эй, Аллоҳим! Яхшилик ҳам Ўзингдан, ёмонлик ҳам Ўзингдандир! Сендан бошқа ибодатга лойиқ илоҳ йўқдир!”* (Ахмад)

41. Куфрнинг неча тури бор? Куфр икки турлидир: **1. Катта куфр.** Одамни ислом доирасидан чиқаргувчи бу куфр беш хил кўринишда бўлади: **А)** Динни ёлғонга чиқариш. **Б)** Иймон келтирса ҳам, такаббурлик сабабли ибодат қилмай юриш. Шайтоннинг куфри мана шундай куфр эди. **В)** Шак, гумон куфри. **Г)** Юз ўгириш куфри. **Д)** Нифоқ куфри. **2. Кичкина куфр.** Бунга мисол одам ўлдириш. Бундай куфр бандани исломдан чиқармайди.

42. Назрнинг ҳукми қандай? Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам назрни ёқтирмаганлар ва “у сизларга яхшилик олиб келмайди” деганлар. Бу гап холис Аллоҳ учун қилинган назр ҳақида айтилган. Аммо, Аллоҳдан бошқаларга (мозор, авлиё каби) назр қилиш ширк ҳисобланади ва бундай назр адо қилинмайди.

43. Фолбинлар, парихонлар ва уларга боришнинг ҳукми қандай? Ҳаромдир! Агар банда уларга бориб, бир нарса сўраб, аммо “Мен буларга ишонмайман” деса, (сўраган гуноҳи сабабли) қирқ кунлик намози қабул бўлмас. Далил: пайғамбаримиз айтдилар: *“Кимда ким парихонга бориб, бир нарса сўраса, унинг қирқ кунлик намози қабул бўлмас”* (Муслим).

Мободо, фолбинларга бориб, уларнинг айтганларини тасдиқласа, кофир бўлади. Далил: пайғамбаримиз айтдилар: *“Кимда ким фолбинга ёки парихонга бориб, унинг айтганларини тасдиқласа, Муҳаммадга нозил қилинган нарсага (исломга) кофир бўлибди!”* (Абу Довуд)

44. Юлдузлар сабабли сув тилаш қандай ҳолда катта ва қандай ҳолда кичкина ширк бўлади? Ким “Юлдузлар Аллоҳнинг иродасидан мустақил ҳолда таъсир қилиши, ёмғир ёғдириши мумкин” деса, бу катта ширкдир. Аммо, “Юлдузлар Аллоҳнинг хоҳиши билан ёмғир ёғишига таъсир этади” деса, кичкина ширк қилган бўлади. Сабаби, ёмғирга фақат юлдузни сабаб қилиб кўрсатишига ақлдан ҳам шариятдан ҳам далил йўқдир. Аммо, юлдузлар ҳаракатини фасллар алмашишига ва ёмғир ёғадиган вақтларга илмий далил қилса, бунда шариятга хилоф ҳеч нарса йўқдир.

45. Мусулмонларнинг ўз ҳокимлари олдидаги вазифалари нималардан иборат? Мусулмонлар ўзларидан (мусулмонлардан) чиққан ҳокимларига ҳар қандай ҳолатда итоат қилишлари лозим. Агар ҳоким баъзи вақтларда зулм қилса ҳам, унга қарши бош кўтармайдилар, мудом итоатда бўладилар, уни дуойи бад қилмайдилар. Аксинча, унга офият ва ислоҳ тилаб дуо қиладилар. Модомики, гуноҳга буюрмас экан, мусулмон амирга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш каbidир. Агар бирон гуноҳга буюрса, ўша буйруғигагина итоат қилмай, бошқа буйруқларига итоатни давом эттиради. Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: *“Амирингизга қулоқ солинг ва итоат қилинг. Агар сизнинг елкангизга саваса ҳам, молингизни тортиб олса ҳам унга қулоқ солинг ва итоат қилинг!”* (Муслим)

46. Аллоҳ таоло буюрган ва қайтарган нарсаларнинг ҳикмати ҳақида сўраш жоизми? Ҳа. Фақат шу шарт биланки, “Агар шу нарсанинг ҳикматини



билсам ва қаноатлансамгина иймон келтириб, амал қиламан” демаса. Иймонли одамнинг илми унинг ҳақ узра мустаҳкам бўлишинигина кўпайтириши лозим. Аллоҳнинг буйруқ ва таъқиқларининг барчасига, сабабини (ҳикмати) сўрамай итоат қилиш одамнинг саҳиҳ ибодатлилигига, Аллоҳнинг Ҳакийм – Донишмандлигига комил иймонли эканлигига далил бўлади. Саҳобалар ана шундай эдилар.

47. Аллоҳ таолонинг ﴿ مَا أَصَابَكَ مِنْ حَسَنَةٍ فَمِنَ اللَّهِ وَمَا أَصَابَكَ مِنْ سَيِّئَةٍ فَمِنَ نَفْسِكَ ﴾ “Сенга қандай яхшилик етса – у Аллоҳдан ва сенга қандай ёмонлик етса – у ўзингдан” деган сўзини қандай тушунамиз? Бу оятдаги “яхшилик” Аллоҳнинг неъматлари, “ёмонлик” эса, ҳар қандай синовлар, мусибатлардир. Бу оятда яхшиликнинг Аллоҳга нисбат берилганининг сабаби, яхшиликнинг Эгаси Аллоҳ. Аммо, ёмонликни эса У (Ўзигагина маълум) ҳикмат сабабли яратади. Шунинг учун биз Аллоҳнинг мусибатларида ҳам ҳикмат борлигини ҳис қилсак, ундан яхшиликни кўра оламиз. Чунки, Аллоҳ ҳеч қачон мутлак ёмонлик қилмайди. Унинг барча ишлари аслида яхшиликдир. Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“(Эй, Аллоҳим!). барча яхшиликлар Сенинг қўлингдасидир. Ёмонликнинг эса, сенга алоқаси йўқ!”** (Муслим).

Демак, бандаларнинг барча ишларининг яратувчиси Аллоҳ бўлгани ҳолда у ишлар бандалар тарафидан амалга оширилади. Аллоҳ таоло деди:

﴿ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى ﴿٥﴾ وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى ﴿٦﴾ فَسَنبئُهُ بِالنَّارِ ﴿٧﴾ وَأَمَّا مَنْ كَفَرَ وَاتَّقَى ﴿٨﴾ وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى ﴿٩﴾ فَسَنبئُهُ بِالْعَذَابِ ﴿١٠﴾ ﴾

“Ким (бойлигидан Аллоҳ йўлида) берса ва тақводор бўлса ҳамда иймонни тасдиқ қилса, Биз унга яхшиликни (бахтли ҳаётни) энгил қилиб берамиз. Аммо, ким зикналик қилса ва (Аллоҳнинг савобидан) ўзини бемухтож сезса ва иймонни ёлгон деса, Биз унга машаққатни энгил қиламиз”

48. Мен бир одам ҳақида “Фалончи шаҳиддир” десам раво бўладими? Кимдир бировни шаҳидликга ҳукм қилиш бу – уни жаннатга ҳукм қилиш демакдир. Аҳлу Сунна мусулмонларининг нуқтайи назарига биноан ҳеч бир муайян кимсани “бу жаннатга ёки дўзахга боради” деб айта олмаймиз. Фақат, пайғамбаримиз башорат берганларнигина айта оламиз. Чунки, биз у одамнинг қандай ҳолатда ўлганлигини ва ўлими олдида нима бўлганини (ёки нима деганини) билмаймиз. Одамнинг охиратини унинг ҳаётдаги охирги лаҳзаларида қандай ҳолатда бўлганлиги ҳал қилади. Одамнинг ниятини эса фақат Аллоҳ билади.

49. Мусулмон одамни “кофир” деса бўладими? Агар бир одамнинг аниқ куфр ёки ширк амалини қилганини билмаган тақдирда ҳеч кимни “кофир” дейишга ҳаққимиз йўқдир. Биз одамларнинг ташқи ҳолатинигина қабул қилиб, ботинини (ичини) Аллоҳга топширамиз.

50. Каъбадан бошқа нарсани тавоф қилса бўладими? Ер юзида Каъбадан бошқа тавоф қилишга лойиқ ўрин йўқдир. Бошқа жойлар ҳар қанча маълум ва машҳур бўлмасин, Каъбага тенг бўла олмайди. Ким ундан бошқа жойни мукаддас билиб тавоф қилса гуноҳкор бўлади.

Қалб амаллари

Аллоҳ таоло қалбимизни вужудимизнинг подшоҳи қилиб яратди. Бошқа аъзолар унинг аскарларидир. Қачон подшоҳ яхши бўлса, аскарлари ҳам яхши бўлар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Жасада бир парча гўшт борки, қачон ўша пок бўлса жасада тоза бўлар, аммо, у бузилса жасада ҳам бузилар. Огоҳ бўлинг: у қалбдир”*. (Муттафақун алайх)

Қалб ё иймон ва тақво ўрни бўлар ёки куфр, ширк, ҳамда нифок ўрни бўлар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз кўксига уч марта нуқиб: *“тақво мана бу ерда!”* деганлар. (Имом Муслим ривояти).

Банданинг иймони эътиқод, сўз ва амалдан иборатдир. Яъни қалб билан эътиқод қилиб, тил билан сўзлаб, қалб ва бадан аъзолари билан амал қилишдир. Шундай қилиб, қалб эътиқод қилар, иймон келтирар, тилимиз бу иймон-эътиқодни сўзлар, кейин қалб ўз амалларини, бадан аъзолари ўз амалларини бажарар. Қалб амаллари муҳаббат, қўрқинч ва умид қабилар бўлса, бадан аъзоларининг амаллари зикр, қироат, рукуъ, сажда, ва ҳоказо Аллоҳга яқин қиладиган амаллардир. Инсон қалбида қандай нарса бўлмасин, унинг таъсири қандайдир йўллар билан бадан аъзоларида зоҳир бўлар.

Биз юкорида қалб амаллари муҳаббат, қўрқинч ва умид, хушуъ, таваккул, сабр, яқийн (аниқ иймон), ихлос, тавба каби нарсалардан иборат дедик.

Барча қалб амалларининг қаршисида унинг зидди—қалб илллати мавжуддир. Масалан, ихлоснинг зиддида риё илллати, яқийннинг зиддида шак-шубҳа илллати, муҳаббатнинг зиддида нафрат илллати ва ҳоказо... Агар биз қалбимизни ислоҳ қилишдан ғофил қолсак, уни гуноҳлар ўраб олар ва ҳалок қилар. Бу хусусда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Қачон банда бир гуноҳ иш қилса, қалбида бир (қора) нуқта ҳосил бўлар. Қачон қалбидан у гуноҳни суғуриб чиқариб, тавба-истигфор қилганда қалби тозаланад. Аммо, гуноҳни қайта-қайта такрорлайверса, у каттариб бориб, охири қалбни ўраб олар. Буни Аллоҳ Ўз китобида мана бундай ифодалаган: ﴿ كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِم مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴾* **“Йўқ, балки уларнинг қалбларини ўзлари қилган (ёмон) амаллари ўраб олар”** (Термизий ривояти).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтдиларки: “Фитналар қалбларга худди бўйрага қўшилган новдалардек бирин-кетин кўндаланг қилинар. Агар қалб у фитнани қабул қилса, унда бир қора нуқта ҳосил бўлар. Қайси қалб у фитнани инкор қилса, унда оқ нуқта ҳосил бўлар. Шундай қилиб икки қалбдан бири мусаффо, оқ қалбга айланиб, унга модомики еру осмон турар экан, ҳеч бир фитна таъсир қилмас. Иккинчиси қора, (занг босган) кўзадек хира, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам танимайдиган, фақат нафси-ҳавоси иштаҳо қилган нарсани гина тан оладиган тўнг қалбга айланади”. (Имом Муслим)

Бандалар учун бадан аъзоларининг амалларидан муқаддам қалб амалларини ўрганиш муҳимроқдир. Чунки, қалб амаллари асос, бадан аъзоларининг амаллари эса самара ва уни тўлиқловчи бўлақлардир. Шунинг учун пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аллоҳ сизларнинг суратларингизга ва молларингизга эмас, балки қалбларингиз ҳамда амалларингизга қарар”* деганлар. (Имом Муслим).



Қалб илм, тадаббур ва тафаккур ўрнидир. Шунинг учун Аллоҳнинг наздида бандаларнинг афзалликлари қалбида ўрнашган иймон, яқийн, ихлос ва шу кабиларга қараб бўлади. Хасан Басрий раҳимаҳалллоҳ айтдилар: **“Аллоҳ Абу Бакрни бошқалардан намози ва рўзаси туфайли эмас, балки қалбидаги иймони сабабли афзал қилди”**.

Шундай қилиб қалб амаллари тубандаги сабаблар билан бадан аъзолари амалларидан афзалдир: 1) Қалб амалига аралашган ҳалаллик аъзо амалини бекор қилади. Масалан, амалга аралашган риё. 2) Қалб амаллари асосдир. Чунки, қалбдан ният қилинмаган сўз ёки амал эътиборсиздир. 3) Қалб амали жаннатдаги олий мартабаларга элтади. Масалан, зоҳидлик. 4) Қалб амали бадан аъзолари амалларидан қийинроқ ва оғирроқдир. Ибн Мунаққид раҳимаҳалллоҳ айтиди: **“Қалбим тўғри бўлиши учун мен уни қирк йил қийнадим”**. 5) Қалб амалининг таъсири энг гўзал! Масалан, Аллоҳга муҳаббат. 6) Қалб амалига буюк ажр бордир. Абу Дардо розияллоҳу анҳу **“Бир соат тафаккур қилиш бир кеча нафл ибодат қилишдан афзалдир”** деганлар. 7) Қалб амаллари бўлмаса бадан аъзолари ҳаракатланмас. 8) Қалб амали аъзо амалларининг савобини кўпайишига, озайишига ва ҳатто ҳабата (бекор) бўлишига сабаб бўлади. Масалан, намоздаги хушў. 9) Баъзан қалб амали ҳали бажарилмаган аъзо амалининг ўрнига эваз бўлар. Масалан, моли бўлмаган ҳолда садақани ният қилиш каби. 10) Қалб амали учун беҳисоб ажр бордир. Масалан, сабр. 11) Бадан аъзолари ишламай, амаллари тўхтаб қолган чоғда ҳам қалб амаллари давом этаверади. 12) Қалб амали аъзо амалидан олдин ва бирга бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолатлар борки, аъзолар бир ишни қилмасдан аввал қалбда содир бўлади. Улар: 1) **Ҳожис**. Бу аввалги лаҳзада қалбга тушган фикрдир. 2) **Хотира**. Бу қалбда собит қолган ўй-фикрдир. 3) **Нафс билан сўзлашув**. Бу бир нарсани қилиш ё қилмасликнинг ўртасидаги тараддудланишдир. 4) **Мойиллик**. Бу бир ишни қилишга қалбан истак-ҳоҳиш билдиришдир. 5) **Азму-қарор**. Бу исталган ишни амалга оширишга қасд қилишдир. Булардан аввалги уч ҳолат учун яхшилигига савоб ҳам ёмонлигига гуноҳ ҳам йўқ. Аммо, мойиллик (**истак**) эса, яхшилик учун бўлса – савоб, ёмонликга мойиллик учун гуноҳ йўқ. Энди мойиллик азму-қарорга айланганда, яхшилик учун бўлса савоб, ёмонлик учун бўлса гуноҳ ёзилар, модомики у ёмонликни қилмаса ҳам. Чунки агар имкон бўлганида у ёмонликни қилар эди. Аллоҳ таоло деди:

“Иймонли одамлар ҳақида фаҳш сўзларни ёйишни севган кишилар учун дунё ва охирада аламли азоб бордир”. (Нур-19).

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Икки мусулмон бирига қилич кўтарса, ўлгани ҳам ўлдиргани ҳам дўзахга тушар”**. Шунда мен: **“Ё, расулulloҳ! Бунисику одам ўлдирди, ўлганида нима гуноҳ?”** Дедилар: **“Бу ҳам соҳибини ўлдиришига ҳарис эди”**. (Бухорий).

Агар бир киши бир гуноҳ ишга азму-қарор қилганида кейин уни тарк қилса, бунинг тўрт сабаби бўлиши мумкин: 1) Аллоҳдан кўрқиб тарк

қилади. Бу ҳолда савобга эга бўлар. **2)** Одамлардан кўркиб тарк қилар. Бу ҳолда осий бўлар. Чунки, гуноҳни тарк қилиш ибодатдир. Ибодатни эса фақат Аллоҳ учун қилиш вожиб. **3)** У ишни қилишдан имкон топмагани сабабли ожиз қолса, бунда ҳам осий бўлар. Чунки **азм** қилган эди. **4)** Сабабларига киришиб, имкон топганидан кейин ожиз қолиб, муродига ета олмаса. Бунда ўша гуноҳни тўлиқ қилганнинг гуноҳи ёзилар. Чунки, имкон берилганда қилар эдим деган қатъий ҳоҳиш ўз эгасини, ўтган ҳадисда айтилгани каби, ўша ишни қилувчининг мақомига олиб келар. Қачонки (гуноҳ) амал истак (мойиллик) билан бирга бўлса, у ҳолда амал эрта қилинадими, кеч қилинадими – фарқи йўқ жазога маҳкумдир. Ким бир ҳаром ишни бир марта қилиб, қачон имкон топганда такрорлашга **азм** қилса, у ўша нияти сабабли ўша гуноҳни доим қилгувчининг ҳукмида жазога мустаҳиқдир, модомики, у амални такрор қилмаса ҳам.

«Баъзи қалб амаллари»

Д Ният. Бу қасд – қилишдир. Амаллар ниятсиз саҳиҳ бўлмас. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Амаллар ниятга қараб (эътиборли) бўлар. Ҳар кишига ният қилган нарсаси(нинг савоби ёки гуноҳи) бордир”.** (Муттафақун алайҳ). Ибнул Муборак айтди: “Қанча майда амаллар борки, уни ният кўпайтирар. Қанча катта амаллар борки, ният уни кичрайтирар”. Фузайл раҳимаҳалллоҳ дедилар: “Аллоҳ сенинг ният ва иродангни ҳоҳлар. Агар амал Аллоҳ учун бўлса у **“ихлос”** деб аталар. Аллоҳ учун бўлган амалдан бошқаларга заррача насиб йўқдир. Агар амал Аллоҳдан бошқа учун бўлса **“риё”, “нифоқ”** деб аталар.

Фойда. Барча одамлар ҳалокатдадир, олимлардан бошқа. Барча олимлар ҳалокатдадир омиллардан бошқа. Барча омиллар (амал қилгувчилар) ҳалокатдадир, ихлос соҳибларидан бошқа. Банданинг аввалги вазифаси, Аллоҳга итоатни ҳоҳласин. Итоат ниятга ўргатар. Кейин сидқ ва ихлосни яхши тушунгандан кейин амал қилиш баробарида ният саҳиҳ бўлиб борар. Ниятсиз амал кулфатдир. Ихлоссиз ният риёдир. Иймонни рўёбга чиқармаган ихлос эса чанг-тўзондир.

Амаллар уч хил бўлар: 1) Гуноҳ амаллар. Гуноҳ ишларни яхши ният ҳеч қачон итоатга айлантира олмас. Энди қабих ишлар қабих ниятда қилинса, унинг гуноҳи кўпаяр. **2) Мубоҳ амаллар.** Барча мубоҳ амалларда бир ёки бир неча ният, мақсад бўлар. Ўша ният эътибори билан мубоҳ амал баъзан қурбатга (Аллоҳга яқин қилгувчи амалга) айланиши мумкин. **3) Итоатлар (ибодатлар).** Итоатлар ҳам саҳиҳ бўлишлиги ёки савоб қўшиб ёзилишлиги жиҳатидан ниятга боғлиқдир.¹ Агар банда итоати (ибодати) билан риёни ният

¹ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салам дедилар: «Ким бир яхшилик қилишни истасаю, уни қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурда унга тўлиқ бир савоб ёзар. Агар истаган яхшилигини қилган бўлса, Аллоҳ унга Ўз ҳузурда ўн савобдан етти юзгача, ундан ҳам кўпроқ савоб ёзар. Энди ким бир ёмонлик истаса ва уни амалга оширмаса, Аллоҳ унга Ўз ҳузурда тўлиқ бир савоб ёзар. Агар истаган ёмонлигини амалга оширса, Аллоҳ унга фақат бир гуноҳ ёзар». (Муттафақун алайҳ). Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салам яна дедиларки: «Бу умматнинг

қилса, итоати маъсиятга (гуноҳга) ва кичкина ширкка айланади. Баъзан катта ширкка ҳам олиб бориши мумкин.

Бу ҳам уч хилдир: **1)** Ибодатга сабаб аслида одамларга кўриниш (риё) бўлиши. Бу амал ширк ва ундай ибодат ботилдир. **2)** Амал Аллоҳ учун бўлиши, аммо кейин (амал битмасдан туриб) унга риё аралашиб қолиши. Агар ундай ибодатнинг охири аввалига асосланмаган бўлса, масалан садақа каби. У ҳолда ибодатнинг аввали саҳиҳ, аммо охири ботил бўлади. Агар ибодатнинг охири аввалига асосланган бўлса, масалан намоз каби. Ундай ибодат икки ҳолатда бўлади: **А) риёни дарҳол дафъ қилиш.** Унда амал саҳиҳ ва раводир. **Б) риёга қаноатланиш.** У ҳолда амал ботил бўлади.

3) Риё амалдан кейин содир бўлиши. Бу фақат васвасадир. Унинг амалга ҳам амал соҳибига ҳам таъсири йўқ.

Бу ерда риёнинг ўта махфий эшиклари борки, уларни таниб ва эҳтиёт бўлиб юриш лозим.

Агар банданинг амалидан мақсад дунё орттириш бўлса, унинг савоби ёки гуноҳи ниятига яраша тубандаги уч ҳолатда бўлар: **1)** Агар солиҳ амал фақат дунё орттириш учун бўлса, масалан фақат пул учун имомчилик қилиш каби. Бу одам осий бўлар. Чунки, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Ким Аллоҳнинг розилиги учун гана талаб қилинадиган илмни бир дунёвий гараз учун ўрганса, қиёматда жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламас!”** (Абу Довуд). **2)** Солиҳ амал ҳам Аллоҳ розилиги учун, ҳам дунё орттириш учун бўлса... Ундай одамнинг иймон ва исломи ноқисдир. Масалан, тижорат мақсадида ҳаж қилиш. Бу ҳажнинг ажри ихлосининг миқдорига қараб бўлар. **3)** Агар солиҳ амал фақат Аллоҳ учун бўлса, бироқ ўшандай амални яна давом эттиришга қодир бўлиш учун маъош олса, у одамнинг ажри комил берилар. Маъоши туфайли ажри озайиб қолмас. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Сизлар ажр олиш жиҳатидан энг ҳақли бўлган нарса Аллоҳнинг китобидир”** (Бухорий).

Билингки, ихлосли амал қилувчилар ҳам бир неча даражага бўлинадилар: **1)** Энг тубан даража. Бу мукофотни (савобни) умид қилиб, азобдан кўрқиб итоат (ибодат) қилишдир. **2)** Ўрта даража. Бу Аллоҳнинг буйруғига лаббай деп, Унга шукрона тариқасида итоат қилишдир. **3)** Олий даража. Бу Аллоҳни севиб, улуғлаб ва Ундан ҳайбатланиб итоат қилишдир. Буни сиддиқларнинг даражасидир.

мисоли (тубандаги) тўрт киши кабидир. Бир киши... Аллоҳ унга илм ва молу дунё берган. У илмига амал қилади ва молини ҳам ўз ўрнига ишлатади. Яна бир киши... Аллоҳ унга илм бергану мол бермаган. У айтади: «Агар менда ҳам фалончиникидек мол бўлса эди, ўшандек (яхши) амалларни қилар эдим!».

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам дедилар: **«Бу икки одам ажрда баробардир».** Яна бир киши... Аллоҳ унга мол берган, аммо илм бермаган. У босар-тусарини билмай молини ноўрин (ҳаром) жойларга сарф қилади. Яна бир киши... Аллоҳ унга илм ҳам бермаган, мол ҳам бермаган. У ўзига-ўзи: “Агар менда ҳам фалончиникидек мол бўлса, худди ўшандек ишларни қилар эдим!”. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам дейдики: **«Бу иккиси гуноҳда баробардир».** (Термизий ривояти).

Д Тавба. Тавба қилиш мудом (ўлгунча) вожибдир. Чунки, гуноҳга тушиб қолиш инсон табиатидан. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Барча инсон фарзанди хато қилгувчи. Хато қилгувчиларнинг энг яхшиси тавба қилгувчилар”* деганлар. (Термизий). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна мана бундай дедилар: *“Агар сизлар ҳеч гуноҳ қилмас бўлсангиз, Аллоҳ сизларни кетириб, ўрнингизга гуноҳ қилиб, кейин Аллоҳдан кечирим сўрайдиган ва кейин Аллоҳ уларни кечирадиган қавми олиб келар”*. (Муслим).

Аммо, тавбани кечиктириб, гуноҳдан тўхтамаслик хатодир. Шайтон инсон фарзандини тубандаги етти йўлдан бири орқали енгишни хоҳлайди: **1)** Ширк ва куфр йўли. **2)** Бу йўлдан адаштиришга қодир бўлмаса, эътиқоддаги бидъат ва пайғамбар алайҳиссалом билан унинг саҳобаларига эргашмаслик йўлига бошлайди. **3)** Бу йўл фойда бермаса, катта гуноҳларга етаклайди. **4)** бунга ҳам қодир бўлмаса, кичкина гуноҳларга бошлайди. **5)** Бу йўлга ҳам бошлай олмаса, унда мубоҳ амалларни кўп қилишга ундайди. **6)** Бунда ҳам мақсадига ета олмаса, муҳим, савоби кўп ибодатлар бу ёқда қолиб, аҳамияти озроқ ибодатларга етаклайди. **7)** Бу ҳийла ҳам фойда бермаса, унга инсонлардан ва жинлардан иборат шайтонлар(нинг васвасаси) билан хукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилади”.

Гуноҳлар икки хил бўлади: **1. Катта гуноҳлар.** Булар шариат бўйинча дунёда жазо тайинланган ва қилган одамга Қуръонда азоб ваъда қилинган ёки Аллоҳнинг лаънати бўлиши айтилган гуноҳлардир. **2. Кичкина гуноҳлар.** Булар юкоридаги гуноҳлар туркумига кирмаган барча гуноҳлардир. Агар банда кичкина гуноҳларга парво қилмай, аксинча, уларни қилишдан ғурурланса ва одамлардан уялмай ошқора қилаверса, бу сабаблар банданинг кичкина гуноҳини катта гуноҳга айлантириб қўйиши мумкин.

Барча гуноҳлар учун тавба эшиклари очикдир. Тавбалар то кун ғарб томондан чиққунга (киёмат бошлангунга) қадар ва ўлим ғарғараси бошаниб, жон халқумга келгунга қадар қабул қилинаверади. Агар тавба қилгувчининг тавбаси сидки дилдан бўлса, ҳатто булутга қадар (улкан) гуноҳлари ҳам (Аллоҳнинг раҳмати ва фазли билан) ҳасанотларга айланиб қолиши мумкин.

Тавбанинг ҳам қабул бўлиш шартлари бор: **1.** Гуноҳдан дарҳол тийилиш. **2.** Ўтган ишга пушаймон бўлиш. **3.** Келажакда иккинчи қайтармасликга бел боғлаш. **4.** Агар гуноҳ бандага нисбатан (банданинг ҳаққига зулм қилиш) бўлса, у одамга ҳаққини қайтариб, рози қилиш.

Одамлар тавба қилиш хусусида тўрт табақага бўлинадилар: **1)** Баъзи тавба қилувчилар умрининг охирига қадар гуноҳга қайтмай, ҳар бир одамда бўладиган майда тойилишларни ҳисобга олмаганда, тавбасида собит турадилар. Бундай тавбани “насуҳ тавбаси” дейилади ва бу тавба ўрин олган нафсни *“ан нафсул мутмаъинна”* (хотиржам нафс) дейилади. **2)** Яна бир турли тавба қилувчилар борки, асосий итоатларда мустаҳкам туради, аммо қасддан қилмаса ҳам, одатланган гуноҳидан тийила олмайди. Ҳар қачон ўрганган ёмон одатини қайталаган сайин, афсуслар чекиб, нафсини маломат қилади ва ўша гуноҳ сабабларидан арилишга уринади. Бу *“ан нафсул лаввома”* яъни



“Ўзини маломат қилгувчи нафсдир”. **3)** Баъзи тавба қилувчилар гуноҳни бир неча муддат тўхтатадилар. Кейин, шахвати ғолиб келиб, у гуноҳга қадам кўяди. Шу билан биргаликда у одам тоат-ибодатдан узилмайди ва кўпгина гуноҳлардан, уларни қилишга қодир бўлишига қарамай, тийилиб юради. Аммо, ҳалиги гуноҳга келганда шахватини тизгинлай олмайди. Бирок, орқасидан надомат қилиб, “бу гуноҳни бошқа қилмайман” деб ўзига ваъда беради. Бундай нафсни “**ан нафсул масъувла**” (**масъул нафс**) дейилади. Бу одамнинг оқибати хатарлидир. Чунки, ўрганган гуноҳидан тавба қилишга улгурмай жони узилиши мумкин. Албатта, ишлар хотимаси билан эътиборлидир. **4)** Яна бир нафс борки, баъзи муддат тавба билан ўнглиниб юрадию, лекин яна гуноҳга шўнғийди. Кейин у феълига афсус қилади, нафсини тавба билан янгилашни ўйламайди. Бу каби нафсга “**нафсун амморатун бис сууъ**” (**ёмонликга буюргувчи нафс**) дейилади. Бундай нафс соҳибларининг умрлари ёмон хотима билан тугаб қолиш хавфи бор.

Сидқ (содиклик, садоқат). Бу барча қалб амалларининг аслидир. “Сидқ” сўзи олти маънода истеъмол қилинади. **1)** Сўздаги садоқат. **2)** Ирода ва қасддаги (ниятдаги) садоқат, яъни ихлос. **3)** Азму-қарордаги садоқат. **4)** Азмига (аҳдига) вафойдаги садоқат. **5)** Амалдаги садоқат. Яъни ишнинг зоҳири моҳияти билан мувофиқ келиши. Масалан, намоздаги хушуъ каби. **6)** Диннинг барча мақомотларини бажаришдаги садоқат. Бу садоқатнинг энг юқори босқичидир. Масалан, хавф (кўрқинч), ражо (умид), таъзим, зуҳд, ризо, таваккул, ҳубб (муҳаббат) ва шу каби қалб амалларида содиклик олий даражадаги содикликдир. Мана шу мақомотларнинг барчасида содик бўлган кишини “**сиддийқ**” дейилади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Содик бўлишга интилинлар. Чунки, содиклик яхшиликга бошлар, яхшилик жаннатга бошлар. Албатта, киши содиклик узра доим бўлар ва собит турар, ҳатто Аллоҳнинг ҳузуринида “сиддийқ” деб ёзилар”*. (Муттафақун алайҳ)

Қайсики инсонга ҳақиқат(ни топиш) мубҳам бўлиб қолса ва у ҳақни талаб қилишда ҳавою нафсига берилмай, Аллоҳга содик бўлса, унга ҳақиқатни топар. Мабодо топмай қолса, Аллоҳ унинг узрини қабул қилар.

Сидқнинг зидди ёлғондир. Кимнинг нафсида ёлғон бўлса, аввало унинг тилига чиқар ва уни (тилни, сўзни) бузар. Кейин бошқа аъзоларда зоҳир бўлиб, уларнинг амалларини бузар. Бора-бора ёлғон у кишининг барча сўзлари, амаллари ва аҳволларини қоплаб, унга мустаҳкам ўрнашиб олар.

Муҳаббат. Банда Аллоҳни, Унинг расулини ва мўминларни севиш орқали иймон ҳаловатига етар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Кимда уч нарса бўлса, у иймоннинг ҳаловатини топар: Аллоҳ ва расули унга бошқалардан сеvimли бўлиши, кишини фақат Аллоҳ учун севиш, иймондан кейин куйфга қайтишни ўтга ташланганни ёмон кўргандек ёмон кўриши”*. (Муттафақун алайҳ). Агар бир қалбга Аллоҳнинг муҳаббати экилиб, у ихлос ва пайғамбарга тобеълик сувлари билан суғорилиб қолса, Роббисининг изни билан тез орада анвойи самарларни берар. **Муҳаббатнинг тўрт тури** мавжуд: **1. Аллоҳга муҳаббат.** Бу иймоннинг аслидир. **2. Аллоҳ йўлидаги**

мухаббат. Бу Аллоҳ учун севиш ва Аллоҳ учун ёмон кўришдир.¹ Аллоҳ йўлида юрган барча мўминларни ва улар орасидаги пок иймонли такводорларни севиш вожибдир. **3. Аллоҳдан бошқа “худони” Аллоҳга кўшиб севиш.** Бу катта ширкдир. **4. Табиий мухаббат.** Бу ҳар бир банданинг ўз отасини, онасини, қариндошларини, ватанини, уловини ва ҳоказо нарсаларга бўлган мубоҳ мухаббатдир.

Банда Аллоҳга маҳбуб бўлиш учун дунёга берилмаслиги керак. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Дунёда зоҳид бўлсанг, сени Аллоҳ севар”.** (Ибн Можжа)

ДТаваккул. Бу бир матлабни ҳосил қилиш ва ёқмаган нарсани даф қилишда, барча шаръий сабабларини кўргандан кейин фақат Аллоҳга суянишдир. Таваккулсизлик тавҳидга зарба, сабабларни тарк қилиш эса ожизлик ва нодонликдир. **Таваккул** уч қисмга бўлинади: **1. Вожиб таваккул.** Бу банданинг барча ишларида Аллоҳга таваккул қилиши ва барча фойда ёки зиённи Аллоҳдан деб билиши. **2. Ҳаром таваккул.** Бунинг икки тури мавжуд: биринчиси катта ширк, иккинчиси эса кичкина ширк ҳисобланади. Катта ширк саналгани банданинг Аллоҳни унутиб, ишларида бошқа сабабларга суяниб қолиши, фойда-ўшалардан кўриши. Кичкина ширк ҳисоблангани эса, банданинг ризқни бандадан кўриб қолишидир. Агар у одам Аллоҳни мутлақ ризқ берувчи деб ҳисобласа ҳам, баъзи вақтларда ва

¹ Одамлар дўстлашиш ва душманлашиш масаласида уч қисмга бўлинадилар: **1. Холис дўст тутиб, душман тутиш мумкин бўлмаганлар.** Булар ҳақиқий мўминлар, пайғамбарлар, сиддиқлардир. Энг аввалги қаторда пайғамбаримиз, унинг аҳли байти (оиласи) ва саҳобалари туради. **2. Ҳеч қачон дўст тутиб бўлмайдиган, узилиш вожиб бўлган одамлар.** Булар кофирлар. **3. Бир тарафдан дўст тутилса, иккинчи тарафдан ёмон кўриш зарур бўлган одамлар.** Улар осий мусулмонлардир. Уларни юрагида иймони бўлгани сабабли яхши кўрасан, аммо, ҳар қачон Аллоҳга гуноҳ ишларга қўл ургани сайин ёмон кўрасан. **Кофирлардан узилиш** уларни ёмон кўриш, салом бермаслик, уларга итоат қилмаслик, олқиш айтмаслик ва уларнинг ватанидан чиқиб кетиш билан изҳор қилинади. **Иймонлиларни дўст тутиш,** уларнинг ватанига ҳижрат қилиш, улардан молу жонни аямай ёрдам бериш, улар севинган нарса билан севишиш, қайғурган нарса сабабли қайғуриш ва ҳоказо хиссиётлар орқали изҳор қилинади. Кофирлардан узилиш ҳам мўминларни дўст тутиш ҳам Аллоҳнинг буйруғидир. Кофирларни дўст тутишга икки ҳукм бор: **1. Одамни диндан чиқариб, муртад қилар.** Бундай ҳолат мусулмонлар билан урушган кофирларга ёрдам берганда, кофирларни кофир деб ҳасобламаганда ва уларнинг кофирлигига шубҳаланганда содир бўлади. **2. Одамни диндан чиқармайди, бироқ, гуноҳкор қилади.** Бундай ҳолат кофирларнинг байрамларида иштирок қилганда, уларни байрами билан қутлаганда ва уларга ўхшашга интилганда содир бўлади. Мана шу ерда динга душманлик қилмаган, зиёнсиз кофирга нисбатан муомалани ойдинлаштириб олиш зарур. Ундай кофирлар билан, уларни севмасдан муомала қилиш, муҳтожларига ёрдам қилиш мумкиндир. Аллоҳ таоло деди:

﴿ لَا يَنْهَكَهُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُفْتِنُوا فِي الدِّينِ وَلَمْ يَخْرُجُوا مِنْ دِينِكَ أَنْ يَرَوْهُمْ وَيَقْسِمُوا بِاللَّهِ ﴾ **“Аллоҳ сизларни, дин борасида сизлар билан урушмаган, сизларни ватанингиздан чиқармаган одамларга яхшилик ва адолат қилишингиздан қайтармас”.** (60/8). Ҳозиргина айтгандек, кофирлардан узилиш, уларни ёмон кўриш ва душман тутиш бошқа масала. Бу масалада Аллоҳнинг фармони мана бундайдир:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَجِدُوا عَدُوِّي وَعَدُوِّيكُمْ أَوْلِيَاءَ لَقَوْلِكُمْ بِاللَّهِ بِالْمُؤَدَّةِ ﴾ **“Эй, мўминлар! Менинг ва ўзингизнинг душманингизни дўст тутмангиз! Сиз эса, уларга дўстлик изҳор қилаяпсиз!”** (60/1). Хуллас, зиёнсиз кофирларни севмасдан, ёмон кўрган ҳолда, аммо адолат билан муомала қилиш мумкиндир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинадаги яҳудийлар билан (улар хиёнатга қўл урмаган пайтларида) ана шундай муомала қилганлар.



холатларда ризкни одамлардан кўриб қолиши кичкина ширк бўлади. **3. Мумкин таваккул.** Бу банданинг дунё ишларида кўлидан келган одамларга таянишидир. Лекин, “Мен аввало Аллоҳга, ундан кейин сенга таваккул қилдим” дейиш ножоиздир. Аммо, “сенга топширдим” деса бўлади.

Шукр. Бу илоҳий неъматнинг бандада зоҳир бўлишидир. Шукр банданинг қалбида иймон шаклида, тилида ҳамду сано шаклида ва бадан аъзоларида амал шаклида зоҳир бўлади. Демак, шукр қалб билан, тил билан ва амал билан бўлар экан. Бошқача айтганда шукрнинг маъноси неъматларни Аллоҳга итоат йўлида ишлатмоқдир.

Сабр. Машаққатлардан Аллоҳдан бошқага шикоят қилмаслик сабр дейилади. Аллоҳ таоло деди: ﴿إِنَّمَا يُوفَى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾ **“Сабрликларга ажрлари ҳисобсиз берилур”** (Зумар 10). Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Ким сабрда собит бўлса, уни Аллоҳ овулар. Ҳеч бир бандага сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ мукофот берилмаган”.** (Муттафақун алайх). Умар разияллоҳу анҳу дедилар: “Қандай мусибат билан синалсам ҳам, унда мен учун Аллоҳнинг тўрт неъматидан бири бўлар эди: ё у мусибат менинг динимда бўлмас эди, ёки катта мусибат бўлмас эди, ёки (динимда бўлса ҳам, катта бўлса ҳам) унга рози бўлардим, ёхуд у синов туфайли савоб умид қилардим”.

Сабрнинг бир неча даражалари бордир: 1) Тубан даражаси. Бу ёқтирмай сабр қилишлик. **2)** Ўрта даражаси. Бу рози бўлиб сабр қилишлик. **3)** Олий даражаси. Бу Аллоҳнинг балосига ҳамд айтишлиқдир.

Ким зулм кўрса ва Аллоҳга ёлбориб золимни дуойи бад қилса, нафсига ёрдамчи бўлар ва агар сабр қилмаса ҳам ҳаққини олар.

Сабр икки хилдир: Баданий ва нафсоний. Биз бу ерда баданий сабрга тўхталмаймиз. Аммо, нафсоний сабр табиий шахватлар ва ҳоҳиш тақозоларига оиддир.¹

Банда ўз ҳаётида учраган барча нарсалар икки хил бўлар: А) Ҳоҳиш-ҳавосига мувофиқ нарсалар. Бунда банда Аллоҳнинг ҳаққини адо қилиш борасидаги сабрга муҳтож бўлади. Масалан, шукр қилиш ва у неъматларни гуноҳ йўлида сарф қилмаслик каби. **Б)** Ҳоҳиш-ҳавосига зид нарсалар.

Булар уч турлидир: 1) Аллоҳнинг итоатига (ибодатларга) сабр қилиш. Бунда фарзларга сабр қилиш вожиб, нафлларга сабр қилиш мустаҳаб бўлар. **2)** Гуноҳларга сабр қилиш. Бунда ҳаромни тарк қилиш вожиб, макруҳни тарк қилиш мустаҳабдир. **3)** Аллоҳнинг тақдирига сабр қилиш. Бунда Аллоҳдан бошқага шикоят қилишдан тилни сақлаш, Аллоҳнинг тақдирига эътироз қилишдан қалбни сақлаш ва ўкириб йиғлаш, ёқа титиш каби Аллоҳни норози қиладиган амаллардин аъзоларни сақлаш **вожибдир.** Аммо, Аллоҳнинг тақдирига қалбан рози бўлиш **мустаҳабдир.**

¹ Агар нафсоний сабр қорин ва жинсий шахватга нисбатан бўлса “иффат” деб аталар. Агар урушда бўлса “шижоат” дейилар, агар аччикни ютиш бўлса “ҳалимлик” дейилар, агар бир ишни яшириш бўлса “сир яшириш” дейилар, агар ҳаёт неъматлари хусусида бўлса “зоҳидлик” деб аталар ва агар оз нарсага сабр қилинса, “қаноат” деб аталар.

Шу масалада бир савол: шукр қилгувчи бой афзалми ёки сабр қилгувчи камбағалми? Агарда бой одам молини Аллоҳга итоат йўлида сарф қилса ва сақласа, у сабрли камбағалдан афзалдир. Агарда у (бой) молининг кўпини мубоҳ ишларга сарфласа, у ҳолда ундан сабрли камбағал афзалдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*(Нафл) рўза тутмаган шукр қилгувчи (нафл) рўзадор сабр қилгувчининг манзилатидадир*” (Аҳмад).

Ризо. Бу бир нарса билан кифояланиш ва қаноатланишдир. Ризо амал барпо қилингандан кейин пайдо бўлар. Энг олий даражадаги ризо – бу Аллоҳнинг қазосига рози бўлишдир. Бу эса муҳаббат ва таваккулнинг натижасидир. Шунингдек, банданинг ёкимсиз нарсалардан паноҳ тилаб Аллоҳга дуо қилиши ризога зид келмайди.

Хушувъ. Бу Аллоҳни улуғлаш, Унга нисбатан синиқлик ва хорлик мақомида туришдир. Хузайфа дедилар: “нифоқли хушувъдан сақланинглар!”. Шундан ундан: “*нифоқли хушувъ деганингиз недир?*” деб сўрадилар. У айтди: “*Жасад хушувъда, аммо қалб гафлатда бўлса, мана шу нифоқли хушувъдир*”. Хузайфа яна бундай дедилар: “*Сизлар динингиздан энг аввало хушувъни йўқотгансизлар*”. Шариат қайси ибодатда хушувъга буюрган бўлса, у ибодатнинг даражаси ундаги хушувънинг даражаси билан ўлчанади. Масалан, намозни олсак, **пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб турган киши ҳақида у учун намозининг ярми, тўртдан бири, бешдан бири...ўндан бири қолганлигини, баъзан эса намозида мутлақо хушувъ бўлмагани сабабли намози ҳам йўққа чиққанлигини айтганлар.**

Ражо. Бу Аллоҳ раҳматининг кенгилига умид боғлашдир. Ражонинг зидди умидсизликдир. Ражога асосланиб амал қилиш **хавфга**¹ асосланиб амал қилишдан олийдир. Чунки, ражо Аллоҳга яхши гумон қилишни натижа беради. Аллоҳ таоло деди: “*Мен бандамнинг яхши гумонидагидекман*”. (Муслим).

Ражо икки даражадан иборат: 1) Олий даража. Бу итоат юзасидан амал қилиб, Аллоҳнинг савобини умид (ражо) қилишдир. Оиша разияллоҳу анҳо дедилар: “Ё, расаллаллоҳ! ﴿وَالَّذِينَ يُؤْتُونَ مَا آتَاوْا وَقُلُوبُهُمْ وَجَلَةٌ أَنَّهُمْ إِلَىٰ رَبِّهِمْ رَاجِعُونَ﴾ “**Улар келтирган нарсаларини Роббиларига қайтувчи эканини (ўйлаб) юраклари титраб келтирган одамлардир**” деган оятидан мақсад ўғрилик қилган, зино қилган ароқ ичган ва...Аллоҳдан қўрққан одамларми?” “**Йўқ, эй Сиддиқнинг қизи** – дедилар – **улар рўза тутган, садақа қилган ва кейин қабул қилинмай қолармикин деб қўрққан одамлардир. Улар (Аллоҳ ўша оятнинг давомида айтганидек) “яхшиликда ўзаро мусобақа қилишган одамлардир**”. (Термизий).

2) Тубан даража. Гуноҳдан кейин тавба қилиб, Аллоҳнинг раҳматини ражо (умид) қилиш. Аммо, баъзи кишилар борки, тавба қилиш ўрнига гуноҳида давом этаверади ва Аллоҳнинг раҳматидан ҳам умид қилаверади. Бу ражо эмас, таманно яъни, хом ҳаёлдир. Ражонинг бу икки туридан аввалгиси яхши кейингиси ёмон. Иймонли банда яхши амал қилиб, ўша амали қабул бўлармикин деб

¹ Бу қалб амалининг изоҳи кейинроқда келади.

хавф қилади ва Аллоҳнинг раҳмати ила қабул бўлишини умид (ражо) қилади. Аммо, мунофиқлар ёмон амалларни қилиб, раҳматни умид қилаверадилар.

ДХавф. Бу ёмонликга тушиб қолишдан хавфсираган нафснинг ғам чекишлигидир. Қандайдир ёмонликнинг аниқ сезилиши “хашя” деб аталади. Хашянинг зидди “амнун”(хотиржамлик)дир. Аммо, бу (хашя) ражонинг зидди эмас. Чунки, хашя раҳбат (кўркинч) туфайли пайдо бўлса, ражо раҳба (қизиқиш, севиш) боис пайдо бўлади. Ҳар бир банда ўзида **муҳаббат, хавф ва ражони** жамлаши зарурдир. Ибнул Қаййим дедилар: “Қалб Аллоҳ томон интилишида бир қуш манзилатидадир. Муҳаббат унинг боши, хавф билан ражо эса икки қанотидир. Агар қалбга хавф ўрнашадиган бўлса, ундаги барча шахват ўринларини куйдириб юборар ва ундан дунёни ҳайдаб чиқар”. Хавфнинг тўрт тури бор: **1. Вожиб кўрқув.** Бу Аллоҳдан кўрқишдир. Чунки, иймон икки негиз устида мустаҳкам турар. Биринчиси Аллоҳни қаттиқ севиш бўлса, иккинчиси, Аллоҳдан қаттиқ кўрқишдир. **2. Катта ширк деб ҳисобланган кўрқув.** Бу мушрикларнинг “худоларидан” (бир зиён еткизиши мумкин деб) кўрқиш. **3. Ҳаром кўрқиш.** Бу одамлардан кўрқиб, фарз амалларни тарк қилиш ва ҳаром ишларни қилишдир. **4. Мумкин кўрқув.** Бу ҳар бир одамда бўладиган табиий кўрқув. Масалан, бир ёввойи ҳайвондан ёки захарли илондан кўрқиш каби.

ДЗухд. Бу бир нарсага қизиқишни тарк қилиб, ундан яхшироғига юз буришдир. Банда дунёда зоҳид бўлса, қалби ва бадани роҳатга чўмилар. Аммо, дунёга муккасидан кетиш ғам қайғуни кўпайтирар. Чунки, дунёни севиш барча гуноҳларнинг бошидир. Дунёни севмаслик эса барча тоатларнинг бошидир. Зоҳидлик дунёни кўлдан эмас, балки юракдан чиқариш билан бўлар. Дунёни юракдан ҳам, кўлдан ҳам чиқариб юбориш нодонларнинг зоҳидлигидир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Яхши одамнинг кўлидаги яхши мол-дунё нақадар гўзал!”** (Аҳмад).

Камбағаллар молга муносабат жиҳатидан беш хилдир: **1)** Молни севмаганлиги, ёмонлигидан ва машғул қилиб кўйишидан кўрққанлиги туфайли ундан қочади. Бу киши **зоҳиддир.** **2)** Мол-пули бўлса севинмайди, уни азият чекар даражада ёмон ҳам кўрмайди. Бу одам **розийдир.** **3)** Молнинг бўлиши у учун севимли. Чунки, унинг молга рағбати бор. Лекин бу рағбат мол учун ўлиб-тириладиган даражада эмас. Балки, Аллоҳ ато қилса, семинар. Аммо мол топиш учун жонни Жабборга бериш керак бўлса, унчаликга бормайди. Бу одам **каноатлидир.** **4)** Ўзи молни севади. Фақат ожизлиги туфайли топа олмайди. Агар мол топиш учун ўта машаққатли йўлга тушиш керак бўлса –тушади. Бу одам **харис**(очкўз)дир. **5)** Емоқ ва ичмоқ учун молга жуда муҳтож. Ҳатто ўшанга ҳам еткиза олмайди. Бу одам “музтар” (муҳтож) деб аталади.

Куннинг муҳим мунозараси

Абдуллоҳ деган йигит биродари **Абдуннабийни** учратиб қолди ва унинг исмини ёқтирмай: “Инсон Аллоҳдан бошқага қул бўлиши мумкинми?” деди. (Чунки, “Абдуннабий” деган исмининг маъноси “пайғамбарнинг қули” деган маънони англатар эди). Кейин иккисининг орасида мана бундай мунозара бошланди:

Абдуллоҳ: Сен Аллоҳнинг бандасимисан ёки пайғамбарнинг бандасимисан?

Абдуннабий: Мен Аллоҳгагина бандалик ва ибодат қиламан. Мен мусулмонман!

Абдуллоҳ: Унда нега исминг пайғамбарларига ибодат қилган насороларнинг исмига ўхшайди. Улар ўзларини Ийсонинг қули ва бандаси деб ҳисоблайдилар, Ийсога ибодат қиладилар? Сенинг исмингни эшитган ҳар бир одам “Ие, бу пайғамбарга ибодат қилади, шекилли!” деб таажубланиши мумкин. Мусулмон одамнинг ақидасига биноан бундай исмларни кўтариб юриш дуруст эмасдир. Чунки, биз пайғамбарни худо деб эмас, худонинг қули деб иймон келтираемиз.

Абдуннабий: Аммо, пайғамбаримиз муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам оламдаги инсонларнинг энг улуғи эканлиги ёлғонми, ахир? Бу исми олиб юриш билан биз пайғамбаримизни табаррук қиламиз, унинг Аллоҳ олдидаги буюк даражасини тавассул (ўртамчи) қилиб, Аллоҳга қурбат ҳосил қиламиз, ундан шафоат тилаймиз! Сен хайрон қолма, дўстим, масалан менинг акамнинг оти “**Абдул Ҳусайн**”¹, отамнинг исми эса “**Абду Расулдир**”². Бу исмларни ота-боболаримиз қўйиб келишган, одамлар орасида урфга айланган. Сен исломни ўта тор қараяпсан. Бу сен ўйлаганчалик оғир гуноҳ эмас. Ахир динимиз энгил эканлигини биласанку!

Абдуллоҳ: Бу сўзларинг аввалгисидан ҳам баттар хатарли! Сен нима, фақат Аллоҳ қодир бўлган нарсаларни бошқалардан сўрамоқчимисан?! Мусулмон одам эҳтиёжларини Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан сўрамаслиги лозим, ҳоҳ у пайғамбар бўлсин, ёки имом Ҳусайндек авлиё бўлсин бари – бир. Чунки, бу тавҳидга хилофдир. Аллоҳ бизни тавҳидни барпо қилишга, бошқача айтадиган бўлсак, Ўзидан бошқа ҳеч нарсага ибодат қилмасликга буюргангани билмайсанми? Мен ҳозир сенга баъзи бир масалаларни айтаманки, ўшанда ишинг сен ўйлаганчалик энгил эмаслигини ва “Абдуннабий” деб аталишинг ёмон оқибатларга олиб келишини билиб оласан. Менинг мақсадим сени ноқулай аҳволга солиш эмас, балки, ҳақни рўйи рост айтиб, ҳақиқатга эргашишга чақириш ва амр маъруф, аҳий мункар қилишдангина иборат.

Авалло сенга Аллоҳ таолонинг мана бу ояти каримасини эслатиб қўяйин:

﴿ **إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا** ﴾ **“Ораларида ҳукм қилиш учун Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига чақирилганда, иймонли бандаларнинг сўзлари “эшитдик ва итоат қилдик!” демоқдан бошқа бўлмас”**. (4/59).

﴿ **فَإِنْ نَنْتَزِعْنَاهُ مِنْ شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ** ﴾ **“Агар Аллоҳга ва охираат кунига ишонар бўлсангиз, бир масалада талашиб қолсангизлар уни (не жавобини олиш учун) Аллоҳга ва пайғамбарига қайтаринг!”** (24/51)

Хўш, шундай қилиб сен “исмим Абдуннабий бўлгани билан ўзим Аллоҳга шерик қўшмай ибодат қиламан ва “ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун

¹ Маъноси «Ҳусайннинг бандаси, қули»

² Маъноси «пайғамбарнинг бандаси, қули»

расулуллоҳ” деб иймон келтираман демоқдасан. Энди айтчи менга, сен шу калиманинг маъноси биласанми?

Абдуннабий: Албатта, биламан! Тавҳид дегани бу “Аллоҳ бордир. У осмонлар ва ерни яратгандир. У жон бахш этар ва ўлдирар. Барча борликни бир Ўзигина бошқарар. Барча нарсаларни билар, барча нарсадан хабардор ва ҳар нарсага қудратлидир!” деб иймон келтирмоқдир.

Абдуллоҳ: Агар тавҳиднинг маъноси сен айтгандек бўлса, унда Фиръавн, Абу Жаҳл ва бошқа кофирлар муваҳҳид(ягона Аллоҳга ибодат қилгувчи)лар бўлган эканда, а? Чунки, улар ҳам сен айтгандек, “Аллоҳ бор. У ягона бошқарувчи...” деб ишонган одамлар эди. Масалан, Аллоҳ Фиръавн ва унинг кофир қавмини мана бундай сифатлагандир: ﴿وَجَحَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا﴾ **“Улар Уни (ягона Аллоҳга ибодат қилишни) зулм ва такаббурлик ила инкор қилдилар. Аммо, юраклари буни (Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини) аниқ билиб турар эди”.** (27/14).

Абдуннабий: Унда сен айтчи, тавҳид дегани нима ўзи?

Абдуллоҳ: Тавҳид бу ибодатларни ягона Аллоҳгагина хослашдир. “Ибодат” деб, Аллоҳ таоло рози бўлган, севган барча амалларга ва сўзларга айтилади. Сен **“Аллоҳдан бошқа худо (маъбуд) йўқ”**¹ деб хато тушунган калима аслида **“Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ маъбуд йўқ”** деб таржима қилинади. Дарвоқеъ сендан яна бир нарсани сўрамоқчиман: **Аллоҳ таоло пайғамбарларни қандай вазифа билан юборган?** Масалан, Нух пайғамбарни олайлик?

Абдуннабий: Мушрикларни Аллоҳга ибодат қилишга чақириб, ширк амалларни тарк қилишга буюриш учун юборгандир.

Абдуллоҳ: Балли! Энди айтчи, Нух алайҳиссаломнинг қавми нима сабабли мушрик бўлиб қолган эдилар?

Абдуннабий: Билмасам.

Абдуллоҳ: Унда эшит: Нух қавми ўзларининг орасидан чиққан “Вадд”, “Сувоъ”, “Ёғус”, “Яук” ва “Наср” деган авлиёларни ҳаволатиб мактаб, улар ўлгандан кейин арвоҳларини муқаддас тутганлари сабабли мушрик бўлиб қолганлар. Уларни мана шу ширкларидан қайтариш учун Аллоҳ Нух пайғамбарни юборган.

Абдуннабий: Нахотки, сен айтган исмлар авлиёларнинг исмлари бўлса! Улар кофир ва золимларнинг исмлари эмасмиди?

Абдуллоҳ: Ҳа. Улар Нух қавми орасидан чиққан авлиё кишилар эди... Нух қавмининг бундай ширк амалига араблар ҳам эргашиб, ўша исмларни бут (санам) қилиб олишиб, уларга сиғинганлар. Бунга далил Абдуллоҳ ибн Аббоснинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин!) мана бу ривоятидир: “Нух қавмидаги бутлар кейин арабларга ўтди. “Вадд” Давмутул Жандалдаги “Калб” қабиласининг худосига айланса, “Сувоъ” “Хузайл” арабларининг, “Ёғус” Сабоога яқин Жауф деган жойдаги “Мурод” қабиласининг худоси бўлиб

¹ «Маъбуд» деган сўзнинг маъноси «ибодат қилинган нарса» демакдир. Бу дунёда адашган инсонлар Аллоҳдан ўзга кўп маъбудларга ибодат қиладилар. Баъзилари ўша маъбудларни Аллоҳга шерик қиладилар. Демак, ла илаҳа иллаллоҳнинг маъноси “Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ” деб эмас, “Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ маъбуд йўқ” деб таржима қилингандагина тўғри тушунча ҳосил бўлади.

қолган эди. Кейинроқ уни “Бану Қутайф” қабиласи ҳам ўзига худо қилиб олди. Шунингдек, “Яукни” ҳамадонликлар худо қилиб олган бўлса, “Насрни” Ҳимярдаги “Зул Қалоа” қабиласи ўзларига санам қилиб ўрнатиб олган эдилар. Буларнинг барчаси Нуҳ қавми орсидан чиққан авлиё кишиларнинг исмларидир. У авлиёлар ўлган вақтда шайтон Нуҳ қавмига келиб, “Ўша авлиёлар ўтирган жойларга уларнинг суратлари ва ҳайкалларини куринг ва уларга авлиёларнинг номларини қўйинг!” деб васваса қилган ва авом халқ буни бажарганлар. Аммо, улар бу ҳайкалларга ибодат қилмаганлар. Бу авлод ўтиб кетгач, одамлар орасидан тавҳид илми кўтарилиб, кейинги авлод ўша ҳайкалларни худо қилиб олишди”. (Имом Бухорий ривояти)

Абдуннабий: Бу гапларинг хатарли ва ўта қизиқ экан. Далилинг борми бу гапингга?¹

Абдуллоҳ: Мен сенга бундан ҳам ажабланарли нарса айтаман: агар билсанг, пайғамбаримиз юборилган вақтда Макка мушриклари Аллоҳдан кечирим сўрайдиган, ибодатли, ҳаж амалини адо қиладиган, Байтуллоҳни тавоф қиладиган, Сафо ва Марва орасида саъй қиладиган, садақалар берадиган қавм эди. Фақат, улар Аллоҳга дуо қилганларида ўзлари билан Аллоҳнинг орасига фаришталарни, авлиёларни восита (ўртамчи) қилишиб, “Улар (азиз-авлиёлар) бизларни Аллоҳга яқинлаштиради”, “Улар бизни Аллоҳнинг олдида шафоат қилади” дер эдилар. Уларнинг орасида Йисо пайғамбарни тавассул (восита) қилиб дуо қиладиганлари ҳам бор эди. Кейин Аллоҳ таоло ўша одамлар орасидан Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни танлаб олиб, унга бобоси Иброҳимга юборган динни янгилаб юборди ва бу динни одамларга тарқатишни буюрди. Пайғамбаримиз Аллоҳнинг амрини бажариш учун одамларни оралаб, уларга “Эй, одамлар! Ибодат Аллоҳдан ўзгага қилинмас! Аллоҳга дуо қилганда арвоҳлар восита қилинмас! Аллоҳ ёлғиздир, шериги йўқдир! У ягона ризқ бергувчидир! Осмонлару ердагиларнинг барчаси унинг бандасидар! Ҳатто, сизлар худо қилиб олган анави санамлар ҳам Аллоҳнинг султони остидадирлар!” деб дин ҳақидаги янги ва тўғри тушунчаларни тарқата бошлади.

Абдуннабий: дарҳақиқат, айтганларинг мен учун қизиқ бўлаяпти. Бирок, далиллар билан айтсанг яхши бўлармиди...

Абдуллоҳ: далиллар жуда ҳам кўп. Масалан, Аллоҳнинг мана бу сўзлари:

﴿قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدِيرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تُنْقَوْنَ﴾

“Эй, Муҳаммад!) Уларга айт: “Сизларга осмон ва ердан ким ризқ беради? Ёки қулоқларнинг, кўзларнинг ҳожаси кимдир? Ва тирикни ўликдан, ўликни тирикдан чиқарган кимдир ва ким (оламий) ишларни бошқарар?” улар дарҳол “Аллоҳ!” дерлар. Сен уларга “Унда (ўша Аллоҳдан) кўрқмайсизларми?!” дегин”. (10/31)

﴿قُلْ لِمَنِ الْأَرْضُ وَمَنْ فِيهَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ﴾ (86) ﴿سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾ (85) ﴿قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ﴾ (87) ﴿سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تُنْقَوْنَ﴾ (87) ﴿قُلْ مَنْ يَدْعُو مَلَكَتُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ﴾ (88) ﴿سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ فَأَنَّى تُسْحَرُونَ﴾ (88)

¹ Ҳаётимиздаги абдуннабийлар ҳам шунақа. Уларга Қуръондан кейинги мақомда турган “Саҳиху Бухорийдан” ривоят келтирилди! Яна далил сўраяптилар...



“Айт: “Агар билсангиз айтингларчи, Ер ва ундаги нарсалар кимникидир?” Улар дарҳол “Аллоҳники!” дерлар. Айт: “Унда (ўша Аллоҳни) эсламайсизларми?”. Айт: “Етти (қават) осмонларнинг ва Улуг Аршининг роббиси кимдир?”. Улар “Аллоҳники” дерлар. Уйт: “Унда (ўша Аллоҳдан) кўрқмайсизларми?!”. Айт: “Агар билсангиз, айтингчи: барча нарсаларнинг подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган ва Угина ҳимоя қила олган ва Ўзи ҳимояга муҳтож бўлмаган Зот кимдир?” Улар дарҳол “Аллоҳники” дерлар. Айтгил: Унда (ўша Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилмай) қандай алданмоқдасиз?!” (23/84, 89)

Бундан ташқари яна мушриклар ҳаж ибодати пайтида Аллоҳ таолога “«лаббайка Аллоҳумма, лаббайк! Лаббайка, лаа шарийка лак! Иллаа шарийкан хува лак. Тамлукуху ва ма малак»¹ деб, лаббайкалар айтишиб, Унинг оламда ягона ҳожа эканлигини, бошқача айтганда рубубият тавҳидини тан олар эдилар. Аммо, бу эътиқодлари уларни ислом доирасига киргизган эмас. Аксинча, улар фаришталарга, пайғамбарларга ва авлиёларга ёлбориб, уларни ўзлари билан Аллоҳ ўртасига воситачи қилиб, худди мана шу ишлари туфайли кофир аталганлар ва уларга қарши жиҳод қилиш ҳалол бўлган. Демак, ёлборовлар, дуолар, назрлар, қурбонликлар, ёрдам сўрашлар... қўйингки, барча ибодатлар Аллоҳнинг Ўзига бағишланиши лозимдир.

Абдуннабий: Агар Аллоҳнинг борлигига ва оламларнинг ҳожаси эканлигига ишониш комил тавҳид бўлиб ҳисобланмаса, сенингча, ҳақиқий тавҳид нима?

Абдуллоҳ: Пайғамбарларнинг юборилишига сабаб бўлган ва мушриклар тан олгиси келмаган тавҳид – бу ибодатларни Аллоҳнинг Ўзига хослашдир. Бошқача айтганда, банда назр, дуо, қурбонлик, ёлбориш, ёрдам сўраш ва шу каби ибодатларини фақат Аллоҳ таологагина қилишдир. Сенинг “ла илоҳа иллАллоҳ” деган калимангнинг маъноси ҳам – мана шудир. Қурайш мушриклари “илоҳ” деганда ана шу ибодатларини бағишлаган фаришталарни, пайғамбарларни, авлиёларни, дарахтларни, мозорларни, жинларни ва ҳоказо маъбудларни назарда тутганлар. Улар Аллоҳни ягона яратувчи, ягона ризқ берувчи, ягона ҳожа деб эътиқод қилганлари билан, ягона илоҳ деб ишонишмаган. Шунинг учун пайғамбаримиз тавҳид динини олиб келганда улардан “ла илоҳа иллАллоҳ” деб иймон келтиришни ва ана шу иймон тақозоси билан ибодат қилишни талаб қилганлар.

Абдуннабий: Сен бу билан Қурайш мушриклари “ла илоҳа иллАллоҳ” калимасининг маъносини баъзи ҳозирги мусулмонлардан яхшироқ билган демокчимсан?

Абдуллоҳ: Ҳа. Бу – аччиқ ҳақиқатдир! Биз жоҳил деб ҳисоблаган мушриклар “ла илоҳа иллАллоҳ” калимасининг маъносини “ибодатларни ягона Аллоҳга хослаш ва Ундан ўзга барча маъбудларни (илоҳларни) йўққа чиқариш, улардан узилиш” маъносида жуда тўғри тушунганлар ва худди шунинг учун бу калимага қарши чиққанлар. Худди шунинг учун улар пайғамбаримизнинг “ла илоҳа иллАллоҳ” калимасига келингиз!” деган даъватига ﴿أَجْعَلِ الْأَلِهَةَ إِلَهًا وَجِدًا﴾

“Ие! Бу кўп худодлар(имиз)ни биргина худоба алмаштирмоқчимиз?! Бу

¹ Маъноси: “Эй, Аллоҳ, Сенга лаббай деймиз! Сенинг шеринг йўқдир! Фақат биргина шеринг бор, Сен унга ҳожасан, аммо у сенга ҳожа эмас”.

жуда галати нарсаку?!" деб жавоб беришган. Шу аснода улар Аллоҳнинг борлигини, бирлигини, ягона ризқ берувчи, ягона бошқарувчи, ягона ўлдиргувчи ва ягона жон бағишловчи эканлигини билиб турганлар. Албатта, ҳозирги кўпгина мусулмонларимизнинг “ла илоҳа иллАллоҳни” мушрикларчалик тушуна олмаганлиги ўкинчлидир. Улар бу калиманинг маъносига аҳамият бермай, фақат оғизда айтиб қўйиш кифоя деб ўйлашади. Роса билимдонман деганлари “Аллоҳдан ўзга ҳақиқий маъбуд йўқдир” деб таржима қилиниши лозим бўлган бу калимани “Аллоҳдан бошқа яратувчи йўқдир” деб хато талқин қиладилар.

Абдуннабий: Бирок, мен Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилганим йўқ, аксинча, Аллоҳдан бошқа яратувчи, ризқ берувчи йўқ деб ишонаман. Фойдани ҳам, зиённи ҳам Аллоҳдан кўраман. Мен Жийлоний, Баҳоуддин у ёқда турсин, хатто пайғамбаримизга ҳам “Менга фойда келтир, зиёндан сақла!” деб дуо қилмайман. Фақат биласанми, ҳамма гап шундаки, биз – гуноҳкор бандалармиз. Улуғ одамларнинг эса, Аллоҳнинг олдида буюк даражалари бор. Мен ўша азиз-авлиёларга мурожаат қилиб, “Аллоҳнинг олдидаги жоҳу мартабангиз билан мени шафоат қилиб (қўллаб) қўйингиз!” дейман холос. Бунинг нимаси ширк?

Абдуллоҳ: Мен сенга юқорида, пайғамбаримиз урушган кофирлар ҳам худди сен каби эътикод қилишини айтган эдимку. Улар ҳам ҳалиги бут-санамларига мурожаат қилганда улардан бир нарсани бор қилиб беришликни эмас, фақат “Аллоҳнинг олдида буюк даражангиз билан бизни шафоат қилиб қўйинг!” деб сўраганлар холос. Юқорида бу фикримга Қуръондан далил келтирган эдим.

Абдуннабий: Бирок, сен айтган оят бутларга сиғинганлар учун нозил бўлган да. Сен қандай қилиб пайғамбарлар ва авлиёларнинг руҳларини бутларга киёс қиляпсан?!

Абдуллоҳ: Яна эслатаман: Ўша сен айтган бутлар азиз-авлиёларнинг исмлари эди! Кофирлар ўша бутларнинг ичида авлиёларнинг руҳлари бор, улар Аллоҳнинг олдидаги буюк даражалари билан бизни Аллоҳга якин ва шафоат қилади деб эътикод қилганлар. Бунинг далили Аллоҳ таолонинг мана бу оятидадир:

﴿ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ ﴾ **“Аллоҳдан бошқани авлиё-худо қилиб олганлар “Биз уларга бизни Аллоҳга яқинлаштиради” дебгина ибодат қиляпмиз холос!”** (дейдилар). (39/3).

Энди сенинг “Пайғамбарлар ва авлиёларни бутларга тенглаштираяпсан” деган сўзингга келсак, билгинки, пайғамбаримиз (с.а.в.) ислом динини олиб келганда кофирлар орасида авлиёларга ва пайғамбарларга дуо қиладиганлари ҳам бор эди. Улар ҳақида Аллоҳ таоло бундай дегандир:

﴿ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا ﴾ **“Улар дуо қилаётган(авлиё)ларнинг ўзи Роббисига васила (ўртамчи) излаб, “кимимиз яқинроқ бўлар эканмиз” деб қоларлар. Ва улар(нинг ўзлари) Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, азобидан қўрқиб туришади. Дарҳақиқат, Роббининг азоби қўрқинчлидир!”** (17/57). Энди,

пайғамбарлар(нинг руҳи)га ёлбориб, дуо қиладиган мушриклар ҳақида Аллоҳ таолонинг сўзи будир: ﴿ وَإِذْ قَالَ اللَّهُ يٰعِيسَىٰ ابْنَ مَرْيَمَ ءَأَنْتَ قُلْتَ لِلنَّاسِ اتَّخِذُونِي وَأُمَّيَ الْهَيْبَتِينَ مِنْ دُونِ اللَّهِ ﴾ **“Ўша (қиёмат) маҳалда Аллоҳ “Эй, Марямнинг ўгли Ийсо! Сен одамларга**



“Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар” деганмидинг?!¹ (5/16).

Мушриклар орасида фаришталарга дуо қиладиганлари ҳам бор бўлиб, улар ҳақида Қурънда мана бундай дейилган: ﴿وَيَوْمَ يُحْشَرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ يَقُولُ لِلْمَلَائِكَةِ أَهْتُولَاءُ إِنَّا كُنَّا نَعْبُدُونَ﴾

“Ўшал кунда улар(фаришталарга сизинганлар)нинг барчаси йиғиб келинадир. Кейин (Аллоҳ) фаришталарга қараб: “Сизларга ибодат қилганлар мана шулармиди?!” дер. (34/40).

Энди, ўзинг ўйлаб қара: бу оятларда Аллоҳ таоло бутларга ялинганларни (дуо қилганларни) ҳам, фаришталарга ялинганларни ҳам, авлиёларга ёлборганларни ҳам ва ҳатто, пайғамбарнинг руҳидан имдод сўраганларни ҳам кофир деб атади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам уларнинг барчасини кофир ҳисоблади ва уларга қарши жиҳод қилди.

Абдуннабий: Бироқ кофирлар улардан манфаат тилаганлар. Мен эса манфаатни фақат Аллоҳдан тилайман. Тўғри авлиёларнинг қўлида ҳеч нарса йўқ. Мен улардан фақат Аллоҳнинг олдида қўллаб қўйишлигини умид қиламан.

Абдуллоҳ: сенинг бу сўзинг билан мана бу оятдаги кофирларнинг сўзлари орасида ҳеч айирма йўқ: ﴿وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَؤُلَاءِ شُفَعَاتُنَا عِنْدَ اللَّهِ﴾

“Улар Аллоҳдан бошқа, ўзларига фойда ҳам, зиён ҳам еткиза олмайдиган “худоларга” ибодат қилишиб, “Улар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги қўлловчиларимиздир” дейдилар”. (10/18)

Абдуннабий: Ҳой! Мен Аллоҳдан бошқа “худоларга” ибодат қилганим йўқ! Авлиёларга дуо қилдим! Сенингча шу ибодат бўладими?!

Абдуллоҳ: Қани айтчи, Аллоҳ таоло ибодатларни ёлғиз Ўзигагина қилишни сенга фарз қилганми? Ибодатга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ҳақдор эмаслигига ҳам ишонасанми? Сен Аллоҳнинг: ﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ﴾ **“Улар ибодатларни ихлос билан, Аллоҳгагина қилишга буюрилганлар”**

деган сўзини ҳақ деб ҳисоблайсанми?

Абдуннабий: Ҳа да!

Абдуллоҳ: Унда менга мана шу оятдаги “ихлос билан” деган сўзни тушунтириб берчи?

Абдуннабий: саволингга яхши тушунмадим, ўзинг тушунтира қол.

Абдуллоҳ: Унда эшит: Аллоҳ таоло бошқа бир оятда:

﴿ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ﴾ **“Роббингизга махфий ва ошкора дуо қилинглр. У тугёнкорларни севмас”** дегандир. (7/55).

“Дуо бу аслий ибодатдир” деган ҳадисга ишонасанми ўзи?

Абдуннабий: Тўғри. Пайғамбаримизнинг бу ҳадисларини биламан. Бинобарин, дуонинг ибодат эканлигини тасдиқлайман.

Абдуллоҳ: Агар дуони ибодат деб билсанг, Аллоҳга ҳам дуо-ибодат билан ёлборсанг. Унда нега ўша ибодатни Аллоҳнинг ўзига қилмай, эҳтиёжларингни Аллоҳнинг Ўзидан сўрамай, қабрда ётган авлиёларга дуо қилиб, ўшалардан эҳтиёж сўраб, уларни Аллоҳга шерик қиляпсан?! Бу ишининг аниқ ширк эканлигини наҳотки тушунмайсан?!

¹ Оятнинг давомида Ийсонинг ҳаргиз ундай демаганлигини Аллоҳга билдирганининг баёни бордир.

Абдуннабий: Ҳа-а... гап бу ёқда дегин... Аммо, гапларинг тўғри...

Абдуллоҳ: Яна бир мисол: агар сен Аллоҳ таолонинг ﴿فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرْ﴾ “**Роббинг учунгина намоз ўқи ва (Роббинг учунгина) қурбонлик қил!**” деган оятини билсанг, шу ҳукмга итоат қилиб, қурбонликни фақат Аллоҳ учун сўясан, шундайми? Ўшанда сенинг қурбонлигинг ибодат ҳисобланади, шундайми?

Абдуннабий: Шундай, шундай...

Абдуллоҳ: Энди агар сен, ўша қурбонлигингни пайғамбар учун ёки фариштаар учун ёки авлиё учун ёхуд бир мазор учун деб, ўшаларга атасанг, бу ишинг ширк ҳисобланадими?

Абдуннабий: Ҳа. Албатта, ширк бўлиб қолади.

Абдуллоҳ: Мен сенга дуо билан қурбонликни мисол келтирдим. Чунки дуо оғзаки ибодатларнинг энг машҳури бўлса, қурбонлик кўл билан қилинган ибодатларнинг машҳурларидан биридир. Булардан бошқа яна кўп ибодатлар бор. Масалан: назр ибодати, қасам ибодати, ёрдам сўраш (тилак) ибодати каби... Энди қара, Қуръонда зикри ўтган мушриклар мана шу ибодатларни фаришталарга, авлиёларга, Лот, Уззо ва бошқа худоларга бағишлаш билан ўшаларга ибодат қилишармиди?

Абдуннабий: Шундоқ.

Абдуллоҳ: Уларнинг ширклари Аллоҳдан бошқага дуо, қурбанлик қилиш, Аллоҳдан бошқага ёлбориш, мадад сўраш ва ҳоказо ибодатлардан иборат эди. Ҳа. Улар “Биз Аллоҳнинг бандаларимиз, Аллоҳнинг ҳукми остидадирмиз, Аллоҳнинг ягона яратувчи, ягона ҳожа-хўжайин эканлигига иқрормиз” дер эдилару... ундан кейин ҳалиги авлиёлардан мадад сўраб, ўшаларга ёлборар, Аллоҳнинг олдидаги мартабалари билан ўзларини шафоат қилишларини сўраб, дуо қилардилар.

Абдуннабий: Эй, Абдуллоҳ! Нима, сен пайғамбаримизнинг шафоатига ишонмайсанми?

Абдуллоҳ: Нега ишонмас эканман, ишонаман. Пайғамбаримиз – унга ота онам фидо бўлсин – энг улуғ шафоатчидир! Мен ҳам унинг шафоатини умид қиламан. Бироқ, биласанми, барча шафоатлар Аллоҳнинг изму-ихтиёрида. Аллоҳ таоло айтган: ﴿قُلْ لِلَّهِ الشَّفَعَةُ جَمِيعًا﴾ “**Айт (Эй, Муҳаммад), барча шафоатлар Аллоҳгагина хосдир**” (39/44). Шунинг учун, ҳатто пайғамбарлар ҳам Аллоҳнинг рухсатисиз ҳеч кимни шафоат қилолмайди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи: ﴿مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ﴾ “**Ким экан у, Аллоҳнинг олдида шафоат қиладиган? Унинг рухсатисиз ҳеч ким шафоат қилмайди!**” (2/255).

Шундай экан, пайғамбаримизнинг шафоатини ҳам унинг ўзидан сўрамай, Аллоҳдан сўраш керак, “Эй, Роббим! Менга пайғамбаримизнинг шафоатини насиб қилгайсан!” деб. Чунки, Аллоҳ, тавҳид доирасидан чиқиб, фақат Ўзига дуо-ибодат қилмаганларни шафоат қилишга рухсат бермайди.

Абдуннабий: Биз сен билан “бандалардан уларнинг кўлидан келмаган нарсанигина сўралмайди” деган масалада ҳамфикр эдик. Бунинг маъноси, банданинг кўлида бўлган нарсани ундан сўраса бўлади дегани эмасми? Демак, охиратда, пайғамбаримиз шафоатнинг эгаси бўлиб, шафоат унинг кўлида бўлгач, нега сўрамас эканмиз? Ахир мен пайғамбаримиздан менга бера оладиган нарсани сўраяпманку?! Бу ширк бўлмаса керак!

Абдуллоҳ: Ҳа. Агар Аллоҳ таоло сени дуо масаласида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасликга буюрмаганда, айтганларингга юз фоиз кўшилар эдим. Аммо,



Аллоҳ Ўзидан бошқага дуо қилмасликни буюрган: ﴿فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا﴾ **“Аллоҳга қўшиб ҳеч кимга дуо қилманглар”**. Сенинг шафоат тилаганинг – дуодир. Шафоатнинг ҳақиқий Эгаси Аллоҳ шафоат қилиш ҳаққини пайғамбаримизгагина эмас, баъзи бир фаришталарга, авлиёларга, гўдаклигида ўлган норасидаларга ҳам беради. Унда сен “Аллоҳ уларга уларнинг қўлига шафоатни берибди. Шафоатни ўшалардан ҳам тилайвераман” дейсанми? Бу саволга “ҳа” деб жавоб берсанг, юқорида айтилган авлиёларга ибодат қилганларнинг қаторига қўшиласан, агарда “йўқ” деб жавоб берсанг, “Аллоҳ таоло шафоатни пайғамбаримизга бергандан кейин, у зот шафоатнинг эгаси бўлиб қолади” деган сўзингдан воз кечишга тўғри келади.

Абдуннабий: Мен Аллоҳга ширк қилганим йўқ! Авлиёлардан ёлбориб сўраш ширк эмас!

Абдуллоҳ: Сен ширк гуноҳи Аллоҳ наздида зинодан ҳам каттароқ гуноҳ эканлигини ва Аллоҳ бу гуноҳни кечирмаслигини биласанми ўзи?

Абдуннабий: Албатта, биламан. Қуръонда ёзилиб турибдику.

Абдуллоҳ: Мана, сен ширк қилмадим деяпсан. Бу сўзингни қандай тушунтирасан?

Абдуннабий: Масалан, мен бутларга ибодат қилганим йўқ, уларга ёлворганим йўқ, улардан кўрққаним йўқ...

Абдуллоҳ: Бутларга ибодат қилиш нималигини биласанми ўзи? Сен ширк деганда фақат тошларга, дарахтларга сиғинганларни тушунасан шекилли. Авлиёларга дуо қилиб, ёрдам сўраб, ёлбориш сенингча, ширкка кирмайдими?

Абдуннабий: Ҳа. Мен ширкни худди шундай тушунаман.

Абдуллоҳ: Эҳҳ-хе!!! Унда мен сенга ҳалиттан бери айтган оятлар, пайғамбарларга, фаришталарга, авлиёларга эътимод қилишнинг ҳаромлиги, буларни қилган одамнинг кофир бўлиши ҳақидаги далиллар бу қулоғингдан кириб, унисидан чиқиб кетибдику!

Абдуннабий: Чикқани йўқ. Фаришталарга, пайғамбарларга эътимод қилганлар Қурайшликлар уларга дуо қилгани сабабли кофир бўлган эмас, балки, **“Фаришталар – Аллоҳнинг қизлари”**, **“Йисо – Аллоҳнинг боласи”** деган сўзлари сабабли кофир бўлишган. Биз ҳеч қачон ўзимиз дуо қилган авлиёлар ҳақида, масалан, “Абдул Қодир Жийлоний – Аллоҳнинг боласи, Биби Зайнаб – Аллоҳнинг қизи” деганимиз йўқ!

Абдуллоҳ: Сен айтаётган кофирлик мутлақо бошқа масала. Албатта, Аллоҳга бола нисбат берганларнинг кофирлигида заррача ҳам шубҳа йўқ. Сен Аллоҳга бола исбот қилиш кофирлиги билан Аллоҳдан бошқага дуо қилиш кофирлигини аралаштирма. Иккиси икки хил кофирлик. Масалан, “Лотга” дуо ила ибодат қилган кофирлар уни Аллоҳнинг боласи деб эмас, авлиё бўлган деб эътиқод қилардилар.

Абдуннабий: Бироқ, Аллоҳ таоло авлиёлар ҳақида:

﴿الْآيَاتِ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾ **“Огоҳ бўлинг: Аллоҳнинг дўстларига (авлиёларга қиёматда) ҳавф йўдир ва улар қайғуга ҳам ботмаслар”** демаганмиди?

Абдуллоҳ: Авлиёларнинг охиратдаги буюк даражасига биз ҳам иймон келтираемиз. Аммо бу оятдан авлиёларга ибодат қилинг деган маъно

чикмайдику! Биз авлиёларнинг хурматини ўрнига қўйган, кароматларини тан олган ҳолда, уларни Аллоҳга шерик қилинишигагина қаршимиз.

Абдуннабий: Қуръонда Аллоҳ баён қилган мушриклар “ла илоҳа иллАллоҳ” деб гувоҳлик бермаганлар, охиратга ишонишмаганлар, пайғамбарни ёлғончига чиқарганлар, Қуръонни сеҳр деганлар... Бизчи.., биз “ла илоҳа иллАллоҳ” деб гувоҳлик берсак, пайғамбарни, Қуръонни тасдиқласак, охиратга иймон келтирсак, намоз ўқиб, рўза тутсак.., қандай қилиб уларга ўхшаб қоламиз?!

Абдуллоҳ: барча ислом олимларининг фикрига биноан, қайси одам пайғамбаримизнинг бир сўзига иймон келтириб, бошқасини инкор қилса кофир бўлади. Шунингдек, Қуръон оятларининг бирига иймон келтириб, бошқасини инкор қилганлар, тавҳидга иймон келтириб, намозни инкор қилганлар, намозни ўқиб, закотни инкор қилганлар ёки буларнинг барчасини адо қилиб, рўза, ҳаж ёки қайта тирилишни инкор қилганлар барча уламоларнинг фатвосига биноан кофир бўлади. Сен бунга қўшиласанми?

Абдуннабий: Албатта! Ахир булар Қуръонда аниқ баён қилинганку.

Абдуллоҳ: Ундай бўлса, билиб ол: тавҳид ислом динидаги энг муҳим масала. У намоз, рўза, ҳаж каби амаллардан ҳам зарурроқ, каттароқ масаладир. Энди, инсоф билан айтчи, намоз ёки рўзани инкор қилган одам кофир бўлиб, тавҳидни инкор қилганлар кофир бўлмай қоладими? Ахир барча пайғамбарлар мана шу тавҳидни барпо қилиш учун юборилган эдику! (Сен ўзингнинг рўзадор, намозхонлигингни айтиб, бу амалларни қилганлар кофир бўлмайди демоқчи бўласан). Эсингдами, Абу Бакр бошчилигидаги саҳобалар Бану Ҳаниф қабиласини нега кофир деб эълон қилиб, нима сабабдан уларга қарши кўшин тортганлиги? Ҳа. Биргина сабаби: улар “Биз мусулмонмиз, барча фарзларни адо қиламиз, аммо, закотни бермаймиз” деган эдилар.

Абдуннабий: Улар мусулмонмиз деган билан, каззоб Мусайламани пайғамбар деб ишонишган. Биз эса, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин пайғамбар чикмайди деб ишонамиз.

Абдуллоҳ: Бироқ, сизлар баъзи авлиёлар билан пайғамбарларнинг даражасини Аллоҳнинг даражасидан ҳам баланд қилиб юбораяпсизлар! Мана, ўзинг одамлар Мусайламани пайғамбар даражасига кўтариш билан, ўқиган намозларига, оғзидаги калималарига қарамай, кофир бўлишган демоқдасан. Хўш? Бандани пайғамбар даражасига кўтарганлар кофир бўладию, Аллоҳ даражасига кўтарганлар кофир бўлмай қоладими? Али разияллоҳу анҳунинг ишини эслайсанми? У ўзини худо даражасига кўтарган мусулмонларни тириклайин куйдириб юборган эмасмиди?! Жазоланганлар оддий мусулмон эмас, саҳобалардан таълим олган мусулмонлар эди. Бироқ, улар худди сизлар авлиёларни худо даражасига кўтарганингиз каби, Алининг ўзини худо қилиб олган эдилар. Ўзинг ўйла ахир, қайси мантикқа асосан Алини худо қилганлар кофир бўлиб, авлийларни худо қилиб олганлар кофир бўлмай қолади?

Яна: Агар сен айтгандек бўлиб, аввалги мусулмонлар фақат бутларга сиғиниш, пайғамбар ва қуръонни ёлғон дейиш билангина кофир бўлишган бўлса, унда мазҳаб олимлари тарафидан “муртаднинг ҳукми” деган атайин бўлим очилишининг қандай маъноси бор? Муртад бу мусулмон бўлганидан

кейин, мунофиқлик, динни масхара қилиш каби баъзи бир залолатлар туфайли исломдан чиқиб, кофир бўлган одамлардир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ قُلْ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا وَرَسُولِهِ كُنتُمْ سِتْرَةٌ وَلَا تَعَدُّوا أَعْدَاءَكُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ ﴾ **“Айт (эй, Муҳаммад), Аллоҳни, Унинг оятларини ва пайғамбарни масхара қиляяспизми?! Энди узр сўрамай кўя қолинг, иймонингиздан кейин кофир бўлдингиз!”** (9/66).

Бу оят Аллоҳнинг пайғамбари билан елкама-елка туриб, Табук ғазотига қатнашган, аммо ислом ва пайғамбарни масхара қилган одамлар ҳақида нозил бўлгандир.

Яна: Аллоҳ таоло Қуръонда Бану Исройил қавми орасидаги баъзи бир илмли, яхши мусулмонларнинг Мусо пайғамбардан ﴿ أَجْعَلْ لَنَا آلِهًا ﴾ **“Бизга ҳам бут ясаб бер!”** деб талаб қилганини баён қилган. (7/138). Худди шундай ҳодиса саҳобалардан ҳам содир бўлган. Баъзи бир саҳобалар пайғамбаримиздан “Бизга ҳам “Зотул анвот” ясаб берсангиз” деб талаб қилганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Бу сўзларингиз Бану Исройилнинг Мусодан “Бизга бут ясаб бер” деган сўзига ўхшади!” деб қаттиқ койиган эдилар¹.

Абдуннабий: Аммо, Бану Исройил ҳам, пайғамбаримиздан “Зотул анвот” сўраган саҳобалар ҳам кофир бўлиб қолмадиларку?

Абдуллоҳ: Чунки, улар сўраганлари билан у нарсани амалда қилганлари йўқ. Агар қилганларида албатта кофир бўлар эдилар. Пайғамбаримиз муқаддас дарахт яшашдан ўша зоҳоти қайтардилар. Агар қайтмаганларида кофир бўлар эдилар.

Абдуннабий: Менда бир савол бор: у Усома ибн Зайднинг иши ҳақида. Ёдингда бўлса, Усома бир урушда “ла илоҳа иллАллоҳ” деб додлаган одамни ўлдириб қўяди. Ўшанда пайғамбаримиз “Эй, Усома! Сен уни “Ла илоҳа иллАллоҳ” дегандан кейин ўлдирдингми?!” деб койиганлар. (*Бухорий*). Сен мана шу ҳадисга ва пайғамбаримизнинг “Мен одамлар билан то “Ла илоҳа иллАллоҳ” дегунларига қадар уруш қилишга буюрилдим” (*Муслим*) деган сўзларига нима дейсан?

Абдуллоҳ: Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинадаги яҳудийлар билан урушган ва уларни асир қилиб олган пайтда, улар “ла илоҳа иллАллоҳ” дейдиган одамлар эди. Кейин саҳобалар Ямомадаги Бану Ҳаниф қабиласи билан уруш қилдилар. Улар ҳам “ла илоҳа иллАллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ” деган, намоз ўқиган одамлар эди. Али (разияллоҳу анҳу) ўзини худо даражасига кўтаришни хоҳлаганларни куйдириб юборди. Улар ҳам намоз ўқиган, рўза тутган ва “ла илоҳа иллАллоҳ” деган кишилар эди. Ўзинг ҳозиргина музҳаб мужтаҳидларининг рўза, намоз, ҳаж каби ислом асосларидан бирини инкор қилганларни муртад деб ҳисоблаб, ўлим ҳукмини беришларига иқрор бўлган эдинг. Тавҳид эса, рўзадан ҳам, намоздан ҳам, ҳаждан ҳам каттароқ асосдир. Мана шу энг катта асосни инкор қилганлар нега кофир бўлмас эканлар?! Сен мисол келтирган ҳадисларнинг маъносини тушунмаганга ўхшайсан.

Энди Усома ҳақидаги ҳадисга тўхталсак, у ерда мушриклар билан уруш кетаётган

¹Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалари билан Ҳунайн ғазотидан қайтаётиб, “Зотул анвот” деган машҳур дарахт ёнидан ўтиб қоладилар. Бу дарахт жоҳилия араблари тарафидан муқаддаслаштирилиб, унинг шохларига куроллари илиб “Шу дарахт бизга куч-қувват бахш этади” дер эдилар. Шунинг учун баъзи бир саҳобалар пайғамбаримиздан “Бизга ҳам шу каби бир “Зотул анвот” ясаб беринг” деб талаб қилганларида, аччаклиниб юкоридаги сўзни айтганлар.

эди. Усома бир мушрикнинг устида қиличини ҳаволатиб турганда у “Ла илоҳа иллАллоҳ!” дея додлаб юборди. Усома эса, ўлимдан қўрққани учун айтаяпти деб ўйлади ва ўлдирди. Аммо, унинг қалбини билмас эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло: ﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَمُوا إِذَا صَرَسْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَتَيْبُوا﴾ **“Эй, иймон келтирганлар! Агар Аллоҳ йўлида чиқсангиз, (сўзларни) аниқлаб олинглар!”** деган. (4/94).

Энди иккинчи: “Мен одамлар билан то “Ла илоҳа иллАллоҳ” дегунларига қадар уруш қилишга буюрилдим” деган ҳадисга тўхталсак, бунинг маъноси ҳам биринчи ҳадисга ўхшайди. Яъни, иймон калимасини айтган одамнинг гапи тўғри ёки нотўғрилигини **аниқлагунга** қадар улардан қўлни тийиб (уруш қилмай) турилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) хаворижлар ҳақида “Уларни топган жойингизда ўлдиришлар” деганлар. (Бухорий). Шу билан биргаликда хаворижлар иймон калимасини энг кўп айтган, серибодат одамлар эди. Аммо, уларнинг исломий жамоатга қаршилиги ошкор бўлгач, ибодатлари ҳам, саҳобалардан таълим олган мақомлари ҳам, узлуксиз таҳлиллари¹ ҳам ўлимга ҳукм қилинишликдан тўсмади.

Абдуннабий: Яна бир савол, мана бу маънодаги ҳадисга нима дейсан: “Одамлар (охиратдаги шафоат сўраш маҳали) аввало Нухдан, кейин Иброҳимдан, кейин Мусодан, кейин Йисодан шафоат сўраб мурожаат қиладилар. Улар бир узр айтиб четга чиққанларида, Муҳаммадга (с.а.в.) келадилар...” Бу ҳадис Аллоҳдан бошқалардан ёрдам сўрашнинг ширк эмаслигига далил эмасми?

Абдуллоҳ: Сен масалани чалкаштириб юбординг. Мен сўзимнинг бошида “тирик ва олдинда ҳозир бўлган одамлардан шафоат сўраш мумкин” демаганмидим. Бунинг далили Аллоҳ таолонинг: ﴿فَاسْتَعْنَهُ الَّذِي مِنْ شَيْعَتِهِ عَلَى الَّذِي مِنْ عَدُوِّهِ﴾

“Унда ўз жамоатидаги одамлар баъзи бир душманларига қарши ёрдам сўрашди” деган сўзидир. (28/15). Демак, **тирик ва олдинда ҳозир** одамдан, унинг қўлидан келадиган ёрдамни сўраш ширк эмас. Сизлар ёрдам сўраб ёлбораётган авлиёлар тирик ҳам эмас, олдингизда ҳозир ҳам эмас. Биз мана шунга қаршимиз. Иккинчидан, сизлар авлиёлардан фақат Аллоҳдан бошқанинг қўлидан келмайдиган (соғлик, бахт, фарзанд каби) нарсаларни сўрайсизлар. Биз мана шунга қаршимиз. Сен айтган ҳадис мутлақо бошқа маънодадир. Унда айтилган ҳодиса қиёмат куни, “мавқиф” деган жойда, одамлар сўроқнинг бошланишини интизор кутиб, теппадан найзадек сайган, оловдек қуйқлаган иссиқдан қийналган одамлар пайғамбарларга келишиб “Аллоҳга дуо қилиб, тезроқ азобли кутишни тўхтатиб, жаннатийларга роҳат ато этишлигини сўраб берсангиз!” деган маънода мурожаат қилишади. Бундай ёрдам сўраш ҳар икки дунёда ҳам мумкиндир. Яна қайтараман, шарти: сен ёрдам сўраган одам тирик, олдинда ҳозир бўлиб, сўзларингни эшитиб туриши лозим. Аммо, у одам ўлганидан кейин унинг мозорига бориб сўрашдан худо сақласин! Салафи солиҳинлар қабрдаги мурдадан эмас, ҳатто қабрнинг олдида Аллоҳга дуо қилиб, ҳожат сўрашдан ҳам қайтарганлар²

Абдуннабий: Иброҳим алайҳиссалом қиссаси эсингдами? Уни оловга ташлаганларида, Жибрийл фаришта келиб “Ёрдам берайинми?” деди. У эса

¹ Таҳлил – «ла илаҳа иллаллоҳ» калимаси.

² Ширкга ўхшаб қолмасин деган мақсадда.

“Сендан ёрдам сўрамайман!” яъни Аллоҳдангина сўрайман деди. Тўғрими? Агар Аллоҳдан бошқадан ёрдам сўраш ширк бўлса, Жибрийл нега Иброҳимга ўз ёрдамини таклиф қилди?

Абдуллоҳ: Бу шубҳанг ҳам худди аввалги шубҳаларинг кабидирки, биринчидан, бу воқеъанинг баёни ҳадис эмас, балки осорлардандир¹. Мабодо саҳих ҳадис бўлган тақдирда ҳам, ўйлаб кўр, Жибрийл нега ёрдамини таклиф қилди. Чунки, унинг қўлидан келарди. Аллоҳ таоло уни Қуръонда “**Шадийдул қуво**” яъни, ўта кучли деб таърифлаган. (53/5). Агар ўшанда Аллоҳ унга нафақат Иброҳим ташланган оловни, балки, ўша теградаги барча тоғу тошларни қўшиб, Ернинг ғарбу шарқиға сочиб ташла деса ҳам қўлидан келар эди. Иброҳим билан Жибрийлнинг мисоли, кўп бойлиги бор одамнинг бир камбағалга “Мен сенга қарзга пул берайин, эҳтиёжларингга ишлатарсан” деган сўзига “Раҳмат. Мен Аллоҳим Ўзи ризқ ато қилгунча сабр қилиб тураман” деб жавоб бергани кабидир.

Энди, биродарим, ҳақиқат шуки, пайғамбаримизнинг (с.а.в.) давридаги мушриклар қилган ширк тубандаги уч сабаб билан ҳозирги замон мушриклари қилган ширкдан енгилроқ бўлган:

Биринчидан: Аввалги мушриклар кенглик, фаровонлик пайтидагина ширк қилиб, бошларига оғир кун тушганда Аллоҳнинг Ўзига ихлос билан дуо қилганлар. Далил: ﴿فَإِذَا رَكِبُوا فِي الْفَلَكِ دَعَوْا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ فَلَمَّا بَجَّهْتُمْ إِلَى الْبَرِّ إِذَا هُمْ يُشْرِكُونَ﴾ “**Агар кемага минсалар (ва тўлқинлар хавф тугдирса) Аллоҳнинг Ўзига ихлос билан дуо қиладилар. Аммо, соҳилга (эсон-омон) чиқариб қўйсақ, баногоҳ ширк қила бошлайдилар!**” (29/65). Ҳозирги мушриклар эса, фаровонлик вақтларида ҳам, оғир кунларида ҳам бирдай ширк қиладилар. Агар аввалги мушриклар оғир пайтларда “Ё, Аллоҳ!!!” деб, Аллоҳга ёлборсалар, ҳозирги замон мушриклари бошларига мусибат тушса, “Ё, Али!”, “Ё, Баҳоуддин!”, “Ё, Ғавсул Аазам!” деб, авлиёларнинг арвоҳларига ёлборадилар. Кошки, арвоҳлар уларнинг дуоларини эшитса!!!

Иккинчидан: Аввалги мушриклар Аллоҳга шерик қилиб Аллоҳнинг олдида даражаси бор пайғамбарларга, фаришталарга ва авлиёларга дуо қилган бўлса, ҳозирги мушриклар баъзан, фосиқ одамлардан ҳам мадад сўрайверадилар².

Учинчидан: Аввалги мушрикларнинг ҳаммаси фақат ибодатдагина Аллоҳга ширк қилганлар. Аммо, Аллоҳнинг яратувчи ва Раззоқ эканлигини тан олганлар. Ҳозирги баъзи мушриклар эса, тамоман ибодат қилмаганлари етмагандек, яратувчиликни (Роббиликни) Аллоҳга эмас, табиатга раво кўриб, “Дунёни табиат яратган” дерлар.

Сўзимнинг охирида ўзинг тушунган муҳим бир масалани қайд қилгим келди. Тавҳид деган нарса, биродарим, **юракнинг ишониши, тилнинг тасдиқлаши ва аъзоларнинг амал қилиши** билан комил бўлади. Мана шу уччаласидан биригина бузилса, одам мусулмон бўлмай қолади. Тавҳид нималигини билиб туриб, у билан амал қилмаганлар эса, Фиръавн ва шайтон каби ўжар кофирга айланадилар. Кўп

¹ Саҳобаларнинг ёки улардан кейингиларнинг ривоятлари.

² Минглаб муридлари бор баъзи “авлиёларнинг” ҳоли текширилганда уларнинг шаробхўр, каззоб, қаллоб ва фирибгар экани маълум бўлган.

одамлар тавҳиднинг бир бўлаги бўлган амал масаласида хатога йўл қўйиб, “Биз яшаётган жамиятдаги шароит бу амални кўтармайди” дейдилар. У бечораларнинг нафсга мағлубликдан бошқа баҳоналари йўқдир. Одамларнинг ҳокимларию маҳкумлари фақат нафс хоҳишларига уданиб дўзахга лойиқ бўлиб қолмоқдуар. Аллоҳ атоло деди: ﴿أَشْتَرُوا بِعَايَتِ اللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِهِ إِنِّي سَاءَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾ “**Аллоҳнинг оятларини озгина қийматга сотиб юбордилар ва Унинг йўлидан тўсдилар. Уларнинг қилмиши нақадар ёмон!**” (9/3).

Кимда ким ўзи тушунмасдан ва чин юракдан ишонмасдан, фақат зоҳирдагина тавҳид билан амал қилиб (ёки амал қилгандеек кўриниб) яшаса – у мунофиқдир! Улар исломга очик душманлик қилган кофирдан ҳам ёмондир! Далил: Аллоҳ таоло деди: ﴿إِنَّ الْمُتَفِيفِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ﴾ “**Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойидадир!**” (4/145).

Агар сен одамларнинг сўзларига, ҳолатларига назар солсанг, масалани янада теранроқ тушунасан: уларнинг баъзилари дунёсини йўқотишдан кўрққани туфайлигина тавҳидни тарк қилмоқдалар! Улар Қорун¹ кабидирлар. Яна бир тоифа эса, мансаб туфайли тавҳиддан юз ўгирмоқда. Улар Ҳомонга² ўхшайдилар. Яна бир тоифа борки, одамлар орасидаги мартабасидан, ҳукмдорлигидан ажраб қолишдан кўрқиб тавҳид билан келиша олмайдилар. Улар замоннинг фиръавнларидир. Зеро уларни Фиръавннинг тақдири кутар. Яна сен зоҳирида тавҳид ушлагандек кўриниб, аслида юраклари хуввиллаган, тавҳид нималигини билмаган одамларни кўришинг мумкин.

Биродар, мен сенинг мана бу икки оятни яхши тушунишингни хоҳлар эдим.

Биринчи оят: ﴿لَا تَعْتَدُوا قَدْ كَفَرْتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ﴾ “**Энди, узр айтманглар! Иймонингиздан кейин, аллақачон кофир бўлиб қолгансизлар**” (9/66).

Агар ёдингда бўлса, пайғамбаримиз билан бирга румликларга қарши урушган баъзи одамлар ўйинқароклик билан ислом ва пайғамбар ҳақида масхарали сўзларни айтганлари учун мана шу оят ҳукми билан кофир бўлиб қолишган эди. Булар ҳазиллашаман деб, тилидан тутилиб кофир бўлиб қолганларнинг баёнидир. Тилдан тойганнинг аҳволи шу бўлгандан кейин, озгина дунё матоси учун куфр сўзларини ҳеч иккиланмай сўзлаб юрган, куфр амалларини тап тортмай қилиб юрган бечораларнинг аҳволи қандоқ бўларкин?! Шубҳасизки, улар шайтоннинг асоратида қолганлардир. Чунки улар Аллоҳ таолонинг:

﴿الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ﴾ “**Шайтон сизларни бузуқликга буюриб, (бировларга ёлбориши ва) муҳтожликни ваъда қилади**”. (2/268). ﴿إِنَّمَا أَدُلُّكُمْ عَلَى شَيْطَانٍ يَخُوفُ أَوْلِيَاءَهُ﴾ “**Албатта, у шайтон сизларни ўзининг дўстларидан кўрқитадир**”³. (3/175)

﴿وَاللَّهُ يَعِدُكُم مَّغْفِرَةً مِّنْهُ وَفَضْلًا﴾ “**Аллоҳ сизларга Ўз мағфиратини ва фазилатини ваъда қилар**”. (2/268)

деган сўзларини тасдиқламадилар ва яратганнинг мана бу огоҳлантиришини укмадилар: ﴿فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا إِن كُنتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾ “**Улардан кўрқманглар, агар иймонли**

¹ Очкўзлиги сабабли, бойлигини кўзи қиймай, ҳакни қабул қилишдан бош тортган бой одам. Натижада Аллоҳ уни, бутун бойлиги билан бирга ерга юттириб юборган.

² Фиръвннинг вазири.

³ У бечоралар шайтоннинг дўстлари бўлган кофир етакчилари зиён қилиб қўймасмикин деб, тавҳидни барпо қилмаган эдилар.

бўлсангиз, фақат мендангина қўрқинлар!” (3/175).

Мана шундай ҳолатлар сабабли тавҳиддан юз ўгирган одамлар Аллоҳнинг авлиё-дўстлари бўладими ёки шайтоннинг ҳамтовоқлари бўладими?

Иккинчи оят: Аллоҳ таоло деди: ﴿مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مِنْ أَكْثَرِهِ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ﴾

“Юраги иймонга қаноатланган ҳолда қолиб, (кофирликга) мажбуран киргизилганларни ҳисобга олмаганда, кимда ким иймонга келгандан кейин Аллоҳга кофир бўлса., ким кўксини куфрга кенг очиб қўйса, уларга Аллоҳнинг газаби ва улуг азоб бордир!” (16/106).

Демак, куфрга зўрлаб киргизилгандан бошқа ҳолатларда ҳоҳ кўрканидан, ҳоҳ бир нарса умидида, ҳоҳ муросаю модора учун, ҳоҳ оила, жамоат ёки ватан манфаати йўлида ёки ҳазил тарикасида бўлса ҳам тавҳиддан юз ўгирган одам кофир бўлар экан.

Одамни бир сўзни айтганга ёки бир амални қилишга мажбурлаш мумкин дир аммо, ҳеч кимнинг эътиқодини зўравонлик билан ўзгартириб бўлмас. Охиратдаги азоб эса, кўпинча эътиқодсизлик, тушунмаслик ёки куфрни юракдан ҳоҳлаганлик сабабидан эмас, балки, дунёга уданиш сабабли берилажак.

Далил: ﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ اسْتَحَبُّوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾ **“Бунинг сабаби, улар дунё ҳаётини охиратдан кўпроқ севдилар (ва кофир бўлиб қолдилар).**

Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоятга бошламас!” (16/107) Валлоҳа Аълам.

Биродарим! Мана шунча сўзлардан кейин, Аллоҳга тавба қилиб, Ўзига қайтишнинг ва аввалги ширкга йўғрилган фикрлардан воз кечишнинг вақти келмадимикин? ўзинг гувоҳ бўлганингдек, масала жуда ҳам жиддийдир.

Абдуннабий: Аллоҳ мени кечирсин! Ўзига тавба қилдим! Мен энди ҳақиқий ихлос билан “Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқ дир ва Муҳаммад Унинг элчисидир” деб гувоҳлик бераман! Аллоҳдан бошқа барча сохта худолардан: одамлар сиғинган, дуо қилган, ёрдам сўраган мазорлардан, арвоҳлардан воз кечаман! Кошки, Аллоҳим ўтгандаги гуноҳларимни кечириб, рўзи қиёмат Ўзининг меҳрибонлиги билан муомала қилса! Эй, Аллоҳим, мени тавҳид йўлига йўлла! Тоза ақида устида барқарор қил! Эй, биродарим Абдуллоҳ! Холис насихатларинг учун Аллоҳ сендан рози бўлсин ва Ўзининг тўғри йўлига одамларни даъват қилишингни бардавом қилсин! “Дин бу насихат дир” деган улуг қўлланма нақадар яхши айтилган экан! Мен насихатингни олдим. Энди исмимни Абдурахмон деб ўзгартираман! Агар Аллоҳ мени сенга учратмаганида ширк ақидаси билан тўппа-тўғри дўзахга равона бўлар эканман! Энди сендан илтимосим, одамлар кўпроқ гирифтор бўладиган гуноҳлардан огоҳлантириб қўйсанг.

Абдуллоҳ: Бажонудил! Унда қулоқ сол:

★ Қуръон ва Суннатдаги бир масала юзасидан ихтилоф чиқиб қолса, сенинг шиоринг фитнани ҳоҳлаб талашадиганлар шиори каби бўлиб қолмасин. Бу икки манбаънинг ҳақиқий маъносини Аллоҳ таологина энг тўғри билар. Сенинг шиоринг теран илмли, холис одамларнинг шиоридек бўлсинки, улар муташобих (тушунилиши қийин) оятлар ҳақида ﴿أَمَّا يَوْمَهُمْ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا﴾ **“Бунга иймон келтирамиз. Барчаси Аллоҳнинг хузуридан!”** демокдан нарига ўтмас эдилар. (3/7). Ихтилофли масалалар ҳақида пайғамбаримиз (с.а.в.) мана бундай

ҳадисларни айтганлар: **“Шубҳаланган нарсангни шубҳасиз нарсага алмашир”** деганлар. (Ахмад, Термизий).

“Ким шубҳали нарсалардан сақланса, демак у динини ва обрӯсини сақлабди. Ким шубҳали нарсаларга тушса, демак у ҳаромга тушибди”. (муттафақун алайҳ)

“Туноҳ бу юрагингда кўзголиб, уни одамлар кўришини ҳоҳламаган нарсадир” (Муслим).

“Юрагиндан ва нафсингдан фатво сўра. (уч бора такрорладилар) Яхшилик бу сенинг нафсинг қаноатланган нарсадир. Гуноҳ эса, нафсингда кўзголиб, юрагинг иккиланган нарсадир. Агар одамлар сенга (бўлаверади деб) фатво берса ҳам (юрагиндан сўрашни унутма). (Ахмад).

★ Ёмон нафсингга эргашиб кетишдан сақлан! Аллоҳ таоло пайғамбаримизга ﴿أَرَأَيْتَ مَنْ أَخَذَ إِلَيْنَهُ هَوْنَهُ﴾ **“Нафсини худо қилиб олган одамларга қарамайсанми?!”** деган эди.

★ Қандайдир одамларга, фикрларга ва ота-боболардан қолган урф-одатларга канадек ёпишиб олма! Булар сени ҳақиқатдан чалғитадиган нарсалардир. Ҳақиқат эса, иймонли одамнинг йўқотганики, уни қаердан ва кимдан топса, олишга ҳақлидир. Аллоҳ таоло деди:

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْ لُكُنَّا آبَاءَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ سَيِّئًا وَلَا يَهْتَدُونَ﴾ **“Уларга (муширларга) “Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз” деб айтилганда, улар “Йўқ, биз ота-боболаримизни ниманинг устида топсак, ана ўшанга эргашамиз” дедилар. Агар ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмаган ва тўғри йўл топмаган одамлар бўлса ҳамми?!”** (2/170)

★ Кофирларга тақлид қилма! Бу ҳар бир балонинг бошидирки, пайғамбаримиз бизни бу балодан огоҳлантириб, **“Кимки бир қавмга тақлид қилса, у ўшалардан биридир”** деганлар. (Абу довуд)

★ Аллоҳдан бошқага таваккул қилма (ўзингни, ишларингни топширма). Аллоҳ таоло айтганки: ﴿وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ﴾ **“Ким Аллоҳга таваккул қилса, унга Ўзи кифоя қилар”**. (65/3)

★ Аллоҳга гуноҳ бўлган ишларга буюрганда ҳеч кимга итоат қилма! Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Яратувчига гуноҳ бўладиган ишларда яратилганларга итоат қилинмас”** деганлар.

★ Аллоҳга бадғумон қилма! Бир қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло: **“Мен бандам гумон қилгандай(муомала қила)ман”** дегандир. (Бухорий, Муслим)

★ Балодан сақлайди деб, ҳар хил ип, кўзmunчоқ, кўзтикон, тумор каби нарсаларни тақма! Пайғамбаримиз (с.а.в.) **“Ким бир нарсани тақиб (ё осиб) олса, ўшанга топширилади”** деганлар. (Термизий)

★ Ҳар қандай тошларни, дарахтларни, иморатларни ва тарихий нарсаларни муқаддас тутма! Бу ширкнинг бир туридир!

★ Қушдан ёки бошқа нарсалардан “ёмонлик келтиради” деб ирим қилма! Пайғамбаримиз (с.а.в.) **“Қушдан ирим қилиш ширкдир”** деб уч карра такрорлаганлар. (Абу Довуд)

★ Ғайб ҳақида баҳс қилган мунажжимликни (гороскоп) ва сеҳргарлару парихонларни тасдиқлама! Ғайбни Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса билмас.

★ Ёмғирнинг ёғиши юлдуздан дема, Аллоҳдан де. Акс ҳолда ширк бўлар.



★ Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичма! Ҳадисда айтилганки **“Кимда ким Аллоҳдан бошқа билан қасам ичса кофир(мушрик) бўлгани”**. Ширкий қасамларга мисоллар: “Пайғамбарга қасам!”, “Обрўйимга қасам!”, “Нонга қасам!”, “Ерга қасам!” ва ҳоказолар.

★ Замонни, ҳавони, шамолни, кунни, совукни ёки иссиқни сўкма! Уларни яратганни сўккандек бўларсан!

★ Сенга бир мусибат етар бўлса, “Агар, агар...¹” деяверма. Бу шайтонга эшик очишлик ва Аллоҳнинг тақдирига норозиликдир. Мусибат вақтида **“ҚоддарАллоҳу ва ма шаъа фаъал!”**² дуосини ўқи.

★ Мозорларни масжид қилиб олишдан эҳтиёт бўл! Ичида қабр бўлган масжидда намоз ўқилмайди. Оиша онамиз (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!) айтганларки, “Расулуллоҳ менга мана бундай дедилар: **“Аллоҳ таоло пайғамбарларининг мазорини масжид (ибодат ўрни) қилиб олган яҳудийлар ва насороларни лаънатлади. Уларнинг ишларидан эҳтиёт бўлинсин!”** Оиша онамиз давом этиб айтдиларки **“Агар мана шу сўзлари бўлмаганида, одамлар унинг қабрини муаззам масжид қилиб³ олардилар⁴”**. (Бухорий). Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна бир ҳадисларида **“Сизлардан аввалги қавмлар пайғамбарлари билан солиҳ одамларининг қабрини масжид қилиб олганлар. Сизлар менинг қабримни масжид қилиб олманглар. Мен сизларни бундан қайтараман!”** (Абу Авона).

★ Огоҳ бўлгинки, халқлар орасида пайғамбаримиз айтмаган бироқ, унинг номидан тўқиб чиқарилган сохта ҳадислар бор. Ана шундай “ҳадислардан” баъзилари мана булар: **“Менинг даражамни Аллоҳга тавассул қилинглар! Унинг олдидан менинг буюк даражам бордир”**

“Агар сизларни ташвишлар қийнаса, қабрдагиларга мурожаат қилинглар!”

“Аллоҳ таоло ҳар бир авлиёнинг қабрига, уларнинг эҳтиёжсини берадиган бирдан фаришта таъйин қилгандир”.

“Агар бирингиз бир тошга ихлос қиса, унга мана шу ҳам фойда берар”.

★ **“Диний байрамлар”** деб номланган аммо, диндан олис йиғинлару тантаналардан огоҳ бўл! Улар: “Мавлуд”, “Исро-Меърож туни”, “Шаъбоннинг ўрта туни”, каби бидъат тантаналардир. Буларга пайғамбаримиздан ҳам, саҳобалардан ҳам далил йўқдир. Саҳобалар пайғамбаримизни биздан яхшироқ билган, биздан кўпроқ севган, савоб ишларга биздан кўпроқ интилган бўлишига қарамай, мазкур байрамларни нишонламаганлар. Агар шариатда мумкин ва яхшилиқ бўлганида, улар биздан аввалроқ қилган бўлардилар.

¹ «Агар фалондай қилсам шу бало бўлмас эди» каби майда гаплар.

² Маъноси: «Аллоҳнинг тақдирини экан. У нимани хоҳласа қилар».

³ Устига гумбаз қуриб.

⁴ Пайғамбарлар жони узилган ерга дафн қилинади деган удумга биноан, пайғамбаримизнинг муборак жасадлари ҳам масжидга бир девор кўши бўлган ўз уйларига қўйилгандир. Шунинг учун ҳозирги кунда сиртдан қараган одамга пайғамбаримизнинг қабри масжид ичига жойлашгандек кўринади. Саҳобаларнинг вақтида масжид билан қабр бошқа-бошқа иморатларда эди. Кейинги халифаларнинг даврида масжидни кенгайтириш жараёни юрди ва охир оқибат қабр масжид иморатининг ичида қолгандек ҳолат пайдо бўлди. Бироқ, ҳозир ҳам қабр масжиддан деб ҳисобланмайди.

“Ла илоҳа иллАллоҳ” калимаси ҳақида

Бу калима икки асосий рукндан таркиб топгандир: БИРИНЧИСИ: «ло илоҳа» ИККИНЧИСИ «иллАллоҳ». Банда биринчи рукн билан ҳақиқий илоҳликни Аллоҳдан бошқа ёлғон худолардан инкор қилиб, “ло илоҳа” (ҳеч бир ҳақиқий илоҳ йўқ) дейди. Иккинчи рукн билан “иллАллоҳ” (фақат Аллоҳ бор) деб, ҳақиқий илоҳликни ёлғиз Аллоҳга исбот қилади. Аллоҳ таоло деди:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ إِنَّنِي بَرَاءٌ مِمَّا تَعْبُدُونَ ﴿١٦﴾ إِلَّا الَّذِي فَطَرَنِي فَإِنَّهُ سَيَهْدِينِ﴾ **“Вақтики, Иброҳим отаси ва қавмига (хитобан мана бундай) деди: “Мен сизлар ибодат қилган (сохта) худолардан (уларга сизинишдан) покман. Илло, мени йўқдан бор қилган(чин худога гина ибодат қиламан). У мени ҳидоятга бошлар”.**

Демак, Аллоҳга ибодат қилишнинг ўзи кифоя эмас, балки Унинг ўзига гина ибодат қилиш зарурдир. Ҳақиқий тавҳид Аллоҳни ёлғизлаш билан ширк ва ширк аҳлидан воз кечишнинг орасини жамлаш билангина барпо бўлар.

Осорларда¹ айтилишича, “ла илоҳа иллАллоҳ” калимаси жаннатнинг очқичидир”. Лекин, бу калимани айтган ҳар бир одамга жаннат очилаверадими?

Ваҳб ибн Мунаббаҳдан сўрадилар: “Ла илоҳа иллАллоҳ” жаннатнинг очқичи эмасми?” “Ҳа – дедилар – бироқ, ҳар бир очқичнинг (калитнинг) тишлари бўлади. Агар жаннат дарвозаларига тишли калит билан келсанг, у сенга очилади. Аммо, тиши йўқ калит билан қандоқ очилсин:!”

Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўп ҳадисларида “Ким “ла илоҳа иллАллоҳни” ихлос билан айтса...” “Аниқ билиб, тушунса...”, “Юракдан айтса...” каби иборалар билан у тишларнинг нималар эканлигини ўргатганлар. Шу ва булардан бошқа ҳадисларнинг хулосасига биноан, банданинг жаннатга кириши иймон калимасининг маъносини билишга, то ўлгунча уни маҳкам ушлашга, унинг маъноларига итоат қилишга ва шу каби бошқа нарсаларга боғлиқ экан.

Уламолар барча далиллардан келиб чиқиб бир неча шартларни ишлаб чиққанларки, инсон қачон ўша шартларни бажаргандан кейингина унинг калимаси жаннатга калит бўлишга ярайди. У шартлар тубандагилардир:

① Илм. Барча сўзларнинг маъноси бўлгани каби, иймон калимасининг ҳам маъноси бордир ва мана бундайдир: “Аллоҳдан бошқа барча жонли- жонсиз нарсаларда илоҳлик хусусияти йўқ деб билиб, уни (илоҳлик хусусиятини) ягона Аллоҳгагина хослаш. Ёки ягона Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса ибодат қилишга лойиқ эмас деб ишониб, мана шу эътиқод тақозоси билан яшаш. Иймонни билиш ҳақида Аллоҳ таоло: **“(Маъносини) билган ҳолда (ла илоҳа иллаллоҳ деб), ҳаққа гувоҳлик берган одамлар...”** деган бўлса, пайғамбаримиз: **“Ким ягона Аллоҳдан бошқа ибодатга лойиқ илоҳ йўқ эканлигини билган ҳолда ўлган бўлса, албатта жаннатга киражак!”** дегандир.

② Яқийн. Яъни аниқ ишонч. Бу иймон калимасининг маъноларига ҳеч шубҳаланмай, аниқ ишониш. Далил:

¹ Саҳобалар ва тобеинларнинг сўзлари.

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴾

“Иймонлилар Аллоҳга ва Унинг элчисига аниқ ишониб, ундан кейин шубҳаланмаган ва молларию жонлари билан Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган кишилардир. Ана ўшаларгина ҳақгўлардир!” (49/15). Демак, иймон калимасини фақат оғизда айтиб қўйиш кифоя қилмайди. Агар унинг маъноларига юрак ишонмаса бу нақ мунофиқликдар. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Ким у иккиси (икки иймон калимаси) билан Роббисига йўлиқса ва иккисига шубҳаланмаган бўлса, жаннатга киргай!”**. (Муслим)

3 Қабул. Банда иймон калимасининг маъносини билиб (илм), у маъноларга аниқ ишонгандан кейин (яқийн), бу илм ва яқийннинг таъсири кўриниши лозим. Бу таъсир иймон калимаси тақозо қилган нарсани юрак ва тил билан қабул қилишдан иборатдир. Кимда ким тавҳид даъватини (иймон калимасини) такаббурликла инкор қилса кофир бўлади. Аллоҳ таоло айтган:

﴿ إِنْهُمْ كَانُوا إِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ سَتَكِبُونَ ﴾ **“Қачон уларга (кофирларга) “ла илоҳа иллаллоҳ” айтилганда такаббурланишди!”**. (37/35)

4 Итоат. Бу тавҳид талабларига тўлиқ бўйин эгишдир. Иймоннинг ҳақиқий белгиси, амалдаги кўриниши мана шудир. Итоат Аллоҳ таоло буюрган барча нарсаларни бажариш ва қайтарган барча нарсаларидан қайтиш билан бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Ким яхши ишларни қилган ҳолда юзини (ўзини) Аллоҳга бўйин сундурса, демак, у мустаҳкам дастани ушлабди! Ишларнинг оқибати Аллоҳгадир!”**. (31/22)

5 Сидқ. Ростгўйлик. Банданинг сўзи ва амалида ёлғоннинг зидди ростгўйлик бўлиши лозим. Кимнинг тили бошқани гапириб, юраги бошқача уриб турса у мунофиқдир. Аллоҳ таоло деди: ﴿ يَقُولُونَ بِالَّذِينَ نَحْنُ فِي قُلُوبِهِمْ ﴾ **“(Мунофиқлар) юрагида бўлмаган нарсани тиллари билан айтадилар”**. (48/11)

6 Муҳаббат. Иймонли киши бу калимани, у билан амал қилишни севиш билан бирга, бошқа барча иймонлиларни ҳам севиши лозим. Ким роббисини севса, У севган кишиларни ҳам севар, Уни дўст тутган инсонларни дўст тутар, душманларини душман ҳисоблар ва У юборган пайғамбарни эргашар.

7 Ихлос. Бунинг маъноси, иймон калимасини Аллоҳ учунгина айтиб, у калиманинг маънолари билан Аллоҳ учунгина амал қилишдан иборат. Аллоҳ таоло деди: ﴿ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ ﴾ **“Улар ёлгондан ҳаққа кўчган ҳолда, Аллоҳга холис (ихлос билан) ибодат қилишгагина буюрилган эдилар”**. (98/5). Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса бу борада мана бундай деганлар: **“Ла илоҳа иллаллоҳни” Аллоҳнинг розилиги учунгина айтган одамни куйдиришни, Аллоҳ у дўзахга ҳаром қилди”**. (Бухорий).

“Муҳаммадун расулуллоҳ” калимасининг маъноси ҳақида.

Ҳар бир одам ўлиб, қабрга дафн қилинган, уч нарса ҳақида сўралади. Агар ўша саволларга тўғри жавоб бера олса, нажот топади, йўқса... Ана шу уч саволнинг бири “пайғамбаринг ким?” деган саволдир. Бу саволга, Аллоҳ таоло “Муҳаммадун расулуллоҳ” калимасининг маъносини, шартларини билдирган у ерда қадамини собит қилган ва илҳом берган одамларгина жавоб бера оладилар. Унда келинг, ана шу калиманинг шартлари билан танишайлик:

1 Пайғамбарнинг ҳар бир буйруғига итоат қилиш. Чунки, унга итоат қилишни бизга Аллоҳ таоло мана бу тарзда буюргандир:

﴿مَنْ يُطِيعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ﴾ **“Ким пайғамбарга итоат қилган бўлса, демак у Аллоҳга итоат қилибди”.** (4/80)

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾ **“Айт (эй, Муҳаммад) “Агар Аллоҳни севсангиз, унда менга эргашингиз. Ўшанда Аллоҳ сизларни севар ва гуноҳларингизни кечирар...”** (3/31). Жаннатга киришни хоҳлаган одамлар муқаррар равишда Аллоҳнинг пайғамбарига эргашини лозим. Буни бизга пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана бундай билдиргандир: **“Барча умматим жаннатга кирганда, бош тортганларгина (қирмай) қолар.”** (Шунда саҳобалар) “Ё, расаллаллоҳ! Бош тортганлар кимлардир?!” деб сўрадилар. **“Менга итоат қилганлар қирадилар, итоат қилмаганлар – улар бош тортганлардир”.** (Бухорий)

2 Пайғамбарнинг хабарларини тасдиқлаш. Кимда ким пайғамбаримиз олиб келган хабарлардан бирон нарсани ёлғонга чиқарса, Аллоҳни кўшиб ёлғончига чиқарган бўлади. Чунки, пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча буйруқлари аслида Аллоҳдан келган ваҳийлардир. Бунинг далили Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи: ﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۗ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ﴾ **“У (пайғамбар) ичидан тўқиб гапирмас. Унинг барча гаплари ваҳий қилинган (илоҳий) хабарлардир”** (“Ан Нажм” 3,4)

3 Пайғамбар қайтарган нарсдан қайтиш. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг аввало ширкдан, ундан кейин катта гуноҳлардан, ундан кейин кичкина гуноҳлар ва макруҳлардан қайтарганлар. Банданинг иймони пайғамбарга бўлган севгисининг даражасига яраша кўпаяди. Иймони кўпайса, Аллоҳ унга савоб ишларни севимли, куфр, гуноҳ ишларни эса жирканчли кўрсатиб кўяди.

4 Аллоҳга ибодатни пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўргатган тарздагина қилиш. Ибодатдаги асосий масала эҳтиётликдир. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдиларки **“Ким биз буюрмаган амални қилса, униси ўзига сийлов!”** (Муслим)

➤ **Фойдали масалалар:** Билгинки, пайғамбарни ва у буюрган нарсаларни севмоқ вожибдир. Ким улардан биронтасини ёмон кўрса – агар ўша нарса билан амал қилган тақдирда ҳам – кофир бўлади. Шунингдек, уни севиш шунчаки одатий севги эмас, балки, барча севикли нарсаларни у учун курбон қила оладиган севги бўлиши – иймон тақозосидир.

➤ **Пайғамбарни ҳақиқий севган одамларнинг белгилари.**

1. У кўрсатган йўлдан юрар. 2. Сўзларида ва амалларида унинг суннатларига амал қилар. 3. Буйруқларини бажариб, қайтарган нарсаларидан қайтар. 4. Ҳар қандай ҳолатда унингдек одоб билан безанар. 5. Уни кўп зикр қилиб, ҳақиқага дуо қилар, салаватлар айтар. 6. У билан жаннатда бирга бўлишни орзу қилар. 7. Уни салобат билан эслар ва тилга олар. Ибн Исҳоқ айтади: “Саҳобалар пайғамбаримизни (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) эслаганларида титраб, кўзларига ёш олардилар”. Уни севмоқнинг яна бошқа белгилар: 8. У ёмон кўрган одамни ёмон кўрар. 9. Душманларини душман санар. 10. Суннатига хилоф яъни бидъат амал қилганлардан, мунофиқлардан йироқ бўлар. 11. Уни севган одамларни, жумладан: аҳли байтини (оиласини) ва саҳобаларини севар. 12. Унга иттибоъан Қуръон одоби билан одобланар. Оиша онамиз айтдилар: “Унинг одоби – Қуръон эди!”

➤ – **Пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатлари.** У зот урушларда довюрак, тинчликда жўмард (сахий) эди. Саховатлари айниқса рамазон ойида кўпаярди. Одамларга насиҳат қилар, муомаласи жуда ҳалим зот эди. Ҳеч кимдан шахсий ғараз туфайли ўч олмас, Аллоҳнинг буйруқларини бажаришда ғайратли ва талабчан, салобатли, ҳаёли, оиласига кўп яхшилик қилгувчи, одамларга раҳмдил ва ҳоказо ижобий сифатлар эгаси эди.

Таҳорат

Намоз – бу ислом асосларининг иккинчисидир. Бу улуғ ибодат эса, таҳоратсиз қабул бўлмайди. Ўз навбатида таҳорат ҳам сув ёки тупроқсиз (таяммасиз) мумкин эмасдир.

Сувнинг турлари: **1.** Тоза сув. “Тоза сув” деб, ўзи тоза бўлиш билан биргаликда бошқа нарсани ҳам тоза қила оладиган сувга айтилади. Бундай сувнинг ҳукми: таҳоратсизликни кўтаради ва нажосатни тозалайди. **2.** Нажас (ифлос) сув. Бу – оз бўлса ҳам қандайдир нажосат аралашиб, уч хусусиятидан бири: ранги, ҳиди ёки таъми ўзгариб қолган сувдир. Эслатма: агар сув оз бўлса, унга нажосат аралашishi билан нажосатга айланади. Аммо кўп бўлса ва унга нажосат аралашсаю, бироқ мазкур уч хусусиятдан бирини ўзгартирмаса – нажас бўлмайди. Кўпликнинг шариат белгилаган миқдори “кулла” ёки ундан юқорисидир.

Идишлар. Хўжалик истеъмоли учун олтин ёки кумуш идишдан бошқа барча турдаги идишларни ишлатиш мумкин. Агар идиш олтин ёки кумуш бўлса, у билан таҳорат олиш мумкин аммо, гуноҳдир. Кофирларнинг кийими билан идишлари агар нажосат экани номаълум бўлса, кийиш ва ишлатиш мумкин.

Ўлаканинг териси. Ўлакса – нажасдир. Ўлаканинг икки тури мавжуд:

1. Гўшти ейилмайдиган ҳайвоннинг ўлакаси. **2.** Гўшти ейиладиган, аммо бўғизланмай (жардан кулаб ёки бўғиниб) ўлган ҳайвоннинг ўлакаси. Кейинги турдаги ўлаканинг терисини ошлагандан кейин, фақат қуруқ нарсаларга фойдаланса бўлади. Хўл нарсаларга мумкин эмас.

Истинжо: “истинжо” деб, орқа ва олд тешиқлардан келадиган ахлатларни тозалашга айтилади. Агар тозалаш сув билан бўлса буни мана аталиш билан (“истинжо” деб) аталади. Аммо, тозалаш қоғоз, тош, кесак ва бошқа шу каби нарсалар билан амалга оширилса у ҳолда, бунга “истижмор” дейилади. Агар тозалаш фақат истижмор усулида бўлса, бунга тоза, мубоҳ ва ейилмайдиган нарсалар қўлланилиши зарур. “Ишлатган” нарсаси уч ёки ундан кўпроқ бўлсин. Таҳорат синдирган вақтда ахлат хоҳ орқадан, хоҳ олдидан келсин, истижмор вожиб. Шунингдек, таҳорат синдирган одамга тубандаги нарсалар ҳаром ҳисобланади: ★ Ҳожатини ўтаб бўлгандан кейин ҳам ўша ҳолатида ўтира бериши. ★ Сув бўйларига ҳожат ушатиши. ★ Одамларнинг қатнов йўлларида таҳорат ушатиши. ★ Одамлар дам олиб ўтирадиган соя салқин жойларга “ўтириши”. ★ Очиқ жойларда қиблага юзланиб “ушатиш”.

Булардан ташқари макруҳ саналган амаллар ҳам борки, улар тубандагилардир: ★ Ҳожатхоналарга Аллоҳ номи ёзилган нарсалар билан кириш. ★ Ҳожат пайтида гаплашиш. ★ Ҳар қандай ёриқларга (жониворларнинг уяларига) таҳорат ушатиш. ★ Олатини ўнг қўл билан ушлаш. ★ Уй ичида қиблага юзланиш.

Бироқ, бу саналганлар шундан бошқа ҳеч бир иложи қолмаган ҳолатларда гуноҳ эмасдир. Шунингдек, истижмор қилган одам тоқ (учдан ва ҳоказогача) маротаба тош, кесак в.б. нарсалани ишлатади. Истинжода ҳам, ҳар иккисини жамлаганда ҳам ҳукм шундай.

Мисвок. Мисвок ишлатиш – суннатдир. Айниқса, намозни, Қуръонни ўқиш олдидан, таҳорат маҳали оғиз чайқаганда, уйқудан уйғонганда, масжидга ёки уйга кирганда ҳамда оғиз ҳидланиб қолган вақтларда унинг суннатлиги янада зарурроқ

бўлади. Таҳорат билан мсвокга ўнг, аммо истинжога сўл қўлни ишлатилади.

Таҳорат ва унинг арконлари: **1.** Юзни ювмоқ. Оғиз-бурунни чайқаш ҳам шунинг ичиди. **2.** Икки қўлни бармоқ учларидан бошлаб, то чиғанокдан ўтказиб ювиш. **3.** Бошга икки қулоқни қўшиб масҳ қилиш. **4.** Икки оёқни қизил ошиғи билан қўшиб ювиш. **5.** Амалларнинг орасини узмай, пайдар-пай ювиш.

Таҳоратнинг вожиблари. **1.** Таҳоратдан олдин “бисмиллаҳ” демоқ. **2.** Идишдан таҳорат олган пайтда, агар одам уйқудан турган бўлса, қўлини идишга солиш олдидан уч марта ювиб олиш.

Таҳоратнинг суннатлари. **1.** Мисвок ишлатиш. **2.** Икки қўлни ошиққа қадар ювиш. **3.** Юзни ювганда оғиз-бурунни чайқашдан бошлаш. **4.** Рўзадан бошқа пайтда оғиз-бурунни кўп чайқаш. **5.** Агар соқол қалин бўлса, ҳўл панжуар билан тараш. **6.** Ўнг аъзодан бошлаш. **7.** Икки ёки уч қарра ювиш. **8.** Бурунга сув олганда ўнг қўл билан олиб, сўл қўл билан қоқиш. **9.** Ювилган аъзоларни обдон ишқалаш. **10.** Ўта сифатли таҳорат қилиш (исбоғ) ва **11.** Таҳоратга оид дуоларни ўқиш.

Таҳоратнинг макруҳлари. **1.** Ўта иссиқ ёки совуқ сувда таҳорат олиш. **2.** Бир аъзони уч қаррадан кўп ювиш. **2.** Аъзолардан сув томчилатиш. **3.** Кўзнинг ичини ювиш. Аммо, таҳоратдан кейин артиниш мубоҳдир.

Эслатма: Оғизни чайқаганда (тиш оруаридаги нарсаларни кетириш учун) кўп мазмаза қилиш (чайқаш) керак. Бурунга олинган сув эса то нафас тешиқларига қадар етиб боргани яхши.

Таҳоратнинг сифатлари. Энг аввало ният қилинади. Кейин “бисмиллаҳни” айтиб, қафтлар усти билан ювилади. Кейин оғиз ва бурун чайқалади. Кейин юзни ювилади. Ундан кейин икки қўлни чиғаноклар билан қўшиб ювилади. Ундан кейин бошга тўлиқ масҳ тортилади. Ундан кейин кўрсаткич бармоқни қўлоқ тешиқларига киргизган ҳолда, бош бармоқлар билан қулоқ сиртини тозаланади. Энг охирида икки оёқ қизил ошиқ билан қўшиб ювилади.

Эслатма: Агар соқол суёқ бўлса, тукларнинг остига сув кириши вожиб. Мабодо қалин бўлса, устидан ювиб, бармоқлар билан тараб (тахлил қилиб) қўйилади.

Маҳсига ва жаврабга¹ масҳ тортиш. Бу икки оёқ кийимига енгил таҳорат² учун масҳ тортиш дурустдир. Бунинг учун тубандаги шартлар топилиши лозим: **1.** Тўлиқ таҳоратли бўлгандан кейин кийилган бўлиши. **2.** Таҳорат сув билан³ олинган бўлиши. **3.** Оёқнинг қизил ошиғини ёпган бўлиши. **4.** Мубоҳ (ўғирланмаган) бўлиши. **5.** Нажасдан тоза бўлиши.

Саллага масҳ тортиш. Саллага масҳ тортиш тубандаги ҳолатларда мумкин: **1.** Эркакларда бўлса. **2.** Бошни тўлиқ ўраган бўлса. **3.** Енгил таҳорат билан ўраган бўлса, **4.** Таҳорати сув билан олинган бўлса.

Рўмоннинг устидан масҳ тортиш. Бунинг ҳам шартлари бор: **1.** Аёллар ўраган бўлса. **2.** Иякнинг олдидан ўралган бўлса. **3.** Енгил таҳорат билан ўралган бўлса. **4.** Таҳорати сув билан бўлса. **5.** Бошни тўлиқ ўраган бўлса.

¹ Жавраб – бу жундан, пахтадан, синтетикадан ёки бошқа матодан ясалган қалин пайпоқ.

² Енгил таҳорат – одатдаги биз тушунган таҳорат. Чунки, ғуслни «катта таҳорат» дейилади.

³ Демак, таяммум билан таҳоратли одамга масҳ тортиш мумкин эмас.

Масҳнинг яроқли муҳлати. Муқим одам учун масҳ тортилган вақтан бошлаб бир кеча ва кундуз, мусофир (85 км. дан ошиқ масофага сафар қилган) одам учун уч кеча ва кундуз.

Масҳнинг бошланиш муддати. Муқим одамлар учун оёқ кийимни масҳ билан кийгандан кейин таҳорати синган вақтдан бошлаб, эртаси ўша вақтга қадар. (24 соат)

Фойдали масалалар: Агар бир одам сафарда масҳ тортиб, уйига келса ёки уйда масҳ тортган бўйича сафарга кетса ёки қайси ҳолатда (уйдами, сафардами) масҳ торганини унутиб қўйса, муқимнинг торгани каби масҳ тортаверади.

Жабира¹. Жабирага тубандаги ҳолатларда масҳ тортилади: **1.** Уни зарурат туфайли ўраган бўлса. **2.** Керакли жойдан ошиқча ўралмаган бўлса. **3.** Таҳорат билан ўралган бўлса. Агар жабира аъзонинг керакли жойидан (жароҳатдан) ошиқча жойни ҳам ўраган бўлса, ошиқчасини очиб, остини ювилади. Агар бундай қилиш соғлиқ учун хавfli бўлса, қайтадан ўраб қўйилади ва ҳаммасига ёппасидан масҳ тортилаверади.

Фойдали масалалар: * Масҳни аввал ўнг томонга тортайин демасдан ҳар иккисига баробар тортган афзал. * оёқ кийимнинг товонига ёки орқасига масҳ тортилмайди. * масҳ тортилган оёқ кийим ювилмайди ва масҳ такроран тортилмайди. * Салла билан рўмолнинг кўпроқ қисмига масҳ тортилади.

Таҳоратни синдиргувчи нарсалар: **1.** Орқа ва олд чиқарув тешигидан келган нажосатлар. **2.** Уйқу ва жиннилик сабабли хушини йўқотиш. Аммо, ўтирган ҳолатдаги енгил уйқу таҳоратни бузмайди. **3.** Одатдан ташқари ўринлардан сийдик ёки “каттаси” чиқиб кетса. **4.** Бадандан сийдик ва “каттасидан” бошқа нажаслар чиқса. **5.** Кофир бўлса.

Ғусл². Қандай ҳолда ғусл вожиб бўлади? **1.** Ухлаган ёки уйғоқ маҳалда бел суви шаҳват билан чиқса. **2.** Эркак олатининг учи аёлнинг қинига кирса. (Бу ҳолда бел суви чиқмаса ҳам, ҳар иккаласига ғусл вожиб бўлади. **3.** Кофир ёки муртад одам мусулмон бўлса. **4.** Ҳайз қони келса. **5.** Нифос қони келса. **6.** Мусулмон одам ўлганида.

Ғуслнинг фарзлари. **1.** Ният. **2.** Бисмиллаҳни айтиш. **3.** Идишга қўлини солишдан олдин, уч бора ювиб олиш. **4.** Жинсий аъзосини ва ювуқсиз жойларини сув билан тоза қилиш. **5.** Таҳорат олиш. **6.** Бошига уч бора сув қуйиш. **7.** Жами баданига сав еткизиш. **8.** Баданини қўл билан ишқалаш. **9.** Ўнг аъзодан бошлаш.

Таҳоратсиз одамга мумкин эмас: **1.** Қуръни Каримни ушлаш. (Ғилофнинг сиртидан ушлаш жоиз). **2.** Намоз ўқиш. **3.** Каъбани тавоф қилиш.

Ғуслсиз одамга ҳаромдир: Юқорида саналганларга қўшимча: **4.** Қуръонни ўқиш. **5.** Масжидда таҳоратсиз туриш. (Аммо масжид оралаб ўтиш жоиз).

Яна мукруҳдир: **1.** Жунуб (ғусл вожиб) одамнинг бегоҳорат ухлаши. **2.** Ғуслда сувни исроф қилиш.

¹ Жабира – жароҳат ёки синиқ устидан ўралган нарсалар.

² Ғусл деб, ният қилгандан кейин, оғзига уч бора ғарғара қилиб, бурнига уч бора, то қаншарга етгунча сув олиб, ундан кейин жами баданига сув еткизиб, ишқалаб ювишга айтилади.



Таяммум. Таяммумнинг шартлари: 1. Сув топилмай қолса. 2. Тупроқ пок, мубоҳ (ўғирланмаган) ва куймаган бўлса. **Таяммумнинг арконлари:** 1. Юзни тўлиқ силаш, 2. Кейин икки қўлни чиканокқа қадар силаш, 3. Тартиб билан қилиш, 4. Муволот, яъни амалларни узмай, пайдар-пай қилиш.

Таяммумни синдирадиган амаллар: 1. Таҳоратни синдирган барча нарсалар, 2. Сувнинг топилиши, 3. Таяммумга сабаб бўлган нарсанинг йўқолиши. (Масалан, оғриқнинг тўхташи ёки совуқнинг йўқолиши ва ҳоказ).

Таяммумнинг суннатлари: 1. Жунуб ҳолида таяммум қилувчи учун тартиб ва муволот. 2. Намозни охирга вақтига кечиктириш. (Ювиниш имкони топилиб қолиш умидида). Таяммумдан кейин таҳорат дуоларини ўқиш.

Таяммумнинг макруҳлари: Қўлни ерга такрор-такрор ура бериш.

Таяммум қандай бажарилади? Аввало ният қилинади. Кейин бисмиллаҳни айтилади. Кейин кафт билан тупроққа бир зарб урилади. Кейин кафтлар билан юзни силанади. Кейин икки қўлини силайди.

Нажосатни кетириш. Машҳур нажосатлар уч турлидир: 1. Ҳайвонлардан нажас бўлганлари, 2. Ўлаксалардан нажас бўлганлари 3. Жонсиз нарсалардан нажас бўлганлари. Ҳайвонлар икки қисмдир: **А) Нажас ҳайвонлар:** Буларга ит, тўнғиз (чўчка), бу иккаласидан туғилган мутант (метис) ҳайвон, гўшти ейилмайдиган қушлар ва ҳайвонлар. Бу ерда саналганларнинг сийдиги, ахлати, тери, уруғи (сперма), сути, сўлаги, мишириғи ва қусиндиси ҳам нажасдир.

Б) Ҳалол ҳайвонлар. Булар уч қисмдир: 1. Одамзот¹. Унинг тери, сўлаги, сути, мишириғи, балғами тоза. Аммо, сийдиги, ахлати, олатдан, қиндан келган сувлари нажасдир. 2. Гўшти ейиладиган ҳайвонлар. Буларнинг сийдиги, ахлати, уруғи, сути, тери, сўлаги, қусиндиси ва тоза. (яъни таҳоратни кетирмайди). 3. Уй ҳайвонлари. Эшак, мушук, сичқон каби аралашиб яшайдиган ҳайвонларнинг тери ва сўлагигина тоза, сийдиги, ахлати нажас.

Ўлаксалардан барчаси нажас, илло, балиқ, чигиртка, қони оқмайдиган пашша, чаён, чивинларнинг ўлиги нажас эмас.

Масала: * Қон билан йиринг агар одамдан чиқса ҳам, гўшти ҳалол ҳайвондан чиқса ҳам нажасдир. * Қонлардин фақат икки тури тоза: 1. Балиқнинг қони, 2. Бисмиллаҳ деб сўйилган ҳалол жониворнинг майда томирчаларида қолган қон. * Ҳалол ҳайвондан тириклай кесиб олинган гўшт ва оқизиб олинган қон нажасдир. * Нажасни кетириш учун ният зарур эмас. Яъни атайин ювилмасдан, ёмғир билан ювилиб қолса ҳам тоза бўлаверади. Нажаснинг устидан юриш ва қўл билан ушлаш таҳоратни кетирмайди. * Юққан ва илашган нажасни бадан ва кийимдан тозалаб қўйиш кифоя.

Тозалашнинг шартлари: 1. Тоза сув бўлиши. 2. Агар ювилган нарсани сиқиш мумкин бўлса, тоза савдан олисроқда сиқилади. 3. Агар нажас ювиш билан кетмаса, уқалаб, қириб ва ҳоказо усуллар билан кетирилади. 4. Агар нажас итники бўлса, қатрон қилинади (Яъни, нажас теккан идишни етти бора ювиб, сакказанчисини тупроқ билан ювилади)

¹ Одамни “ҳайвони нотик” яъни гапирувчи ҳайвон дейдилар. Чунки, “ҳайвон” сўзи арабча “ҳаёт” (жони бор, тирик) деган сўздан олингандир.

Эслатмалар: * Ер сиртидаги нажас агар суюқ бўлса, то ҳиди ва ранги йўқолгунга қадар сув қуйиб тозаланади. Агар нажас ичак-чавоқ каби шилимшиқ нарса бўлса, олиб ташлаб, асарини (изини) ювилади * Агарда нажас теккан жой билинмай қолса, бир жойни мўлжаллаб, то юрак қаноатлангунча ювилади. * Ухлаб ётган одамдан ел чикса, истинжо қилмайди. Чунки ел нажас эмас. Аммо, агар намоз ўқишни хоҳласа, таҳоратини янгилайди.

Аёллардан келадиган табиий қонлар баёни

(Ҳайз¹ ва истиҳожа²)

Саволлар	Жавоблар
Ҳайз кўриш ёши: Энг ози ва энг кўпи?	Энг ози тўққиз ёш. Шу ёшгача келса у истиҳожадир. Энг кўпига чек йўқ.
Энг ози неча кун?	24 соат. Ундан оз бўлса, истиҳожадир
Энг кўпи неча кун?	15 кун. Ундан кўпи истиҳожадир
Икки ҳайз оралиғида неча тозалик куни бор?	13 кун бор. Бу муҳлатдан эрти келса у истиҳожа
Кўпчилик аёллардан (одатий) қон кўриш муҳлати?	6 ёки 7 кун
Кўпчилик аёллардан (одатий) тозалик муҳлати?	23 ёки 24 кун
Ҳомиладор вақтдаги қон ҳайзданми?	Ҳомиладор аёллардан келган қон кир, сариқ рангли ва бошқа қонлар ҳайз эмас, истиҳожадир.
Ҳайз тўхтагани қандай билинади?	1) Қиндан келган оқ, суяқ моддадан билади. 2) агар ундай модда келмаса ҳар қандай қонларнинг тўхташидан билади
Тозалик вақтида келган суяқликлар?	Агар улар очик, оқ рангли, шилимшиқ бўлса нажас эмас. Аммо кир ёки сариқ бўлса – нажас. Барчаси таҳоратни кетиради. Агар бетўхтов келса – у истиҳожадир
Қиндан келган қон кир, ва сариқ қонлар?	Ҳайзнинг бевосита олдидан ёки кейинидан келса – ҳайздан ҳисоб. Агар уланмай келса–истиҳожа
Ҳайз муҳлатидан олдин тўхтади (тозаланди) Энди нима қилади?	«Тоза бўлдим» деб ҳисоблайдида, ибодатларини бошлайверади.
Ҳайз одатдагисидан кеч қолсачи?	Қайси вақтда келса ҳам, икки ҳайз оралиғи 13 кун (тозаликнинг энг оз муҳлати) ёки кўпроқ кун ўтса – ҳайздандир. Ўшанга қадар келса- истиҳожадир
Одатдаги муҳлатдан (6 ё 7 кундан) ошиб кетса ёки унга етмай қолсачи?	Агар 15 кундан ошиб кетмаса ҳайздандир
Агарда ҳайз қони бир ой	Бунда уч ҳолат бор: 1) Ой сайин келадиган кунини билса ва ҳисоблай олса, одатий ҳайзга ҳисоблайди ва тозаланади. Бунда қоннинг

¹ Ҳайз – бу аёллардан келадиган одатий ойлик қони.

² **Истиҳожа** – бу касаллик ёки бошқа сабаб билан аёлларнинг ҳайз ўрнидан оқадиган қондир. Ҳайз билан истиҳожанинг орасидаги фарқ тубандагилардир: **1.** Ҳайз қонининг ранги тўқ қизил, истиҳожа қониники эса, оч қизил бўлади. **2.** Ҳайз қони гоҳо уюган қон аралаш бўлади. Аммо истиҳожа суяқ ва жароҳатдан оққан қон каби соф бўлади. **3.** Ҳайз қони одатда сассик, ёқимсиз ҳидланади. Аммо, истиҳожа қонининг ҳиди табиий қонларнинг ҳидига ўхшайди. Исломи шариатга биноан ҳайз кўрган аёллар намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар, Каъбани тавоф қилмайдилар, Қуръни ушламайдилар ва ўқимайдилар, масжидда турмайдилар, жинсий яқинлик қилмайдилар. Шунингдек ҳайз ҳолатидаги аёлга талоқ айтилмайди.



ёки ундан кўпроқ вақтда тўхтамаса нима қилади?	ўзгачалигининг эътибори йўқ.. 2) Ойлик ҳайз кунини билсаю, бироқ, неча кун давом этишини билмаса, 6 ёки 7 кун ўтирадида, кейин тозаланади. 3) шунингдек ҳайзнинг неча кун уланишини билсаю, ой сайин келадиган вақтини билмаса, бурунги ойларда ўтирган муҳлатича (одатича) ўтириб, ундан кейин ғусл қилаверади.
--	--

Нифос¹

Саволлар	Жавоблар
Агар тукқан аёл қон кўрмаса?	Нифос деб ҳисобланмайди. Ғусл зарур эмас рўзасини ҳам бузмайди
Туғруқнинг белгилари бошланганда?	Туғруқнинг белгиси сифатида қон келса ҳам, сув келса ҳам нифос эмас истиҳоза деб ҳисобланади
Туғруқ бошланганда келган қон?	Нифос қони– ўша. Аёл нифос вақтида қазо қилган намозларининг қазосини ўқимайди.
Нифоснинг саноғи қачондан бошланади?	Гўдак тўла туғилгандан бошланади.
Нифоснинг энг оз муҳлати?	Бунинг чеки йўқ. Туғруқдан кейиноқ тўхтаб қолса ҳам, ювиниб, намозларини бошлайверади. 40 кун ўтишини кутмайди
Ннифоснинг энг кўп муҳлаати?	40 кун. Бундан кўп кутмайди. Агар қон тўхтамаса ҳам. Кейинги қонларни истиҳозадан ҳисоблаб, ғусл қилиб, намозларини бошлайверади. Агар бу қон одатдаги ҳайз муҳлатига тўғри келиб қолса, унда ҳайз деб эътибор қилинади.
Икки ёки ундан кўп эгиз тукқанда?	Нифос вақти эгизларнинг биринчиси тушгандан бошланади
Ҳомила тушиб қоганаги қон?	Тушган ҳомила агар 80 кунлик ёки ундан “кичкина” бўлса, келган қон истиҳозага ҳукм қилинади. Агар 90 кунликдан кейин тушса, бунинг қони нифосга ҳисоб. Агар 80 билан 90 куннинг оралиғида тушса, унда қаралади: агар тушган ҳомилада инсонлик белгилари бўлса, унда келган қон нифосдан деб, агар одамийлик белгилари билинмаса, истиҳозадан деб эътибор қилинади.
Агар 40 кунга етмай нифос қони тўхтаб, аёл тозаланса бироқ, кейин қирқи чиққунга қадар яна қон келса?	Аввалги тўхтаганини тозалик ҳисоблаб, ювинган бўлса, намоз ўқийверади. Агар қон яна келса, 40 кун тўлгунча нифос ҳукмларини ушлайди

Эслатмалар: ★ Истиҳоза кўрган аёл намоз ўқийверади. Бироқ, ҳар намоз учун тозаланиб, янги таҳорат олади. ★ Агар аёл ҳайздан ёки нифосдан кун ботгунга қадар тозаланса, ўша куннинг пешин ва аср намозларини ўқийди. Агар кун чиққунча тозаланса, ўша туннинг шом ва хуфтон намозларини ўқийди. ★ Намоз вақти кирганда, намозгача ҳайз ёки нифос кўрган аёл, у намознинг қазосини кейин ўқимайди. ★ Ҳайз ёки нифосдан ғусл қилишни ният қилган аёл, ўрилган сочини ёйиб юбориши зарур. Бироқ, жунуб ҳолатидан ғусл қилганда соч ўримини ёзмаса ҳам бўлади. ★ Истиҳозалик аёлга жинсий алоқа макруҳ. Бироқ эри хоҳласа мумкин. ★ Мусулмон аёл ҳаж, умра каби ибодатларда ва рўзани тўлиқ тутиш ниятида ҳайз қонини тўхтатувчи дориларни истеъмол қилса бўлади. Биргина шарт: дорилар соғлиғига зиён қилмаса.

¹ Нифос – бу туғруқдан кейин келадиган қон.

Исломда аёл

Аёл зоти иймон ва амал жиҳатидан Аллоҳ олдидаги фазл ва ажрда эркак билан тенгдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аёллар эркакларнинг тенг ярмидир”* (Абу Довуд). Аёл ўз ҳақ-ҳуқуқини талашиб, ўзидан зулми даф қилишни талаб қила олади. Шунинг учун баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда диний хитоб эркак ва аёлга бир хилдир. Истисно ҳолатларда эса, шариат эркак ва аёлнинг хилқати ва қудратини ҳисобга олиб, иккисига икки хил ҳукм қилади. Аллоҳ таоло деди: ﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾ *“Яратган зот билмасми? У Латийф ва (барча нарсалардан) Хабардордир”*.

Аёлларнинг ўзига хос вазифалари бўлгани каби эркакларнинг ҳам ўзига хос вазифалари бордир. Бу икки жинсдан кимиси ўз хусусиятидан тажовуз қилиб, бошқасига хос ишларни қиладиган бўлса, ҳаёт мувозанатига зарар етказган бўлади. Аёллар уйда ўтирсалар ҳам эркаклардан қолишмайдиган ажрга эга бўладилар. Асмоа бинт Язийд деган аёл, саҳобалари орасида турган расулуллоҳга (унга Аллоҳнинг саломи бўлсин!) келиб: *“Ота-онам сизга фидо бўлсин, мен сизга аёллардан элчи бўлиб келдим....биз аёллар чекланиб, сизларнинг (эркакларнинг) шаҳвоний хожатларингизи адо қилиб, қорнимизда болаларингизни кўтариб уйлариңгизда ўтирамыз. Сизлар эса, эй эркаклар, жумъага, жамоат намозларига чиқиб, касалларни зиёрат қилиб, жанозаларга қатнашиб, қайта-қайта ҳажларга бориб, ҳаммасидан ҳам Аллоҳ йўлидаги жиҳодга чиқиб бизлардан (савобда) афзал бўласизлар. Сизлардан бирингиз ҳажга ё умрага кетса, биз уйда молингизга қоровул бўлиб, кийимларингизни тўқиб, болаларингизни тарбиялаб ўтирамыз. Сизлар билан савобда шерик бўла олмаймыз, эй Аллоҳнинг элчиси!”*. Шунда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига тўлиқ юзланиб: *“Сизлар ўз дини ҳақида мана шу аёлнинг сўзидан кўра яхшироқ сўзни эшитганмисизлар?”* деди. Саҳобалар айтдилар: *“Ё, расулуллоҳ! Биз аёл киши шунчалик изланиши мумкинлигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эдик!”*. Шунда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлга юзланиб, дедилар: *“Бора қол, эй аёл ва сени юборган аёлларга айт: сизлардан бирингизнинг ўз эрига яхши умр йўлдошлиқ қилиши, унинг розилигини излаши ва у маслаҳат солган ишларга тобеъ бўлиши...булар (савобда) эркакнинг барча ҳасанотларига баробардир”*. Кейин ҳалиги аёл хурсанд ҳолда такбир ва таҳлиллар айтиб орқасига қайтди”. (Байҳақий). Яна бир куни пайғамбаримизнинг олдида бир тўп аёллар келиб: *“Ё, расулуллоҳ! Эркаклар Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, савобда бизлардан ўзиб кетишмоқда. Бизга ҳам Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг савобини топадиган бир амал борми?”*. Шунда расулуллоҳ у аёлга мана бундай деди: *“Ҳар бирингиз уй ичидаги меҳнати билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилганнинг савобини топар!”*. (Байҳақий).

Аёллар ҳақида баъзи ҳукмлар:

Эркаклар ўзига маҳрам бўлмаган аёл билан ёлғиз қолиши ҳаромдир¹.

¹ Аёл учун у билан никоҳланиши ҳаром бўлган эркаклар маҳрам ҳисобланади. Улар: отаси, боболари, катта оталари, боласи, боласининг болалари, оға-инилари ва уларнинг болалари, опа-сингилларининг болалари, амакилар, тоғалар, қайноталар, эрининг болалари, эмакдош оға-инилари, қизларининг эрлари ва онасининг эри.



Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳеч бир аёл маҳрам эмас эркак билан хилватда қолмасин”** деганлар. (Муттафақун алайх).

✿ Аёллар учун масжидда намоз ўқиш мубоҳ. Агар фитнадан қўрқса, у ҳолда макруҳдир. Оиша онамиз айтганлар: **“Агар расулulloҳ аёллар содир қилган нарсаларни билсалар, худди Бану Исроил аёллари масжиддан манъ қилингани каби уларни масжиддан манъ қилар эди”**. (Муттафақун алайх). Шунингдек, агар эркаклар учун масжидда ўқилган намозига кўп кўшимча савоблар ёзилса, аёллар учун уйда ўқиган намозларига кўшимча савоблар бордир. Бир кун расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдига бир аёл келиб, “ё, расулulloҳ! Мен сиз билан намоз ўқишни севаман” деганида, мана бундай жавоб бердилар: **“Мен билан намоз ўқишни севишингни биламан. Аммо, уйингда ўқиган намозинг хужрангда ўқиганингдан, хужрангда ўқиган намозинг ҳовлингда ўқиганингдан, ҳовлингда ўқиган намозинг қавмингинг (маҳаллангинг) масжидида ўқиганингдан, қавмингинг масжидида ўқиган намозинг эса, менинг масжидимда ўқиган намозингдан яхшироқдир”**. (Аҳмад).

✿ Аёллар фақат ёнидан ажралмаган маҳрами билангина ҳаж ёки умрага боришлари вожиб. Ёлғиз сафар қилиши мубоҳ эмас. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Аёллар уч кундан ошиқ (вақт талаб қиладиган) йўлга маҳрами билангина сафар қилсин!”**. (Муттафақун алайх).

✿ Аёллар учун қабрларни зиёрат қилиш ва тобутнинг орқасидан узатиш харомдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Қабрларни зиёрат қилган аёлларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”**. Умму Атийя разияллоҳу анҳо дедилар: **“Биз жанозага эргашишдан қайтарилдик ва бизга қатъият қилинмади”**. (Муслим).

✿ Аёллар сочини ҳоҳлаган рангига бўяшлари мумкин. Илло, агар совчини алдаш учун бўлса, қорага бўяш макруҳ.

✿ Аёлларга меросдан теккан улушини бериш вожиб, улушдан манъ қилиш харом. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Ким бир меросхўрини меросдан маҳрум қилса, қиёмат кун Аллоҳ уни Жаннат меросидан маҳрум қилар!”**. (Ибн Можжа)

✿ Аёлга яхши муомала қилиб, уни емоқ, ичмоқ, кийим ва маскан каби зарурий нарсалар билан таъминлаш унинг эри учун вожиб. Аллоҳ таоло деди: **﴿لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ. وَمَن قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ﴾** **“Бой ўз бардорчилигидан нафақа қилсин! Ким ризқига қодир қилинган бўлса, Аллоҳнинг берганидан нафақа қилсин!”**

(Талок. 7). Агар аёлнинг эри бўлмаса, у ҳолда уни нафақа билан таъминлаш отасининг, ака-укаларининг ёки боласининг зиммасига юкланади. Агар аёлнинг яқинлари бўлмаса, унга нафақа қилиш бошқа одамлар учун мустаҳаб амалдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Беваларга ва мускинларга ёрдам берувчи киши, Аллоҳ йўлидаги мужоҳид ёки кечаси билан (нафл) намоз ўқиб, кундузи (нафл) рўза тутган кабидир”**. (Муттафақун алайх)

✿ Ҳали уйланмаган ёш боласини ўзида олиб қолишга аёл ҳақлироқдир. Аммо, у боланинг нафақасини эри аёли орқали бериб туради.

✿ Аёлларнинг аввал салом бериши мустаҳаб эмас. Хусусан у аёл ёш ва

фитна хавфи бўлса.

✿ Ҳар ҳафта сайин чуррадаги ва қўлтиқдаги тукларни тозалаш ҳамда тирноқларни олиш мустаҳаб. Қирқ кундан ўтказиб юбориш макруҳ.

✿ Бадандаги бошқа тукларни, хусусан қошнинг тукини юлиш (қирриш, териш) ҳаромдир. Чунки, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аллоҳ ҳалол тукларни юлгувчиларни ва юлдиргувчиларни лаънатлади”* – деганлар.

✿ **Аза.** Аёллар ўлган яқинлари учун уч кундан ошиқ аза тутиши ҳаром. Фақат эри ўлгандагина тўрт ой ва ўн кун аза тутиши вожиб. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёллар учун, эридан бошқа ўлган одамга уч кундан ошиқ аза тутиши ҳаромдир”*. (Муслим). Шунингдек, азали аёлга аза кунларида ясанмаслик, ҳушбўйланмаслик, зийнатланмаслик ва қимматбаҳо, ялтир-юлтир (қизил, сариқ) кийимларини киймаслик, хина, сурмаларни ҳам истеъмол қилмаслик вожиб. Бироқ, тирноқ олиш, ҳаром туклардан тозаланиш, ғусл каби гигиена (тозалик) талабларини бажараверади. Шунингдек, азанинг ранги деб, қора, кўк кийимларни кийиш вожиб эмас. У аёл иддасини эри ўлган уйда ўтказиши вожиб. Ўта қаттиқ зарурат туфайлигина бошқа ерда ўтказиши мумкин. Қайси жойда ўтказмасин, кундузги зарур юмушларидан бошқа нарса учун кўча айланиб юриши ҳаром.

✿ Аёллар учун ҳеч бир заруратсиз сочни қириб ташлаш ҳаромдир. Аммо, эркакларга ўхшашни ният қилмаслик шарти билан қисқартириш мубоҳ. Чунки, *пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзини эркакларга ўхшатган аёлларни лаънатлаганлар*. (Термизий). Шунингдек, *“Ким ўзини бир (кофир) қавмга ўхшатса, у ўшалардандир”* (Абу Довуд) деган ҳадисга биноан мусулмон аёлларнинг ўзларини кофир аёлларга ўхшатишлиги ҳам ҳаромдир.

✿ Аёллар ўз ҳовлиларидан чиққанда баданларини кенг **жилбоб** билан ёпишлари вожиб. “Жилбоб” деб тубандаги сифатлар мавжуд бўлган кийимга айтилади: **1)** баданнинг барча қисмини ёпиб туриши. **2)** ўз ҳолича зийнат бўлмаслиги. **3)** ўта юпка, шаффоф бўлмаслиги. **4)** тор эмас, кенг бўлиши. **5)** хушбўй бўлмаслиги. **6)** эркакларнинг кийимига ўхшамаслиги. **7)** кофирларнинг кийимига ўхшамаслиги. **8)** шуҳрат либоси (дабдабали) бўлмаслиги. Шунингдек, инсоннинг, ҳайвоннинг сурати бор кийимларни кийиш, уларни уйга олиш ва улар билан савдо қилиш ҳам ҳаромдир. **Аёлнинг бошқаларга нисбатан аврати¹ уч қисмдир:** **1)** Эри. У учун ҳеч бир жойи аврат эмас. **2)** Бошқа аёллар ва маҳрамлари. Улар аёлнинг кўпинча очиб юрадиган юзи, сочи, бўйни, қўли, билаги, тўпиғи ва шу кабиларни кўра

¹ **Етти ёшга чиққан боланинг** “олди” ва “орқасигина” аврат. **Ўн ёшга чиққанда** киндик ва тизза ораси ҳам авратга қўшилади. Озод ва балоғатга чиққан аёлнинг барча аъзолари авратдир. Фақат намозда юзи, икки қўлининг кафти ва кафт усти ва товони аврат эмас. Бу уч аъзони ўраб намоз ўқиш аёлларга макруҳ. Аммо, бегона эркак олдида ўқиганда ёпса бўлади. Масалан аёллар билаги очик ҳолда намоз ўқиса ёки Каъбани тавоф қилса ҳар икки ибодати ҳам қабул бўлмайди. **Қўпол аврат** – бу олд ва орқа аъзолардир. Буларни ҳеч ким йўқ жойда ёки қоронғу ерда очиш ҳам макруҳдир. Аммо, эр-хотинлар бир-бирининг олдида ёки табиб олдида ёки “суннат” қилиш пайтида очиш мубоҳдир.



оладилар. **3)** Бошқа эркаклар. Улар аёлнинг ҳеч бир жойини кўрмайдилар. Никоҳ ўқиш, даволаш каби зарурий ҳолатлар бундан мустасно. Чунки, юз ҳам аёлнинг фитнали аъзоси ҳисобланади. Фотима бинт Мунзир разияллоҳу анҳо дедилар: **“Биз эркаклар олдида юзимизни ҳам ёнар эдик”**. (Ҳоким).

Оиша онамиз дедилар: **“Биз расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида эҳром ҳолатида эдик. Шу пайт олдимиздан отлиқлар ўтиб қолишди. Шунда бизлардан биримиз бошидаги жилбобини юзига туширди. Отлиқлар ўтиб кетгач яна очиб олдик**. (Абу Довуд)

❁ **Идда.** Идданинг бир неча тури бор: **1.** Ҳомиладор ҳолда талоғи берилганларнинг ва ҳомиладор ҳолда эри ўлганларнинг иддаси бола туғилиши билан тугайди. **2.** Эри ўлганларнинг иддаси (агар ҳомиласи йўқ бўлса) тўрт ой ва ўн кундир. **3.** Ҳайз пайтида талоғи берилган аёлларнинг иддаси уч ҳайз муҳлатидир. Учинчи ҳайздан тозаланиши ҳамон иддаси тугайди. **4.** Ҳайз кўрмаган аёлларнинг иддаси уч ойдир. Иддадаги аёл, агар унга ражъий талоқ берилган бўлса, то иддаси тугагунга қадар эри билан қолиши вожибдир. Мана шу асноларда эри унинг баданидан ҳоҳлаган аъзосига қараши, у билан ёлғиз қолиши мумкин. Бунинг сабаби, Аллоҳ қайтадан ораларига муҳаббат солишини умид қилишдир. Агар эр ярашишни ҳоҳласа “сени қайтардим” деган сўз билан ёки ҳеч сўзсиз жинсий алоқа қилиш билан қайтадан эр-хотин бўлиб давом этаверадилар. Аёлнинг розилигини олиш шарт эмас.

❁ **Аёл ўзини ўзи эрга бермайди.** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Қайсики аёл ўз валийсининг¹ изнисиз никоҳланса, бас унинг никоҳи ботилдир!”** (Абу Довуд)

❁ **Улама соч.** Аёллар ўз сочларига бировнинг сочини улаши ва баданига игна билан сурат тортиши (татуировка) ҳаромдир. Бу икки амал катта гуноҳлар таркибига киради. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Соч уловчига ва улатувчига, игна билан сурат тортувчига ва торттирувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”** (Муттафақун алайх)

❁ **Ҳаром талоқ.** Аёллар учун ҳеч бир сабабсиз эридан талоқ сўраш ҳаромдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Қайси аёл сабабсиз эридан талоқ сўраса, унга жаннатнинг ҳиди ҳаромдир!”** (Абу Довуд)

❁ **Эрга итоат.** Аёллар маъруф (гуноҳ бўлмаган) ишларда эрига итоат қилишлари вожибдир. Хусусан, уни тўшакга чақирганда рад қилмаслиги керак. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Агар бир эркак аёлини тўшакга чақирганда рад қилса ва у (эри) газабланган ҳолда ухласа, то тонгга қадар аёлга фариштаарнинг лаънати бўлар!”** (Муттафақун алайх)

❁ **Ҳушбўйланиш.** Бегона эркаклар ҳидини сезадиган ҳолда, аёллар учун ҳушбўйланиш ҳаромдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Қачонки бир аёл ҳушбўйланиб кўчага чиқиб, ҳидини сезишлари учун эркаклар олдида ўтса, бас у “ҳалигинақадир”, яъни зино қилгувчидир!”** (Абу Довуд)

¹ Аёлга энг ҳақли валий – унинг отасидир. Ундан кейин отасининг отаси, ундан кейин онасининг отаси, ундан кейин боласи, ундан кейин оғаси ёки иниси, ундан кейин амакилари ва ундан кейин амакиларининг болалари ва ҳоказо.

Намоз

Азон ва иқомат мусофир бўлмаган эркакларга фарзу кифоядир. Якка ўқиган ва сафарда ўқиганларга суннат, аёлларга макруҳ. Иккиси ҳам ўз вақтида айтилсагина яроқли. Бироқ, бомдод намозининг азони тун яримдан бошлаб айтилса ҳам раводир.

Намознинг шартлари: **1.** Мусулмон бўлмоқ. **2.** Оқил (жинни эмас) бўлмоқ. **3.** Балоғатга етган бўлмоқ. **4.** Таҳоратли бўлмоқ. **5.** Вақтининг кириши. **6.** Аврат жойларнинг ёпиқ бўлиши¹. Бунда кийим баданга ёпишган бўлмаслиги лозим. Ўн ёшдан ўтган эркакларнинг аврати киндик билан тизза оралиғидир. Агар мусулмон аёл озод (чўри эмас) ёки болиға бўлса, намоз вақтида юзидан бошқа барча аъзолари аврат. **7.** Бадани, кийими ва намозгоҳи пок бўлмоқ. **8.** Қиблага юзланмоқ. **9.** Ният қилмоқ.

Намознинг арконлари ўн тўртдир: **1.** Қиём (тик турмоқ). **2.** Киришув такбири (Қулоқ қоққанда “Аллоҳу акбар” демоқ). **3.** Фотиҳани ўқимоқ. **4.** Ҳар бир ракъат учун руку қилмоқ. **5.** Рукудан яна қиёмга бормоқ. **6.** Қиёмда тик ҳолатда турмоқ. **7.** Етти аъзо билан сажда² қилмоқ. **8.** Икки сажда оралиғида ўтирмоқ. **9.** Охирги ташаҳхуд. **10.** Охирги ташаҳхуд учун ўтирмоқ. **11.** Охирги ташаҳхудда пайғамбаримизга салавот айтмоқ. **12.** Биринчи салом. **13.** Феълий рукнларни қаноат ҳосил қилар даражада бажармоқ. **14.** Рукнларни тартиби билан қилмоқ.

Намоз мана шу арконлар билангина саҳиҳ бўлади. Атайлаб ёки унутиб шулардан бирини қилмаса намоз бузилади.

Намознинг вожиблари: Улар саккиздур: **1.** Киришув такбиридан бошқа барча такбирлар. **2.** Имомга ҳам, ёлғиз ўқиганга ҳам “самийаллоҳу лиман ҳамидахни” айтмоқ. **3.** Рукудан қайтганда “Роббана лаку ҳамдни” айтмоқ. **4.** Рукуда “Субҳона роббиял Азийми” айтмоқ. **5.** Саждада “субҳона Роббиял аълони” айтмоқ. **6.** Икки сажда оралиғидаги лаҳзалик ўтиришда “Роббиғфирлий” дуосин айтмоқ. **7.** Аввалги ташаҳхуд. **8.** Аввалги ташаҳхуд учун ўтирмоқ. Бу вожибларни атайлаб қилмаса, намоз бузилади. Унутиб қолдирса, “саждайи саҳв” билан раво бўлаверади.

Намознинг суннатлари³ икки турлидир. **1.** Қавлий (оғзаки) ҳамда **2.** Феълий (ҳаракат билан ясалганлари). Қавлий суннатлар таркибига тубандагилар қиради: **1.** Истифтоҳ дуосини⁴ ўқимоқ, **2.** Аувзу ва бисмиллаҳни айтмоқ. **3.** Фотиҳадан сўнг Қуръон оятларидан билганини ўқимоқ. **4.** Муайян ракъатларда

¹ Аврат деб, одамнинг бошқаларга кўрсатишга уялган аъзоларига айтилади. Етти ёшга чиққан боланинг “олди” ва “оркасигина” аврат. Ўн ёшга чиққанда киндик ва тизза ораси ҳам авратга кўшилади. Озод ва балоғатга чиққан аёлнинг барча аъзолари авратдир. Аммо, намозда юзи, икки қўлининг қафти ва қафт устини ёпиш макруҳдир. Аммо, бегона эркак олдида ўқиганда ёпса бўлади. Аёллар аврати (масалан билагини) очик ҳолда намоз ўқиса ёки Каъбани таовф қилса ҳар икки ибодати ҳам қабул бўлмайди. **Қўпол аврат** – бу олд ва орка аъзолардир. Буларни ҳеч ким йўқ жойда ёки қоронғу ерда очиш ҳам макруҳдир. Аммо, эр-хотинлар бир-бирининг олдида ёки табиб олдида ёки “суннат” қилиш пайтида очиш мубоҳдир.

² Сажда аъзолари : юз, (манглай ва бурун) икки қафт, икки тизза ва икки оёқ бармоқлари

³ Намоз суннатларини хоҳ атаёлаб, хоҳ унутиб бажармасин намоз бузилмайди.

⁴ Истифтоҳ дуоси будир: Субҳаанака Аллоҳумма ва би ҳамдика ва таборок исмука, ва таъала жаддука ва ла илааха ғойрук»



имом овозини жаҳрий¹ қилиб ўқимок. **5.** “Роббана лакал ҳамд!” дегандан сўнг «ҳамдан касийрон, тоййибан, мубарокан фийх. Мильас-самааваати ва мильу ард» дуосини ўқимок. **6.** “Субҳана...” ва “Роббиғфир лий” дуоларини бирдан кўп тоқ сонларгача билан айтмоқ. **7.** Саломдан олдин дуо қилмоқ.

Аммо, феълий суннатлар тубандагилардир: Қиёмда қўлларни боғлаб турмоқ. Икки оёқни бир-бирига ёпиштирмасдан турмоқ. Сажда ўрнига қараб турмоқ. Саждага борганда жойнамозга аввал икки тиззани, кейин икки кафтни, кейин манглайни, кейин бурунни теккизмоқ ва қўлтиқни кенг очиб, қоринни икки сондан, икки сонни(нг орқасини) эса болдирдан олис тутмоқ. Икки тиззани ҳам бир биридан олисроқ қўймоқ. Икки товон эса, худди сайилгандек бироқ, бармоқларнинг “кафти” ерга тегиб турмоқ. Икки кафтни эса, очиқ аммо, бармоқлар ораси кўп очилмаган ҳолда ерга қўймоқ. Турганда товон пойига ва икки қўл билан икки тиззага таяниб турмоқ... Ўтирганда икки қўлни, кафтлари очиқ аммо, бармоқлар ораси кўп очилмаган ҳолда сон устига қўймоқ. Ташаххуд дуосида «ла илааҳа иллАллоҳ» калимасига келганда, кафтни юмарок, кўрсатгич бармоқни кўтариб “ишорайи саббоба” қилмоқ. Салом берганда аввал ўнг тарафга салом бермоқ. Буларни қасддан ёки унутиб бажармай қўйиш билан намоз бузилмайди.

Саҳв саждаси. Бу сажда шарт ва ҳолатга қараб гоҳо суннат, гоҳо мубоҳ, гоҳида эса, вожиб бўлади. **1. Қачон суннат² бўлади?** Агар намоз ўқувчи унутиш сабабли шариат сўзларини ўз ўрнидан бошқа ўринда ўқиб қўйса, масалан: саждада “субҳона Роббиял аъло” ўрнига Қуръон сураларини ўқиб қўйса, у ҳолда саҳв саждасини қилиш суннат бўлади. **2. Қачон мубоҳ³ бўлади?** Агар намоздаги суннатлардан бирини унутса, саждаи саҳв қилиш мубоҳ бўлади. **Қачон вожиб бўлади?** Агар намозда рукунни, саждани, қиёмни ёки қаъдани буюрилгандан ошиқча қилса ёки намозни тугатмай салом бериб юборса, ёки Қуръонни маъноси бузиладиган даражада ҳиргойи қилиб ўқиса ёки вожиблардан бирини тарк қилса ёки ошиқча амал қилдим деб шубҳаланиб қолса... бу ҳолатларда саҳв саждасини қилиш **вожиб бўлади**. Ким вожиб саҳв саждасини қасддан қилмаса **намози бузилади**. Бу сажда саломдан олдин ҳам, кейин ҳам қилинса раводир. Аслида бир сажда кифоя. Агар хоҳласа икки сажда қилса ҳам ихтиёри. Агар саҳв саждасини қилмоқчи бўлиб, аммо буни ҳам унутиб қолса, соқит бўлади.

Намоз қандай ўқилади? Намозга турган одам қиблага юзланиб, икки қўлини елкаси баробарида кўтариб “Аллоҳу Акбар” деб киришув такбирини айтади. Буни ҳамда бундан бошқа барча такбирларни имом, орқадагиларга эшиттириш учун жаҳрий айтади, аммо бошқалар оҳиста (махфий) айтадилар. Кейин қўл боғланади. Бунда ўнг қўл билан чап қўлни ушлаб, қўқрақдан пастроққа қўйилади. Кўзлар сажда ўрнида бўлади. Кейин **«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ»**

¹ Муқтадийлар овозларини чиқармайдилар, ёлғиз ўқиганлар ихтиёрийдир.

² Суннатнинг ҳукми: қилганга савоб, қилмаганга гуноҳ йўқ.

³ Мубоҳнинг ҳукми: қилганга ҳам, қилмаганга ҳам савоб йўқ.

«**وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ**» (*Субҳаанака Аллоҳумма ва би ҳамдика ва таборок исмука, ва таъуа жаддука ва ла илааҳа гоӣрук*) деб, истифтоҳ дуосини ўқиб, аувзу, кейин бисмиллаҳни оҳиста айтилади. Кейин Фотиҳа сурасини, унинг орқасидан ўзи билган оятлардан ўқийди. Бомдод намозига “Фотиҳадан” кейин 50-сура билан 78-сура оралиғидаги узун суралардан, Шом намозига 93-сурадан бошлаб, 114-сура оралиғидаги қисқа суралардан, бошқа намозларга эса, ўртача деб ҳисобланган суралардан зам сура қилув (қўшиб ўқув) – мустаҳабдир. Бомдод намозида ҳам, Шом ва Ҳуфтоннинг аввалги икки ракъатида ҳам имом овозини баланд қилиб (жаҳрий) қироат қилади. бошқаларида махфий (овоз чиқармай) қироат қилади. Кейин “*Аллоху Акбар*” деб, такбир айтиб, рукуга борилади. Руку – бу икки қўл билан тиззани чангаллаган ҳолда, боши билан орқа бел сатҳини баробар тутиб, эгилиб туришдир. Тиззани чангаллаганда бармоқлар ораси очиқ бўлиши лозим. Мана шу ҳолатида уч карра «*субҳаана Роббиял Азийм*» дейди. Кейин «*самияллоху лиман хамидаҳ*» деб, қиёмга қайтади. Қиёмда (тик) турган ҳолда «*Роббана ва лаку ҳамду ҳамдан касийрон тоййибан, мубооракан фийҳ, милъас –самааваати ва милъу арди ва милъа маа шеъта мин шайъин баъду*» деган зикрни айтади. Кейин такбир айтиб, саждага боради. Бунда қўлтиқ кенг очилиб, қорин икки сондан, икки сон эса болтирдан узоқроқ ҳолда, икки қўл икки елка рўбарўсида, қўл ҳамда оёқ бармоқлари қиблага йўналтирилган бўлиши лозим. Муна шу ҳолатини бузмай «*субҳаана Роббиял аълаа*» деб, уч карра зикр айтилади. Саждадаги ҳолатида хоҳлаган дуосини ўқиб, (эҳтиёжини сўраб) бир неча муддат қолса – ихтиёри. Кейин такбир билан бошини кўтариб, чап оёғини тўшаб, устига ўтиради. Ўнг оёғи худди сайилгандек тик ҳолатда бўлади. Ҳар икки оёқнинг бармоқлари ҳам қиблага йўналтирилади. Шу ҳолатда икки марта «*Робби изфир лий*» дуосини ўқиб, иккинчи саждага боради. Кейин товонининг ол тарафига таяниб, қиёмга туриб, иккинчи ракъатни бошлайди. иккинчи ракъат ҳам худди биринчиси каби адо этилади. Аввалги икки ракъат тамом бўлганда, биринчи ташаҳхуд учун ўтиради. бунда сўл оёқни тўшаб, устига ўтириб, сўл қўлни сўл соннинг устига, ўнг қўлни ўнг соннинг устига қўйилади. Кейин «*Аттаҳҳияту лиллаҳи вас солавату ват тоййибаат. Ассаламу алайка айюҳан набийю ва раҳматуллоҳи ва баракаатух. Ассаламу алайнаа ваълаа ибадиллааҳис солиҳийн. Ашҳаду ан-лаа илаҳа иллаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан рабдуҳу ва расулуҳ*» дуосини ўқийди. Дуо асносида “ан-лаа илаҳа иллаллоху” калимасига келганда, ўнг кафтни юмиб, аммо кўрсатгич (саббоба) бармоқни кўтариб саббоба ишорасини қилинади. (Бу ишора суннат бўлиб, шариат истилоҳида “ишорайи саббоба” дейилади). Кейин қиёмга туриб, учинчи ва тўртинчи ракъатларни ҳам аввалги иккисидек ўқийди. Бирок, кейингиларини жаҳрий қилмасдан, зам сура кўшмасдан, фақат “фотиҳанинг” ўзи ўқилади. Кейин охирги ташаҳхуд учун ўтиради ва “Аттаҳҳияту...”, “Аллоҳумма соллиъало...”, “Аллоҳумма борикъало...” дуоларини ўқилади. Булардан кейин “Аувзу биллаҳи мин азобин нори, ва



азобил қобри ва фитнатил маҳйо ву мамот, ва фитнатил Масийҳид Дажжол!” дуосини ва бундан бошқа пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган дуолардан ҳоҳлаган дуосини ўқиш суннатдир. Кейин ўнг ва сўл тарафига салом бериш билан намозни ниҳоясига етказилади.¹

Беморнинг намози. Агар беморга туриб намоз ўқиш зиён еткизса ёки туришга қодир бўлмаса, ўтирган ҳолда намоз ўқийди. Агар бунга қудрати етмаса, ёнбошлаб ўқийди. Агар бунга қодир бўлмаса, чалқанчасига ётиб ўқийди. Агар руку ва саждаларга ҳоли келмаса, имо ишоралар билан ўқийди. Агар имкон йўқлигидан намозларини қазо қилган бўлса, тузуганидан кейин ўқийди. Қазо намозларни ўз-ўз вақтида ўқишга имкон топмаса, Пешин билан Асрнинг қазоси билан Шом ва Ҳуфтоннинг қазосини кўшиб ўқийди. Кўшиб ўқиганда аввалги намознинг вақтига жамласа ҳам, кейинги намознинг вақтига жамласа ҳам –ихтиёри.

Мусофирнинг намози. Агар бир мусулмон 85 км.дан олис масофага сафар қилса ва сафари мубоҳ (гуноҳ туфайли бўлмаса), у одам 4 рақъатлик намозларини 2 рақъат қилиб, қисқартиб (қаср қилиб) ўқийди. Агар борган жойида 15 кундан кўп туришни ният қилса, йўлда қаср қилади аммо, манзилга етиб бориши билан тўлиқ ўқийди. Агар мусофир муқимга (мусофир эмасга) иқтидо қилиб ўқиса ёки уйда ўқиши лозим бўлган намозни унутиб сафарда ўқиса ёки бунинг акси бўлса намозни тўлиқ ўқийди.

Эслатма: Мусофир агар ҳоҳласа намозни тўлиқ ўқиши мумкин. Бироқ, қаср қилгани афзал.

Жума намози. Жума ўқиш ўша куннинг пешинидан афзал. Жума пешиннинг қисқартирилгани эмас, балки, пешиннинг ўрнига ўтувчи, икки рақъатдан иборат, алоҳида намоз. Бу намозга “Жума” деб ният қилинади. Ўша куннинг пешинига ният қилиб жума ўқилмайди ва жума ҳеч қачон аср намози билан кўшиб ўқилмайди.

Витр² намози. Бу намоз суннатдир. Бу намоз ҳуфтондан бошлаб то бомдод намозининг вақти киргунча ўқилаверади. Энг оз ўқилгани уч рақъат, энг кўпи

¹ Пайғамбаримиздан (с.а.в.) ворид бўлган дуолардан баъзилари мана булардир: *«Астағируллоҳ»* 3 карра, кейин *«Аллоҳумма, Антас-Салааму ва минкас-салаам. Табаарокта йа зал жалаали ву икроом. Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, ва ҳува алаа кулли шайъин Қодийр. Лаа ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу ва ла наббуду илла иййааҳу, лаҳун-неъмату ва лаҳул фадлу ва лаҳус-санаа ул ҳасан. Лаа илааҳа иллаллоҳу муҳлисийна лаҳуд дийн, ва лав қариху қаафируун. Аллоҳумма, ла мааниъа лима аътойта, ва ла муътийа лимаа манаъта. Ва янфаъу зал жадди минкал жадд»*. Бомдод ҳамда Шом намозларидан кейин юкоридаги дуоларга кўшиб мана буларни ўқиш суннатдир: *«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, юҳийй ва юмийту, ва ҳува алаа кулли шайъин Қодийр»* (10 карра). Кейин *«Субҳаналлоҳ»* (33 марта), кейин *«ал-ҳамду лиллаҳ»* (33 марта) кейин *«Аллоҳу Акбар»* (33 марта). Ундан кейин юзинчисига *«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, ва ҳува алаа кулли шайъин Қодийр»* дуосини ўқиб, кейин «Оят-у-Курсий» билан «Кул ҳувАллоҳу Аҳад» ва «Кул аъувзу би Роббил фалак» ҳамда «Кул аъувзу би Роббин наас» сураларини ўқилади. Шом ва Бомдод намозларидан кейин бу уч сурани уч каррадан ўқилади.

² Витр «тоқ» деган маънода

ўн бир рақъатдир. Ҳар икки рақъатдан кейин салом бериш афзал. Витрининг аввалги рақъатига “Аъло” сурасини, иккинчисига “Кафирунни”, учинчисига “Ихлосни” зам сура қилиш суннат. Шунингдек, “Қунут” дуосини рукуъдан кейин, қўлларини (дуога) кўтарган ҳолда, агар ёлғиз бўлса, жаҳрий ўқиш мустаҳабдир.

Жаноза намози. Мусулмон киши вафот қилганда уни ювмоқ, қафанламоқ, жаноза ўқимоқ ва қабрга олиб бормоқ фарзу кифоядир. Аммо, жиҳодларда ўлган шахидлар ювилмас, қафанланмас (ўз кийими қафан бўлар) ва жаноза ҳам ўқилмас. Қандай ҳолатда ўлса, ўша ҳолда дафн қилинар. Эркак кишини уч бўлак оқ мато билан, аёлларни эса беш бўлак билан қафанланади. Жаноза намозида имом маййитнинг кўкраги тўғрисида, агар маййит аёл бўлса, мурданинг бел тўғрисида туради. Жаноза намози тўрт такбирдан иборат. Биринчи такбир билан намозга киришиб, аувзу ва бисмиллаҳни айтиб, ичида фотиҳа сурасини ўқийди. Кейин иккинчи такбирни айтиб, пайғамбаримизга салаотлар айтади. Кейин учинчи такбирни айтиб, маййитнинг ҳақиға дуо қилади. Ундан сўнг тўртинчи такбирни айтиб, бир оз дам ростлагандан сўнг, ўнг тарафига салом бериш билан намозни тугатади.

Масалалар. Қабрни бир қаричдан баланд кўтариш, оҳаклаб, устини бетонлаш, гумбазлар қуриш, тавоф қилиш, устига масжид қуриш, ўпиш, устида бир нарсаларни тутатиш, ёзиш, устига ўтириш, босиш ва мурдани масжид ичига дафн қилиш ҳаромдир. Шунингдек қабрларнинг устига қурилган куббаларни бузиш вожибдир.

✿ Маййитнинг яқинларига ҳар хил кўнғил кўтарган сўзлар билан таъзия изҳор қилинади. Таъзия билдиришнинг пайғамбаримиз ўргатган сўзлари мана бундир: *“Аллоҳ (бу мусибатга сабр қилганингиз учун) савобингизни кўпайтсин! Қайғунгизни енгил қилсин ва маййитингизнинг гуноҳларини кечирсин!”*

Агар бир мусулмон кишининг кофир қариндоши ўлган бўлса, у мусулмонга айтиладиган таъзия: *“Аллоҳ (бу мусибатга сабр қилганингиз учун) савобингизни кўпайтсин! Қайғунгизни енгил қилсин!”* деган сўзлар билан чекланади. *“Маййитингизнинг гуноҳларини кечирсин!”* деган давоми айтилмайди. Кофирларга эса таъзия билдирилмайди, агар унинг ўлган қариндоши мусулмон бўлса ҳам.

✿ Агар бир мусулмон одам, ўзи ўлганида қариндошларининг ўқириб йиғлашидан шубҳаланса, *“Мен ўлганда ўқириб йиғламанглар”* деб васият қилиши вожибдир. Чунки, маййит орқасидагиларнинг ўқириб йиғлаши туфайли азобга солинади.

✿ Имом Шофеий айтганлар: *“Мархумнинг қариндошлари келганларнинг таъзияларини қабул қилиш учун бир уйга тўпланиб ўтиришлари макруҳдир”*. Чунки, маййит кўйилгандан кейин барча тириклар, ҳоҳ эр, ҳоҳ аёл бўлсин, юмушларига тарқаб, тирикчиликларини давом эттиришлари лозим.

✿ Маййитнинг қариндошлари учун овқат ҳозирлаб бориш суннатдир. Аммо, уларнинг таомидан емоқ ва таъзияга келганлар учун таом ҳозирламоқ макруҳдир.



✿ Мусулмонларнинг қабрларини зиёрат қилиш суннатдир. Аммо, олисдаги қабрни зиёрат қилиш учун сафарга чиқмоқ исломдан эмас. Кофирнинг қабрини зиёрат қилиш мумкин. Агар бир кофир мусулмоннинг қабрини зиёрат қилишни хоҳласа, унга монъелик қилинмайди.

✿ Қабристонга кирган одам: *“Ассалому алайкум, эй мўминлар диёри! Аллоҳ хоҳласа мен ҳам сизларга эргашурман! Аллоҳ барча аввалу охир ўтганларимизни раҳмат қилсин! Барчамизга Аллоҳдан офият тилаймиз! Эй, Аллоҳим, уларнинг ажридан бизни маҳрум қилмагайсан! Улардан кейин бизни фитнуларга гирифтор қилмагайсан! Бизни ва уларни Ўз раҳматингга олгайсан!”* деб дуо қилиши суннатдир.

✿ **Икки ҳайит намози.** Булар фарзу кифоядир. Ўқилиш вақти кун найза баробар кўтарилгандан бошлаб, то туш вақтига қадар. Агар ўша кун ҳайит эканлиги тушдан кейин билинса, эртаси куни қазо қилиб ўқилади. **Ўқилиш тартиби:** “Мана шу Рамазон (ёки Қурбон) ҳайити намозини, қўшимча такбирлари билан ўқишни ният қилдим ва шу имомга иқтидо қилдим” деб ният қилгач, “Аллоҳу акбар” деб, намозга киришилади. Кейин “Субҳанака” дуосини ўқилгач, яна “Аллоҳу Акбар” деб, уч бора кўллар кўтарилиб, кейин кўл боғланади. Кейин имом “Фотиҳа” билан “Сабихисма...”¹ сураларини ўқиб, руку ва сажда қилади. Иккинчи ракъатга эса, “Фотиҳа” билан “Ғошияни” ўқиб, яна уч бора такбир айтиб, кўллар кўтарилади. Тўртинчи такбирдан кейин рукуга ва саждага борилади. Қаъдада ўтирганда бошқа намозлардагидек дурудлару салаватларни ўқиб, салом билан намоздан чиқилади. Саломдан кейин икки хутба (масала) ўқилади. Бу хутбуар асносида кўп такбир айтмоқ суннатдир.

Эслатма. Ҳайит намозиди зам сурага бу ерда аталганлардан бошқа сураларни ўқиса ҳам бўлади.

Кусуф² намози. Бу намозни ўқиш суннатдир. Ўқилиш вақти кун ёки ой тутила бошлагандан бошлаб, тутилиш тўхтагунга қадар. Агар ўқилмай қолса, қазоси бўлмас. Бу намоз икки ракъатдан иборат. Биринчи ракъатида “Фотиҳага” зам қилиб узун суралардан бирини ўқилади. Кейин узоқ руку қилинади. Кейин “самийАллоҳу лиман ҳамидахни” айтиб... саждага бормасдан, яна фотиҳа билан бир узун сура ўқийди. Кейин яна узоқ руку қилиб, яна “самийАллоҳу лиман ҳамидахни” айтиб қиёмга туриб, шундан кейингина саждага боради ва икки карра узун сажда қилади. Кейин иккинчи ракъатга туриб, уни хадди аввалгисидек ўқиб, кейин икки тарафига салом бериш билан тугатилади. Бу намозга етишмаган одам агар биринчи ракъатнинг рукусига етмай қолса, баранчи ракъатни топмаган бўлади.

Истисқо намози. Бу – ёмғир тилаб ўқиладиган намоздир. Қурғоқчиликда ва ёғин кескин озайиб кетганда ўқилиши суннат. Ўқилиш вақти ва ҳукмлари худди ҳайит гамози каби. Фарқи, бунда намоздан сўнг биргина хутба

¹ Буни билмаса билган сураларини ўқийди.

² Кун ёки ой тутилганда ўқиладиган намоз

ўкилади. Ҳолат яхши тарафига ағдарилишини умид қилиб, кийимни ағдариб кийиб олиш суннатдир.

✿ **Нафл (суннат) намозлар.** Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ таоло фарз қилган намозлардан ташқари ҳар кун сайин ўн икки рақъат намозни ўзларидан нафл тариқасида ўқиб юрганларки, у намозлар бизларга суннат бўлиб қолган. Улар тубандагилардир: **1.** Бомдоддан олдин икки рақъат. **2.** Пешиннинг фарзи олдидан тўрт, кейинидан икки рақъат. **3.** Шомнинг фарзидан кейин икки рақъат. **4.** Ҳуфтондан кейин икки рақъат. Булардан ташқари яна қуйидаги нафлларни ўқиганлар: **5.** Пешиннинг олдидан тўрт рақъат. **6.** Асрнинг олдидан тўрт рақъат. **7.** Жуманинг олдидан тўрт рақъат. **8.** Пешиндан кейин тўрт рақъат. **9.** Шомдан кейин тўрт рақъат. **10.** Шом азонидан кейин икки рақъат. **11.** Витрдан кейин икки рақъат.

✿ **Қуръон тиловати.** Агар ўқувчи Қуръонга қараб ўқигандан кўра ёд ўқиганда маъноларига яхшироқ тушунса, ёд ўқигани яхши. Агар бунинг акси бўлса, қараб ўқигани афзал.

✿ **Қайси вақтларда нафл намозини ўқиш мумкин эмас?** **1.** Бомдоддан кейин кун найза бўйи кўтарилгунга қадар. **2.** Кун тиккага келган маҳалда. **3.** Асрдан Шомга қадар. **Эслатма:** Бирок, баъзи бир истисноли ҳолатларда баъзи намозларни мазкур вақтларда ҳам ўқиса бўлади. Улар: **1.** Таҳийяту масжид намози. **2.** Тавофнинг икки рақъатли намози. **3.** Бомдоднинг суннати. **4.** Жаноза намози. **5.** Икки рақъатли таҳорат намози. **6.** Шукр саждаси. **7.** Тиловат саждаси.

Закот

Закотнинг турлари. Закот тўрт турли нарсадан берилади: **1.** Яйловда ўтлаган жониворлардан. **2.** Ер ундирган мевалардан. **3.** Қимматбаҳо буюмлардан **4.** Савдо буюмларидан.

Закотнинг шартлари.: **1.** Мусулмон бўлмоқ. **2.** Болиғ бўлмоқ. **3.** Эркин бўлмоқ. **4.** Мулки нисобга етмоқ. **5.** Мулкнинг тўлиқ эгаси бўлмоқ. **6.** Нисобга етган моли қўлида бир йил айланмоғи.

Чорва молларининг закоти. Чорва моллари уч хил бўлади: **1.** Туялар. **2.** Моллар. **3.** Майда туёкли жониворлар. Булардан закот берилиши учун икки шарт бор: **биринчиси,** бир йил ёки кўпроқ яйловда ўтлаган бўлиши. **Иккинчиси,** сути учун ёки кўпайтириш учун боқилган бўлиши. (ишлатиш учун асралган хайвонлардан закот берилмайди). Қандай хайвон бўлса ҳам,, агар у савдо мақсадида боқилган бўлса, у савдо матоларидан ҳисобланади ва ундан товарлар ҳисобида закот берилади.

Туянинг закоти:

Сони:	1 - 4	5 - 9	10 - 14	15 - 19	20 - 24	25 - 35	36 - 45	46 - 60	61 - 75	76 - 90	91-120
Закоти:	Берилмайди	1 қўй	2 қўй	3 қўй	4 қўй	Бир яшар бўғалоқ	2 яшар бир туя	3 яшар бир туя	4 ё яшар бир туя	2 яшар икки туя	3 яшар икки туя
120дан ошганига ҳар эллик бош туя учун 3 яшар бир туя ёки ҳар қирқ бош туя учун икки яшар туя закотга берилади.											

Молнинг закоти :

Сони:	1-29	30 - 39	40 – 59
Закоти:	Берилмайди	Бир яшар бир бузоқ	Икки яшар бир бузоқ
Олтмишдан ошганига ҳар ўттиз бош учун бир яшар бир бузоқ, ҳар қирқ бош учун икки яшар бир бузоқ закотга чиқарилади.			

Майда туёқлиларнинг закоти:

Сони:	1 - 39	40 - 120	121 - 200	201 - 399
Закоти:	Берилмайди	1 қўй	2 қўй	3 қўй
400дан ошиғига ҳар юз бошдан бирдан қўй берилади. Ҳечки билан қўйнинг қариси, кўри, бола эмизгани, бўғози ёки (пулга ё бошқа нарсага чақилган) баҳоси берилмайди.. Эслатма: ҳечкилар қўй ҳисобида.				

Ер меваларининг закоти. Ердан униб чиққан ҳар бир экиндан ва мевали дарахтдан тубандаги ҳолатлардагина закот берилади: **1.** Арпа, буғдой каби идиш билан ўлчанадиган ёки узум, хурмо каби сақлаб қўйишга ярайдиган бўлса. Аммо, идиш билан ўлчанмайдиган ва сақланмайдиган сабзавотлардан закот йўқ. **2.** Нисобга етган бўлиши. Ер ундирган нарсаларнинг нисоби 653 кг.ёки ундан ошиғи. **3.** Ҳосилнинг закоти қачон закот маҳали эгасининг қўлида (эгадорлигида) бўлсагина берилади.

Машаққатсиз ва овворагарчиликсиз суғориладиган экинлардан “ушр” (ўндан бир) закоти чиқарилади. Аммо, меҳнат қилиб суғориладиган ҳосилдан ўндан бирнинг ярми (йигирмадан бири) берилади. Энди гоҳ меҳнат қилиниб, гоҳ

меҳнат талаб қилинмаган ҳосилга қаралади: агар меҳнат қилган муддати кўп бўлса йигирмадан бири, меҳнатсиз муддати кўп бўлса, ўндан бири берилади.

Қимматбаҳо буюмлар закоти. Бундай буюмлар икки турлидир: **1)** Олтин. Бундан 85 граммга етмаганидан закот йўқ. **2)** Кумуш. Бунинг нисоби 595 граммдир. **3)** Қоғоз ёки тангалар. Булар олтин ёки кумушга чақилади. Агар пулнинг ҳажми 85 гр. Олтинга ёки 595 гр кумушга баробар бўлса, ялпи қийматнинг икки ярим фоизи закотга чиқарилади.

Мубоҳ (шариатда рухсат) бўлган тақинчоқлардан, агар фойдаланиб юрган бўлса закот йўқ. Сақлаб ёки ижарага берган бўлса, закот берилади. Аёллар учун барча турдаги тақинчоқлар мубоҳдир. Кумушдан оз миқдорда идишлар учун қўлланилса, эркаклар узук ва шу қабилаарга ишлатса зарари йўқ. Олтинни идиш ва зийнат ҳисобида фойдаланиш эркаклар учун ҳаромдир. Аммо, бадандан бошқа махсус нарсалар учун (масалан қилич сопини зийнатлаш, кийимга тугма сифатида фойдаланиш, тишга фойдаланиш каби) истеъмол қилишга рухсат. Биргина шарти: аёлларникига ўхшамасин!

Бир одамнинг озайиб-кўпайиб турадиган ҳар хил мулки бўлса ва улардан йилнинг муайян вақтида закот чиқариш имкони бўлмаса, йилнинг маълум бир вақтини белгилайди. Агар ўша пайтда нисобга етган бўлса, икки ярим фоизини закотга чиқаради, агар мулкининг баъзи турига йил айланмаган бўлса ҳам.

Агар бир одам кўп мояна олса ёки ижарага берган уйи ё ери бўлса, агар уларни сақламаса, қанча кўп бўлса ҳам закот бермайди. Аммо сақласа, йиғилган мулкга йил айланганда закот беради.

Қарзнинг закоти. Бир одам бой кишига ёки қайтаришга етарли мулки бор одамга қарз берса, улардаги оласаси учун закот ёзила беради ва қачон оласасини қайтариб олгандан кейин, ўтган йилларни ҳисоблаб, қанча кўп бўлса ҳамлойиқ закотини чиқарилади. Агар камбағалга берган бўлса ёки қарз берган бой одам синиши натижасида камбағалга айланиб қолса, улардаги қарзга закот йўқ. Сабаби у ўз бойлигига эга эмас.

Савдо буюмларининг закоти. Мусулмон банд савдо буюмларидан закот бериши учун тубандаги шартлар бўлиши зарур: **1)** Ўз бошқаруви (тасарруфи) остида бўлиши. **2)** У билан савдо қилишни ният қилган бўлиши. **3)** Буюмнинг нархи нисобга (85 гр олтин ёки 595 гр кумуш баҳосига) етган бўлиши. **4)** Бир йил айланган бўлиши. Мана шу шартлар топилганда, савдо буюмларининг нархидан (ўзидан эмас) закот берилади. Агар савдогарда олтин, кумуш ва пуллар бўлса, нисобни тўлиқлаш учун уларни умумий баюмларнинг баҳосига қўшиб юборилади. Агар қўлидаги машина, кийим-кечак, уй-жой ва ҳоказо савдо буюмларидан ўзи фойдаланишни ният қилган бўлса, улардан закот берилмайди. Бироқ, кейин фикри ўзгариб, сотишни хоҳласа, уларнинг йил ҳисобини қайтадан ҳисоблаб чиқиб закот беради.

Рўза фитр закоти. Бу – бир кунлик озиқ-овқатдан ошиқча озиққа қодир бўлган ҳар бир мусулмон ўзидан ва оила аъзоларидан, ҳайит куни тонгида то ҳайит намозига қадар бериши вожиб бўлган закотдир. Рўза фитрнинг мақдори ҳар қайси ўлканинг (буғдой, хурмо каби) асосий озиғи ҳисобидан жон бошига 2, 25 кг. (икки килою, 25 гр.)дир. Рўза фитрга қодир бўлган ҳар

бир одам, агар мулки ўз қўлида бўлса, хайит куни намозгача бериши мустаҳаб. Намоздан кейинга қолса фитр эмас, оддий садақага ўтади. Фитрни хайитдан олдинроқ берса ҳам раводир. Бу закотни бир одам кўпчиликдан вакил бўлиб берса ҳам, кўпчилик бир одамдан вакил бўлиб берса ҳам бўлади.

Закотни қачон берилади? Йил айланиши заҳоти берилади. Ёш болалар ва мажнунлар ҳисобидан уларнинг оталиқлари (кафиллари) беради. Бу ҳолда закотни ёш ёки мажнун бўлса ҳам, эгалари ажратиб бериши ва оталиқ уларнинг гувоҳлигида бериши суннатдир. Бу ҳолда закот ниятини оталиқ қилади. Закотни одатдаги садақа деб ният қилса закотдан ҳисобланмай қолади, агар молининг барчасини садақа қилса ҳам. Яхшиси, ҳар бир мулкнинг закотини ўз айланасидаги камбағалларга берсин. Агар бошқа шахар ё кишлокқа беришни ижтимоий фойдаси кўп, зарур деб ҳисобласа ўз ихтиёри. Агар закоти икки йиллик нисобга баробар бўлса, биратўла икки йилликни бир бериб қутулса ҳам бўлади.

Закотни кимларга бериш керак? Закотларни Қуръонда белгиланган тубандаги саккиз ўриндан бирига берсагина қабул бўлади: **1.** Камбағалларга. **2.** Мискинларга. **3.** Закот йиғувчи масъулларга¹. **4.** Исломга кириши умид қилинган кофирларга. **5.** Қулларни озод қилиш учун. **6.** Қарздорларга. **7.** Аллоҳ йўлида хизмат қилаётганларга. **8.** Мусофирларга². Бу саналганлар учун закот эҳтиёжига яраша берилади. Закот йиғувчиларга эса, қанчага ёлланган бўлса, ўшанга қараб берилади, агар улар бой бўлсалар ҳам. Агар ислом мамлақати бошида хаворижлар ёки золим подшоҳ турса ҳам уларга берилган закот раводир. Агар мусулмон ҳукмдор закотни мажбуран олса ҳам раводир.

Закотлар тубандагиларга берилмайди: **1.** Кофирга³. **2.** Қулга⁴. **3.** Ўз қарамоғидаги одамга. **4.** Пайғамбаримиз мансуб бўлган Ҳошимийлар хонадонидан бўлганларга. Закотни агар адашиб бўлса ҳам ўз ўрнидан бошқа ўринга берса қабул эмас. Аммо, бировни камбағал деб ўйлаб, закот берганидан кейин унинг бой экани маълум бўлса, бу закот раводир.

Ихтиёрли садақалар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабул бўлиб, ўлганда ҳам орқасидан савоби етиб турадиган садақаларни баён қилиб мана бундай дедилар: **“Ўлганидан кейин мўминнинг орқасидан етиб турадиган садақалар мана булардир: ўргатган илми, қолдирган солиҳ фарзанди(нинг амаллари ва дуолари), мерос қолдирган Қуръони, қурган масжиди ва мусофирхонлари, оқизган ариғи (ёки чиқарган суви) ё бўлмаса, соғ-саломат пайтида қилган эҳсонлари. Мана шулар ўлгандан сўнг орқасидан етиб турадир”.** (Ибн Можжа).

¹ Ислом мамлакатларида махсус закот йиғувчи маҳкамалар бўлади. Уларнинг мойналари закот ҳисобидан берилади.

² Мусофир агар бой бўлса ҳам закот олишга ҳақлидир. Чунки гоҳида бойлигидан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

³ Агар унинг исломга кириши умид қилинса бундан мустаснодир.

⁴ Агар у қул мукотиб (хўжайини билан ўз бошини озод қилишга битим тузган қул) бўлса бундан мустаснодир.

Рўза

Рамазон рўзаси. Рамазон рўзасини тутиш ҳар бир балоғатга етган, тутишга қодир, ҳайз ва нифосда бўлмаган мусулмонга фарздор. Агар чидаса, ёш болаларни ҳам кўниктириш учун рўза тутишга буюрилади. Рамазоннинг кириб келгани икки нарса билан маълум бўлади:

1) Ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл бўлсин, балоғатга етган бир мусулмоннинг янги ойни кўриши билан.

2) Шабон ойини тўлиқ ўттиз кун ҳисоблаш билан. Рўза тонг отгандан бошлаб, кеч киргунга қадар тутилади. Ниятни сахарликга турганда қилинади.

Рўзани нималар бузади? 1. Жинсий алоқа. Бу ҳолда қазосини тутиб бериш билан бир қаторда каффорат ҳам тўлайди. Каффорати: бир кул озод қилиш. Ким бунга қодир бўлмаса, икки ой узлуксиз рўза тутиб беради. Бунга ҳам қудрати етмаганлар олтмиш мискинни тўйдиради. **2. Ўпишмоқ, силаб-сийпаламоқ каби интим муомалалар туфайли жунуб бўлиб қолиш.** Бу гуноҳга каффорат йўқ. **3. Қасддан бир нарса еб-ичмоқ.** Агар унутиш туфайли бўлса, рўзаси бузилмас. **4. Ҳижамга ёки донор бўлиб қон олдириш.** Бироқ, тиббий кўрик учун бармоқ учидан бир оз қон олдириш ёки жароҳатидан қон оқиши билан рўза бузилмайди. **5. Қасддан қусмоқ. Эслатма:** Агар томоғига чанг кириб кетса ёки оғиз ва бурунни чайқаганда тасодифан халқумга сув ўтиб кетса ёки ўйланганда ва ухлаганда бел суви бўшаб кетса рўзаси бузилмайди.

Ким тонг отганини билмаган ҳолда еса ёки тунда турибман деган ҳаёл билан кундузи таом еб олса – бузилади ва бир куни учун бир кун қазосини тутиб беради. Агар тонг маҳали кун ботди деб ўйлаб еб-ичиб олса ҳам бузилиб, қазосини тутади.

Кимларга рўза тутмаслик мумкин? Мусулмонга узрсиз оғиз очик юриш ҳаромдир. Ҳайз ёки нифосдаги аёлларга ва жонни ўлимдан қутқариш учун эса тутмаслик вожибдир. Сафардаги одамларга рўзасини очиш суннатдир. Шу жумладан рўзадан озод бўла оладилар: **1.** Рўза зиён қилган беморлар. **2.** Кундузида сафар қиладиган одам, уйдан чиқаётиб рўзасини очиши мумкин. **3.** Ҳомиладор аёллар. **4.** Бола эмизадиган аёллар. Буларнинг барчаси бир кунига бир кун қазосини тутиб берадилар. Ўзининг соғлиғи яхши бўлиб, фақат боласининг соғлиғидан қўрққани туфайли рўза тутмаган аёл, қазоси билан бирга ҳар бир кун учун бирдан мискинни тўйдиради. Тузалмайдиган беморлар ва қарилар агар рўза тута олмасалар қазосини тутмайдилар. Унинг ўрнига ҳар кун учун бирдан мискинни тўйдирадилар. Ким бир сабаб туфайли қазосини тутишга имкон топмай юриб, кейинги рўза ойи келиб қолса, барча қазоларни кейин тутиб беради. Агар беузр тутмаган бўлса, қазо билан бирга ҳар бир кун учун бирдан мискинни тўйдиради. Агар узрли сабаб билан рўза тутмай юриб ўлиб қолса ҳеч гуноҳ йўқ¹. Агар беузр тутмай юриб ўлса, унинг номидан каффорат ҳисобида яқинлари бир кун учун бирдан мискинни тўйдирадилар. Шу билан бирга яқинларидан бири унинг номидан қазосини тутиб беришлиги суннат. Шунгдек, агар бир одам рўза

¹ Яъни марҳум номидан яқинлар каффорат тўламайдилар.



тутаман деб назр қилиб, бироқ назрига вафо қилолмай ўлиб кетса, яқинларидан бири унинг учун назр рўзасини тутиб беради. Ким бир зарур сабаб туфайли рўзасини очишга мажбур бўлиб қолсаю, кечга яқин у зарурат кўтарилса, ўша заҳоти “оғзини беркитиб” рўзасини давом эттиради. Агар бир кофир рўза ойида мусулмон бўлса, ўша заҳоти унга рўза фарз бўлади ва агар тутмаса кейин қазосини тутиб беради. Шунингдек, агар рўза кунлари ҳайз кўрган аёл тозаланса, бемор шифо топса, масофир сафардан келса, бола балоғатга етса, мажнун ҳушини топса, рўзани бошлайдилар ва қазосини тутиб берадилар. Рўза тутмасликга рухсат берилган одамлар учун бошқа биров рўза тутиб бермайди.

Нафл рўза. Бунинг энг афзали кун ора тутилганидир. Ундан кейинги ўриндагиси Сешанба ва Пайшанба кени тутилгани, ундан кейин ҳар бир камарий ойдан уч кун тутмоқ. Бу уч кун ичидаги афзал кунлар “Аййомул бийд” яъни, оқ кунлар деб аталган 13-14-15-кунлардир. Бундан ташқари Мухаррам билан Шаъбон ойининг аввалги олти кунидаги рўза ҳам суннатдир. Аммо, Ражаб ойини рўза учун таъйин қилиш, Жума, Шанба кунлари ва Шаъбоннинг ўттизинчи (шак) куни кун очик бўлганда рўза тутмоқ макруҳдир. Икки ҳайит кунлари ва ташриқ (Зул ҳижжанинг 11-12-13-) кунлари рўзадор бўлмоқ ҳаромдир. Бироқ, таматгуъ ёки қирон ҳажларида зиммасига қурбонлик сўйиш юкланган одамлар ташриқ кунлари ҳам рўза тутаверадилар.

Эслатмалар:

- ✿ Жунуб, ҳайз ва нифос бўлиб қолган одамлар тонгга яқин аввало саҳарлик қилиб, ундан кейин ювинса ҳам бўлади. Рўзаси раводир.
- ✿ Аёллар Рамазон рўзасини эл қатори тутиши учун – агар зиёни тегмаса – ҳайзни тўхтатадиган дориларни истеъмол қилса бўлади.
- ✿ Рўзадор оғзидаги сўлагини ёки балғамини ютса рўзаси бузилмас.
- ✿ Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: *“Менинг умматим ҳар қачон ифторни тезлатиб, саҳарликни кечиктирган ҳолда рўза тутар эканлар, албатта яхшилик узра бўлурлар!”* (Аҳмад). Яна бундай деганлар: *«Модомики, одамлар ифторга шошилиб турар эканлар, дин зоҳир ҳолда давом этадир. Чунки, яҳудийлар ва насоролар (ифторни) кечиктирар эдилар»* (Абу Довуд)
- ✿ Ифтордан олдин дуо қилиш мустаҳабдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Рўзадор одамнинг ифторда қилган дуоси қайтарилмас”* (Ибн Можжа). Пайғамбаримизнинг ифторда қилган дуоларидан бири мана будир: *“Заҳабаз замаъу, вабтулатил ғурууку, ва сабатал ажру ин ша Аллоҳ!”*¹ (Абу Довуд)
- ✿ Оғзини янги узилган хурмо билан, агар у бўмаса қуритилгани билан, агар у ҳам бўлмаса сув билан очув суннатдир.

¹ Дуонинг маъноси: «Чанқов қониб, томирларга сув етди ва Аллоҳ хоҳласа савоб ҳам собит бўлди!»

- ✿ Рўзадор одам сурма тортмайди, кўз ва қулоқ ичига бир нарса томизмайди. Агар томизғи тиббий мақсадда бўлса ҳечқиси йўқ. Унда доринин таъми халқумга кетиб қолса ҳам рўза бузилмайди.
- ✿ Рўзада доим мисвок истеъмол қилиш суннатдир, агар қандайдир монельлик бўлмаса.
- ✿ Рўзадор одам, ғийбат, ёлғон, жанжал каби нарсалардан олис бўлиши, агар уни биров сўкса ҳам “мен рўзадорман” деб кўйиши лозим. Мана шу кўрсатмуарни бажармаса рўзасинин савобидан маҳрум бўлиш хавфи бор. Чунки, пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: **“Ким (рўзада) ёлғон сўзлардан ва унга таулукли нарсалардан тўхтамаса, Аллоҳ унинг еб-ичишини тўхтатганига муҳтож эмасдир!”** (Аҳмад)
- ✿ Агар рўзада бир одам меҳмонга чақирса, унга хайр дуо қилиб “мен рўзаман” десин. Агар рўза бўлмаса борсин¹.
- ✿ Лайлатул қадр энг афзал тундир. У рамазон ойининг охирги ўн куни ичида деб белгиланган. Кўпчилик мужтаҳидлар бўйича йигирма еттинчи тун деб айтилади. Бу туннинг амал ибодатлари минг ойининг ибодатидан ҳам афзалдир. Лайлатул қадр кечасининг баъзи аломатлари: эрталаб кун одатдагидан озроқ нур сочиб, оқаришиб чиқади. Об-ҳаво тинч, сукунатли бўлади. Кўпинча мусулмонлар буни пайқамай қоладилар. Шунинг учун улар Рамазонда, айниқса лайлатул қадр тунларида кўп ибодат қилиб қолишлари лозим.
- ✿ Агар жамоат билан таровиҳ намозини ўқиса, қиёмул лайлнинг савоби ёзилиши учун имомдан ўзиб кетмаслик керак.
- ✿ Нафл рўза тутган одам охирига қадар тутиши суннат, вожиб эмас. Агар уни очса зиёни йўқ, қазосини ушламайди.
- ✿ Эътикоф. Бу – ақли жойида бўлган мусулмонларнинг масжиддан чикмай ибодат қилишлигидир. Эътикофнинг шартлари: **1.** Жунуб ҳолда бўлмаслик. **2.** Ўта зарур иш бўлмагунча масжиддан чикмаслик. (Зарур ишларга овқатланиш, хожатга бориш, вожиб бўлиб қолганда ғусл қилиш каби нарсалар киради) Эътикоф ибодати заруратсиз масжиддан чиқиш ва жинсий алоқа сабабли бузилади.
- ✿ **Эътикофнинг суннатлари:** **1.** Фақат ибодат билан машғул бўлиш. **2.** Талашиб тортишмаслик. **3.** Фойдасиз сўзлардан тийилмоқ. Эътикоф фақат Рамазон ойига чекланмаган. Ҳар қайси ода суннатдир. Эътикофнинг энг ози бир соат, энг кўпи ўн кун. Уни бир кеча кундуздан озайтирмаслик мустаҳаб. Аёллар эрларидан руҳсат бўлмагунча эътикоф ўтирмайдилар.

¹ Рамазонда рўза тутмаслиги мумкин бўлган одамларнинг рўйхати юқорида зикр қилинди.

Ҳаж ва Умра

Мусулмон банда умрида бир марта ҳаж ва умра ибодатларини адо қилиши вожиб. Ҳаж ва умранинг шартлари: **1.** Мусулмон бўлмоқ. **2.** Оқил бўлмоқ. **3.** Болиғ бўлмоқ. **4.** Озод бўлмоқ. **5.** Қодир бўлмоқ. Қодирликнинг маъноси мусулмон Макка шаҳрига бориб-келгудек йўл кирага қодир ҳамда сафарга жисмонан яроқли бўлишидир. Аёллар учун бунга қўшимча равишда яна бир шарт борки, у ҳам бўлса маҳрами билан бирга боришлигидир. Агар маҳрамсиз борса ҳам ҳажи дуруст аммо, гуноҳкор бўлар. Ким бу икки фарзни пайсалга солиб юриб қазо топса, унинг мулкидан ҳаж ва умрага лойиқ маблағ олинади.

Кофир билан мажнуннинг ҳажи қабул эмас. **Ёш болалар ва қуллар** ҳаж қилса бўлади аммо, қул озод бўлганда, бола вояга етганда бошқадан ҳаж қилади. **Камбағал киши** қарз кўтариб ёки бошқа имконини топиб ҳаж қилса ҳажи дуруст. Аммо, ҳаж бадал (бировнинг номидан ҳаж) қилган одам, агар ўзи ҳаж қилмаган бўлса, ҳажи ўзига ёзилади.

Эҳром¹. Эҳромга киришни хоҳлаганлар аввало ювиниб, тирноқларини олиб, маҳфий ўринларини тозалаб, хушбўйланади. Кейин “изор” ҳамда “ридо” деб аталган икки бўлак матога ўранадилар ва ниятларига эътиборан ё, “Аллоҳумма умратан!²” ёки “Аллоҳумма ҳажжан!”³ ё бўлмаса “Аллоҳумма ҳажжан ва умратан!⁴” деб ният қиладилар. Агар йўлда бир хавф бўлиб, Маккага етиб бориш гумон бўлса “Эй, Аллоҳим! Агар мени бир жойда бир нарса ушлаб қолса, ўша жой менинг эҳромдан чиққан жойимдир!” деб ният қилади. Ҳожилар тубандаги уч турли ҳаждан бирини танлайдилар: **1. Таматтуъ ҳажи.** Агар хожи (мусофир) ҳаж (яъни Шаввол, Зул қаъда ёки Зул ҳижжа) ойларида “Аллоҳумма умратан илал ҳаж!” (Эй, Аллоҳим, мен ҳажга қадар умра қилишга ният қилдим) деб фақат умрага ният қилиб, умрага эҳром боғлаб, аввал умра ибодатини адо қилиб, ундан кейин умранинг эҳромидан чиқиб (тахаллул қилиб), бошқадан ҳаж учун эҳромга кирса, бундай ҳажни “**таматтуъ**” дейилади. **2. Ифрод ҳажи.** Агар банда “Аллоҳумма ҳажжан!” деб ният қилиб, ҳажнинг ўзи учунгина эҳром боғласа, бундай ҳажга “**ифрод**” дейилади. **3. Қирон ҳажи.** Агар банда мийқотда иккаласига бирдан ният қилса ёки фақат умрага ният қилиб, эҳром боғлаб, бироқ умранинг тавофини адо қилмасдан, мана шугина эҳроми билан ҳаж ибодатига киришиб кетса, бунга “қирон ҳажи” дейилади.

Хуллас, банда мана шу уч турли эҳромдан бирига кириб, Макка йўлига тушганда “**ЛаббайкАллоҳумма, лаббайк! Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк! Иннал ҳамда, ван неъмата, Лака ву мулк! Лаа шарийка лак!**” деб баланд овозда лаббайка айтишни бошлайди. Бу мустаҳабдир. Аёллар паст товуш билан айтадилар.

Эҳромда нималар мумкин эмас? 1. Соч олдириш. **2.** Тирноқ олдириш. **3.** Эркаклар учун чоки бор кийим кийиш. Бироқ, агар изор топмай қолса, ўрнига шалвор

¹ Эҳром – бу икки бўлак оқ мато бўлиб, елкага ёпадигани “ридо”, белдан пастини ўрайдигани “изор” деб аталади.

² Маъноси “Эй, Аллоҳим мен фақат умрани ният қилдим!”

³ Маъноси “Эй, Аллоҳим мен ҳажни ният қилдим!”

⁴ Маъноси “Эй, Аллоҳим мен ҳажни ҳам, умрани ҳам ният қилдим!”

кийса, шунингдек, шиппак топа олмаганлар маҳси кийса ҳам бўлади. Маҳсининг қўнжидан бир қаричдан ошиғини қирқиб юборилади. Бундай зарурат туфайли фидья тўланмайди. **4.** Эркаклар бошларини ёпмайдилар. **5.** Кийимларига ёки баданига хушбўй нарса сепмайдилар. **6.** Овга чиқмайдилар, ўлжа отмайдилар. **7.** Никоҳ қилинмайди. Эҳромда никоҳланиш ҳаром, лекин фидьяси йўқ. **8.** Шаҳватни қўзғайдиган қилиқларни қилмайди. Ким шундай қилса, фидья жаримаси бир қўй сўйиш ёки уч кун рўза тутиш ёки олтмиш мискинни тўйдириш. Эр-хотинлар биринчи таҳаллулга¹ (эҳромдан) чиқмай туриб жинсий алоқа қилсалар ибодатлари бузилади. Бундай ҳолда “ҳаж ибодатим бузилди” деб, бепарво бўлмай, ибодатни охирига етказиб, кейинги йилларда бошқадан ҳаж қилинади ва бир туя сўйиб, Макка аҳлига тарқатиб берилади. Агар жинсий алоқа биринчи таҳаллулдан кейин бўлса, у ҳолда ҳаж бузилмайди, бироқ бир туя сўйиш вожиб бўлади. Бу жинойт (жинсий алоқа) умрани ҳам бузади. Бунда гуноҳкор бир қўй сўяди ва кейин умранинг қазосини адо қилади. Жинсий яқинликдан бошқа эр-хотинлик муомалалари ҳажни ʻам, умрани ҳам бузмайди. Аёллар эҳромининг эркакларникидан фарқи, уларнинг одатий (авратни ёпган) кийимлари эҳромдир. Аёллар эҳромда паранжи ёпмайдилар ва юзларига никоб² ва қўлқоп такмайдилар.

Фидья. Фидья (жарима) икки турлидир: **1. Ихтиёрий фидья.** Бу эҳромда соч олдирганда, хушбўйланганда, тирноқ олганда, бошни ёпганда, эркаклар чокли кийим кийганда тўланади. “Ихтиёрий” деб аталганлигининг сабаби, мазкур гуноҳларни содир қилган одам учун бир қўй сўйиш, уч кун рўза тутиш ёки олти мискинни тўйдиришнинг ораси ихтиёрли қилинади. Эҳромда ов қилган одамнинг фидьяси эса, ўзи отган жонивор ҳажмидаги уй хайвонларидан бирини сўйишдир. Агар топмаса унинг нархини тўлайди.

2. Тартибли фидья. Бунда фидьяни тўлаш ихтиёрий эмас, тартиб бўйинчадир. Масалан, таматтуъ ёки қирон ҳажмидаги одам эҳром таъқиқларини бузса, аввало бир қўй сўяди. Жинсий алоқа қилганлар эса туя сўяди. Буларни топмасагина ҳаж кунларидан уч кун, диёрига борганда етти кун, барчаси бўлиб ўн кун рўза тутиб беради. Барча фидьялар Макканинг камбағал аҳлига тарқатилади.

Маккага кириш. Ҳожи Масжидул Ҳаромга кириб бораётганида шариатда кўрсатилган зикр ва дуоларни ўқийди. Кейин агар тумуттуъни ният қилган бўлса умра тавофини бошлайди. Ифрод ёки қиронни ният қилганлар эса, тавофу қудум қиладилар. Тавофни бошламасдан туриб, ридони ўнг қўлтиқ остидан ўтказиб, ёпиниш билан ўнг елкани яланғочлаб олинади. Тавофни Ҳажарул Асваднинг рўбарўсидан бошлайди. Имконини топса, уни силаб, ўпади. Агар яқинига ета олмаса кафти билан у томонга ишора қилиб “Бисмиллаҳи Аллоҳу Акбар!” дейди. Буни ҳар бир тавофда такрорлайди. Тавоф етти қарра айланишдир. Айланаётганда Каъба чап елка томонда бўлади. Аввалги уч

¹ “Таҳаллул” деб, эҳромдан чиқишга айтилади. Ҳаж пайтида икки таҳаллул бор бўлиб, биринчиси соч олдиргандан кейин, иккинчиси (тўлиқ таҳаллул) ифода тавофини ва саъйини адо қилгандан кейин.

² Никоб – аёллар юзини ёпган кийим.

айланишда имкони борича полвон йўртиш қилади. Бундай йўртишни “рамла” дейилади. Қолган тўрт каррасида оҳиста айланади. Ҳар қачон “Рукнул Ямонийга¹” етганда имкон бўлса уни силайди. Кейин то Ҳажарул Асвад турган бурчга етгунча «**Раббанаа аатинаа фид-дуня ҳасанатав-ва фил аахироти ҳасанатав, ва қинаа азаабан-наар**»² дуосини ўқийди. Айланиш асносида бундан бошқа хоҳлаган дуоларини қилаверади. Қачон етти тавоф тугаганда “**Мақому Иброҳимнинг**” орқасига (агар бу ерда жой қолмаган бўлса, масжиднинг ҳар қайси жойига) бориб, икки ракъат намоз ўқийди. Намознинг биринчи ракъатида “Кул ё..”, иккинчи ракъатига эса, “Кул хуваллоху...” сурасини зам сура қилади. Кейин Замзам сувидан тўйиб ичадида, Ҳажарул Асвадга қайтиб келиб, имкони бўлса уни силайди. Кейин Ҳажарул Асвад билан Каъба эшигининг ўртасида туриб дуо қилади. Кейин Сафога ўтади ва устига чиқиб, «**абдаъу бимаа бадаъа-л-Лааху бих**»³ деб, Қуръондан:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ حَيْرَ فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ﴾
 «**Иннас-Сафаа ву Марва мин шаъаириллаҳ. Фа ман ҳажжал Байта ав эътамаро фа лаа жунааҳа алайҳи ай-йаттававафа бихима. Ва ман татававаъа хойрон, фа инналлаҳа Шаакирун, Алийм**»⁴ оятини ўқийди. Кейин «**Аллоҳу Акбар! Ла илааҳа иллАллоҳ!**» калимасини такрорлаб, қиблага юзланиб, кўлини кўтариб дуо қилади. Кейин Марва тарафга йўналиб, саъйни⁵ бошлайди. Икки яшил белги оралиғида қаттиқ югуради. Марвага етиб келганда Сафойда ўқиган дуоларни такрорлайди. Кейин яна Сафога қайтади. Ҳар сафар икки яшил белги оралиғидан югуриб ўтади. Шундай қилиб саъй Сафодан бошланиб, Марвада тугайди. Саъй етти “**шавтдан**” иборат. Сафодан Марвагача бир шавт, Марвадан Сафога қайтиш иккинчи шавт ҳисобланади ва ҳоказо. Саъй тугаганда сочини қирдиради ёки қисқартиради. Қирдирган афзалдир. Бирок, таматтуъ умрасини қилганлар қисқартириши лозим. Чунки, кейин ҳаж қилади. Ҳажда ҳам соч олдириш амали бор. Таматтуъ қилганлар мана шундан кейин эҳромдан чиқаверсалар бўлади⁶. Аммо, ифрод ва қирон қилганлар эса, тавофу қудумни қилгандан кейин то ҳайит куни “Ақоба” жамрасини (тошини) отиб, ҳаж амалларини тамом қилгунга қадар эҳромдан чиқмайдилар. Аёлларнинг тавофи билан саъйи ҳам эркакларникидин фарқ қилмайди. Биргина фарқи: улар “рамла” қилмайдилар ва икки яшил белги оралиғида югурмайдилар.

Ҳаж қилиш қондаси. Тарвия (Зул ҳижжанинг саккизинчи) куни келганда агар эҳромдан чиққан бўлса, ўша турган еридан (Маккадан) эҳромга киради ва дарҳол

¹ Ҳажарул Асвад турган бурчдан аввалги бурч.

² Маъноси: «Эй Роббим! Бизга ушбу дунёда ҳам, охирада ҳам яхшиликларингдан ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагайсан!»

³ Маъноси: «Аллоҳ бошлагандан бошларман». Чунки, Аллоҳ таоло шу мавзудаги оятни «Иннас Сафо вал Марва..» деб, Сафодан бошлагандир.

⁴ Маъноси: «Албатта, Сафо билан Марва Аллоҳнинг (ибодат) белгиларидандир. Ким Байт(уллоҳ)ги ҳаж ёки умра қилса, шу иккисини тавоф қилишида гуноҳ йўқдир. Ким ошиқча (нафл ибодат) қилса (ўзига) яхшидир. Аллоҳ шукр қилувчи, Билгувчидир!»

⁵ Сафо-Марва оралиғидаги бориб-келув шариат истилоҳида «саъй» деб аталади

⁶ Чунки, ҳаж учун бошқадан эҳромга кирадилар.

Минога йўл олади. У ерда бир кун тунагандан кейин, тўққизинчи куннинг чошгоҳ маҳалида арафотга жўнайди. Арафотнинг ҳамма жойи “мавқиф” яъни туришга лойиқдир. Фақат “Урна” водийси мавқифдан эмас. Арафотга тушдан (заволдан) кейин етиб келиб, Пешин ва Аср намозларини жамлаб ҳамда қаср қилиб ўқийди. Кейин у ерда кўп зикр ва дуолар қилиб, то кечга қадар бўлади. Айниқса «**ла илааҳа иллулаҳу ваҳдаҳу, ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку, ва лаҳул ҳамду ва ҳува алаа кулли шайъин Қодийр**» дуосини кўп ўқиган яхши. Кун ботганда шошилмай, салобат билан, лаббайка ва зикрлар ўқиб Муздалифа водийсига тушиб келади. У ерда Шом билан Ҳуфтон намозини жам ва қаср қилиб ўқилади. Кейин ўша ерда тунаб қолинади. Кейин Бомдодга туриб, уни энг аввалги вақтида ўқийди ва тонг тўла оқаргунга қадар дуо қилиб туради. Куннинг аввалги шуълалари кўрина бошлаганда Минога йўл олади. Мино йўлида “**Мусаххар**” деган водий бор. У ердан имкон қадар тез ўтишга ҳаракат қилади¹. Минога келгач “Ақоба” деб аталган (Маккага энг яқин) **жамаротга** бориб, етти дона тош отади. Тошлар кўйнинг қумалоғидан катта бўлмаслиги лозим. Ҳар бир тошни отаётганда “Аллоҳу Акбар!” деб такбир айтади. Тош отганда қўлни баланд кўтариб, тошни махсус чуқурга етказиб отиш лозим. Агар тош чуқур ўртасидаги деворга тегмаса ҳам, чуқурга тушса ҳисоб. Ақобага тош отаётганда талбия (лаббайка) айтиш тўхтатилади. Кейин қурбонликлар сўйилади. Ундан кейин соч олдириш (ёки қисқартиш) амали адо қилинади. Бунда қирдирган афзал. Тош отиб, соч олдириб бўлгач эҳромдан чиқилади. Бу чиқишни “биринчи таҳаллул” дейилади. Биринчи таҳаллулдан кейин ҳожилар учун **жинсий алоқадан бошқа** барча таъқиқларга руҳсат берилади. Кейин Маккага тушиб, **тавофу ифода** қилади. Бу тавофни адо қилиш вожибдир. Тавофу ифодани адо қилиш билан ҳаж амали ниҳоясига етади. Агар ҳожи таматтуъ ҳажини ният қилган бўлса ёки тавофи кудумда саъй қилмаган бўлса, Сафо-Марвага ўтиб саъй қилади. Мана шу амаллардан кейин у тўлиғи билан эҳромдан чиққан ҳисобланади ва унга барча таъқиқлар, шу жумладан аёлига жинсий яқинлик ҳам ҳалол қилинади. Буни “иккинчи таҳаллул” дейилади. Кейин Минога тунагани чиқиб кетади. Минода тунаш вожибдир. Зул ҳижжанинг **11-** куни тушдан (заволдан) кейин тош отиш учун жамаротларга боради ва ҳар бир жамаротга етти дондан тош отади. Тош отишни биринчи (кичкина) жамаротдан бошлайди. Тош отиб бўлгандан кейин қиблага қараб дуолар қилади. Кейин ўртанчи жамаротга келади ва унга ҳам етти дона тош отиб, дуо қилади. Кейин катта: “Ақоба” жамрасига келади, такбир билан етти тош отади, аммо, бу ерда дуо учун тўхтамайди. **12-**куни ҳам шу ҳолат такрорланади. Агар кетишга шошилса, кун ботгунга қадар Мино чегарасидан чиқиб кетиши лозим. Бунга улгурмай қолса, Минода ётиб қолишга ва эртаси ҳам тош отишга тўғри келади. Бироқ, кун ботгунга қадар йўлга чиқиб, тиқилинч туфайли Шомдан кейинга қолса зиёни йўқ.

Қирон қилган одамнинг ҳажи ифродникига ўхшайди. Биргина айирмаси қиронда таматтуъдаги каби кўй сўйилади.

¹ Чунки, бу водийда Аллоҳ таоло Абраҳа ва унинг аскарларига хор қилувчи азоб юборгандир.

Маккадан чиқиб кетишни хоҳлаганлар тавофул видо деган хайрлашув тавофини адо қилмагунча маккадан чиқмайдилар. Хайз ёки нифос бўлган аёллар бу тавофни қилмайдилар. Агар чиқиб кетган одам савдо туфайли Маккага қайтиб келса, қайтаётганда яна видо тавофини қилади. Бу тавофни адо қилмай чиқиб кетганлар олислаб кетсалар ҳам уни адо қилиш учун қайтадилар. Агар жуда олис кетиб қолган бўлсалар фидясига ҳар бири бирдан қўй сўядилар.

Ҳажнинг арконлари тўрттадир: **1.** Эҳром. **2.** Арафотда турмоқ. **3.** Ифода тавофини адо қилмоқ. **4.** Ҳаж учун саъй қилмоқ.

Ҳажнинг вожиблари еттидур: **1.** Мийқотдан эҳромга кирмоқ. **2.** Арафотда кечга қадар турмоқ. **3.** Муздалифада ярим тунгача турмоқ. **4.** Ташриқ кунлари Минода тунамоқ. **5.** Жамаротларга тош отмоқ. **6.** Соч олдирмоқ. **7.** Видо тавофи.

Умранинг арконлари учдир: **1.** Эҳром. **2.** Умра тавофи. **3.** Умра саъйи.

Умранинг вожиблари иккидур: **1.** Эҳром. **2.** Соч олдирмоқ.

❖ **Агар ким арконлардан** бирини адо қилмаса, ибодати ҳисоб эмасдир. **Вожибни** тарк қилган одамнинг ибодати бир қўй сўйиш фидяси билан ҳисобдур. Аммо, **суннатни** адо қилмаган кимсага фидя йўқ. Ибодати раводур.

❖ **Ҳаж билан умра тавофи тубандаги 13 шарт билан адо қилинсагина тўғри қилинган бўлади:** **1.** Ислоом. **2.** Оқил. **3.** Ният. **4.** Тавоф вақтининг кириши. **5.** Авратни ёпиш. **6.** Таҳоратли бўлиш. (Бунинг болаларга дахли йўқ). **7.** Аник етти карра айланиш. **8.** Айланаётганда Каъба чап томонида бўлиши. **9.** Айланаётганда орқага қайтмаслик. **10.** Қодир одамлар ўз оёғи билан айланмоқ. **11.** Тавофнинг (айланишнинг) орасини узмасдан айланиш. **12.** Ҳарам масжидининг ичиди айланиш. **13.** Ҳажарул Асваднинг рўбарўсидан бошлаш.

❖ **Тавофнинг суннатлари:** **1.** Ҳажарни силамоқ. **2.** Ўпмоқ. **3.** Рўбарўсида такбир айтмоқ. **4.** Рукнул Ямонийни силамоқ. **5.** Рамла қилмоқ. **6.** Рамлада ўнг елкани очмоқ. **7.** Байтуллоҳга яқин айланмоқ. **8.** Мақому Иброҳимнинг орқасида икки ракъат намоз ўқимоқ.

❖ **Саъйнинг шартлари тўққиздур:** **1.** Ислоом. **2.** Ақл. **3.** Ният. **4.** Орасини узмаслик. **5.** Қодир бўлганлар ўз оёғи билан саъй қилиш. **6.** Етти саъни тўлик адо қилиш. **7.** Сафо билан Марва оралиғини тўлик босиб ўтиш. **8.** Бехато (комил) тавофдан кейин бўлмоқ. **9.** Сафодан Марвага жўнаганда тоқ сон билан, Марвадан Сафога қайтганда жуфт сон билан санамоқ.

❖ **Саъйнинг суннатлари:** **1.** Таҳорат. **2.** Сатр аврат. **3.** Зикр ва дуо. **4.** Кўрсатилган аломат оралиғида югурмоқ. **5.** Икки тепаликга кўтарилмоқ. Тавофнинг бевосита ортидан қилмоқ.

❖ **Эслатма:** тошларни белгиланган кунларда отган афзал. Бироқ, бугуннинг тошини эртаси отса ҳам ёки барча тошларни тўплаб, охириги ташриқ куни отса ҳам бўлади.

❖ **Қурбонликлар.** Ҳажда қурбонлик сўйиш суннати муаккададир. Қачон Зул Ҳижжа ойининг ўнинчиси бўлганда, қурбонлик сўйишни ният қилганлар, то қурбонликларини сўйиб бўлмагунларича сочини, тирноғини ёки баданидаги тукларидан бирини олиши ҳаромдир.

❖ **Ақиқа.** Ақиқа қилмоқ суннатдир. Эркак фарзандга икки қўй, қиз фарзандга бир қўй сўйилади. Ақиқани чақалоқ етти кунлик бўлганда ўтказилади. Ўша куни

боланинг сочини қирқиш ва қанча грамм чикса ўшанча кумуш садақа қилиб, исм қўймоқ суннатдир. Исмлардан Аллоҳга энг севимлиси Абдуллоҳ ва Абдуррахмондир. Шунингдек, Абдул Уззо, Абдуннабий, Абдуррасул каби Аллоҳдан бошкага куллик нисбат берилган исмларни қўйиш ҳаромдир. Агар қурбон ҳайитидаги қурбонлик билан ақиқа сўйиши бир кунда келиб қолса, бирини адо қилиши билан иккинчиси ҳам адо бўлган ҳисобланади.

❖ **Мадинайи мунавварадаги пайғамбаримизнинг масжидига** (масжиду набавийга) кирган одам аввало икки рақъат таҳияту масжид намозини ўқийди. Ундан кейин пайғамбаримизнинг қабрига келиб, унга тамоман бурилиб, салобат билан, худди пайғамбаримизни кўриб тургандек “ассалому алайка ё, расулулуллоҳ!” деб салом беради. Ундан сўнг ўнг тарафга бир зироъ (60 см.) жилиб, “Ассалому алайка, ё, Абу Бакр Сиддиқ! Ассалому алайка ё, Умар ал Форуқ! Аллоҳумма, ажзиҳима ан набиййиҳима ва анил ислами хойрон!”¹ деб дуо қилади. Кейин қиблага юзланиб, пайғамбаримизнинг ҳужралари чап тарафида бўлган ҳолда дуо қилади.

Ҳаж амалларининг орасидаги фарқлар ва уларнинг қисқача тартибининг жадвали:

Ибодат:	Таматтуъ	Қирон	Ифрод
Эҳром, талбиянинг бошланиши:	«Лаббайка, умраган, мутаматтиан биҳа илу ҳажж»	«Лаббайка, умраган, ва ҳажжан»	«Лаббайка, ҳажжан»
Ундан кейин:	Умра учун тавоф	Тавофул қудум	Тавофул қудум
Ундан кейин:	Умра учун саъй	Ҳаж учун саъй	Ҳаж учун саъй
Ундан кейин:	Соч олдириб, эҳромдан тўлиқ чиқади	Эҳромда қолади	Эҳромда қолади
8-кун. Пешинга қадар:	Турган жойидан эҳромга кириб, Минога жўнайди.	Минога жўнайди.	Минога жўнайди.
9-кун. Кун чиққандан кейин:	Арафотга жўнайди. У ерда пешин ва асрни қўшиб, қаср қилиб, пешиннинг вақтида (тақдим қилиб) ўқийди. Ундан кейин кечга қадар дуолар ва зикрлар билан вақт ўтказади.		
9-кеча. Кун ботгандан сўнг:	Муздалифага бориб, дарҳол шом билан хуфтонни қаср қилиб, жамлаб ўқийди ва ўша ерда тунаб қолади. Бомдодни эрта вақтида ўқиб, тонг оппоқ ёришгунга қадар дуо қилиб туради Минога тушиб, Ақоба жамрасига тош отади		
10-кун. (Қурбон ҳайит) Бомдоддан кейин:	Қурбонлик сўяди	Қурбонлик сўяди	---
	Соч олдиради ёки қисқартиради. Кейин тавофу ифодани адо қилади. Мана шу уччаласидан (қурбонлик, соч олдириш, тавофу ифода) иккисини адо қилгандан кейин биринчи таҳаллул қилиб, эҳромдан чиқади. Агар барчасини адо қилса, иккинчи таҳаллул қилиб, эҳромдан батамом чиқади.		
11-12-13-кунлар:	Ҳаж учун саъй қилади	---	---
	Кун заволга ўтганда (тушдан кейин) кичкина, ўрта ва ката жамаротларга тош отади.		
Қайтиш:	Тавофу видони қилади. Ҳайз ва нифосдаги аёллар бу тавофни қилмайдилар.		

¹ Маъноси: “Эй, Абу Бакр Сиддиқ, сизга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Эй, Умар ал Форуқ сизга ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин! Ё, Бориъ худоё, бу икки банданга пайғамбарига ва исломга қилган хизматлари ёвазига савоблар ёзгайсан!” демакдир.

Ҳар хил масалалар

✿ **Банданинг гуноҳлари тубандаги амаллар билан ювилиб туради:**
1. Ҳақиқий тавба. **2.** Истиғфор. (Аллоҳдан кечирим сўраш). **3.** Савоб ишлар.
4. Мусибатлар билан синалганда. **5.** Садақа. **6.** Бошқа одамнинг унга дуойи хайр қилиши. Агар банданинг бўйнида Аллоҳ кечирмаган гуноҳлар қолган бўлса, улар сабабли қабрда ёки қиёмат (сўроқ) кунда ёки дўзахда азобга солинади. Ана шу азоблар билан поклангандан кейингина, агар иймон калимаси билан ўлган бўлса, кунларнинг бир кунда жаннатга чиқарилади. Аммо ширк ва бошқа куфр амалларидан тавба қилмай ўлганлар дўзахда абадий қоладилар.

Катта ва кичкина гуноҳлардан банданинг юрагига, динига, ризқига, шахсий ҳаётига, ишларига ва жамиятига салбий таъсирлар тегади. **1. Юракга таъсири:** ёлғизликга, нодонликга, хорликга ва ҳар қандай касалликларга сабаб бўлади. Қилган дуолари Аллоҳга етмайди¹. **2. Динга таъсири:** Бошқа гуноҳларнинг яралишига сабаб бўлади, тоат ибодатдан тўсади, пайғамбаримизнинг, фариштаарнинг ва солиҳ одамларнинг дуоларидан маҳрум қилади. **3. Ризққа таъсири:** ризқнинг озайишига, неъматнинг кетишига, мол-мулкидан бараканинг кўтарилишига сабаб бўлади. **4. Шахсий ҳаётга таъсири:** Умрнинг баракасини кетиради, тор, қайғули ҳаётга гирифтор қилади, ишларнинг оғирлашига сабаб бўлади. **5. Амалга таъсири:** амалларнинг қабул бўлишига монъелик қилади. **6. Жамиятга таъсири:** тинчликни кетиради, ғалвали ҳаётга, мустабид бошқарувчилар ва душман асоратида қолишга, қурғоқчиликга, қаҳатчиликга ва ҳоказо балоларнинг келишига сабаб бўлади.

✿ **Ёдингда бўлсин:** Ибнул Жавзий айтганлар: “Энг ёмон жазо – бу банданинг жазони ҳис қилмай яшашидир. Ундан ҳам ёмонроғи ўзига жазо бўлиб келган нарсани қувонч билан қабул қилиш. Масалан, ҳаром бойлик ёки гуноҳ ҳаракатлар туфайли мақсадга етганига севиниш каби” ҳазф!

Мусибатлар. Ҳар бир одам мусибатсиз, шоду хуррамликда яшагиси келади. Бундай ҳаётга етишнинг диний, табиий ва амалларга таулукли бир неча сабаблари бор. У сабабларни иймонли одамларгина ўзларида тўплай олади. Улар тубандагилардир: **1.** Аллоҳга иймон. **2.** Аллоҳ ва расулининг буйруқларини адо қилиб, қайтарган нарсаларидан қайтиш. **3.** Одамларга яхши сўзлар ва амаллар билан раҳмдил бўлиш. **4.** Динга, дунёга, охиратга ва жамиятга фойдали амаллар билан шуғулланиш. **5.** Ўтган ва келажак ишлари билан бош оғритавермай, бугуннинг масалалари билан шуғулланиш. **6.** Аллоҳни кўп эшлаш. **7.** Аллоҳнинг ошкор ва махфий неъматларини зикр қилиш. **8.** Дунёда ўзидан бадтар ҳолатдаги одамларга қараб яшаш. **9.** Мусибат келтирувчи сабаблардан қочиб, шодлик келтирувчи сабабларни излаш. **10.** Мусибатни кетиришини сўраб Аллоҳга дуо қилиш.

✿ **Ёдингда бўлсин:** Иброҳим Ҳаввос айтган эканлар: “Юракнинг беш дориси бор: **1.** Қуръонни тушуниб ўқимок. **2.** Қурсокнинг (қориннинг) бўш бўлмоғи. **3.** Тунги намозлар. **4.** Тонг маҳалида Аллоҳга ёлбормоқ. **5.** Яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмоқ”.

¹ Чунки, дуо юракнинг ишидир.

❁ **Кимнинг бошига қайғу тушса ва уни енгиллатишни** ҳоҳласа “Бундан ҳам бадтар бўлиши мумкин эди. Аллоҳ сабрим эвазига савоб ёзгай!” деб кўнглидан ўтказсин.

❁ **Никоҳ.** Никоҳланиш шахвати кучли биров, зинодан ўзини сақлай олганлар учун **суннатдир**. Шахвати кучсиз одамлар учун **мубоҳдир**. Шахвати қандайлигидан қатъий назар, зино тузоғига тушиб қолишдан қўрққанлар учун **вожибдир**. Бу ҳолда уйланиш ҳажга боришдан авлодир. Бу масалада тубандаги нарсалар ҳаромдир: **1.** Аёлларга, ёш, чиройли болаларга шахватла қарамоқ. **2.** Номаҳрам аёл билан ёлғиз қолмоқ. **3.** Ҳатто бир хайвонга ҳам шахватла қарамоқ.

❁ **Никоҳ тубандаги шартлар билангина раво бўлур: 1. Қаллиқни таъйин қилмоқ. 2. Томонларнинг розилиги.** Ақли ожизлар ва мамлуклар учун қаллиқни уларнинг волийси танлайди. **3. Волий.** Аёллар ўзини ўзи эрга бера олмайди. уларни фақат волийсигина эрга бера олади. Бирок, агар волий топган эрни аёл ўзига муносиб кўрмаса, уни мажбуран узатилмайди. Аёлга энг ҳақли волий – унинг отасидир. Ундан кейин отасининг отаси, ундан кейин онасининг отаси, ундан кейин боласи, ундан кейин оғаси ёки иниси, ундан кейин амакилари ва ундан кейин амакиларининг болалари ва ҳоказо.

4. Гувох. Никоҳ учун болиғ, ақлдан озмаган, адолатли икки мусулмоннинг гувохлиги лозим. **5. Томонлар орасида никоҳга монъеликнинг йўқлиги.** Монъелик деб, томонлар орасидаги эмакдошлик, маҳрамлик ёки мусоҳарага (қудалик туфайли қариндошлик) айтилади.

❁ **Маҳрам (никоҳи ҳаром бўлган) аёллар.** Улар икки турлидир: А) Абадий маҳрамлар. Б) Муваққат маҳрамлар. Абадий маҳрамлар тубандагилардир: **1. Қариндошлар.** Буларга: онаси, онасининг онаси, отасининг оналари, қизи, боласининг қизи, неварасининг қизи.., барча опа-сингиллари, опа-сингилларнинг қизлари, опа-сингилларнинг болаларининг қизлари, барча оғаниларининг қизлари, шу қизларнинг ўғил-қизларининг қизлари.., холалари, аммалари киради. **2. Эмакдошлик.** Эмакдош қариндошлар, агар ораларида қондошлик бўлмаса ҳам, бир онани эмган ўғил-қизлардир. Буларнинг ўзаро ҳаромлиги худди қариндошларнинг ҳаромлиги кабидир. **3. Мусоҳара яъни қудалик сабабли қариндошлик.** Мусоҳара сабабли қариндош бўлган маҳрамларига: қайноналар, қайноталар ва аёллари (бурунги никоҳдан) эргаштириб келган қизлари киради.

❁ **Никоҳи вақтинча ҳаром бўлганлар** икки турлидир: **1.** Опа-сингилни¹ бир никоҳ остига жамлаш. Шунингдек, хотинининг устига унинг аммаларини ёки холаларини ҳам ололмайди. **2.** Бошқанинг никоҳи остидаги аёллар ҳам вақтинча никоҳи ҳаромларга киради. Уларга қачон эрлари талоқ бергандагина уйланса бўлади.

¹ Опасининг устига қайинсинглисини ололмайди. Аммо, опаси билан ажрашгач вақтли маҳрамлик кўтарилади.

✿ **Эслатма: 1.** Аёлни ёки эракни ўзи хоҳламаган бировга мажбуран никоҳлаш мумкин эмас. Агар шундай ҳолат юз берса, ота-онага (ёки бошқа волийларга) итоат қилмаслик вожиб. Мабодо, отаси ёки онаси оқ қиламан деб кўрқитса ҳам оқ бўлмайди. **2.** Аёлни барча маиший эҳтиёжлар билан таъминлаш эрнинг мажбуриятидир.

✿ **Талок.** Эр аёлини ҳайз ёки нифос ҳолатида, шунингдек, қўшилган тозалик вақтида¹ талок қилиши **харомдир**. Аммо мана шу ҳолатларда талок берса, талок тушади. Бесабаб талок бериш **макруҳдир**. Сабаби билан талок қилиш **мубоҳдир**. Аммо, никоҳдан зиён тортган одам учун талок **суннатдир**. Талок масаласини ҳар ким ўзи ҳал қилади. Агар ота-она “Аёлингни талок қил” деса, уларга итоат қилиш вожиб эмас. Талокни хоҳлаган эр учун бир талокдан кўп бериш харомдир. Ҳозиргина айтгандек, талокни ҳайздан пок пайтда, қўшилмай туриб бериш вожибдир.

✿ **Бир талок** бергандан кейин аёли эрнинг уйидан кетмай, идда сақлаб, то идда муҳлати тугагунга қадар туради. Идда муҳлати тугагунча чиқиб кетиши ёки эрнинг чиқариб юбориши харомдир. Талокда ният шарт эмас. Ниятсиз айтса ҳам тушаверади.

✿ **Қасамлар.** Мусулмон банда тубандаги тўрт ҳолатда ичган қасами учун каффорат тўлайди. **1. Қасамни юракдан ният қилганда.** Чунки, юрак ғофил турганда, оғиз билан шунчаки “валлоҳи!”, “Худо ҳаққи!” деган қасамлар “лағв қасам” деб аталади ва уларга каффорат берилмайди. **2. Келажакдаги ва мумкин нарсага қасам ичганда.** Чунки, ўтган нарсага ё ўзига номаълум нарсага ёки ўзининг ҳаёлидагина тўғри деб ҳисоблаган нарсага ичган қасами ёки билиб туриб ёлғондан ичган қасами ҳақиқий қасам деб ҳисобланмайди. Шунингдек, ўзи тўғри деб ҳисоблаган келажакдаги нарсага қасам ичиб, аммо у нарсанинг акси бўлса, банда ҳам каффорат тўламайди. **3. Қасам ичган одам мажбурланмаган бўлса.** **4. Қасамини бузса.** Яъни масалан, “қилмайман!” деб қасам ичган нарсасини қилса ёки “қиламан!” деб қасам ичиб, қилмай қўйса. Аммо, қасамига “агарда” деб, шарт маъносини қўшган бўлса, икки шарт топилсагина каффорат тўламайди: **1.** “Агардаси” қасамга бевосита боғлиқ бўлса. **2.** “Агарда” деган сўзи қасамнинг тасдиқловчи қисми бўлса. Масалан, “Агарда Аллоҳ хоҳласа, Аллоҳга қасам!” деган сўзи каби. Шунингдек, бир нарсага қасам ичиб, кейин у нарсанинг акси ҳақиқат эканлигини билиб қолса, у ҳолда дарҳол қасамидан қайтиши, ўша ҳақиқат нарсани бажариши ва ичган қасамига каффорат тўлаши суннатдир.

✿ **Қасамнинг каффорати.** Қасамнинг каффорати ўн мискинни тўйдирмоқ ё бир қул озод қилмоқдир. Ким буларга қодир бўлмаса, уч кун пайдар-пай рўза тутади. Аммо, каффоратга қодир бўла туриб рўза билан қутулмоқчи бўлса, зиммасдан соқит бўлмайди. (Қасамни бузишга ният қилгандан кейин) каффоратни қасамни бузганга қадар тўласа ҳам, бузгандан кейин тўласа ҳам

¹ Бошқача айтганда, бир марта ҳайз кўриб, тозалангандан кейин, қўшилмай туриб талок берилади.

фарқи йўқ. Биргина ишга бир неча карра қасам ичса ҳам, каффоратини бир марта тўлайди. Агар кўп ишга қасам ичса, ҳар бирига алоҳида тўлайди.

✿ **Назр.** Назрнинг беш тури бордир: **1. Мутлак назр.** Масалан, бир киши “Агар касалимдан тузалсам, Аллоҳга атаганим бор” деб назр қилиб, муайян бир нарсани белгиламаса, шифо топанидан кейин, қасамнинг каффорати каби каффорат тўлайди. **2. Аччиқ устида айтилган назр.** Бу аччиқ устида бир нарсани қилмасликга назр қилишдир. Масалан, “Агар сенга гапирсам, Аллоҳ учун бир йил рўза тутаман!” каби. Бунинг ҳукми, у одам ҳоҳласа назрини адо қилади, ҳоҳласа назридан қайтиб, ҳалиги одамга гапиргани учун каффорат тўлайди. **3. Мубоҳ назр.** Бу, масалан, “Мен Аллоҳ учун фалон кийимимни кияман” каби. Бунда ҳоҳласа кияди. Ҳоҳламаса киймайди ва қасамнинг каффоратидек каффорат тўлайди. **4. Макруҳ назр.** Масалан, кишининг “Аллоҳ учун аёлимни талоқ қиламан!” дегани каби. Бундай назрга вафо қилинмай, балки каффорат тўлаш суннатдир. Мабодо, назрини бажарса, каффорат тўламайди. **5. Гуноҳ назр.** Кишининг “Мен Аллоҳ учун ўғрилиқ қиламан!” дегани каби. Бу назрга вафо қилиш ҳаром. Унинг ўрнига қасамининг каффоратини тўлайди. Агар бу назрни бажарса гуноҳкор бўлади, аммо каффорат тўламайди. **6. Тоат-ибодат назри.** Масалан, “Мен Аллоҳ учун фалон ракъат намоз ўқийман” деганлари каби. Агар бунга “Агар шифо топсам” деган каби шартни қўйган бўлса ва шифо топса, бажариши лозим. Агар ҳеч нарсани шарт қилмаса ҳам ваъдадаги намозни ўқиб беради.

✿ **Эмакдошлик.** (Никоҳ масаласида) қондош қариндоларга ҳаром бўлган нарсалар эмакдошларга қарата ҳам ҳаромдир. Одамлар уч сабаб билан эмакдош бўладилар: **1.** Эмган сут туғруқнинг сути бўлса. **2.** Болани сундан чиқмай туриб (икки ёшдан ўтмай туриб) эмизса. **3.** Бола кўкракни беш ёки ундан кўпроқ сўрган бўлса. Бу ерда “сўришдан” мақсад, агар тўймаса ҳам кўкракни бир оғзига олиб чиқаришлигидир. **4.** Эмакдошлик ҳеч кимнинг зиммасига ўз эмакдошига нисбатан ғамхўрликни ёки меросхўрликни юкламайди.

✿ **Васият.** Зиммасида бировнинг ҳақи бор одам уни эгасига қайтаришни васият қилади. Васият қилиш кўп мулк қолдирган одамга суннатдир. У давлатининг бешдан бир бўлагини меросхўр бўлмаган, камбағал қариндошларига, агар ундай қариндошлари бўлмаса, унда бир мискинга ёки олимга ёки бир солиҳ кишига васият қилиши мустаҳабдир. Аммо, меросхўрлари бор камбағал учун бу каби васият макруҳдир. Агар меросхўрлари бой бўлса унда мубоҳдир. Мулкнинг учдан биридан кўп бўлагини бегона одамга васият қилиш ҳаром. Мабодо у ўлгандан кейин меросхўрлари норози бўлсалар (бегонага) озгинасини васият қилиш ҳам ҳаромдир. Васият қилгувчининг “Мен (сўзимдан) қайтдим”, “Бекор қилдим”, “Ўзгартирдим” каби сўзлари билан васият ўз кучини йўқотади. Васият ёзишни ҳоҳлаган одам мана бундай сўзлар билан бошлаши мустаҳаб: **“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм! Бу фалончи ўғли фалончининг васиятидир. Мен “Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Унинг**



элчиси эканлигига, жаннат ва дўзахнинг ҳақлигига, қиёматнинг шубҳасиз бўлишига, Аллоҳ қабрдагиларни иккинчи бора тирилтиришига гувоҳлик бериб яшадим! Энди менинг васиятим будир: эй, оркамда қолувчи оилам! Аллоҳдан такво қилинг ва орангизни ислоҳ қилиб яшанг! Агар “мўминман” десангиз, Аллоҳга ва пайғамбарига итоат қилингиз! Мен сизларга энг аввало Иброҳим ва Яъқуб алайҳиссаломлар ўз фарзандларига васият қилгани каби “Эй, болаларим! Албатта, Аллоҳ сизларга тўғри йўлни берди. Энди мусулмон ҳолдагина оламдан ўтингиз!” деб васият қиламан. Ундан сўнг...”

❁ **Пайғамбаримиз** саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтилганда саломни ҳам қўшиб (“саллаллоҳу алайҳи ва саллама таслийман” ёки “алайҳис солату вас салом” деб) айтмоқ мустаҳабдир. Пайғамбарлардан бошқаларга салавот айтилмайди. Масалан, “Абу Бакр саллаллоҳу алайҳи ва саллам” дейилмайди. Бу макруҳдир. Аммо, саҳобаларни пайғамбаримизга қўшиб “Эй, Аллоҳим! Муҳаммадга, унинг оиласига ва саҳобаларига салавот ва саломлар йўллагайсан!” деса раводир. Саҳобаларга, тобеинларга ва улардан кейинги улуғ одамларга нисбатан “Аллоҳ улардан рози бўлсин” (розияллоҳу анҳу (ёки анҳум) ёки “Аллоҳ уларни Ўз раҳматига олсин!” (раҳимаҳалллоҳ) демок мустаҳабдур.

❁ **Бўғизлаш.** Ҳайвонларни бўғизлаш уларнинг гўштини емоқ учун бўлса вожибдир. Бўғизланадиган ҳайвонларда тубандаги шартлар топилиши керак:

1. Гўшти ҳалол бўлиши. **2.** Бўғизлашга кишининг қудрати етадиган бўлиши. **3.** Курукликда яшаган бўлиши. Энди бўғизловчида топилиши лозим бўлган шартлар: **1.** Мажнун бўлмаслиги. **2.** Сўядиган асбоб тиш ёки тирноқдан бошқа нарса бўлиши. **3.** Ҳалқум, кекиртак ёки икки қон томир ёхуд иккисидан бири кесилиши. **4.** Бўғизлаётганда “бисмиллаҳни” айтмоқ. Бисмиллаҳни унутгани сабабли айтмаса зарари йўқ. Бисмиллаҳни арабчадан бошқа тилда (масалан, “Аллоҳнинг номи билан” деб) айтса ҳам бўлади. Бисмиллаҳга такбирни қўшиб “бисмиллаҳи Аллоҳу Акбар” демок суннатдир.

❁ **Ов.** Тубандаги ҳайвонларни овлаш мумкин: **1.** Гўшти ҳалол бўлса. **2.** Ёввойи бўлса. **3.** Хонаки бўлгани билан одам ушлаб ололмаса.

❁ **Овнинг ҳукми:** мақсад қилган одамга мубоҳ. Кўнгилхушлик учун бўлса макруҳ. Овга берилиб одамларга зиён келтириш ҳаром. Шариатга биноан тубандаги тўрт ҳолдагина овга рухсат берилади: **1.** Овчи сўя оладиган киши бўлиши. **2.** Ов асбоби бўғизлашга яроқли бўлиши. Агар ит, лочин, бургут каби йиртқичлар билан овга чиқилса, улар қўлга ўргатилган бўлиши. **3.** Овчи, ити ёки қушини фақат ов мақсадида қўйиши. Агар овчи ит ёки овчи қуш эгасининг мақсадисиз ўлжа ушласа, унинг гўшти ҳаромдир. **4.** Ит ёки қушни қўяётганда “бисмиллаҳни” айтиши. Агар унутган ҳолда айтмай қолса ҳам ов ҳаром бўлиб қолади.

❁ **Озиқ-овқатлар баёни.** Инсон фарзанди еб-ичадиган нарсаларнинг барчаси озиқ-овқат ёхуд таом ҳисобланади. Таомлардаги аслик ҳалолликдир. Ҳар таом тубандаги уч ҳолатдагина ҳалол ҳисобланади: **1)**покиза бўлса, **2)** зиёнсиз бўлса, **3)** ифлос (нажас) бўлмаса. Аммо, ўлакса,

қон каби нажаслар, захар каби зиёнли нарсалар ва ахлат, бавл, бурга, бит каби ифлосликлар ҳаромдир.

✿ **Қуруқликда яшайдиган ҳайвонлардан** эшак ҳамда арслон, қоплон, бўри, ит, тўнғиз, маймун, мушук, тулки каби ўлжасини тиш-тирноғи билан овлайдиган ҳайвонлар ҳаромдир.

✿ **Қушлар орасидан** қирғий, қарчиғай, лочин, бойўғли каби тирноғи билан ўлжасига чанг соладиганлари ва бургут, қузғун, лайлак каби ўлаксахўр қушлар ҳаромдир.

✿ **Ҳаром таомлар жумласига** шунингдек, шаҳарда яшаган арабларга жирканч ҳисобланган сичқон, илон, кўршапалак, типратикон, сассиқпопушак, калар, қўнғиз, каскалдирик, қуртлар ва бошқа шу каби ўрмаловчилар, судралиб юрувчилар қиради.

✿ **Шунингдек, ислом шариати ўлдиришга буюрган** чаён билан ўлдиришдан қайтарган қумурсқалар, ҳалол ҳайвон билан ҳаром ҳайвонни дурагайлаштиришдан туғилган ҳайвонларнинг гўшти ҳам ҳаром таомлардан ҳисобланади. Аммо, гўшти ҳалол бўлган икки ҳайвонни дурагайлаштиришдан туғилган ҳайвоннинг (масалан, от билан зебрадан туғилган хачирнинг) гўшти ҳаром эмас.

✿ **Юқорида зикр қилинганлардан бошқа** от, туя каби уй ҳайвонлари, жирафа, қуён ва барча кийиксимон ҳайвонлар, шунингдек, туяқуш, тустовук, товус, тўтиқуш, кабутар ва барча турдаги чумчуқлар, ўрдак-ғозлар, барча сув қушлари шунингдек, тошбақа, илон ҳамда тимсоҳдан бошқа барча сув ҳайвонларининг гўшти ҳалолдир. Балчиқ ва шу каби жирканч нарсалар билан озиқланадиган қушлар, умуман олганда ҳалол, аммо, гўшtidан нажосат ҳиди анқиб турса ҳаромдир.

✿ **Озиқлар орасида мубоҳ бўлишига қарамай,** макруҳ ҳисобланганлари ҳам бор. Масалан, тупрок, кўмир ва лой каби ер жинсларини ҳамда пиёз, саримсоқ каби сабзавотларни истеъмол қилиш макруҳдир. Аммо, у сабзавотларни пиширилганда кароҳияти (макруҳлиги) кўтарилади.

✿ **Бу ерда четлаб ўтилмайдиган яна бир муҳим масала бор.** У ҳам бўлса, қайсидир инсон ўлар даражада оч қолсаю, ҳаромдан бошқа овқат топа олмаса, ўша ҳаром овқатдан жонини сақлаб қолиши учун, ўзак уйғотгудек микдорда ейишлиги... вожиб бўлади.

✿ **Масжидлар.** Уларни эҳтиёжга яраша қуриш вожиб. Масжидлар Аллоҳга энг севимли ўринлардир. Масжид ичида куй, кўшиқ, рақс, қарсак, мусиқа, эркак ва аёлларнинг аралашиб юруви, жинсий муомала ва савдо қилиш ҳаромдир. Масжидда савдо қилган одамга “Савдойингга Аллоҳ барака бермасин!” деб дуо қилиш суннат. Масжиддан йўқолган ҳайвонни излаш ҳаром. Бундай одамга “Аллоҳ йўқотганингни қайтармасин!” демоқ суннат. Аммо масжидда болалаларни ўқитиш, никоҳ ўқиш, жиноятчига ҳукм чиқариш, мубоҳ қўшиқларни айтиш, эътикоф ўтирганларнинг ва



бошқаларнинг ухлаши, меҳмоннинг тунаб қолиши, касални ётқизиш ва қайлула¹ уйқусини ухлаш мубоҳдир.

✿ **Масжидларда** бефойда, макруҳ сўзлардан, баланд овозда гапиришдан тийилиш ва уни заруратсиз йўл қилиб олишдан сақланиш суннатдир. Унда дунё ишларини гапириш, гиламларини ва бошқа буюмларини тўйга ёки таъзияга ишлатиш макруҳдир.

✿ **Одамнинг ёки ҳайвоннинг сурати** туширилган кийимни кийиш ёки шундай суратлари бор нарсаларни деворга илиш ёки ана шундай матолар билан савдо қилиш ҳаромдир.

✿ **Зино ширкдан кейинги ўринда** турган энг катта гуноҳлардандир. Имом Аҳмад айтган: “Мен одам ўлдиришдан кейин зинодан ўтган катта гуноҳ борлигини билмайман”. Зино ҳар хил бўлади. Энг манфур зино бу эри бор аёл билан, қўшниси билан ва яқин қариндоши билан зино қилишдир.

Бузуқиликнинг энг ифлоси баччабозликдир. Шунинг учун кўп уламолар баччабозларни ўлимга ҳукм қиладилар, агар бу йўлга уйланишдан олдин кирган бўлса ҳам. **Шамсуддин айтади: “Агар имом (муслмонлар раҳнамоси) баччабозларни куйдириб юборишни ҳоҳласа куйдириб юборади. Бу ҳукм Абу Бакр ва бошқа бир жамоа саҳобалардан ривоят қилингандир”.**

✿ **Кофирларни** байрами билан табриклаш, уларнинг байрамларида иштирок қилиш ва уларга аввал салом бериш ҳаромдир. Агар улар салом берса “Ва алайка” (сенга ҳам) деб жавоб бериш вожиб. Кофирларга ва аҳли бидъатга ҳурматан ўрнидан турмоқ ҳаром, қўл бериб омонлашиш макруҳдир. Шунингдек, уларга таъзия изҳор қилиш, касал бўлса зиёрат қилиш ҳаром. Илло агар шариат манфаати кўзда тутилса мумкин дир.

¹ Қаёлула – Бомдод намозидан кейин то чошгоҳга қадар ухлаш.

Шаръий руқйа

Аллоҳ таолонинг оламий ва одамий суннати ҳақида фикр қилган одам бу дунёдаги мусибатлар Аллоҳнинг ўша суннатларидан бири эканлигини билиб олади. Аллоҳ таоло деди: ﴿وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ﴾

“Биз сизларни бир оз хавф, очарчилик, мол-мулк ҳамда бола-чақанинг қаҳатчилиги билан синармиз. Сабрлиларга (жаннатни) башорат бер!”.

Демак, кимдир биров Аллоҳнинг солиҳ бандалари балою офатлардан олис бўлади деб эътиқод қилса, қаттиқ адашибди. Аксинча, балою синовларнинг келиши – бу иймоннинг далилидир. Пайғамбаримиздан (с.а.в.) “Қандай одам кўп синовларга дучор бўлар?” деб сўраганларида **“Пайғамбарлар, ундан кейин солиҳ одамлар, ундан кейин одамлар орасидаги шуларга ўхшаганлар. Банда динига яраша синалади. Агар динида мустаҳкам бўлса, унга синовлар ҳам кўп бўлади. Агар динида енгилтаклик бўлса, енгил синовларга учрайди”** (Ибн Можжа).

Яна айтишимиз мумкинки, Аллоҳ таоло севган бандасига синовларни юборади. Бунинг далили пайғамбаримизнинг мана бу сўзларидир: **“Аллоҳ таоло бир қавми севар бўлса, уларни синайди”¹**. (Ахмад).

Шунингдек, синовлар Аллоҳ таоло севган бандаси учун бир яхшилик нишонаси бўлиши ҳам мумкин. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Агар Аллоҳ бир бандасига яхшиликни ирода қилса, унга синовни мана шу дунёда нозил қилади. Қайси бандасига (ўзига яраша) ёмонлик бўлишини ирода қилса, уни гуноҳлари билан дахлсиз қўяди ва қиёматда жазоларини тўлиқлаб беради”** (Термизий).

Шунингдек, балоларнинг озгинаси ҳам гуноҳлар учун каффоратдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: **“Қайси бир мусулмон бир тикон ёки ундан бадтарроқ нарсадан мусибатланса ҳам, Аллоҳ ўша мусибат туфайли унинг гуноҳларини, худди (кузда) дарахт яроқлари тўкилиб тушгани каби ўчириб (тушириб) юборади”**. (Муттафақун алайҳ).

Демак, мўмин-мусулмон одам агар (тоза ибодатли бўла туриб) мусибатга йўлиқса, бу унинг ўтган гуноҳлари учун каффорат ва Аллоҳнинг олдидаги даражасини кўтариш деб ҳисобланар экан. Агар банда гуноҳкор ҳолида мусибатга учраса, бу унга каффорат бўлиш билан бирга гуноҳларидан огоҳлантиришдир. Аллоҳ таоло деди:

﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ مِمَّا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ﴾ **“Одамларнинг қўллари ясаган қилмишлари туфайли қуруқликда ва денгизда фасодлар зоҳир бўлди!”** (30/41)

✿ **Синовнинг турлари:** Синов икки турлидир: Яхшилик билан синаш, Ёмонлик билан синаш. Аллоҳ таоло деди: **«Биз сизларни залолатга тушарми деб, яхшилик ҳамда ёмонлик билан синаймиз»** (21/35) Синовнинг касаллик, ўлим билан келадиган турлари ҳам бор. Бу икки мусибатнинг энг асосий сабабларидан бири ҳасад ва сеҳрдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Аллоҳнинг қазою-қадаридан кейин, умматимнинг ўлимига энг кўп сабаб бўлган нарса бу ҳасаддир”** (Гаёлисий)

✿ **Кўздан ва сеҳрдан сақланиш.** Сақланиш шифонинг афзал турларидан

¹ **Балолар икки турлидир:** 1. Аллоҳнинг севган бандаларига келадиган синовлар. 2. Аллоҳнинг ғазабига учраганлар учун келадиган азоб ва жазолар.



биридирки, биз бунга аҳамият қаратмоғимиз лозим. **Сақланишнинг энг муҳим омилларидан деб тубандагилар ҳисобланади:**

✿ **Нафсни тавҳид билан қувватлантириш,** коинотнинг ягона бошқарувчиси Аллоҳ деб иймон келтириш ва эзгу (савоб) ишларни кўп бажариш.

✿ **Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога яхши гумонда бўлиш.** Унга таваккул қилиш. Инсонга кўз тегса ёки бошқа касаллик билан оғриб қолса ҳар қандай гумонларга берилавермаслиги керак. Чунки, бадгумонликнинг ўзи касалликдир.

✿ **Агар бир инсон ўзининг “кўзи борлиги” ва сеҳргарлиги билан машҳур бўлса,** ундан – кўрқув юзасидан эмас, балки эҳтиёт юзасидан – сақланмоқ лозим.

✿ **Инсон ўзида ёки бошқа бировда ўзига ёққан нарсаларни кўрса,** Аллоҳни зикр қилиши ва “боракАллоҳу лак” (Аллоҳ сенга баракот ато қилсин) деб дуо қилиши. Чунки, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Агар сизлардан бирингиз ўзида, молида ёки бошқа бировда ўзига ёққан ҳолни кўрса,** (унга суқ назар қилмасдан) **“боракАллоҳу лак”** (Аллоҳ сенга баракот ато қилсин) десин. Чунки, кўз тегиши ҳақиқатдир. (Ҳоким ривояти)

✿ **Кўздан сақланишнинг яна бир воситаси** сахар турганда расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаҳри Мадинайи мунавварада етиладиган “ажва” номли хурмодан етти дона истеъмол қилиш.

✿ **Аллоҳга ёлбориш ва таваккул қилиш.** Унга яхши гумонда бўлиш, кўз ва сеҳрдан мудом Аллоҳнинг исми билан паноҳ тилаш, зикр ва Аллоҳдан паноҳ тилаш калималарини ҳар куни, эртаю кеч тилдан туширмай юриш. Бу зикрларнинг таъсири Аллоҳнинг изни билан (инсоннинг иймоний ҳолатига қараб) кўпайиб ва озайиб туради. Тубандаги ҳолатларда зикрнинг инсонга таъсири кўп бўлади: **1)** Зикр калималарида айtilган маънолар ҳақиқат ва Аллоҳнинг хоҳиши билан фойда беради деб эътиқод қилса. **2)** Зикрларни тили билан ўқиб, қулоғи билан уқиб, сергак юрагига қуйиб олиши. Чунки, зикрлар дуо ҳисобланиб, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабар беришича, ғофил юраклардан қабул қилинмагай.

✿ **Зикрлар ва паноҳ тилаш калималари қайси вақтда айтилади?** Эрталабки зикрлар Бомдод намозидан кейин, кечки зикрлар эса Аср намозидан кейин ўқилади. Агар банда бу вақтларда унутиб қолса, қачон эсига тушган заҳоти айтаверади.

✿ **Кўз теккан ва руҳий касалларнинг аломатлари.** Медицина билан шаръий руқйа (дам солиш) бир-бирига қарама-қарши нарсалар эмасдир. Қуръону Карим руҳоний касалликларга қандий шифо бўлса жисмоний (физиологик) касалликларга ҳам ўшандай шифодир. Агар жисмоний соғлом одамга ҳасад теккан бўлса унда тубандагича аломатлар пайдо бўлиши мумкин: **1.** Мигрень (яъни икки чакка навбат билан оғрийди). **2.** Юз сарғаяди. **3.** Кўп терлайди. **4.** Кўп сияди. **5.** Иштаҳаси бўғилади. **6.** Титраб, қақшайди. **7.** Иситмаси кўтарилади. **8.** Терлайди. **9.** Жунжикади. **10.** Юрак уриши тезлайди. **11.** Орқабел билан икки елкада кўчиб юрадиган оғрикни ҳис қилади. **12.** Кўкраги қисилади. **13.** Қайғуради. **14.** Уйқуси қочади. **15.** Бесабаб кўрқади. **16.** Асабийлашади. **17.** Тўлқинланади. **18.** Кекиради ва **19.** Чуқур-чуқур нафас

олиб қолади. Шу билан бирга ёлғизликни, ялқовликни ёқтириб, кўп ухлайди ва бошқа тиббий ташхис (диагноз) қўйиб бўлмайдиган ғалати ҳолатларга тушади. Кўз теккан одамларда зарарланишнинг ҳажмига қараб мана шу аломатлардан баъзилари зоҳир бўлади.

✿ **Мусулмон одамнинг** иймони ва юраги бақувват бўлиши, ҳар хил васвасаларга берилмаслиги, агар ўзида юқорида саналган аломатлардан баъзиларини сезиб қолса ҳам таҳликага тушмаслиги лозим. Чунки, гумонга асосланган талвасанинг ўзи шифоси қийин касалликлардан ҳисобланади. Чунки, саналган аломатлар жисмоний касалларда ва баъзан соппа-соғ одамларда ҳам зоҳир бўлиши мумкин. Баъзи одамлар иймонининг заифлиги туфайли ҳам юраги сиқилиб, қайғураверадилар. Бундай пайтда банда Аллоҳга бўлган алоқасини (тоат-ибодат ва зикр-дуоларни) кучайтириши лозим.

✿ **Агар кишининг касали ҳасад (кўз тегиши) туфайли бўлса**, Аллоҳнинг изни билан тубандаги икки амал сабабли шифо топар: **1. Агар кўз отган (ҳасад қилган) одам белгили бўлса**, унга ювинишликни буюради ва у ювинган сув билан ювинади ёки ҳасадчининг овқат қолдиғини сувга аралаштириб ичади. **2. Агар ҳасадчи номаълум бўлса**, руқйа, дуолар ва ҳижома билан шифо топишга ҳаракат қилади.

✿ **Агар кишининг касаллик сабаби сеҳр¹ бўлса**, Аллоҳнинг изни билан, тубандаги усуллардан бири туфайли шифо топади: **1. Сеҳр ташланган жойни аниқлаб**, сеҳрланган (дуоланган) тугунни топиб, уни ечиб, икки “Қул аувзу” сурасини ўқиб ўзига дам солгач, куйдириб юборилади. **2. Шариат талабларига мувофиқ руқйа** қилинади (дам солинади). Бунда Қуръон оятлари, айниқса икки “Қул аувзу”, “Бақара” сураси ва бошқа махсус дуолар ўқилади. У махсус дуоларга кейинроқ тўхталамиз.

✿ **Сеҳрни ечиш.** Бунинг икки усули бор бўлиб, бири ҳаром усул, иккинчиси ҳалол усулдир. Ҳаром усули бу сеҳрни сеҳр билан даф қилишдир. Яъни мусибатланган одам сеҳрдан ҳалос бўлиш учун яна сеҳргарга (парихонларга, дуохонларга) мурожаат қилади. Ҳалол яъни шариат руҳсат берган усулнинг бир неча турлари бор: **1. “Сидр” деб аталган дарахтнинг** япроғидан етти дона олиб, янчиб, унга Қуръондан **103-112-113-114-** сураларни ўқиб, ундан кейин сувга аралаштириб ичади ва ўша сув билан ювинади. Шу амални то шифо топгунча такрорлайверади. Бу усулни Абдурраззоқ “Мусаннаф” номли китобида баён қилгандир. **2. Сеҳрни ҳайдаш.** Агар сеҳр одамнинг қорнида бўлса, қусиш ва ҳукна (клизма) билан чиқарилади. Бошқа аъзоларида бўлса ҳижома (қон олдириш) билан чиқарилади.

✿ **Руқйа.** Сеҳрдан, ҳасаддан ва бошқа руҳий ва жисмоний касалликлардан

¹ Сеҳр деб, дам солинган тугунларга ва шариатда кўрсатилмаган дуоларни ўқиб илму амал қилишга айтилади. Сейҳр одамнинг жисмига ва қалбига бевосита таъсир қилади. Гоҳо сеҳр туфаёли одам ўлиб қолиши, жаддий касалликларга чалиниши ёки аёли билан қўшила олмай қолиши мумкин. Шунингдек, эр билан аёлини ажраштирадиган, муомаласини совутадиған сеҳрлар ҳам мавжуд. Сеҳр даражасига қараб гоҳо ширк, кофирчилик, гоҳида эса ката гуноҳ бўлиши мумкин.



шаръий халос бўлиш усулларидан бири руқйадир. Руқйанинг бир неча шартлари бор бўлиб, улар: **1.** Қуръон оятлари ва шариат рухсат берган дуолар билан ўқиш. **2.** Араб тилида ўқиш. Агар Қуръондан бошқа дуолар бўлса, ўзи тушунган бошқа тилда ўқиса ҳам бўлади. **3.** Руқйа бевосита эмас, фақат Аллоҳнинг изни билангина шифо бўлади деб эътиқод қилиш. Руқйанинг таъсири яхши бўлиши учун Қуръонни шифо ҳамда ҳидоят ниятида ўқиш керак. Чунки, Қуръон инсоният ва жин олами учун шифо ҳамда ҳидоят ўлароқ нозил бўлгандир. Шунингдек, мусибатланган одамга кириб олган жинни ўлдириш қасдида ҳам Қуръон ўқилмайди. Сабаби, у (жин) бадтар ўчакишиб, касалга ва ўқиган одамга зиён етказиб қўйиши мумкин. Аммо, умуман чиқмай, бошқа чора қолмаганда уни ўлдириш мақсадида ҳам ўқилади.

❁ **Ким руқйа қилишга ҳақли?** Руқйа қилиш учун одамда тубандаги шартлар топилиши лозим: **1.** Мусулмон ва тақводор бўлиши. Руқйачи қанчалик тақводор бўлса, руқйаси шунчалик фойдали ва кучли бўлади. **2.** Руқйа қилаётганда тили ҳам, дили ҳам Аллоҳнинг зикрида ва Унинг ризоси учун холис бўлиши лозим. Шунинг учун инсон ўзига ўзи дам солгани афзал. Чунки ҳар бир одам ўзининг ҳолатини ва эҳтиёжини ўзи яхши билади. Аллоҳ таоло Ўзигагина муҳтож бўлиб ёлборганларнинг дуосини қабул қилади.

❁ **Кимга дам солиш мумкин ёки дам солдирувчидан нималар талаб қилинади?**

1. Иймонли бўлиши. Чунки, руқйанинг шифоси беморнинг иймонига яраша бўлади. Иймони йўқларга эса руқйа фойда бермайди. Аллоҳ таоло деди: ﴿وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ وَلَا يَزِيدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا خَسَارًا﴾ **“Биз Қуръонда иймонлиларгагина шифо ҳамда раҳмат бўлган оятларни нозил қилдик. Аммо, (бу оятлар, иймонсиз) зolimларнинг зиёнинигина қўпайтиради”** (17/82).

2. Аллоҳнинг шифо беришига ихлос билан ишониши. **3.** “Қачон фойдаси бўлади?!” деб, шифони шошилтирмаслик. Чунки руқйа – бу дуодирки, унинг қабул бўлишини шоштирганлар учун мустажоб бўлмай қолиши мумкин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: **“Сизларнинг орангиздан “Дуо қилган эдим қабул бўлмаяпти” демаган одамнинг дуосигина қабул бўлади”**. (Муттафақун алайх)

❁ **Руқйанинг бир неча тури мавжуд:** **1.** Руқйани ўқигач, енгилгина сўлак аралаштириб “Шуф” (ёки “суф”) демок. **2.** Суфламай ўқиса ҳам бўлади. **3.** Руқйа дуоларини ўқигандан кейин, бармоғи билан сўлагини олиб, тупроққа аралаштириб, оғриган жойга суркаш. **4.** Оғриган ерни силаб руқйа қилиш.

❁ **Руқйа учун ўқиладиган оятлар ва ҳадислар:** **1.** “Фотиҳа” сураси. **2.** “Оят ал Курсий”. **3.** “Бақара” сурасининг охириги икки ояти. **4.** “Кофирун” сураси. **5.** “Ихлос” сураси. **6.** “Фалақ” сураси. **7.** “Ан-нос” сураси.

❁ **Булардан бошқа яна тубандаги оятлар ва ҳадисларни ҳам ўқиса бўлади:**

Оятлардан:

Оят ал Курсий: ¹ ﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا

¹ Маъноси: “Аллоҳ... ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. Абадий тирик (ва ҳар нарсани бошқариб) Тургувчи. Уни на мудроқ босар ва на уйқу олар. Осмонлау Ердаги барча нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурда Ўзининг рухсатисиз ҳеч ким шафоат

الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ ۗ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ ﴿٢٨٥﴾

“Бақара” сүрасининг охириги икки ояти.¹

﴿ءَامَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَكَاتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا تَفِرُّونَ مِنْ رَسُولِهِ ۗ إِذْ تَقَرَّبُ إِلَيْهِمْ لِيُخَلِّصَ لَهُمْ أَمْوَالَهُمْ وَيُؤْتِيَهُم مِّنْ رَّبِّهِمْ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ ۗ﴾¹
 ﴿وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أُكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إَصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ۗ وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٨٦﴾﴾

﴿فَسَيَكْفِيكَهُمُ اللَّهُ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾²
 ﴿يَقُومُوا أَجِيبُوا دَاعِيَ اللَّهِ وَءَامِنُوا بِهِ ۗ يَغْفِرَ لَكُمْ مِّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُجْزِمَكُمْ مِّنْ عَذَابِ آلِيمٍ﴾³
 ﴿وَيُنزِلُ مِنَ الْقُرْءَانِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ وَلَا يَزِيدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا خَسَارًا﴾⁴
 ﴿أَمْرٌ يُحْسَدُونَ النَّاسَ عَلَىٰ مَا ءَاتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ﴾⁵

﴿وَإِذَا مَرَضَتْ فُهِوْ بِشْفِيهِ﴾⁶
 ﴿قُلْ هُوَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا هُدًى وَشِفَاءً﴾⁷
 ﴿لَوْ أَنزَلْنَا هَذَا الْقُرْءَانَ عَلَىٰ جَبَلٍ لَّرَأَيْتَهُ خَرُّشَعًا مُّنْصَدِّعًا مِّنْ خَشْيَةِ اللَّهِ﴾⁸
 ﴿فَارْجِعِ الْبَصَرَ هَلْ تَرَىٰ مِنْ فُطُورٍ﴾⁹
 ﴿وَإِنْ يَكَادُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَيُزْلِقُونَكَ بِأَبْصَرِهِمْ لَمَّا سَمِعُوا الذِّكْرَ وَيَقُولُونَ إِنَّهُ لَمَجْنُونٌ﴾¹⁰

кила олмас. У уларнинг (бадаларнинг) келажакларини ва ўтмишларини (тўлик) биладир. Аммо, улар Унинг илмидан ўзи (билдиришни) ҳоҳлагандан бошқани билмайдилар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан ҳам кенгдир. У иккисини сақлаш Уни ҳеч чарчатмагай! У энг Олий, энг Улуғдир!

Маъноси: 285. Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Оллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайгамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат ўзинга қайтажакимиз», дедилар. 286. Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди. (ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига ўзинг бизни ғолиб қил!

² “Сенга улар(нинг зиёни)дан Аллоҳ кифоя қилади. У Эшитгувчи, Билгувчидир” (2/137).

³ «Эй, қавмимиз! Аллоҳнинг даъватчисига ижобат қилинг ва унга иймон келтиринг! Ўшанда (Аллоҳ) сизларни кечиргай ва аламли азобдан сақлагай!».

⁴ “Биз Қуръонда иймонлиларагина шифо ҳамда раҳмат бўлган оятларни нозил қилдик. Аммо, (бу оятлар, иймонсиз) золимларнинг зиёнинигина кўпайтиради” (17/82).

⁵ «Ёки улар Аллоҳ ўзининг фазлидан берган нарса сабабли одамларга ҳасад қиладиларми» (4/54)

⁶ «Агар касал бўлсам, У менга шифо берар!» (26/80)

⁷ «Айт, у (Қуръон) иймонлилар учун ҳидоят ва шифодур!» (41/44)

⁸ «Агар Биз бу Қуръонни тоққа нозил қилганимизда, сен унинг Аллоҳдан қўрқиб парчаланиб кетганлигини кўрадинг!» (59/21)

⁹ «Яна бир қарра қарачи, (Аллоҳ яратган нарсаларда) бирон нуқсон кўрармикинсан?!»

¹⁰ (67/3)

«Албатта, кофирлар зикрни (Қуръонни) эшитганда сени қўзлари билан ағдариб юборгудек бўлурлар ва “бу – мажнундир!” дерлар» (68/51)

- ﴿ وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ أَلْقِ عَصَاكَ فَإِذَا هِيَ تَلْقَفُ مَا يَأْفِكُونَ ﴿١٣﴾ فَوَقَّ الْحَقُّ وَبَطَلَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾ فَغَلِبُوا هَنَالِكَ وَانْقَلَبُوا صَٰغِرِينَ ﴿١٥﴾ قَالُوا يُمُوسَىٰ إِمَانًا تَلْفِي وَ إِمَانًا تَكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَلْقَى ﴿١٦﴾ قَالَ بَلْ أَلْقَوُا فَإِذَا جَاهِلُهُمْ وَعَصَبُهُمْ يُجَلِّ إِلَيْهِ مِنْ سِحْرِهِمْ أَنهَاسَعَى ﴿١٧﴾ فَأَوْحَسَ فِي نَفْسِهِ خِيفَةَ مُوسَىٰ ﴿١٨﴾ فَلَمَّا لَا تَخَفُ إِنَّا أَنْتَ الْأَعْلَىٰ ﴿١٩﴾ وَالْقَىٰ مَا فِي يَمِينِكَ تَلْقَفُ مَا صَنَعُوا إِنَّمَا صَنَعُوا كَيْدَ سِحْرٍ وَلَا يُفْلِحُ السَّاحِرُ حَيْثُ أَقْبَلَ ﴿٢٠﴾ ۝﴾
- ﴿ ثُمَّ أَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ وَعَلَىٰ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٢١﴾ فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيْدِيَهُمْ يَجْتُمِدُ لَمْ تَرَوْهَا ﴿٢٢﴾ ۝﴾
- ﴿ لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٣﴾ ۝﴾
- ﴿ هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لِيَزِدُوا إِيمَانًا مَعَ إِيمَانِهِمْ ﴿٢٤﴾ ۝﴾

Хадислардан руқйа дуолари:

1. *“Асвалуллоҳ ал Азийма, Роббал Аршил азийми ай йушфийка”* (7 карра)⁷ (أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَظِيمَ رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ أَنْ يَشْفِيكَ.)
2. *“Уъийзука би калиматиллаҳи-т-тааммати мин кулли шайтаанин ва ҳаамматин ва мин кулли айнин лаамматин”* (3 карра)⁸ (أَعِيذُكَ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ غَيْبٍ لَامَّةٍ.)
3. *“Аллоҳумма Робан нааси, азҳибил баъса, ишфи, Анташ Шаафий, ла шифааъа илла шифааука шифааъан ла югаадиру сақоман”* (3 карра)⁹ (اللَّهُمَّ رَبَّ النَّاسِ أَذْهِبِ الْبَأْسَ إِشْفِ أَنْتَ الشَّافِي لَا شِفَاءَ إِلَّا شِفَاؤُكَ شِفَاءً لَا يُعَادِرُ سَقَمًا.)
4. *“Аллоҳумма азҳиб анҳу ҳарроҳа ва бардаҳа ва васобаҳа”* (1 карра)¹⁰ (اللَّهُمَّ أَذْهِبْ عَنْهُ حَرَّهَا وَبَرْدَهَا وَوَصَبَهَا.)
5. *“Ҳасбияллоҳу ла илаҳа илла Ҳув. Алайҳи таваккалту ва ҳува Роббал Аршил азийм!”* (7 карра)¹ (حَسْبِيَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ.)

¹ «Кейин, Биз Мусога: “Асойингни ерга ташла!”-деб вахий қилдик. Баногоҳ у сеҳргарларнинг сохта «илонларини» ютиб юборди. Натижада ҳақ аён бўлиб, (қофирлар) қилган ишлар ботил бўлди. Улар манна шу ерда мағлуб бўлишиб, шармандаларча қайтишди.. (7/117-119)

² 65. «Эй, Мусо (деди сеҳргарлар) ё сен (аввал қўлингдаги асони) ташла, ёки биз ташлаймиз. 66. Мусо деди: “Йўқ, сизлар ташлангиз”. Ташладилар. Баногоҳ (ташлаган) арқонлари ва таёқчалари, уларнинг сеҳри сабабли, унга (Мусога) ҳаракатлангандек кўринди. 67. Мусо бир сесканди. 68. Биз “Қўрқма, сен улардан олийдирсан. 69. Қўлингдаги нарсани (асони) ташлагин. Уларнинг сохта нарсаларини ютиб юборгай. Улар ясаган нарсалар сеҳргарларнинг найранги холос. Сеҳргар қаерда бўлмасин, мақсадига етмас” дедик”. (20/65-69)

³ «Кейин Аллоҳ Ўз пайғамбарига ва иймончиларга хотиржамлик туширди” (9/26)

⁴ «Кейин Аллоҳ унга Ўз хотиржамлигини нозил қилди ва сизлар кўрмаган аскарлар билан қўллади” (9/40)

⁵ «Дарахтнинг тубида сенга байъат қилган вақтда Аллоҳ мўминлардан рози бўлди. Уларнинг қалбидагини билди. Кейин уларга хотиржамлик нозил қилиб, яқин ғалаба билан муқофотлади» (48/18)

⁶ “(Аллоҳ) иймонларига яна иймон қўшиш учун мўминларнинг қалбига хотиржамлик индирди” (48/4)

⁷ «Буюк Аршининг Роббиси бўлган Улуғ Аллоҳдан сенга шифо тилайман!”

⁸ “Мен сенга Аллоҳнинг комил Сўзлари ила паноҳ сўрайман: ҳар қандай шайтондан, илончаёндан ва ҳар қандай зиёнкор кўздан!”

⁹ «Эй, Аллоҳим! Инсонлар Роббиси! Мана шу касални кетиргайсан! Шифо бер, Ўзинг шифо бергувчисан! Ўзингнинг шифойингдан бошқа шифо йўқдир! Шифо бер, хасталикни қолдирмайдиган!”

¹⁰ «Эй, Аллоҳим! Ундан иситмини, жунжикишни ва қайғуларини арилтгайсан!”

6. (بِسْمِ اللَّهِ أَرْقِيكَ مِنْ كُلِّ دَاءٍ يُؤْذِيكَ وَمِنْ شَرِّ كُلِّ نَفْسٍ أَوْ عَيْنٍ حَاسِدٍ، اللَّهُ يَشْفِيكَ بِسْمِ اللَّهِ أَرْقِيكَ) *“Бисмиллаҳи урқийка, мин кулли даъин юъзийка, ва мин шарри кулли нафсин ав ғайнин ҳаасидин, Аллоҳу юшфийка, бисмиллаҳи урқийка”* (3 карра)²

7. بِسْمِ اللَّهِ «Бисмиллаҳ» (3 карра) «Бисмиллаҳни» айтганда оғриган жойга қўлни қўйиб, тубандаги дуони ўқилади: *أَعُوذُ بِعِزَّةِ اللَّهِ وَقُدْرَتِهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجِدُ وَأَحَازِرُ* *“Аувзу би иззатиллаҳи ва қудратиҳи мин шарри ма ажиду ва уҳазиру”* (7 карра)³

Эслатмалар:

① «Кўзи теккан одамнинг сийдигини ичиш керак», «Бир нарчасини билдирмай олиб, тутатиш керак. Аммо, ўзи кўриб қолса фойдаси бўлмай қолади!» каби шариатда йўқ ваҳималарни тасдиқламаслик лозим.

② Кўздан сақлайди деган эътиқод билан ҳар хил кўзмунчок, кўзтикон каби нарсаларни тақиш ширкдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) *“Ким бир нарса(ни) “сақлайди” деб тақиб олган бўлса, ўшанга топширилади”* (Термизий) деганлар. Бироқ, агар тақилган тумор Қуръондан бўлса, бу ихтилофли масала⁴, аммо, тақмаган афзал.

③ Машинага ёки бошқа транспорт воситасига “Мо шоАллоҳу, таборақАллоҳу!” деб ёзиб олиш, қилич, пичоқ каби нарсаларнинг суратини илиб олиш, Қуръонни ёки оятларини ёзиб олиш... буларнинг барчаси кўздан сақламайди. Аксинча, гоҳо шариат ҳаром қилган туморларнинг қаторига кириб қолиш эҳтимоли бор.

④ Бемор одам дуо қабул бўлишига ишониб туриши ва “қачон қабул бўлар экан?!” деб сабрсизлик қилмаслиги лозим. Негадир одамлар табибларнинг “Бу дорининг таъсири аста секинлик билан, баъзан умр мобайнида бўлади” деган сўзларини совуққонлик билан қабул қиладиларда, руқйанинг таъсири кечикса жазавага тушадилар. Йўқса, у Қуръондан ўқиган ҳар бир ояти учун ўн хисса савобга эга бўлмоқда. Демак, сабрсиз бўлиш ўрнига дуоларни кўпайтириб, гуноҳларига тавба қилиб, садақалар бериши керак. Шифонинг тезлашувига айнан мана шу нарсаларнинг таъсири бор.

⑤ Беморга кўплашиб Қуръон ўқиш Суннатга тўғри келмаганлиги сабабли таъсири оздир. Шунингдек, руқйани овоз ёзиш жиҳозларига ёзиб олиб фойдаланиш билангина чекланиш ҳам дуруст эмас. Чунки, руқйанинг бир шарти ниятдир. Овоз ёзиш воситаларидан руқйа сифатида фойдаланганда мана шу шарт ўз ифодасини топмай қолади. Руқйани то таъсири бўлгунга қадар такрорлаш суннатдир. Агар чарчаса оз-оздан бўлса ҳам давом эттиравериш

¹ “Менга Аллоҳ кифоядир! Ўзидан ўзга ибодатга лойиқ худо йўқдир! Ўзига тававккул қилдим ва У Буюк Аршнинг Роббисидир!”

² “Ҳар қандай ҳасадчи назардан, ёмон нафсдан ва сенга зиёнкор дардлардан сени руқйа қиламан! Аллоҳ сенга шифо берар! Мен сени Аллоҳнинг номи билан руқйа қиламан!”

³ «Мен ўзим ҳис қилган ва сақланган нарсаларнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг қудрати ва иззати ҳурмати паноҳ тилайман!”

⁴ Баъзи бир олимлар фақат табаррук учун тақишга руҳсат берганлар. Аммо, «сақлайди» деган ниятда Қуръон оятлари тақилмаслигига уламолар иттифоқ қилганлар.

керак. Шунингдек, муайян бир сонни белгилаб олиб, фақат ўшанга чекланиб олиш ҳам, агар Қуръону Суннатдан далили йўқ бўлса дуруст эмасдир.

6 Аммо, дам солиб, дуо ўқиб турган одамни сиртдан қараганда, суннатга мувофиқ руқйа қиляптими ёки сеҳргарми – билиш амру маҳолдир. Чунки, сеҳргарлар ҳам аксар пайтларда “бисмиллаҳни” айтиб, Қуръон ўқийдилар, масжидларнинг олдида, бозорларда Аллоҳни тилга олиб ўтирадилар. Булар суннатга мувофиқ руқйани билмаганларни осонгина адаштириб қўйиши мумкин.

➤ **Тубанда товламачи сеҳргарларнинг аломатларидан баъзиларини айтиб ўтамиз:** **1.** Келган мижоздан ўзининг ёки отасининг исмини сўрайди. Руқяда эса бу шарт йўқ ва бунинг ҳожати ҳам, ҳеч қандай таъсири ҳам йўқ.

2. Бемордан баъзи бир кийимларини беришликни сўрайди. **3.** Жинларга қурбонлик ёки қонини беморга суркаш учун мижоздан махсус бир жониворни келтиришни сўрайди. **4.** Ўзи ҳам тушунмайдиган бемаъни дуоларни ўқийди ёки тумор қилиб ёзиб беради. **5.** Беморга қоғоз беради. Унинг ичида ҳар хил бурчакли ёки доира шакллар, унинг ичида қандайдир ҳарфлар ва сонлар ёзилган бўлади. Сеҳргарлар бу матоҳларини “ҳижоб” деб атайдилар.

6. Мижозга муайян кунларгача сувга яқин йўламасликни маслаҳат берадилар.

7. “Ерга кўм”, “қуйдириб юбор”, “тутат” деб, мижозга қоғоз, латта ва ҳоказо нарсаларни берадилар. **8.** Мижозга ишонсин учун унинг номини, қандай касал билан оғриганини ва қайси ердан келганлигини айтиб беради¹. **9.** Беморга ташхис қўяди ёки қўйган ташхисини алоқа воситалари билан айтади.

7 Аҳлу Сунна ву Жамоа мазҳаби мусулмонлари жинларнинг инсон ичига кириб олишига иймон келтирадилар. Бунга далил Аллоҳ таолонинг **“Фойда еган (судхўр) одамлар (қийёматда) жин уриб ақлдан озган одамдек турадилар”** (2/275) деган оятидир.

¹ Буни унга жинлари айтиб турадир.

Дуо

Оламдаги барча одамлар ҳеч кимга муҳтож бўлмаган Аллоҳ таолога муҳтождир ва ҳар дам Ундан ўз эҳтиёжларини сўраб турурлар.

Чунки, Аллоҳ таоло буни бандаларига фарз қилгандир:

﴿ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ﴾ **“Менга дуо қилинглар, сизларга ижобат қилурман. Аммо, Менга ибодат (дуо) қилишдан кибр қилган одамлар эса, хўрланган ҳолда дўзахга кирурлар!”** (40\6).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деганлар: “Ким Аллоҳдан сўрамаса, (Аллоҳ) ундан газабланар”. (Ибн Можжа).

Бунинг акси ўларок, Аллоҳ таоло бандасининг дуоси сабабли севинадир. Эринмай Ўзига дуо қилганларни севадир ва Ўзига муқарраб (яқин) қиладир. Пайғамбаримизнинг саҳобалари буни яхши билганлар ва бунга жиддий аҳамият бериб, ҳар бир мақсадларини Аллоҳдан сўраганлар. Билъакс, Илоҳнинг махлуқларидан бир нарса сўрашдан ибо қилганлар. Сабаби, улар умидимиз фақат Аллоҳга боғланса экан, фақат Унинг Ўзига яқин бўлсак ва У ҳам бизни Ўзига яқинлаштира экан деб тилаганлар. Чунки улар Аллоҳнинг: ﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ﴾ **“(Эй, Муҳаммад), агар бандам Мен ҳақимда сўраса (айтгин), Мен (унга) яқиндирман!”** деган ваъдасини яхши билганлар ва амал қилганлар.

Аллоҳ таолонинг наздида дуонинг ўрни каттадир ва улуғ нарсадир. Шунинг учун дуо (барча талаб ва шартлари бажарилган тақдирда) қабул бўлмай ва балони даф қилмай. Ундан кейин Аллоҳ таоло дуо қилган бандасига пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилган тубандаги уч нарсадан бирини ато қилмай: **“Қайси баир бандаки, дуосида гуноҳни, қариндошликни узишликни сўрамаса, Аллоҳ таоло унга ўша дуоси сабабли уч нарсанинг бирини берадир: ё тез орада тилаганини берар ёки уни (тилагани) охиратга кечиктирар ёки (унга келаётган) ёмонликлардан сўраганига ярашасини ундан буриб юборар”.** Шунда саҳобалар: “У ҳолда (дуоларимиз зимнида мақсад ва тилақларимизни) кўпайтирсакми?” деганларида расулуллоҳ (с.а.в.) **“Аллоҳ кўпроқ берадир”** дедилар”. (Аҳмад)

❖ **Дуонинг турлари:** Дуонинг икки тури мавжуд: 1) **Ибодат дуоси.** Намоз, рўза каби. 2) **Эҳтиёж ва масала сўраш.**

❖ **Қайси амал афзал?** Қуръон ўқишми, зикрми ёки Аллоҳга дуо қилиб, эҳтиёжларни сўрашми? Умуман олганда барчасидан Қуръон ўқишлик афзалдир. Бирок, баъзи ўринларда ва шартларда қолган иккиси афзалликда биринчи ўринга чиқиб қолиши мумкин. Масалан, Арафа кунида Арафот майдонида туриб дуо қилмоқ Қуръон ўқишдан афзал бўлади. Шунингдек, фарз намозлардан кейин пайғамбаримиздан мерос зикрларни қилиш ҳам Қуръон ўқишдан афзалдир.

❖ **Дуонинг қабул бўлиш сабаблари** иккидур: зоҳирий ва ботиний.

А) Зоҳирий сабаблар: садақа, таҳорат, намоз, қиблага юзланмоқ, намозда қўлни кўтармоқ, Аллоҳнинг Ўзигагина хос бўлган мақтовлар ва сифатлар билан мурожаат қилмоқ, сўраган нарсасига муносиб бўлган Аллоҳнинг сифатларини тилга олмоқ. Масалан, Аллоҳдан жаннатни сўраганда Унинг



“Рахийм” (Меҳрибон), “Карийм” (Саховатли) каби исм-сифатлари билан муурожаат қилмоқ, золимдардан ўч олиб беришини сўраганда Унинг “Жаббор” (Бўйсундирувчи) ва “Қахҳор” (Қудратли, Қахрли) исмлари билан ёлбормоқ ва ҳоказо. **Зоҳирий сабаблардан баъзилари** тубандагилардир: **1.** Дуонинг бошида, ўртасида ва охирида пайғамбаримизга салавоту саломлар айтмоқ. **2.** Гуноҳига икром бўлиб, берган неъматлари учун Аллоҳга шукр қилмоқ. **3.** Далилларда келган “қабул бўлишга муносиб вақтларда ва ўринларда” дуо қилмоқ.

Дуонинг қабул бўлиши умид қилинган вақтлар: Кун-тун орасидаги вақтлар: **1.** Кечанинг охирида: учдан бири қолганда. Чунки, пайғамбаримизнинг (с.а.в.) хабар беришича бу маҳалда Аллоҳ таоло дунё осмонига (ҳеч нарсага ўхшамаган ва Ўзининг жалолатига муносиб тарзда) тушади ва “Ким ҳозир Мендан нимани сўраса бераман” дейди. **2.** Азон билан такбирнинг ораси. **3.** Таҳоратдан кейин. **4.** Саждада турганда. **5.** Намозда саломга қадар. **6.** Намозлардан кейин. **7.** Қуръон ўқигандан кейин. **8.** Хўроз кичқирганда. **9.** Сафарда. **10.** Мазлум бўлиб турганда. **11.** Ўта муҳтож бўлиб, зориқиб турганда. **12.** Отаси боласига дуо қилганда. **13.** Мусулмон одам биродарининг ҳаққига у йўқ маҳалда дуо қилса. **14.** Душманга йўлиқиш одидан.

Ҳафта ичида: Жума куни. Айниқса, намози жумъанинг охириги соатларида. Ойлардан: **1.** Рамазонда ифтор олдидан ва саҳалиқда. **2.** Лайлатул қадр кечасида. **3.** Арафот куни.

❖ **Аммо, дуо қабул бўладиган улуғ ўринлар ҳақида айтсак:** **1.** Барча масжидлар. **2.** Каъбада. Айниқса унинг мултазам қисми яъни, Ҳажарул асвад билан Каъба эшигининг орасида ҳамда Мақому Иброҳимда. **3.** Сафо билан Марва тепалигида. **4.** Арафотда. **5.** Муздалифада. **6.** Минода. **7.** Замзам сувини ичиш олдидан ва ҳоказо.

Б) Ботиний сабаблар: Дуога қадар: **1.** Ҳақиқий тавба. **2.** Бировнинг ҳаққидан қутулиш. **3.** Егани, ичгани, кийгани ва яшаш жойи ҳалол бўлса. **4.** Кўп тоат ва ибодат. **5.** Ҳаромлардан сақланиш. **6.** Шубҳали ва шаҳватли нарсалардан ҳазар. **Дуо пайтида:** **1.** Юракнинг уйғоқ бўлиши. **2.** Аллоҳдан умид. **3.** Қаттиқ ёлборув. **4.** Фақат Ўзига ялиниш. **5.** Берилиб, зерикмай сўраш. **6.** Натижани фақат Ўзидан кутиш. **7.** Ундан бошқага умид боғламаслик. **8.** Қабул бўлишига ишониш.

❖ **Дуонинг қабул бўлишига нималар монеълик қилади?** **1.** Аллоҳга қўшиб бошқага дуо қилиш. **2.** Умумий нарсадан бир нарсани ажратиб дуо қилиш. Масалан, дўзахдан паноҳ тилаётган одам “Эй Аллоҳим! Мени дўзахнинг иссиғидан, торлигидан, зулматидан сақла!” дегани каби. **3.** Ўзининг ва бошқаларнинг зиёнига ноҳақ дуо қилиш. **4.** Гуноҳ нарсани ва қариндошлиқни узишлиқни сўраш. **5.** Аллоҳнинг хоҳишини шарт қилиш. Масалан, “Эй Аллоҳим, агар хоҳласанг...” каби. **6.** Дуони шошилтирмоқ, натижа бўлмаяти деб бесабр бўлмоқ. **7.** Зерикиб, дуони тўхтатиб қўймоқ. **8.** Ҳиссиз дуо қилмоқ. **9.** Дуо одобларини сақламаслик. Дуо одобларидан бири, дуонинг бошида, ўртасида ва охирида пайғамбаримизга салавот ва саломлар айтмоқдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир

кишининиг намозда бироқ, ўзларига салавот айтмасдан дуо қилаётганлигини кўрганларида: **“Бу одам шошиляпти!”** дедилар ва бошқа бир кишини чақириб, **“Қачонки сизлардан бирингиз Аллоҳга дуо қилса, аввало Аллоҳга ҳамду санолар, ундан кейин пайғамбарга салавотлар айтсин ва ана ўшандан кейингина ҳоҳлаган нарсасини сўрасин!”** дедилар. (Термизий). **10.**

Мумкин бўлмаган нарсани сўраш. Масалан, мана шу дунёда абадий яшашни сўраш каби. **11.** Ошиқча чўзиб, басталаб, оҳангга солиб дуо қилиш. Аллоҳ таоло деди: ﴿ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمَعْتَدِينَ﴾ **“Роббингизга кўрққан ва махфий ҳолда дуо қилинг! Зеро, У ҳаддидан ошганларни севмас!”** (7/55).

❖ Ибн Аббос дедилар: “Дуо қилганда чўзиб, оҳангга солиб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Мен пайғамбаримизга ва саҳобалларга замондош яшадим. Улар бундай қилмас эдилар” (Бухорий). **12.** Дуода овозни ҳаддан ташқари баланд қилиш. Аллоҳ таоло деди: ﴿وَلَا تَجْهَرُ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافُ بِهَا وَابْتَغِ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا﴾ **“Намозингни (дуойингни) жаҳрий ҳам, махфий ҳам қилма. Шу(иккиси)нинг орасини танла”** (17/110).

❖ Оиша онамиз: **“Бу оят дуо ҳақида нозил бўлгандир”** деганлар.

❖ Дуонинг мустаҳаб (пайғамбаримизга севикли) бўлган шакли мана бундайдир: аввало Аллоҳга ҳамду сано ва пайғамбаримизга салавот ва саломлар айтади. Ундан кейин гуноҳларига тавба қилади. Ундан кейин берган неъматлари учун Аллоҳга шукрона изҳор қилади. Ундан кейин ихлос билан қисқа аммо, пурмаъно дуо қилади. Дуони яна салавоту салом билан тугулайди.

Тубандаги дуоларни ёдлаб олинг

Қачон ўқилади?	Пайғамбаримиздан мерос дуолар
Уйкудан олдин ва кейин	<p>Ўтиш олдидан: «بِسْمِكَ اللَّهُمَّ أَمُوتَ وَأَحْيَا» “Бисмикаллоҳумма амууту ва аҳйа”¹</p> <p>Турганда: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَمَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ» “Алҳамду лиллаҳиллазий аҳйаана баъда маа амаатана ва илайҳиннушуур”²</p>
Уйкусида чўчиганда	«أعوذ بكلمات الله التامات من غضبه وعقابه، ومن شر عباده، ومن همزات الشياطين، وأن يحضرون» “Ауузу би қалиматиллаҳит тааммати мин ғазабихи ва иқобихи ва мин шарри ибаадиҳи ва ин ҳамазаатиш шаятийни ва ай яҳзуруун” ³
Туш кўрганда	Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «сизлардан бирингиз яхши туш кўрса бу Аллоҳдандир. Демак, Унга ҳамд айтиб, бу тушни айта берсангиз бўлади. Аммо, ёмон туш шайтондандир. Демак, унинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраб, у тушни ҳеч кимга айтмасин”
Бир жойдан чикса	(اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَرُؤَ، أَوْ أُضِلَّ أَوْ أُضَلَّ، أَوْ أَظْلَمَ أَوْ أُظْلَمَ، أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ) “Аллоҳумма инний ауузу бика ан азалла ав узилла ав адила ав удилла ав аслама ав узлима ав ажҳала ав ужҳила алайя” ⁴

¹ «Аллоҳим, Сенинг номинг ила ўларман ва Сенинг номинг ила тириларман!» Анткени, уйку кичинекей ўлм болуп саналат

² «Ўлгандан сўнг қайта жон бахш этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!»

³ «Мен Унинг ғазабидан, жазосидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтоннинг васвасасидан ва (шулар) менда бўлишлигидан Аллоҳнинг комил сўзлари ҳаққи паноҳ тилайман!»

⁴ Эй, Аллоҳим! Мен адашувдан ва мени биров адаштиришлигидан, тойилишдан ва мени тойдиришлигидан, зулмдан ва менга зулм қилишларидан, нодонликдан ва менга нодонлик қилишларидан паноҳ тилаб ўзингга мурожаат қиламан!”



	((بِسْمِ اللّٰهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللّٰهِ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللّٰهِ)) “ <i>Бисмиллаҳи таваккалту алаллоҳи ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!</i> ” ¹	
Масжидга кирганда	Агар масжидга кирса, ўнг оёғи билан кириб: “ <i>Бисмиллаҳи вассаламу алаа росулиллаҳи, Аллоҳуммағфир лий зунувбий вафтаҳ лий абвааба роҳматик</i> ” дейди. ²	
Масжиддан чиққанда	Чап оёғини ташлаб: “ <i>Бисмиллаҳи вассаламу алаа росулиллаҳи, Аллоҳуммағфир лий зунувбий вафтаҳ лий абвааба фадлик</i> ” ³	
Уйланганда	Уйланган одамга: « <i>بارك الله لك وبارك عليك وجمع بينكما في خير</i> » “ <i>Барокаллоҳу лака ва барокаллоҳу алайка, ва жамаъа байнакума фил хайр!</i> ” ⁴	
Хўрознинг, итнинг ва эшакнинг товушини эшитганда	«Агар эшакнинг товушини эшитсангиз унинг ёмонлигидан паноҳ тиланг, чунки у шайтонни кўрган бўлади. Аммо, хўрознинг қичқирганини эшитсангиз, Аллоҳнинг фазлидан сўранг. Чунки, фариштани кўрганда қичкиради». “Агар кечаси итнинг хурганини ва эшакнинг ханграганини эшитсангиз, Аллоҳдан паноҳ тиланг!”	
Сизга биров учун яхши кўраман	«Сени Аллоҳ учун яхши кўраман» деса...	«Агар мени Аллоҳ учун севсангиз, сизни ҳам Аллоҳ севсин!»
Мусулмон ёки кофир акса урганда	«Агар сизлардан бирингиз акса уриб «ал-ҳамду лиллаҳ» деса, унга биродари “ярҳамукАллоҳу!” десин. Агар “ярҳамукАллоҳу” деса, унга “яхдийкумуллоҳу ва юслиҳ баалакум!” десин”. “Агар бир кофир акса уриб “алҳамду лиллаҳ” деса, унга “яхдийкумуллоҳу” (Аллоҳ сенга ҳидоят берсин) денг, “ярҳамакАллоҳу” (Аллоҳ раҳм қилсин) деманг”.	
Қайғули пайтларда	« <i>لا إله إلا الله العظيم لا إله إلا الله رب العرش العظيم لا إله إلا الله رب السموات ورب الأرض رب العرش العظيم</i> » “ <i>Ла илаҳа иллаллоҳул Ҳалиймул Азийму, ла илаҳа иллаллоҳу Роббул аршил азийми, ла илаҳа иллаллоҳу роббус самаавати ва роббул арди роббул аршил азийми!</i> ” ⁵ “ <i>Йа Хаййун, йа Каййуемун! Би роҳматика астағийс!</i> ” ⁶	
Душманга йўликқанда	« <i>اللهم منزل الكتاب ومجري السحاب سريع الحساب اهزم الأحزاب اللهم اهزمهم وزلزلهم</i> » “ <i>Аллоҳумма мунзилал китааб ва Мужерияс саҳааб, сарийъал ҳисааб, аҳзимил аҳзааб! Аллоҳумма аҳзимҳум ва залзилҳум!</i> ” ⁷	
Иш Оғир бўлса	« <i>اللهم لا سهل إلا ما جعلته سهلا وأنت تجعل الحزن إذا شئت سهلا</i> » “ <i>Аллоҳумма ла саҳла илла ма жаъалтаҳу саҳлан. Ва Анта тажъалул ҳазана иза шиъта саҳлан!</i> ” ⁸	

¹ Аллоҳнинг исми билан ўзимни Аллоҳга топширдим! Барча куч ва қудрат Аллоҳдандир!

² «Аллоҳнинг номи билан! Аллоҳнинг элчисига салават ва саломлар бўлсин! Аллоҳим, менинг гуноҳларимни кечир ва менга раҳмат эшикларингни оч!» десин.

³ «Аллоҳнинг номи билан! Аллоҳнинг элчисига салават ва саломлар бўлсин! Аллоҳим, менинг гуноҳларимни кечир ва менга раҳмат эшикларингни оч!» десин.

⁴ «Аллоҳ (сени унга, уни) сенга баракотли қилсин! Орангизни яхшиликла жамласин!» дейди..

⁵ Ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Азийму Ҳалийму Аллоҳ бордир! Ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Улуғ Арш Роббисигина бордир! Ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Улуғ Аршнинг, Ернинг ва осмонларнинг Роббиси Аллоҳгина бордир!

⁶ “Эй, абадий Ҳаёт, эй, (оламларни сақлаб, идора қилиб) Турғувчи! Раҳматинг хурмати Сенгагина сиғинаман!

⁷ «Аллоҳим! Эй, осмондан китоб нозил қилувчи! Эй, булутларни юргизувчи! Эй, тез ҳисоблашувчи! Душманларни тор-мор қил! Эй, Аллоҳим! Уларни тор-мор қил ва юрагига кўркинч сол!»

⁸ «Аллоҳим! Ўзинг енгил қилган нарсагина енгилдир! Агар хоҳласанг қайғуни ҳам енгил қиласан!»

Қарздан кутулганда	« اللهم إني أعوذ بك من الهم والحزن والعجز والكسل والجبن والبخل وضع الدين وغلبة الرجال » “Аллоҳумма инний аузуу бика минал ҳамми вал ҳазани вал ажзи вал касали вал жубни вал бухли ва далаъуд даъни ва галабатир рижсаали” ¹
Ҳожатхонага кириш олдидан	Кираётганда: « اللهم إني أعوذ بك من الخبث والخبائث » ² “Аллоҳумма инний аузуу бика минал хубуси вал ҳабаиси” Чикқанда: “ <i>غفرانك</i> » «Мени кечиргил!» ³
Намозда шайтон адаштира	« <i>أصو بيلлахи минаш-шайтоонир-рожийм</i> » деб, шайтондан паноҳ тилаб, чап тарафига уч марта туфлайди.
Сажада	« <i>Аллоҳуммағфир лий занбий куллаҳу, диққаҳу ва жиллаҳу, аввләҳу ва аахираҳу ва алаанийятаҳу ва сирраҳу!</i> » ⁴ « <i>Аллоҳумма инний аузуу би ризока мин сахатика, ва би муъафатика мин укуубатика, ва аузуу бика минка, ла уҳсий санаа, ан алайка. Анта камаа аснайта алаа нафсика!</i> » ⁵
Тиловат саждаси	« اللهم لك سجدت وبك آمنت ولك أسلمت سجد وجهي للذي خلقه وصوره وشق سمعه وبصره تبارك الله أحسن الخالقين » “ <i>Сажада ваъҳий лиллазий халақаҳу ва саввараҳу ва шаққо самъаҳу ва басораҳу би ҳавлиҳи ва қувватиҳи! Табаарокаллоҳу аҳсанал холиқийн!</i> ” ⁶
Намозга киришув	« اللهم باعد بيني وبين خطاياي كما باعدت بين المشرق والمغرب، اللهم نقني من خطاياي كما ينقى الثوب الأبيض من الدنس، اللهم اغسلني بالماء والثلج والبرد » “ <i>Аллоҳумма, бааид байний ва байна хатаая камаа бааъадта байнал машириқи вал магриби! Аллоҳумма, наққиний мин хатаайоя камаа юнаққа ас савбул абяду минад данас! Аллоҳумма, агилний мин хатаайоя бис салжи вал мааи вал барад!</i> ” ⁷
Намознинг охирида	« اللهم إني ظلمت نفسي ظلماً كثيراً ولا يقدر الذنوب إلا أنت، فاغفر لي مغفرة من عندك وارحمني إنك أنت الغفور الرحيم » “ <i>Аллоҳима инний золамту нафсий зулман касийрон! Ва ла яғфируз зунуувба илла Анта! Фағфир лий мағфиротан мин индика варҳамний! Иннака Анта ал Ғофурур Роҳийм!</i> ” ⁸
Яхшилик қилувчига	“ <i>Жазаакаллоҳу хойрон!</i> ” яъни “Аллоҳ сизга яхшилик ато қилсин!» деб ташаққур изҳор қилади. Бу дуони эшитган одам эса: “ <i>Ва иййак!</i> ” яъни «Сизга ҳам» деб жавоб беради.

¹ «Аллоҳим! Мени қайғудан, ожизликдан, ялқовликдан, бахилликдан, қарз юкидан ва одамларга энгилиб қолишдан сақла!»

² «Аллоҳим! Мени эркак ва ургочи жинлардан сақла!»

³ Замондош олимлардан бири бу дуо мазмуни ҳақида: «Агар ўйласак, одамга ўзининг ахлатини чиқара олишлиги ҳам жудда ката неъматдир. Аммо, нонқўр инсон бунинг неъматлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Бошқа неъматларни кўйинг, мана шу ҳаёлга келмаган неъматнинг шукронасини қиляптими инсни нодан?! Ҳожатдан чикқандан кейинги «Мени кечир!» дейишликнинг маъноси шу бўлса ажаб эмас, валлоҳу аълам» деган эди.

⁴ “Эй, Аллоҳим! Менинг барча гуноҳларимни: каттаю кичкинасини, махфий – ошқорасини ва аввалги – охиргиларини кечиргайсан!»

⁵ Эй, Аллоҳим! Мен Сенинг ғазабингдан розилигинг билан, азобингдан офиятинг билан ва Сендан Сенинг Ўзинг билан паноҳ тилайман! Сен Ўзингга айтган саноларни мен ҳеч қачон санаб адо қилолмасман. Сен Ўзингга сано айтгандексан!»

⁶ Менинг юзим уни яратган, суврат ҳамда шакл берган ва кўзу қулоғини ёрган Аллоҳга сажда килди! Энг гўзал яратувчи Аллоҳ Улуғдир!»

⁷ “Эй, Аллоҳим! Мен билан гуноҳларим орасини шарқ билан ғарбдек узоклаштиргайсан! Аллоҳим, гўё оқ тўнни кирлардан тозалагандай, мени ҳам хатоларимдан тозалагайсан! Аллоҳим, мени сув билан, қор билан ва дўл билан поклагил!»

⁸ Эй, Аллоҳим! Мен ўзимга кўп зулм қилдим! Гуноҳларни Сенгина кечиргайсан. Мени Ўз мағфиратинг ила кечиргайсан ва менга райм айлагайсан! Зеро, Ўзинг Кечиргувчи, Мехрибондирсан!»

Ёмғир ёққанда	« <i>مطربنا بفضل الله ورحمته</i> » <i>“Мутирнаа би фадлиллаҳи ва роҳматиҳи”</i> , ¹ деб, кўп дуо қилиб, ҳоҳлаганини сўрайди. Чунки, бу вақт дуо қабул бўлгучи вақтдир.
Шамол эсганда	« <i>اللهم اني اسالك خيرها وخير ما فيها وخير ما ارسلت به، واعوذ بك من شرها وشر ما فيها وشر ما ارسلت به</i> » <i>“Аллоҳумма, инний ас, алука хойраҳа ва хойра ма фийҳа ва хойра ма урсилат биҳи! Ва аузу бика мин шарриҳа ва шарри ма фийҳа ва шарри ма урсилат биҳи!”</i> ²
Янги ойни кўрганда	« <i>اللهم اهلنا باليمن والايمان والسلامة والاسلام، هلال خير ورشد، ربي وربك الله</i> » <i>“Аллоҳу акбар! Аллоҳумма, ахҳилҳу алайна бил амни вал иймаани вас алаамати вал ислами ват тавфийқи ли ма тухиббу ва тарзо, Роббуна ва Роббука Аллоҳ!”</i> ³
Сафарга кузатганда	« <i>استودع الله دينك وامانتك وخواتيم عملك</i> » <i>“Аставдиъуллоҳа дийнака ва амаанатика ва хавотийма амалика”</i> дейди. ⁴ Унда сафарга жўнаган одам: « <i>استودعكم الله الذي لا تضيع ودائعه</i> » <i>“Аставдиукумуллоҳуллазий ла тузийъу вадаъиуху”</i> ⁵ деб жавоб беради.
Сафар дуоси	« <i>اللهم اكبر، الله اكبر، الله اكبر، سيحان الذي سخر لنا هذا وما كنا له مقرنين * واننا الي رينا لمنقلبون اللهم اننا نسئلك في سفرنا هذا البر والتقوى ومن العمل ما ترضي اللهم هون علينا سفرنا هذا واطو عنا بعده اللهم انت الصاحب في السفر والخليفة في الأهل، اللهم اني اعوذ بك من وعشاء السفر وكآبة المنظر وسوء المنقلب في المال والأهل</i> » <i>“Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар! Субҳаналлазий сахҳора лана ҳаза, ва ма кунна лаҳу муқринийн. Ва инна ила Роббина ла муңқолибуун. Аллоҳумма, инна нас, алука фи сафарина ҳаза ал бирро ват тақва, ва минал амали ма тарзо! Аллоҳумма ҳаввин алайна сафарона ҳаза ва атви анна бўьдаху! Аллоҳумма Анта с Соҳибу фис сафари вал Халийфату фил аҳл. Аллоҳумма инний аузу бика мин ваъсааис сафари ва ка,аабатил манзари ва суу,ил муңқолаби фил маали вал аҳли!”</i> ⁶ Сафардан қайтганда эса юқоридаги дуога кўшимча мана бу дуони ўқийди: « <i>أيوبون تائبون عابدون لربنا حامدون</i> » <i>“Айибууна, тааибууна, аабидууна, ли Роббина ҳаамидууна!”</i> ⁷
Ёққан ёки ёқмаган бир иш бўлганда	Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ёқимли иш бўлганида “ал ҳамду лиллаҳиллазий би неъматихи татиммус солиҳот” (Унинг неъматини туфайли яхшиликлар тугал бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин!) деб, агар ёқимсиз иш бўлса, “ал ҳамду лиллаҳи ала кулли ҳал” (Ҳар қандай аҳволда Аллоҳга ҳамд бўлсин!) деб дуо қилардилар.

¹ яъний «Аллоҳнинг раҳмати ва фазилати ила бизга ёмғир ёғдирилди!»

² “Эй, Аллоҳим! Сендан бунинг ҳамда унинг ичидаги нарсаларнинг ва у билан бирга юборилган нарсанинг яхшилигини сўрайман! Сендан бунинг ҳамда унинг ичидаги нарсаларнинг ва у билан бирга юборилган нарсанинг ёмонлигиндан паноҳ тилайман!”

³ “Аллоҳ Улуғдир! Аллоҳим! Уни бизга иймоннинг, тинчликнинг ва исломнинг ойи, ҳамда яхшиликнинг, тўғрилиқнинг ойи қилгил! (Эй, янги ой!) Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббимиз – Аллоҳдир!”

⁴ “Динингни, омонатингни ва ишингнинг натижасини Аллоҳга топширдим!”

⁵ “Мен ҳам сизларни Аллоҳга топширдим. Зкро Унга топширилган амонатлар зое бўлмагай!”

⁶ “Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар! Бизга мана шуни бўйсундириб берган Аллоҳ Покдир! (Агар У бўйсундирмаганда) биз бунга қодир бўлолмас эдик. Биз албатта Роббимизга қайтувчидирмиз. Аллоҳим, мана шу сафаримизда Сендан яхшиликни, тақвони ва Ўзинг рози бўладиган ишларни сўраймиз! Аллоҳим, бизга сафаримизни енгил, олисимизни яқин қилгайсан! Аллоҳим, сафарда шерик ҳам Ўзингсан, оилада (ҳомий бўлиб) қолган ҳам Ўзингсан! Бизларни сафар машаққатларидан, ёмон кўринишлардан ва молу жонда ёмон оқибатдан сақлагайсан!”

⁷ “Тавба, ибодат қилган ва Роббимизга сано айтган ҳолда қайтиб келдик!”

﴿اللَّهُمَّ أَسَلِمْتَ نَفْسِي إِلَيْكَ وَفَوَضْتَ أَمْرِي إِلَيْكَ وَأَلْجَأْتَ ظَهْرِي إِلَيْكَ وَرَغِبْتُ إِلَيْكَ لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنْجَا مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ أَمَنْتَ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ﴾

“Аллохумма, асламту нафсий илайка, ва вадаъту амрий илайка ва алжа, ту захрий илайка роҳбатан ва розбатан илайка, ла малжа, а ва ла манжаа минка илла илайка, ааманту би китаабик аллазий анзалта ва би набийиик аллазий арсалта!”¹

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَكَفَانَا وَأَوَّانَا فَكَمْ مِمَّنْ لَا كَافِيَ لَهُ وَلَا مُؤَيَّ﴾

“Алҳамду лиллаҳ аллазий атъамана ва сақона ва кафана ва аваана! Фа кам мимман ла каафия лаху ва ла му, вья!”²

﴿سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّيَ بِكَ وَضَعْتَ جَنِّيَ وَبِكَ أَرْفَعُهُ إِنْ أَسَكْتَ نَفْسِي فَاعْضُرْ لَهَا وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاحْفَظْهَا بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ﴾

“Субҳаанақ Аллохумма Роббий, бика вадаъту жанбий ва бика арфаъуху! Ин амсакта нафсий, фағфир лаҳа! Ва ин арсалтаҳа фаҳфаз ҳа бима таҳфазу биҳи ибадакас солиҳийн!”³

Икки “Қул аузунуи” ўқиб, кафтига дам солиб, қўллариетган жойнинг барчасини силайди.

Хар туни “Алиф, лом, мим (сажда)” билан “Таборақни” ўқимагунча ётмасин”

Ётиш оллидан

Намозга
чиққанда

((اللَّهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُورًا ، وَفِي سَمْعِي نُورًا ، وَفِي بَصَرِي نُورًا ، وَمَنْ بَيْنَ يَدَيِ نُورًا ، وَمَنْ خَلْفِي نُورًا ، وَعَنْ يَمِينِي نُورًا ، وَعَنْ شِمَالِي نُورًا ، وَمَنْ فَوْقِي نُورًا ، وَمَنْ تَحْتِي نُورًا ، وَأَعْظَمْ لِي نُورًا يَا رَبَّ الْعَالَمِينَ))

“Аллохуммажъал фи қолбий нуурон, ва фи самъий нуурон, ва фи басорий нуурон ва мин байни ядаиа нуурон ва мин холфий нуурон ва ан ямийний нуурон ва ан шимаалий нуурон, ва мин фавқий нуурон ва мин таҳтий нуурон! Ва аъзим лий нуурон йа Роббал ааламийн!”⁴

Истихора дуоси

Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар сизлардан бирингиз бир ишга киришишни хоҳласа, фарз бўлмаган икки рақъат намоз ўқисин ва мана бундай десин:

﴿اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ ، فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ ، وَأَنْتَ عَلَامُ الْغُيُوبِ ، اللَّهُمَّ فَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ هَذَا الْأَمْرَ (ثُمَّ تَسْمِيهِ بِعَيْنِهِ) خَيْرًا لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي فَاقْدِرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْني عَنْهُ وَاقْدِرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ رَضِنِي بِهِ﴾

“Аллохумма инний астхийрука би илмика ва астақдирука би қудротика ва ас, алука мин фадлика, фа иннака тақдиру ва ла ақдиру ва таъламу ва ла аъламу ва анта аллаамул гуйувб, Аллохумма фа ин кунта таъламу ҳазал амри хойран лий фий дийний ва маъаший ва аақибати амрий фақдурху лий ва яссирху лий сумма баарик лий фийҳи! Ва ин кунта таъламу анна ҳазал амру шаррун лий фий дийний ва маъаший ва аақибати амрий фасрифху анний ва асрифний анху вақдур лий ал хойра хайсу каана сумма раззиний биҳи!”⁶

¹ “Эй, Аллоҳим! Ўзимни ҳам, ишимни ҳам Сенга топширдим. Қўрқув ҳамда умид билан Сенга ялиндим! Ўзингдан Ўзингга ялинамиз! (Азоб билан) тутқувчи ҳам Ўзинг, (азобдан) кутқаргувчи ҳам Ўзинг! Нозил қилган китобингга ва юборган пайғамбарингга иймон келтирдим!”

² Мени едирган, ичирган ва кифоя қилган Аллоҳга ҳамду санолар! Қанчадан қанча одамлар ҳомийси ҳам гамхўри ҳам йўқ юрурлар!”

³ Аллоҳим! Мен сени барча нокис сифатлардан поклайман! Роббим менинг! Сен деб ётдим, Сени деб турурман! Агар (шу ётганимча) жонимни олар бўлсанг, уни мағфират қил! Агар олмасанг, уни солиҳ бандаларингни сақлагандек сақлагил!”

⁴ “Эй, Аллоҳим! Менинг қалбимга, қулоғимга, қўзимга нур ато қил! Олдимдан, орқамдан, ўнгимдан ва сўлимдан ҳамда устимдан нур ато қил! Эй, оламлар Роббиси, менинг нурумни кўпайтир!”

⁵ «Истихоранинг» маъноси яхшисини танлаш демақдир.

⁶ “Эй, Аллоҳим! Мен Сенинг билдиришинг сабабли яхшисини танлайман. Сенинг қудратингдан куч талаб қиламан, Сенинг фазилатингдан сўрайман! Албатта, Сенинг

Маййитларга
қилинадиган
дуо

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ وَارْحَمْهُ ، وَعَافِهِ وَاعْفُ عَنْهُ ، وَأَكْرِمْ نَزْلَهُ ، وَوَسِّعْ مَدْخَلَهُ ، وَاغْسِلْهُ بِالْمَاءِ وَالتَّلْجِ وَالْبَرْدِ ، وَنَقِّهِ مِنَ الْخَطَايَا كَمَا نَقَّيْتَ التُّوبَ الْاَبْيَضَ مِنَ الدَّنَسِ ، وَأَبْدِلْهُ دَارًا خَيْرًا مِنْ دَارِهِ ، وَأَهْلًا خَيْرًا مِنْ أَهْلِهِ ، وَزَوْجًا خَيْرًا مِنْ زَوْجِهِ ، وَأَدْخِلْهُ الْجَنَّةَ ، وَأَعِذْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَمِنْ عَذَابِ النَّارِ»

“Аллохуммагфир лаху варҳамху, ва аафиҳи ваъфу анху ва акрим нузулаху ва вассиъ мудхалаху вагсилху бил маа,и вассалжи вал барод! Ва наққиҳи минал хатойо камаа наққойта ас савбал абёда минад данас. Ва абдилху даарон хойрон мин даарихи ва аҳлан хойрон мин аҳлиҳи ва завжан хойрон мин завжихи. Ва адхилхул жанната, ва аъидху мин азабил қобри ва мин азабин наар!”¹

Қайғу пайтида

«اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ وَإِبْنُ عَبْدِكَ وَإِبْنُ أُمَّتِكَ نَاصِبَتِي بِيَدِكَ مَاضٍ فِي حُكْمِكَ عَدَلٌ فِي قَضَاؤِكَ أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ لَكَ سَمِيَتْ بِهِ نَفْسُكَ أَوْ عَلِمْتَهُ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ أَوْ اسْتَأْثَرْتَ بِهِ فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ رِبِيعَ قَلْبِي وَنُورَ صَدْرِي وَجَلَاءَ حَزَنِي وَذَهَابَ هَمِّي. *Аллохумма, инний абдука вабну абдика вабну аматик. Наасиятий би ядик, маазин фийя ҳукмук. Адлун фийя қадооук. Ас,алука би куллисмин ҳува лак, саммайта биҳи нафсак ав анзалтаху фий китаабик, авис-таъсарта биҳи фи илмил гойбу индак: ан тажъуу-Қуръаана рабиъа қалбий ва нувра содрий ва жалааъа ҳузуний ва захааба ҳаммий!”²*

қудратинг кифоя қилгувчидир, меники кифоя қилмас. Сен ғайбларни билгувчироксан, Аллоҳим! Агар Сен мана бу ишни⁶... менинг диним, ҳаётим ва ишимнинг натижаси учун хайрли десанг, уни менга тақдир қил, энгил қил ва баракали қил! Агарда бу ишни менинг диним, ҳаётим ва ишимнинг натижаси учун ёмон десанг, уни мендан, мени ундан буриб юбор! Ва қайда бўлмасин, менга яхшилиқни тақдир қил! Кейин у билан мени рози қил!”

¹ “Эй, Аллоҳим! Унга раҳм айла, уни кечир ва офият бер! Улуғ жойларга тушир, борган жойини кенг қил! Уни сув, қор ва дўл билан (ювгандек) покла! Унинг гуноҳларини оқ тўнни кирдан тозалагандек тозала! Унга бу дунёдагидан афзал уй, афзал оила ва афзал жуфту ҳалол насиб қил! Уни жаннатга дохил қил! Уни қабр азобидан, дўзах азобидан сақла!” (Муслим)

² **Маъноси:** “Эй, Аллоҳим! Мен Сенинг бандангдирман ва кулинг ҳамда чўрингнинг фарзандидирман! Менинг манглайм (тақдирим) Ўз қўлингдadir. Устимда ҳукминг жорийдир, мен ҳақдаги тақдиринг адолатдир. Мен сендан, барча исмларинг ҳаққи ҳурмати сўрайман – Сен у исмларни Ўзинг атаган ёки китобингда нозил қилган ёки ҳузурингдаги ғойб илмида сақлаб қўйган эдинг – Қуръонни кўнглим баҳори, дилимнинг нури ва қайгуларимни кетиргувчи қилгайсен!” (Аҳмад ривояти)

Фойдали савдо

Аллоҳ таоло инсон зотини оламдаги барча махлуқлардан афзал қилиб, унга сўзлаш неъматини ато қилди. Сўзлашув неъматининг ягона курули – бу тилдир. Банда бу курулни яхшиликга ҳам, ёмонликга ҳам ишлатаверади. Яхшиликга ишлатганда тил ўз соҳибини икки дунё саодатига ва олий даражаларга етказилади. Аммо, ёмонлик учун фойдаланса, уни икки дунёда шаковатга гирифтор қилади. Тил амалларининг энг улуғи Қуръон ўқишлиқдир. Ундан кейин зикр амали турар.

Аллоҳни зикр қилишнинг фазилати ҳақида жуда кўп саҳиҳ ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, улардан баъзилари мана булардир:

1) *“Огоҳ бўлинг: мен сизларга энг яхши амалнинг хабарини берайинми? У амал Подшоҳингиз (Аллоҳ) олдида сизлар учун энг яхши баҳо ва даражаларингизни кўтарувчидир. У амал сизлар учун олтинларни ва (саноқсиз) пулларни садақа қилгандан ҳам яхшироқдир. Душманга қарши туриб жиҳод қилгандан ҳам ёқимлироқдир”*. Саҳобалар “Ҳа, айтингиз” деганда *“У Аллоҳни зикр қилмоқдир”* дедилар. (Термизий).

2) *“Роббисини зикр қилган банда билан зикр қилмаган банданинг мисоли гўё тирик билан ўлик кабидир”* (Муттафақун алайҳ)

3) *“Нодир одамлар (савобда) ўзиб кетдилар”*. Саҳобалар сўрашди: *“Улар кимдир, эй Аллоҳнинг элчиси?!”* Айтдилар: *“Аллоҳни кўп зикр қилган эркаклар ва аёллар”!* (Муслим)

4) *“Тилингиз ҳар дам Аллоҳнинг зикри ила хўлланиб турсин!”* (Термизий)

Аллоҳ таоло бир Қудсий ҳадисда айтганки, *“Мен бандам ўйлагандекман ва Мени зикр қилганда у билан биргаман. Агар у Мени ёлғиз турган ҳолда зикр қилса, мен ҳам уни ёлғиз ҳода эслайман. Агар мени халқлар орасида эсласа, Мен уни улардан мўътабарроқ халқлар (фариштаар) олдида эслайман. Агар у Мен томонга бир қарич яқинлашса, Мен у томон бир зирוף¹ яқинлашаман”*. (Бухорий).

Савобнинг кўпайтириб берилиши. Яхши амалларнинг савоби худди Қуръон тиловатининг савоби каби кўпайтириб ёзилади. Бу тубандаги икки нарсага яраша бўлади: 1. Қалбдаги иймон, ихлос, Аллоҳни севиш ва шуларнинг натийжасига яраша. 2. Тил зикр қилганда қалб унга фикр билан жўр бўлганига яраша. Мана шу шартлар тўлиқ топилса, Аллоҳ таоло зикр қилувчининг гуноҳларини ўчириб, савобларини кўпайтириб беради. Аталган шартлар тўлиқ бўлмай қолса, ўшанга яраша озроқ савоб ёзилади.

Зикрнинг фойдалари ҳақида Шайхул Исломи: *“Агар инсоннинг қалбини балиққа қиёс қилсақ, зикр – бу сувдир. Сув бўлмаса балиқ ҳоли не кечар?!”*.

Тубанда зикрнинг баъзи фойдаларининг баёни: * Аллоҳнинг муҳаббатини, Унга яқинликни, Ундан тақво қилишни, тавба қилишни ва Ўзига қайтишни пайдо қилади. Унинг ризосига ва доимо назар солиб туришига сабаб бўлади. Доим Унга итоатда бўлишларга ёрдам беради. * Қалбдан ғамларни ҳайдаб, ўрнига шодлик бахш этиб, унда қувват ва сергаклик пайдо қилади. * Қалбда

¹ Зирוף: ўлчам бирлиги. 60 см.га баробар.

бир бўшлиқ борки, уни зикрдан бошқа ҳеч нарса тўлдиролмайди, бир қаттиқлик борки, уни зикрдан бошқа нарса юмшата олмайди. * Қалбнинг шифоси, қуввати ва лаззати зикрдир! Оламда зикр лаззатига тенглашган лаззат йўқдир. Лоқайдлик эса қалбнинг иллатидир. * Зикрнинг озлиги мунофиқликнинг, кўплиги иймон қувватининг далилидир. Зикр Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг ҳақлигини билдиради. Чунки, қалб ўз маҳбубини кўп эслайди. * Агар банда Аллоҳни фароғат пайтида таниса, Аллоҳ уни бошига оғир кун тушган танглик пайтида танийди. Айниқса, ҳар бир одамнинг бошида муқаррар бўлган танглик, машаққатлардан бири ўлим тувасасидир. * Зикр Аллоҳнинг азобидан қутулишга, осмондан хотиржамлик нозил бўлишига, Аллоҳнинг раҳмати ўраб олишига ва фариштаарнинг истиғфорига мушарраф¹ бўлишга сабаб бўлади. * Зикр сабабли тил бефойда сўзлардан, ғийбатдан, бўҳтондан ва булардан бошқа ҳаром сўзлардан машғул бўлади. * Зикр энг энгил ибодат бўлишига қарамасдан улўғ ва афзал ибодатдир. У жаннатнинг – ниҳолидир! * Зикр одамни салобатли, роҳатли, ёруғ юзли бўлишига сабабчидир. Чунки у – нурдир: дунёда ҳам нур, қабрда ҳам нур, охиратда ҳам нурдир! * Зикр ўз соҳибиги Аллоҳнинг ва фариштаарнинг раҳматини жуб қилади. Аллоҳ таоло Ўзини зикр қилган бандаси билан фариштаар олдида фахрланади. * Яхши амал қилганлар орасидаги энг афзали ҳам, рўздорлар орасидаги энг афзали ҳам зикр қилгувчилардир. * Зикр оғирингизни энгил, машаққатни осон қилар. Ризқни жуб қилар ва баданни қувватлантирар. * Зикр шайтонни даф қилар, ҳайдар, хор қилар ва ер билан яқсон қилар.

¹ Фаришталар Аллоҳга ёлбориб, зикр қилувчининг гуноҳларини кечиришликни сўрайдилар..

Эртаю кеч вазифа қатори ўқиладиган дуолар

N	КунДалик дуолар	Қанча ва қачон ўқилади?	Таъсири ва фазилати.
1	Оят ал Курсий: ¹	Эрта билан кечки маҳал. Ётар олдидан ва ҳар бир намоздан кейин	Шайтон яқинлаша олмайди, жаннатга киришига сабаб бўлади.
2	“Бақара” сурасининг охирги икки ояти. ²	Кечки маҳал ва ётар олдидан	Ҳар қандай ёмонликни даф қилади
3	“Ихлос” сураси, “Фалақ” сураси, “Ан- Нос” сураси.	Эрталаб 3 марта, кечки маҳал 3 марта	Ҳар қандай ёмонликдан сақлайди
4	بِسْمِ اللّٰهِ الَّذِي لَا يَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الْاَرْضِ، وَلَا فِي السَّمَاوَاتِ، وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ “Бисмиллаҳиллазий ла ядурру маъа исмиҳи шай,ун фил арди ва ла фис самаа ва ҳува ас Самийъул Алийм!” ³	Эрталаб 3 марта, кечки маҳал 3 марта	Фожеадан ва зиёндан омонда бўлар
5	أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللّٰهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ “Аузу би калиматиллаҳит таамати мин шарри маа холақ!” ⁴	Кечки маҳал уч марта. Бир жойга қўнган одам ҳам ўқийди	Одамнинг турган жойини ёмонликдан сақлайди
6	حَسْبِيَ اللّٰهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ	Эрталаб 7 марта,	Икки дунёнинг зарур

¹ اللّٰهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ

أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ
Маъноси: “Аллоҳ... ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. Абадий тирик (ва ҳар нарсани бошқариб) Турғувчи. Уни на мудроқ босар ва на уйқу олар. Осмонлау Ердаги барча нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурда Ўзининг руҳсатисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У уларнинг (бандаларнинг) келажакларини ва ўтмишларини (тўлиқ) билади. Аммо, улар Унинг илмидан Ўзи (билдиришни) хоҳлагандан бошқани билмайдилар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан ҳам кенгдир. У иккисини сақлаш Уни ҳеч чарчатмагай! У энг Олий, энг Улуғдир!

² ءَامَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامَنَ بِاللّٰهِ وَمَلَكَاتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا تَفِرُّونَ مِنْ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا

سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾ لَا يُكَلِّفُ اللّٰهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٨٦﴾
Маъноси: 285. Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Оллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзинга қайтажакмиз», дедилар. 286. Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобинга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!

³ Унинг исми билан бошлаганда на Ердаги ва на осмондаги нарсалар зиён қила олмайдиган Аллоҳнинг исми билан бошлайман. У Эшитгувчи, Билгувчидир!

⁴ Мен Аллоҳнинг комил сўзлари билан ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман!

	“ <i>Ҳасбияллоҳу ла илаҳа илла Ҳув, алайҳи таваккалту ва ҳува Роббул аршил азийм!</i> ” ¹	кечки маҳал 7 марта	ишларида Аллоҳ ёрдамчи бўлар
7	رضيت بالله ربنا ، وبالإسلام ديننا ، وبمحمد ﷺ نبينا. “ <i>Розийту биллаҳи роббан ва бил ислами дийнан ва би Муҳаммадин саллаллоҳу алайҳи ва саллама набийян</i> ” ²	Эрталаб 3 марта, кечки маҳал 3 марта	Бу дуони ўқиганни рози қилишни Аллоҳ Ўз зиммасига олади
8	Эрталаб: اللهم بك أصبحنا وبك أمسينا وبك نحيا وبك نموت واليك النشور. “ <i>Аллоҳумма бика асбахна ва бика амсайна ва бика намууту ва илайкан нушуур!</i> ” ³ Кечки маҳал: اللهم بك أمسينا وبك أصبحنا وبك نحيا وبك نموت واليك المصير. “ <i>Аллоҳумма бика асбахна ва бика амсайна ва бика намууту ва илайкал масийр!</i> ” ⁴	Эрталаб ва кечки маҳал	Буни ўқиб юришга пайгамбаримиз қизиқтирганлар
9	أصبحنا على فطرة الإسلام، وكلمة الإخلاص، ودين نبينا محمد ﷺ وملة أبينا إبراهيم غ حنيفاً مسلماً وما كان من المشركين “ <i>Асбахна ала фитратил ислами, ва калиматил ихласи, ва дийни набиййина Муҳаммадин саллаллоҳу алайҳи ва саллама ва миллати абийна Иброҳийма ҳанийфан муслиман ва ма каана минал муширкийн!</i> ” ⁵	Эрталаб	Пайгамбаримизнинг дуоларидан бири
10	Эрталаб: اللَّهُمَّ مَا أَصْبَحَ بِي مِنْ نِعْمَةٍ أَوْ بِأَحَدٍ مِنْ خَلْقِكَ فَمِنْكَ وَحْدَكَ لَا شَرِيكَ لَكَ فَالْحَمْدُ وَلَكَ الشُّكْرُ « <i>Аллоҳумма ма асбах бий мин неъматин ав би аҳадин мин холқика фа минка ваҳдака, ла шарийка лака, фа лакал ҳамду ва лакашишукру!</i> » ⁶ Кечки маҳал: اللَّهُمَّ مَا أَمْسَى بِي مِنْ نِعْمَةٍ أَوْ بِأَحَدٍ مِنْ خَلْقِكَ فَمِنْكَ وَحْدَكَ لَا شَرِيكَ لَكَ فَالْحَمْدُ وَلَكَ الشُّكْرُ « <i>Аллоҳумма ма амсаа бий мин неъматин ав би аҳадин мин холқика фа минка ваҳдака, ла шарийка лака, фа лакал ҳамду ва лакашишукру!</i> » ⁷	Эрталаб ва кечки маҳал.	Эрталаб ва кечки маҳалдаги шукрона
11	Эрталаб: اللَّهُمَّ إِنِّي أَصْبَحْتُ أَشْهَدُكَ وَأَشْهَدُ حَمَلَةَ عَرْشِكَ وَمَلَائِكَتِكَ وَأَنْبِيَائِكَ وَجَمِيعَ خَلْقِكَ بِأَنَّكَ أَنْتَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ “ <i>Аллоҳумма инний асбахту ашҳадука ва ашҳаду</i> ”	Эрталаб 4 марта, кечки маҳал	Ким ушбу дуони эрталаб 4

¹ «Менга Аллоҳ кифоядир. Ўзидан бошқа илоҳ йўқдир, Ўзига тавакку қилдим. У муаззам Арш Соҳибидир!»

² Аллоҳни Роббим, исломни диним ва Муҳаммадни (с.а.в.) пайгамбарим деб рози бўлдим.

³ «Аллоҳим! Сен(инг зикринг) билан **тонг оттирдик**, Сен(инг зикринг) билан кечга кирдик Сен(инг зикринг) билан яшаймиз, Сени ёд этиб ўлаимиз ва Ўзингга тўпланиб борамиз»

⁴ «Аллоҳим! Сен(инг зикринг) билан **кечга кирдик**. Сен(инг зикринг) билан тонг оттирдик, Сен(инг зикринг) билан яшаймиз, Сени ёд этиб ўлаимиз ва Ўзингга қайтиб борамиз!

⁵ “Ислом табиати, ихлос калимаси, пайгамбаримиз Муҳаммаднинг дини ва Иброҳимнинг миллати узра, ҳақ устид ва мусулмон ҳолда тонг оттирдик. Мушриклардан бўлмадик!”

⁶ Аллоҳим! Менда ва бандаларингнинг бирида бўлган **эрталабки** неъмат фақат Сен туфайлидир! Сенинг шеригинг йўқдир! Сенга ҳамду сано ва шукрлар!

⁷ Аллоҳим! Менда ва бандаларингнинг бирида бўлган **кечки** неъмат фақат Сен туфайлидир! Сенинг шеригинг йўқдир! Сенга ҳамду сано ва шукрлар!

<p><i>ҳамалати аршика ва малаикатика ва анбияка ва жамийъи холқиқа, би аннака Анта Аллоху ла илаҳа илла Анта ва анна Муҳаммадан абдука ва росулука!”¹</i></p> <p>Кечки маҳал: <i>لَلّٰهُمَّ اِنِّيْ اَمْسَيْتُ اَشْهَدُكَ وَاَشْهَدُ حَمَلَةَ عَرْشِكَ وَمَلَائِكَتِكَ وَرَسُوْلَكَ وَاَنْبِيَآئَكَ وَبِحَمِيْمِكَ خَلَقْتَ بَانَكَ اَنْتَ اللهُ لَا اِلٰهَ اِلَّا اَنْتَ وَاَنْ مُحَمَّدًا عَبْدُكَ وَرَسُوْلُكَ</i></p> <p><i>“Аллоҳумма инний амсайту ашҳадука ва ашҳаду ҳамалати аршика ва малаикатика ва анбияка ва жамийъи холқиқа, би аннака Анта Аллоху ла илаҳа илла Анта ва анна Муҳаммадан абдука ва росулука!”²</i></p>	4 марта	марта, кечки маҳал 4 марта айтса Аллоҳ уни дўзахдан озод қилар
<p>12 <i>لَلّٰهُمَّ فَاطِرَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ، عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، رَبَّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيْكَهُ، اَشْهَدُ اَنْ لَا اِلٰهَ اِلَّا اَنْتَ، اَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِيْ وَشَرِّ الشَّيْطٰنِ وَشَرِّ كِه</i></p> <p><i>“Аллоҳумма Фаатирас самаавати вал арди, Аалимал зойби ваи шаҳада, Робба қулли шай,ин ва Малийкуху, ашҳаду ан ла илаҳа илла Анта, аузу бика мин шарри нафсий ва шарри ш шайтони ва ширқиҳи!”³</i></p>	Эртаю кеч ҳамда ётиш олдидан	Шайтоннинг васвасасида н сақлайди.
<p>13 <i>اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَاَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَاَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْبُخْلِ وَالْحُبْنِ، وَاَعُوْذُ بِكَ مِنْ غَلَبَةِ الدَّيْنِ وَقَهْرِ الرِّجَالِ</i></p> <p><i>“Аллоҳумма инний аузу бика минал ҳамми вал ҳазани вал ажези вал касали ва аузу бика минал бухли вал жубни вал аузу бика мин золабатид дайни ва қоҳрир рижаали!”⁴</i></p>	Эрталаб ва кечки маҳал 1 марта.	Қайғудан ва қарзлардан халос бўлишга фойдаси бор.
<p>14 <i>اَللّٰهُمَّ اَنْتَ رَبِّيْ لَا اِلٰهَ اِلَّا اَنْتَ خَلَقْتَنِيْ وَاَنَا عَبْدُكَ وَاَنَا عَلٰى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ اَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتَ اَبُوْءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ وَاَبُوْءُ لَكَ بِذَنْبِيْ فَاغْفِرْ لِيْ فَاِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ اِلَّا اَنْتَ</i></p> <p><i>“Аллоҳумма Анта Роббий ла илаҳа илла Анта холақтаний ва ана абдука ва ана ала аҳдиқа ва ваъдиқа мастатаъту. Аузу бика мин шарри ма сонатаъту, абув,у лака би неъматика алаййа, ва абув,у лака би занбий. Фағфир лий фа иннаҳу ла яғфируз зунууба илла Анта!”⁵</i></p>	Бл зикр “Саййидул истиғфор” деб аталади. Эрталаб ва кеч ўқилади.	Ким ўлим олдидан кундузи ёки кечки маҳал ушбу дуони чин ихлос билан ўқиса жаннатга тушади.

¹ Аллоҳим! Мен Сени, Сенинг Аршингни кўтарган фариштаарни, улардан бошқа фариштаарни, пайғамбарларингни ва барча халқларингни гувоҳ қилиб, “Сен Ўзингдан бошқа ибодатга лойиқ илоҳ бўлмаган Аллоҳдирсан ва Муҳаммад Сенинг қулинг ҳамда пайғамбарингдир” деган ҳолда **тонга** кириб келдим!”

² Аллоҳим! Мен Сени, Сенинг Аршингни кўтарган фариштаарни, улардан бошқа фариштаарни, пайғамбарларингни ва барча халқларингни гувоҳ қилиб, “Сен Ўзингдан бошқа ибодатга лойиқ илоҳ бўлмаган Аллоҳдирсан ва Муҳаммад Сенинг қулинг ҳамда пайғамбарингдир” деган ҳолда **тунга** кириб келдим!”

³ “Эй, Аллоҳим! Ғайбни ва ошкорани Билгувчиси! Осмонлар ва Ернинг Яратувчиси! Ҳар нарсаларнинг Роббиси ҳамда Подшоҳи! Мен “ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат ўзинггина борсан!” деб гувоҳлик бераман! Мен нафсимнинг ёмонлигидан ва шайтон ҳамда унинг ширкиннинг ёмонлигидан паноҳ тилаб Сенга ёлвораман!”

⁴ Эй, Аллоҳим! Мен ғам-қайғудан, ожизликдан, касалдан ва бахилликдан, кўрқокликдан ва қарзга енгилиб қолишдин ҳамда одамларнинг қаҳридан паной тилаб, Ўзингга ёлвораман!

⁵ Эй, Аллоҳим! Сен менинг Раббимдирсан! Ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат ўзинггина борсан! Мени Сен яратгандирсан. Мен Сенинг бандангдирман. Тоқатим етишича



15	<p>اللَّهُمَّ رَحْمَتَكَ أَرْجُو فَلَا تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي، طَرْفَةَ عَيْنٍ وَأَصْلِحْ لِي شَأْنِي كُلَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ</p> <p><i>“Аллоҳумма роҳматака аржув фа ла такилни ила нафсий турфата айнин! Ва аслих лий шаъний куллаҳу! Ла илаҳа илла Анта!”</i>¹</p>	Эрталаб ва кечки маҳал.	Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу дуони қизлари Фотимага васият қилганлар
16	<p>اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي بَدَنِي اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي سَمْعِي اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي بَصَرِي اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْكُفْرِ وَالْفَقْرِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ</p> <p><i>“Аллоҳумма аафиний фий баданий, аллоҳумма аафиний фий самъий, аллоҳумма аафиний фий басорий, аллоҳумма инний ауузу бика минал куфри вал фақри, аллоҳумма инний ауузу бика мин азабил қобри ла илаҳа илла Анта!”</i>²</p>	Эрталаб ва кечки маҳал.	Пайғамбаримиз инг дуоларидан бири
17	<p>اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي دِينِي وَدُنْيَايَ وَأَهْلِي وَمَالِي اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَتِي وَآمِنْ رَوْعَاتِي اللَّهُمَّ احْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ يَدَيْ وَمِنْ خَلْفِي وَعَنْ يَمِينِي وَعَنْ شِمَالِي وَمِنْ فَوْقِي وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي</p> <p><i>“Аллоҳумма инний ас, алукал аафията фид дуня вал аахироти, аллоҳумма инний ас, алукал афва вал аафия фий дийний ва дуняий, ва аҳлий ва маалий, аллоҳумма стур авротий, ва аамин ровъотий, аллоҳумма ҳфизний мин байни ядайя ва минхалфий, ва ан ямийний ва ан шимаалий, ва мин фовқий. Ва ауузу би азоматика ан уғтаала мин таҳтий!”</i>³</p>	Эрталаб ва кечки маҳал	Расулulloҳ (САВ) бу дуони мудом эрталаб ва кечки маҳал ўқиб юрганлар
18	<p>سبحان الله وبحمده عدد خلقه ورضا نفسه وزنة عرشه ومداد كلماته</p> <p><i>“Субҳаналлоҳи ва би ҳамдиҳи адада холқиҳи ва ризоа нафсиҳи ва зината аришиҳи ва мидаада калимаатиҳи!”</i>⁴</p>	Эрталаб 3 марта	Бу дуо эртадан кечга қадар зикр қилиб ўтиришдан ҳам фазилатлироқдир.

Сенга берган ваъдамга вафо қиламан! Барча яратган нарсаларингнинг ёмонлигидан Ўзинг сақла мени! Менга берган неъматларингга ва гуноҳларимга икрорман! Мени кечир! Гуноҳларни Сендан бошқа ҳеч ким кечирмас!

¹ Эй, менинг Аллоҳим! Сенинг раҳматингни умид қиламан! Мени бир лаҳза ҳам ўзимга ташлаб кўйма! Барча ҳолатларимни ўнгла! Ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат Ўзинг борсан!

² Эй, менинг Аллоҳим! Менинг жисмимни, қулоқ ва кўзимни саломат қил! Эй, менинг Аллоҳим, мени куфрдан ва фақрдан сақла! Эй, Аллоҳим! Мени қабр азобидан сақла! Ҳеч бир ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, фақат ўзинггина борсан!

³ “Эй, Аллоҳим! Мен Сендан дунёю охиратда тинчлик, офият тилайман! Аллоҳим, мен Сендан, динимда ва дунёимда, оиламда ва молимда тинчлик, офият беришингни тилайман! Аллоҳим! Менинг авратимни очма! Хавфимни хотиржамликга айлантир! Аллоҳим! Мени олдимдан, орқамдан, ўнгимдан ва сўлимдан, шунингдек устимдан (келажак офатлардан) сақлагайсан! Мен Сенинг азаматинг хурмати, остимдан ўлимга гирифтор бўлишдан паноҳ тилайман!

⁴ Мен Аллоҳга, яратган нарсаларининг сони баробарича, ўзи рози бўлгунча, Аршининг салмоғича ва Сўзларининг узунлигича тасбеҳ айтаман!

Пайғамбаримиз (сав) буюрган савобли амаллар

N	Савобли сўзлар ва ишлар	Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:
1	« <i>ла илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулк ва лаҳул ҳамду, ва ҳува алаа кулли шайъин Қодийр</i> »	«Кимда-ким бир кунда юз марта « <i>ла илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулк ва лаҳул ҳамду, ва ҳува алаа кулли шайъин Қодийр</i> » деса, ўн кулни озод қилгандек бўлар, юз савоб ёзилиб, юз гуноҳи ўчирилар ва ўша айтган куни кечга қадар шайтондан ҳимоя бўлади. (Қиёмат куни) ҳеч ким бундан афзал амал олиб кела олмайди, уни шундан (юздан) кўп айтган одамдан бошқа»
2	« <i>субҳаналлоҳи вал ҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбардир</i> »	«Исро тунида ¹ мен Иброҳим алайҳи саломга йўлиққанда у «Эй, Муҳаммад, мендан умматингга салом айт ва уларга мана бундай хабарни етказ: «жаннат тоза-покиза, суви ширин, унда яшил далалар бор, экинлари эса: « <i>субҳаналлоҳи вал ҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбардир</i> »
3	« <i>субҳаналлоҳу, ва би ҳамдиҳ</i> » « <i>субҳаналлоҳу, ва би ҳамдиҳ, субҳаналлоҳул-Азийм</i> »	«Ким ҳар куни юз марта « <i>субҳаналлоҳу, ва би ҳамдиҳ</i> » деса, денгизнинг кўпиғи қадар гуноҳи бўлса ҳам кечирилар. Қиёматда ҳеч ким шунча савоб билан келмас, бир гина ўшанча ёки ундан ошириб айтган одам гина кўпроқ савоб билан кела олар». «Икки сўз бор, тилга енгил бироқ, (Қиёматдаги) тарозуда оғир ва Раҳмонга севикли. Улар: « <i>субҳаналлоҳу, ва би ҳамдиҳ, субҳаналлоҳул-Азийм</i> »
4	« <i>у – ла ҳавла, ва ла қуваата илла биллаҳ</i> »	«Эй, огоҳ бўлинг, мен сизларни жаннат хазиналаридан бир хазинага йўллайинми?» «мен «ҳа» деган эдим, расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам « <i>у – ла ҳавла, ва ла қуваата илла биллаҳ</i> » калимаси» дедилар.
5	Жаннатни тилаш ва дўзахдан паноҳ сўраш	Ким (Аллоҳдан) жаннатни сўраса жаннат «Эй, Аллоҳим! Уни жаннатга киргиз» дейди, энди ким дўзахдан қутқаришни сўраса, дўзах «Эй, Аллоҳим! Уни дўзахдан қутқар!» дейди.
6	Мажлиснинг каффорати	«Ким бир мажлисда ўтириб, бемаъни сўзларни кўп гапирса, ўша ўрнидан турганга қадар « <i>субҳаналлоҳу, ва би ҳамдиҳ, ашҳаду ан ла илааҳа илла анта. Астағфирука ва атувбу илайк</i> » деса айтган сўзларининг гуноҳи кечирилар».
7	“Каҳф” сурасидан оят ёдлаш	«Ким «Каҳф» сурасининг бошидан ўн оят ёдласа, Дажжолнинг озғириғидан омон бўлади».
8	Пайғамбаримизга салавот	«Ким менга бир марта салавот айтса, унга Аллоҳ ўн марта салавот айтар ва унинг ўн гуноҳини ўчириб, даражасини ўн ҳисса баланд қилар.»
9	Қуръон ўқишнинг фазилати	«Ким бир кеча- кундузда эллик оят қуръон ўқиса, “бепарволардан эмас” деб ёзилар. Ким юз оят ўқиса, “итоатлилардан” деб ёзилар. Ким икки юз оят ўқиса, Қиёматда Қуръон унинг фойдасига сўзларш. Беш юз оят ўқиган одам эса, қинтор-қинтор (бехисоб) савобга эга бўлар». «Ким «қул хуваллоҳу аҳадни» ўн марта ўқиса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй қуриб берар». «Қул хуваллоҳу аҳад» Қуръоннинг учдан бирига баробардир»

¹ “Исро кечаси” - пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламини Аллоҳ Таоло Маккадан Байтул-Макдисга (Иерусалимга) олиб бориб, у ердан осмонга чиқариб, беш вақт намозни фарз қилган тун.

10	Азоннинг савоби	«Азон товушини эшитган ҳар бир одам, жин ёки бошқа барча нарсалар қиёматда (унинг фойдасига) гувоҳлик берар» «Азон айтувчилар қиёматда энг бўйни узун одамлардан ¹ бўлади»
11	Азонга эргашиб такрорлаш ва азон дуосининг фазилати	«Ким азонни эшитганда <i>«Аллоҳумма, Робба хазихид-калималарини даъватит-тааммати, вас-солатил қоимати, аати Мухаммадил васийлата вал фадийла. Вабъасху мақоолман маҳмууданиллазий ваъадтаҳ»</i> деса, қиёматда унга менинг шафоатим насиб бўлади»
12	Яхши таҳорат	«Ким таҳорат олганда кунт билан (барча талабларини ўрнига келтириб) қилса, баданининг гуноҳлари тўкилар. Ҳатто тирноқлари остида ҳам гуноҳ қолмас!»
13	Таҳоратнинг дуоси	«Сизлардан кимингиз тўлиқ ва яхши таҳорат олиб: «ашҳаду анла илааҳа иллАллоҳу ва анна Мухаммадан абдуллоҳи ва расулуҳу» деса, унга жаннатнинг саккиз дарвозаси очилар ва ҳоҳлаганидан кирар»
14	Таҳорат намозининг фазилати	«Ким яхши таҳорат олганидан кейин, туриб икки ракъат намозни яхши ўқиса унга жаннат вожиб бўлар».
15	Жамоат намозига борув	«Ким жамоат намозига борса, то келгунга қадар бир қадам ташласа бир гуноҳи ўчирилар, иккинчи қадамига бир савоб ёзилар»
16	Жума кунига тайёргарлик	«Ким Жума кунини ғусл қилса ва ғусл қилдирса, кейин вақтли жўнаса, уловга минмаса, имомга яқин ўтирса, бемаъни гапирмай эшитса, унинг ҳар бир қадами учун бир йиллик нафл рўзанинг ва тунги (таҳажжуд) намозининг савоби ёзилар». «Бир одам жума кунини ғусл қилиб, имкони борича тозаланиб, хушбўйланиб чиқса, ва (масжиддаги сафдан) икки одамнинг орасини ажратмай, ўзига ёзилган намозни ўқиб, кейин индамай ўтириб имомни (нг сўзларини) эшитса, унинг икки жума оралиғидаги гуноҳлари кечирилар».
17	Биринчи такбирга етишув	«Ким қирқ кун жамоат намозининг биринчи такбирига улгуриб ўқиган бўлса, унга икки озодлик насиб бўлар: биринчиси дўзахдан, иккинчиси мунофиқликдан»
18	Фарз намозларни жамоат билан ўқимок	«Жамоат билан ўқилган (фарз) намоз ёлғиз ҳолда ўқилган намоздан 27 даража ортиқ(савобли)дир»
19	Хуфтон ва Бомдод намозларини жамоат билан ўқимок	«Ким хуфтонни жамоат билан ўқиса, ярим кечада (таҳажжудга) туриб намоз ўқиган каби, ким Бомдод намозини жамоат билан ўқиса, гўё кечаси билан (нафл) намоз ўқиб чиққандек бўлар».
20	Биринчи Сафнинг фазилати	«Агар одамлар аввалги сафнинг савобини биганларида эди, ёй ўқларини қуръа ташлаб (талашиб) бўлса ҳам етиб келишар эди»
21	Суннат намозга қизиқтириш	«Ким бир кеча-кундуз ичида ўн икки ракъат (нафл, суннат) намоз ўқиса, унга жаннатдан бир уй қурилар. (У намозлар:) Пешин (фарзининг) олдидан 4, кейинидан 2, Шомдан кейин 2, Хуфтондан кейин 2 ва Бомдод олдидан 2 ракъатдир»
22	Нафл намозни кўп ва яширин ўқимок	«Аллоҳга кўп сажда қил! Аллоҳга сажда қилган сайын У сенинг даражаңгни кўтариб, хатоларингни ўчираверар». «Банданинг махфий ўқиган бир ракъат (нафл) намози ҳалойиқ олдида ўқиган йигирма беш ракъат намозга тенгдир»
23	Бомдоднинг суннати ва фарзи	«Бомдоднинг икки ракъати бутун дунёдан ва унинг бойлигидан яхшидир» «Ким Бомдодни ўқиса, у Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади»

¹ Бўйни узунлик бу ерда бахтиёрликдан киноядир.

24	«Зуҳо» намози	«Сизларнинг ҳар бир бўғинингиз учун садақа бор: ҳар бир тасбеҳингиз – садақа, ҳар бир таҳминингиз – садақа, ҳар бир таҳлилингиз – садақа, ҳар бир такбирингиз – садақа, ҳар бир яхши (савоб) ишингиз – садақа, ҳар бир ёмонликдан қайтарувингиз–садақа. Мана шуларнинг барчасининг савоби икки рақъат «Зуҳо» намазидадир»
25	Намозхонасида Аллоҳни зикр қилув	«Сизлардан бирингиз намозхонасида, таҳоратини сақлаган ҳолда (зикр қилиб) турса, фаришталар унга салавот айтиб, «эй, Аллоҳим! Уни кечир, унга раҳм қил!» деб дуо қиладилар»
26	Жамоат билан Бомдод намозини ўқигундан сўнг то кун чиққунга қадар зикр қилув	«Ким Бомдодни жамоат билан ўқигандан кейин то кун чиққунга қадар Аллоҳни зикр қилиб ўтурса ва кейин икки рақъат («Зуҳо» намозини) ўқиса, унга толиқ ҳаж ва умра қилганнинг савоби ёзилар»
27	Тунги (таҳажжуд) намоз учун туриб, аёлини ҳам уйғотув	«Ким тунги намоз (таҳажжуд) учун уйғониб, аёлини ҳам уйғотиб, иккиси икки рақъатдан намоз ўқисалар, Аллоҳни зикр қилгучиларнинг қаторига ёзиладилар»
28	Тунги намозга ният қилиб, бироқ ухлаб қолса...	«Қайси бир одам одатига биноан тунги намозга ният қилса бироқ, ухлаб қолса, Аллоҳ Таоло унга ўша намознинг савобини ёзар ва уйқуси садақа ҳисобланар»
29	Бозорга кирганда...	«Ким бозорга кирганда «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаху, лахул мулку, ва лахул ҳамду, юҳйи ва юмийту, ва ҳаййун ла ямууту, би ядиҳил хайр, ва ҳува ала кулли шайъин Қодийр» деса, Аллоҳ унга минг-минг савоб ёзиб, минг-минг гуноҳини ўчириб, даражасини минг-минг ҳисса кўтарар»
30	Фарз намозлардан кейин 33 марта «субҳоналлоҳ, валҳамду лиллаҳ валлоҳу акбар» деб, охирида «ла илаҳа иллаллоҳу...» деган зикр билан тугатса...	«Ким ҳар бир фарз намоз ортидан 33 марта «субҳоналлоҳ, «субҳоналлоҳу», 33 марта «ал ҳамду лиллаҳи» ва 33 марта «Аллоҳу акбар» деса – ҳаммаси 99 бўлади – кейин охирида юзинчисига “ла илаҳа иллАллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаху, лахул мулку ва лахул ҳамду ва ҳува алла кули шайъин Қодийр» деса , агарда денгиз кўпиғи қадар гуноҳи бўлса ҳам кечирилар»
31	Ҳар бир фарз намоздан кейин Оят ал Курсийни ўқув	«Ким ҳар бир фарз намоз ортидан Оят ал Курсийни ўқиса, ўлганда албатта жаннатга тушар»
32	Касални зиёрат қилув	«Қайси бир одам кундузи мусулмон биродарини кўргани борса, унга кечга қадар етмиш минг фаришта салавот айтар. Агар кечки пайт кўргани борса, то тонгга қадар унга етмиш минг фаришта салавот айтар ва унга жаннатда мевалар йиғилар»
33	Балоланган кимсани кўрганда...	«Ким офатга йўлиққан кишини кўрса, «сенга етган офатдан мени сақлаган ва кўп халойиқдан афзал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деса, Аллоҳ уни ўша офатдан сақлар»
34	Мусибатли одамга аза билдирув	«Мусибат етган биродарига аза билдирган одамни Аллоҳ Таоло жаноблик «кийими» билан безар»
35	Жаноза намозига қатнашиб, маййитни қабрга қадар кузатиш	«Ким жаноза намозига қатнашса, унга бир қийрот савоб, ким жанозага қатнашиб, маййитни кўмгунга қадар узатса, икки қийрот савоб бўлади» Сўрадилар: «икки «қийрот» дегени нимадир?» Айтдилар: «икки катта тоғ қабидир»
36	Аллоҳ учун масжид қурмоқ	«Ким Аллоҳ товуқ қападек бўлса ҳам масжид курса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй куриб берар»

37	Нафақа¹	«Ҳар бир тонг отган кун борки, икки фаришта тушиб, улардан бири «эй, Аллоҳим! Садақа қилувчига (бойлигини) яна бардавом қил» деса, иккинчиси: «эй, Аллоҳим! Бахилга талафот келтир!» деб дуо қиладилар»
38	Садақа	«Садақа қилиш билан мол-давлат озаймас. Аллоҳ кечирган одамнинг азизлигини оширар, камтар одамнинг даражасини кўтарар» (Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:) «дирҳам юз мингдан ўтиб кетди» деганларида, «қандай қилиб, эй, Аллоҳнинг элчиси?» деб сўрадилар. Ўшанда (пайғамбаримиз (с.а.в.): «бир одамнинг икки дирҳами бор эди, бир дарҳамини садақа қилди. Яна бир одамнинг кўп мол-мулки бор эди, ундан бир бўлак ажратиб, юз минг (дирҳам) садақа қилди». «Қайсики мусулмон бир кўчат экса ёки дон ундирса, кейин ундан одамлар, хайвонлар ва қушлар еса, бу ўша одам учун садақадир»
39	Фойда олмай қарз бермоқ	«Қайси бир мусулмон бошқа мусулмонга икки марта (фоизсиз) қарз берса, бир марта садақа бергандек бўлар»
40	Қарзни тўлашга қийналган кишига муҳлат бермоқ	«Ким қийналган одамга қарз бериб, муҳлати келгунга қадар кутса, ҳар бир куни учун бирдан садақа ёзилар. Агаанр муҳлати битганидан кейин яна муҳлат берса, бир куни учун икки садақа ёзилар»
41	Аллоҳ йўлида рўза	«Ким Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ Таоло унинг юзини дўзахдан етмиш йиллик йўлга олислатар»
42	Ҳар ойдан уч кун, Арафа кун ва Ошуро кун рўза тутмоқ	«Ким ҳар бир ойдан уч кун рўза тутса, гўё умр бўйи рўза тутгандек бўлар» ...Арафа кун рўзаси ҳақида сўралганларида «ўтган келаси йиллардаги гуноҳларга каффорат бўлади» дедилар. Ошуро куннинг рўзасини сўраганларга «ўтган йилларига каффорат бўлади» деб жавоб бердилар.
43	Шаввол ойдан олти кун рўза тутмоқ	«Ким (Рамазондаги) рўзани тутиб, унинг ортидан Шавволдан ҳам олти кун тутса, умр бўйи рўза тутгандек бўлар»
44	Таровех намозини имом билан охирига қадар ўқув	«Агар бир одам имом билан у кетгунга қадар (таровех) намоз ўқиса, унга бир кеча (нафл) намоз ўқиганнинг савоби ёзилар»
45	Рамазондаги умра	«Рамазон ойининг умраси ҳажга борабор ёки мен билан бирга ҳаж қилганга баробар» «Ким Каабани (етти марта) тавоф қилса ва икки ракъат намоз ўқиса, бир кул озод қилгандек савоб топар»
46	Қабул бўлган ҳаж	«Ким бемаъни сўзламай, сўкинмай ҳаж қилса, уйига онасидан янги туғилгандек (гуноҳсиз) қайтар» «Қабул бўлган ҳаж учун жаннатдан бошқа мукофот йўқдир»
47	Зул-Ҳижжа ойининг аввалги ўн кундаги амал	«Аллоҳ Таолога энг севиқли бўлган амал – охириги ўн кунликдаги амаллардир» Сўрадилар: «эй, Аллоҳнинг элчиси! Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам бунга тенг келмасми?!» Дедилар: «Ҳа, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам. Бирок, агар бир одам молу жонин аямасдан (жиҳодга) чиққан бўлса ва шулардан айрилиб қолса (бунинг савобига етмас)»
48	Қурбонлик	Пайғамбаримиздан саҳобалари сўрашди: «эй, Аллоҳнинг элчиси! Бу қандай қурбонлик?» «Отангиз Иброҳимдан қолган қурбонлик» - дедилар. «Бунинг жуни қандай бўлади?» дейишди. «Ҳар бир туки учун савоб бор»-дедилар»

¹ Нафақа – Аллоҳ йўлида пул-мол сарф қилиш

49	Олимнинг савоби ва афзаллиги	«Олимнинг ибодатчидан афзаллиги сизларнинг орангиздаги энг тубан даражали одамдан менинг афзаллигим кабидир» Кейин пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам мана бундай дедилар: «Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, ер-осмон хилқатлари, ҳаттоки, уясидагы қумурска билан (сувдагы) баликка қадар, одамларга илм ўргатган кишига салавот-салом айтарлар»
50	Аллоҳдан шаҳидликни тиламоқ	«Ким чин дилдан Аллоҳга ёлбориб, шаҳидликни сўраса, агар тўшагида ўлса ҳам Аллоҳ уни шаҳидларнинг даражасига кўтарар»
51	Аллоҳдан кўрқиб йиғламоқ ва Аллоҳ йўлида посбонлик	«Икки кўзни олов ушламас. Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган кўзни ва Аллоҳ йўлида посбонлик билан тонг оттирган кўзни»
52	Аллоҳга таваккал қилиб, олов билан даволанишдан, ўзига дам солдиришдан ва иримлардан воз кечмоқ	«Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг тушларида унга кўп халқлар кўрсатилди. Бир эл-уммат орасидан етмиш минг одамнинг жаннатга ҳисобсиз ва азобга дучор бўлмай кириб кетганлигини кўрдилар. Улар олов билан даволанмаганлар, ўзига дам солдирмаганлар, ирим қилмаганлар ва Роббисига таваккал қилганлар эди»
53	Ўлса ва ортида вояга етмаган фарзандлари қолса...	«Кайси мусулмон банда вояга етмаган уч фарзандини қолдириб ўлиб кетган бўлса, Аллоҳ уни ўша норасидаларга раҳм қилгани сабабли жаннатга киргизар»
54	Кўзидан мусибатланиб сабр қилса...	«Аллоҳ Таоло деди: «Агар Мен бандамнинг икки севиклисини (икки кўзини) олиш билан синасам ва у сабр қилса, унинг ўрнига жаннатни берурман»
55	Бир нарсани Аллоҳдан кўрқиб ташласа...	«Агар сен бир нарсени Улуғ Аллоҳдан кўрқиб ташласанг, Аллоҳ сенга ундан яхшироғини берар»
56	Тил билан олатни сақламоқ	«Ким менга икки ияги билан икки оёғи орасидагиларни (ҳаромдан) сақлашликга кафиллик берса, мен унинг жаннатга гушишига кафиллик бераман»
57	Овқатланганда ва уйга кирганда Аллоҳни зикр қилув	«Агар сизлардан бирингиз уйга кириш олдидан ва овқатланиш олдидан “бисмиллаҳни” айтса, шайтон (ўз аскарларига қараб) “сизлар учун бу уйда ётиш ва овқатланиш мумкин эмас” дейди. Агар (уйга) кириш олдидан “бисмиллаҳни” айтмаса, шайтон (ўз аскарларига қараб) “сизлар учун ётоқхона топилди” дейди. Агар овқатланиш олдидан “бисмиллаҳни” айтмаса, “сизларга ётоқхона ҳам, озиқ-овқат ҳам топилди» дейди”.
58	Емоқ, ичмоқ ортидан ва янги кийим кийганда «ал ҳамду лиллаҳ» ни айтмоқ	«Ким овқатдан кейин «ал-ҳамду лиллаҳил-лазий атьяманий ҳаза ва розақаний мин ғайри ҳавлин минний ва ла қувватин» деса, ўтган гуноҳлари кечирилар» деса., «ва янги кийим кийган одам «ал-ҳамду лиллаҳил-лазий касааний ҳаза ва розақаний мин ғайри ҳавлин минний ва ла қувватин» деса ўтган гуноҳлари кечирилар»
59	Аллоҳ ишини енгиллатишини хоҳласа...	Фотима (онамиз) пайғамбаримиздан (с.а.в.) ўзига ва эри Алига бир хизматчи беришлигини сўраганларида мана бундай жавоб бердилар: «Иккингизга сўраганингиздан яхшироқ нарса ўргатайми? Агар ётиш олдидан 33 марта «Аллоҳу акбор», 33 марта «субҳоналлоҳ», 33 марта «ал-ҳамду лиллаҳ» десангиз, бу сизлар учун хизматчидан яхшироқдир»



60	Жинсий алоқа олдидан ўқиладиган дуо	«Агар сизлардан бирингиз аёлига яқинлик қилишни хоҳласа: «Бисмиллаҳ, Аллоҳумма, жаннибнааш-шайтаана ва жаннибиш-шайтаана ма разактана» десин ва агар Аллоҳ ушбу яқинликдан уларга фарзанд ато қилган бўлса, унга ҳеч қачон шайтон яқинлашмас ¹ »
61	Аёл эрини рози қилиши	«Агар бир аёл беш вақт намозини ўқиб, ойлик рўзасини тутиб, ўзини ҳаромдан сақлаб, эрига итоат қилиб яшаса, (қиёматда) унга “жаннатнинг хоҳлаган эшигидан кир!” дейилар”. “Қайси аёл эрини рози қилган ҳолда ўлса жаннатга тушар”
62	Ота-онага яхшилик ва қариндошлик ришталари	«Аллоҳнинг розилиги отанинг розилигидадир». «Ким ризқи кенг ва умри узун бўлишини хоҳласа қариндошлик ришталарини уласин»
63	Етимларга кафиллик	«Мен ва етимни ўз кафиллигига олган одам жаннатда мана бундай ёнма-ён бўламиз» деб, кўрсатгич бармоғини ўрта бармоғига уладилар.
64	Одоблилик	«Албатта мўмин одам одоби сабабли таҳажжуд намоз ўқиган ва кундузи (нафл) рўза тутган одамнинг даражасига етиша олар»
65	Халойиққа раҳмдиллик	«Аллоҳ раҳмли бандаларига раҳм қилар» «Сизлар едардагиларга раҳм қилинг. Ўшанда сизларга осмондаги (Аллоҳ) раҳм қилар»
66	Мусулмонларга а хайрихоҳлик	«Сизларнинг орангиздан ҳеч бир одам ўзи учун яхши кўрган нарсани мусулмон биродари учун яхши кўрмагунча (тўлик) иймонли бўла олмас»
67	Ҳаё	«Ҳаё яхшиликни гина келтирар» «Ҳаё иймондандир» «Тўрт нарса пайғамбарларнинг хусусиятидандир: ҳаё, ҳушбўйланиш, мисвок ишлатиш ва никоҳланиш»
68	Салом бермоқ	Бир одам келиб «Ассалому алайкум» деб салом берган эди, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «ўн савоб» дедилар. Кейин яна бир одам келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!» деган эди «Йигирма савоб» дедилар. Кейин учинчи одам келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!» деб салом айтган эди «ўттиз савоб» дедилар»
69	Қўл бериб омонлашув	«Агар икки мусулмон учрашиб қўл бериб саломлашса, то ажраб (икки тарафга) кетгунга қадар гуноҳлари кечирилар»
70	Мусулмоннинг номусини ҳимоя қилиш	«Ким бир мусулмоннинг номусини ҳимоя қилса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан ҳимоя қилар»
71	Солиҳ одамларни ва уларнинг мажлисини севмоқ	«Сен (қиёматда) севганинг билан бирга бўлурсан» Анас айтди: « <i>Сабҳобалар бу ҳадисни эшитганда севинганчалик ҳеч қачон севинган эмаслар</i> »
72	Аллоҳнинг улуглиги учун бир-бирини севганлар	«Аллоҳ айтди: «бир-бирларини Менинг улуглигим учун севган одамларга (қиёматда) пайғамбарлар ва шаҳидлар орзу қиладиган, нурдан ясалган минбар бўлар»
73	Мусулмон биродарининг ҳақиға дуо қилмоқ	«Ким олдида бўлмаган мусулмон биродарининг ҳақиға дуо қилса, унинг ёнида юргувчи фаришта «Омин! Сенга ҳам шундай бўлсин!» деб турар»
74	Мўмин эркак-аёлларга истиғфор айтмоқ	«Ким мўмин ва мўминаларга истиғфор айтса, Аллоҳ уларнинг ҳар бирига бирдан савоб ёзар»

¹ Маъноси: «эй, Аллоҳим! Биздан ва бизга ризқ қилиб берган фарзандларимиздан шайтонни олис қил!»

75	Йўлдан азиятни олиш	«Жаннатда бир одамнинг дарaxт тубида чалқанчасига (роҳатланиб) ётганини кўрдим У ўша дарaxтни одамларга зиён еткизганда кесиb ташлаган эди»
76	Жанжал ва ёлғондан олис бўлув	«Ҳақдор бўла туриб жанжаллашмаган одамга жаннатнинг четидан бир уй бўлишига мен қафилдирман. Яна ким ҳазиллашиб бўлса ҳам ёлғон гапирмаса, унга жаннатнинг ўртасидан бир уй бўлишига мен қафилман»
77	Ғазабни ютмоқ	«Ким ғазабланиши мумкин бўлган пайтда ғазабини ютса, қиёматда Аллоҳ уни одамлар олдига чақириб, хурлардан хоҳлаганини танлашига имкон берар»
78	Яхши ёки ёмон деб тилга олмоқ	«Сизлар (эй, мусулмон жамоати) кимни яхши деб тилга олсангиз унга жаннат вожиб бўлади. Аммо кимни ёмон деб тилга олсангиз, унга дўзах вожиб бўлар. Чунки, сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларидирсиз»
79	Мусулмоннинг қайғусини кетирув, оғирини енгил қилув, айбини беркитув	«Ким бу дунёда мусулмоннинг бир қайғусини кетирса, қиёматда Аллоҳ унинг қайғусини кетирар. Ким машаққатдаги одамнинг оғирини енгил қилса, Аллоҳ дунёю-охиратда унинг оғирини енгил қилар. Ким бир мусулманнинг айбини беркитса, Аллоҳ дунёю-охиратда унинг айбини беркитар. Банда биродарига ёрдам берган сайын Аллоҳ унга ёрдам бераверар»
80	Охират қайғуси	«Ким охират қайғусини чекса, Аллоҳ унинг юрагига беҳожатлик солиб, теғрасига одамдарни йиғиб берар. Кейин дунё унинг олдига мажбур ҳолда келар»
81	Адолатли ҳоким, яхши йигит, масжидга боғланув ҳамда Аллоҳ йўлида муҳаббат	«Етти тоифа одам бор, (қиёматда) ҳеч қандай соя йўқ бўлиб турганда уларни Аллоҳ Ўз сояси остига олар. Улар: адолатли бошлиқ, Роббисининг ибадати билан вояга етган ёш йигит, юраги масжидга боғланган одам, бир-бирини Аллоҳ учун севган икки киши. Уларнинг бирлашуви ҳам ажрашуви ҳам шунинг учун бўлса. Яна: гўзал ва мансабдор аёл “кела қол” деганда «Аллоҳдан кўрқаман» деган киши, ўнг қўлининг берганини сўл қўли билмаган даражада махфий садақа қилган одам ва ҳеч ким кўрмаган ерда Аллоҳни эслаб йиғлаган банда»
82	Истиғфор	«Ким истиғфорни лозим тутса, Аллоҳ ҳар дойим унинг йўлини очар, ҳар қандай қайғудан қутқарар ва ўйламаган тарафидан ризқ етказар»

Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам манъ қилган ишлар:

N	Кайтарилган ишлар	Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам айтди:
1	Амали билан одамлар <i>розилигини излаш</i>	Аллоҳ таоло айтди: «Мен шерикларга муҳтож бўлмаган Зотман. Ким ўзининг бир амалида Менга бошқани шерик қилса, у одамни ўша ширки билан ташлаб қўярман!»
2	Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ	«Мен сизларга бир қавмнинг хабарини берайин: Улар қиёматда Оқ Тухома тоғи каби (улкан) савоб олиб келадилар, бироқ Аллоҳ у савобни сочилган тўзан каби қилар». Савбон айтди: «Эй, Аллоҳнинг элчиси, уларни бизга очик сифатлаб берсангиз? Яна билмаслик сабабли ўшалардан бўлиб қолмайлик!» «Дедилар: «улар сизлир билан бир миллатдаги одамлардир. (Қоронғу) кечадан сизлар (улуш) олганингиз каби оларлар. Аммо, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар билан хилватда қолган заҳоти унга қўл урадилар»
3	Такаббурлик	«Юрагида заррача кибри бор одам жаннатга кирмас»
4	Судралган поча(ёки этак)	«Ким такаббурлик билан шимининг почасини, кийимининг этагини ва салласини судралтиб қийса, қиёматда Аллоҳ унга назар солмайди!»
5	Кўролмаслик	«Кўролмасликдан сақланинг! Чунки, олов ўтинни қандай ямласа, Кўролмаслик ҳам савобни худди ўшандай ямлаб ютар!»
6	Судхўрлик	«Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам судхўрликни ва унинг фойдасини (фоизини) еган одамни лаънатлади» * «(Ҳаромлигини) билган ҳолда қилинган судхўрликдан бир дирҳам фойда емоқ ўттиз уч қарра зино қилгандан ҳам кўпроқ гуноҳдир!»
7	Ароқхўрлик	«Ароўхўрлар, сеҳргарлар ва қариндошликни узганлар жаннатга кирмас!»
8	Ёлғон	«Одамдарни кулдириш учун ёлғон тўқиган одамга дўзах бўлғай ва дўзах бўлғай!»
9	Жосуслик	«Ким одамдарнинг сўзларини улар ёмон кўрганига қарамай яширинча эшитса қиёматда кулоғига кўргошин куйилар!»
10	Сурат тортмоқ	«Қиёматда энг қаттиқ азобга дучор қилинувчи одамлар – рассомлардир!» * «Қайси уйда и теки сурат бўлса фаришта кирмас»
11	Гап ташимок	«Гап ташувчи жаннатга кирмас!»
12	Ғийбат	«Ғийбат нима, биласизларми?» (Саҳобалар:) «Аллоҳ ва пайғамбари билгувчиروқдир» дедилар. Ўшанда (пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: «Биродарларингизни у ёмон кўрган сифат билан зикр қилишингиз ғийбатдир» Сўрадилар: «Агар мен айтган сўзлар у биродаримда бор бўлсачи?» дедилар: «Агар сен айтган нарса биродарингда бор бўлса, уни ғийбат қилган бўларсан, агар йўқ бўлса тухмат қилган бўларсан»
13	Лаънат (қарғиш)	«Мўмин одамга лаънит айтмоқ уни ўлдирган билан баробардир» * «Шамолга лаънат айтманг. Унга буюрилгандир. Ким бир нарсага ноўрин лаънат айтса, қарғиши ўзига қайтар»
14	Сирни фош қилув	«Қиёматда, Аллоҳнинг ҳузурида одамларнинг энг ёмон даражада бўлганларидан бири аёлига яқинлик қилганидан кейин унинг сирини фош қилган одамдир»
15	Оғзи ва феъли бузуклик (фосиқлик)	«Қиёматда Аллоҳнинг ҳузурида одамдарнинг энг ёмони шундай кишики, одамлар унинг бузуклигидан (фосиқлигидан) кўрқиб унга яқинлаша олмаслар» * «Одамнинг энг кўп хатоси тилидандир»
16	Мусулмонни кофир деб тухмат қилмоқ	«Қайси бир одам (мусулмон) биродарини «эй, кофир» деса, бу сўз иккисининг бирига қайтар. Агар у айтгандек бўлса (у кофир) агар ундай бўлмас, (кофирлик) айтган одамнинг ўзига қайтар»

17	Узини бошқа отага нисбат бермоқ	«Ким ўзини ўз отасидан бошқа отага нисбатласа, унга жаннат ҳаром бўлади» * «Отангиздан тонманг! Ким отасидан тонар бўлса – бу кофирликдир!»
18	Мусулмонни кўрkitмoқ	«Мусулмон мусулмонни кўрkitиши ҳалол эмас» * «Ким мусулмон биродарига темир (қурол) кезаса, то унисини қайтармагунча унга фаришталар лаънат айтар»
19	Ислoм диёрида oмoнлик берилган кoфирни ўлдирмoқ	«Ким келишимдаги oдамни ноҳақ ўлдирса жаннатнинг ҳидини ҳидламас. Жаннатнинг ҳиди эса, етти юз йиллик йўлдан ҳам ҳидланиб турар»
20	Аллоҳнинг дўстларини душман тутмoқ	«Аллоҳ Таоло айтар: «Ким Менинг дўстимни душман тутса, Мен унга қаршы уруш эълон қиламан!»
21	«Мунофиқни ва фoсик oдамни «жанoб» деманглар»	Мунафиқни ва фoсикни «жанoб» (мухтарам) деманглар. Мабодо у ҳурматли бўлиб қолса, Раббингизни ғазаблантирган бўларсиз»
22	Халқни алдамoқ	«Аллоҳ бир oдамни бир қавмга чўпон (бошлиқ) қилса ва у халқни алдаган ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилар»
23	Илмсиз oдамнинг фатво бериши	«Кимга илимсизлик билан фатво берилса (ва у ўшанга биноан бир иш ёки ибодат қилса) унинг гуноҳи фатво берган oдамга бўлади»
24	Жума ва Аср намозини ўқимаслик	«Ким ялқовлик сабабли уч Жума намозини ўқимаса, Аллоҳ унинг юрагини муҳрлаб қўяр». «Ким Аср намозини ўқимаса, амаллари куйиб кетар!»
25	Намoзга лoқайдлик	«Биз билан улар (кофирлар)нинг oрасидаги аҳднома – намoздир. Ким уни ўқимаса кофир бўлар» * «Киши билан кофирлик ва ширкнинг oрасида бенамoзлик гина бор»
26	Намoз ўқувчининг oлдидан ўтмoқ	«Намoз ўқувчининг oлдидан ўтга oдам ўзига қандай зиён бўлишини билганида, унинг oлдидан ўтгандан кўра унга қирқ (кун ёки йил) тўхтаб (кутиб) тургани яхшироқ бўлади»
27	Намoзxoнларга oзор бермoқ	«Ким (пиширилмаган) пиёз, саримсок ва куррас ¹ еган бўлса, мутлақо масжидимизга яқинлашмасин! Чунки, oдам фарзанди жирканган нарсалардан фаришталар ҳам жирканар»
28	Ер бoсиб oлув	«Ким зулм билан бир қарыч ерни бoсиб олса киёматда Аллоҳ бўйинининг етти жойидан бўйинтуруқ солиб қўяр»
29	Аллоҳнинг ғазабини келтирган сўз	«Банда Аллоҳнинг ғазабини келтирган сўзни сўзлаб, бемалол юраверса етмиш йиллик олислиқдан дўзахга ирғитилар»
30	Аллоҳни зикр қилмай, кўп гапирмoқ	«Аллоҳнинг зикри бўлмаган сўзларни кўпайтирманглар. Аллоҳнинг зикри бўлмаган кўп сўз – бу тошбағирликдир»
31	Кўп гапирмoқ	«Киёмат куни мен энг ёмон кўрган ва менинг мажлисимдан энг олис oдам сизларнинг oрангиздаги алжиб, кўп сўзлаган, бемаъни тантираган кишидир»
32	Аллоҳнинг зикридан ғoфил қoлмoқ	«Қайски қавм ўз мажлисида Аллоҳни зикр қилмай, пайғамбарга салавот айтмай ўтирса, улар учун Аллоҳнинг қасоси бўлар. Аммо, Аллоҳ хоҳласа кечирар, хоҳласа азoблар»
33	Мусулмонни oшқoра сўкмoқ	«Биродарингни oшқoра сўксанг, Аллоҳ унга раҳм, сенга мусибат юборар» * «Ким биродарининг бир айбини масҳара қилса, ўзи ўша айб(иш)ни қилмагунча ўлмас»
34	Икки мусулмоннинг аразлашуви	«Мўмин oдам уч кундан oшиқ биродари билан (юз кўришмас бўлиб) аразлашуви ҳалол эмасдир» * «Ким биродари билан аразлашиб, бир йил кўришмай юрса унинг қонини тўккан билан барoбардир»

¹ Пиёзнинг бир тури. Пиёз-порей

35	Гуноҳни ошкора қилмоқ	«Барча умматим кечирилар, аммо, гуноҳни ошкора қилганлар...»
36	Ёмон одат	«Асални сирка бузгани каби, ёмон одат амални бузар»
37	Ҳадясини қайтариб олув	«Ҳадясини қайтариб олган одам қусундисини ютган одам кабидир» * «Берган ҳадясини қайтариб олиш одамга ҳалол эмас»
38	Кўшнига зулм	«Ўн аёл билан зино қилишнинг гуноҳи кўшнининг аёли билан зино қилишдан енгилроқдир. Ўн уйга ўғриликга кириш кўшнининг уйига ўғриликга киришдан енгилроқдир»
39	Ҳаромга назар солмоқ	«Одам боласига зинодан топган улуши ёзилар. Икки кўзнинг зиноси – (ҳаромга) қарамоқ, қулоқнинг зиноси – (ҳаромни) эшитмоқ, тилнинг зиноси – (уят сўз) сўзламоқ, қўл зиноси – ушламоқ, оёқ зиноси – бормоқ. Юрак (ҳаромни) хоҳлар, орзу қилар. Жинсий аъзо эса (у ҳаром хоҳишни) тасдиқлар ёки ёлғонга чиқарар»
40	Номаҳрам аёлни ушламоқ	«Эркақлар учун номаҳрам аёлни ушлагандан кўра бошига темир игна сайилгани яхшироқдир» * «Мен аёллар билан қўл бериб сўрашмайман»
41	«Шиғор никоҳи»	«Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам шиғордан қайтарганлар». Шиғор – бу икки одам бир-бирининг қизига уйланиб, қизларга маҳр бермай қўйишлиқдир ¹ .
42	Ўкириб йиғламоқ	«Ким учун ўкириб йиғланса, қиёматда у сабабли азобланар» «Қабрдаги майит, унга ўкириб йиғлангани сабабли азобга солинар»
43	Аллоҳдан бошқанинг номига қасам ичмоқ	«Ким Аллоҳдан бошқага қасам ичса кофир бўлди ёки мушрик бўлди» * «Ким онт ичса Аллоҳнинг номигагина ичсин, йўқса индамасин»
44	Ёлғон қасам	«Ким қасам ичиб бир мусулмоннинг молини олган бўлса ва ичган қасами ёлғон бўлса, қиёматда Аллоҳга йўлиққач (Аллоҳ) унга ғазаб қилар»
45	Савдодаги қасам	Савдода кўп қасам ичаверманглар! Чунки у савдони юргизгани билан (баракани) кеткизар» * «Қасам савдони юргизгани билан (баракани) кеткизар»
46	Кофирларга ўхшамоқ	«Ким бир (кофир) қавмга ўхшаса – ўшалардандир» «Ўзини бошқаларга ўхшатганлар биздан эмас»
47	Қабр устига бино қурмоқ	«Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр устига жисс ² қуйишдан, ўтиришдан ва бино қуришдан қайтарган эдилар» (саҳобаларнинг сўзларидан)
48	Хиёнат	«Аллоҳ қиёматда аввалги-охиргиларнинг барчасини жамлаганда, ҳар бир хиёнатчининг устига байроқ кўтарилиб, «бу фалончидир!» деб шарманда қилинар»
49	Қабр устига ўтирмоқ	«Сизлардан бирингиз қабр устига ўтиргандан кўра чўғ устига ўтиргани ва чўғ унинг кийимини куйдириб, баданига ёпишиб қолгани яхшироқдир»
50	Иззатталаблик	«Ким ўзи учун одамларнинг ўрнидан туришларини яхши кўрса, ўзига дўзахдан жой ҳозирласин!»
51	Муҳтож бўлмаган ҳолда тиланмоқ	«Банда агар (ўзига) сўров (тиланиш) эшигини очса, Аллоҳ унга камбағаллик эшигини очар»
52	Савдода нархни алдаб кўтармоқ	«Маҳаллий одам (олиб-сотарлик қилиб) бадавий одамга сотмасин! Нархни (ёлғондан) кўтарманглар! Киши биродарининг савдоси устига савдо қилмасин!»

¹ Бу ҳадис икки одам бир-бирининг қизига уйланишини манъ қилмайди, балки ана шу алмашини сабабли қизларга маҳр бермасликдан қайтаради.

² гипс

53	Йўқотганини масжиддан излаш	«Кимда-ким йўқотган нарсани масжиддан қидирган киши (нинг сўзи)ни эшитса, унга: «Аллоҳ йўқотганини қайтармасин!» десин. Чунки, масжидлар бунинг учун қурилмаган»
54	Шайтонни сўкмоқ	«Шайтонни сўкмангиз, унинг ёмонлигидан ҳимоя тилангиз». * «Саҳобалардан бири айтди: «Мен пайғамбарга мингашиб бораётган эдим. Баногоҳ улови қоқилиб кетди. Ўшанда мен: «Шайтон ўлгур!» деп сўкинган эдим, Аллоҳтын элчиси айтди: «Сен «шайтон ўлгур!» десанг, у манмансиниб уйдек бўлади ва «менинг кучим сабабли бўлган экан» дейди. Ундан кўра «Бисмиллаҳ!» дегин. Ўшанда шайтон кичрайиб-кичрайиб пашшадек бўлиб қолади».
55	Иситмани сўкмоқ	«Иситма чикса уни сўкманглар. Босқон темирнинг ҳидини кетиргани каби у ҳам одам боласининг гуноҳларини кетирар»
56	Залолатга даъват	«Ким бир залолатга чақирса (ва одамдар уни қабул қилсалар) унга уни ясаган барча одамларнинг гуноҳи дагы юкланар. Аммо, бу билан уларнинг (эргашган одамларнинг) гуноҳи озайиб қолмайди»
59	Ичимликга тааллуқли гуноҳлар	«Аллоҳнинг элчиси (ката) идиш лабидан (сув) ичишдан қайтарганлар» * «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам тик турган ҳолда сув ичишдан қайтарганлар» * «...пуфлаб ичишдан қайтарганлар»
58	Олтин ёки кумуш идиш билан ичмоқ	«Олтин-кумуш идишларда ичманглар, ипак ва парча-кимхобларни кийманглар! У(кийим)лар бу дунёда улар (кофирлар) учун, охиратда сизлар учун»
59	Чап қўл билан емоқ, ичмоқ	«Ҳеч кимингиз чап қўли билан емасин ва ичмасин! Чунки, шайтон чап қўли билан еб-ичар»
60	Қариндошлик риштасини узмоқ	«Қариндошликни узган жаннатга кирмас»
61	Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмаслик	«Олдида мен(инг исми) зикр қилинганда менга салавот айтмаган одам хор бўлсин!» * «Бахил – бу олдида мен зикр қилинганда менга салавот айтмаган одамдир»
62	Ит боқиш	«Ким овчи ёки қўриқчи итдан бошқасини асраса ҳар кун сайын савобидан икки қийрот ¹ озаверар»
63	Ҳайвонга азоб бермоқ	«Бир аёл мушукни қамаб, то ўлгунча азобга солганлиги учун дўзахга тушди» «Жонли нарсани нишон қилманглар»
64	Ҳайвонга кўнғирок илмоқ	«Фаришталар ит ёки кўнғирок бўлган йўловчиларга йўлдош бўлмас» * «Кўнғирок шайтоннинг куйидир»
65	Истидрож	«Агарда сен Аллоҳга гуноҳ қилаётган бандага Аллоҳ у севган неъматларни бераётганини кўрсанг, билгинки бу– «истидрож»дир ² дедилар ва мана бу оятни ўкидилар: فَلَمَّا سَأَوْا مَا دُكِّرُوا بِهِ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَابَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّى إِذَا فَرِحُوا بِمَا أُوتُوا أَخَذْنَاهُمْ بَغْتَةً فَإِذَا هُمْ مُبْلِسُونَ «Кейин, ўзларига эслатилган нарсаларни (бало офатларни) унутиб қўйишиганда Биз уларга барча нарсаларнинг эшикларини очиб қўйдик. Улар то ўзларига берилган нарсалар билан севинишиганда, тўсатдан уларни (қутилмаган бало билан) ушлаган эдик, дарҳол ноумид ҳолда қолдилар» (Анъом сураси. 44-оят)
66	Дунёни охиратдан афзал кўрмоқ	«Кимнинг дунёдан бўлак қайғуси бўлмаса, Аллоҳ фақирликни манглайига олиб келар, атрофидан одамларни тарқатар ва у, дунёдан ўзига тақдир (тақсим) қилингандан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмас»

¹ Ўлчам бирлиги

² Истидрожнинг маъноси «билдирмасдан гуноҳ зиналаридан кўтариб, охир оқибатда ката азобга лойиқ қилмоқ»дир

Абадиятга сафар

(Бу сенинг жаннатга ёки дўзахга кетган йўлингдир)

Аллоҳ таоло деди: Эй, ыймон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз! (Хар бир) жон эртаси учун нима олиб боришига қарасин!»

Қабр Охиратнинг бошланиши. Кофир ва мунофиқ учун алангали чуқур, аммо мўминлар учун гул боғчаси. Пайғамбаримиз (с.а.в.) қабр азобига сабаб бўладиган гуноҳларнинг турлари ҳақида хабар берганлар.

Улардан: 1. Бавлдан тозаланмай юриш. 2. Ғийбат. 3. Ёлғон. 4. Ухлаб қолиб намозни қазо қилиш. 5. Қуръонни ўқимай тарк қилиш. 6. Зино. 7. Баччабозлик. 8. Судхўрлик. 9. Бесабаб қарзни узмай юриш ва ҳоказолар.

Тубандаги амаллар эса қабр азобидан озод бўлишга сабабдир: 1. Амални Аллоҳга холис қилиш. 2. Қабр азобидан паноҳ тилаб дуо қилиш. 3. “Мулк” (Таборақ) сурасини ўқиш. Ва ҳоказолар. **Баъзи одамлар қабр азобидан батамом озоддирлар.** Улар: 1. Шаҳидлар. 2. Ислом ҳомийлари. 3. Жума куни вафот қилганлар. 4. Касал туфайли қазо қилганлар ва ҳоказо...

Сур карнайнинг тортилиши Сур – бу Исрофил фаришта оғзига солиб, қачон Аллоҳдан амр бўлса чАлишга тайёр турган каттакон карнайдир. Сур икки дафъа тортиладир. Биринчиси, Аллоҳ таоло айтганидек: **“Сур (биринчи дафъа) тортилганда осмонлар ва ердаги барча – Аллоҳ ҳоҳлагандан бошқа – жондорлар ўлажак!”** Кейин одамлар вайрон бўлади. Орадан қирк йил ўтгач, Сур иккинчи дафъа тортилади. Буниси қайта тирилиш учундир: **“Кейин у билан бошқаси (иккинчиси) тортиладида, улар қараб қолурлар...”**

Қайта тирилиш Ундан кейин Аллоҳ таоло (эркакнинг уруғи каби) ёмғир ёғдиради ва тануар (думғазадан) ўсиб чиқадилар¹. Бу сафар улар ўлмас бўлиб тириладилар. Одамлар қабрларидан чиққанда яланғоч ва хатна қилинмаган ахволда бўладилар.

«Ҳашр» (Тўпланиш) Аллоҳ таоло қўрқувдан маст бўлиб, эсини йўқотаёзган халойиқни ҳисоб учун тўплайди. У куннинг миқдори 50 минг йилга баробардир. Одамлар у ерда дунё ҳаётини бир соатгина яшаганларидек эслайдилар. Куёш одамларга бир мильга² қадар яқинлаштирилади. Одамлар амалларига яраша (кимдир пойчасигача, кимдир тиззагача, яна бошқа бирлари бўйнига қадар) ўз баданларидан оққан терга ғарқ бўлиб, жуда оғир шароитда тезроқ ҳисоб бошланишини кутиб турадилар.

У кунда ожиз кофирлар билан уларни куфрга бошлаган такаббур йўлбошчилари ва барча кофирлар билан уларни йўлдан оздирган жин-шайтонлар талашиб-тортишиб, ўзаро лаънатлар айтишиб, гуноҳни бир-бирларига ағдармоқчи бўладилар. Аммо, уларга қарши ўз аъзолари гувоҳлик беради. Кейин етмиш минг тизгинли дўзахни, ҳар бир тизгинидан етмиш

¹ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадисларида “Инсон танасининг барча аъзолари чирийди илло, думғазача чиримайди. Қиёматда инсонлар ўшандан униб чиқадилар” деганлар.

² Мил – узунлик ўлчами. Бир миль тақрибан 2 км.га баробар.

минг фаришти судраган ҳолда олиб келадилар. Уни кўрган кофирлар “Шу кунни кўргандан кўра шояд, тупроқ бўлиб қолсак!” деб армон қиладилар.

Мусулмон бўла туриб, гуноҳкорларнинг аҳволи тубандагича бўлади: закот бермаган одамнинг бойлиги оловга айланиб, ўзини куйдиради, такаббур одамлар кумурскуардай майда (митти) бўлиб қоладилар, хиёнаткор удамчилар, бировнинг мулкани тортиб олганлар шарманда қилинадилар. Ўғриларга ўғирлаган нарсалари кўтартириб қўйилади. Барча сирлар очилади. **Аммо, тақводор зотларга** ҳеч қандай кўрқинч бўлмайди. Даҳшат ва хафв-хатар улар учун гўё пешин намозидек тез ўтиб кетади.

Шафоат Икки турлидир: **1) Катта шафоат.** Бу пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга гина хосдир. Бу шафоати билан пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳшар майдонидаги ҳисоб кунини кутиб азоб чекаётган инсониятга сўроқ бошланишини Аллоҳдан сўраб, руҳсат оладилар. **2) Умумий шафоат.** Бу пайғамбаримиз билан бирга бошқа пайғамбарларга, авлиёларга ва бошқа Аллоҳ ҳоҳлаганларга бериладиган шафоатдир. Бу шафоати билан пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам иймонли, бироқ, гуноҳи оғир келгани сабабли дўзахга ҳукм қилинган одамларнинг дўзахдан чиқарилишига сабаб бўладилар.

Ҳисоб Одамлар саф-сафга тизилишиб Роббисига йўлиқадилар. Уларга амаллари кўрсатилгандан кейин сўроқ бошланади: умрни, ёшликни, молу дунёни нимага сарф қилгани, илми нимага ишлатгани, ваъдуар, неъматлар ҳақида.., кўз, қулоқ, қалб.., буларни нимага ишлатгани ҳақида сўраладилар. **Кофирлар ва мунофиқларни** шарманда қилиш учун ва **кунөөлөрүн далил менен мойнуна коюу үчүн.** Уларга қарши одамлар, Ер, кеча ва кундуз, ўзларининг бойликлари, аъзолари гувоҳликга ўтадилар. Охири ўзлари иқрор бўладилар. **Иймонлиларни эса,** Аллоҳ таоло бошқалардан холи ажратиб, яккама-якка сўроққа тутади. Барча гуноҳларини бўйнига қўйганда банда “ох, ўлдим!” деб надомат чекади. Шунда Аллоҳ таоло **“Сенинг гуноҳларингни дунёда яширган эдим, бугун уларни кечираман!”** дейди. У кунда сўроқ учун энг аввал Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати келадилар. Амаллар орасидан даставвал намоз, ҳукм масаласида эса энг биринчи қондан сўралади.

Номайи аъмолнинг учиб келиши Ундан кейин амал китоблари (номайи аъмол) учиб келади. Уларда Қуръону Каримда айтилгани каби **“Каттаю кичик барча нарсалар бири ҳам қолмасдан ҳисобланган”** бўлади. Иймонлиларга китоблари ўнг тарафидан, кофирларга эса чап томонидан ҳамда орқа томонидан берилади.

Мийзон (Тарозу) Ундан кейин муносиб мукофот ёки жазоларини олиш учун халойиқнинг амаллари ўти дақиқ ва икки пулАли тарозуда тортилади. **Унда Аллоҳга холис ва шариатга мувофиқ амалларгина оғир келади.** Энг сумоқли амаллар жумласига: «ла илааҳа иллАллоҳх» калимаси, хуснул хулқ ҳамда



«уҳамду лиллах», «субҳанАллоҳи ва би ҳамдих, субҳанАллоҳил Азийм» деган зикрлар киради. У ерда одамлар савоб ва гуноҳлари ҳақида ҳукм талашадилар.

Хавз (булоқ) Кейин иймонлилар **Хавзга** келадилар. Ким ундан ичса иккинчи чанқамайди. Барча пайғамбарларнинг ўзига хос хавзлари бордир. Энг каттаси **Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламниқидир**. У хавзнинг суви сутдан оқ, болдан ширин, мискдан хушбўйдир. Олтин ва кумуш қадахлар теграсига тизилган... узунлиги Иордания билан Адан ўлкуаридек. Унинг суви **Кавсар** дарёсидан оқиб келар.

Мўминларнинг синалиши Ҳашрнинг охирги куни кофирлар сохта худоларининг орқасидан эргашиб кетадилар. “Худолари уларни худди пода каби дўзахга эргаштириб келади ва юзларини ерга ишкуган ҳолда судраб тўзахга ташланадилар. Маҳшарда мўминлар билан мунофиқларгина қолади. Кейин Аллоҳ уларга “Нимани кутаяпсизлар?” деганида “Биз ҳам Роббимизни кутмоқдамиз” деб жавоб берадилар. Кейин Аллоҳ Ўзининг мислсиз, ҳеч нарсага ўхшамаган болдирини очади. Барчалари саждага бўй ташлайдилар. Мунофиқлар ҳам сажда қилишга интиладилар аммо... Укунни Аллоҳ таоло Қуръону Каримда мана бундай таърифлайди: “Ўшал куни Болдир очилар. (Барча халқлар саждага) чақириладилар бироқ, (мунофиқларнинг умуртқуари қотиб қолгани сабабли саждага) кодир бўлмай қоладилар”. (“Қалам” сураси. 42-оят. Бу оятнинг тафсири Саҳиҳи Бухорийдаги 4919 рақамли ҳадисдадир). Кейин Аллоҳ таоло барчаларини Сирот кўпригига олиб боради. Мўминларга ундан ўтиш учун нур берилиб, мунофиқлар нурдан бенасиб қоладилар.

Сирот кўприги Бу – дўзахнинг устига қурилган узун кўприқдир. Ундан нур берилган мўминларгина ўта оладилар. Аммо, Аллоҳ хоҳлаганлардан бошқалар жуда ҳам қийнадилар. Чунки, бу кўприк “қилдан ингичка ва қиличдан ўткирдир” (Имом Муслим). Мўминларнинг нурлари амалларига яраша ҳар хил: каттаси тоғдек, энг миттиси эса оёғининг бошмудоғидек бўлиб, аранг милтирайди... Одамлар ўша нурларига яраша ўтадилар: баъзилар нурдек, шамолдек, чакмоқдек, кушдек ёхуд толпордек елиб ўтсуар, баъзилар хашаки отдек ўтадилар. Аммо мунофиқлар нури йўқ бўлгани учун орқларига қайтадилар. Улар билан мўминлар орасини бир девор тўсиб қўйилади. Шунга қарамай мунофиқлар чамалаб бўлса ҳам Сиротга кодам ташлайдилар ва... дўзахга қулаб тушадилар.

Дўзах Унга кофирлар, мунофиқлар ва баъзи бир гуноҳкорлар ташланади. Инсониятнинг ҳар минг нафаридан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси дўзахга ҳукм қилинади. Дўзахнинг етти эшиги бўлиб, олови дунё оловидан етмиш ҳисса юқоридир. Азобни яхшироқ сезсинлар учун кофирларнинг терилари куйган сайин бошқа терига алмаштириб турилади. Дўзахийларнинг ичимлиги қайноқ сув ҳамда йиринг, емаклари эса Заққум тикони!!! Энг енгил азобга гирифтор қилинган кофирнинг товонига дўзах чўғидан қўйилганда, ҳароратнинг

кучлилигидан мияси қайнаб кетади!!! Ўтин ўрнига кофирлар ва тошлар ёкилади! Дўзах тўғри келганки нарсани ямлаб, қайнаб, ўкириб, қутуриб туради!

Қантара «Мўминлар дўзахдан озод бўлишиб, Жаннат ва дўзах ўртасидаги “Қантара” деган жойга келишади. У ерда бир-бирларига дунёда ыилган зулмлари учун ўч олиб берилади. Ҳамма ўч олиб бўлгандан кейин, юракларида ўзаро гина қолмагач, соф, тоза қалб билан жаннатга рухсат берилади. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасам ичиб айтаманки, уларнинг ҳар бири жаннатдаги маконини худди дунёдаги уйларини топиб боргандек топиб борадилар!” (Бухорий)

Жаннат Жаннат мўминларнинг абадий макони. Саройлари олтину қумушдан, сувоғи мушку анбардан, шағулари ёкуту маржондан, тупроқлари эса заъфарондандир. Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бирининг эни уч кунлик йўл. Шунга қарамай доимо тикилинч, одамлар тўлиб-тўлиб ўтадилар. Жаннатнинг юз даражаси бордир. Ҳар бир даражанинг оралиқ масофаси осмон ва ер каби. Энг олий даражаси дарёлар шарқираб турган “Фирдавс” жаннатики, унинг шифти Аллоҳнинг Аршидир. Фирдавсда сув дарёсидан ташқари асу, сут ва шароб дарёлари ҳам мавжуддир. Мўминлар хоҳлаган дарёсини хоҳлаган тарафга оқизиб, хоҳлаган жойида ича оладилар. Боғларида мудом ғарқ пишган мевалар эгилган... Жаннатдагилар абадий ёш, кийимлари тўзмас ва эскирмас... у ерда катта ва кичкина “ҳожат”, балғам, туфук каби нарсалар йўк... Жаннатийларнинг қўлларида олтин тароқлар.., баданларидан тер ўрнига мушку анбар чиқади. Жаннатда гўзал, бир хил ёшдаги хипча бел аёллар – хурлар бордир. Жаннат хизматчилари эса ёш йигитчуар – ғуломлардирки, улар худди сочилган марваридларга ўхшайдир. Жаннатга ҳаммадан аввал пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан кейин бошқа пайғамбарлар, улардан кейин бошқа халқлар кирадилар. Жаннатнинг энг улуғ неъматини Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг Жамолини кўришлик, розилигига мушарраф бўлишлик ва у ерда абадий қолишликдир!

Таҳоратни қандай олинади?



Таҳорат фақат покиза сув билан раво бўлур. “Тоза сув” деб, сувлик табиатини йўқотмаган, бошқача айтганда ранги, ҳиди ва таъми бирор нарсанинг аралашishi туфайли ўзгармаган сувга айтилади. Сув ҳар қанча узоқ сақланса ҳам мана шу уч хусусиятидан бири ўзгармас экан, пок деб эътибор қилинаверади.

- Ўта иссиқ ёки ўта совуқ сувда таҳорат олиш ва таҳорат пайтида гапириш макруҳдир.
- Агар сув оз бўлса унга нажас аралашishi билан нажасга айланади. Аммо, 210 литрдан ошиқ бўлса кўп деб эътибор қилинади ва бунга нажас аралашса, то уч хусусиятидан бирини ўзгартирмагунча нажас ҳисобланмайди.



Даарат «бисмиллаҳир Роҳманир Роҳиймни» айтиш билан бошланади. Ҳар бир таҳоратда қафтни усти билан қўшиб ювиш мустаҳабдир. Айниқса ухлаб турган одам учун бу зарурдир.

- «Бисмиллаҳни» унутса таҳорати раво. Эсига тушар захоти айтса, таҳратни бошқадан бошламайди.
- Барча аъзоларни учдан кўп ювиш макруҳдир



Кейин оғиз чайқуади. Бир мартаси вожиб, уч мартаси афзалдир. Бунда сувни оғиз ичида айлантириш (мазмаза қилиш) зарур. Мазмазани уч бора такрорлаш мустаҳаб.

- Оғиз чайқаш қондаси билан бўлгандагина савоблидир.
- Оғиз чайқаган сувни ютиб юборишнинг зиёни йўқ.
- Оғиз чайқаганда масвок фойдаланиш мустаҳаб.



Ундан кейин бурун чайқуади (истиншоқ). Бунда сувни то қаншаргача тортиш керак. Буни бир бора қилмоқ вожиб, уч қарраси мустаҳаб.

- Бурунни чайқаганда ўнг қўл билан сув олиб чап қўл билан мишириб ташлаш мустаҳабдир.
- Рўза эмас одам бу амални обдон қилиши мустаҳаб.



Кейин юзни ювилади. Юз сатҳи: узунасига соч чиққан жойжан ияк остига қадар, энига эса икки қулоқ оралиғидир.

- Соқол қуюқ бўлса, таҳлил қилмоқ (бармоқлар билан тарамоқ) вожиб. Аммо, сийрак бўлса мустаҳабдир.



Кейин икки қўлни бармоқ учларидан то тирсак юқорисигача (тирсакни қўшиб) ювилади.

- Ўнг қўлни чап қўлдан аввал ювмоқ мустаҳабдир.



Кейин бошга масҳ тортилади. Кейин кўрсатғич бармоқлар билан икки қулоқ ичи, бош бармоқлар билан эса қулоқ сирти тозаланади.

- Масҳда бошни манглайдан то энсага қадар силамоқ вожиб. Аммо соч узун бўлса, осилиб турган қисмига масҳ вожиб эмас.
- Агар соч йўқ бўлса, бошнинг терисига масҳ қилинади.
- Масҳда қулоқ ёки қулоқ орти қолмаслиги вожиб.



Ундан кейин (охирيدا) икки оёқни кизил ошиғи билан қўшиб ювилади. Бир мартаси вожиб, уч мартаси афзалдир.

- Бу амалнинг мустаҳаби, аввал ўнг оёқдан бошламоқ ва бармоқлар орасига таҳлил қилмоқдир.

Эслатмалар:

Таҳоратнинг аъзолари тўртдир. Улар: 1.Оғиз-бурун. 2.Икки қўл.3.Бош ва икки қулоқ. 4.Икки оёқ. Бу аъзоларни ювишда тартибга риоя қилиш вожиб. Тартиб бузилса, таҳорат ҳам бузилади. Таҳоратнинг яна бир вожиби “муволат” яъни пайдар-пай ювмоқликдир. Бошқача айтганда, ювилган аъзо қуриб қолгунча кейингисини ювмоқдир.

Таҳоратдан кейин мана бу дуони ўқиш суннатдир: “*Ашҳаду анла илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ*”

Намоз ўқишнинг қондаси:

Шартли белгилар: 1) **Қизил харфлар** = намознинг арконлари. Улардан биригина тарқ қилинса намоз ботил бўлади. 2) **Кўк харфлар** = намознинг вожиблари. Улардан бирини қасддан тарқ қилса, намоз бузилади. Аммо унутса, саждайн сахв билан ўрнига келади. 3) **Яшил харфлар** = намознинг суннатлари. Буларни адо қилмаса ҳам намоз раводир.



Намозга турган одам **икки қўлини елка баробарида қўтариб, қиблага қараб «Аллоҳу Акбар» деб намозни бошлайди.** Ушбу такбирни ва бундан бошқа барча такбирларни имом жаҳрий (овоз чиқариб) айтади. Имомдан бошқалар овоз чиқармай ва имомдан кейин такбир айтадилар.

■ Ҳатто махфий ўқилган намозларда ҳам намознинг рукнлари ва қавлий вожибларини **намозхон ўзи эшитгудек** жаҳрий қилиши вожибдир.



Кейин қўл боғланади. Бунда ўнг қўл билан чап қўлни ушлаб, кўкрак остига қўйилади. Кўзлар сажда ўрнида бўлиши лозим. Кейин “Субҳонака...” яъни истифтоҳ дуосини ўқиб, “аувзу” билан “бисмиллаҳни” овоз чиқармай айтади. Кейин “Фотиҳа” сурасини ўқиб, билган сураларидан бирин зам қилади. Имом Бомдодда, Шомнинг ва Хуфтоннинг аввалги икки рақъатида кироатини жаҳрий ўқийди..

■ Зам сурани Қуръону Каримдаги тартиби бўйича ўқиш мастаҳаб, аксинча ўқиш макруҳдир. Бир оят ёки сурадаги калималар тартибини алмаштириб ўқиш харомдир.



Ундан кейин «Аллоҳу Акбар» деб, такбир айтиб, **рукуга боради.** Руку – бу икки қўли билан тиззасини чангаллаган ҳолда, энсаси билан орқа бели баробар бўлгб эгилиб туришлиқдир. Тиззуари ушлаганда бармоқ оруари хиёл очик бўлиши лозим. Мана шу ҳолда уч марта «Субҳаана Роббиял Азийм» дейди.

■ Қиёмга тураётганда айтиладиган “самийАллоҳу лиман хамидах!” дуоси туришлик баробарида айтилиши лозим. Қасддан кечиктирса намоз бузилади. Ундан бошқа арконлар орасида айтиладиган такбирларнинг ҳукми ҳам шундай.



Кейин «самийАллоҳу лиман хамидах» деб **бошни қўтаради** ва қиёмга тургач «Роббана ва лаку ҳамду ҳамдан касийрон тоййибан, мубооракан фийҳ, мильас – самааваати ва мильу арди ва мильа маа шеъта мин шайъин баъду» деган зикрни айтади..

■ «Роббана...» қиёмга тамоман етгач айтилади. ■ «Раббана...» дуосини 1) Роббана лаку ҳамд 2) Роббана ва лаку ҳамду 3) Аллоҳумма, Роббана ва лаку ҳамд қабалида ҳам айтилади.



Кейин такбир айтиб, **сажда қилади.** Бунда қўлтиқ кенг очилиб, қорин икки сондан, икки сон эса болдирдан узокроқ ҳолда, икки қўл елка баробарида, қўл ва оёқ бармоқлари қиблага йўналтирилган бўлиши лозим. Шу ҳолда «Субҳана Роббиял аъло» деб уч бора зикр айтилади. Шундан кейин саждада хоҳлаган дуосини ўқиб, бир неча дақиқуар турса ҳам – ихтиёри.

■ Сажда етти аъзо билан адо қилиниши лозим. Улар: икки оёқ бармоқлари, икки тизза, икки кафт ҳамда юз (манглай, бурун). Булардан баъзисини қасддан ерга тегизмай (саждада иштирок қилдирмай) қўйиш билан намоз бузилади.



Кейин такбир айтиш баробарида бошини саждадан кўтариб, чап оёғини тўшаб, устига ўтиради. Ўнг оёқ худди сайилгандек тик ҳолатда бўлади. Икки оёқ бармоқлари ҳам қиблага йўналтирилади. Шу ҳолда икки бора «Робби иғфир лий» дуосини ўқийди. Кейин иккинчи марта сажда қилиб, товонларининг олд тарафига таяниб, такбир айтиш баробарида бошини кўтаради ва қиёмга туриб, иккинчи ракъатни бошлайди. Иккинчи ракъат ҳам худди аввалгисидек адо қилинади.

■ «Фотиха» сураси қиёмга тўлиқ етгандагина ўқилади. Чунки у қиёмнинг амалидандир. Агар қиёмга етмай бошласа намози бузилади.



Аввалги икки ракъат тамом бўлгач, биринчи ташаххуд учун ўтирилади (қаъда). Бунда чап оёқни тўшаб, чап қўл чап сон устига, ўнг қўл ўнг сон устига қўйилади. Ўнг қўлнинг кафти юмилиб, кўрсаткич ва бош бармоқ учлари бир бирига теккизилади ва кўрсаткич билан “Аллоҳ ягона” дегандек ишорат қилиниш баробарида «Аттаҳияту...» дуосини ўқийди. Кейин такбир айтиб, қиёмга туриб, учинчи ва тўртинчи ракъатларни аввалги икки ракъат каби ўқилади. (Бироқ, 2-3-ракъатларда фақат “Фотиханинг” ўзи, зам сура қўшилмай ўқилади)



Кейин охирги ташаххуд учун ўтирилади. Бунда ҳам чап оёқни тўшаб, устига ўтирилади. Ўнг оёқ аввалги қабилида ёки сувратда кўрсатилгандек “ифтирош” ҳолатида бўлади. (Бу ерда “ифтирошнинг уч ҳолати берилган. Уччаласи ҳам тўғри ўтиришлардир) Кейин «аттаҳияту» билан «Аллоҳумма солли алаа...», «Аллоҳумма, баарик алаа...» дуолари ўқилади. Булардан сўнг пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган дуолардан хоҳлаганининг ўқиса бўлаверади..



Кейин ўнг ва чап елкасига «ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ» деб салом бериш билан намозини тугатади.

Илмга амал қилмоқ

Амал қилинмаган илмни Аллоҳ, Унинг пайғамбари ҳамда мўминлар ёмон кўрадилар. Зеро Аллоҳ таоло дегандир: *“Эй, иймон келтирганлар! Нега сиз қилмаган нарсаларингизни гапирасиз? Қилмаган ишини гапирмоқ Аллоҳ наздида катта гуноҳдир!”* (61/2,3). Абу Хурайра разияллоху анху айтганлар: “Амал қилинмаган илм гўё Аллоҳ йўлида сарф қилинмаган хазинага ўхшайди!”. Фузайл разияллоху анҳа эса: “Олим одам то илмига амал қилмагунча жоҳил бўйича қолаверади” деганлар. Малик ибн Динор эса бу масала юзасидан: “Баъзи одамлар борки, гапирганда бирон ҳарфда ҳам хато қилмайди, аммо амалларининг барчаси хатодир” деганлар.

Мусулмон биродарлар, оға-инилар, опа-сингиллар!

Сиз Аллоҳнинг изну иродаси ила мазкур китобни ўқиб чиқдингиз. Энди таҳсилнинг меваларини теришгина қолди. У эса амал қилмоқдир.

❖ Сиз бу китобда Қуръон оятлари ва оятларнинг тафсирини ўқидингиз. Энди уларга амал қилишингиз лозим. Саҳобалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин!) пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламдан фақат ўн оят таълим олишиб, то ўша оятларга амал қилишни ўзлаштирмагунча кейинги ўн оятни дарс олмас эдилар ва “Биз илмни ҳам, амални ҳам ўргандик” дер эдилар. Чунки, шариатимиз шунга буюрадир. Ибн Аббос разияллоху анху Аллоҳ таолонинг **“Уни (Қуръонни) ҳаққи рост ўқидилар”** деган оятини **“Унинг маъноларига амал қилиб, эргашдилар”** деб тафсир қилганлар. Фузайл разияллоху анху эса бу борада мана бундай деганлар: “Умуман олганда Қуръону Карим амал қилиш учун нозил бўлган эди. Аммо одамлар уни ўқишигина амал қилиб олдилар”.

❖ Шунингдек сиз – эй, мухтарам ўқувчи – бу китобдан улуғ пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ҳам таълим олдингиз. Энди уларга амал қилмоқ навбати келди. Севиқли пайғамбаримизнинг буйруқларига лаббай деб жавоб бериб, айтганларини бижо қилишга бел боғланг! Зеро, яхши уммат ўз пайғамбарининг айтганларини дарҳол бажаради ва шунга даъват қилади. Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам: «Мен сизларга бир нарсани буюрсам, тоқатингиз етганича бажаринг ва бир нарсдан қайтарсам дарҳол қайтинг» (*Муттафақун алайҳ*) дедилар ва Аллоҳ таолонинг ман бу оятини эслатдилар: **“Унинг (пайғамбарнинг) буйругига хилоф қилганлар бошларига синов ёки азоб келишидан огоҳ бўлсинлар!”** (Нур: 63)

❖ Биз тубанда пайғамбаримизнинг ҳадисларига амал қилишнинг баъзи намалнуарини баён қиламиз:

— Мўминларнинг онаси Умму Ҳабиба Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг **“Қимда ким бир кеча кундуз мобайнида ўн икки ракъат (нафл ёки суннат) намоз ўқиса, унга жаннатдан бир уй бино қилинар”** деган ҳадисларини ривоят қилиб, “Мен мана шу ҳадисни эшитганимдан бошлаб ўша ўн икки ракъатни қанда қилмай ўқидим” деганлар.

— Ибн Умар разияллоху анху пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг **“Қўлида васият қилгудек мероси бўлган одамнинг то васиятини ёзмай туриб икки тун ухлаганга ҳам ҳаққи йўқ”** (Муслим) деган ҳадисларини ривоят қилгач мана